ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

O'zNNTMA

18 МАЙ - ТОШКЕНТ

2021

СОЦИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШ ВА СОЦИАЛ ТАДҚИҚОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МАТЕРИАЛЛАРИ

I ҚИСМ

https://nuu.uz

Тошкент - 2021

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
«СОЦИОЛОГИЯ» КАФЕДРАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

“ИЖТИМОИЙ ФИКР”
РЕСПУБЛИКА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ
МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ

СОЦИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШ ВА СОЦИАЛ ТАДҚИҚОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МАТЕРИАЛЛАРИ

2021 йил 18 май

I ҚИСМ

Тошкент - 2021

Социологияни ўқитиш ва социал тадқиқотларни ташкил этишнинг долзарб масалалари. Илмий-амалий конференция материаллари. I қисм. – Тошкент: ЎзМУ, 2021. – 312 б.

Масъул муҳаррир: **К.Каланов** – социология фанлари номзоди, профессор

Тақризчилар: **А.Умаров** – социология фанлари доктори, профессор
Н.Аликориев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳрир ҳайъати: **А.Холбеков** – социология фанлари доктори, профессор
Г.Жиянмуратова – соц.ф.ф.д. (PhD), доцент
А.Аликариева – социология фанлари номзоди, доцент

Конференция Ўзбекистон миллий социология мактаби ривожига
улкан ҳисса қўшган устозларимиз:

академик	Убайдуллаева Раъно Ахатовна
профессор	Атамирзаев Озод Бобомуродович
профессор	Ганиева Маърифат Хабибовна
доцент	Қаюмов Ўткир Каттажонович
доцент	Агзамхўжаев Ижод Хамидуллаевичларнинг

ёрқин хотирасига бағишланади

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

КИРИШ СЎЗИ

Иномжон МАЖИДОВ
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети ректори

Ассалому алайкум ҳурматли ҳамкасблар, илмий конференция иштирокчилари!

Ўзбекистон Миллий университетида “Социологияни ўқитиш ва социал тадқиқотларни ташкил этишнинг долзарб масалалари” мавзусида ўтказилаётган Республика илмий-амалий конференцияси мамлакатимизда муҳим ўрин тутган фан ва таълим соҳасининг долзарб мавзуларидан бирига бағишланган.

Эътиборли жиҳати ушбу анжуман мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллик юбилейи нишонланаётган бир даврда ўтаётганлиги, ижтимоий соҳага доимо алоҳида эътибор қаратиладиган юртимизда илмий ўзига хослиги билан анжуман салоҳиятини яна бир карра оширади, деган умиддаман.

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйган ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

“Социология” атамасига ҳар биримиз ҳеч бўлмаса бир марта дуч келганмиз. Замонавий ҳаётимизда бу атама ўз номи билан айтганда, ҳаммага таниш. Телевидение, радио ҳамда газеталар аҳоли орасида турли ижтимоий муаммолар бўйича ўтказилган сўровномаларнинг натижаларини доимий эълон қилиб борадиган бўлди.

Дунёда парламент, президент бошқарув институтлари ва бошқа турли хил идора, ташкилот, муассаса ва илмий изланиш марказларининг ижтимоий хизмат бўлинмалари бугунги кунда энг муҳим ижтимоий-сиёсий муаммолар тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиб борадилар.

Олий ўқув юртларида таълим сифати ва касбий фаолиятни баҳолаш учун “Талабанинг ижтимоий қиёфаси”, “Ўқитувчи талаба нигоҳида” деб номланган сўровномалар ўтказилиб, унинг натижалари асосида истиқбол режалар амалга ошириладиган бўлди.

Мамлакатимизда социология соҳасининг амалий ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси, “Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази, Ижтимоий тадқиқотлар институти каби илмий ташкилотларнинг олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир.

Айнан, уларнинг тадқиқот натижалари бугунги кунда илмий тадқиқотчи ва изланувчилар учун кўп ҳолларда статистик маълумотлар базасини ўтаб бермоқда. Бу эса табиийки, замонавий миллий социологиянинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, демографик масалаларнинг ечимини топишда объектив ёндашув олиб бораётганлигидан далолат беради.

Ҳурматли конференция иштирокчилари, маърузамни якунлар эканман, унинг сўнггида барча сўзга чиқувчилар, илмий мунозарада иштирок этувчилар ва шўъбаларда қатнашувчи мутахассисларга тез ўзгарувчан ва рақамли дунёга айланиб бораётган бугунги жамиятда социологияни ўқитиш ва амалий социологик тадқиқотларни ташкил этишнинг долзарб масалалари ечимини топишларида омадлар тилаб қоламан.

Эътиборингиз учун раҳмат!

I ШЎЪБА. СОЦИОЛОГИЯ ЗАМОН ВА МАКОНДА: СОЦИАЛ ХОТИРА, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТ ВА ИНСОН ОМИЛИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪРИФИЙ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Мансур Бекмуродов *– ЎзРП ҳузуридаги ДБА «Бошқарув социологияси ва психологияси» кафедраси мудири, социология фанлари доктори, профессор*

Дунёда ва мамлакатимизда аҳоли турли табақалари вакиллари орасида биз қандай жамиятда яшаяпмиз, дунёвий давлатдами ёки диний жамият сари интиляпмизми, деган савол тез-тез кўтарилади. Сўнгги йилларда таълим, тиббиёт, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, айниқса муқаддас Ислом дини қадриятларига эътиборнинг ошаётганлиги бу саволнинг долзарблигини кучайтирмоқда. Шу боисдан ҳам мазкур мақолада Янги Ўзбекистонда барпо этилаётган моҳиятан янги давлат ва жамият мазмуни хусусида фикр юритилади.

Маърифий жамиятни қуриш тавсифи. Янги Ўзбекистонда инсон омили муқаддас қадрият сифатида юксалтирилиб, одамларни билимли, бахтли, эркин ва фаровон қилувчи маърифий жамиятни қуриш механизми Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилди. Унга кўра бу механизм инсоннинг маърифий комиллиги, яъни ўзини ўзи узлуксиз ривожлантириб бориши, жамиятда ҳамжиҳатликда яшай олиши, бошқаларни ўзи билан тенг кўриши, куч маданиятини эмас, балки меҳр, тинчлик ва яхшилик маданиятини бош қадрият сифатида англаши негизида амал қилади. Маърифий жамият қуриш ғояси 2016 йилда Қашқадарё вилоятида сайловчилар билан учрашувда Шавкат Мирзиёев томонидан илк дафъа жамоатчилик эътиборига қўйилган эди. Мамлакатимиз раҳбари маърифий жамиятнинг негизи бўлган оила ва ота-онанинг ибрати, уларнинг фарзандлар тарбиясидаги шахсий намунаси маърифий юксалишнинг асосидир, деган эдилар. 2017 йилнинг 19 сентябрида Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташктилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида бутун дунёга эълон қилди. “Шу муносабат билан, - деб айтдилар Президентимиз, - одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”.

Президентимиз сессия иштирокчиларига маърифий жамият қуришнинг ҳуқуқий асоси бўлган муҳим тарихий ҳужжат, яъни “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланувчи махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан чиқди. Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат, эканлиги таъкидланди. Гап фақат бир давлатда маърифий жамият қуриш ҳақида кетмаяпти, балки бутун дунёда маърифий дунёқараш ва маърифий турмуш тарзини барпо этиш устида кетмоқда. Бу эса

бутун дунёда куч, зўравонлик ишлатиш сиёсатидан тамомила воз кечиш талаб этилади. Зеро, Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек,дунёда терроризм таҳдидлари айниқса сщнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Шунингдек, Президентимиз ўзларининг мазкур чиқишлари вақтида муқаддас динимиздаги маърифий Ислом таълимотини кенг ёйиш заруратини ҳам асослаб бердилар. Президентимизнинг 2021 йил 21 январда ўтказган Республика маънавият ва маърифат Кенгашида сўзлаган нутқида таъкидлаганларидек, маърифий давлат ва жамиятнинг бош ўзаги бўлган маърифий комилликка эришишнинг ҳам уч таркибий жиҳати мавжуд. Бу уч жиҳат билим, меҳнат ва ақл омиллари бўлиб, улар фақат ўзаро фаол уйғунликда бўлгандагина самарали намоён бўлади.

Икки маданият тўқнашуви. Оламни, одамни англаш ва бошқаришда дунёни идрок этишдаги икки маданият тўқнашуви инсоният тарихини яратиб келган. Уларнинг бири оламни диний-илоҳий асосга қурилган ва ҳамма нарса инсон идрокидан ташқарида юз беради, шу боисдан ҳам оламни илоҳий билишга интилиш зарур, деб қарайди. Олам Худо томонидан яратилган, инсон фоний дунёда омонат яшайди, дунёдаги барча жараёнларда Яратганнинг ҳукми бор. Инсонга эса, фоний дунёда муваққат яшаб, ўзидан насл қолдириши ҳамда кейинги, яъни боқий оламда роҳат-фароғатда яшаши учун савоблар ва илм йиғиш имкониятигина берилган. Шу боисдан диний давлатчилик тарафдорлари дунё ишлари фақат диний қоидалар асосида бошқарилиши лозим, деб ҳисоблайдилар.

Иккинчи маданият, яъни оламни моддий-дунёвий тушуниш тарафдорларининг аксарияти эса дунёда олам ва одамни фақат материалистик нуқтаи назар орқали англаш мумкин, деб қарайдилар. Ўзини дунёвий давлат тарафдорлари деб билувчиларнинг ўзига хослиги шундаки, улар нимани ҳиссий аъзоларимиз билан идрок этсак, яъни кўзимиз билан кўрсак, қулоғимиз билан эшитсак, қўлимиз билан ушлаб кўрсак, таъмини оғзимиз билан татиб кўрсак, ҳидини бурнимиз билан сезсаккина, ўша нарсани билишимиз мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бундай ёндашув тарафдорлари “ҳаётда фақат бир марта яшайсан, шу сабабли бу оламда кучинг етганича маза қилиб, яшаб қол” деган қоидага таянадилар.

Дунёвий материалистик англаб ёндашиш назариётчилари инсониятнинг тарихи – ақлий интеллектуал ҳаётини ҳам бешта формация билан изоҳлаганлар, яъни булар: ибтидоий давр, қулдорлик даври, феодализм, капитализм ва социализм даврлари. Аммо, яқинда Австралия қитъаси яқинидаги тош орасидан бундан 5 миллион йил аввал музлаб, кейин қуриб тош қатламида қолиб кетган килька балиғи топилиб, олимлар томонидан “ДНК” ва “РНК” анализлари ўтказилгач, унинг ҳозирги килька балиғидан асло фарқ қилмаслги аниқланди. Бу мисол гарчи кичкина факт бўлса-да, катта шов-шувга сабаб бўлиб, эволюция назариясининг ўйлаб топилганлиги ва аслида эса унинг негизи мустаҳкам эмаслигини тасдиқлади.

Дунё тарихи мана шу икки ёндашув ўртасида аёвсиз кураш занжиридан иборатдир. Бу кураш занжирининг биргина ўтган ХХ асрдаги қонли бўғини

номига дунёвий, аслида эса атеистик давлатни барпо этиш мақсадини қўйган коммунистик режим томонидан 200 мингга яқин жадидларнинг қатағон қилиб қириб ташланиши, ўн минглаб масжиду мадрасаларнинг бузиб ташланиши, қадимий қўлёзмаларнинг ёқиб юборилиши, асрий маданий обидаларимизнинг йўқ қилиниши, миллат қиёфаси ва менталитетига жиддий зарба берилишида намоён бўлди.

Собиқ совет тузуми давридаги дунёвий давлат ва дунёвий жамият ниқоби остида моҳият эътиборига кўра атеистик жамиятни барпо этувчилар ўзларининг амалий ҳаракатларини оқлаш учун мустаҳкам назарий асослар ҳам яратиб олдилар. Бу жиддий назарий асоснинг биология, анатомия, геология, химия фанларидаги илдизи инглиз олими Чарльз Дарвин номи билан боғланади. Бу атеист олим дунёдаги жамики жонли ва жонсиз табиат эволюцияни ўз бошидан кечирган, деган ғояни асослашга уринади. Ўз вақтида бу ғоя аксарият зиёлилар томонидан кулгу ҳам бўлган. Аммо, инсоният учун зарарли бўлган коммунистик жамиятнинг катта назариётчилари Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин учун эволюция назарияси жуда қўл келди. Улар инсон асли бир ҳужайрали бактерия бўлган, кейин сувда сузувчи ҳайвон бўлган, эволюция таъсирида эса, бу ҳайвон маймунга айланган. Маймун эса кўп минг йиллар меҳнат қилиш натижасида инсон қиёфасига кириб ақлли бўлиб қолган, деган аҳмоқона ғоя билан одамларни ишонтиришга уринишган. Ишонтириш қийин кечганидан сўнг, коммунистлар ўзларининг бу аҳмоқона ғояларига кимлар ишонмаганини аниқлаб чиқишган. Ишонмаганлар эса, саводли, маданиятли ва эсли-ҳушли одамлар бўлиб чиққан. Шу боисдан ҳам шўролар 70 йил мобайнида фақат билимли, маданиятли ва маълумотли одамларни қиришган. Дунёвий давлат ва жамият тарафдорлари сўнгги 50 йилда бирмунча либераллашдилар. Улар дунёвий давлат динни инкор этмайди, деган нуқтаи назарни илгари сура бошладилар. Лекин бирорта ҳам дунёвий давлат динни ривожлантиришни жамият мақсадига айлантирмайди. Дунёвий давлат тарафдорлари дин ва диний эътиқодга сабр ва бағрикенглик намоён этиш билан чекланадилпар. Бунга мисол қилиб, АҚШ, Франция, Германия ва бошқа ривожланган дунёвий давлатлар сиёсатини мисол қилиб олиш мумкин.

Дунёвий давлат ва диний давлат нисбати. Дунёвий давлатнинг қатъий қоидаси бу дин давлат ҳокимиятидан ажратилганлиги ва ўз фаолиятини диний меъёрлар асосида эмас, балки реал қонунлар асосида тартибга солинувчи тузилмаларга эга давлатчилик қуриш бўлиб, давлат органларининг қарорлари диний асосга эга бўлиши мумкин эмас.

Дунёвий давлат қонунчилиги диний меъёрларга қисман мос келиши ҳам мумкин. Масалан, абортни тақиқлаш, агар бу диний шартлар билан эмас, балки умумий инсонпарварлик мулоҳазалари (аниқроғи, тиббий ва биологик мақсадга мувофиқлиги билан) асосланса, дунёвий ёндашув умумий жамият қарорига айланиши мумкин.

Дунёвийлик принципи давлатни диний догмалардан ажратишни назарда тутади, лекин динни ижтимоий ҳаётдан бутунлай олиб ташлашга интилмайди. Аммо, у ижтимоий ва сиёсий ҳокимиятни ташкил этишнинг

асосий шакли сифатида давлат ролини сақлаб қолади. Дунёвий давлатларда фуқароларни маънавий ва сиёсий тарбиялашда дин имкониятларига устуворлик берилмайди.

Диний (теократик) давлатларнинг ўзига хослиги қуйидалардир:

1) давлат ҳокимияти давлатни ташкил этиш ва бошқариш мақомига эга бўлган муайян диний ташкилотга бўйсунади ва унга тегишли бўлган қадриятларга амал қилади;

2) диний ҳуқуқий нормалар давлат қонунчилиги ва жамият қоидаларининг асосий манбасини ташкил этади;

3) давлат раҳбари бир вақтнинг ўзида энг юқори диний арбоб, олий руҳоний ҳисобланади (масалан, Ватикан давлатида). Яна бир мисол: Эрон Конституциясига биноан мамлакатнинг давлат бошқаруви Эрон Ислом Республикаси Президентидан юқори бўлган Фақиҳ назорати остида бўлади;

4) муайян диний эътиқод устувор бўлган давлатларда бошқа диниий эътиқод вакилларига тоқат қилиш мумкин, ҳатто баъзида давлат идораларида диний озчиликнинг вакили сифатида иштирок этиш мумкин.

Теократик давлатлар (диний давлатлар) – Эрон, Марокаш, Покистон, Саудия Арабистони ва бошқалар.

Маърифий давлат ва жамиятнинг асосий тамойиллари:

– давлат ва жамият тузилмаларида илм-фан ва англанган билим омилининг барча фаолиятларнинг ўзагига айланиши;

– халқ давлатга эмас, давлат идораларининг халққа хизмат қилиши сиёсатининг амал қилиши;

– инсон манфаатларига хизмат қилишнинг олий инсоний қадриятга айланиши, ҳеч кимнинг беэътибор қолдирилмаслиги, инсон саломатлиги ва таълим-тарбиясини яхшилаш масаласи давлат ва жамият ҳаётининг устувор фаолиятига айланиши;

– давлатлараро, жамиятлараро ва инсонлараро муносабатларда ўзаро хайрихоҳлик муҳитининг шакллантирилиши, елкадошлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорликнинг ҳаракатлантирувчи кучга айланиши;

– куч маданиятининг тинчликка ялпи интилиш, меҳрлилик маданияти билан ўрин алмашинуви;

– билимлар, касб-ҳунарларни англашга интилиш, ўрганилган нарсаларнинг ўргатишга интилишнинг ялпи ижтимоий ҳаракатга трансформация бўлиши;

– фаолиятда биринчиликка интилиш, яратилаётган маҳсулотлар сифати бўйича бренд даражаларга эга бўлиш ҳаракатининг кучайиши;

– миллий ва маънавий ўзликка эгалик туйғусининг ҳар бир инсонда ҳукмрон ва ҳаракатлантирувчи кучга айланиши;

– Ватанга, ўз халқи тарихи, улуғ аждодлар меросига муҳаббат, миллат маънавияти, санъати ва маданиятига садоқатнинг бош қадрият даражасига юксалиши;

– барча халқлар маънавияти ва миллий ўзлигига бағрикенглик, ҳурмат қилишга асосланган муносабатнинг барқарор шаклланиши ва мустаҳкамланиши;

– барча даражадаги ижтимоий муносабатларда компромисс муҳитидан консенсус муҳитига ўтишга интилишнинг устувор ҳаракатга айланиши;

– ҳар бир инсон ички салоҳиятининг тўла рўёбга чиқиши ва касбий ҳамда юксак ахлоқий фазилатга эришиши.

Маърифий давлат ва жамиятнинг асосий белгилари қуйидагилар:

Тўғрилик; Ақлли бошқарув; Инсон манфаатларининг устуворлиги; Меъёрга риоя қилиш; Фидоийлик; Садоқат; Одамларни рози қилиш; Ҳеч кимни беэътибор қолдирмаслик; Ўрганилган нарсаларни бошқаларга ўргатишнинг ялпи ижтимоий харакатга айланиши; Ватанпарварлик.

Хуллас, Янги Ўзбекистонда жадал суръатларда барпо этилаётган маърифий давлат ва маърифий жамият мамлакатимизни юксак интеллектуал, маънавий, ва индустриал жиҳатдан мисли кўрилмаган юксакликларга олиб чиқиши ҳамда бутун халқимиз ва ҳар бир фуқарони бахтли, саодатли қилиши шубҳасиздир.

РОЛЬ ГУМАНИТАРНОГО ОБРАЗОВАНИЯ ШКОЛЬНИКОВ В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ

Дилорам Ташмухамедова *– зам. председателя Комитета Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан по вопросам молодежи, культуры и спорта*

Современные процессы динамичного вовлечения подростков в виртуальное пространство Интернета приводит к тому, что референтные группы нуждаются в активизации позиций института школ, как механизма формирования их норм и ценностей в противовес асоциальным тенденциям. Школы Узбекистана, на наш взгляд, может и должны предоставить социально-приемлемые рамки для самореализации подростка, чтобы подростки получали адекватные ответы на актуальные для молодежи вопросы современной повестки дня. Для Узбекистана, как государства, принципиально важно формировать мировоззренческого мышления подрастающего поколения, чтобы оно не имело про социальную направленность.

Согласно данным международного исследования «The Programme for International Student Assessment» (PISA), в школах мира наблюдается постепенная тенденция не на количественные, а качественные результаты образования[1]. В частности, в программах по обучению чтению произошла переориентация от обучения скорости чтения (количественный показатель) к развитию читательской грамотности (способности человека понимать и

[1] Социально-психологическое развитие в средней школе / https://studme.org/53558/psihologiya/sotsialno-psihologicheskoe_razvitie_sredney_shkole#356

использовать письменные тексты, размышлять о них и заниматься чтением для того, чтобы достигать своих целей, расширять свои знания и возможности, участвовать в социальной жизни – качественный показатель).

На наш взгляд, в этом отношении обучение в старших классах школ Узбекистана пока не произошло такого рода качественных изменений. Фактически, речь идет о том, что школьная молодежь и их родители, стимулируемые необходимостью поступления в ВУЗ, обращаются к репетиторам. Усиленная специализация молодежи оборачивается тем, что, в первую очередь, у молодежи технической направленности, не формируется активной гражданской позиции и идеологического восприятия жизни, способной противостоять вызовам вовлечения подростков в виртуальное пространство.

В этом отношении важно существенно расширить количество и качество преподавания в старших классах средних школ и средне-специальных учебных заведениях предметов общественно-гуманитарного направления. Данные дисциплины должны ставить целью формирование у школьников старших классов способности применять на практике полученные знания и навыки в основных предметных областях, а также анализировать, рационально объяснять, эффективно взаимодействовать при постановке, разрешении и интерпретации задач в различных жизненных ситуациях.

Здесь, на наш взгляд, ценным являются теоретические наработки современной социологии, которые могут выступить базой для формирования у подростков способности к осуществлению ответственного выбора собственной индивидуальной мировоззренческой траектории. Выделим, что методы социологии позволяют постепенно сферу учения для подростков сделать местом встречи замыслов с их реализацией, в первую очередь, путем социального экспериментирования, позволяющего ощутить границы собственных возможностей личности. Социальное экспериментирование также позволяет:

– подготовить учащихся к самостоятельному планированию;

– осознанию возможных последствий реализации на практике индивидуальных установок;

– организовать игровую систему социальной жизнедеятельности и группового проектирования социальных событий;

– предоставить подросткам поле для самопрезентации и самовыражения в группах сверстников;

– создать пространство для реализации разнообразных творческих замыслов подростков, тем самым, отвлекая их от виртуального мира.

Именно широкое внедрение в школы социальных дисциплин позволяет старшеклассникам впервые на практике столкнуться с социальным самоопределением, выбрать образовательную траекторию или ориентированность на определенную профессию. Это позволит также снизить социальное напряжение от давления родителей на подростков в

плане осознанного и окончательного определения с выбором профессии и ВУЗа, в который школьник планирует поступать[1].

Так, согласно концепции возрастной периодизации Д.Б.Эльконина[2], в возрастной период 14 – 17 лет формируются профессиональные интересы, ведущей становится учебно-профессиональная деятельность, которая определяет личностное развитие, потребность к самопознанию, формирование самосознания, самоактуализацию, то есть, именно благодаря выбираемой профессии происходит развитие личности старшеклассника. При этом, как отмечает А.В. Петровский[3], процесс развития личности проходит в высокоразвитых группах, которые формируются в связи с тем, что старшеклассник самоопределяется личностно и профессионально, он начинает включаться в соответствующие группы. Очевидно, что в этих условиях подросток начинает больше склоняться к реальному, а не виртуальному пространству.

Необходимость расширения практики преподавания социальных наук в школах заключается в том, что в возрастном периоде от 11 до 18 лет, по мнению Э. Эриксона[4] молодежью решаются задачи по становлению личностной идентичности, по объединению собственных знаний о себе и представлений окружающих в единую систему, благодаря которой сложится адекватная идентичность. Таким образом, в период обучения в старшей школе государство должно через предметы социальной направленности предложить подросткам модели формирования личностной идентичности, тем самым, решая проблемы личностного становления в реальности, а не виртуальном пространстве.

В заключение в качестве конкретного предложения и учитывая все вышесказанное, хотелось бы выйти с инициативой к научному сообществу социологов Узбекистана рассмотреть Концепцию организации социологической Олимпиады старшеклассников, разработанной нами совместно с доктором социологических наук Азаматом Сеитовым на базе Комитета Сената по вопросам молодежи, культуры и спорта и Кафедры Социологии Национального университета Узбекистана.

Данная Концепция инициирует проведение ежегодной Олимпиады для старшеклассников по социологии. Ее специфика проявляется не в объединении отдельных вопросов по обществознанию и отдельных вопросов по социологии, а в междисциплинарном характере самого типа задания. Такой подход позволяет участнику Олимпиады показать не только знания, но и эрудицию, сообразительность, развивают навыки аналитического и инновационного мышления.

---

[1] Воронцов А. Б. Подходы к преемственности на разных ступенях образования (Эльконин – Давыдов) // Начальная школа: плюс-минус. – 1999. – № 4. – С. 9.

[2] Периодизация психического развития Д.Б. Эльконина / https://ru.wikipedia.org/wiki

[3] Периодизация развития личности по А.В. Петровскому / https://pidru4niki.com/1494051136747/psihologiya/periodizatsiya_razvitiya_lichnosti_petrovskomu

[4] Восемь стадий развития личности по Эрику Эриксону. / https://www.zagorskaya.info/8_stadiy_razvitia_li4nosti/

Олимпиада по социологии позволит старшекласснику провести ревизию ранее изученного материала, развивает его научное воображение (умение «инновационной догадки», а не простого «механического запоминания»), способности к анализу и абстрактному мышлению, расширяет социальный кругозор.

В самих заданиях будет содержатся много полезной информации, что позволяет характеризовать Олимпиаду как развивающую для каждого из участников. Онлайн-формат открывает участникам просторы для реализации и развития собственных «soft skills» (универсальных навыков) на практике, таких как самоорганизация и планирование самостоятельной работы. Олимпиада будущих социологов не только инструмент работы с одаренными детьми, но и способ выявления и развития их способностей.

Задания Олимпиады будут нацелены на формулировку собственного подхода участника к решению сложных социальных проблем, выявлению закономерностей социально-исторических процессов, понимание эволюции социальных институтов. Особое внимание будет уделяться вопросам относительно развития виртуальных сетей в Узбекистане. Таким образом, будет на практике реализована идея о том, что главным центром, где в первую очередь должны реализовываться выдвинутые Главой государства инициативы[1], это школы, именно они должны выступать очагом культуры и просвещения, то есть всего того, что лежит в основе 5 инициатив Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ СОЦИОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ТАДҚИҚИЙ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Рахимова Н.Х. *– “Ижтимоий фикр” РЖФЎМ директори, и.ф.д.*

Жамоатчилик фикри сўровлари фуқаролик жамиятининг фуқароларнинг ижтимоий кайфиятлари, аҳволи ва хоҳиш-истакларини акс эттирувчи ва намойиш этувчи, ҳокимият ва бошқарув органларига сиёсий соҳада, тижоратда ва мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида тўғри қарорларни қабул қилишга ёрдам берувчи муҳим воситаси ҳисобланади. Жамоатчилик фикрини ўрганишдаги кўп йиллик тажриба шуни тасдиқлаб турибдики, фуқаролар фикрлари тадқиқотларининг ривожланиши инсоннинг мамлакатимиз ижтимоий тизимидаги роли ва ўрнининг ортиб бориши, ҳар кимнинг фикри шунчаки илмий қизиқиш уйғотмасдан, балки ижтимоий ривожланиш истиқболининг мақсад ва йўналишларини танлаш учун катта амалий аҳамиятга эгалиги туфайли долзарблашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»

[1] Саида Мирзиёева: «5 инициатив нужно прежде всего внедрить в школах» / https://www.uzdaily.uz/ru/post/43307

2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667-сон Фармони қабул қилинган вақтдан буён “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази нафақат илмий-тадқиқот маркази, балки амалий тадқиқотлар маркази сифатида ҳам ривожланмоқда. Шу вақт мобайнида сўровлар ўтказиш методологияси фаол ривожланаяпти, замонавий Ўзбекистонни ривожлантиришнинг долзарб масалалари: фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши, аҳоли ижтимоий аҳволининг асосий тавсифлари, қашшоқлик, коррупция даражалари, жамиятнинг жипслашуви ва фуқаролик фаоллиги, аҳолининг ҳокимиятга ишончи ва ҳукуматнинг аҳолининг долзарб муаммоларни ҳал қилишга доир чора-тадбирларига берилган баҳоларга жамоатчилик фикри орқали қаралмоқда. “Ижтимоий фикр” РЖФЎМ сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий субъектлар, жумладан, вазирликлар, идоралар, давлат ва ноҳукумат ташкилотларининг талабига ўз вақтида муносабат билдиради.

“Ижтимоий фикр” Маркази томонидан ўтказиладиган сўровларнинг аҳамияти келгусида ижтимоий жараёнларнинг ривожланиш тенденциялари ҳақида илмий асосланган прогнозларнинг ишлаб чиқилиши ва муайян соҳада самарали ижтимоий сиёсатни таъминлашга қаратилган амалий тавсияларнинг шакллантирилишидан иборат. Сўнгги йилларда ҳокимият ва бошқарув органлари жамоатчилик фикрини ўрганиш имкониятларидан жамият ҳаётининг барча соҳаларида аниқ бир мақсадга йўналтирилган сиёсатни олиб бориш учун кенг фойдаланмоқда. Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, ижтимоий тузилма ва унинг динамикасининг асосий қонуниятлари ҳақидаги билимларни ҳисобга олмаган ҳолда шаклланган бошқарув қарорлари давлат институтларига ишонч даражасининг пасайишига, ижтимоий кескинлик, ижтимоий инқирозларнинг пайдо бўлиши имкониятининг ошишига ва аҳолининг турмуш шароитларидан қониқмаслигига олиб келувчи омил ҳисобланади. Жамоатчилик фикри сўровлари жамият билан ҳокимият ўртасидаги ўзаро алоқа механизмининг юзага келган вазиятга мос келадиган қарорларини ўз вақтида қабул қилиш имконини берадиган энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз учун ижтимоий жараёнларни детерминациялашнинг, айниқса, мамлакат ҳудудлари, шаҳарлар ва қишлоқ жойларининг ҳаётини ўрганишнинг барча даражаларини қамраб олган комплекс ижтимоий режалаштиришни ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг этник, диний, маърифий, гендер, ёш ва бошқа кўплаб кесимларни ўз ичига олган ижтимоий таркибида динамик ўзгаришлар юз бермоқда. Ушбу ўзгаришларнинг тенденциялари бир хил маъно касб этмаган ҳолда, кўп вариантли бўлиб қолмоқда, ўз навбатида, уларнинг қонуниятларини ва камида ўрта муддатли истиқболларни билмасдан ва тушунмасдан туриб, самарали бошқарув моделини шакллантиришнинг деярли иложи йўқ. Сифатли социологик ахборотга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда жамоатчилик фикрининг тегишли мониторинг тадқиқотларини ўтказиш зарурати сезиларли даражада долзарб аҳамият касб этади. Сўнгги йиллар мобайнида

“Ижтимоий фикр” РЖФЎМ ғоят турли масалалар, шу жумладан: "Ўзбекистон фуқароларининг қадрият мезонлари ва тамойиллари", "Фуқаролар ННТ ҳақида: тасаввурлар, фикрлар, умидлар", "Ўзбекистон: жамоатчилик фикри", "Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жамоатчилик фикри кўзгусида", "Гендер тенглик: хабардорлик ва мавжуд муаммолар", "Коррупцияга қарши курашиш ҳақида жамоатчилик фикри", "Одам савдоси: фуқароларнинг хабардорлиги, сабаблар ва оқибатлар", "Ўзини яккалаш тартиби даврида фуқароларнинг ижтимоий кайфияти ва ижтимоий аҳволи" ва кўплаб бошқа мавзулар бўйича мамлакат фуқароларининг ижтимоий кайфияти ва фикрлари ўлчовини амалга оширади. Умуман олганда, биргина 2020 йилда, Марказ томонидан 5 та комплекс, 7 та мақсадли, 50 та телефон ва интернет сўрови ўтказилди, респондентларнинг сони 31 минг нафардан ортиқ кишини ташкил этди. Ўтказилган амалий тадқиқотлар мавзуларининг турли-туманлигига қарамай, мазкур лойиҳалар ижтимоий хавфсизликка асос қилиб олинган бўлиб, Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг энг муҳим секторларини таҳлил қилишга қаратилган. Меҳнат миграцияси, ижтимоий табақаланиш, фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши ва уларнинг расмий тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлигига тааллуқли ва бошқа кўплаб масалалар оғриқлилигича қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий аҳволнинг ўлчовлари муаммонинг моҳиятини тушуниш, унинг аҳоли томонидан қабул қилиниши ва жамиятнинг ушбу муаммони ҳал қилиш билан боғлиқ умидларининг хусусиятини аниқлаш имконини беради.

“Ижтимоий фикр” РЖФЎМнинг асосий тадқиқотларидан бири – бу Ўзбекистон жамиятида фуқароларнинг қадриятларини ўрганиш, сўнгги йилларда мамлакатимизда ва жамиятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва ҳаётнинг барча соҳаларининг эркинлаштирилиши таъсирида аҳолининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий онгида содир бўлаётган асосий ўзгаришларни аниқлашга қаратилган «Ўзбекистон фуқароларининг фуқароларининг қадрият мезонлари ва тамойиллари» мониторинг тадқиқотидир.

Ўзбекистон фуқароси шахсининг маънавий-ахлоқий ривожланиши мамлакатни модернизация қилишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Инсонни, унинг ҳолати ва ҳаётининг сифатини четлаб ўтиб, замонавий инновацион иқтисодиётни яратиб бўлмайди. Ўзбекистон жамияти ривожланишининг суръатлари ва хусусияти бевосита инсоннинг фуқаролик позициясига, унинг мотивацияси ва эҳтиёжи соҳасига, ҳаётий устуворликларига, ахлоқий эътиқодларига, ахлоқий нормалари ва маънавий қадриятларига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида маънавий қадриятларни тиклаш, ахлоқий идеалларни шакллантириш ва миллатнинг, айниқса, ёшлар ва ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришни устувор вазифалар сифатида белгилаб берди: "ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган,

эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз". Давлат раҳбари ёш авлод “жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши” учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Мамлакат Президенти томонидан давлат ва жамиятни модернизация қилиш бўйича белгиланган вазифалар аҳолида устуворлик қилаётган қадриятлар тизимини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилишни, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг нафақат мамлакатда жамият тараққиётининг маънавий манбаларини аниқлаш, балки уни ижтимоий-маданий модернизациялаш ёки Ўзбекистон учун анъанавий бўлган қадриятларни қарор топтириш йўлидан бораётганлигини аниқлаш имконини ҳам берадиган қадриятларини комплекс ўрганишни талаб қилади.

Фуқаролар ва умуман жамиятнинг қадриятларини ўрганишнинг долзарблиги улар алоҳида олинган шахснинг хатти-ҳаракатини тартибга солишда ҳам, умуман миллат фаолиятини мувофиқлаштиришда ҳам муҳим рол ўйнаши билан белгиланади. Турли ижтимоий гуруҳлардаги қадриятларни ўрганиш масаласи жамиятдаги туб ўзгаришлар туфайли юзага келади. Давлат ва жамиятдаги ўзгаришлар муносабати билан айрим қадриятлар ўз аҳамиятини йўқотади, уларга эҳтиёж қолмайди, бошқалари эса фуқароларнинг кўпчилиги учун энг муҳим қадриятларга айланади, шунингдек, янги қадриятлар ҳам пайдо бўлади. Сўнгги йилларда муваффақият, мансаб ғоялари ва хусусий тижоратни ривожлантириш муҳим аҳамият касб эта бошлади. Умуман олганда, оила, иш, фарзандни дунёга келтириш ва тарбиялаш каби барқарор қадриятлар ўзининг маъносини, уларнинг жамиятда қабул қилиниши жиҳатларини ўзгартирмоқда. Агар бундан бир неча ўн йиллар олдин қизиқарли иш кўпчилик учун қадрият бўлган бўлса, ҳозирги вақтда пул топиш, мансаб пиллапояларидан кўтарилиш имконияти учун мотивациянинг кучайиши юз бермоқда.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни тасдиқлаб турибдики, жамоатчилик сўнгги йилларда мамлакатимиз фуқароларининг онгида, умуман, уларнинг қадриятлари тизимида катта ўзгаришлар юз берди, деган фикрда. Сўров иштирокчиларидан 86,6 фоизининг фикрига кўра, Ўзбекистонда рўй бераётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар фуқаролар ва айниқса, ёшлар қадриятларининг тизимига таъсир кўрсатмоқда.

Респондентларнинг ҳисоблашларича, ҳозирги босқичда миллий маданият, миллий таълимнинг тикланиши ва ривожланиши юз бермоқда, асосий қадриятлар бўлиб эса қуйидагилар ҳисобланади: юксак қадриятлар сифатида ҳаётни ва саломатликни сақлаш, бахт, яхши оила, фарзандни дунёга келтириш ва тарбиялаш, маълумотлилик, яхши иш ва муносиб моддий аҳвол, ўз кучига ишониб, касбида ўзини намоён қилишга интилиш, тадбиркорлик, мустақиллик, меҳнатсеварлик, масъулият, ўзини ўзи камолотга етказиш, креативлик ва янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослашишнинг муваффақиятлилиги каби маънавий-ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги.

Сўровлар мониторинги 2020 йилда 2017 йилга қараганда ўзбекистонликларнинг устувор қадриятлари ва ҳаётий қарашлари тизимида

сезиларли ўзгаришлар бўлганлигини қайд этган фуқаролар сонининг 8,2%га ошганлигини аниқлаб берди (мос равишда 78,4% ва 86,6%).

Жамоатчилик фикри сўрови натижалари шуни кўрсатмоқдаки, маънавий-ахлоқий хусусиятлар ва эътиқодлар ўзбекистонликларнинг асосий қадриятлари таркибида марказий ўринни эгаллашда давом етмоқда. Респондентларнинг устувор баҳолаш тизими барқарор хусусиятга эга бўлиб, фақат доимий ривожланишда бўлган қадриятлар иерархиясигина ўзгаради. Баъзи қадриятлар асосий, устувор бўлиб, бошқалари эса бир тоифадан бошқасига ўтади. Шунга қарамай, қадриятлар тизимининг барча элементлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва мувофиқлаштиради.

Сўровда аниқланишича, фуқаролардан кўпчилигининг фикрига кўра, ўзбекистонликлар учун оила, қариндош ва дўстларга ғамхўрлик, кекса оила аъзоларига ёрдам ва ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, ишонч, меҳр-оқибат, садоқат, ўзаро тушуниш, барча оила аъзоларига ҳурмат кабилар асосий қадриятлар ҳисобланади. Сўров иштирокчиларининг оила ҳар бир ўзбекистонликнинг ҳаётида асосий қадрият, ишончли таянч, битмас-туганмас меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, тушуниш ва сабр-тоқат манбаи эканлигига ишончи комил. Мустаҳкам оилавий муносабатлар – бу етук, масъулиятли жамиятнинг пойдевори, юртимиз бахтли келажагининг кафолатидир.

Сўров иштирокчиларининг аксарияти инсонийлик, эзгулик, раҳмдиллик, ўзгалар учун қувониш ва ҳамдард бўлиш Ўзбекистон халқи маънавий-ахлоқий қадриятларининг асосини яратишини қайд этди. Ўзбекистонликларнинг ушбу хусусиятлари, айниқса, коронавирус пандемияси ҳамда Бухоро ва Сирдарё вилоятларидаги фавқулодда вазиятлар вақтида, мамлакатнинг барча фуқаролари ўзларининг энг яхши инсоний фазилатларини намойиш этиб, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари, ёлғиз кексалар, кўп болали оилалар ва табиий офатдан жабр кўрганларга моддий ёрдам ва маънавий кўмак кўрсатганида яққол намоён бўлди. Респондентларнинг фикрига кўра, ўзбекистонликлар ҳатто ўз муаммолари ва қийинчиликларига қарамай эзгулик, олийҳимматлилик ва меҳр-шафқат кўрсатган, бунга Ўзбекистон халқининг тарихида мисоллар жуда кўп.

Фуқароларнинг фикрича, ўзбекистонликларда бошқа миллат ва элат вакиллари билан тинч-тотув яшаш тажрибаси шаклланган. Сабр-тоқат ва бағрикенглик, тинч ва тотувлик маданияти, мулоқот олиб бориш қобилияти нафақат замонавий инсоннинг муҳим тавсифлари, балки ўзбекистон-ликларнинг маданий меъёрлари ҳамдир.

Сўров давомида респондентлар жамоатчилик онгида нафақат маданиятнинг асосий элементлари, балки ижтимоий-маданий ҳодиса, изчиллик, барқарорлик ва яшаш маконининг тартибга солинганлиги омили сифатида намоён бўладиган миллий анъаналарни сақлаш ўзбекистонликлар учун муҳим қадрият эканлигини қайд этишди. Сўров иштирокчиларининг фикрича, маданий-тарихий меросни асраб-авайлаш, анъанавий халқ ҳунармандчилиги анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш, ватанпарварлик

тарбияси, миллий ўзига хослик замонавий ўзбекистонликнинг ҳаётида муҳим ўрин тутади.

Фуқароларнинг фикрига кўра, Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, ўз халқига хизмат қилиш ва Ватан манфаати йўлидаги фаол инсоний фаолият ўзбекистонликларнинг энг олий қадрияти ҳисобланади. Сўров иштирокчиларининг фикрича, Ўзбекистонга, туғилиб ўсган жойига муҳаббат, ўз халқи ва мамлакатига муҳаббат ва уларга хизмат қилиш, аждодларининг анъана ва урф-одатларини сақлаш ва уларга риоя қилиш, ўз мамлакатининг тарихини ўрганиш ўзбекистонликлар маънавий-ахлоқий шахсининг негизидир.

Сўров шуни кўрсатдики, жамоатчилик онгида мамлакат Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида Ватан тарихини реабилитация қилиш бошланганлигини, унинг қаҳрамонона воқеаларини ва машҳур арбоблар сиёсий жараёнда яна пайдо бўлиб, аҳоли кенг қатламининг онгида янгиланганлигини англаб етиш устуворлик қилмоқда. Сўров иштирокчилари Давлат раҳбарининг ташаббуси билан фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги шарафига, мамлакатимиз энг яхши вакилларининг Иккинчи жаҳон уруши йилларида жанг майдонларидаги жанговар қаҳрамонлиги ва фронторти меҳнаткашларининг меҳнат жасоратига бағишланган "Матонатга қасида" ёдгорлик мажмуаси ва Ғалаба боғи яратилганлигини таъкидладилар. Респондентларнинг фикрича, мажмуанинг қурилиши Ўзбекистон халқи учун, айниқса, ёш авлодни ўз Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, халқимиз тарихининг қаҳрамонона саҳифалари ва мамлакатимизнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақидаги хотирани сақлашда улкан ватанпарварлик аҳамиятига эга.

Сўров давомида иштирокчиларга мамлакатимиз фуқароларига хос бўлган ижобий ва салбий хусусиятларни айтиш таклиф қилинди. Фуқароларнинг фикрига кўра, яхшилик ва раҳмдиллик ўзбекистонлик-ларнинг энг яхши хислатларидан бири ҳисобланади. Оилаларда болаларни жуда кичик ёшдан бошлаб меҳрибон бўлишга, катталарга ёрдам беришга, кичикларни ҳимоя қилиш ва улар ҳақида ғамхўрлик қилишга, фақат ижобий хатти-ҳаракатларни қилишга, меҳрибон ва тарбияли, раҳмдил ва эътиборли, хайрихоҳ ва самимий бўлишга ўргатишади.

Ўзбекистонликларни тавсифловчи муҳим хусусиятлардан бири – бу уларнинг раҳмдиллигидир. Респондентлардан кўпчилигининг фикрича, мушкул аҳволга тушиб қолган одамга ёрдамга келишга, мутлақо беғараз ёрдам кўрсатишга тайёрлик ўзбекистонликлар учун одатий ҳол ҳисобланади. Чин дилдан бирга қайғуриш, ҳамдард бўлиш, одамларни қадрлаш ва уларга нисбатан илтифот, меҳр-оқибат кўрсатиш ва самимий бўлиш, ўзгаларнинг муаммоларини ҳал қилиш учун ўз маънавий кучини, шахсий вақтини ва баъзан эса маблағларини сарфлаш, ‘‘чин юракдан ёрдам бериш’’ ўзбек халқи менталитетининг муҳим қисми ҳисобланади.

Фуқароларнинг фикрига кўра, сахийлик ва меҳмондўстлик ўзбекистонликларнинг энг яхши хусусиятидир. Сўров иштирокчиларининг

таъкидлашларича, мамлакатимиз аҳолиси ўзида бор нарсаларини баҳам кўришга тайёр. Улар жуда ҳам меҳмондўст ва самимий, меҳмонни қабул қилиш қобилияти халқ орасида жуда қадрланади: "ўзбек меҳмондўстлиги – бу шунчаки одат ёки гўзал анъана эмас, балки асрлар қаъридан бизгача етиб келган ахлоқий қонундир".

Респондентларнинг фикрича, ўзбекистонликларнинг яна бир ўзига хос хусусияти – бу мамлакатни янада муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва фуқаролар фаровонлигини ошириш учун асос бўладиган меҳнатсеварлик.

Тарбиялилик, камтарлик, катталарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, хушмуомалалик кабиларни ҳам тадқиқот иштирокчилари ўзбекистонликларга хос бўлган хусусиятлар сифатида айтишди. Сўров иштирокчиларининг фикрича, ушбу хусусиятлар инсонларда алоҳида қадрланади. Бу ҳар бир ўзбекистонликнинг болаликдан, асосан, оилада тамал тоши қўйиладиган ва бутун ҳаёти мобайнида ўзгаришсиз қоладиган ўзига хос ахлоқ кодидир.

Ўзбекистонликларни тавсифловчи энг муҳим шахсий хусусиятлар рўйхатига сўров иштирокчилари бағрикенглик ва тинчликсеварлик, оилавий ва қариндошлик алоқаларининг мустаҳкамлиги, сабр-тоқат, ватанпарварлик, миллий анъаналарга содиқлик ва аждодларнинг урф-одатларига ҳурмат каби фазилатларни киритдилар.

Замонавий турмуш тарзи сарф-харажатлари ўз қадриятларини ўтказади. Қадриятлар ўзгаришини кузатиш натижаларининг кўрсатишича, баъзи фуқароларда ҳокимият, бойлик, ҳаётга ва атрофдагиларга нисбатан ғаразли муносабатда бўлиш, ишлашни ва ўз касбий кўникмаларини ривожлантиришни истамаслик каби қадриятлар биринчи ўринга чиқади.

Сўров иштирокчиларининг фикрига кўра, фуқароларимизнинг асосий салбий хусусиятлари жумласига алдашга мойиллик, иккиюзламачилик ва мунофиқлик, бошқаларнинг муваффақият ва ютуқларига ҳасад қилиш, дангасалик ва бекор умр ўтказиш, соддалик ва ишонувчанлик, мақтанчоқлик ва бўрттириб кўрсатиш истаги, зиқналик киради.

Сўров шуни тасдиқлайдики, халқимизнинг маънавий бойлиги ва маънавий-ахлоқий негизлари ёшлар ва ёш авлодга юксак ахлоқий фазилатларни сингдиришга интилишда ўз аксини топмоқда, бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг замонавий ёшлари ўртасида қулай ахлоқий муҳитни сақлаб қолиш учун шароит яратди.

Сўров давомида фуқароларнинг замонавий ёшларнинг асосий ижобий хусусиятлари ҳақидаги фикри аниқланди. Респондентларнинг фикрича, ёшларга билимлар ва турли-туман соҳалардаги янги ахборотни олишга интилиш, аниқ бир мақсадга эришишга интилувчанлик ва катталарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш каби хислатлар хосдир. Сўровда аниқланишича, бозор иқтисодиётининг қадриятлари жозибали кучга эга бўлиб, ёшлар орасида қўллаб-қувватланмоқда. Уларда ташаббускорлик, омилкорлик, муваффақиятга ва мансабда ўсишга интилиш каби қадриятлар шаклланиб, ривожланмоқда.

Умуман олганда, респондентлар замонавий ёш авлодга ижобий баҳо беришади. Ўзбекистонликларнинг зеҳнида ёшлар ҳақида жамиятнинг тарбияли, ахборотлардан хабардор, ташаббускор вакиллари сифатидаги тасаввур устуворлик қилади.

Ўтказилган жамоатчилик фикри сўрови фуқароларнинг замонавий ижтимоий-маданий муҳит, оммавий ахборот воситалари, интернет, ижтимоий тармоқлар ва глобаллашув ёш авлодга ва ёшларга салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақидаги тасаввурларини аниқлаб берди. Ёшлар ҳаётий тажрибасининг мавжуд эмаслиги туфайли оммавий маданият телевидение ва интернет, ижтимоий тармоқлар ва реклама орқали таклиф этаётган нарсаларни танқидий қайта англашга қодир эмас. Сўров иштирокчиларининг таъкидлашларича, оммавий маданият маданий қадриятларни бузиб кўрсатмоқда, абадиятни бир лаҳзалик ҳолат билан алмаштирмоқда, оммавий ҳузур-ҳаловат дунёсини, унда ижтимоий мақом шахснинг шахсий фазилатлари ва ютуқларига эмас, балки нуфузли нарсалар тўплами, урф бўлган кийимлар, янги чиққан техник воситаларга эгаликка боғлиқ дунёни яратмоқда. Буларнинг барчаси ёшларни маънавий-қадрият борасида чалғитмоқда, маънавият ва ахлоқ ҳақидаги нотўғри тасаввурларни шакллантирмоқда, хоҳ бу янги фильмларни мунтазам кўриш, навбатдаги смартфон ёки планшетни сотиб олиш, машҳур брендлар кийимларини афзал кўриш бўлсин, тиқиштирилган турмуш тарзини юритишга мажбур қилади. Оммавий маданиятнинг ёшларга салбий таъсири оқибатлари қаторида респондентлар ёшларнинг меркантиллигини, ҳаётга шахсий талаби нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш, моддий қадриятларга йўналтирилганликни, ёшларда воқеликни пассив қабул қилиш, дангасалик ва масъулиятсизлик каби фазилатларнинг тарқалганлигини, таълим ва адабиётларни ўқишга қизиқишнинг сустлиги, интернетга қарамлик, ёмон одатлар ва идеаллари мавжуд эмаслигини таъкидладилар.

Олинган маълумотлар таҳлили шундан далолат бериб турибдики, жамоатчилик фикрида ёшларнинг ижобий қадриятларини шакллантириш зарурлигига, бунга фақат мазкур жараёнда оила, жамият ва давлатнинг фаол иштирокида эришиш мумкинлигига ишонч устуворлик қилмоқда. Бу ерда ижтимоийлашув институтларини такомиллаштириш ва уларнинг ёш авлоднинг шаклланиши жараёнига мувофиқлаштирилган ва самарали таъсирига эришиш мақсадида унда ёшлар фаолият кўрсатадиган ижтимоий-маданий муҳитнинг динамик мувозанатини сақлаб туриш муҳим аҳамиятга эга. Оммавий маданият ва истеъмол маданиятининг ёшларга салбий таъсирини фақат ёшларда мустақил фикрлаш ҳамда умуминсоний ва миллий меъёрлар ва қадриятларга мувофиқ тарзда ҳаракат қилиш маҳоратини шакллантириш йўли билан камайтириш мумкин. Сўров иштирокчиларининг фикрича, ёшларнинг қадриятлар тизимидаги салбий ўзгаришларни бартараф этиш учун ёш авлодни юксак ахлоқли, ҳалол ва виждонли, мустақил фикрлайдиган, аниқ бир мақсадга интилувчи, қатъиятли ва ўз кучига ишонган шахслар қилиб тарбиялаш лозим. Сўров иштирокчиларининг фикрича,

меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, тадбиркорлик, катталарга ҳурмат каби фазилатларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Сўров натижалари умуминсоний қадриятлар ва ўзбек халқининг анъанавий қадриятлар тизими суверенитетни сақлаш ва мустаҳкамлаш, мамлакатни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмушининг сифатини оширишга қаратилган демократик ислоҳотларни амалга ошириш имконини берувчи жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий негизи эканлигини тасдиқлаб турибди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон халқининг тарихий-маданий анъаналарида сақланиб келаётган ва давлатнинг муваффақиятли ривожланишига ҳисса қўшувчи асосий қадриятлар жумласига ҳозирги шароитда ватанпарварлик ва ўз мамлакатига муҳаббат, оила ва оилавий қадриятлар, бағрикенглик ва тинчликсеварлик, эзгулик ва раҳмдиллик, миллий анъаналарга садоқат ва миллий урф-одат ва хатти-ҳаракат меъёрларига ҳурмат кабилар киради. Ўзбекистон қадриятлар ва маънавий-ахлоқий намуналарнинг ўзига хос моделига, бир қатор устунлик ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани ҳолда Ўзбекистон жамиятининг ташкилий тузилмасини такомиллаштиришнинг ўз муқобил йўлини ишлаб чиқмоқда, бу эса мамлакатимизга жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Бугунги кунда “Ижтимоий фикр” РЖФЎМ тадқиқотлар ўтказиш борасида бой тажрибага эга, лекин биз эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмаймиз ва замон билан ҳамнафас бўлишга, ўз ишимизни сифатли ва профессионал тарзда бажаришга, усулларни модернизация қилишга, одамлар, алоҳида гуруҳлар ва умуман жамиятнинг қандай ўзгараётганини ўрганиш ва аниқлашга интиламиз. РЖФЎМ амалиётида қўлланиладиган усулларнинг хилма-хиллиги янада аниқроқ, воқеликка яқинлаштирилган холис маълумотларни олиш имконини беради. Мамлакат фуқароларининг фикри ва хатти-ҳаракатида юз бераётган сифат жиҳатдан туб ўзгаришларни англаш жамоатчилик фикри социологиясининг салоҳиятидан Ўзбекистон жамияти ҳаётининг барча жабҳаларини демократлаштириш ва либерал-лаштириш бўйича ижтимоий жараёнларни бошқариш самарадор-лигини ошириш ҳамда юзага келаётган ижтимоий муаммоларни тушуниб етиш манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини беради.

Келгусида ижтимоий ривожланишнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, муайян жамоатчилик фикри сўровларининг натижаларига асосланган прогнозларини ишлаб чиқиш зарур. Шу нуқтаи назардан ижтимоий тизимлардаги ички ўзаро муносабатлар ва ўзаро боғлиқликларни очиб беришга имкон берувчи ижтимоий моделлаштириш усулларидан кенг фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга. Олдинда Ўзбекистоннинг янги ижтимоий муҳити – демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамиятини қуришда жамоатчилик фикри сўровларининг аҳамиятини очиб бериш вазифаси турибди.

Ўтган 2020 йил воқеаларга бой бўлди, у дунёга, мамлакатимизга, жамиятга ва ҳар бир алоҳида олинган инсонга кўплаб синовларни олиб

келди. Йил жуда мураккаб ва кескин бўлди, бироқ шу билан бирга коронавирус пандемияси натижасида юзага келган ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни тезроқ бартараф этишга умид уйғотиш йили ҳам бўлди.

Марказ фаолиятининг қайсидир йўналишларини биз тўлиқ ўзлаштирдик, баъзиларида биз ҳали янгимиз. Шунинг учун "Ижтимоий фикр" Маркази ходимлари тиришқоқлик билан сидқидилдан меҳнат қилмоқда ва ҳар куни ўрганиб, янги билимларни эгалламоқда. Бугунги кунда Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази олдида мураккаб вазифалар турибди. Реал муаммолар ва уларнинг ечимлари нуқтаи назаридан Марказ томонидан жамоатчилик фикри сўровларининг мониторинги орқали ўтказиладиган тадқиқотлар фуқароларнинг мамлакатда юз бераётган ўзгаришларга бўлган муносабатини аниқлашнинг бугунги кунда бошқарув жараёнида ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларнинг ҳолати ва динамикасини объектив баҳолаш, қабул қилинаётган сиёсий ва бошқарув қарорларининг оқибатларини прогноз қилиш учун ниҳоятда зарур бўлган ўзига хос воситасига айланмоқда. Бунинг учун ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларнинг сабабли-оқибатли боғлиқликларини аниқлашга қаратилган таҳлилий тадқиқотлар, ўзбекистонликларнинг кундалик ҳаёт воқеликларини ҳисобга олувчи комплекс тадқиқотлар зарур.

Биз ўз фаолиятимизда устозимиз, академик Раъно Ахатовна Убайдуллаеванинг кўрсатмаларига қатъий амал қиламиз. Афсуски, улар 2020 йил 11 декабрь куни оламдан ўтдилар. Раъно Ахатовна: "Доимо олға интилиш, эришилган ютуқлар билан чекланмаслик, ўз мамлакатига виждонан ва ҳалол хизмат қилиш ҳамда роҳатланиб ишлаш керак!", деб таъкидлар эдилар. Ўйлаймизки, агар ҳар бир инсон ўз ишида ушбу кўрсатмаларга амал қилса ва уни ўз ҳаётий принципларига айлантирса, биз 2020 йил олиб келган барча қийинчиликларни шараф билан енгамиз, бу жараёнда янада жипсроқ, кучлироқ бўламиз ва ўз юртимизни чиндан ҳам обод ва буюк мамлакат даражасига етказамиз.

"СОЦИАЛ ДАВЛАТ" НАЗАРИЯСИ ВА УНДА ИНСОН ОМИЛИ МАСАЛАЛАРИ

Инаков К.К. *– ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети декани, п.ф.н., доцент*

Социал давлат концепцияси ижтимоий тизим сифатида мураккаб ички тузилишга эга бўлиб, тартибли, яхлит, ўзига хос узвий алоқадорлик ва турли ижтимоий муносабатлар бирлигини ташкил этади. Ҳар қандай ижтимоий тизим ўзининг таркибий тузилишига эга. Жамиятнинг барча соҳалари, жумладан, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, ижтимоий турмуш, фан ва бошқалар йирик социал тизимларнинг таркибий элементи саналади.

Тизим сўзи лотин тилидан олинган "systema" – яъни, бўлакларга ажратиш мумкин бўлган "қисмлар"дан "тузилган" яхлитликни англатади. Демак, ушбу таърифга мувофиқ тизим – бу бир-бири билан узвий

муносабатда бўлган, ўзаро алоқадор элементларнинг яхлит йиғиндисидир. Мазкур тушунча қадимдан кенг кўлланилиб келишига қарамасданилмий жиҳатдан чуқур ишланмаган ва тавсифланмаган категория саналган.

Социологияда ижтимоий тизим тушунчаси илк бор Т.Парсонснинг 1937 йилда яратилган "Социал хатти-ҳаракат структураси" китобида хатти-ҳаракат белгиси сифатида қўланилди. Айни даврдан ижтимоий тизимлар назарияси умумий социологиянинг нисбатан янги тармоғи сифатида ривожланиб борди. Т.Парсонс фикрича, «Ҳар қандай мавжудлик тизимли фаолият асосида барқарор ижтимоий тузилмани ҳосил қилади».[1] Унинг 1951 йилда яратилган «Ижтимоий тизимлар» асарида тузилма ва тизим бир-бирини тўлдирувчи ва бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайдиган тушунчалар сифатида таърифланади[2]. Бу икки тушунча инсоният мавжудлигининг, жамият ижтимоий ҳаётининг асосий икки устқурмаси, яъни, ҳаракатсиз шакл ва ўзгарувчан моҳиятдан иборатдир. Тизимнинг афзаллиги жамиятда содир бўлаётган воқеа ва жараёнларнинг, яъни, социал воқеликнинг тартибга солиб туриши орқали барқарорликни таъминланишидир.

Россиялик тадқиқотчи Ю.Волковнинг таърифича: «тизим – бу маълум вақт давомида у ёки бу даражада ўзаро муқим алоқадорликда бўлган қисмлар йиғиндисидир».[3] Демак, тизимлар, хусусан, ижтимоий тизимлар назарияси ижтимоий-гуманитар фанларнинг фундаментал назарияларидан бўлиб, бир томондан, шахслар, кичик гуруҳлар, турли жамоалар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларни тартибга солиш воситаси сифатида қабул қилинса, иккинчи томондан, уларни илмий ўрганиш усули ҳамдир. Тизимли ёндашув бу вақт мобайнида билиш жараёнининг универсал воситасига айланди.

Т.Парсонс жамият тараққиётини таъминлашда тўрт элемент: 1) биологик организм 2) ижтимоий организм (тизим нуқтаи назаридан) 3) шахс ва 4) маданиятнинг ролини алоҳида кўрсатиб ўтади. Уларнинг бир-бири билан функционал боғлиқликда ҳаракатланиши эса жамиятнинг мажудлигини таъминлайди. Ушбу тўрт элемент ичида шахс ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, шахс ўз эҳтиёжлари, қадриятли мўжаллари боис индивидуал ҳулқ-атворни намоён этади ва шу орқали тизимни тартибли ҳаракатланишига туртки бўлади.

Социлогик фанлар тизимида тизимли таҳлилнинг ривожланиши қуйидаги уч босқичда кечди.

Биринчи босқич: Ушбу босқичда жамият табиатшунослик (биология) нуқтаи назаридан, бир хиллиги, ўхшашлиги ёки ҳатто биологик организмга тенг эканлиги билан ажралиб турарди. Жамият тирик организм каби, бир-бирига боғлиқ ва ўзаро боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топганлиги ва шу асосда, социологнинг вазифаси ушбу ўзаро боғлиқликни ўрганишдан иборат эди. Ушбу босқичда социологлар тизим ёндашув асосида тизим нафақат ёпиқ

[1] Добреньков В.И., Кравченко А.И. История зарубежной социологии. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 294 с.
[2] Парсонс Т. Структура социального действия / Парсонс Т. О структуре социального действия. – М.: Академический проект, 2000. – 99 с.
[3] Социология / Под ред. проф. Ю.Г. Волкова. – Изд. 2-е, исп. и доп. – М.: Гардарики, 2003. – 512 с.

(ва шунинг учун энтропик, яъни фарқларнинг йўқолишига мойил), балки очиқ, яъни заиф иҳоталанган, деган хулосага келди.

Иккинчи босқич: Бунда «тизим» тушунчаси асосан бир-бири билан ўзаро боғлиққисмлардан ташкил топган мураккаб объектларнинг хатти-ҳаракатларини акс эттирувчи абстракция сифатида тавсифланди. Вазифалар қисмларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилишдан, турли тизимлар ва кичик тизимларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилди. Шу билан бирга, тизим ёндашувини такомиллаштириш тизим чегаралари ва фавқулодда хусусиятлар муаммолари каби баъзи бир муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Учинчи босқич: Бу босқичда референт тизимлар назарияси шакллантирилди. Ушбу назарияга мувофиқ тизим ташқи муҳитдан фарқланади ва у ўз чегараларини қайта тиклаши мумкин. Ушбу тушунчага эга бўлган ижтимоий тизимнинг элементлари одам эмас, аксинча, мулоқотдир.

Хулоса қилиб айтганда социологияда социал давлат концепцпяси “ижтимоий тизим” сифатида қабул қилинади ва шунинг асносида амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОЦИОЛОГИЯНИНГ КЕЧАГИ КУНИ, БУГУНИ ВА КЕЛАЖАГИ ҲАҚИДА

Алиқориев Н.С. *– ЎзМУ профессори*

Маълумки, социология жуда қадимий фан бўлишига қарамасдан, унинг намоёндалари XIX асрнинг ярми ва XX асрнинг бошларидан социологияни фан сифатида тан олинишини талаб қилиб чиқдилар. Натижада, социология фан сифатида тан олинди ва ривожланган давлатларда китоблар шаклида нашр этилди ва халқга тарқатилди. Бунга мисол қилиб, Огюст Контни айтиш мумкин. Шундан бери, социология мустақил фан сифатида Европада ва баъзи бир бошқа давлат университетларида фан сифатида ўқитила бошлади. Европада ва Америка қитъасида капитализм тизимининг ривожланиши билан бирга социологиянинг ҳам баъзи бир йўналишлари ривожлана бошлади. Бунга мисол келтириб, Тейлорнинг меҳнат соҳасидаги яратган ва саноатда қўллаган, меҳнатни бошқаришнинг илмий ва амалий жиҳатларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Европа ва Америкада саноат ривожланишининг натижасида, йирик меҳнат жамоалари пайдо бўла бошлади ва уни бошқаришда ҳам социологиянинг ўрни зарур эканлиги кўрина бошлади. Йирик завод ва фабрикаларда ходимларни бошқариш ва уларни меҳнат унумдорлигини ошириш зарурияти туғилиб қолди. Катта бойликка эга бўлишни истаган капиталистик дунё инсонларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш заруриятида меҳнатни бошқариш ва унумдорликни оширишнинг социал ва иқтисодий омилларини илмий асосда топиш учун жуда катта меҳнат сарфладилар. Барча саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа соҳаларда инсон

учун зарур бўлган социал шароитлар яратилди ва унинг натижасида меҳнат унумдорлигини маълум даражада оширишга эришилди. Капиталистик дунё аста-секин социал тараққиётга эга бўлиб, инсонларга етарли ва яхши шароитлар яратган ҳолда, кўпроқ капитал маблағларни йиғишга сазовор бўлдилар. Шундай қилиб, капиталистик дунё бойиб кетди. Социологиянинг самарали усулларидан фойдалана олмаган давлатлар, айниқса, социалистик давлатлар эса камбағаллашиб қолдилар. Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Социологияни менсимаган жамиятлар секин-аста таназзулга учраб, йўқ бўлиб кетдилар.

Ўзбекистонда ҳам социология ўз ифодасини кўп йиллар давомида топа олмади ва фақатгина 60 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, социологиянинг учқунлари пайдо бўла бошлади. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида социологик сектор ташкил қилинди, аммо унинг ривожи деярли кўзга кўринмади. 1967-1970 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Кибернетика институтида академиклар: Восил Қобулов ҳамда Эркин Юсуповларнинг ташаббуси билан, янги социологик тадқиқотлар лабораторияси ташкил этилди. Бу лабораторияга ёш олим иқтисод фанлари номзоди камина – Нуриддин Алиқориев раҳбар этиб тайинланди. Юқорида зикр этилган академиклар ва Тошкент Обкомининг котиби М.Абдурразоқовнинг ва бошқа олимларнинг ёрдамида бу лаборатория доирасида социологиянинг энг долзарб муаммолари ҳисобланган: социал бошқарув, меҳнатни бошқариш, таълим тизимининг ҳолати ва тараққиётини ўрганиш, ҳамда туман, шаҳар, вилоятлар ва Республика кесимида социал-иқтисодий ривожланишнинг илмий ва амалий дастурини яратиш бўйича жуда катта салоҳиятга эга бўлган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди ҳамда социологиянинг амалий жиҳатларини қўллаш соҳасида Ангрен шаҳрининг 20 йиллик социал-иқтисодий ривожланиш дастури ишлаб чиқилди ва жорий этишга топширилди.

Социология лабораториясининг энг асосий ишларидан бири – бу социология соҳасида ўнлаб кадрларнинг тайёрлангани бўлса, иккинчидан социологияда алгоритмлаш ва математик моделлаштиришнинг асослари яратилди. Афсуски, кейинроқ 1990-2000 йилларнинг бошларида таназзулга йўл тутган Академия ва унинг институтлари қаторида Кибернетика институти ҳам ёпиб юборилди.

1989 йилда СССР таълим вазирлигининг фармони билан, 3-4 та Республикаларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳозирги Миллий университетнинг фалсафа факультети қошида Социология кафедраси очилди. Бу кафедрада аста-секин социологиянинг учқунлари пайдо бўла бошлади. Натижада, олий маълумотга эга бўлган социолог кадрлар тайёрлана бошланди. 1994 йилдан бошлаб, бу кафедрага камина – профессор Алиқориев Нуриддин Сапарқориевич раҳбар этиб тайинланди. Кафедра қошида социологик марказ ҳам бор эди. Аста-секинлик билан, кафедрада социология фани номзодлари ва фан докторлари пайдо бўла бошлади. Бунга мисол, ҳозирги кунда шу кафедра қошида ҳимоя қилган фан докторларидан: Абдуғани Холбеков, Марина Сухомлинова, Марифат Ганиева, Абдусалом Умаров, Баҳром

Фарфиев, Нодира Латипова, Ташпўлат Матибоев, Азамат Сеитов ва бошқалар. Фан номзодларидан: Комилжон Каланов, Алишер Юнусов, Аълохон Аликариева, Хайринисо Хусанова, Умида Собирова, Жамила Маткаримова, Гулноз Жиянмуратова, Сабохат Каланова ва бошқалар.

Ҳозирги кунда фан доктори диссертацияси бўйича ҳимояга чиқаётганлар 4-5 тани ташкил қилса, номзодликка ҳаракат қилаётганлар эса 10 кишидан ортиқ. Ўтган даврга нисбатан фан докторлари ва номзодлари кўпайган бўлса-да, уларнинг бугунги сони талаб даражасида эмас. Республикамизнинг аҳолиси яқин ўн йиллар ичида 45-50 миллионга етиши кутилмоқда. Социолог олимларнинг сони ва салмоғи ҳам ҳеч қандай талабга жавоб бера олмайди. Социология фанининг олдига қўйган бугунги масалалари, ўзининг мураккаблиги ва буюклиги жиҳатидан биринчи даражада эканликларини ҳисобга олсак, уларни ечадиган социолог олимларнинг сони талабга мутлақо жавоб бера олмайди.

Бугун жамият олдида янги Ўзбекистонни қуриш масаласи ва уни социал-иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшиш, каби буюк ишлар бизни кутмоқда. Муаммолар ичида энг каттаси – Ватанимизнинг барча ҳудудларида, тармоқларида ва корхона-муассасаларида социал-иқтисодий ривожланишни замон талаби даражасида бажаришдан ва шу билан бирга Ўзбекистон халқининг барча ижтимоий ва иқтисодий талабларини юқори даражада қондириш ва табиатни ҳимоя қилишнинг турли қирраларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг барча соҳа ва йўналишларида ижтимоий ва иқтисодий хавфсизликни барпо этиш – бизнинг энг асосий вазифаларимиздир.

Ўзбекистон Республикасининг социологлари ва социология фани олдида буюк вазифалар турибди. Уларга биринчи навбатда аҳоли бандлигини тўла таъминлаш, камбағалликни мутлақо йўқотиш, саломатликни юқори даражада тиклаш, кўпчиликни ташкил этган ёшларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва, айниқса, Ўзбекистон аёлларининг энг бахтли даражага эришишларида ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва шу билан бирга, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини ишончли, кафолатли даражада мустаҳкамлаш ва барча давлатларга, айниқса, қўшни давлатларга беғараз ва самимий ёрдамларимизни кўрсатиш кучига эга бўлишимиз лозим.

Жонажон Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг олиб бораётган моҳирона сиёсатлари ва, айниқса, социал тараққиётга сарфлаётган куч-ғайратлари ва сарфиётлари кўзга кўриниб турибди. Мамлакатимизда яратилган ва узоққа мўлжалланган стратегик дастурлар бунга мисолдир. Бугун социологияга ва унинг ривожига нисбатан олиб борилаётган социал сиёсат янада бизнинг ишончимизни оширишга олиб келади.

Бизнинг юртимизда устозларга юксак эҳтиром ва ҳурмат билан ёндашиб келинмоқда. Устозларимиз социология соҳасида келажак авлодга буюк меросни қолдирди. Ёзиб қолдирган китоблари, маърузалари, шогирдлари ва социология фани учун беминнат хизматлари нафақат ўзбекзабон юртларга, балки бошқа миллат вакилларига ҳам катта илм барака бериб турибди. Ҳурматли конференция аъзолари, мен сизларни социология

соҳасидаги ютуқларини табриклаш билан бирга, бир дақиқа сукут сақлаган ҳолда ўтган улуғ социологларимизнинг рухларини эслашни таклиф қиламан. Улардан академик Раъно Ахатовна Убайдуллаева, профессор Маърифат Хабибовна Ганиева, профессор Озод Бобомирзаевич Ата-Мирзаев, фан номзодлари Қаюмов Ўткир Каттахўжаевич, Ижодхон Аъзамхўжаев, Хасан Отамуродов, Чори Боқиев, Марина Хомова ва бошқалар. Уларнинг порлоқ хотираси доимо ёдимизда қолади. Социологлар шундай олимлари билан фахрланади ва доим хотирлайди.

К ВОПРОСУ ФОРМИРОВАНИЯ КУЛЬТУРЫ СОЦИОЛОГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ

Холбеков А.Ж. *– профессор НУУз*

Нам, отечественным социологам как представителей академической науки, предстоит создать не только адекватный «социологический портрет» нашего общества, определив основные параметры его социального развития на основе программы масштабного исследования его жизни, но и формировать культуру социологического мышления у граждан.

Однако культуру социологическую мышления необходимо формировать не только у будущих специалистов-социологов, но и у широкой массы населения, у всех образованных людей.

Культура социологического мышления или социологическая культура должна пронизывать всю структуру общественной жизни – от средств массовой информации и коммуникации до бизнес-структуры и сферу предпринимательства, в том числе микро- и макроэкономику, а также систему образования, культуры и науки как важного вектора гуманизации общества. Она должна привнести культуру человечности в общественное сознание. Доходя до системы управления, она должна обогащать управленческие решения принципами гуманизма и демократии.

Во-первых, она должна привнести свежую кровь человеколюбия на всю систему исполнительной власти, начиная от районных, городских и областных хакимиятов. Руководители министерств, комитетов и агентств также должны быть вооружены социологическими рекомендациями, принимая действительно обоснованные решения для всей систем и подструктур, вверенным им.

Во-вторых, депутаты всех уровней, начиная от районных, городских и областных до членов Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, должны почувствовать реальную практичность рекомендаций социологов.

В-третьих, специалисты и профессионалы правоохранительных органов и силовых структур, начиная от военных структур до прокуроров всех уровней должны иметь четкое представление о значении человеческого фактора и учета человеческого составляющего тех масштабных событий, с которыми они так или иначе сталкиваются в своей каждодневной работе.

Например, для полевых командиров всех уровней в руководителей военных коллективов, не говоря уже о генералитете, одинаково значимо знание как индивидуальных, так и коллективных механизмов социального поведения и действия, начиная от каждодневного самочувствия отдельного солдата до моральных качеств офицерского состава военных частей.

Рядовой милиционер, ведущий внимательную каждодневную работу в махаллях и местах массового проживания людей, должен быть компетентным не только в сфере личностных характеристиках отдельных людей, но и социального благополучия целого квартала. Этим должен заботиться и министр внутренних дел страны, ведь из социального самочувствия целых кварталов и городов складывается тот социально-психологический настрой, которого как сердцебиение людских сообществ он должен каждодневно чувствовать. Не только для прокурора отдельно взятого района, так и для работников Генеральной прокуратуры страны одинаково важны не только то, как руководители различных организаций, предприятий и коллективов придерживаются законности, но и то, как режим законности служит благополучию отдельного человека.

Депутат Законодательной палаты должен знать не только менталитет и особенности своего электората (закон должен иметь «национальный дух»), но и особенности состояния нервов индивидуального и массового сознания людей, через которых проходят и аккумулируются нити взаимных социальных актов, связей, действий и отношений между людьми.

Если речь идет об объединения человеческого фактора во всей гигантской системе взаимоотношений в обществе, отталкиваясь от первичного ее «атома», т.е. человека, то на первый план выходят проблемы формирования в общественном сознании культуры социологического мышления. Не социологу ли лучше всех знаком этот аспект наравне со всеми обществоведами – историками, культурологами, антропологами, психологами и политологами? Ведь социолог сталкивается в этом водоразделе с той социальной точки отсчета, откуда берут начало интересы от самого простого гражданина до политического руководства в такой сложной системе, как общество. Именно синтетический континиум «человек – общество» и передает ту специфическую универсальную сущность социологии как науки, наиболее направленную на понимание человека и его проблем, не исключая в этом ракурсе даже естественные, технические и др. науки, если они ориентированы на нужды человека.

Действительно, социолог, отталкиваясь от определенного актуального факта из общественной жизни и размышляя об этом системно, строит свои воззрения и мыслительные конструкции. Иногда он может брать один единственный факт из всей громады социологической эмпирики. Мерилом же при этом должен быть внимательность и чуткость к интересам человека. В этом состоит суть гуманистической функции нашей науки. Социолог должен быть там, где люди и их интересы, а не там, где «модно». Социология должна служить потребностям общества, а не прихотям определенного круга лиц, захотев быть обласканной властью.

Благо, что социология в наше время в информационном плане не испытывает большие трудности в аккумуляции социальных фактов, как в прежние времена. В наш век глобализации эту задачу берет на себя СМИ, ИКТ, ТВ, Интернет, мобильные средства связи и др. Во многом все эти вездесущие факторы жизни общества, заполнившие все социальное пространство, облегчают работу социологов. Но социологи в наше время должны не отставать от них, быть наплаву, а не «тонуть» в них. Она должна воспользоваться также услугами статистики, которая еле успевает за высокими темпами социальных изменений.

В мире все изменилось кардинально, скорость изменения всей реальности просто космическая и социальные науки должны также менять свою траекторию развития в сторону ускорения. В мировоззренческом плане социология должна быть в первых рядах научно-практической деятельности, в среде наук, определяющих будущие контуры развития общества, сохранив при этом свои имманентно присущие ей гуманистические функции.

МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН ОМИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БЕШ ТАШАББУСНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Умаров А.А. *– ЎзДСМИ профессори*

Президент Шавкат Мирзиёев Ўқитувчи ва мураббийлар куни – умумхалқ байрами арафасидаги тантанали мажлисда сўзлаган нутқида “Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик... Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз”, – деб эътироф этди[1]. Бу юртимизда инсон омилини кўтариш, илм-фан ва таълим соҳасида туб бурилишлар ясаб, даврнинг долзарб чақириқларига жавоб берадиган, маънавий етук, интеллектуал комил авлодни тарбиялаш вазифаси зиммага олинди, дегани. Шу муносабат билан Юртбошимиз томонидан кўтарилган беш муҳим ташаббуснинг аҳамияти беқиёс эканига яна бир карра иқрор бўламиз.

Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган ёшлар маънавиятини янада юксалтириш, таълим-тарбияси учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган бешта ташаббусдан бизнинг соҳамизга яқин бўлган биринчи ва тўртинчи ташаббуслар ғоясининг келиб чиқиши, илдизлари ва зарурати хусусида айрим фикрларни баён этмоқчимиз.

Биринчи ташаббус ҳақида. Ривоят қилишларича, Аллоҳ таолло одамни лойдан яратгач, унга най садоси остида жон киргизган, шундан санъат инсоннинг жисми жонига вобаста бўлиб, моҳиятидаги азалий унсурга айланиб қолган экан.

[1] https://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020.

Дарҳақиқат, инсон тан ва жондан иборат хилқатдир. Тан барча аъзоларимизнинг жами бўлса, жон эса руҳ, сезги, ақл ва ҳиссиётларимиздан таркиб топган.

Инсон боласи дунёга келиши билан (баъзи олимларнинг эътирофича – дунёга келмасидан олдин ҳам) унинг тани ва жонини асраб-авайлаш, парваришлаш пайида бўлинади. Тарбия ҳам аслида шу икки жиҳатга – жисм ва руҳнинг камолотига қаратилган бўлади.

Жисм тарбияси билан жисмоний тарбия шуғулланса, руҳ тарбияси ғоят мураккаб бўлиб, унга инсоният томонидан кашф этилган зоҳирий ва ботиний илмлар, санъатнинг барча турлари сафарбар этилади. Кишининг жисмоний шаклланиши билан боғлиқ жисмоний тарбия маълум ёшда ўз ниҳоясига етсада, маънавий-руҳий тарбия, ақлий камолот чегара билмайди.

Президент Ш.М.Мирзиёев илгари сурган ёшлар маънавиятини янада юксалтиришга қаратилган биринчи ташаббус айнан уларни санъат ва маданият масканларига кенг жалб этиш экани бежиз эмас. Ёшларни санъатга ошно қилиш, ўзларидаги истеъдод ва иқтидорни кўпроқ намоён этиш, ҳаётларида санъатнинг мўъжизавий кучидан илҳомланиб, сурур билан яшашга шарт-шароит яратиш – ташаббуснинг бош мақсадидир.

Маълумки, ҳар қандай санъат турининг асосий вазифаси гўзаллик яратиш ҳисобланади. Санъаткор, у мўйқалам соҳибими, бастакор ё ҳайкалтарошми, шоир ёки ёзувчими, наққош ё муғаннийми ёхуд амалий безак устасими – ўз ижод маҳсулини ҳамиша гўзаллик қонунларига мувофиқ яратади. Бу гўзаллик ижодкорнинг асл ҳаётдан, табиатдан олган таассуротлари, завқ-шавқи ва илҳомининг меваси бўлиб дунёга келади. Ана шу гўзаллик томошабинга, тингловчига, китобхонга ҳам завқ-шавқ улашиб, уларга ҳузур бахш этади, ҳиссиётларини қўзғатиб, руҳиятини аллалайди. Гўзаллик, шу тариқа, яхшилик, эзгулик тимсоли бўлиб, киши қалбидан жой олади, уни ижобий хислатлар измига солади.

Биринчи ташаббуснинг беқиёс аҳамиятини белгилаб берадиган ушбу муддао ўта теран фикр-мулоҳаза маҳсули эканини шундан англаса бўладики, бунда ёш йигит-қизни ўзининг иқтидори, ўзининг интилиши, ўзининг куч-ғайрати, ўзининг саъй-ҳаракати билан гўзаллик ва эзгуликнинг муҳиби этиб тарбиялашга имкон бор. Ҳамма гап шу механизмнинг бир маромда ишлаши учун зарур инфратузилмани ҳосил қилиш ва ишга солишда. Бунинг учун мамлакатимизда етарли моддий ва маънавий ресурслар мавжуд. Бу борада болалардаги санъатга қизиқишни, иқтидорни эрта аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш яхши самара бериши аниқ.

Мавжуд мусиқа ва санъат мактабларининг фаолиятини янада кенгайтириб, улардаги педагоглар имкониятини ишга солган ҳолда санъат турлари бўйича қўшимча тўгаракларга мактаб ёшидаги ўғил-қизларни жалб этиш, катта ёшлиларни маданият марказларидаги хилма-хил тўгаракларга қамраб олиш лозим. Бундан ташқари, катта муассаса ва ташкилотларнинг ўзида ҳам қизиқишлар бўйича актёрлик, чолғу ижрочилиги, ашула ва рақс, бахшичилик ва бошқа турли-туман тўгараклар, клуб ва студиялар очиш мумкин.

Тўртинчи ташаббус ҳақида. Аслини олганда, биринчи ташаббус билан тўртинчи ташаббус ёшларнинг маънавий-интеллектуал ривожланишига қаратилган бир йўналишдаги ғоялар сирасига киради.

Инсоният тарихида яратилган кашфиётларнинг энг буюги – китобдир. Китоб – мўъжиза, китоб – илмлар хазинаси, туйғулар чаманидир. Олдин ҳам, ҳозир ҳам бирор инсон боласи китобсиз баркамоллик остонасига қадам қўёлмайди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш тўртинчи ташаббуснинг асоси ҳисобланади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда аҳоли, айниқса ёшлар орасида китоб ўқиш, мутолаа билан шуғулланиш пасайиб кетгани маълум бўлиб қолди. Буни кўпинча ахборот тарқатишнинг техник воситалари кўпайгани, телевидение ва интернет тармоқларининг ривожланаётгани билан боғлашади. Бу фикрда ҳам жон бор, албатта. Аммо, бундан ташқари, 2006 йилдан бошланиб, 10 йилдан кўп давом этган оддий аҳоли билан таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари ўртасидаги "бегоналашув", афсуски, мутолаа маданияти даражасининг тушиб кетишига сабаблардан бири бўлди. (Биз бу тўғрисида ушбу конференциянинг 2020 йил 23 апрелдаги мажлисида батафсил фикр юритганмиз)[1].

Хайриятки, кейинги йилларда кутубхоначилик бошқаруви ва мамлакатимизда китобхонликка бўлган муносабат кескин ўзгарди. Юртбошимиз мутолаа масаласининг ёшлар тарбиясидаги ва, умуман, жамият ҳаётидаги ҳал қилувчи аҳамиятига катта эътибор бераётганини беш ташаббуснинг бири сифатида айнан ёшлар китобхонлиги илгари сурилганидан ҳам билса бўлади.

Мазкур ташаббуслар кундан-кунга қанот ёзиб, мамлакатимизнинг энг олис сарҳадларигача етиб бораётгани, бунинг устига «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» бўлган 2020 йилнинг 14 декабрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «2020 – 2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури тўғрисида»ги 781-сон Қарори қабул қилингани чиндан ҳам учинчи Ренесанс пойдеворини барпо этиш сари ташланган амалий қадамлардан бири сифатида кишини қувонтиради.

Дастур мамлакатимизда мутолаа маданиятини юксалтириш учун халқимизнинг юксак бадиий-эстетик талаблари, илмий-интеллектуал эҳтиёжига жавоб берадиган китобларни юқори сифат билан чоп этишдан тортиб, нашриёт ва ижодкорлар фаолиятига кўмаклашиш, китоб савдосини ташкил этиш тартибларини соддалаштириш, янги нашр этилган китобларнинг ўз ўқувчиларига етиб боришини таъминлаш, ахборот манбаларини тарқатиш тизимини такомиллаштириш, электрон китоблар яратиш, анъанавий китобларни рақамлаштириб, уларнинг нусхаларини

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикасида кутубхоначилик соҳасидаги ислоҳотлар таҳлили // Социологияни ўқитиш ва социал тадқиқотларни ташкил этишнинг долзарб масалалари" Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2020. – Б. 16-18.

кутубхоналарга тарқатишгача бўлган кенг чора-тадбирлар мажмуасини қамраб олгани билан ажралиб туради.

6 бобдан иборат Дастурда унинг мақсадлари, вазифалари, асосий тамойиллари, амалга ошириш йўллари, устувор йўналишлари, молиявий манбалари, ундан кутилаётган натижалар аниқ ўз ифодасини топган. Айниқса, “Дастурнинг долзарблиги, китобхонлик маданияти шаклланиши ва ривожланишидаги муаммолар” деб номланган 2- бобида бу соҳадаги тизимли нуқсонлар кўрсатиб ўтилганки, ҳужжатни ҳаётга татбиқ қилишда бунинг аҳамияти беқиёс. Жумладан:

“бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш ишлари пухта ўйланган тизим асосида ташкил этилмаган;

аҳоли, айниқса, ёшлар орасида бадиий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талаб чуқур таҳлиллар асосида ўрганилмаган;

чоп этилаётган китобларни аҳоли ўртасида оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш, таълим муассасалари, кутубхоналар, маҳаллаларда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувларни ташкил этиш ҳамда таълим муассасалари, айниқса, мактабгача ва бошланғич таълимда ўқиш маданияти ва мутолаа кўникмаларини шакллантириш тизимли йўлга қўйилмаган”, – каби муаммоларнинг борлиги, шунингдек, китоб чоп этиш, уни китобхонларга, кутубхоналарга етказиш борасида ҳам анча-мунча оқсоқликлар мавжудлиги Дастурни бажаришда алоҳида эътибор талаб этадиган жабҳаларнинг турли-туманлигига ишора беради.

Дастур уч босқичда амалга оширилади, яъни 2020-2021 йилларни ўз ичига олган биринчи босқичда китобхонлик маданиятини ривожлантириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади;

2022-2023 йилларни ўз ичига олган иккинчи босқичда китобхонликка оид инфратузилма мустаҳкамланади;

2024-2025 йиллардан иборат учинчи босқичда ёшларнинг китобхонлик маданиятини жадал ривожлантириш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ўсиши ҳисобига инсон капитали сифатини яхшилашга эришилади.

Дастурнинг “Кутилаётган натижалар” бобида “аҳоли, айниқса, ёшлар орасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, улар орасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, китобхонлик маданиятини ривожланган давлатлар билан таққосланадиган даражага кўтариш ҳамда ёшларнинг китобхонлик маданиятини жадал ривожлантиришга, уларнинг маданий саводхонлиги ўсиши орқали инсон капитали сифатини яхшилашга эришилади” деган жумлаларни ўқир эканмиз, мутолаа орқали мамлакатимизни янги марраларга кўтариш, янги босқичларга олиб чиқиш имкони очилишига ишончимиз ошади.

Хуллас, олиб борилаётган маданий-маърифий сиёсат, изчил амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар юртимизда инсон омилининг ривожланишига, инсон капитали салмоғининг ошишига ва олдимизга қўйган улуғвор мақсадларимизга эришишга мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

НАСУЩНЫЕ ЗАДАЧИ СОЦИОЛОГИИ НА СВЕТЕ НОВЫХ ВЫЗОВОВ ВРЕМЕНИ

Убайдуллаева Р.Т. *– и.о. профессора, НУУз,*
Холбеков А.Ж. *– профессор НУУз*

Человеческий мир вступил в третье десятилетие третьего тысячелетия, который ознаменовался тревожными признаками. Оказалось, эпоха глобализации приготовила человечеству проблемы огромного масштаба, начиная от экономических до экологических. Парадокс заключается в том, что род человеческий, сумевший в процессе развития цивилизации ответить опасностям и угрозам ее существования, в эпоху бурного развития науки, техники и технологий начал испытывать громадные сложности в противостоянии рисков, угроз и опасностей.

Так или иначе, жизнь всякого общества в современном мире соответствует глобальным процессам, происходящим в мире, состояние которых можно охарактеризовать как «турбулентными», т.е. как крайне неустойчивыми. Можно понять состояние всякой науки, в том числе социальных наук. Действительно, изменения происходят настолько стремительно, что социальные науки не успевают «ухватиться» за ними, не говоря уже о прогнозе и анализе. Это относится и к социологии прежде всего. Налицо отставание социологии от реальности и процессов. По этому необходимо бить тревогу о том, что наша социологическая наука отстает от практики.

Именно социология призвана найти адекватные ответы вызовам времени и в прогностическом плане. Никому не секрет, что эта наука имеет триединую сущность и практическую направленность, т.е. она может дать точную картину на основе фактологических (эмпирических) доказательств, диагноза их реального состояния, но и анализировать вариантов и прогноза последствий социальных проблем. В частности, эмпирическая социология дает и весь алгоритм решения социальных проблем: от социального предвидения и прогноза до их планирования, проектирования, программирования. Далее социологи могут предложить и социальных технологии. Так, в США еще в начале XX века наибольшего развития и применения получила прикладная социология. Прикладная социология (Applied Sociology) – это изучение конкретных сфер общества и разработка социальных технологий, для практического применения в целях достижения реальных, необходимых результатов.

Инициативы Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева, носящие глубоко социальное значение и имеющие четкий социальный вектор, ставят

перед отечественными социологами задачи по решению очень значимых социальных вопросов в системе: «реальная картина – проблема – анализ –диагноз – технология решения – прогноз результатов и последствий».

Значит, прежде всего необходимо создать адекватный «социологический портрет» нашего общества, определив при этом параметры его социального развития. Для этого необходимо вести комплексный анализ, прежде всего разработать программу масштабного исследования повседневной жизни общества. На наш взгляд, эта программа включает в себя следующие пять направлений:

1) Методологический анализ социальной жизни узбекского общества:

- теоретико-методологические основы социологического анализа общественных систем и процессов;
- анализ социальных проблем общества путем выстраивания основных концепций;
- конструирование социальных проблем как аспекта модернизации гражданского общества;
- исследование социальных проблем методом контент-анализа;
- всесторонний анализ социальной сферы общества.

2) Разработка проблем безопасного и устойчивого развития общества:

- социологический анализ реализации концепции безопасного и устойчивого развития современного общества, включая современных социальных механизмов (экономических, социальных, экологических, военно-политических и научных) ответа глобальным и региональным угрозам обществу;
- разработка механизмов социальной стабильности как условия обеспечения жизненно важных интересов нашего общества.

3) Проблемы социальных изменений, развития и динамики:

- концептуальный анализ объективных изменений как фактора социальной модернизации общества;
- поиск действенных факторов консолидации, приводящих его к стабильности и прочности;
- анализ проблем уровня, качества и образа жизни людей как констант социального благополучия.

4) Разработка проблем регионалистики:

- социально-экономические основы региональной политики в условиях трансформации общества;
- социологический анализ социального благополучия населения регионов;
- управление социальной безопасностью гражданского общества на региональном уровне.

5) Разработка актуальных направлений социального прогнозирования:

- прогнозирование перспективных моделей социального благополучия граждан, социальных групп и населения регионов;
- разработка социального прогнозирования реформ жизни общества;

– прогноз возможных угроз по отношению к социуму.

Как видно, озвученные проблемы многообразны, системны и сложны. Для их изучения и разработки рекомендаций потребуются много сил. На наш взгляд, прежде всего в структуре Академии наук Республики Узбекистан или Национального Университета Узбекистана необходимо создать Институт социологии. Подобного научно-исследовательского учреждения не было никогда в нашей стране, хотя аналогичные институты функционируют в некоторых странах СНГ уже давно. Учитывая социальный вектор развития Узбекистана в настоящее время, нельзя откладывать этот организационный вопрос на долгий ящик. Данное решение способствовало бы не только координации научно-исследовательских работ, но и формированию социального заказа на актуальное в наше время социологического знания во всех сферах жизнедеятельности общества.

Однако, о том, что социология как отрасль науки в Узбекистане еще не получила должного развития, можно отметить на примере международного опыта (США, Великобритания, Германия, Франция, Россия и др.) Новый характер производства, рынок, проблемы миграции, урбанизации, преступности, совершенствования производства, требуют конкретных знаний по управлению, организации деятельности во всех сферах общественной жизни, начиная от работы общественного транспорта и кончая проблемами стабильности семьи. Необходимо формировать и развивать такие актуальные направления социологии, как: социальная экология – об условиях сохранения здоровья и работоспособности; социология города – о процессах увеличения населения городов и их трудоустройства; социология религии – о влиянии религии на жизнедеятельность людей; военная социология – об институте армии и вооруженных сил в социуме и регионах; социология девиантного поведения (алкоголизм, наркомания, преступность) и др. Достаточно упомянуть о социологии общественного мнения: не секрет, что без должного одобрения людьми не может быть эффективной политики, т.е. разработки конкретных предложений по совершенствованию деятельности в конкретных регионах по улучшению жизни и повышению благосостояния людей.

В свое время в развитых демократических странах было определено, что затраты на подготовку специалистов–социологов окупаются многократно в результате внедрения научных рекомендаций социологов, чем действия методом проб и ошибок.

Во Франции первая кафедра социологии возникла в Сорбонне еще в XIX веке. В настоящее время в США насчитывается большое число организаций (крупных и мелких агентств, государственных и частных), занимающихся социологическими исследованиями, результаты которых оформляются в социо-инженерные проекты, системы управленческих решений и практические рекомендации. Еще в 1970 году в США насчитывалось 241 социологическое отделение в университетах и колледжах. В настоящее время в России функционируют социологические факультеты в Москве, Петербурге, Новосибирске, Саратове и множество центров

и лабораторий, систематически занимающихся социологическими исследованиями.

В настоящее время в Узбекистане идет обновление всех сфер жизни общества. Руководством страны определена стратегия широкомасштабных реформ, опирающаяся на мудрость народа, его культурное наследие и социальный капитал. Данная политика требует глубокого изучения положения дел в регионах и в городах, на селе и в центре, среди молодежи, среди среднего, наиболее социально активного и пожилого населения Узбекистана. Для этого необходима подготовка высококвалифицированных кадров-социологов, способных обобщив данные о финансовом положении компании, делах на рынке сбыта и технологий производства, предложить новые методы управления или организации деятельности, разработать практические рекомендации по повышению результативности работы во всех отраслях и сферах жизни общества.

Современное общество можно охарактеризовать как информационное общество, главным богатством которого является информация об обществе, человеческой деятельности и результатах профессиональной, учебной, трудовой, политической жизни. Интенсификация информационных процессов ставит задачу разработки новых технологий обработки и анализа данных, к числу которых относятся технологии интеллектуального анализа данных, которые используются для обнаружения неявных отношений и связей. Традиционные методы математической статистики, доминирующие в социологии, недостаточно проникают в суть явлений. Необходимы специалисты в области социальной информатики.

К сожалению, сложившаяся в Узбекистане система подготовки кадров-социологов не отвечает современным требованиям, как в силу количества выпускников, так и в силу качества. Отсутствие социального заказа на социологическое знание не дает возможность социологам продуктивно трудиться в учреждениях, организациях, на производстве и снижает качество подготовки специалистов в университете. В настоящее время значение социологического знания повышается во всех сферах жизни общества, как инженерно-технической, естественно-биологической, так и гуманитарной (медицина, образование, воспитание). Выпускники инженеры должны разбираться не только в технике, но и научной организации труда, знать принципы общения с рабочими, ИТП, руководителями, знать системы стимулов и поощрения труда, санкции и социальные механизмы повышения производительности труда. Ни один технический проект (реконструкция транспорта, строительство зданий, создание инфраструктуры) не может осуществляться без социального обоснования, в котором указывается, на какие категории населения он нацелен, какие потребности населения он реализует, как он будет эксплуатироваться и какой даст эффект.

Выпускники естественных наук (химия, физика, биология) должны изучать не только проблемы окружающей среды, но и как экология влияет на здоровье и безопасность населения. Хотя эта тематика включена в учебные курсы, однако этого недостаточно. Необходимо формирование умения

пользоваться экологическими знаниями в практической деятельности, управление окружающей средой, активное содействие сохранению природы и создание благоприятных условий для трудовой и профессиональной деятельности людей. Все это формируется социологией.

Выпускники математико-механического профиля, информатики должны уметь применять свои знания в социальной сфере. В условиях формирования информационного общества и перехода к цифровой экономике знание направлений развития общества, путей его обновления и совершенствования имеет важное значение в профессиональной деятельности математиков.

Независимо от специальности, в любой профессиональной деятельности требуется умение самостоятельно мыслить, лично участвовать в решении научных производственных задач, духовно-нравственное ценностное отношение, умение плодотворно общаться, деловые навыки и культура, которые формируются социологией. Поэтому социология должна быть включена в первый блок преподаваемых дисциплин на всех факультетах вузов.

Исходя из вышеизложенного, выдвигаем следующие предложения:

1) Прежде всего считаем целесообразным включения в штатное расписание специальность «социолог», законодательно закрепив технико-экономическим, социально-политические и образовательные требования.

2) Необходимо создать программу обучения для неспециалистов 3 типа:

а) а) для естественных факультетов университетов: курсы: социобиология, социальная экология, социальная антропология.

b) для математико-механических специальностей ввести курсы: современные технологические риски; технологии повышения эффективности труда; социальное программирование и проектирование.

c) для гуманитарных факультетов (филологического, исторического, юридического) включить курсы: социология права; социология преступности; социолингвистика; социология семьи и др.

3) необходимо совершенствование систему образования, начиная с школьного. При этом предполагается включить в программу и учебные планы обучения 8-9 классов среднеспециальных школ курс «Обществознание» с учетом того, что в этот период происходит процесс самоопределения личности учащегося.

4) необходимо создать факультет социологии в структуре Национального университета Узбекистана с новыми кафедрами: истории, теории и методологии социологии; методики и техники социологии; социологии права; экономической социологии и др.

5) необходимо открыть кафедры социологии во всех университетах страны в целях подготовки специалистов-социологов.

Современные реформы в Узбекистане требуют активной жизненной позиции у граждан. Понимание своей истинной сущности и функции, своего места в обществе строится на сознательном образе жизни, т.е. на построение

жизни своим умом, своим трудом, принимать ответственные решения. Это жизнь по велению своего ума и сердца. Этих людей нельзя будет поколебать.

В наше время происходят кардинальные процессы, скорость изменения всей реальности просто космические. Время требует, активной творческой работы. В этих условиях социологи должны быть в первых рядах активной научно-практической деятельности.

ДУНЁНИНГ ИЖТИМОИЙ МАНЗАРАСИНИ СОЦИОЛОГИК ТАСАВВУР ҚИЛИШДА ТАНҚИДИЙ МУШОҲАДАНИНГ ЎРНИ

Каланов К.К. *– ЎзМУ "Социология" кафедраси мудири, профессор*

Биз томонимиздан тайёрланган ушбу маърузада «дунёнинг ижтимоий манзараси», «социологик тасаввур» ва «танқидий мушоҳада» масалаларига урғу берилган. Таклиф этилаётган масалалар катта бир тадқиқот ишининг мавзуси ҳисоблансада, ўтган қисқа даврда биз истиқомат қилаётган ижтимоий ҳаётда реал воқеъликларнинг пандемия туфайли кескин ўзгариб кетиши кишилик дунёсининг ижтимоий манзарасини ўзгартириб юборди. Шунга мос равишда дунёқараш, фикрлаш тарзи, оламни англашга нисбатан қарашларда ижтимоий ранглар тасвири ва қолаверса инсониятнинг ўзини ўзи баҳолашда янги турмуш тарзи ҳамда стереотиплар яратилди ёки ўйлаб топилди.

Таъкидлаганимиздек, ушбу маъруза мавзуси мураккаб жараён ва ҳодисаларни қамраб олган бўлсада, унда асосий эътиборни «танқидий мушоҳада»га қаратиб ўтмоқчимиз. Маърузадан асосий мақсад, глобаллашган дунёнинг ахборотлашган маконида миллий социологиянинг бугунги ўрни ва истиқболи тадқиқотлар олиб бориш ҳамда билим бериш векторларини қайта кўриб чиқаётган бир даврга тўғри келиб, маҳаллий шароитда «танқидий мушоҳада»га асосланган ёндашувнинг ўрни ва роли қанчалик муҳим эканлигига мутахассислар диққатини жалб этишдир.

Аввалambор, қисқа сатрларда дунёнинг ижтимоий манзарасини тасвирлаб олсак. Фалсафий қарашларда у «Яратувчи» (Худо), «инсон», «табиат» ва «жамият» ҳодисаларининг ўзаро боғлиқликдаги моҳиятини тафаккурда қандай изоҳ билан белгиланишида намоён бўлади.[1] Онтологик ва гносеологик жиҳатдан таҳлил этиладиган ушбу ҳодисалар социологияда эпистемологик ёндашувга бориб тақалади. Унга кўра, тафаккур тарзи турмуш тарзида ўз ифодасини топади. Пандемия «Яратувчи» образини кундалик ҳаётнинг асосий қисмига айлантирди. Диндорлик даражаси ҳам шаклан (кийинишдан тортиб легитимлаштиришгача), ҳам мазмунан (қалб ва руҳоният) бир неча марта тезлашиб кетди. Инсон омили ижтимоий, биологик, маънавий эҳтиёжлардан ҳуқуқий ҳимоя кондицияси билан тўлиқ ифодаланишга етиб келди. Нафақат хатти-ҳаракатлар, балки ўзаро

[1] Отрешко Н.Б. Картины социального мира в современной социальной теории // Ж. Вопросы социальной теории. – 2009. – Том III. – Вып. 1(3). – С. 127.

муносабатлардаги ишонч ва кафолатлар ҳам ҳуқуқий асос устига қурилиб бормоқда. Барча даврларда табиат сиёсатга таъсир ўтказган бўлса, энди сиёсат табиатга таъсир ўтказмоқда. Жамият ривожи ижтимоий-иқтисодий таъсир механизмидан кўра, кўпроқ ахборотлар таъсири механизмига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Дунёнинг ижтимоий манзарасини шу тўртта омил орқали кўриб, ўрганиб, баҳолаб борсакда, социолог учун асосий объект инсон омили бўлиб қолади. У тадқиқот ёндашувларига кўра баъзида «шахс», баъзида «индивид» ёки «жамият аъзоси» бўлиб келиши мумкин. Маърузамизнинг асосий мавзусидан келиб чиқиб, замонавий инсоннинг ижтимоий ҳаётдаги тафаккур тарзи ва кундалик ҳаётига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Америкалик тадқиқотчи Девид Клустернинг ёзишмаларига эътибор қаратадиган бўлинса, унда бугунги дунёнинг ижтимоий картинасида «танқидий мушоҳада»га қуйидагича баҳо берилган: «Канзасдан Қозоғистонгача, Мичигандан Македониягача мактаб ўқитувчилари ва университет профессорлари ўз ўқувчиларини танқидий мушоҳада қилиш учун интилиш кераклигини уқтирмоқдалар. Биз биламизки, XXI аср қўйган талабларни бажариш учун фақат танқидий мушоҳада кўникмасига эга бўлиш ўзимиз ўрганаётган ва қилаётган ишларни янада чуқурроқ тушуниш имконини беради. Постиндустриал ва глобаллашган дунё илгари сураётган талабларни қанчалик эҳтиёт бўлиб бажариш ва тушунишга фақат танқидий мушоҳада ёрдам беради. Фақат ушбу мушоҳада турини анъанавий ҳаёт тарзимизга олиб кириш кўпинча тушунарсиз қўрқув туфайли англашилмовчиликларни келтириб чиқаради».[1] Умуман олиб қараганда, Клустернинг ушбу мулоҳазаси қанчалик реал ҳаётга тўғри келади. Танқидий мушоҳада давримизнинг бир бўлагига айлана оладими ва у социологик тасаввурнинг бир қисми бўла олиши мумкинми? – каби саволлар оқими ижтимоий ҳодисага айланмоқда.

Агар бу каби саволларга таҳминан 10-12 йил илгари жавоб бериш керак бўлганида табиийки, қийналиб қолган бўлар эдик. Авлодлар ворисийлиги, қадриятлар ва анъаналарнинг умрбоқийлиги, тарихий хотира ва ижтимоий тажриба келажак авлоднинг яшовчанлигини белгилаб беришига умид билан қаралар эди. Аммо, таъкидлаганимиздек дунёнинг глобаллашуви, жамиятнинг ахборотлашуви ахоли ижтимоий мобиллигини кутилмаган томонларга ўзгартириб юборди. Илмий адабиётларда “авлодлар тўқнашуви”, “ўзгарувчан қадриятлар”, “миграция ва бегоналашув”, “ижтимоий тармоқларнинг онг ва тафаккурга, кундалик ҳаётга таъсири” каби жумла ва атамалар пайдо бўла бошлади.

Танқидий мушоҳада қандай қилиб педагогик технологиядан реал ижтимоий воқеъликка айланиб бормоқда? Нима учун социологлар 2025 йилни “яқинлашиб келаётган янги давр” деб қарамоқдалар? Келтирилаётган илмий прогнозлар 2025 йил авлоди асосан “танқидий мушоҳада”

[1] Клустер Д. Что такое критическое мышление? [Электронный ресурс] / Режим доступа: http://testolog.narod.ru/Other15.html

билан фикрлайди мазмунидаги мулоҳазаларни илгари сурмоқда.[1] Бу вақтда ижтимоий ҳаётга болалик даври асосан инглиз тилини ўрганиш ва математик мантиқлашга ўргатилган, жисмоний меҳнат ўрнига соғлом турмуш тарзи ғояси асосида спортнинг қайсидир бир тури билан у ёки бу тартибда шуғулланадиган авлод кириб келади. 2025 йил ёшлари Gamma-авлод номи билан аталади.[2] Бу авлодда эҳтиросларҳиссиётлар ўрнини танқидий мушоҳада эгаллайди. Берилган ёки кутилаётган саволларга жавобларни Интернет сайтлари ёки ижтимоий тармоқлардан қидиради. Ҳар бир ишончли кўринган турли жавобларни фарқлаш учун ҳам энди танқидий мушоҳада зарур бўлади.

“Танқидий мушоҳада” танқиддан нимаси билан фарқ қилади? Танқид кимгадир ёки нимагадир йўналтирилиб, унда танқид қилувчи инсон ўзини оқлашга ёки исботлашга интилади. Танқидий мушоҳада онг ва тафаккурда янги билимлар ва дунёқарашни шакллантиришга қаратилган замонавий методология ва технология ҳисобланади. Танқидий мушоҳада – бу бевосита замонавий социология, психология ва фалсафанинг тадқиқот объектидир. Танқидий мушоҳада дунёнинг ижтимоий манзарасини тасаввур қилишда янгича ёндашув сифатида ҳаётимизга кириб келаётган экан, уни фақат ва фақат позитив, яъни ижобий томонга қаратишимиз керак. Танқидий мушоҳадани бюрократик механизмлар билан тўхтаиб бўлмайди. Чунки, танқидий мушоҳада – бу янги билимлар излаш, ҳар бир соҳада ихтиро ва кашфиётлар қилишга қаратилган фикрлаш тарзи ҳисобланади.

Яна савол туғилиши мумкин, нима учун айнан “танқидий мушоҳада”? Чунки, дунё жадал суръатлар билан ўзгармоқда ва биз ҳам ўзгаришга мажбурмиз? Савол: нега “инглиз тили” деб айтяпсиз? – кўпчилик рус, араб, хитой тилларини ҳам ўрганишяпти-ку. Жавоб: Тўғри, ўрганишяпти. Аммо, хитойлар, араблар ва русларнинг ўзлари оммавий тарзда инглиз тилини мукаммал ўзлаштирмоқдалар. Ижтимоий фанлар тадқиқот объекти аввал “давлат-жамият-инсон” схемасига қаратилган бўлса, энди “трансмиллий корпорациялар – иқтидор, қобилият, истеъдод – ижтимоий рақобат” формуласи устуворлик қилмоқда. Бу эса замонавий социологиянинг олдига умуман янгича ёндашувларни, янги тадқиқот усулларидан фойдаланишни талаб этади. Зеро, социологиянинг ўзи ижтимоий рақобат ичида бўлиш керак. Унинг ўзи танқидий мушоҳада омилини ўзида қўллаши керак. Янги методологик ва назарий ёндашувларни яратиш, даврга мос тадқиқот усулларини шакллантирилиш талаб этилади. Агар самара бермаётган бўлса, қайсидир тадқиқот усулларидан чекиниш лозим бўлади. Кўпинча жамият социологияни эмас, социология жамиятни тинглайди, эшитади. Аммо социология танқидий мушоҳада юритиб, дунёнинг ижтимоий манзарасини

[1] Қаранг: Ивунина Е.Е. О различных подходах к понятию «критическое мышление» / Ж. Молодой ученый. – 2009. – № 11. – С. 170-174.

[2] Қаранг: Гурова И.М., Евдокимова С.Ш. Теория поколений как инструмент анализа, формирования и развития трудового потенциала. // МИР (Модернизация. Инновации. Развитие). 2016; 7(3(27)): 150-159. https://doi.org/10.18184/2079-4665.2016.7.3.150.159

тасаввур қилишда фаоллик кўрсатса, унда жамият социологияни тинглашга мажбур бўлади.

ИЖТИМОИЙ-ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТДА ФАОЛ ЁШЛАР ГУРУҲИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Отамуратов С.С. *– “Ўзагросуғурта” АЖ бошқарув раиси, соц.ф.н.*

Жамият тараққиётини янги босқичга кўтаришнинг муҳим омилларидан бири ёшларнинг ижтимоий-инновацион фаоллигини ривожлантиришдир. Бу муҳим вазифа мамлакатда барча соҳаларни модернизациялаш имкониятини кенгайтиради. Бу мураккаб вазифа янгиликларга, яратувчиликка ва ихтиролар қилишга мойил бўлган ёшлар фаоллигининг ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ана шу икки омилнинг уйғун ҳолда кечиши кутилган самарани бериши мумкин. Уларда кечадиган жараёнларни таҳлил қилиш учун, энг аввало, “модернизация” тушунчасига аниқлик киритиш тақозо этилади.

“Модернизация” тушунчаси илмий нуқтаи назардан аксарият кўпчилик ҳолларда жамиятга нисбатан, уни тубдан ўзгартириш билан боғлиқдир. Жамиятни ўзгартиришда унинг “инқилоб”лардан фарқли жиҳати шундаки, “инқилоб” бир зарб билан барча соҳаларни ўзгартиришни назарда тутса “модернизация” босиқлик ва вазминлик тамойиллари асосида жамиятни ўзгартиришга қаратилган жараёндир.

XXI аср инсоният интеллектуал салоҳиятининг юксак даражада ривожланиши, унинг ўзини ўзи батамом йўқ қилишга олиб келадиган қуролларни ишлаб чиқаётган даври бўлганлиги боис жамиятни ўзгартиришда ҳар қандай инқилобларни ишга тушириш халокат ва фожиалар омили бўлиб қолмоқда. Мана шундай шароитда мамлакатлар тараққиёти, уларнинг бир босқичдан иккинчисига ўтишда жамиятни модернизациялаш энг мақбул йўл эканлиги ўзининг амалий исботини топмоқда.

Жамиятни модернизациялаштиришда ёшларнинг ўрни ниҳоятда катта. Улардаги янгиликка интилиш, шижоат ва инновацияга мойиллик фазилатлари жамиятни модернизациялаштиришни самарали амалга оширишга ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Аммо, бу уларнинг модернизациялашда оммавий тарзда иштирок қилишади – дегани эмас. Чунки, бир томондан, бу жараённинг мураккаблиги ва кенг қамровлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, бу жараёнда иш ўринлар учун рақобатнинг юзага келиши ва унда барча ёшлар қатнашишлари ҳамда иш ўринларига эга бўлишларининг имконияти йўқлиги ва учинчидан, улар ўртасидаги таълим олиш, касб-ҳунарни эгаллаш ҳамда ўз интеллектуал салоҳиятларини ривожлантиришга бўлган муносабатларда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишдаги номутаносиблик ҳам уларга нисбатан юзага келтирадиган муаммоларни келтириб чиқаради.

Ёшларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда самарали иштироки уларнинг замонамиз талаб қилаётган инновацион

фаоллигининг даражаларига боғлиқ. Бу осон амалга ошадиган иш эмас. Буни таҳлил қиласак: биринчиси, ёшларда инновацион тафаккурни ривожлантириш зарурияти сифатида олган эдик. Албатта, бундай тафаккур ёшларимизда қайсидир маънода улар дунёга келганидан бошлаб кундалик эҳтиёжга мос равишда оилада шаклланади. У оиладаги мавжуд интеллектуал салоҳият, қизиқишлари, интилишларига боғлиқ бўлиб, фарзандга ўтади. Аммо, қизиқиш ва интилишлар изчиллик билан қўллаб-қувватланмаса, аста-секинлик билан "сўниб" бораверади.

Биз ёшларнинг бадиий асарлар ўқишга бўлган муносабатларини аниқлаш мақсадида уларга: "Кейинги пайтларда қандай китобларни ўқидингиз?", деган савол билан мурожаат қилдик. Жавоб қуйидагича бўлди. Респондентларнинг 459 нафари (44%) айни пайтда турли йўналишлардаги китобни ўқимоқда, 536 нафари (50%) анчадан буён китоб ўқимайди, 33 нафари (3%) умуман китоб ўқимаган, 15 нафар (1%)ининг китоб ўқишга қизиқиши йўқ. Келтирилганлардан маълум бўладики, ёшларимизнинг китоб ўқишга муносабатларини қониқарли, деб бўлмайди. Суҳбатларимизда улар китобдаги воқеаларни телевидение, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалардан олаётганлигини таъкидлашди. Айни уларнинг бир қисми моддий ва ижтимоий муаммоларни ечиш зарурияти китоб ўқишга вақт қолдирмаётганлигини билдиришди. Аммо, ёшларимизнинг китоб ўқишга муносабатларини ижобий томонга ўзгартириш эҳтиёжи ортиб борганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Зеро, китоб орқали инсон тафаккури кенгаяди, унинг ўрнини ОАВ ва интернет боса олмаслигини дунё олимлари аллақачон илмий исботлашган.

Ҳақиқатан ҳам ёшларда инновацион тафаккурнинг ривожланишида улар бадиий санъат асарларини ўқишлари, ўзлари танлаган йўналишдаги илмий адабиётлардан янги ғояларни излашлари муҳим аҳамиятга эга. Улар нафақат атроф-муҳит, табиат, ҳатто жамиятда кечадиган жараёнларни ҳам ўзида ифода эттиради. Афсуски, ёшларнинг шиддат билан ўзгараётган замон ҳамда маконда кечаётган жараёнларнинг меъёрига мослашуви уларни интернет, мобил телефон ва оммавий коммуникацияларга боғлаб қўймоқда. Улар ўзларига керакли маълумотларни илмий адабиётлардан, маънавий ҳаётларини бойишига хизмат қиладиган ғояларни бадиий санъат асарларидан эмас, балки мобил телефон, интернет ва оммавий коммуникациялардан уқиб эмас, балки "ўқиб" олмоқдалар. Бу, ўз навбатида, уларда инновацион тафаккур ривожланишига эмас, балки тафаккурнинг "қотиб қолишига", барча воқелик ва жараёнларни механик тарзда қабул қилишга олиб келмоқда. Бу ҳолатнинг хатарли жиҳати шуки, эртага мамлакат истиқболини таъминлашни ўз қўлига оладиган ёш авлод тараққиётни фақат "тайёр" ғоялар ва янгиликларни механик тарзда амалиётга татбиқ қилиш, ўзи эса янгилик ҳам ихтиролар учун бошини "оғритиб" ўтиришни истамайдиган роботларга айланиб қолишлари хавфи туғилмоқда. Бу нафақат илм, фан, техника ва технология соҳасида мамлакатнинг ўзгаларга боғланиб қолишига, шунинг билан бирга, унинг суверенитетига ҳам салбий таъсирини ўтказади. Бу жараённинг олди олинмаса, эртага кеч бўлиши муқаррардир. Бунинг учун

таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг бадиий санъат асарлари, илмий адабиётлар ва журналларга бўлаётган муносабатларини тубдан ўзгартириш билан боғлиқ шакл, усул ва механизмларни ишлаб чиқишга зарурат кучаймоқда.

Ёшларда ижтимоий-инновацион фаолликнинг ривожланишида уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш муҳимдир. Интеллектуал салоҳият ҳар қандай ижтимоий тараққиёт учун етакчилик қилади. Қолаверса, интеллектуал салоҳият жамиятнинг таълим тизими, илм, фан, техника ва технологиялари ривожининг асосини ташкил этади. Бу хусусият инсон омилига, қобилияти, иқтидори ва фаол ҳаракатларига боғлиқ ҳолда кечади. Шуни айтиш лозимки, жамиятимизда бу борада зарур бўлган имкониятлар, шарт-шароитлар мавжуд. Бугун жаҳонда тараққий топган мамлакатлар тажрибаларидан маълумки, жамият тўхтовсиз ривожланишда ва такомиллашувда давом этаверади. Аммо, улар силлиқ кечмайди, балки турли муаммоларга дуч келади. Улар ўз вақтида англанмаса ва ҳал қилинмаса, муаммолар жамиятнинг инқирозга юз тутишига олиб келади. Бундай вазиятнинг олдини олиш учун илмий асосланган ғоялар ва амалий фаолият зарур бўлади. Буларнинг барчаси фанни ривожлантириш, унинг ютуқларини амалиётга самарали татбиқ қила билиш механизмига боғлиқ бўлади. Аммо, фанни ривожлантириш ва унинг ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш ҳам силлиқ кечадиган жараён эмас. Айниқса, мамлакатнинг кечагина амал қилиб келган бошқарув услублари, фан ва технологиянинг инсон эҳтиёжларининг кескин ошиб бориши шароитида талабга жавоб бера олмай қолганлигини қисқа муддатда ўзгартиришнинг имконияти йўқлиги масаланинг мураккаб эканлигини кўрсатади.

Жамиятнинг ижтимоий тараққиётида фаннинг беқиёс роли ҳақида фикр юритганимизда унинг интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришда асосий омил эканлиги назарда тутилади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фанни ривожлантиришга, ёшларимизнинг уни чуқур ўзлаштиришларига эътибор кучайди. Бу борада давлатимиз бир қатор қарорларни қабул қилди, фанимиз ривожига катта маблағлар ажратилди. Ёшларнинг ривожланган хорижий мамлакатларда эришилган ютуқларни ўзлаштириши учун, хорижий олий ўқув юртларига юборилмоқда. Аммо, ҳали бу борада ечимини кутаётган вазифалар ва муаммолар борлигини эътироф этишга тўғри келади. Фикримизча, булар қуйидагилар:

1) Бугун жаҳонда юксак тараққиётга эришган давлатларда фан, техника, технология соҳасида етишиб чиққан интеллектуал кадрларнинг етиш-маслиги. Борларининг ҳам мамлакатда мавжуд муаммоларнинг ечимлари ҳақидаги янги ғояларни ишлаб чиқишдаги сусткашликлари ва амал қилаётган шароитларга мослашаётганлиги;

2) ёшларнинг илм, фан, техника ва технология соҳаларига қизиқишлари бугунги эҳтиёжларимиздан орқада қолаётганлиги, истеъдодли ва иқтидорли йигит-қизларимизнинг хорижий элларга кетиб қолаётганлиги;

3) давлатнинг илмий тадқиқотларни олиб бориш учун ажратаётган маблағларининг натижадорлиги пастлиги (айниқса, Ўзбекистонда фан,

техника ва технология соҳасида эришилган янгилик ва ихтироларни экспорт қилиш даражасидан орқада қолаётганлиги)да намоён бўлмоқда. Биз импортга суянадиган мамлакатлар интеллектуаллари етишмаслигидан ўзга мамлакатларга боғланиб қолаётганлиги гувоҳи бўлаётганимизни англаб етмаяпмиз;

4) илмий тадқиқотлар олиб бориш учун зарур бўлган моддий-техник базаларнинг замон талаблари даражасида эмаслиги ёки мавжудларидан ҳам самарали фойдаланилмаётганлиги.

Ёшларнинг ижтимоий-инновацион фаоллигини оширишнинг яна бир йўналишини жамият ҳаётида ижтимоийлашуви, яъни умум мақсадлар йўлида ижтимоий синфлар, гуруҳлар ва табақалар билан ҳамкорлигининг мустаҳкам бўлиши, ягона куч сифатида ҳаракат қилиши масаласи ташкил қилади. Зеро, жамиятдаги синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар ўртасида якдиллик бўлмаса, уларнинг ҳар бири ўз манфаатлари йўлида тарқоқ ҳолатда ҳаракат қилишса, умум мақсадлар ва манфаатлар йўлидаги ҳаракатлар ҳам бесамар бўлиб қолаверади. Албатта, бу ерда гап уларнинг ҳар бирининг ўзига хос манфаатларини инкор қилиш ҳақида кетаётгани йўқ, балки уларни умумманфаатлар билан уйғун тарзда олиб бориш зарурлиги ҳақида кетмоқда. Бу масаланинг мураккаблиги шундаки, мамлакат бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ҳеч кимнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда жамият билан фуқаролар ўртасида ўзаро “бегоналашув” вужудга келади. Чунки давлатнинг фуқароларнинг ижтимоий ва моддий эҳтиёжларини қондириш имкониятлари камаяди. Эски ишлаб чиқариш усули ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг талабга жавоб бермаслиги янги ишлаб чиқариш тузилмасини шакллантириш заруриятини ҳамда маълум вақт ва маблағни талаб этади. Давлат фуқароларнинг шиддат билан ошиб борадиган эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўла олмайди. Бунинг оқибатида, жамиятдаги синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва табақаларнинг ҳар бири ўзи учун ўзи ҳаракат қилишга, ўзгалар билан ҳамкорликда ҳам ўз манфаатлари устуворлигига эътиборни қаратади. Бу ижтимоий-инновацион жараёнларга қанчалик ижобий таъсир ўтказишидан қатъи назар, субъектлар ўртасида руҳий жиҳатдан ўзаро бегоналашувларига таъсирини ўтказади. Айниқса, ёшлар онги, дунёқараши ва амалий ҳаётларида бу кўпроқ намоён бўлади. Чунки, уларнинг ҳаётий тажрибаси йўқлиги, бозор муносабатларига ўтишда қандай ҳаракат қилиш ижтимоий ҳамда моддий ҳаётларини шакллантириш босқичини босиб ўтмаганлиги боис, уларда жамиятдан бегоналашув руҳияти пайдо бўлади. Бу, ўз навбатида, синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар ўртасида ҳам ҳамкорликнинг шиддат билан ўзгараётган эҳтиёжларидан орқада қолишига олиб келади. Унинг хатарли жиҳати шундаки, бу ҳолат нафақат ана шу субъектларнинг барқарор ривожланишига, ҳатто жамиятдаги якдилликнинг мустаҳкамланишига ва ижтимоий-инновацион жараёнларнинг ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказади. Жамият ҳаётида синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар мураккаб институтлари вужудга келиши бир томондан, ҳар бирининг ички зиддиятлар ва қарама-қаршилик-лардан ҳоли бўла олмаслиги, ўзларининг “мен”лиги асосий омил эканлигини

англаб етишга ҳаракат қилмаслиги, охир оқибатда, ижтимоий тузилмадаги мавқеининг сусайиб кетишига олиб келади; иккинчи томондан, ўзаро ҳамкорликнинг жамият тараққиётида содир бўладиган ўзгаришлар эҳтиёжлари даражасига монанд равишда ривожланмаслиги жамиятда зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни юзага келишига олиб келади.

Жамиятда синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар ўртасида миллий тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик улар ҳар бирининг ижтимоий-инновацион фаоллиги ошишига ижобий таъсир ўтказади. Эзгу мақсадлар йўлидаги ҳамкорлик ҳар доим тараққиётга олиб келган бўлса, бегоналашув инқирозларга сабаб бўлади. Айниқса, ҳамкорлик аҳамияти инсонлар онги ва қалбида индивидуализм ва космополитизм руҳиятлари ривожланаётган бугунги кунда тобора долзарблашиб бормоқда. Президентимиз бугунги кунда ҳамкорликнинг аҳамияти ҳақида қуйидагиларни таъкидлаган эди: “...нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиб, ўзларининг асосланган таклифларини бериб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун мамлакат ва ҳудудлар даражасида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни кенг йўлга қўйиб, грантлар ва ижтимоий буюртмаларни кўпайтиришимиз керак. Вазирлик ва идоралар ҳам бир четда томошабин бўлиб ўтирмасдан, бундай ижтимоий ҳамкорлик ишларини кенгайтириши лозим”. Яъни бугун фақат ҳамкорлик орқали кўзланган мақсадларга эришиш мумкин. Чиндан ҳам, давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари ўрталаридаги ҳамкорлик алоқалари туфайли инновацион ғоялар пайдо бўлади, уларни амалга ошириш имкониятлари юзага келади. Агар бу тизимни синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар кесимида қарасак, уларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий жиҳатдан ривожланиши имкониятларининг кенгайишига, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланишига, юзага келадиган турли ижтимоий-сиёсий зиддиятлар ва қарама-қаршиликларнинг олдини олишга имконият туғдиради.

Бугун мамлакатимизда демократик қадриятларнинг ривожланиши жараёнида жамиятимиз ижтимоий тузилмасида янги ижтимоий гуруҳлар, табақалар ва нодавлат ташкилотлари кириб (шаклланиб) келмоқда. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос манфаатлари мавжуд бўлиб, уларни ўзаро уйғунлаштириш ва умуммақсадларга йўналтириш зарурияти масаласи келиб чиқмоқда. Мазкур вазифани илмий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш ва умуммақсадларга йўналтиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ қилиш учун зарур бўлган илмий таклифларга эҳтиёжлар ошиб бормоқда. Бу ўта муҳим соҳани фундаментал тарзда ўрганадиган илмий марказлар ва гуруҳлар ташкил этиш ҳамда улар фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши кутилаётган самарага эришиш имконини беради. Улар нафақат мақсад ва манфаатларни ўзаро уйғунлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқадилар, шу билан бирга, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш билан боғлиқ механизмларнинг самарали ишлашига ижобий таъсир ўтказадилар.

Бугун тараққий топган мамлакатлар, хусусан, Япония, Хитой, Сингапур ва Малайзия каби мамлакатларнинг инновацион фаолликни ривожлантириш тажрибаларидан маълумки, уларда ҳар қандай янги инновацион ғояларни амалиётга жорий қилишда унинг самарасига эътибор берилиши билан бирга самара бермаса ҳам самара берадиган янги ғояларни ишлаб чиқишда "туртки" беришини назарда тутган ҳолда муносабат билдирилади. Яъни, уларни бутунлай инкор қилмасдан "таваккалчилик" асосида амалиётга татбиқ қилинади. Бу яна янги инновацион ғоялар ишлаб чиқиш жараёнларига қизиқишнинг ортишига ва фаолликнинг ошишига ижобий таъсир ўтказади.

Тараққий топган мамлакатларнинг ана шу тажрибасини ёш тадқиқотчиларимиз ва амалиётчиларимиз онгига сингдириш бугун тараққиётимиз олдида турган вазифаларни амалга ошириш учун амалий аҳамият касб этади. Адолат юзасидан айтганда, бугун ёшларимизда янги инновацион ғояларни ишлаб чиқишга бўлган қизиқиш ортиб бораётганлигини эътироф этиш зарур. Бу борада давлатимиз ҳам уларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Аммо, ҳали бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларимиз ҳам кўп эканлигини таъкидлагимиз келади. Жумладан, амалиётчиларимизнинг "тайёр"ига ўчлиги миллий ривожланишнинг муҳим омили бўлган ўзимизнинг мавжуд илмий имкониятларимизни юзага чиқаришга хизмат қиладиган ўзимизда ишлаб чиқилаётган инновацион ғояларни амалиётга етарли даражада татбиқ этмаётганлигини ҳам айтишга мажбурмиз.

Хорижий мамлакатлар тараққиёт тажрибаларини халқимиз ҳаётига татбиқ қилишга тўла ўтиб оладиган бўлсак, янги миллий инновацион ғояларга эҳтиёж қолмаслигини чуқур ўйлаб кўришимиз керакка ўхшайди. Чет эл ютуқларини амалиётимизга татбиқ қилган ҳолда халқимизни бирлигини мустаҳкамлашга ёшларимизнинг космополитчиликка маҳкум этадиган ғояларидан огоҳ бўлишимиз зарур. Агар бу масалани ҳисобга олмасак, ёшларимиз онгида янги инновацион ғояларни ишлаб чиқишга бўлган қарашлар ва интилишлар сўниб боради ҳамда уларнинг хорижий мамлакатларнинг, анъанавий ҳаётимизга зид бўлса ҳам "тайёр" ғояларини амалиётимизга татбиқ қилиш йўлидан боришига олиб келади. Бу ўта жиддий масалага айланмоқда.

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, янги инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилишда ёшларимиз фаоллигини кучайтириш мураккаб муаммо сифатида реал ҳаётимизда намоён бўлмоқда. Айниқса, иқтисодий эҳтиёжларнинг ошиб бораётганлиги, уларни қондириш йўлидаги ҳаракатлар кучаяётгани бир қатор мамлакатлар ёшларини иқтисодиёт орқали ўзларига қарам қилишга ҳаракатлар кучаяётгани бугунги кунда уларда инновацион фаолликни кучайтириш зарурлигини ўртага қўймоқда.

Шундай қилиб, ижтимоий-инновацион тараққиёт мураккаб жараён бўлиб, унда асосий субъектлардан бири бўлган ёшлар гуруҳининг фаоллигини оширишнинг муҳим омилларига: интеллектуал салоҳиятни шиддат билан ўзгараётган замон талаблари даражасида ривожлантириш, ижтимоийлашув жараёнлари механизмларининг самарали ишлашини ташкил

қилиш, инновацион ғояларнинг моддий жиҳатдан таъминлаш ва уларни амалиётга татбиқ қилинишига эришиш киради. Аммо, улар ўз-ўзидан амалга ошадиган жараёнлар эмас, бунинг учун энг аввало, моддий базанинг мустаҳкам бўлиши лозим. Шунингдек, ёшларнинг инновацион ғоялар ишлаб чиқишга ҳамда амалиётга татбиқ қилиш руҳиятини мустаҳкамлаш ва интилишларини давлат томонидан қўллаб-қувватланишига эришилса, кутилган самараларни беради. Биз ёшларнинг фаоллигини ривожлантириш ҳақидаги ғояларни илгари сурар эканмиз, улар онги ва тафаккурида ижтимоий-инновацион ғояларни ривожлатириш ҳамда амалга оширишнинг етакчи кучига айлантириш мамлакат тараққиётининг омили ҳақидаги хулосага келамиз.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ КОНТЕКСТИДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ МОҲИЯТИ

Машарипов Б.Р. *– ЎзННТМА Раисининг биринчи ўринбосари*

Ҳуқуқий маданият бу – аниқ бир жамиятда инсонларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ёндашувларини амалга оширувчи меъёрлар, қадриятлар, юридик институтлар, жараёнлар ва шакллар мажмуидир. У бошқа маданиятларга (моддий, маънавий, сиёсий ва б.) мос тушмаган ҳолда ўзига хос моддий, маърифий ва идеаллар уйғунлигида ижтимоий-маданий маконда маълум бир жой эгаллайди.

Маълумки, жамиятнинг ҳуқуқий онгини оширмасдан, ҳар бир фуқарода қонун талабларига ҳурматни тарбияламасдан, меъёрий ҳужжатлар талабларини кундалик ҳаётга бевосита татбиқ этиш тарбиясини шакллантирмай туриб иқтисодий, сиёсий, ижтимоий масалаларни ечиб бўлмайди. Шу сабабли, ҳуқуқий маданиятни ҳуқуқий давлат қуриш, ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда дастлабки асосий масалалардан бири сифатида кўриш мумкин.

Ҳуқуқий маданиятнинг ҳолати ҳар қандай давлат ҳуқуқий тизими тўлиқ шаклланганлигининг асосий сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Ҳуқуқий маданиятда жамиятнинг фаол ривожланиши ойнадек акс этади. У ўзига жамият ҳуқуқий ҳаётининг барча асосий соҳаларини қамраб олади:

- ҳуқуқий ижодкорлик ва қонунчилик;
- ҳуқуқий онг ва ҳуқуқни қўллаш;
- фуқароларнинг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- юридик ва сиёсий институтлар;
- давлат ва фуқаролик жамияти муассасалари.

Ҳуқуқий давлатни шакллантириш аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш жараёнининг ажралмас қисмидир. Бу, ўз навбатида, фуқаролик жамияти шаклланишига ёрдам беради. Бунда қуйидаги асосий йўналишларни кўрсатиш мумкин:

- инсонпарварлик ва ижтимоий адолат негизида ижтимоий кадриятнинг ҳуқуққа нисбатан муносабатини жамоат онгида тан олиш;
- ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш: турли фикрлар ҳисоби ва муқобил ҳуқуқий актларни тайёрлаш;
- ижтимоий сўровлар ва референдумлар олиб бориш.

Умуман фуқаролар ва бутун жамият ҳуқуқий маданиятини ошириш учун ҳуқуқни ҳурмат қилишга ва ҳуқуқий фаолликни қўллаб-қувватлашга қаратилган иқтисодий, сиёсий, ташкилий, маъмурий, тарбиявий комплекс чоралар керак.

Ҳуқуқий маданият бу – ўзига хос ижтимоий кўриниш, уни шахс ва жамият ҳуқуқий ҳолатининг сифатли кўринишида қабул килиш мумкин.

Муаммонинг ҳар томонлама ўрганилишини таъминлаш учун ҳуқуқий маданият бўйича орттирилган назарияни комплекс кўллаш зарур.

Ҳуқуқий маданиятнинг фуқаролик жамияти шаклланишига таъсир этиш даражасини аниқлаш учун ҳуқуқий маданиятни ижтимоий феномен сифатида тушуниб олиш зарур.

Биринчи қарашда ҳуқуқий маданият бутунлай ҳуқуқшуносликка тааллуқлидир. Бироқ, унинг мазмуни чуқурроқ ўрганиладиган бўлса, унга юзаки ва бир томонлама ёндашилганлиги аниқланади. Табиийки, бу борада олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас. Ҳуқуқий маданият жамиятнинг ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган.

Унинг ўрганилишига илмий адабиётларда муҳим эътибор бериб келинмокда. Ҳуқуқий маданият юзасидан мавжуд тадқиқот натижаларига таянган ҳолда уни ҳаракат бажаришда ҳуқуқнинг устуворлиги билан характерлаш мумкин. Масалан, ўзликни англаш, ҳуқуқни рўёбга чиқаришда жавобгарлик ҳисси, меъёрлар ва умуминсоний қадриятларга ижодий ёндашиш; зиддиятли ҳуқуқий ҳолатларда миллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этиш.

Агар инсоннинг ҳуқуқий ҳаётда иштирок этиш ролининг ошиши нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлса, биринчи навбатда ҳуқуқий маданиятнинг функционал таркибий аспектига эътиборни каратиш лозим. Бу ерда жамиятнинг ҳуқуқий маданияти жамият маданиятининг бир тури сифатида ўзида ҳуқуқий онг ва қонунийликнинг маълум бир даражасини акс эттирувчи, инсонлар томонидан яратилган барча қадриятларни қамраб олувчи ҳуқуқ соҳасида яратилган қонунчиликни ва юридик амалиётни такомиллаштириш сифатида намоён булади. Ҳуқуқий онгда ҳуқуқ тўғрисида баҳоловчи ҳуқуқий-ҳуқуққа зид, қонуний-ноқонуний каби мезонлар билан изоҳланади. Ҳуқуқий маданиятнинг асосий мақсади жамиятнинг ҳар бир аъзосининг ҳуқуқий хатти-ҳаракати билан изоҳланади.

Ҳуқуқий маданият – динамик ҳодиса бўлиб, у нафақат цивилизация кадриятларини ўзида мужассам этиб, балки цивилизациянинг ўзини ҳам ривожланишига ва тартибга солинишига ёрдам беради.

Энг эътиборлиси, унда одоб-ахлоқ қадриятлари муҳим ўрин тутади. Шахс ва жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини одоб-ахлоқ қоидаларисиз

тасаввур қилиб бўлмайди. Обод-ахлок қоидалари, маданий қадриятларнинг жамиятимизда тикланиши нафақат юксак умумий маданиятнинг зарурий элементи, балки бутунлай мамлакатнинг ва ҳар бир алоҳида шахснинг ҳуқуқий маданияти элементи ҳисобланади.

Ҳуқуқий онгнинг асосий ғояларидан бири бу – анъанавий ҳуқуқий жавобгарлик турларига – жиноий-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқийларга қўшимча конституциявий жавобгарликнинг мавжудлигидир. Бизнинг назаримизда конституциявий жавобгарлик келгусида фуқаролик жамиятининг конституциявий-ҳуқуқий ривожланишининг кафолатларидан бири бўлиши мумкин. У давлат ташкилотлари ходимлари ва мансабдор шахсларига нисбатан амал қилиши лозим.

Ҳуқуқий маданиятнинг моҳиятини тушуниш орқали аниқ бир ҳуқуқнинг тарихий характерини, унинг ўша даврдаги жамият тузуми, менталитети ва халк қадрияти билан яқин алоқасига баҳо бериш мумкин.

Табиийки, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти шахснинг ҳуқуқий маданиятига бевосита, шу жумладан қуйидагиларни ўз ичига олувчи индивидуал ҳуқуқий онгга ҳам таъсир этади:

а) ҳуқуқий билим ва қарашлар;

б) ҳуқуқий таассуротлар ва ҳиссиётлар;

в) ҳуқуқ субъектларининг истаклари.

Ҳуқуқий онг жамиятнинг позитив ва негатив ҳодисаларининг бутун бир ҳуқуқий мажмуини акс эттиради. Ҳуқуқ тартиботини мустаҳкамлаш ва унга риоя этиш ҳисси шахснинг ўзида пайдо бўлиши позитив ҳаракатга ундовчи омиллар ҳисобланади.

Шахс ҳуқуқий онгининг маданиятли тўғри йўлга қўйилиши бу – амалдаги қонун ҳужжатлари моҳиятини ва аҳамиятини тушунишга, ҳуқуқнинг ижтимоий қадриятини англашга ёрдам берувчи ҳуқуқий тарбия ва таълим беришдир. Бунда шахс негатив воқеа-ҳодисага дуч келганида шахс уни ҳаётнинг нормал ҳодисаси сифатида қабул қилмасдан, балки ҳуқуққа зид бўлган ва уни бартараф этилиши лозим бўлган ҳодиса сифатида қабул қилади.

Ҳуқуқий тарбия – шахснинг ижтимоий ҳаётда тарбияланишида муҳим ўрин тутади. Унинг мақсади жамият томонидан қабул қилинган ҳуқуқий меъёрларга мувофик шахснинг ўз хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш орқали ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдан иборат.

КАЧЕСТВО ЖИЗНИ СТАРШЕГО ПОКОЛЕНИЯ КАК ОДНО ИЗ ПРИОРИТЕТНЫХ НАПРАВЛЕНИЙ СОЦИАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ ГОСУДАРСТВА

Камалова Х.С. *– доцент КГУ*

Стремительный рост народонаселения современной эпохи оказывает возрастающее влияние на жизнь отдельных государств, на международные отношения, на личности.

Демографическая проблема занимает особое место среди огромного количества проблем: предотвращение ядерной войны, преодоление отсталости развивающихся стран, продовольственная и энергетическая проблемы, ликвидация опасных болезней, загрязнение окружающей среды и ряда других проблем. Она обусловливает развитие практически всех глобальных проблем человечества. В связи с лавинообразным ростом населения на Земле у человечества появляются все новые и новые проблемы, например, современная пандемия коронавируса.

По подсчетам ученых, Земле уже несколько миллиардов лет. По оценкам ООН, к 2050 году на планете будет жить около 8,5 млрд людей. Естественно, что им всем нужна вода, пища, воздух, энергия и место под солнцем. Но наша планета уже не в силах предоставить этого каждому человеку.[1]

Важность и значимость демографической проблемы признана всеми государствами. В конечном пространстве рост населения не может быть бесконечным. Стабилизация численности населения в мире – одно из важных условий перехода к устойчивому эколого-экономическому развитию.

Отмечая, что современная цивилизация, развитие мировой экономики обеспечили населению Земли более высокий жизненный уровень и увеличивающуюся продолжительность жизни, хотим подчеркнуть, что уже сейчас и в перспективе имеет место тенденция роста численности, а, следовательно, и доли пожилых людей, т.е. тенденция старения населения. Подобная тенденция характерна и для нашей страны. В этих условиях социальный уход за пожилыми людьми, который в основном направлен на малоимущих и одиноких, получил новый импульс развития. В развитых странах, например, разработан ряд новых концепций по этим вопросам, совершенствуются инфраструктурные мероприятия, направленные на повышение социального статуса человека в обществе.

На основании общих основ демографического поведения людей[2], определено, что они лежат на трех уровнях. Самой глубинной его основой, как и у всех живых организмов, служит общебиологический закон борьбы за выживание и продолжение рода. Одно из его проявлений состоит в том, что чем меньше шансов на выживание потомства, тем выше рождаемость у того или иного вида живых существ. Такая компенсация высокой смертности повышенной рождаемостью присуща и человеческой популяции. Она реализуется на подсознательном уровне. Но у людей после неолитической революции (8-10 тыс. лет назад) эта закономерность усиливается еще и экономическими соображениями. Например, подавляющее большинство населения ведет сельское хозяйство, которое является основным источником существования. В таких семьях количество детей в семье определялось числом будущих рабочих рук. А чем их больше, тем надежнее были обеспечены благополучие семьи и старость нетрудоспособных родителей.

[1] Демографические проблемы. – М., 2005. – С. 3.

[2] Социология: Энциклопедия. Составители: А.А. Грицанов, В.Л. Абушенко, Г.М. Евелькин, Г.Н. Соколова, О.В. Терещенко. – М., 2003 // http://sociology.niv.ru/doc/encyclopedia/sociological/index.htm

Здесь обнаруживается, что родители уже при определении рождения детей задумывались и о своей старости.

Демографическое поведение людей формируется также под влиянием социально-психологических факторов – это господствующие в данном обществе обычаи, традиции, религиозные догматы, которые на протяжении веков складывались, отражая экономические и социальные условия жизни общества на разных этапах его развития. Естественно, что такие идеологические стереотипы изменяются гораздо медленнее, чем материальные условия жизни людей, и поэтому тормозят их адаптацию к новым реалиям бытия.

Таким образом, все эти факторы формируют общую закономерность: чем беднее общество, чем выше детская смертность, тем больше рождаемость, тем многодетнее семья**.** И, наоборот, по мере улучшения материальных условий жизни, снижения смертности убывает биологическая и экономическая потребность в высокой рождаемости, отмирают традиции, религиозные и прочие идеологические каноны высокой фертильности.[1]

Исходя из вышеизложенного, считаем, что нынешняя тенденция постоянного увеличения доли пожилых людей практически во всех развитых странах обусловлена успехами здравоохранения. Взятие под контроль ряда опасных заболеваний, повышение уровня и качества жизни приводят к увеличению средней продолжительности жизни людей, которая сегодня в развитых странах приближается к 80 годам, а для женского населения превысила этот показатель. Поэтому возможность дожить до глубокой старости получила широкое распространение.

С момента приобретения независимости в 1991 году Республика Узбекистан приступила к реализации национальной экономической модели, направленной на преобразование экономики, уделяя при этом большое внимание обеспечению социальной стабильности. Основой «узбекской модели» стало развитие промышленного и производственного потенциала преимущественно аграрной экономики. К важнейшим направлениям этой модели относится повышение уровня жизни населения и обеспечение его занятости с одновременной защитой уязвимых социальных групп от бедности.[2]

Увеличение числа людей старше трудоспособного возраста (пожилых) в структуре населения связано также с продолжительностью жизни, ожидаемой при рождении. Если в Республике Узбекистан продолжительность жизни, ожидаемой при рождении в 1991 г., составила 69,3 года[3], то к 2014 году этот показатель достиг 73,5 лет[4]. То есть продолжительность жизни в Узбекистане увеличилась на 4,2 года. А по среднему варианту прогноза ожидается, что

[1] Фертильность – среднее число рожденных детей на одну женщину.
[2] Социальная защита престарелых: на примере Республики Узбекистан // http://www.allbest.ru/
[3] Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1993 г. – Т.: Госкомпрогнозстат, 1994. – С. 73.
[4] Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане. Статистический сборник. – Т., 2015. – С. 94.

средняя продолжительность жизни мужчин и женщин будет составлять соответственно примерно 77 и 81 года.[1]

Конечно, не секрет, что эти изменения в продолжительности жизни окажут определенное влияние на общественно важные сферы: социальное обслуживание, социальную защиту населения, систему общественного здравоохранения и рынок труда, так как складывающиеся в этих сферах ситуации под влиянием демографических факторов взаимосвязаны и взаимообусловлены. То есть состояние одной из сфер в значительной степени влияет на развитие других. Поэтому качество жизни пожилого населения является одной из важнейших проблем, которые необходимо решать в контексте ожидаемой продолжительности жизни населения.

При изучении качества жизни взрослого населения, необходимо использовать такой показатель, как самооценка здоровья. Самооценка здоровья человека может выступать в качестве показателя его психического и физического состояния.[2] Этот показатель также является одним из параметров качества жизни.

Понятие «качество жизни» употребляется для характеристики складывающейся жизненной ситуации для тех или иных индивидов как членов определенной социальной группы. Существует множество показателей «качества жизни», которые делятся на две группы: объективные и субъективные. Критерием объективной оценки качества жизни служат существующие нормативы потребностей и интересов людей, по отношению к которым можно объективно судить о степени удовлетворения этих потребностей и интересов:[3] финансовое положение человека (уровень жизни), состояние его здоровья, жилищные условия, семейное положение и др.

С субъективной позиции под «качеством жизни» понимается то, что каждый человек в процесс е жизни приобретает свой собственный жизненный опыт, и поэтому разные люди оценивают качество своей жизни по-разному. При этом часто понятие «качество жизни» связывается с понятием «счастье» и «удовлетворенность жизнью».

Необходимо подчеркнуть, что в изучении современных теоретических подходов к формированию социальной исключенности, то есть процесса инклюзии пожилых, необходимо говорить о влиянии средовых, макроуровневых факторов на ситуацию в среде пожилого населения. Позитивные/негативные установки в отношении пожилого населения присутствуют не только на индивидуальном или групповом уровне, но также и в самой организации системы социальной поддержки, здравоохранения, иных социальных институтов, призванных взаимодействовать с пожилыми людьми, именно эти установки позволяют идентифицировать существующие барьеры в социальном участии этой группы населения.[4] Межпоколенческие

---

[1] Очилова Х.Ф. Стратегия демографического развития Республики Узбекистан // Образование и проблемы развития общества. – 2020. – №4 (10), – С. 117-125.

[2] Журавлева И.В., Коган В.З. Психологические факторы здоровья // Отношение населения к здоровью / Отв. ред. Журавлева И.В. – М.: Институт социологии РАН, 1998.

[3] Качество жизни пожилых людей // Качество жизни пожилых людей - особенности (centr-dolgolet.ru)

[4] Осипова Т.В., Максимова С.Г., Ноянзина О.Е., Омельченко Д.А. -Институционализация системы

программы, программы обмена ресурсами, «обучения длиною в жизнь», практика кадровой политики, диалог между старшим и младшим поколением вносят вклад в формирование межпоколенческих связей, улучшают взаимопонимание и усиливают взаимодействие. Ведь все когда-нибудь постареют, выйдут на пенсию.

Поэтому считаем, что такой показатель, как «качество жизни» необходимо использовать в практике социальной работы, когда социальные работники в процессе взаимодействия с пожилым клиентом оценивают и отслеживают изменения различных показателей качества его жизни, как объективных (условия жизни, наличие социальных контактов, обстановка в семье и т.д.), так и субъективных (самочувствие клиента, его оценка жизни и потребности). То есть выявление потребностей пожилого человека, с одной стороны, позволяет определять оптимальные формы работы с ним и виды социальных услуг, в которых он нуждается. С другой стороны, социальные работники могут способствовать формированию у пожилого человека новых потребностей (в каких-то видах самодеятельности, в общении, в потреблении информации), создавая условия для более разнообразной и полноценной его жизни.[1]

В связи с вышеизложенным, считаем, что для улучшения работы социальных работников в процессе работы с пожилым населением нашей республики, необходимо организовать открытие факультета социальной работы в Медицинском институте Каракалпакстана с целью повышения качества работы республиканских организаций социального обеспечения.

XX АСР АҚШ ВА ЕВРОПА ЭЛЕКТОРАЛ СОЦИОЛОГИЯСИ ТАРИХИ

Жиянмуратова Г.Ш. *– ЎзМУ доценти*

Электорал социология ёки сайловлар социологияси бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти учун ўта муҳим аҳамият касб этади, десак муболаға бўлмайди, чунки Ер юзида тахминан 250 га яқин давлатлар мавжудлигини, уларнинг деярли ҳар бирида давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа тузилмаларни ташкил этиш воситаси сифатида маълум муддатлар оралиғида сайловларни ўтказиш белгилаб қўйилганлигини инобатга олсак, деярли ҳар ҳафта ОАВ орқали бу билан боғлиқ янгиликлар, сайлов жараёнларини ташкил этиш, ўтказиш, унинг натижалари, ҳокимиятни топшириш, янгидан ташкил этиш каби масалалар борасидаги жиддий баҳс-мунозаралар дунё ҳамжамияти эътиборида бўлади.

Бизнинг мамлакатимиз ҳаётида ҳам демократик сайловларнинг ўрни ва роли беқиёс. 2021 йил мамлакатимизда Президент сайловлари йили эканлигини, бундан бироз олдин 2019 йил 22 декабрда Қонунчилик палатаси,

---

социальной поддержки лиц пожилого и старческого возраста // Социодинамика. – 2019. – № 11. – С. 1-7 // https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=30882

[1] Там же.

халқ депутатлари вилоят, туман/шаҳар кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар ҳам ушбу жараёнларнинг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиб берди. Бу сайловлар ўз эртасини ўйлаган, келажаги учун қайғурган ҳар бир фуқаро томонидан жиддий жараён сифатида қабул қилинади. Сайловларда нафақат қатнашиш ва овоз бериш, балки уларнинг ташкил этилиши, ўтказилиши, натижалари каби масалаларга қизиқиш ҳам фаол фуқаролик позициясини намоён этади, зеро мамлакатимизда барпо этилажак кучли фуқаролик жамиятининг асл мақсад-муддаоси ҳам шундан иборатдир.

Демак, электорал социология сайловолди кампанияларида аҳолининг хатти-ҳаракати билан боғлиқ қатор муаммоларни, шу жумладан социал жамоалар ва алоҳида фуқароларнинг сайлов йўналишларини ўрганиш, сайловларда иштирок этишига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш соҳаси сифатида Ўзбекистон жамияти ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Электорал социологиянинг фан сифатида шаклланиши тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, биз ушбу фаннинг ватани сифатида албатта АҚШни эътироф этамиз. АҚШ – электорал социологиянинг, шунингдек ушбу фан доирасидаги асосий мактаблар, услублар ва техникалар ватанидир. Сайлов жараёнлари, хусусан улар таркибида сайлов хулқ-атвори XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб АҚШда ижтимоий фанларнинг тадқиқотлари мавзуси бўлиб келган.

АҚШда XX аср 30-йилларининг охирида эса электорал социология ўзининг институционаллашув босқичига ўтди. Ушбу босқич сиёсий қарашлар ва электорал хулқ бўйича тадқиқотлар олиб борадиган тадқиқот марказларининг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Бундан ташқари, профессионал ҳамжамиятни шакллантириш жадал суръатлар билан олиб борилган ва университетларда электорал социологияни мустақил фан сифатида ўқитиш бошланган.

Бундай марказлар орасида 1935 йилда ташкил этилган Гэллап институти алоҳида ўрин тутади ва бугунги кунда ҳам у дунёнинг кўплаб мамлакатларида тадқиқотлар олиб боради. Институт асосчиси Ж.Гэллап сайлов жараёнларини ўрганишнинг бир қатор усул ва техникаларга сифатий ўзгартиришлар киритди, биринчи навбатда, у сайловолди сўровларининг танланма усулини ишлаб чиқди ва такомиллаштирди. тирди. Унинг биринчи башоратлари ҳақиқий натижалардан жиддий фарқ қилганлигига қарамай, масалан, АҚШ президенти сайлови натижалари башорати 1936 йилда 6,8%, 1948 йилда 5,4% ва 1952 йилда 4,4% хатолик билан фарқ қилган бўса-да, кейинги прогнозлар юқори аниқлик билан қайд этилди. Бу Гэллап институтига бугунги кунгача энг обрў-эътиборли жамоатчилик фикрини ўрганиш марказларидан бири сифатида ном қозонишига имкон берди[1].

Ушбу босқичда ўз доирасида уч авлод тадқиқотчилари шаклланган Чикаго мактаби ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу мактаб вакиллари дастлаб социология факультетини, социологик журнални ва профессионал

[1] Гэллап институтининг расмий сайти: https://www.gallup.com/corporate/212381/ pressing-problems-solved.aspx

социологлар ҳамжамиятини ташкил этганларидан ташқари, улар ўз тадқиқотларида реал ҳаётий вазиятларни асосладилар. Уларнинг назарий қарашларини интервью, шахсий ҳужжатлар, субъектларнинг шахсий буюмларига таянган мисоллар билан тўлдирилди. Шундай қилиб, аналитик усулларнинг синтези, дала тадқиқотлари ва университетдаги ўқув жараёни асосида шаҳарнинг бир қатор ўзига хос муаммолари ҳал этилди.

Ушбу даврда электорал социология Европага кириб борди, хусусан фашистлар Германиясида ҳам ривожланди. Бир қатор олимларнинг (масалан, Шмитт ва Э.Ноэль-Нойманн) фашистлар режими билан ҳамкорлиги ҳақиқатда қораланиши керак, аммо электорал социология соҳасида қилинган кашфиётларнинг илмий характерга эга эканлиги ва фаннинг бойитилганлигини тан олмасликнинг иложи йўқ. Урушдан кейинги Германияда 1947 йилда АҚШда таҳсил олган таниқли немис тадқиқотчиси Э. Ноэль-Нойманн Алленсбахда жамоатчилик фикрини ўрганиш институтини очди. Унинг номи электорат хулқидаги «сукунат спирали»[1] ва «сўнгги дақиқада силжиш»[2] каби ҳодисаларни аниқлаш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ. Ноэль-Нойманн ўтказилган тадқиқотларининг пухта методикаси ва социологик воситаларда янги элементлардан фойдаланиши билан ажралиб турарди. Бу, хусусан, «темир йўл тести»[3] ни яратишда ифодаланган. Ноэль-Нойманнинг сайлов жараёнларини ўрганишда эришган ютуқлари профессионал ҳамжамият томонидан юқори баҳоланди ва ўзи ҳам узоқ вақт давомида ташкил этилган Умумжаҳон жамоатчилик фикрини ўрганиш уюшмасини (World Association of Public Opinion Research) бошқарган.

Қизиғи шундаки, Америка ва Европа социологик мактаблари бир вақтнинг ўзида ривожланган ва иккаласи ҳам муҳим натижаларга эришган. Электорал социологиянинг кейинги ривожланиши босқичма-босқич тадқиқотнинг асосий усул ва услубларининг пайдо бўлиши ҳамда кейинчалик ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, улар орасида энг муҳимлари: «экологик таҳлил» босқичи ва бихевиористик босқич.

Электорал социологияда экологик таҳлилга қисқача тўхталиб ўтамиз. Атроф-муҳитни таҳлил қилишнинг моҳияти экологик бирликларни ажратишдир. Экологик бирликлар статистик маълумотларга асосланган бўлиб, улар сайлов йўналишини белгиловчи омилларнинг таъсирини баҳолайди. Биринчидан, булар табиий, иқтисодий, тарихий, сиёсий ва ижтимоий-маданий омиллардир. Экологик ёндашувни қўллаш тарафдорларидан бири Чикаго мактабининг асосчиларидан бири бўлиб, у социология ва экологияда тизимларни ўрганишнинг умумий тамойилларига ишора қилган. Р.Паркнинг ёндашуви ижтимоий муносабатларнинг ушбу муносабатлар шаклланадиган муҳитга боғлиқлигини намойиш этишга асосланган.

---

[1] Noelle-Neumann, E. 1984. The Spiral of Silence: Public Opinion – Our social skin. Chicago: University of Chicago. ISBN 0226589366 (2nd edition, 1993).

[2] Сайловдан бироз олдин баъзи сайловчиларнинг электорал мўлжаллари кескин ўзгарадиган вазият.

[3] "Темир йўл тести" – лойиҳавий технологиялар билан боғлиқ процедура.

Бундан ташқари, Парк жамиятдаги рақобат ва табиатдаги табиий танлов ўртасида ўхшашликларни келтириб чиқарди. Шунингдек, унинг фикрича, “жамиятнинг экологик тартиби” миграция каби тушунча таъсири остида юзага келади. Атроф-муҳитга бўлган муносабат эволюцияси фикрлар сўровларини ўтказиш билан боғлиқ. Иккала кўрсаткич кўрсаткичларининг уйғунлиги ўзига хос хусусият бўлиб, унда сайловларда ва овоз беришда иштирок этишнинг муайян тури барқарор устунлик қилган сайлов зоналарини ажратиб кўрсатиш мумкин бўлди. Ушбу босқичда электорал социологиянинг мураккаблашиши ва чуқурлашиши кўринишидаги яхшиланиш ҳақида гапириш мумкин.

Бихевиористик босқич ҳақида қуйидагиларни қайд этиб ўтиш лозим. Атроф-муҳит таҳлили сингари, бу босқич нафақат электорал социологиянинг ўзига хос хусусияти, балки принтсипиал жиҳатдан гуманитар фанларнинг муҳим доираси учун ҳам муҳимдир. Электорал социологияда бихевиористик ёндашув доирасида сайлов хулқига тузилма ва иерархия берилганлиги, унинг таркибий қисмларига парчаланиши билан намоён бўлди. Сайловлар социологиясида бихевиоризм мактабининг таниқли вакили П.Лазарсфельд ҳамда Б. Берельсон бошчилигидаги олимлар гуруҳи. Гуруҳ бир қатор услубий янгиликларга эга, масалан, панель усули ва латент таҳлил. Гуруҳ оммавий ахборот воситаларининг электоратга таъсирини синчковлик билан ўрганиб чиқди ва шахслараро мулоқотнинг аҳамияти ва оддий сайловчининг оммавий ахборот воситаларига бўлган муносабатини ўрганиб чиқди.

Ушбу босқичда электорал социологиянинг ривожланиши сайловчиларнинг хулқини чуқур таҳлил қилиш ва хулосалар синтези, шунингдек тадқиқот усулларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлди.

XX асрнинг иккинчи ярми эса электорал социологиянинг ривожланишида сайлов хулқининг учта асосий назариясини шакллантириш ва лойиҳалаш билан фарқланади: 1) социологик, 2) ижтимоий-психологик ва 3) рационал-инструментал.

1. Электорал хулқнинг социологик назарияси маълум бир ижтимоий гуруҳга тегишли бўлган сайловчига асосланади. Ушбу ёндашувнинг асосий ғояси шундаки, турли хил ижтимоий гуруҳлар сайлов тартибидаги ўхшашликларга эга. Овоз бериш жараёнида танловни белгилайдиган асосий мезон бу ижтимоий гуруҳ билан манфаатларнинг бирдамлиги ва муштараклиги. Ушбу ёндашувнинг таниқли вакиллари – С.М.Липсет ва С.Роккан. Ушбу олимларнинг фикрига кўра, тўртта «бўлиниш» (табақаланиш) сайлов жараёнларига сезиларли таъсир кўрсатади: марказ – атроф-муҳит, штат – черков, шаҳар – қишлоқ, мулк эгалари – ишчилар.

Липсет ва Рокканнинг ёндошуви Ғарбдаги сайлов жараёнларини ўрганишда кенг қамраб олинган эди, аммо шуни таъкидлаш керакки, уни қўллашда бир қатор қийинчиликлар саноатлашган жамиятларда ижтимоий тўқнашувлар бошқача тус олганлиги сабабли юзага келди. Ушбу муаммони Рональд Инглхарт ишлаб чиққан.

2. Электорал хулқнинг ижтимоий-психологик назарияси XX аср 60-йилларида ишлаб чиқилган. Бунинг асоси АҚШ партиялар тизимини

ўрганиш эди. Ижтимоий-психологик назарияни ривожлантиришда етакчи роль Э.Кэмпбелл бошчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳига тегишли. Ушбу гуруҳ тадқиқотчилари нуқтаи назаридан, электорал хулқнинг тизимни ташкил этувчи хусусияти партияларни аниқлаш, яъни сайловчиларга сиёсий партия билан ҳиссий бирдамликни билдириш зарурати. Партия идентификациясини шакллантириш болаликдан ота-оналар ва бўлажак сайловчининг ижтимоий муҳити таъсири остида содир бўлади.

Ушбу назариянинг ривожланишига Д.Батлер, Д.Стоукс, С.Элдерсвельд, А.Перчерон, М.Женнингс, С.Фланаган катта ҳисса қўшдилар.

Ушбу назариянинг заиф томони шундаки, сайлов имтиёзлари динамикасини тушунтиришнинг имкони йўқ. Хусусан, 60-70-йилларда. ижтимоий-психологик назарияни танқид қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган анъанавий партия имтиёзларида улкан ўзгаришлар юз берди.

3. Сайлов хулқининг рационал-инструментал назарияси тарафдорлари прагматик ҳисоблашга асосланган рационал мотивлар электорал хулқнинг асоси эканлигидан келиб чиқади. Тадқиқотда оқилона хулқ-атвор ҳар бир сайловчи шахсан тушунадиган имтиёзларни максимал даражада оширишга ва сайловчиларни танлаш ҳаракатини минималлаштиришга қаратилган.

Инструментал ёндашувнинг асосчиси Ж.Шумпетердир, у «Капитализм, Социализм ва Демократия» асарида унинг асосларини баён этган. У сайлов сиёсати ва товарлар ва хизматлар бозори ўртасида ўхшашликларни келтириб чиқарди.

Таъминот сиёсий партиялар томонидан таъминланади ва талаб сиёсий дастурларни танлаган оқилона сайловчилар томонидан талаб қилинади. Бундан ташқари, сайловларда рационал-инструментал хулқ-атвор назарияси М.Хинич ва М.Мангер, М.Льюис-Бэк ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган.

Демократиянинг иқтисодий назариясида Э.Даунс «ҳар бир фуқаро, унинг фикрига кўра, бошқаларга қараганда унга кўпроқ устунлик берадиган партияга овоз беради» деб таъкидлаб, ушбу назарияни ривожлантиради. Унинг фикрига кўра, сайловчи ўз танловини амалга оширар экан, партияларнинг мафкураларида акс эттирилган энг умумий дастурий параметрларни ҳисобга олади.

М. Фиоринанинг фикрича, иқтисодий омиллар ва оқилона сайлов хулқ-атворининг ўзаро боғлиқлиги сайловларда қарор қабул қилишда энг муҳим жиҳатдир, чунки сайловчилар олдинги маъмурият даврида уларнинг молиявий аҳволини ҳисобга олишади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиб ўтиш лозимки, XX аср электорал социология тараққиётнинг муҳим даври ҳисобланади, айнан шу даврдан бошлаб электорал социологиянинг тўлақонли мустақил фан сифатида ўзини намоён қилганлиги, электорал тадқиқотлар эса амалий социология билан бир қаторда йўлга қўйилган ва биргаликда ривожланганлигини кўришимиз мумкин.

СОЦИОЛОГИЯ ТАРАҚҚИЁТИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИЖТИМОИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ

Мингбаева Н.И. *– ЎзРП ҳузуридаги ДБА таянч докторанти*

Маълумки, инсонларнинг ижтимоий онги, сиёсий қарашлари ва тафаккури демократик ўзгаришларга мос бўлса, жамиятни эркин фикрлашга ва демократик ислоҳотларни амалга оширишга замин яратади. Шу боисдан, демократик ислоҳотлар ҳамда жараёнларни фуқароларнинг ўзлари тушиниб, англашлари жамиятнинг ривожланишида улкан ҳисса қўшади. Ижтмоий бошқарувни такомиллаштириш, инсон, оила ва бир ҳудуд вакилларини бир мақсад сари бирлаштириш жамиятнинг фаол аъзоларини вазифаларидан биридир.

Асрлар давомида Шарқ халқларининг келиб чиқиши, табиати, урф одатлари ва анъаналари таъсири юқори бўлганлиги боис уларда ижтимоийлашув жараёнлари юқори бўлган. Шарқ кишиси доим жамоа бўлиб яшаб, ҳаётдаги мақсадларини кўпчилик билан маслаҳатлашиб ва ёши катта инсонларнинг фикрларини олиб фаолият юритиб келган. Бу бирдамликда олиб бориладиган ишларнинг натижадорлигини ўзбек халқ мақолларида ҳам кўришимиз мумкин, масалан: “Кенгашли тўй тарқалмас”, “Кўпдан қуён қочиб қутулмас”, “Маслаҳатсиз иш – бошга ташвиш” ва бошқ. Жамоатчилик фикрига ўтган даврлардан буён катта аҳамият берилиб, аҳолини бошқаришда ўзига хос ижтимоий хусусиятларга айланган.

Давлат ва жамият бошқаруви тизимида жамоатчилик фикри Шарқ халқлари учун ўрни катта аҳамият касб этиб, инсонлар орасида расмий қонунлардан бўлак ижтимоий қонун қоидалар яни жамоатчилик назорати билан ҳам аҳолини бошқариб келганлар.

Улуғ бобокалонларимизнинг биз учун қолдирган асарларини таҳлил қилиб кўрганимизда, Ал-Мотуридий, Ал-Форобий, Беруний, Амир Темур, Алишер Новоий ва бошқа юксак илм вакилларининг ижтимоий воқеликка нақадар теран тафаккурлари ва илмий асосланган қарашларининг мавжуд бўлганлигига иқрор бўламиз. Ҳар бир мутафаккир олимларимиз меросларида ўз замонларининг ижтимоий-маданий, иқтисодий, сиёсий муҳитларини очиб, улар учун етарли ечимларни мерос қилиб қолдириб кетганлар.

VII аср бошларида ислом динининг Ўрта Осиё бўйлаб ёйилиши, диёримиз Мовароуннаҳрга кириб келиши ва ўзбек халқининг ислом динини қабул қилиши катта ижтимои воқелик бўлди. Ўзбек халқи ўз урф-одати, анъанаси, маданияти, турмаш тарзи ва миллий ҳусусиятларини мужассам этган ҳолда ислом дини қабул қилишди. Бунинг асосчиларидан бири бўлган Мансур ал-Мотуридийнинг нафақат ислом динида миллий ҳусусият-ларимизни мужассамлаштиришда балки, жамоатчилик фикрининг тарихини ўрганишимизда ҳам ўрни беқиёсдир. Унинг суннийлик тамойилли асосида ислом динида катта йўналиш очди, Мотуридий мактабини ташкил этиди ва нафақат диншуносликни, балки жамиятдаги ижтимоий жараёнларни, жамоа

ва инсонлар ўртасидаги муносабатларни социологик ёндошувлар асосида шакллантиришни тарғиб этди.

Германиялик олим Ульрих Рудольф[1] Ислом эътиқоди доирасида шахснинг фаолияти, унинг эркин фикрлаш ҳуқуқи ҳамда имкониятларини Ал-Мотуридий томонидан атрофлича асослаб берилишига ўз муносабатини билдирган ҳолда, мутафаккир, қарашларини шахс учун рационал меъёр, унинг шаъни ва мавқеига мос келувчи назария, деб баҳолаган. Бу эса, буюк аждодимизнинг ўзига хос табиатининг бетакрор қирраларини тасвирлаган. Ҳолбуки, Ал-Мотуридийнинг одамнинг ўзлигига, унинг обрўйига, хар хил ижтимоий-сиёсий, динний босимлардан асраб авайловчи муросавий мувозанат концепциясини ишлаб чиқди ҳамда у Ислом динини тушуниш жараёнларидаги ижобий асосларни мужассамлаштирибгина қолмасдан, Мовароуннаҳрдаги воқеликда юз бераётган ижтимоий-сиёсий шароит, аҳолининг яшаш тарзи, менталитети, бой маданий-тарихий кўникмалари ва кўп йиллик урф-одатлари ҳамда анъаналари билан тўлдирилган инсоний ёнлошувларнинг синтези эканлигига икрор бўламиз. Ал-Мотуридий воқеликдаги моҳиятини англашда жамият ва жамоанинг рамзларда очиб беришга ҳаркат қилди. Инсоннинг интеллектуал фикрлаш доирасининг юқори даражаларга чиқишининг ўзини нечоғли мавҳумлаштиришга қараган эканлигини ва шундагина инсон атрофдаги моҳиятни тўғри тушуниши мумкин эканлигини таъкидлаган.[2]

Ал-Мотуридийнинг илмий-назарий томонлама исботлаб берилган шахс эркинлиги назариясини янада ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган буюк мутафаккирларимиздан бири Форобий Мавораунаҳрда жамият ва табиатни чуқурроқ социологик англашга ва изланишга эътибор қаратган. Форобийнинг дунёни тушунишда ворисийлик тамойилини катта аҳамият касб этишини айтиб ўтади. Яъни, инсоннинг умри бутун оламни, табиатни, барча сиру асрорларни англаб, ўрганишга имкони йўқлигини айтади ва аждодлардан қолган билимларни, фикр-мулоҳазаларни ўзлаштириш лозим эканлигини ва замонлар ўта уни бойитиб борилиши ҳамда донишманд, жамиятнинг ақлли инсонларининг фикрларига издош бўлиш натижасида ижтимоий ислоҳотларнинг тараққий этишида ҳаракатлантирувчи куч бўлишини асослайди.

Бизга маълумки, шакр мутафаккирлари Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқа бир қанча аждодларимиз жамиятни ўрганиш, унинг ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қуватлашга катта эътибор қаратишган. Уларнинг ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш учун қолдирган меросларидаги концепциялари, назариялари ва қарашлари социология фанининг ривожланишида улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

---

[1] Германиялик Мотуридийшунос олим. Ульрих Рудольф Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ислом динига этиқод қилувчиларда ихтиёр ҳуқуқи мавжудлигини асословчи назариясини Европада кенг тарғиб қилиб келади.

[2] Қаранг: Ульрих Р. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. – Алматы: Фонд XXI век, 1999. – С. 52-74.

Ваҳолангки, бутун жаҳон миқёсида глобаллашувнинг жадаллашуви жамоатчилик фикридаги ёндошувлар, мақсад ва вазифалар, жараёнлар ва ижтимоий кўзланган манзилларнинг тез суратларда ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоийлашув даражасининг яъни мобиллик кўрсаткичининг юқори эканлигидан далолат беради. “Агарда илгари хорижда бўлиб келиш одамлар учун фавқулодда бир ҳол саналган бўлса, бунуги кунда чет элда ишлаш, ўқиш, яшаш одатий бир воқеага айлангани барчага аён. Бу эса мамлакатимизда демократия тартиботлари чуқур илдиз отаётганлиги, эркин ва очиқ жамиятга айланиб борётганлигимизнинг ёрқин кўрсаткичларидир”.[1] Мамлакатда жамият ва давлатни ижтимоий организм ёки узилмас тизим, деб ҳисобланиши ижтиомий адолат асосида барқарорликни таъминлашда муҳим роль эгаллайди.

ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ДЛЯ ПРИКЛАДНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СОЦИОЛОГА

Музрабов С. *– магистрант НУУз*

Информационные технологии – весьма широкое определение, под которое попадает ряд отдельных технических средств с информацией. Пространство социологического исследования весьма неравномерно обеспечивается современными информационными технологиями, а разнообразие действий, осуществляемых социологом в процессе исследования, обусловливает применение достаточно широкого ассортимента программных и технических средств.

Социология в современной развернутой интерпретации – это наука о закономерностях становления, функционирования и развития общества, которая изучает социальные факты, процессы, отношения, деятельность и поведение индивидов и социальных групп, институциональные формы их организации на основе широкого использования эмпирических данных.

Социологическое исследование–это процесс, состоящий из логически последовательных методологических, методических и организационно-технических процедур, связанных единой целью – получение достоверных данных об изучаемом явлении для последующего практического применения[2].

Как правило в процессе работы с информацией люди имеют дело со вполне определенной связанной последовательностью взаимодействий с различными средствами.

Информационная система – взаимосвязанная совокупность средств, методов и персонала, используемых для хранения, обработки и выдачи

[1] Бекмурадов М. Замонавий бошқарув социологияси. – Тошкент, 2020. – Б. 7.
[2] Смехнова Г.П. Основы прикладной социологии: учеб. Пособие. – М.: Вузовский учебник, 2008. – 240 с.

информации. Информационные системы бывают разного назначения и масштаба.

Документальные информационные системы предназначены для решения задач, не предусматривающих однозначного ответа на вопрос. Некоторые системы представляют собой смешанный тип фактографической и документальной информационной систем.

Информационные технологии освобождают социолога-прикладника от рутинных элементов в работе, сокращают затраты на организацию проекта.

Пространство социологического исследования весьма неравномерно обеспечивается современными информационными технологиями, а разнообразие действий, осуществляемых социологом в процессе исследования, обусловливает применение достаточно широкого ассортимента программных и технических средств. С точки зрения применения различных типов программного обеспечения и технических средств, можно выделить несколько основных этапов социологического исследования [1].

Первый этап включает в себя следующие операции:

– получение и осмысление задания, уточнение проблемной ситуации, предварительное знакомство с объектом исследования: рассмотрение его структуры, функций, целей, перспектив развития.

– разработка программы исследования – окончательно определяются объект и предмет исследования, формулируются проблема, цели и задачи исследования, производится предварительный анализ объекта исследования, включающий в себя теоретическую, эмпирическую и операциональную интерпретацию понятий, выдвижение гипотез, выбираются методы и инструменты сбора данных, создаётся сам инструментарий (в зависимости от методов сбора информации это могут быть анкеты, бланки интервью, карточки наблюдения и т.п.), строится организационный план исследования, происходит построение выборки и пилотаж инструментария.

Особый интерес для социолога-прикладника представляет Интегрированная информационная система социальных данных (INSYS). Разработка стратегического плана исследования в принципе может быть поддержана такими программными средствами, как, например, электронные органайзеры, однако в социологической практике такого рода средства используются не столь часто.

Сам инструментарий – анкета, бланк интервью, инструкции интервьюеру и т.п. чаще всего набираются в текстовом редакторе. Хотя на Западе идёт развитие специализированных систем, направленных на автоматизацию всех этапов социологического исследования. Имеются в виду программы, включающие функции текстового редактора, ориентированного на автоматизацию подготовки анкет. Применение информационных

[1] Божков О.Б. Компьютерные технологии в социологическом исследовании // Социологический журнал = J. of sociology. – 2018. – № 1/2.

технологий а также возможности CATI[1] и других компьютерных систем для программирования анкет.

CATI (Computer Assisted Telephone Interview) – это компьютерная система телефонного опроса. Здесь анкета программируется и вводится в центральный компьютер, который вопрос за вопросом выдаёт её на дисплеи нескольких терминалов, расположенных в одном зале. Оператор, сидящий у терминала, проводит интервью, последовательно читая вопросы с экрана и вводя ответы респондента в компьютер при помощи клавиатуры. В среднем в день проводится 300 завершённых интервью[2].

Кроме CATI, например, в США ещё с 1970-х годов широко применялась методика CAPI (Computering-Assisted Personal Interviewing) – личное интервью с помощью компьютера, CSAQ (Computer Assisted Self-Administered Questionnaire) – заполнение респондентом анкеты на компьютере, CASIIP (Computer Assisted Self-Administered Interview With an Interviewer Present) – интервью с помощью компьютера в присутствии интервьюера.

Второй этап прикладного социологического исследования, или полевое исследование**,** заключается в сборе первичной социологической информации, то есть необобщённых данных (записи исследователя, выписки из документов, отдельные ответы респондентов), подлежащих дальнейшей обработке. Однако в настоящее время вполне возможно автоматизировать вышеописанный процесс, применяя последние достижения в области миниатюризации вычислительной техники и современные информационные технологии. Так, традиционная схема организации опроса, когда анкеты (бланки интервью) предварительно готовятся в головном центре исследовательской организации, затем по почте направляются в филиалы, а по заполнению ответами, в виде бумажных носителей отправляются в головной центр для последующего ввода операторами в базу данных, обладает рядом недостатков. Также на полевом этапе используются возможности уже упоминавшихся компьютерных систем CATI, CAPI, CSAQ, CASIIP. Для проведения контент-анализа используются специальные программы, такие как «контент-анализ про»[3] и система ВААЛ[4], их возможности используются и на последующих стадиях исследования.

Третий этап социологического исследования – обработка и анализ собранных данных, включающий в себя следующие виды работ: ввод полученной информации в компьютер; контроль, корректировка и преобразование данных; их анализ с помощью различных логико-математических методов.

Заключительный этап прикладного социологического исследования – обобщение результатов проведённого исследования и их оформление.

---

[1] О методике количественного исследования CATI // Сайт ВЦИОМ: http://wciom.ru/about/ metodiki issledovanii / kolichestvennye issledovanija

[2] О программе «контент-анализ про» // Сайт http://www.aha. ru/~crimexpt/WIN

[3] О системе ВААЛ // Сайт, посвященный системе ВААЛ: http://www.vaal.ru

[4] Смехнова Г.П. Основы прикладной социологии: учеб. Пособие. – М.: Вузовский учебник, 2008. – 240 с.

Таким образом, на различных этапах проведения прикладного социологического исследования применяются самые разнообразные компьютерные и технические средства, которые облегчают сам процесс исследовательской работы социолога.

В различных этапах социологического исследования весьма неравномерно обеспечиваются современными информационными технологиями. Важным источником информации при подготовке к проведению социологического исследования является в последнее время сеть Интернет, специальные базы и банки социологических данных. Знание и применение на практике современных информационных технологий сегодня становится важным инструментом интеллектуального труда вообще.

МАМЛАКАТИМИЗДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ЎРНИ

Нишанбаева Э.З. *– ЎзМУ доцент.в.б.*

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, аввалambор, инсон жамиятдаги ўрнини англаб етиши билан боғлиқ бўлган ҳодисадир. Кўпгина ривожланган давлатларда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга муайян даражада эришилган бўлса-да, уни янада такомиллаштириш жараёни давом этмоқда. Фуқаролик жамияти муайян маънода ҳуқуқий давлат билан чамбарчас боғлиқ. Улар бир-бирисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас[1].

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти шаклланиши унда рўй берган ва амалга ошириладиган барча жараёнларнинг бош мақсади ҳисобланади. Демократия жамиятимизда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг муҳим шартидир. Демократия фуқаролар эркинлиги ва тенглиги қонунларда мустаҳкамланганлиги, халқ ҳокимиятчилигининг восита ва шакллари амалда ўрнатилганлиги ва жамият аъзоларининг ҳуқуқларининг кафолатланишида намоён бўлмоқда. Демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамияти деганда жамият аъзоларининг манфаатлари муштараклиги таъминланган, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳар томонлама кафолатланган, инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитлар яратилган жамият назарда тутилади. Ўз навбатида, “Фуқаролик жамиятининг умумий тан олинга н тамойиллари, – деб ҳисоблайди Акмал Саидов, – бизнинг шароитларда даврий равишда ва ҳар доим амалга оширилади. Анъаналарга таяниш, улардан янгиланиш билан бирга самарали фойдаланиш демократик қайта ташкил топишлар даврида жамиятнинг барқарорлигига ёрдам беради”[2].

Шу ўринда таъкидлаш керакки, фуқаролик жамиятининг умумий тан олинган тамойилларидан бири ижтимоий шериклик ҳисобланади.

[1] Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. – Т., 2004. – Б. 282.
[2] Саидов А. Х. Нужен новый закон о неправительственных организациях. // Г. Правда Востока. 1998 г. 18 сент.

Аксарият фалсафий ва ижтимоий-гуманитар соҳа адабиётларида “шериклик” тушунчаси турлича нуқтаи-назардан таъриф ва тасниф этилади[1]. Шунинг билан бир қаторда кўп ҳолатларда мазкур тушунча олимларнинг методологик ва парадигмал нуқтаи назарларидан келиб чиқилган ҳолда, ўта субъектив қабул қилинади. Бизнинг нуқтаи-назаримизга кўра эса қатъий ҳуқуқий нормалардан фарқли равишда, ижтимоий шериклик ижтимоий субъектлар ўртасидаги муносабатларда маълум даражада иҳтиёрийликни назарда тутади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, Ўзбекистонда ижтимоий шериклик тизимининг шаклланиши масаласини тизимли тадқиқ этиш учун, ижтимоий шериклик ҳақидаги ижтимоий-фалсафий билимлар ривожининг замонавий босқичини ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги даврда ижтимоий шериклик муаммоларига бағишланган чиқишлар сонининг ортиши, мазкур феномен билан боғлиқ қатор масалалар назарий тадқиқотлари, шунингдек уларнинг амалиётга тадбиқ қилинаётганига қарамай, улар янада чуқурроқ ўрганишни талаб этади.

Ижтимоий шериклик жамиятда эҳтимолли низоларни мақбул йўл билан ҳал этиш, жамиятда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни шакллантириш ва қўллаб-қувватлашни ҳам назарда тутади. Шунингдек, бозор иқтисодиётига йўналтирилган жамиятда ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг уч устувор омили мавжуд бўлиб, улар ёлланма меҳнат ва капиталнинг шериклигини тан олишга асосланади: иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий (меҳнатни ташкил қилиш шакллари, ёлланма ишчи ва иш берувчи муносабатларини ишлаб чиқариш жараёнида ўзгартириш; жамиятда ижтимоий структурани такомиллаштириш; касаба уюшмалари ташкил этиш; давлатда кучли ижтимоий сиёсат; жамият бошқарувида демократик тамойилларни ривожлантириш ва ҳ.к.). Бугунги кунда ижтимоий субъектларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик, ижтимоий диалог, ҳуқуқ ва манфаатлари тенг, зиммасига олинган мажбуриятлар сингари белгилар мавжуд бўлган ижтимоий шериклик шаклланмоқда.

Юқорида қайд этилгандек, бугунги кунда ижтимоий шериклик тушунчасига турли қарашлар мавжуд. Ижтимоий шерикликнинг турли хил жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган монографик изланишлар таҳлили шуни кўрсатадики, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожланишида ижтимоий шерикликнинг ўрни масалаларини атрофлича ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада қуйидаги жиҳатни қайд этиш алоҳида аҳамият касб этади: ижтимоий шериклик фуқаролик жамиятига хос, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги учун энг қулай мувозанатни таъминлайдиган ижтимоий муносабатларининг алоҳида тури ҳисобланади. Бундай муносабатларда ижтимоий шериклик – давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзига хос ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими бўлиб, унда манфаатлар қарама-қаршилиги ва уни ҳал

[1] Энциклопедия менеджмента. Справочник. Социальное партнерство. Социальное партнерство в социально-трудовой сфере как общественное явление // http:// besonus.narod.ru/partnership.htm.2005.

этиш йўллари кўзда тутилади. Ижтимоий шериклик бошқа ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, фуқаролик жамиятида ижтимоий шериклик янги бошқарув усули, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро муносабатларини янада оқилоналаштириш деганидир. Ушбу услуб давлат ва фуқаролик жамияти институтлари муносабатларини замон руҳига мос равишда белгиланган шакл ва тамойилларга асосланган ҳолда яхшилашга қаратилади. Айни шу маънода, фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун аввало давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларни ижтимоий шериклик соҳасидаги қонунчилик актлари билан тартибга солиниши, яъни уларни қонун ҳужжатларининг «таъсир доираси» билан қопланиши лозим. Шундай қилиб, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари, уларнинг вакиллик органлари, алоҳида ҳолларда ўзаро манфаатларни инобатга олган ҳолда ижтимоий-сиёсий муносабатларни белгилаш, ижтимоий-иқтисодий вазифаларини аниқлаш, улар ўртасидаги ижтимоий шериклик шаклларининг амалга оширилиши механизмларини тобора такомиллаштириб бориш фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ижтимоий шериклик муносабатлари ижтимоий жипсликни мустаҳкамлашувига олиб келиб Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида инсон эркинлиги, фуқаролик, бағрикенглик ва либерал иқтисоднинг ҳуқуқий, демократик тамойилларига асосланган давлат сифатида танилишига асос бўлади. Ўз навбатида ижтимоий шериклик муаммосининг ижтимоий хусусиятини ўрганиш мамлакатимиз фуқароларини давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ижтимоий аҳамиятли масалалар юзасидан компромисс характердаги ечимни топишни ўргатади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибаси турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ва синфлар манфаатларини таъминлаш ва муҳофаза қилиш, долзарб иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал этиш, жамиятда барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришга кўмаклашиш борасида ижтимоий шериклик алоҳида ўрин тутишини кўрсатмоқда. Қайси мамлакатда ижтимоий шерикликнинг тамойиллари амалга оширилса, унда миллий иқтисод, тадбиркорлик фаолияти барқарор ривожланади, аҳолининг турмуш даражаси тобора ўсиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “мамлакат ва ҳудудлар даражасида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни кенг йўлга қўйиб, грантлар ва ижтимоий буюртмаларни кўпайтириш” ҳамда вазирлик ва идоралар ҳам “ижтимоий ҳамкорлик ишларини кенгайтириши лозим”[1]лиги алоҳида таъкидланганлиги бежиз эмас.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.

Ҳуқуқий давлатни ижтимоий шерикликнинг тамойиллари ва қадриятларини амалга оширилмасдан ҳам тасаввур қилиб бўлмайди, чунки улар давлатга зарурий мафкуравий барқарорликни таъминлаб беради. “Ижтимоий шериклик” деганда – инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қадр-қиммати, ижтимоий адолат ва ўзаро бирдамлик тамойиллари тан олинувчи ҳар қандай муносабатларга айтилади. Ижтимоий шериклик бу жамиятнинг барча қатламлари қизиқишларини объектив ҳисобга олиб жамият барқарорлиги таъминланишида давлат тузилмалари ва нотижорат ташкилотлари вакиллари ўртасидаги муносабатлар характери ва йўналишини бошқариб турувчи анъанавий ва маданий қадриятлар мажмуи, маънавий ва мафкуравий асосларидир.

Маҳаллий ва хорижий олимлар олиб борган тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, ижтимоий шериклик кенг тушунча бўлиб, унинг мазмунини ҳам меҳнат муносабатларидаги, ҳам давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг манфатли алоқалари нуқтаи назаридан келиб чиқиб талқин қилиш мумкин. Тор маънода эса ижтимоий шериклик ё меҳнат ёки давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг аниқ муносабатлари шакли ҳисобланади. Кенг маънода ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро махсус шериклиги бўлиб, бундай муносабатларни олиб боришга қаратилган объектнинг қандай бўлишидан қатъий назар, яъни нафақат меҳнат муносабатлари, балки бошқа соҳаларда, жумладан давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларини амалга ошириш кабилар ҳам бўлиши, давлат ва нодавлат ташкилотларининг манфаатларининг ягона бир соҳадаги муштараклиги ҳам тушунилади.

Умуман олганда, бугунги кунда мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлатни, унинг негизида эса фуқаролик жамиятини шакллантиришдек олий мақсадлар билан яшамоқда. Миллий давлатчиликни шакллантириш, янги иқтисодий муносабатлар ҳамда ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши, мустақил тараққиётимизнинг ҳал қилувчи асосига айланди. Босиб ўтган йўлимиз айни бир пайтда мамлакатимиз олдидаги мақсадларга етиш учун бугунги кунда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларни ҳам намоён қилмоқда.

Биринчидан, эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-хуқуқини яхши танийдиган, боқимандаликни ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатларини билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборат”[1]. Шунинг учун ҳам жамиятимиз тараққиётининг давомчиси бўлган ёш авлодни ҳам жисмоний ҳам руҳий жиҳатдан етук қилиб вояга етказиш бугунги куннинг долзарб муаммосига айланди. Демак, Ўзбекистон демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида ўзига хос ва ўзига мос йўлни танлагани ҳаётий зарурат бўлиб, бу ишни жамиятни

[1] Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 304.

маънавий янгиламай, янги баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказмай амалга ошириб бўлмайди.

Иккинчидан, фуқаролик жамиятини барпо этишда илмий нуқтаи назардан асосланган, замонавий давлат ва жамият талаблари, миллий манфаатларимизга тўла мос келадиган назариялар, ғоялар, фикр ва мулоҳазаларни ишлаб чиқиш давр талаби эканини англаш лозим.

Учинчидан, жамиятнинг маънавий юксалишида, ҳуқуқий демократик тамойилларнинг жамиятнинг барча соҳасида амал қилиши ва фуқаролик жамиятининг шаклланишида ННТлар фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, сиёсатшунос-олим М.Қирғизбоев таъкидлагинидек: «...фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири, унинг институтлари тизимидаги барча – давлат ва нодавлат жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир. Бу қоида, биринчидан, жамиятдаги демократиянинг юқори даражасини намоён қилса, иккинчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий онги ва фаолликлари юксаклигини билдиради»[1].

Тўртинчидан, эскича фикрлаш усули, сийқаси чиққан тафаккур стереотиплари мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо қилиш йўлида учраётган жиддий муаммодир. Бу тафаккур қолипларидан қутулиш ислоҳотларимизнинг муваффақиятини таъминловчи муҳим омиллардан биридир.

Бешинчидан, Ўзбекистонда шарқона демократияга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатимиз тараққиётининг асосий мақсадларидан биридир. Шу маънода шарқона демократия деганда, ҳар қандай мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, эркин фикр алмашиш, барча фуқароларнинг манфаатини ифодалайдиган хулосага келиш, ҳар қандай мафкуравий тазйиқларни асрлар давомида шаклланган Шарқ халқларининг ҳурфикрлилик ва мулоҳазакорлик асосида бартараф этиш сингари хусусиятларни ўзида мужассам этган ҳолда, озод ва фаровон ҳаётни таъминлашдир.

Олтинчидан, фуқаролик жамияти институтлари давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари, уларга хос меъёрий қоидаларнинг доимий такрорланувчи, тартиблаштирувчи воситаси сифатида чуқур рамзий маънога эга. Бошқача қилиб айтганда, фуқаролик жамияти институтлари жамиятнинг миллий, маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳалари тараққиётининг рамзий, қонуний кўрсаткичлари ҳамдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ижтимоий шерикликдан давлат ва фуқаролик жамияти институтлари бутунлай объектив манфаатдор бўлади, сабаби унда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарор-лигига, унинг тараққиётига, ижтимоий-иқтисодий ривожига эришилади, бу эса фуқаролик жамиятини шаклланишининг юксак чўққисига эришиш учун замин яратади. Хусусан, бугунги кунда давлат ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган чора-

[1] Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т., 2006. – Б. 102.

тадбирлар натижаси ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришининг энг муҳим кафолатидир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биринчидан, ҳозирги даврда Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш, фуқароларнинг сиёсий ва миллий ўзлигини англаши, янги демократик қадриятларнинг шаклланиши, очиқ демократик, ҳуқуқий давлат қурилиши ва фуқаролик жамияти институтларининг шаклланишидек қийин, аммо жўшқин ва изчил жараёнлар кечмоқда. Иккинчидан, бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотларнинг замири мамлакатимизда фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдан иборат экан, бу олий мақсадга эришишишда ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришимиз долзарб масалалардан ҳисобланади.

БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Ойбеков О.О. *– ЎзРП ҳузуридаги ДБА магистранти*

“Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни – бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак”.
Шавкат МИРЗИЁЕВ

Маҳаллий бошқарув тизимида салоҳиятли кадрларни тайёрлаш бугунги замон талабидир. Ҳозирги замон ижтимоий-иқтисодий шароитларида ишлаш учун бошқарув кадрларини касбга тайёрлашга нисбатан қўйилган талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган олий касб таълими дастурлари бўйича давлат ва жамият бошқаруви соҳасида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга эътибор қаратилмоқда.

Бу борада, мамлакатимизда бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони[1] билан Давлат фуқаролик хизмати самарадорлигини ошириш, давлат органлари ва ташкилотларининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони – www.lex.uz.

ислоҳотлар концепциясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аммо, давлат органлари ва ташкилотларининг малакали ва салоҳиятли мутахассислар билан етарли даражада таъминланмаётганлиги, сараланаётган кадрлар малакасининг юклатилган вазифалар ва замонавий эҳтиёжларга тўла-тўкис мос келмаслиги, қабул қилинаётган қарорлар сифатининг пастлиги ҳамда замонавий ислоҳотлар боришига нисбатан моҳиятан етарли даражада эмаслигига олиб келаётган бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжуд.

ПФ-5843-сон Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирлар орқали давлат фуқаролик хизматини, шу жумладан, номзодларни очиқ мустақил танлов орқали саралаб олиш жараёнини комплекс ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш самарадорлиги ва компетенциясини баҳоловчи мезонларни, уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни белгиловчи тўғридан-тўғри таъсир кучига эга механизмни жорий этиш устувор вазифалар қаторида белгиланган.

Бу орқали, ягона кадрлар сиёсатини олиб боришга, ходимларни самарали бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришга, малакали кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантиришга ҳамда улар томонидан давлат фуқаролик хизматчиларининг вакант лавозимлари ўз вақтида эгалланишига йўл очилади.

Маълумки, давлат фуқаролик хизматига киришда барча фуқароларнинг тенг имкониятлардан фойдаланишини ҳамда давлат фуқаролик хизматида профессионал сифатлар ва алоҳида хизматлар асосида кўтарилиб боришни таъминлайдиган номзодларни саралаб олишнинг шаффоф механизмларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Барча даражадаги давлат фуқаролик хизматлари нуфузини ошириш, коррупциянинг юзага келиши, расмиятчилик ва бюрократияга имкон берувчи шароитларни йўқ қилиш мақсадида давлат фуқаролик хизматчиларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг муносиб даражасини кафолатлаш чораларини ишлаб чиқиш, давлат фуқаролик хизмати самарадорлигини ошириш, давлат органлари ва ташкилотларининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатини ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштиришга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар Дастури[1] қабул қилинди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сон Фармонига 1-Илова – www.lex.uz.

Шу билан бирга, давлат фуқаролик хизматини янада такомиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари этиб касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини одилона ва объектив баҳолаш асосида энг муносиб ва қобилиятли шахсларни давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ҳамда уларнинг хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини назарда тутувчи меритократия тамойилини қўллаш (1); кадрлар малакасини мунтазам ошириб бориш, давлат фуқаролик хизматчиларини тоифалаш ва уларга малака мартабалари (даражалари) бериш орқали хизмат карьерасининг лавозим поғоналаридан босқичма-босқич ўтишни назарда тутувчи давлат фуқаролик хизматининг "карьера модели"ни жорий этиш (2); номзоднинг барча фазилатлари ва устунликларини, шу жумладан унинг маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик сифатларини объектив баҳолаш имконини берадиган очиқ мустақил саралаб олиш асосида давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш (3); давлат органи ва ташкилоти даражасидан (республика, вилоят, туман ва шаҳар), ходимнинг малака мартабаси (даражаси) ва шахсий ҳиссасидан келиб чиққан ҳолда иш ҳақини белгилашга нисбатан унификациялаштирилган талаблар ўрнатилишини назарда тутувчи давлат фуқаролик хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг ягона тизимини жорий этиш (4); миллий, республика, тармоқ ва ҳудудий даражаларда профессионал тайёрланган самарали кадрлар захирасини шакллантириш, давлат фуқаролик хизматига энг малакали номзодларни саралаб олиш учун хусусий бандлик агентликларини фаол жалб этиш ва замонавий аутсорсинг шаклларидан фойдаланиш (5); давлат органлари ва ташкилотларида ходимларни бошқаришда ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш (6); давлат фуқаролик хизматчиларига ижтимоий кафолатлар, шунингдек, уларни ўз касб маҳоратини ва фаолият самарадорлигини ошириш учун рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини жорий этиш (7) белгиланди.

Фармон билан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил қилиниб, унга давлат органлари ва ташкилотларида ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш масъулияти юклатилди.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг асосий вазифалари этиб давлат фуқаролик хизмати трансформациясининг ғоявий платформасини, уни ривожлантириш дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизмати соҳасида ягона сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлаш (1); давлат органлари ва ташкилотларининг давлат кадрлар сиёсати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш (2); давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш жараёнлари ва истиқболларини мониторинг ва таҳлил қилиш ҳамда ушбу соҳадаги муаммолар ва таҳдидларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш (3); очиқлик, профессионаллик ва ҳисобдорлик тамойилларига асосланган ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришнинг инновацион усулларини жорий этиш (4); Миллий кадрлар захирасини бошқариш, Давлат

фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрини юритиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ порталини ташкил этиш ва юритиш (5); давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ўлчанадиган индикаторлари (энг муҳим кўрсаткичлари) тизимини жорий этиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очиқ рейтингини шакллантириш (6); малакали ва юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан хорижда яшаётган ватандошлар орасидан аниқлаш ва жалб этиш, шунингдек, давлат фуқаролик хизматига иқтидорли ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш (7); энг истиқболли кадрларни давлат фуқаролик хизматига очиқ мустақил танлов асосида қабул қилишни ташкиллаштириш (8); давлат фуқаролик хизматчиларида юксак касбий ахлоқ-одобни, коррупцияга қарши туриш маданиятини ва унга тоқатсиз муносабатни шакллантириш (9); давлат фуқаролик хизмати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни изчил такомиллаштириб бориш, давлат фуқаролик хизматчилари шахсий маълумотларининг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда улар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш (10); давлат фуқаролик хизматчиларининг иш берувчилар билан ўзаро муносабатларида уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, уларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш (11); давлат хизматчилари ва мутахассисларни хориждаги нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасаларда таълим олишини ташкил этишга кўмаклашиш (12) белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатини ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштиришга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар Дастуридан Кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимининг концептуал асосларини ишлаб чиқиш (1); Кадрлар сиёсати соҳасида ва давлат фуқаролик хизмати тизимида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш (2); Давлат фуқаролик хизмати тизимининг салоҳиятини юксалтириш (3) борасидаги асосий чора-тадбирлар ўрин олган.

Хулоса ўрнида, ушбу белгиланган муҳим амалий чора-тадбирларни изчил ҳамда тизимли тартибда жорий этиш, кадрларни замон талаблари асосида саралаш тизимидан самарали фойдаланиш натижасида, бошқарув тизимида кадрлар салоҳиятини ўрганиш механизми янада такомил-лаштирилади ҳамда давлат ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи ҳар томонлама етук кадрлар захираси яратилади.

ИЖТИМОИЙ ФИКР – СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Расулова Н.С. *– Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти*

Демократик мамлакатларда сиёсий партиялар сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида давлат органларининг шаклланиши ва сиёсий қарорларнинг қабул қилинишида тобора муҳим омилга айланиб бормоқда. Давлат ҳокимиятини эркин ва ошкора, муқобиллик асосида ўтказиладиган сайловлар орқали шакллантириш демократиянинг олий кўриниши ҳисобланади. Сайловлар орқали инсон ва фуқаронинг энг муҳим конституциявий сиёсий ҳуқуқларидан бири рўёбга чиқарилади.

Давлат ҳокимиятининг халқ томонидан бевосита (умумхалқ сайлови орқали) шакллантирилиши; халқнинг давлат ҳокимияти бошқарувида бевосита (сайлов, референдум орқали) ёки билвосита (президент, парламент, маҳаллий кенгашлар орқали) иштирок этиши; давлат ҳокимиятининг халқ томонидан назорат қилиниши жараёнлари давлат ҳокимиятининг энг муҳим хусусиятлари ҳисобланади. Ушбу хусусиятлардан келиб чиқиб, «давлат ҳокимияти» тушунчасига «халқ томонидан шакллантириладиган, бошқариладиган ва назорат қилинадиган ҳокимият» деб таъриф бериш мумкин. Давлат ҳокимиятининг халқ томонидан шакллантирилиши деганда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг халқ томонидан бевосита сайланиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар”.

Сиёсий партиялар мамлакат фуқароларининг энг фаол, дунёқараши, мақсади, фикрлари муштарак бўлган муайян қисмини ўз сафида бирлаштирган ва умумхалқ манфаатлари йўлида сиёсий ҳокимият учун курашадиган сиёсий ташкилот бўлгани боис фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан ажралиб туради.

“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасига кўра, “сиёсий партиялар сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш, қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш” каби ҳуқуқларга эга. Партияларнинг энг муҳим мақсади – ижтимоий қатламлар манфаатларини сиёсий тизимда ифода этишдир. Партиялар турли ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг манфаатларини жамиятнинг сиёсий тизимида ифода этиш орқали давлат билан жамият

ўртасидаги боғловчилик ва воситачилик функцияларини бажаради, айни вақтда улар жамиятнинг яхлитлиги ва бир бутунлигини таъминлайди[1].

Сиёсий партиялар қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимият тизимларини шакллантиришда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасида Президент, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари халқ томонидан бевосита умумхалқ сайлови орқали шакллантирилади.

Юқоридаги фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, сиёсий партиялар ўзининг келажак сиёсати, дастури, мафкураси йўналишларини халқда қизиқиш уйғотадиган шаклларда халқ руҳиятига сингдира билиши – партиянинг сайловларда ғалабага эришишининг кафолатларидан биридир.

Партияларнинг ўз функцияларини амалиётда бажаришларининг асосий усули, бу – сайловлар кампанияси даврида партиялар давлатнинг қонун чиқарувчи органларига сайланишлари учун ўз номзодларини кўрсатишларидир. Бу номзодларнинг сайланишларига эришиш учун партия фаоллари аҳолининг кўпчилик қисмини ўз томонига оғдириши, сайловчилар ўртасида ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориши лозим. Айниқса, бу даврда жамоатчилик фикрига таъсир қила олиш қобилиятига эга бўлиш партиянинг энг асосий мақсадидир. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охирги куннинг эртасидан бошланадиган сайловолди ташвиқоти сиёсий партиялар томонидан асосан анъанавий тарғибот воситалари – телевидениедаги ахборот дастурлари, сиёсий партиянинг матбуот нашрлари орқали олиб борилган бўлса, 2019 йилги сайловолди тарғиботида омма олдида очиқ мунозаралар, митинглар, дебатлар (26 та “Демократик дебат” ток-шоуси тўғридан-тўғри ўтказилди[2]), матбуот конференциялари, интервьюлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, роликларни жойлаштириш, Интернет (асосан ижтимоий тармоқлар) орқали амалга оширдилар.

2019 йилги сайловларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутутлари туман (шаҳар) Кенгашларига номзод кўрсатиш тартибининг бекор қилинганлиги жамиятда сиёсий партияларнинг ролини янада оширади. Зеро, Президент Ш.Мирзиёев тўғри таъкидлаганидек, “ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади”[3].

Сиёсий партияларнинг янада фаоллашуви учун аввалambор, улар халқ ишончини қозонишлари, ўзлари ҳақида ижобий, ижтимоий фикрни шакллантиришлари зарур. Партия электоратсиз, электорат ортида турувчи халқнинг кўмагисиз фақат ўз аъзоларига суянган ҳолда ҳеч нима қила олмайди.

---

[1] Қудратхўжаев Ш. Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари. – Т.: Шарқ, 2007. – Б. 98.

[2] Сайлов – 2019: ютуқлар, муаммолар, таклифлар. – Т.: ЎзР МСҚ, 2020. – Б. 7.

[3] Мирзиёев Ш.М. Сиёсий партиялар демократик жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиши керак (22.08.2019) // www.prezident.uz/uz/lists/view/2819

Маълумки, сайлов даврида сиёсий партияларнинг ҳар бир номзоди ғалаба қозонишга ҳаракат қилади, ҳаётга кучлироқ таъсир кўрсатишга, ўз дастурининг мақсад ва вазифаларини халққа етказишга интилади, аниқ мақсад, рақобат муҳити юзага келади. Сайловчи нафақат ўзи танлаган номзодга, балки ўша номзод аъзо бўлган сиёсий партияга ҳам овоз беради, унинг ғояларига ишонч билдиради. Шу сабабдан ҳам сайловлар сиёсий партиялар учун жуда муҳим сиёсий имтиҳон вазифасини ўтайди. Сайлов натижаларига кўра қайси партиянинг дастури, мақсад ва вазифалари халқчил эканлиги, Ўзбекистон халқи қайси партияни кўпроқ қўллаб-қувватлаши аён бўлади. Сайловда иштирок этиб, етарли овоз йиға олмаган партиялар учун эса ўз фаолиятининг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиб, тегишли хулосалар чиқариш имкони пайдо бўлади.

Фуқароларнинг фикри ва иродасини тўғри акс эттириб, ҳокимият органларида асосий ижтимоий гуруҳлар вакиллигини таъминлаш ва самарали ҳукуматни шакллантириш парламент сайловининг бош ижтимоий вазифаларидан ҳисобланади.

Сиёсий партия жамият ҳаётида давлат вакиллик органларини шакллантириш ва алмаштириш механизмларини яратишда иштирок этиш каби бир қатор ҳаётий муҳим вазифаларни бажаради. Ўз вазифаларининг аксариятини ҳозирги партиялар сайловда иштирок этиш ва сўнгра ҳокимият вакиллик органларида ишлаш механизмлари орқали амалга оширадилар.

Юқоридаги фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, сиёсий партиялар ўзининг келажак сиёсати, дастури, мафкураси йўналишларини халқда қизиқиш уйғотадиган шаклларда халқ руҳиятига сингдира билиши – партиянинг сайловларда ғалабага эришишининг кафолатларидан биридир.

Айни пайтда давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ҳақли равишда эътироф этганидек, “сиёсий партиялар ҳокимият учун курашиш ҳуқуқига эга. Лекин шунга қарамасдан, улар ўртасида рақобат, фикрлар, позициялар хилма-хиллиги мутлақо сезилмаяпти”[1]. Буни амалга оширилаётган илмий тадқиқотимиз доирасида республикамизнинг турли ҳудудларидан ўтказилган сўровномалар ҳам тасдиқламоқда. Жумладан, “Сиз мамлакатимизда фаолият юритадиган сиёсий партиялар тўғрисида маълумотга эгамисиз?” деган саволга сўровда иштирок этганларнинг 14,7% умуман маълумотга эга эмасликларини қайд этиб ўтган. 15,9% респондент учун эса бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ экан. 47,8% респондент қисмат маълумотга эга эканликларини айтиб ўтган бўлса, 8,4% респондент эса сиёсий партиялар ҳақида тўлиқ маълумотга эгаликларини айтиб ўтишган.

Аҳоли орасида сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги тутган ўрнини респондентларимиз жавоблари асосида ҳулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, сиёсий партияларнинг ҳозирги Ўзбекистон сиёсатида муҳим аҳамиятга эгалигини кузатиш мумкин. Шундай бўлишига қарамай аҳоли орасида сиёсий партиялар ҳақидаги маълумотлилик даражаси паст

[1] Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак // Халқ сўзи. – 2017. 13 июль.

эканлигини, бу эса мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг маълум даражада фаолиятлари ҳақида ахборотнинг суст эканлигини кўрсатади.

Фуқароларимиз сиёсий партияларнинг мавжудлиги хақида ахборотга эга, лекин партияларнинг мақсад ва вазифалари ҳақида тўлиқ ахборотга эга эмас, ҳатто баъзи худудларда аҳоли ўз ҳудудидан сайланган сиёсий партия депутатлари ҳақида маълумотларга эга эмас. Шундай экан, фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида сиёсий партияларнинг фаоллигини янада ошриш, улар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш давр талабидир.

Шундай қилиб, сиёсий партиялар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва фаоллигини ошириш, уларнинг давлат сиёсатини ташкил этиш ва бошқаришдаги иштирокини таъминлаш орқали давлат ва жамият ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди, аҳолининг жамоатчилик фикрини шакллантиришда, фуқароларнинг сиёсий ҳаётда фаол иштирокини таъминлашда муҳим ўринга эга.

ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИОН СИЁСАТИ – МАМЛАКАТ ҲУДУДЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Рашидова Ш. *– ЎзМУ ўқитувчиси*

Мамлакатимизда охирги икки йилда жамият тараққиётини янги босқичга кўтариш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган ислоҳотлардан пировард мақсад мамлакатимиз ахолисининг фаровонлигини таъминлаш, уларнинг тумуш даражаси ва сифатини мунтазам равишда ошириб боришдир. Республика Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегия тўғрисидаги ” ПФ-4947-сонли Фармони юқоридаги мақсадни амалга оширишдаги яқин келажакка белгиланган ҳужжатдир.

Мазкур ҳужжатда бешта устувор йўналиш белгиланган бўлиб, учинчи йўналиш “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш” ни назарда тутади. Ушбу йўналишдаги асосий вазифалардан бири жамиятнинг асосий негизи бўлган иқтисодиётимизда ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, унинг тармоқ ва соҳаларини модернизациялаш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни ва ишлаб чиқилган махсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ҳамда жаҳон талаблари даражасида етказиш устувор қилиб белгиланган.

Жаҳон тажрибасида ва иқтисодий адабиётларда илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан олиб қараганда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда давлат томонидан олиб бориладиган иқтисодий сиёсатда ҳудудий ёндашув муҳим ўрин тутади. Чунки мамлакат ҳудудларининг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари мавжуд. Масалан: ҳудуд майдони; аҳолининг зичлиги; меҳнат ресурсларининг таркибий тузилиши; табиий ресурслари; иқтисодиёт тармоқларининг ривожланганлиги; ижтимоий соҳа тармоқ-

ларининг таркиби ва ҳолати ва ҳ.к. Ушбу келтирилган хусиятларга қараб ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат томонидан олиб борилса, кўзланган мақсадга эришиш самарали бўлиши мумкин. Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўринлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: “Биз мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган ишларимизда асосий устувор йўналиш бу унинг ҳудудларини жадал ва комплекс ривожлантиришга эътиборимизни қаратишимиз лозим,” - деб таъкидлаб ўтган. Ушбу устувор йўналишдан келиб чиқиб мамлакатимизда охирги йилларда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур масала юзасидан Республикамиз ҳудудлари, вилоятлар, шаҳар ва туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга давлат ва хорижий инвестициялар жалб қилиниб, кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай иқтисодий-ҳуқуқий муҳитнинг яратилиши натижасида худудларни ривожлантиришда хорижий инвестициялар кўлами ортиб бормоқда. Жумладан, Самарқанд вилоятида 2016 йилда барча молиявий манбалар ҳисобига 30,8 млн АҚШ долларилик инвестиция ўзлаштирилган бўлса, 2017 йили бу кўрсаткич 42 млн долларни ташкил этди. 2018 йилда 88,6 млн долларилик инвестиция жалб этилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 118,4 %ни ташкил этмоқда. Бу тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларни давлат сиёсатининг изчиллилигига бўлган ишончини мустахкамлаш ва улар билан ишлашда масъулиятни оширишга эътибор қаратилаётганлигининг натижасидир.

Республика Президенти Ш.Мирзиёевнинг хорижий мамлакатларга расмий ташрифларида ҳудудий маҳаллий бошқаруви раҳбарларининг ҳам қатнашиши ҳамда хориж давлатларининг вилоятлари ва ҳудудлари билан ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда янги имкониятларни яратиб муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунга кўра, Самарқанд вилоятига Хитой, Белорусь ва айниқса Ҳиндистон давлатларидан катта миқдорда инвестициялар киритилаётгани бунинг ифодасидир. Жумладан, “Bobur M And F” МЧЖ шаклидаги хусусий корхонага хитойлик инвесторларнинг 10 млн АҚШ доллари маблағи эвазига замонавий тўқув ва бўёқ технологиялари олиб келинди. Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада 400 иш ўрни яратилди. Ҳамкорлар томонидан саноат билан бир қаторда бошқа йўналишларда ҳам ташаббуслар илгари сурилаётгани эътиболидир. Масалан, фармацевтика саноатида катта ўзгаришлар қилинди. “Zamin Bio Health” ҳамда “Grown Parma” МЧЖларида инсулин дори воситаси ва тиббиёт қўлқоплари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Илгари тиббиётда кенг фойдаланилган ушбу маҳсулотлар тўла четдан келтирилган бўлса, эндиликда импорт ўрнига экспортнинг амалга оширилиши иқтисодий самарадорликка йўл очилмоқда. Марказий Осиёда ягона бўлган “Zamin Bio Health” МЧЖ да йилига ўртача 10 млн флакон

инсулин тайёрланади. Унинг 30 фоизи мамлакатимиз аҳолисининг талабини қондирса, қолгани экспорт қилинади.

Мамлакатимз Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил январь ойида Ҳиндистонга расмий ташрифида ҳукумат делегацияси таркибида Самарқанд вилояти раҳбари ҳам иштирок этди. Бу ташриф Самарқанд вилояти тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди. Чунки мазкур ташриф орқали вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун янги имкониятлар очилди. Ушбу ташрифнинг ўзига хослиги шундаки, бу амалиёт Ҳаракатлар стратегиясига тўлиқ мос келади. Унда марказ ваколатларини босқичма-босқич вилоятларга ўтказиш масаласи акс эттирилган. Шунга мувофиқ икки йилдан буён маҳаллий бюджетнинг оширилиб бажарилган қисми вилоят ҳокимлиги тасарруфида қолдирилмоқда. Бу эса юқорида айтиб ўтилганидек, ҳудуднинг мавжуд муаммоларини мустақил ҳал этиши, сармояларни янада фаол жалб қилишга имконият бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз томонидан олиб борилаётган кенг кўламли инвестицион сиёсат натижасида четдан киритилаётган маблағлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асосидир.

БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ ПРОФЕССИОНАЛЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВЛИГИ

Сатторова А.К. *– ЎзМУ магистранти*

Меҳнат муносабатлари мураккаб жараённи ўз ичига олади, унда турли қадрият, билим, тажриба, маданият, тил ва бошқа этник фарқларга эга шахслар ўртасидаги муносабатларни англатади. Персонал бошқарув амалиётда кенг қўлланиладиган бошқарув усулларидан бири бўлиб, низоларни олдини олишда ҳам самарали фойдаланиб келинмоқда. Бозор иқтисодиёти иштирокчилар ва қадриятларида содир бўлган ўзгаришлардан сўнг персоналга алоҳида эътибор қаратиш иш берувчиларнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Дастлабки капиталистик муносабатларда персоналга алоҳида шахс сифатида ёндашиш методлари амалиётда мавжуд бўлмаган. Иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши персонални индивидуал шахс сифатида кўриш масалаларини илгари сурди[1].

Компания персонали компания доирасида энг бошқарилиши мураккаб бўлган объект ҳисобланади. Материал активлардан фарқли равишда, инсонлар ўзлари мустақил қарорлар қабул қиладилар ва уларга қўйилган талабларни таҳлил қилиш қобилятига эгалар. Шунингдек, персонал ҳар бир аъзосининг ўзига хос қизиқишлари мавжуд бўлган, бошқарув усулларига жуда ҳам таъсирчан ва келгуси ҳаракатларини олдиндан айтиш мураккаб бўлган жамоа ҳисобланади. Персонал бошқарувнинг замонавий тенденцияларида ходим диққат марказида бўлиб, уни рағбатлантириб

[1] Добровинский А.П. Управление персоналом в организации. – Издательство Томского политехнического университета, 2011.

мукофотлаб туриш муҳим аҳамият касб этиши намоён бўлади. Шу сабабли ҳам, меҳнат муносабатлари алоҳида ёндашувни талаб этадиган соҳалардан бири ҳисобланади.

Персонал бошқарувдан фойдаланган ҳолатда меҳнат жамоасида содир бўлиши мумкин бўлган вазиятларни олиб алоҳида таҳлил қилиб чиқамиз. Мисол тариқасида икки кичик гуруҳни оламиз:

– 5 кишигача бўлган кичик гуруҳ, гуруҳ етакчиси гуруҳнинг бевосита аъзоси ҳисобланади ва ҳар бир гуруҳ иштирокчилари билан муносабатга киришади;

– 5 киши ва ундан юқори иштирокчилари бўлган жамоа, бунда етакчи стратегик аҳамиятга эга масалалар билан шуғулланади. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси билан муносабатга киришмайди.

Ташкилот фаолиятининг самарадорлиги, ундан чиқарилаётган натижалар миқдори ва қийматининг киришдаги ресурслар миқдорига ва қийматига нисбати билан ўлчанади.

Унумдорликка ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган ресурсларни камайтириш орқали эришилади. Сиз ресурсларни қанчалик кам ишлатсангиз, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотингиз ҳажми ва сифати ўзгармас, унумдорлик шунчалик юқори бўлади.

Иккинчи жахон урушидан кейин Америка компаниялари ҳар йили 3 % га меҳнат унумдорлигини оширишга эришдилар, лекин 1970-йилларга келиб дунё бозорида ҳолат Япония компаниялари фойдасига ўзгара бошлади. Америка бизнесменлари Япониялик ҳамкасбларини ғирром рақобат қилаётганликда айблай бошладилар. Уларнинг фикрича, Шарқда иш кучи арзон, ҳукумат ҳам ортиқча субсидия бераётганини кўрсатдилар. Америка бозорини тахлил қилганларида америкаликлар Япония маҳсулотлари арзонлиги учун емас, балки сифатли эканлиги учун рақобатбардош эканлиги маълум бўлди.

Бошқарув тизимида бошқарув орқали уларнинг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулияти берилган. Функциялар, ҳуқуқлар ва масъулиятни чегаралаб қўйиш жараёнида ишнинг у ёки бу жиҳатлари четда қолиб кетмаслиги учун уларнинг умумий балансини назорат қилиб бориш зарур. Ҳар бир ходимнинг мақсад ва вазифаларини аниқ таърифлаш, ана шу вазифаларни ҳал етиш учун зарур бўлган ҳуқуқларни белгилаш, масъулиятни аниқ белгилаш муҳимдир. Бошқарув аппарати ходимлари ўртасида функцияларни тақсимлашда ваколатларни топшириб қўйиш – раҳбарлар томонидан ўз қўли остидаги ходимларга раҳбарнинг ўзи жавобгар бўлган вазифаларни ҳал этиш ёки ишларни амалга ошириш ҳуқуқини бериб қўйиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ваколатларни топшириб қўйишда раҳбар учун энг муҳими ваколатлар топшириб қўйилган қўл остидаги ходимнинг ана шу ваколатлар доирасидаги хатти-ҳаракати учун ҳам, чора кўриш лозим бўлган вазиятда ҳеч нима қилмаслик учун ҳам жавобгарлигини белгилаб қўйиш муаммосидир. Раҳбар ўзи танлаган ижрочи учун тўла-тўкис жавоб беради, бу эса, албатта, ижрочининг шахсий масъулиятини соқит қилмайди. Ваколатларни топшириб қўйиши туфайли раҳбар ишининг анча катта ҳажмини бажариши мумкин

ҳамда истиқбол ва энг асосий масалаларга диққат-эътиборини жалб этиш имконияти вужудга келади. Айни чоғда у умумий раҳбарлик ва умумий назоратни ўз қўлида сақлаб қолади. Ваколатларни топшириб қўйиш имконияти кўп омилларга: бошқарувнинг иқтисодий ва маъмурий усулларининг нисбатига (иқтисодий усуллар шароитида моддий рағбатлантириш ёки жазо бериш имкониятлари кўпайиши билан ваколатларни топшириб қўйишни чуқурлаштириб қўйиши мумкин), қўл остидаги кишиларнинг таркибига, уларнинг тайёргарлик даражасига (кадрлар қанчалик малакали ва мустақил бўлса уларга ваколатларни топшириб қўйиш шунчалик осон бўлади) ва ҳоказоларга боғлиқ.

Ўзаро ҳамкорлик тизим идораларида расмий равишда ўрнатилган ва норасмий алоқаларда бўлади. Раҳбарлар ва бўйсунувчилар орасидаги ваколатлар вертикал тарзда бўлади. Улар раҳбарликнинг ва бўйсунишнинг шаклига қараб фарқ қилади. Юқоридаги кўринишдаги ваколатларни топшириб қўйиш чизиқли ваколат дейилади. Қачонки ваколатлар маълум доирада чекланган бўлса, у ҳолатда ваколатлар функционал бўлади. Бундай ваколатларга фирма ичида тақсимланадиган бўлимлар бўйича ваколатлар мисол бўла олади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқоридаги кўрсатилган кенг қамровли тушунчалар менежмент стратегиясини ўз ичига олади. Менежментда тадбиркорлик муҳитида ички таҳлил асосида фирманинг меъёрий ишлаб туришини таъминлаб туриш учун талаб қилинадиган қарорлар каби омиллар ётади. Бу омилларга белгиланган мақсадларга ва белгиланган охирги натижаларга эришиш киради ҳамда фирма рентабеллик даражасини ошириш ва фирма ходимлари меҳнатини унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда, яъни глобаллашув шароитида кучайиб бораётган интеграцион жараёнлар ва ахборотлар тизимининг халқаро даражада ривож топиши, рақобатнинг кучайиши социал бошқарувга бўлган муносабатни фойдали томонга кескин ўзгартириши бошқарув тизимидаги ижтимоий мослашувни кучайтиради. Ижтимоий жараёнлар бошқарувининг мукам-малашуви ҳозирги шароитда таълим тизими ахборотларини қайта ишлаб, таҳлил қилиб, йиғиш тизимини яъни «социологик мониторинг» ни такомиллаштиришни талаб қилади. Бунинг учун эса социал бошқарув умумий назариясига тўхталиш лозим бўлади.

Аввало, “социал” деганда, кишилар томонидан қабул қилинган ва социал интеграция тушунчасида ифодаланувчи қадриятлар ва меъёрлар орқали инсониятнинг минимал бирлигини таъминлашни тушунилади. “Социал” тушунчасининг мазмуни Э.Дюркеймнинг фикри бўйича қуйидагиларни, яъни айнан ўхшаш қадрият ва меъёрлар асосидаги минимал бирлик сифатидаги интеграция; ушбу тизимнинг яшаш учун зарур бўлган бир қатор талабларнинг қондирилиши, вазифаларни амалга оширилиши ёки уларнинг тубдан ўзгартирилиши сифатидаги бошқарув жараёни кабиларни ўз ичига олади.

Социолог А.Р.Радклифф-Браун социал тушунчасининг мазмунини учта асослардан, яъни жамиятнинг яшаши учун зарур шароитлардан бири

– минимал интеграциянинг ёки бирликнинг – унинг қисмларининг мавжудлигидан иборат, деб тушунтиради. Бошқарув социологиясида олимнинг социал тушунчаси шундай шарҳланади, яъни айнан функционал бирлик ҳақидаги гипотеза – социал тизим интеграцияси таҳлилий мезонларни тизим мавжудлиги учун бирликнинг қанчалик кўп ёки кам талаб этилишини баҳолаш учун аниқлайди ҳамда бунга керак бўладиган бир қанча ҳаракатларни белгилайди[1].

АМАЛИЙ СОЦИОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Файзиева Ф.Б. *– ЎзМУ таянч докторанти*

Ҳозирги даврда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг умуман барча соҳаларини демократлаштиришга, соҳалар ривожланишида инновацион технологияларни жорий этишда амалий социологик тадқиқот соҳадаги вазиятни сифат жиҳатидан ўзгартириш, ҳамда социологик сўровлар ўтказишнинг янги ва замонавий тадқиқот амалиётини шакллантириш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда.

XIX-XX асрларга келиб аҳолининг турли катламларининг турмуш тарзи, маиший шароитилари тўғрисидаги маълумотларни йиғишда илмий усуллардан кенг фойдаланилди. XIX-XX асрларда яшаб ўтган британиялик социолог Чарльз Бут, аҳолининг кам таъминланган қатлами ҳақида маълумотларни йиғишнинг илмий усулларини қўллайди ва ушбу изланишлар унинг Ватани ва АҚШда катта қизиқиш уйғотади.[2] Ушбу социологик тадқиқотлар асосида давлат сиёсатига ҳам кўплаб тузатишлар киритилади.

Социология инсонлар тасаввур қилиши мумкин бўлган барча ижтимоий тажрибаларни таҳлил қилиш имкониятига эга, яъни инсоннинг туғилишидан тортиб, технологиялардан фойдаланишгача, дунёни тарк этишга оид қарашлар ва маросимларгача тасаввур қилиш мумкин бўлган бутун ижтимоий тажрибаларни ўрганишдан иборатдир.

Барча амалий илмлар албатта антропоцентрик ҳисобланади. Социология ҳам бундан мустасно эмас. Коинот инсон манфаатлари учун махсус пайдо бўлишлик ҳақида ўргатувчи эски антпроцентрик назария нафақат сохта, балки ҳалокатли ҳисобланади.

“Ҳақиқий илмий антропоцентризм жуда прогрессивдир, чунки у коинот зеро инсон манфаатларига жуда мос бўлганлигига қарамай, инсон ўзи унга мослашиши мумкин. Амалий социология асосан ушбу ҳақиқат билан боғлиқдир. Илоҳиёт ва метафизика босқичлари давомида инсон тафаккури табиатнинг яратувчисини ҳаёл қилиш билан банд бўлган. Амалий социология

[1] Қаранг: Радклифф-Браун А.Р. Структура и функция в примитивном обществе. Очерки и лекции / Пер. с англ. – М.: Изд. фирма «Вост. литература» РАН, 2001. – С. 19-20.

[2] Charles Booth «Life and Labour of the People in London» Journal of the Royal Statistical Society Vol. 56, No. 4 (Dec., 1893), pp. 557-593 https://www.jstor.org/stable/2979431

бошқа амалий фанлардан шуниси билан фарқ қиладики, у бир инсонни эмас, балки барча инсонларни қамраб олади”. [1]

Демак, ушбу фикр доирасидан келиб чиқиб, амалий социология мазкур тамойилларни кенг доирадаги инсонларга тушунарли деб ҳисоблайди, шу боис амалий социологиянинг фаолияти ушбу тамойилларга асосланган бўлиб, ҳаттоки бу соҳадан ҳабардор бўлмаган инсонлар ҳам уни тушуниши мумкин бўлади.

Амалий социология энг қадимий ва энг умумий атама ҳисобланади. Лестер Ф. Уорд юз йил илгари амалий социология тушунчасини “ақлли ва онгли аъзо ҳисобланган инсон ва жамият томонидан ижтимоий жараёнларни сунъий ўзлаштириш учун восита ва усуллар”[2] сифатида таърифлаган. Амалий социологияда қарорни қабул қилувчи шахс, мижоз ва кенг жамоатчиликни улар онгли равишда танлов амалга ошириши учун ижтимоий муаммолар, жараён ва шароитлар тўғрисида ҳабардор қилиши учун эмпирик жиҳатдан асосланган билимларни олиш мақсадида социологик билим ва тадқиқот кўникмалардан фойдаланилади.

Ўтган асрлар амалий социологияси маълумотларни тўплаш учун дастурларни ишлаб чиқган, сўнг фойдали изоҳли ва таҳлилий ҳисоботларни тайёрлаган. Амалий социология кенг маънода эҳтиёжларни баҳолаш, бозорни ўрганиш, демография ва унинг ижтимоий кўрсаткичлари каби баҳолаш бўйича тадқиқотларни қамраб олади, унга масалан, тиббиёт соҳасидаги руҳий саломатлик, мураккаб организмлар, иш, таълим ва бошқа соҳаларга йўналтирилган социологик тадқиқотлар ҳам киради.

Социология бизга индивидуал хулқ-атворни кенгроқ маънода ўрганишни, ижтимоий кучларни инсонларга қай тарзда таъсир кўрсатишини, ҳамда инсонлар ўз дунёсини яратиш усулларини ва ижтимоий ўзгаришларга эришиш учун мавжуд муносабатларни ўрганиш имконини беради. Шу маънода социология “тафаккурни ўзгартириш”ни ўзида намоён этади.

Амалий социология тарихи 150 йил ва тўртта ривожланиш босқичларини ўз ичига олади: биринчи босқич, социологиянинг пайдо бўлишидан то биринчи жаҳон урушигача – 1850-1920 йй., иккинчи босқич, илмий-объектив социология ва амалий социология ўртасидаги кураш – 1920-1940 йй. Иккинчи жаҳон урушидан қашшоқлик урушигача бўлган учинчи босқичда, молиялаштирилган тадқиқотларнинг ўсиши – 1940-1980 йй., ҳамда тўртинчи босқич, масъулиятлилик даврида янада мустақил бўлган амалий социологиянинг пайдо бўлиши – 1980-2005 йилларни ўз ичига олади.[3].

Огюст Конт (1798-1857) социологияни ижтимоий статика, яъни ижтимоий тартиб ва ижтимоий динамиканинг шарт-шароитларини ўрганиш,

[1] Коломиец В. П. Социология массовой коммуникации в обществе коммуникационного изобилия // Социологические исследования. – 2017. – № 6. – С. 3-14.

[2] Ward, Lester F. (англ.)русск.. Applied Sociology. A Treatise on the Conscious Improvement of Society by Society (англ.). – New York, et al: Ginn & Co. (англ.) русск., 1906.

[3] Сивак Е.В. История оценочных исследований в образовании в США: аналитический обзор // Социология: методология, методы, математическое моделирование. – 2011.– №33. – С. 112-135.

инсон тараққиёти ва эволюциясини ўрганишга ажратган.[1] Контнинг фикрига кўра, жамиятга бўлган статик қараш социологиянинг асоси ҳисобланади, аммо динамик қараш нафақат энг қизиқарлироқ, у балки ўзининг фалсафий хусусиятидан келиб чиқиб энг кўзга кўринарли ҳисобланади, чунки у инсоннинг узлуксиз ривожланиши ёки аксинча, босқичма-босқич ривожланишини англатади.

Герберт Спенсер (1820-1903) “амалий социология” соҳаси ривожланиши орқали, жамият ривожланишига ҳар қандай сунъий аралашиш шаклларига қарши турган, ҳамда социологлар инсонларни, жамият мазкур турдаги илмий ишлар буюртмачиларининг аралашаувидан мустақил бўлишига ишонтириши лозим, дейди.[2]

Спенсер “laissez faire” фаол тарафдори бўлган ва Дарвин “Турларнинг келиб чиқиши” деб номланган асарини ёзишидан бир неча йил олдин “энг яхши мослашганлар тирик қолади” иборасини уйлаб топган.[3] У ижтимоий дарвинизмнинг асосчиси ҳисобланади. Спенсернинг таъкидлашича, жамиятлар мажбурий милитаризмдан тинчилик индустриализмга (унда инсонлар ижтимоий ҳамжиҳатлигини вайрон қилмай туриб, эркин ҳолда бир жойдан иккинчи жойга ўтиши ва ўз ижтимоий муносабатларини ўзгартириши мумкин) айланди.

1961 йилда Элвин Гоулднер раҳбарлигида социал муаммоларни ўрганиш бўйича, амалий социология мавзусига эътибор қаратилиб, “Амалий социология: имконият ва муаммолар” деб номланган нашрда амалий социологий бўйича асосий мақолалари нашр қилинади.. Ушбу мақолаларда, аҳолининг турмуш тарзи, оила муаммолари, жиноятчилик ва унинг ижтимоий оқибатлари ва бошқа турли муаммолар бўйича амалий социологик тадқиқотлар, ҳамда амалий социологик тадқиқотларнинг имкониятлари ҳақида баён қилинади.

Бугунга келиб, амалий социология соҳасида етарли тажрибалар мавжуд бўлиб, жамиятнинг ривожланишида, ушбу соҳанинг ҳиссаси каттадир.

“КЕЛАЖАК БИЛАН ТЎҚНАШУВ” – ФУТУРОЛОГИК ҚАРАШЛАР

Хайдаров У. *– ЎзМУ магистранти*

Маълумки, социология жамиятнинг динамик ривожланишида инсониятнинг бир неча йиллик тарихий тараққиёти ва маданиятининг

---

[1] Конт О. Дух позитивной философии: Слово о положительном мышлении. Пер. с фр. – Изд. 2-е. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2011. – С. 80. – (Из наследия мировой философской мысли: история философии).

[2] Спенсер Г. Основания социологии // Западно-Европейская социология XIX века:// Под ред. В.И. Добренькова. – М.: Издание МУБУ, 1996. – С. 212-236.

[3] Laissez-faire [лесе́-фэр],(с фр. — «позвольте-делать»), или принцип невмешательства,-экономическая доктрина, согласно которой государственное вмешательство в экономику должно быть минимальным. Laissez faire et laissez passer // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона в 86 т. (82 т. и 4 доп.). – СПб., 1890-1907.

ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Фаннинг асосчиси Огюст Конт фикрича, социология бир бутун организм ҳисобланган жамият ҳақидаги барча билимларни бирлаштириш ва далилларни изчил ўрганиш орқали унга илмий асос бериши керак. Жамиятни бир бутун тизим сифатида ўрганиш ҳамда илмий воситалар ёрдамида таҳлил қилиш, ижтимоий муносабатларни мувозанатга келтириш социологиянинг асосий вазифаларидан эканлиги барчамизга аёндир.

Бугунги кунда инсон ва жамият ҳаётида асосий ва муҳим муаммо бўлиб турган коррупция ҳамда унга қарши курашиш тизими социологик таҳлилга муҳтож, дея қўрқмай айта оламиз. Жумладан, замонавий футурологик концепциялар, яъни келажак назари билан қарашнинг социологик талқинини очиб беришдаги муҳим омиллардан бири мавжуд воқеликнинг ривожланиш даражаси, тезлиги, ўзгаришларнинг оқибатларини таҳлил қилишдан иборатлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

«Футурология» терминини социолог Осип Флектхайм фанга киритгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Биринчи илмий башорат қилишга уринишлар XIX аср охирида пайдо бўлиб, Геогр Эрманнинг «Германия 2000да» (1891), Иван Блионнинг «Келажакдаги урушлар ва уларнинг иқтисодий оқибатлари» (1897), Гюстав де Молинарининг «Келажакдаги жамиятни сиёсий ва иқтисодий ташкил қилишнинг хомаки чизмаси» (1899), «Герберт Уэллснинг «Олдиндан завқланиш» (1901) каби асарлар яратилган.

Ҳозирда футуролог сифатида тан олинган олимлар бор. Улар асосан технологик анъаналарни ўзлаштирган ва ўз китобларида кузатиш натижалари, фикр ва хулосалари, башоратларини келтириб ўтишган. Шундай мутахассислардан бири Элвин (Олвин) Тоффлернинг «Маданият истеъ-молчилари», «Учинчи тўлқин назарияси», «Келажак билан тўқнашув» каби асарларида жамият ҳаётида юз бериши керак бўлган воқеъликлар хусусида назарий ёритиб берилган. Жумладан, унинг «Келажак билан тўқнашув» китоби 1970-йилларда ёзилган бўлишига қарамай ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бу асарда яқин келажакда инсоният ҳаётида кечадиган ўзгаришлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида сўз боради. Мавжуд воқелик асосида хулоса чиқарилган. Айтилишича, эврилишлар айни ҳаётнинг ўзи демакдир. Аммо қуюшқонни тарк этиб эркинликка чиқиб олган ўзгаришлар жиловлаб бўлмайдиган ва бошқаришга кўнмайдиган, борган сари тезлашиб борувчи ва инсоннинг нафақат жисмоний, балки қарор қабул қилишдаги психологик механизмларини ҳам барбод қилувчи, ҳаётга ёт, инсонга душман ҳодисалардир. Жамиятимизда юз бераётган ва юз бермоқчи бўлаётган янгиликлар, биз кўриб турган дунёни бутунлай остин-устун қилиб ташлайди.

Тоффлер яшаш суръатининг тезлашишини башорат қилар экан, маълум бўлган, бутун дунё шаҳарлашув жараёни, ишлаб чиқаришнинг ўсиши каби маълум фактларга таянади. Олим Курт Карем «Биз йигирманчи аср одамлари инсоният тарихида беш минг йил давом этган бир даврни хотималаймиз» дея фикр билдирган бўлса, Кеннет Боулдинг эса XX аср тарихдаги энг муҳим бурилиш нуқтаси эканини исботлаб, шундай дейди: «Бугунги дунё мен

туғилиб кўз очган дунёдан тубдан фарқ қилади. Бу фарқ мен туғилган дунё билан Юлий Цезарь дунёси ўртасидаги фарқдан кам эмас».

XXI асрга келиб эса ҳодисаларнинг рўй бериш суръати, жараёнларнинг узлуксиз равишда кечишини кузатаяпмиз. Ахборот олиш ва ахборот узатишнинг янада осонлашиши, Интернетнинг кириб келиши, уяли алоқанинг кенг тарқалиши, масофаларни писанд қилмаяпти. Элвин Тоффлернинг «Осон алмаштирса бўладиган инсон» дея айтган иборасига жавобан психолог Кортни Тол «Унча кўп бўлмаган одамлар билан яқин муносабатларга асосланадиган барқарорлик самарасиз бўлиб чиқади, ҳаракатчанликнинг бундан кейинги кучайиши ва одамларнинг ўзаро жуда тез дўстлик ўрнатиш қобилияти ҳамда шу қадар тез уни тўхтатиб қўйиш ёки шунчаки унутиш шунга олиб келадики, келажакда ўтмиш учун характерли бўлган бир нечта кўп йиллик дўстона муносабатлар ўрнини кўпгина қисқа муддатли дўстлик алоқалари эгаллайди», дея фикр билдирган.

Айтиб ўтилган башоратларни таҳлил қилганимизда, қуйидагиларни англаймиз, Интернет сайтларида сиз ўзингизга осонгина дўст топасиз, бугун у билан виртуал оламда дилдан гаплашасиз, дўст тутинасиз, лекин эртага у билан гаплашишнинг имкони йўқ. Шу боис инсоннинг инсон олдидаги қадри йўқ, муносабатлар мўрт. Шунингдек, ҳар бир инсон охирги чиққан телефон-ни сотиб олгиси келади. Чунки буниси олдингидан яхши, унинг функция-ларида кўпроқ, қулайликлар мавжуд. Шундай қилиб, эски телефон-нинг қадри йўқолади (гарчи уни бирор яқин одамимиз совға қилган бўлса ҳам).

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Умуман айтганда, Э.Тоффлернинг илмий башоратлари тўғри эканлиги исботланмоқда. Жумладан, келажакда инсоннинг бойликка, моддийликка бўлган муносабатининг ўзгариши ва ҳ.к. Шунингдек, инсоният яқин келажакда ахборот оқимининг кучайган тўлқинлари орасида қолиши хусусида мутахассис Роберт Хиллиард қуйидаги ҳисоб-китобни келтиради: «Ҳозирги суръатлар сақланиб қоладиган бўлса, бугун туғилган гўдак коллежни тугатаётган пайтда мавжуд ахборотнинг ҳажми тўрт баравар кўпаяди, у эллик ёшга тўлганда эса билимлар миқдори 32 мартага ошади. Бунинг маъноси шуки, жамики инсон билимларининг 97 фоизи гўдак туғилганидан кейин дунёга келади».

Бугун ахборот омили ва узатиш шу қадар осонлашганки, компьютер қаршисида ўтириб, дунёнинг қай бурчагида қандай воқеа содир бўлаётганини билиш мумкин. Қадимда ҳам воқеалар юз берган, лекин уни билиш имкони мавжуд бўлмаган.

Тақдим этилган қизиқарли маълумотлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, келажак инсонга жуда кўп имкониятларни бериши аниқ фактлар билан исботланмоқда. Аммо инсониятни ўз ичига олувчи жамият ушбу санаб ўтилган имкониятлар томон ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маърифий-сиёсий билим ҳамда тафаккур билан ҳаракатланса, келажак ҳаёт ўз мувозанатини йўқотмайди.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ФАОЛИЯТИНИ СОЦИОЛОГИК БАҲОЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА

Ҳожиев З.Ф. *– ЎзМУ мустақил тадқиқотчиси*

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар орқали кучли фуқаролик жамиятига ўтиш даврида давлат хизматини тўғри ташкил этиш ва такомиллаштириб бориш, жамият ва давлат олдидаги асосий вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётларда ва илмий-тадқиқотларда давлат хизмати тушунчасига кўплаб таърифлар берилган бўлиб, намуна сифатида қуйидаги таърифларни келтириш мумкин.

Давлат хизмати – бу давлат органида маълум бир мансабни эгаллаб турган шахс томонидан давлат вазифалари ва функцияларини бажариш мақсадида ҳокимият ваколатларининг амалга оширилишига қаратилган касбий фаолиятдир[1].

Россия Федерациясида давлат хизмати тушунчаси – давлат органлари ваколатларини таъминлаш бўйича олиб бориладиган профессионал фаолият сифатида тавсифланади[2].

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш борасида ислоҳотлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратилди ва натижада давлат хизматининг замонавий бошқарув тизими шакллантирилди.

Давлат сиёсати давлат хизматчилари ташкил этадиган бошқарув аппарати томонидан амалга оширилаётганлиги сабабли, давлат хизмати институтини тўғри ташкил қилиш ва такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналиши” да ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, давлат хизматига замонавий фикрлайдиган, ташаббускор, масъулиятли, касбий тайёрланган кадрларни жалб этиш вазифаси белгиланган[3].

Ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш борасидаги қонунчиликда давлат фуқаролик хизматчиларига оид мезонлар, номзодларни очиқ саралаб олишнинг шаффоф механизми,

[1] Тожиев Э.Х., Исмаилова Г.С., Рахимова М.А. Давлат хизмати: ўқув қўлланма. – Т.: Baktria press, 2015. – Б. 15.

[2] Закон Российской Федерации “О системе государственной службы Российской Федерации» от 27 мая 2003 года № 58-ФЗ // https://docs.cntd.ru/document/901863282?marker=64U0IK.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // https://lex.uz/docs/3107036

фаолиятни баҳолаш жараёнлари, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартиблари белгиланмаган эди.

Ушбу йўналишдаги фаолиятни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони қабул қилинди[1]. Фармонда давлат фуқаролик хизмати масалалари бўйича ваколатли органнинг мавжуд эмаслиги, давлат органлари ва ташкилотларида ягона кадрлар сиёсатини олиб боришга, ходимларни самарали бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришга, малакали кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантиришга ҳамда улар томонидан давлат фуқаролик хизматчиларининг вакант лавозимлари ўз вақтида эгалланишига йўл қўйилмаётганлиги таъкидланган.

Мазкур фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Профессионал кадрлар захирасини шакллантириш ва бошқариш, давлат фуқаролик хизматига энг малакали номзодларни саралаб олиш учун хусусий бандлик агентликларини жалб этиш, замонавий аутсорсинг шаклларидан фойдаланиш, лавозимлар давлат реестрини юритиш, вакант лавозимларининг ягона очиқ порталини ташкил этиш ва юритишни мувофиқлаштириш масалалари буйича ушбу агентлик масъул қилиб белгиланди.

Кўрсатиб ўтилган меъёрий ҳужжатга асосан Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати икки турга ажратилди. Хусусан:

фуқаролик хизмати – давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимларда фаолият юритиш ҳисобланади. Ушбу лавозимларда мамлакат фуқаролари ишлашлари мумкин. Хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар эса, Президентнинг алоҳида қарори билан ўрнатилган тартибда давлат фуқаролик хизматчиси лавозимини эгаллаши мумкинлиги белгилаб қўйилган;

махсус хизмат – Қуролли Кучлардаги ҳарбий хизмат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги хизмат давлатнинг махсус хизмати ҳисобланади ва алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан раҳбар кадрларнинг “карьера модели” асосида ўсишини такомиллаштириш яна бир катта амалий қадам бўлди. Фармонда давлат фуқаролик хизматини янада такомил-лаштириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида кадрлар малакасини мунтазам ошириб бориш, давлат фуқаролик хизматчиларини тоифалаш ва уларга малака мартабалари (даражалари) бериш орқали хизмат карьерасининг лавозим поғоналаридан босқичма-босқич ўтишни назарда тутувчи давлат фуқаролик хизматининг “карьера модели”ни жорий этиш масаласи белгилаб қўйилди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5843-сон Фармони // https://lex.uz/docs/4549998

Таъкидлаш лозимки, “каръера модели” лавозим жиҳатдан босқичма-босқич ўсиб боришни назарда тутувчи тушунча бўлиб, кўпгина ривожланган мамлакатларнинг давлат хизматида қўлланилиб келинади.

Шунингдек, бугунги кунда жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни самарали ечиш, кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш зарурати давлат бошқаруви соҳасида мутлақо янги тизим яратишни тақозо этаётганлиги сабабли, ушбу йўналишдаги муаммоларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида “Давлат хизмати тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни таклиф қилган эди.

Шунга асосан 2020 йил май ойида Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан давлат фуқаролик хизматини ташкил этишнинг концептуал талаблари ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини эътиборга олган ҳолда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва кенг жамоатчилик муҳокамасига эълон қилинди.

Қонун лойиҳаси юзасидан жамоатчилик томонидан кўплаб таклифлар келиб тушганлиги уни экспертлар ва идоралараро даражада муҳокамаларга сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда[1], – деган фикрлари давлат хизматини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо қилади.

Юқорида қайд этилганлар Ўзбекистондаги давлат хизмати институтини ривожлантириш муаммолари ва истиқболларини социологик ўрганишнинг назарий-услубий асоси бўлиб хизмат қилади.

Бунда давлат хизматчиси малакасини ва фаоллигини баҳолаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ижтимоий тартиб ва жамият барқарорлигини ушлаб туриш тизими – малакали кадрларга, давлат бошқаруви ресурслари ва механизмларининг қарорлар қабул қилиш жараёнларига таъсири – сиёсий йўналишдаги давлат хизматига боғлиқ ҳисобланади.

Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда, социологик жиҳатдан давлат хизматчисини ўрганиш, эмпирик тадқиқотлар асосида унинг фаолиятига баҳо бериш ва уни самарали ишлаш бўйича тегишли таклифларни ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот давомида давлат хизмати касбий фаолиятнинг ўзига хос тури ва давлат органлари томонидан ваколатларни бажарадиган муҳим ижтимоий институт эканлигини эътиборга олиш лозим. Шунингдек, шахслар ва ижтимоий бошқарувнинг институционал субъектлари билан ўзаро

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий мажлисга Мурожаатномаси, 2017 йил 25 декабрь // https://president.uz/uz/lists/view/1371

муносабатларнинг меъёрий стандартлари ва хулқ-атворлари жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини назарда тутиш ўринли ҳисобланади.

Шунингдек, бошқарув тизимининг турли даражадаги давлат хизмати тизимидаги алоҳида ўзгаришлар жараёни, натижалари ва барча манфаатдор томонларни ислоҳотларнинг умумий якунларини тўғри қабул қилишлари мақсадида, жамоатчилик фикрида “давлат хизматчиси” қиёфасининг асосий жиҳатларини баҳолашга қаратилган эмпирик тадқиқотнинг дастурий қисмини ишлаб чиқиш фойдадан холи бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида давлат хизматининг ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат хизматчисини замонавий ёндашувлар асосида социологик баҳолаш, жамиятимизнинг ҳозирги тараққиёт даражасига, ҳуқуқий давлатнинг жаҳон андозаларига мос равишда шакллантириб бориш муҳимлигини таъкидлаш мумкин.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ ЖАРАЁНЛАРИДА ЛИБЕРАЛИЗМ ҒОЯЛАРИ

Шодмонкулова М.М. *– ГулДУ катта ўқитувчиси*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигига бағишланган тантаналарда Президент Ш.Мирзиёев Конституциямизнинг жамиятдаги роли ва аҳамиятига тўхталиб, қуйидагича таъкидлайди: «Айни пайтда биз Асосий қонунимиз талабларини тўлиқ амалга ошириш борасида ҳали олдимизда улкан вазифалар турганини яхши тушунамиз. Яъни, халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак. Энг аввало, одамларимиз ислоҳотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур. Айнан шу мақсадда биз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўяр эканмиз, салоҳият ва имкониятларимизни холис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрофлича танқидий таҳлил қилдик. Шу асосда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик. Мазкур ҳужжат моҳиятига кўра, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги тизимли ислоҳотларнинг “йўл харитаси”га айланди»[1].

Ўзбекистон конституционализми ривожланишининг ўзига хос хусусияти шундаки, юртимизда мустақилликка, демократик модернизация-лашга ва миллий тотувликка интилиш ва ҳ.к.лар асосий ҳаракатлантирувчи куч ва омил. бўлиб майдонга чиққан. Шу билан бирга, тоталитар тузумдан мерос бўлиб қолган, яъни Конституцияга расмиятчилик нуқтаи назаридан муносабатда бўлишдек эски меросни таъкидламасликнинг иложи йўқ бўлиб,

[1] Мирзиёев Ш.М. Конституция - эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза) // “Халқ сўзи”, 2017 йил 8 декабрь, № 247.

бунда Конституция намойиш «стенд» ёки «вывеска» ролини ўйнар ва ижтимоий муносабатлар жараёнига амалда қўшилмас эди. Бу ҳол, бугунги кунда ҳам ўзбек конституционализмига нормал ривожланиш имконини бермай келмоқда. Конституциямизнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий имкониятларини ҳали тўла ишга тушуриш имкониятига муваффақ бўлинмаётганлиги ҳақидаги сўзларини яна бир бор эслаш жоиз.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси айнан шу муаммоларни бартараф этиш мақсадига қаратилган. Қуйидаги ҳол ана шу мақсадни амалга оширишга ёрдам берувчи асосий омил бўлиб хизмат қилади. Яъни, янги Конституция ҳокимият маҳсули сифатида эмас, балки халқ ва тарих иродасининг маҳсули бўлиб майдонга чиққан ҳолдагина жамият ривожига интилишни ифодалаши мумкин.

Асосий Қонунимизни инсонпарварлик моҳиятига жавоб берадиган қонунлар ва меъёрларнигина қабул қилиш мажбурияти сифатида тушуниш мумкин. «Ушбу Конституциянинг ҳеч бир Қоидаси, – дейилади 16-моддада, – Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар келтирадиган ҳолда талқин этилиши мумкин эмас. ҳеч бир қонун ёки бошқа меъёрий ҳужжат Конституциянинг меъёрлари ва тамойилларига зид бўла олмайди». Бу талаблар фуқаролик жамиятининг ажралмас атрибути сифатида республика ҳуқуқий тизимини замонавий, инсонпарвар ҳуқуқ меъёрларига яқинлаштиради.

Конституция устуворлиги ўз-ўзидан давлат ҳокимиятини чегараловчи сифатида юзага чиқади, ҳукуматга ўз вазифалари ҳамда белгиланган тартиблар доирасида ҳаракат қилиш мажбуриятларини юклайди. Агар ҳукумат ўз ҳатти- ҳаракатларини либерал конституция меъёрлари билан мувофиқлаштирадиган, унга мос келадиган қарорлар қабул қиладиган бўлса, бундай ҳукуматни табиий равишда либерал ҳисоблаймиз.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи қисмида либерал мазмундаги тамойиллар ва талаблар ўз ифодасини кўпрок топган. Биргаликда олинган ушбу тамойиллар ҳуқуқий давлат қурилишидаги йўллар ва шарт-шароитларнинг қуйидаги либерал кўриниш элементларини таъкидлайди:

- конституциявийлик, конституция устуворлиги;
- сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги;
- давлатга нисбатан халқнинг суверенлиги ва халқаро муносабатлар тизимида давлат суверенитети;
- давлатнинг жамият томонидан назорат этилиши;
- ҳокимият тармоқланиши;
- инсон ва жамият манфаатлари устуворлиги.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги қоида Конституцияни умумий қисмидан сўнг акс этган. Бошқача айтганда, кейинги қоидалар инсон ҳуқуқларини таъминлаш зарурлигидан келиб чиқади ва улар қонун чиқарувчилик ҳамда маъмурий-ташкилий жиҳатдан амалга ошишига ёрдам беради. Бу ҳол инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги юксак конституциявий мавқени

ва уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлайди. Демак, аҳолининг ҳуқуқий маданият савиясини ошириш муқаррар ҳолда давлат-ҳуқуқчилик институтлари ривожланиш мезонларидаги шундай ролларнинг кучайиши билан боғлиққи, бу ҳам бевосита шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларидан келиб чиқади.

Шуниси диққатга сазоворки, Конституцияда «тенглик» тамойили мутлақ маънода, яъни, ижтимоий, индивидуал ҳамда бошқа табиий ва зарурий тафовутлар ёппасига йўққа чиқарилиб қонунлаштирилган ҳолда қаралмасдан, балки, жамиятнинг турли ижтимоий тоифалари ва қатламларидан эркинлик, ҳуқуқ ва қонунга нисбатан кишиларнинг бир хилдаги ҳолати хусусияти сифатида қаралган.

Анъанавий либерализм фалсафасига кўра, эркинлик ва тенглик категорияларини сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан ажралган ҳолда қараш мумкин эмас. «Эркинлик» ва «тенглик» инсонга туғилган дақиқасидан эътиборан ажралмас ҳуқуқ сифатида берилади. Изоҳ талаб этмайдиган бу категорияни исботлашнинг зарурати йуқ. Ж.Локкдаги «тенглик»нинг асосий маъносини унинг «тенглик ҳолати»га берган таърифидан пайқаш мумкин. «Бунда, - деб ёзади мутафаккир, - бутун юрисдикция ўзаро бўлади, ҳеч ким бошқага қараганда кўпроққа эга бўлмайди»[1]

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири жамиятда инсон ҳуқуқлари тизимини қонуний таъминлаш. Буни таниқли ҳуқуқшунос-олим А.Саидов қуйидагича таъкидлайди: «Фуқароларнинг ҳуқуқий ислоҳотлар натижаларини ҳали тўлиқ даражада сезмаётганликларини кўрмаслигимиз мумкин эмас. Ўзларининг кундалик ҳаётларида улар ҳали қонун сатрлари ва унинг ҳаётда амалга оширилишининг мос келмаётганлигига тўқнаш келмоқдалар. Халқнинг ҳоҳиш-иродаси мустаҳкамланган. Ҳуқуқий меъёрларнинг бажарилмасдан, амалга оширилмасдан қолиши – бу қонуний тус олган бўм-бўш сиёсий декларациядан ўзга нарса эмасдир»[2].

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ҳамда либерал ғояларнинг уйғунликда ривожланиш тақдири кўп жиҳатдан миллий конституционализм ғояларига, Конституция тамойилларига ҳамда умумэътироф этилган либерализм талабларига қатъий риоя этишга боғлиқ. Аввало, ҳар бир кишига шуни етказиш зарурки, либерализм – ҳокимиятни ўзини-ўзи чеклашга ён босувчи ёки чекловчи сиёсий-ҳуқуқий тамойилдир. Бу нафақат сиёсий нуқтаи назар, балки уни онги равишда эътироф этилишидир. Бундан ташқари, миллий конституционализм ривожланиши орқали шунга эришиш лозимки, фундаментал инсоний ҳуқуқлар миллий меросимиз, сиёсий тизим моҳиятига мос келиши билан бирга, ҳуқуқий либерализм ғояларига мос бўлиши лозим.

[1] Локк Ж. Сочинения. 3-т. – М: Мысль, 1988. – С. 263.
[2] Саидов А.Правовая реформа: состояния, проблемы, перспективы // Г. Народное слово. 1999. Февраль.

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Эрназаров Б.О. *– ЎзМУ ўқитувчиси*

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замон талаблари жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш билан боғлиқ мақсадларимизга уйғун ва ҳамоҳанг равишда ҳаётнинг ўзи олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда. Аввало, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари, деган олийжаноб ғоялар шу юртда яшаётган барча одамларнинг эзгу ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган Ягона Ватан, адолат, маърифат, деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади.

Мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўзида акс эттираётган XXI асрни замонавий оммавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, радио, телевидение, Интернет тармоғисиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, глобал тармоқ ҳисобланган Интернетнинг имкониятлари газета, радио ва ҳатто телевидениедан кўра ҳам кучлироқ таъсирга эга бўлиб бормоқда. Шу боисдан ҳам давлатнинг ахборот сиёсатини такомиллаштиришда глобал тармоқ имкониятларидан самарали фойдаланиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида қарор топган янги сиёсий тартибот ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тафовутни, номутаносибликни кучайтириб бормоқда. Шу боисдан ҳам ахборот узатиш, алмашиниш ва қабул қилиш жараёнида тезкорлик, аниқлиқ, сифат ва тасирчанликни таьминлаш, ахборотни давлат сиёсати доирасида кенг ёйилиш имкониятларини сиёсий нуқтаи-назардан ўрганишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Дарҳақиқат, ахборот сиёсатининг мунтазамлик, тезкорлик, ҳаммабоплик, тўлалик, тенг хуқуқлик, мувозанатга келтирилганлик, ахборот ресурсларининг ҳимояланганлиги каби принциплари давлат ва жамиятнинг сиёсий барқарорлигини таъминлашда устувор ўринни эгалламоқда. Айниқса, Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Илғор технологияларнинг фаол жорий қилинаётгани ва глобал ахборот-коммуникация макони тараққий этаётгани барча жараёнларни жадал ва тез ўзгартирмоқда, қитъалар, минтақалар, давлатлар ва бизнес даражасидаги ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда”[1].

Муаммонинг долзарблиги қуйидаги асосий омиллар билан белгиланмоқда:

1. Бугунги кунда глобаллашув жараёнига қўшилган ҳар бир давлат ва жамият учун ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги тузилмаларнинг аҳамияти кучайиб бормоқда.

2. Ижтимоий-иқтисодий, технологик ва маданий тараққиётнинг муҳим омили саналмиш ахборотнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти кундан-кунга

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 октябрдаги МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи. http://press-service.uz/ru/lists/view/1132

ортиб, маълумотлар билан ишлаш усуллари ўзгариши ва янги ахборот технологияларни қўллаш соҳаларининг кенгайиши шароитида ахборот хавфсизлигинингтаъминлаш зарурати кучаймоқда;

3. Шахснинг ахборот хавфсизлиги масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ахборот ҳуружларидан ҳимояланиш учун, энг аввало, уларнинг кенг ёйилиши ва ижобий қабул қилинишини таъминловчи ижтимоий омилларни аниқлаш, бартараф этиш, камайтириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш эҳтиёжи мавжуд;

4. Ахборот ҳуружларини бартараф этиш йўлларидан кўра уларга қарши курашиш йўлларини ишлаб чиқиш эҳтиёжининг ўсиши мазкур масалани социологик таҳлил этишга ундайди;

5. Ўзбекистон демографик жиҳатдан ёшлар мамлакати бўлгани учун ҳамда ёшлар (18-30 ёш оралиғи) жисмоний, ақлий жиҳатдан аҳолининг энг кучли потенциалига эга бўлган ҳолда чет таъсирларга берилиш жиҳатидан ёши катталарга нисбатан кўпроқ берилувчанлиги уларни ахборот ҳуружларининг асосий объектига айлантиради. Шунинг учун ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ахборот қизиқишлари ҳамда фойдаланувчи ахборот ресурслари борасида мониторингли социологик тадқиқотлар олиб бориш эҳтиёжи мавжуд.

Ахборот эркинлиги шароитида аҳолининг ахборот ҳуружларига учраши эҳтимоли юқори бўлади;

Кўп йиллар давомида фуқароларимизнинг ахборотга эга бўлиши йўналишидаги тўсиқларнинг бартараф этилиши ахолининг турли таъсирларга тез берилувчанлиги уларни ахборот эҳтиёжларининг асосий объектига айлантиради;

Аҳолининг китобхонлик маданиятининг қисман пастлиги ахборотларни қабул қилишга мойиллигини оширади, шунинг учун уларга телесериаллар, туркум теледастурлар, Интернетдаги ижтимоий роликлар орқали таъсир кўрсатиш осон;

Ижтимоий-сиёсий йўналишда таҳсил олувчи талабаларнинг таҳлилий ва сиёсий турдаги ахборотларга эҳтиёжи нисбатан юқори бўлгани учун сиёсий етуклик даражаси юқорироқ бўлади.

Давлат органлари кўплаб ресурсларга эга бўлганлиги учун, давлат органлари профессионаллигининг ошиши аҳолини ахборот ҳуружларидан ҳимояланишида аҳамияти ошмоқда.

“Ахборот асри” деб аталувчи бугунги даврда инсон онги ва қалби учун курашнинг турфа усуллари яратилиб, бунда ахборот воситасида ижтимоий фикрни шакллантириб, ривожлантириш билан бир қаторда ахборот ҳуружлари ҳам етакчи ўринга чиқмоқда. “Ахборотлашган жамиятда оммавий мулоқотнинг янгича шакллари вужудга келиб, ижтимоий муносабатлар, турмуш ва тафаккур тарзлари, иқтисодда, сиёсатда, бошқарувда янги парадигмалар шакллана бошлайдики, бунга тайёрланиб бориш зарурдир”.[1] Бу ерда ахборот асри ва ахборотлашган жамият тушунчалари моҳиятига

[1] Информационная политика. Учебник. Под общ.ред. проф. В.Д. Попова. – М.: Изд-во РАГС, 2003. – С. 22.

эътибор қаратадиган бўлсак, фикримизча, ахборот асри – инсоннинг кундалик фаолиятида ахборот омили етакчи ўринга чиққан давр ҳисобланади. Бунда телекоммуникация воситалари билан бир қаторда оммавий мулоқотга мўлжалланган воситалар (телефон, факс, уяли телефон) етакчи мавқе касб этади.

Ахборотлашган жамиятда эса ахборот воситалари ёрдамида маърифий ва маънавий омиллар етакчилик қилади. “Ахборотлашган жамият – ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларида ҳамда капиталнинг ўсишига эришишда билим ва ахборотнинг етакчи ўринга чиқишидир”.[1] Яна бир таърифда, “Ахборотлашган жамият бу – ижтимоий-иқтисодий ривожланишда, энг аввало, ахборотни тайёрлаш, унга “ишлов бериш”, сақлаш ва тарқатиш учун етарлича шароит яратилган жамиятдир”[2] – дейилади.

Умуммиллий тараққиётнинг ижобий жиҳатлари жамиятда ахборот хавфсизлигининг таъминланганлик даражаси билан белгиланади. Мустақил Ўзбекистон давлатининг ахборот сиёсати жамиятда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий барқарорликни таъминлашга йўналтирилган экан, бу ҳолат Ватанимизнинг сиёсий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилиши табиий. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори бугунги глобаллашув шароитида ахборот маконида мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий тафаккурини шакллантириш борасида асосий манбаа бўлиб хизмат қилади.

[1] Информационная политика. Учебник. Под общ.ред. проф. В.Д.Попова. – М.: Изд-во РАГС, 2003. – С. 25.
[2] Юсупов А. Иккинчи “тўфон”// – Тафаккур. – 2012. – № 4. – Б. 11.

II ШЎЪБА. ОИЛА, ЁШЛАР, ТУРМУШ ТАРЗИ ВА КУНДАЛИК ҲАЁТ СОЦИОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

ЁШ ОИЛАЛАРДАГИ АЖРИМЛАРНИНГ СОЦИАЛ ОМИЛЛАРИ

Алиқориев Н.С. *– ЎзМУ профессори,*
Каримова Н.Я. *– ЎзМУ таянч докторанти*

Эр-хотин муносабатларидаги бундай муҳим омилларнинг кўрсаткичлари пастлаб бораётганига асосий сабаблардан бири, психологларнинг фикрича, ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлаб борил-маганидир. Яъни, ота-оналар оилада шахслараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, мустаҳкам оилани барпо этиш ҳамда оилада соғлом муҳитни яратиш учун зарур билимларни ўз фарзандларига етарли даражада ўргатишмаяпти. Тадқиқотчилар, агар бундай ҳолат давом этаверса, ўзбек оилаларида ажримлар сонининг ортиши, низоли вазиятларнинг кўпайиши, қолаверса, никоҳдан ташқари муносабатларнинг ортиб бориши мумкин-лигидан огоҳлантиришмоқда. «Бундай ҳолатни ҳар бир оила аъзоси онгли равишда англаб етиши ва огоҳ бўлиши, сергаклик билан ўз вазиятига ўзи баҳо бера олиши муҳим аҳамиятга эга», – дейилади «Оила» илмий-амалий маркази хулосасида[1].

Маълумот учун, 2019 йилга қадар Ўзбекистонда 10 йил давомида оилавий ажримлар сони икки баробарга ошган. 2008 йилда 16 мингдан ортиқ никоҳдан ажралиш ҳоллари қайд этилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилга келиб 32 мингдан ортиб кетган. 2019 йилда эса ажримлар сони ўсишдан тўхтаб, 23 мингга тушгани айтилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2020 йилнинг биринчи квартали бўйича демографик ҳолат юзасидан маълумотлар тақдим этди. Унга кўра, ўтган уч ойда никоҳдан ажрашганлар коэффициенти энг юқори бўлган ҳудудларга Тошкент шаҳри, Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари кирди.

Маълумотларга кўра, январь, февраль, март ойларида ФҲДЁ органлари томонидан 7,8 мингта никоҳдан ажралиш ҳолати қайд этилган бўлиб, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициенти 0,9 промиллени ташкил қилади. Юқорида қайд этилган тўртта ҳудудда ажрашганлар коэффициенти қуйидагича:

1. Тошкент шаҳри – 1,0 промилле;
2. Андижон вилояти – 0,9 промилле;
3. Самарқанд вилояти – 0,9 промилле;
4. Тошкент вилояти – 0,8 промилле.

Ҳудудлар бўйича 2020 йилнинг январь-март ойларида энг кам ажрашганлар коэффициенти Қорақалпоғистон Республикаси (0,3 промилле),

[1] https://kun.uz/news/2019/12/30/olimlar-ozbek-oilalarida-ajrimlar-soni-ortishi-ehtimolidan-ogohlantirdi

Жиззах (0,3 промилле), Навоий (0,3 промилле) ва Сирдарё (0,3 промилле) вилоятларида кузатилди.

Умуман олганда дунёда нега ажралишлар сони ортмоқда? Бунинг бир қанча сабабларини санаш мумкин. Бадавлат кишиларнинг бир қисмини ҳисобга олмаганда, бугунги кунда никоҳ одамларнинг ўз мулки ва мавқеини кейинги авлодга ўтказиш мақсадидаги саъй-ҳаракатлари мажмуи бўлмай қолди. Бора-бора аёллар иқтисодий мустақиллигининг таъминланиши билан никоҳ қачонлардир бўлганидек иқтисодий шериклик зарурияти-нинг натижаси ҳисобланмай қолди. Фаровонликнинг умумий ўсиши шунга олиб келмоқдаки, агар никоҳ инсонни қониқтирмаса, у ўз ҳаётини осонгина бошқа йўлга қўйиши мумкин бўлиб қоляпти.

Жамиятшунос, оила бўйича мутахассис Дайан Ваген ажралиш вақтида ажрашганлар муносабатларини текширган. Асосан, ўрта синф вакилларидан бўлган 103 та жуфтдан биргаликда яшаганидан то ажрашгунча бўлган ўтиш даврини тасвирлаш мақсадида қатор интервьюлар олган. “Ажралиш” тушунчаси узоқ давом этган биргаликдаги муносабатлардан яккалик ҳаётига ўтишни англатади.

Маълум бўлдики, кўп ҳолларда жисмоний ажралишдан олдин эр-хотинлар ижтимоий жиҳатдан бошқа-бошқа бўлиб қоладилар. Бунда шерикларнинг бирида янги ҳаёт тарзи пайдо бўлади, уни бошқа машғулотлар қизиқтира бошлайди, ажралган хотинига алоқаси йўқ янги дўстлари пайдо бўлади. Бу бир-бирларидан, айниқса, ишқий муносабатларда сир сақлашга олиб келади. Бу тадқиқот, албатта, Европадаги ҳаётдан олинган кузатувлар натижаси ҳисобланади. Ажримларга сабаблар турлича бўлади. Шулардан энг асосийларидан бири, қайнона-келин муносабатлари натижасида юзага келади. Бу орада келин-куёвнинг яқин қариндошлари ҳам ушбу низога аралашади ва никоҳ кўп ҳолларда бузилишга олиб келади. Рақамлар статистик нуқтаи назаридан ўрганилмоқда. Бироқ, рақамларни таҳлил қилиш, унга ечимлар ишлаб чиқиш, бу соҳада социологларни етиштириш ҳали ҳам тизимли йўлга қўйилмаган[1].

“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Kun.uz’га тақдим этган маълумотига кўра, 2018 йил апрель-сентябрь ойларида 18521 нафар ажрашиш арафасида турган оилаларда турмушнинг бузилишига сабаб сифатида қуйидаги омиллар кўрсатилган:

- 48,4 фоиз – эр-хотин ўртасидаги маиший келишмовчиликлар;
- 17,4 фоиз – қайнона, қайнота ёки учинчи шахс, умуман бошқаларнинг оила ишига аралашуви;
- 5,3 фоиз – бепуштлик;
- 6,3 фоиз – моддий етишмовчиликлар, турмуш ўртоғининг ишсизлиги ва иқтисодий муаммолар;
- 5,5 фоиз – ичкиликбозлик ва бошқа зарарли одатлар оқибати;
- 3,5 фоиз – ички ва ташқи миграция;

[1] Солижонов З. https://qalampir.uz/news/uzbekistonda-eng-kup-va-eng-kam-azhrim-koeffitsiyentiga-ega-%D2%B3ududlar-k-aysilar-18356

• 11,3 фоиз – бошқа турли сабаблар.

Таҳлиллардан маълум бўлдики, оилаларнинг 50,2 фоизи эр-хотин ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар, 17,7 фоизи оилавий ҳаётга қайнона-қайнота ва бошқа учинчи шахслар аралашуви, 7,7 фоиз бефарзандлик, 3,3 фоиз хиёнат, 4 фоиз моддий етишмовчилик ва ишсизлик, 5,8 фоиз ичкиликбозлик, 3,8 фоиз ташқи ва ички миграция, 1,5 фоиз оила аъзоларидан бирининг касаллиги, 1,7 фоиз уй-жойнинг йўқлиги ва 5,8 фоиз бошқа омиллар туфайли ажрашиш ажрашиш ёқасига келиб қолган. Эътибор беринг, сабаблар арзимас, жуда жўн ва оддий. Лекин, уларнинг ҳар бирида гулдай оиладаги ришталарни барбод қилгудек куч бор, фарзандни ота ёки онасидан айиришга қодир қудрат бор[1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йил 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашувда сўзга чиқар экан, мамлакатда ажримлар даражаси юқори эканига изоҳ берди. Ёш оилалар ўртасида ажримлар сони ортаётгани тинчлик бермаётганини таъкидлаб, бунга бепарволик қилаётган бир қатор ташкилотлар раҳбарларини танқид қилди[2]. 2019 йилнинг 11 ойи давомида мамлакатда 277 минг 420 та никоҳ қайд этилган. Бироқ, 28 минг 755 та оила, асосан ёшлар ўртасида ажримлар юз берган. Президент бу ҳолатни «жуда ачинарли» деб атаб, уч йил ичида институционал муаммоларни ҳал этишга қаратилган кўплаб ҳужжатлар қабул қилинганлиги, бироқ ажримлар даражаси ўсишда давом этмоқдалигини таъкидлаган эди.

Бир сўз билан айтганда, жойларда муаммоларни ҳал қилишнинг яхлит ва таъсирчан вертикал тизими яратилади. Жамиятда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишида ҳар томонлама кўмаклашиш, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлигини ўрнатиш вазирликнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади.

Юқоридагилардан маълумки, Ватанимизда оила равнақи учун олиб борилаётган барча ишлар кўлами давлат сиёсатига айлантирилди ва бу ҳол жамиятнинг нафақат бир бутун сақланишига, балки маънавий ва иқтисодий жиҳатдан юксак даражага эришишига олиб келади.

Ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларига қараганда, оилаларда ва, айниқса, ёшлар ҳаётида оилавий ўзгаришларнинг пайдо бўлишига сабаблар жуда кўпдир ва хилма хилдир. Аммо, қанчалик мураккаб ва оғир бўлмасин, оиланинг муқаддаслигини ва бутунлигини сақлаб қолиш ҳаммамизнинг ҳам асосий бурчимиздир. Ажримлар натижасида пайдо бўлаётган салбий оқибатлар нафақат ёш оилалар аъзолари учун, балки уларнинг ота-оналари ҳамда бува-бувилари учун ҳам оғир ташвиш келтирмоқда. Айниқса, етим қолаётган фарзандларнинг бугунги ва келажак

[1] Абдураҳимова Ф. http://uza.uz/oz/society/arzimas-sabablarda-am-katta-khavf-bor-02-10-2019
[2] https://daryo.uz/k/2019/12/29/shavkat-mirziyoyev-ajralishlar-sonining-kopayganini-tanqid-qildi

аҳволини ҳисобга оладиган бўлсак, умумий аҳволнинг нечоғлик мураккаблигини тушунишимиз мумкин.

Биринчидан, ёшларни мактабдан бошлаб оила қуришга тайёрлаш масаласида комплекс ўқув-тарбиявий ишларни аниқ дастурлар асосида олиб бориш лозимки, ҳар бир ёш авлод ўзини англасин ва ҳаётга жуда ҳам жиддий ёндашсин.

Иккинчидан, йигит-қизларни оила қуришга алоҳида тайёрлаш лозим. Бу тўғрисида нафақат мактабда, балки мактабдан кейинги таълим тизимларида ҳам олиб бормоқ лозим.

Учинчидан, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг келажаги учун алоҳида эътибор бермоғи лозим.

Тўртинчидан, жамоатчилик фикрига кўра, ҳар бир маҳалла ва ташкилотларда оилани бошқариш бўйича илмий ва амалий ишларни ҳар томонлама ўргатилиши тавсия этилади. Айниқса, маҳаллаларда махсус оила бошқаруви комиссияларини ташкил этиш ва бу комиссияларда илмга ҳамда қонунларга асосланган оилани бошқаришга йўналтирилган назарий-амалий институционал ишларни олиб боришни замон тақозо этмоқда.

Бешинчидан, ёшларни мустақил ўқиш ва ҳаётга ўргатиш борасида олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириб, уларни бажариш ва назорат қилишни Ёшлар ишлари агентлигига асосий вазифа сифатида топшириш лозим.

Олтинчидан, бажарилаётган барча ишлар қаторида оила ривожи учун йўналтирилган фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишларини янада кўпайтириш масаласини инновация вазирлиги зиммасига юклаш лозим.

Етинчидан, Ўзбекистон Фанлар академияси ва олий таълим тизимидаги етакчи университетлар қошида махсус илмий-текшириш лабораторияларини очиш ва докторантлар сонини кўпайтириш лозим.

Саккинчидан, оила барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий ишларнинг ва қадриятларнинг ўрни жуда катталигини ҳисобга олган ҳолда диний Қўмита ва уламоларнинг оила тарбиясидаги ўрнини қайта тикламоқ лозим.

Хулоса қилиб айтганда, оила муаммоси жуда улкан – ҳам назарий ва амалий қисмлардан иборатдир. Бугун оила дарахтини илмий асосда шакллантириб, уни парвариш қилишимиз лозим. Оиланинг илдизлари қанчалик бақувват бўлса, танаси ҳам шунчалик бақувват ва чиройли бўлади, мевалари ҳам ширин ҳамда лаззатли бўлади. Оиланинг замонавий моделини яратиш барча жамиятшунос олимлар олдига, айниқса, социологлар, психологлар ва математиклар олдига улкан вазифаларни юклайди.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

Аликариева А.Н. *– ЎзМУ доценти,*
Каримова Н.Я. *– ЎзМУ таянч докторанти*

Ўтмишда ота-боболаримиз хотин-қизларни эъзозлашган ва она зотини биринчи ўринда кўришган. Она ҳадису шарифларда у дунё ва бу дунё жаннатининг калити ҳисобланади. «Жаннат оналар оёғи остидадур» дейилади, ҳадисларнинг бирида. Аёллар ҳурмати ва мавқеини кўтариш борасида ҳадису шарифлар, асарлар ва лойиҳалар жуда кўп. Дунёнинг 5та қитъасида жойлашган давлатларнинг ҳар бирида ўзига хос ва мос қонунлар ва қадриятлар яратилганким, улар аёл ҳуқуқи ва қадрини кўтаришга қаратилган. Қонунлар, қадриятлар ва маданиятлар орқали инсонлар бу соҳада анча ютуққа эришганлар. Аммо шунга қарамасдан ўтган ва ҳозирги жамиятда аёлларнинг камситилиши, хўрланиши кўпроқ кузатилмоқдаким, бу гендер муаммосига айланди. Натижада хотин-қизларнинг таьлим олиш даражаси, соғлиғи ва турмуш даражаси эркакларникига нисбатан анча пасайиб кетди, бундай ҳолни исботловчи фактлар ва рақамлар жуда кўплаб топилади.

Маьлумки, дунёда бир улуғ зот бор – бу инсон. Инсонларнинг ичида янада улуғроғи – бу аёлдир. Аёл зоти нозик дидли, нозик табиатли, нозик қалбли зотдир. У ўзининг нафис ва пок қалбли, назокати ва гўзаллиги билан бу табиатни безайди, эркак зотини забт этади. Эркакларнинг соғлиғи, бақуватлиги ақли-заковати, марду-майдонлиги, она Ватанни ҳис қилиши, миллат ва ўзликни таниши, барча-барча ҳиссиётлари аёл туфайлидир. Зеро уни аёл туққан, оқ сут берган ва тилга ўргатган аёлдир. Аёл зотининг ўрни ва роли биздан олдинги ўтган барча доноларнинг китобларида тўла баён этилган. Аёл ва унинг жамиятдаги роли ва ҳуқуқлари барча диний китобларда ҳам очиқ ва равон ёзилган.

Хотин-қизлар ҳуқуқи ва мавқеини поймол қилиш ва хўрлаш ҳолатлари Африка, Осиё қитъаларидаги ва Марказий Осиёда жойлашган кўпгина давлатларда кўпроқ кузатилмоқда. Мустақил Ўзбекистон Республикасида ҳам хотин-қизлар ва гендер муаммоси жуда долзарб эканлигини Биринчи Президентимиз И.Каримов ҳам ўз асарлари ва маърузаларида бир неча бор таькидлаб ўтгандилар. Мустақиллик ҳар соҳада чуқур ва ҳар томонлама ислоҳотларни олиб боришни тақозо этмоқда.

Хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги мавқеини доимо ошириб бориш, аёлларга оналик ва болалик ҳуқуқини бериш, уларга таьлимнинг барча эшикларини тўла очиб қўйиш, раҳбарлик лавозимларини кўпроқ эгаллаш ҳуқуқини бериш, соғлиғини сақлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш соҳаларида ҳам катта ислоҳотлар ва амалий ишлар Юртбошимизнинг шахсан иштирокида олиб борилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида бешта устувор йўналиш белгиланган[1]. Президентимиз томонидан инсон манфаатларини таъминлаш, унинг қонуний ҳуқуқларини амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишлари белгиланган. Яъни, шахс, давлат ва жамият узвийлигини таъминлаш биринчи ўринга қўйилган. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш масаласига ҳам кенг урғу берилган.

Ҳозирги даврда республикамизда 36 миллионга яқин аҳоли яшаса, халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 58,5 фоиз[2] дан кўпи зиёли хотин-қизлардир.

Хотин-қизлардан жамиятнинг янги ижтимоий қатлами – тадбиркор, ишбилармон, фермер ва менежерлар етишиб чиқиб, улар республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Аёллар миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатда барқарорлик ва тинчликни таъминлаш борасида фаоллик кўрсатмоқдалар. Аёлларда фуқаролик масъулиятини ортиб бораётгани, айниқса аҳамиятлидир.

Аёлнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, унинг фаоллигини оширишда қуйидагилар муҳимдир:

- фуқаролик фаолиятининг доимий равишда қўллаб-қувватлаб борилиши;

- уларда мустақиллик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғусини шакллантириш;

- чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятнинг таркиб топтирилиши, миллий қадриятлар ва урф-одатларнинг улар онгига сингдирилиши;

- бозор иқтисодиёти шароитида ишбилармонлик, тадбиркорлик, ижодкорлик ва ташаббускорлик хислатларининг барқарорлашуви ва бошқалар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аёлларнинг жамият ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги иштирокини таъминлаш, уларнинг оиладаги, жамиятдаги ҳамда давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги фаолликларини ошириш, халқ хўжалигининг турли соҳаларида эркин ва фаол меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, ижтимоий таъминотини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг олдини олиш масалаларининг ижобий ечимини топиш йўлида самарали фаолият олиб борилди. Бироқ, жойларда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини ўрганиш вилоят, шаҳар ва туманлар миқёсида аёлларнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги фаол иштирокларига эришиш борасида муайян муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатди.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Тошкент, 2017. 7 февраль.

[2] Демографический ежегодник Узбекистана. – Ташкент.: Госкомстат, 2016. – С. 65.

Таълим ислоҳотлари ҳам хотин-қизлар фаоллигини оширишни талаб этади. Айниқса, ёш авлод онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, замонавий билимлар беришни босқичма-босқич амалга ошириш аёл зиммасига энг муҳим вазифани юклайди. Буларсиз аёл жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бўлмайди.

Мустақиллик шарофати билан олиб борилган статистик ва социологик таҳлилларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда хотин-қизлар муаммоси биринчи даражали муаммолардан бўлиб қолмоқда. Маьлумотларнинг кўрсатишича, хотин-қизларимизнинг 70% дан ортиғи турли хил касалликларга, айниқса, анемия касалига учраган, уларнинг 30% дан кўпроғи доимий ва унумли иш жойига эга эмас, зиёли ва олима аёлларнинг улуши ҳам кўп эмас, ҳокимият, вазирликлар ва ижтимоий ҳаётда ҳам уларнинг раҳбарлик иштироки талаб даражасидан паст. Ўзбек хотин-қизларининг чет элга ишга кетаётганлиги (асосан оғир ва қора ишларга) ва мардикор бозорларидаги иштироки миллатимиз учун аянчли ва шармандали аҳвол эканлигини англаш қийин эмас. Хотин-қизлар тирикчилик дардида ўзларини барча оғир ишларга, ҳаттоки ўзини ўзи ўлдириш, террористик ишларга, фоҳишабозлик ва савдо-чайқов ишларига мажбур қилмоқдалар. Бозордаги савдогарларнинг деярлик 60-70% аёллардир.

Умуман олганда, давлатимиз хотин-қизлар равнақи учун қилаётган жуда катта ишларига қарамасдан, баъзи ўзбек аёлларининг ҳозирги аҳволи замон талаби даражасидан анча йироқ бўлиб қолмоқда.

Республикада фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар қўмиталари, хотин-қизлар уюшмалари, марказлари ва нодавлат жамғармалари фаолияти билан танишиш, шунингдек, «Соғлом авлод» ҳамда «Она ва бола» Давлат дастурларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда шу хулосага келдикки, айни вақтда хотин-қизлар фаоллигини ошириш борасида бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Булар:

- муайян ижтимоий-иқтисодий тузумдан янгича, демократик бошқарувга ўтаётган мамлакат ва жамият учун хотин-қизлар муаммосини демократик ва инсонпарварлик ғоялари нуқтаи назаридан ҳал этиш бўйича илмий мажмуаларнинг мавжуд эмаслиги;
- хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган ахборотлар ва ишланмаларнинг етарли эмаслиги;
- хотин-қизларнинг жадал фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида бир қатор камчиликларнинг мавжудлиги.

Шу ўринда хотин-қизлар фаоллигини социологик усуллар ва технологиялар ёрдамида тадқиқ ва таҳлил қилиш йўли билан қуйидагича масалаларни ечиш зарурдир:

- мажмуавий социологик тадқиқот дастурини яратилиши;
- хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеини социологик сўровнома орқали ўрганиш;
- хотин-қизларнинг ҳуқуқий ҳолатини ва уларга нисбатан бўлаётган турли-хил тазийиқ ва чеклашларни социологик усуллар ёрдамида ўрганиш;

- хотин-қизларнинг таьлим ва илм бўйича салоҳияти ва ҳолатини ўрганиш ва тадқиқ қилиш;

- хотин-қизларнинг меҳнатга муносабатлари ва моддий томонларини ўрганиш;

- хотин-қизларнинг соғлиғи ва турмуш даражасини социологик тадқиқ қилиш;

- хотин-қизлар фаоллигини оширишда уларнинг ижтимоий фикрларини ўрганиш;

- хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишнинг омиллари ва йўлларини яратиш;

- хотин-қизлар фаоллигини оширишнинг омилларини акс эттирувчи рисолалар чоп этиш ва уни бутун Ўзбекистон ҳудуди бўйича тарқатиш.

Аниқ маьлумотлар асосида рисола яратиш ва уни маҳаллалар орқали бутун мамлакат ҳудудига тарқатилса, бу рисола маҳалла қошидаги хотин-қизлар қўмитаси фаолияти учун асосий дастурий амал бўлиб хизмат қилади.

Хотин-қизлар фаоллигини ошириш натижасида қуйидаги ютуқларга эришиш мумкин:

1. Хотин-қизларнинг сиҳат-саломатлиги мустаҳкамланади.
2. Хотин-қизларнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеи янада мустаҳкамланади.
3. Гендер муаммосининг аста-секин ечим топишига олиб келади.
4. Хотин-қизларнинг меҳнат фаолияти фаоллашади.
5. Хотин-қизларни камситиш ва эзиш ҳолатлари камайиб боради.
6. Хотин-қизларнинг турли хил диний оқимларга кириши, террорда иштироки камаяди.
7. Хотин-қизларнинг ўртача умри аста-секин ортиб боради.
8. Оилада психологик муҳит яхшиланади, бола тарбиясига эътибор ортади, эр-хотин муносабати яхшиланади.
9. Хотин-қизлар ўртасида ишсизлик, ўз жонига қасд қилиш ва бошқа салбий ҳолатлар камаяди.
10. Хотин-қизлар ўртасида ишбилармонлар, зиёлилар кўпайиб боради.
11. Хотин-қизларнинг миллий истиқлол ғоясига ва миллий мафкурага нисбатан ҳурмати ортиб боради.
12. Хотин-қизларнинг маънавий, маърифий, сиёсий ва маданий савияси ошиб боради.
13. Хотин-қизларни соғлом, маданиятли, маърифатли, илмли, ишблармон, ватанпарвар қилиб тарбиялашнинг жуда катта ижобий оқибатлари кузатилади.

Аввало, баркамол, соғлом, меҳнатсевар, ватанпарвар, билимли авлод шаклланади. Мамлакатда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий барқарорлик вужудга келади. Мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги мавқеи янада ошади.

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Хусанова Х.Т. *– ЎзМУ доценти*

Дунё миқёсида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш орқали камбағалликдан чиқаришга бўлган эҳтиёж янги вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, «...дунё аҳолисининг 29% комплекс ижтимоий ҳимояланган бўлса, 71% (5,2 млрд киши) бундай ёрдамдан тўлиқ ёки қисман маҳрумлигича қолмоқда. Дунё давлатлари ЯИМ атига 3,2% давлат ижтимоий ҳимоя чора-тадбирларига сарфланмоқда».[1] Бу эса, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришда инновацион тенденцияларни илмий ўрганиш заруриятини илгари суради.

Жаҳонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини тизимли таҳлил қилишда борасида олиб борилган тадқиқотларда, жумладан, ижтимоий ҳимоя тизимининг назарий-концептуал асослари, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражасининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари, ижтимоий ҳимоя тизимининг тузилмали-функционал хусусиятлари, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштиришда инновацион ёндашувлар борасида олиб борилаётган бораётган илмий ишлар аҳамиятга моликдир.

Айни муаммоли йўналишлардан келиб чиқиб, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялаш тизими автоматлаштирилиб, ушбу жараёнда мутассадди шахслар иштирокидан ҳоли тарзда амалга ошириш тартиби жорий этилмоқда. Янги тизимда “ижтимоий ҳимоя ягона реестр”и учун муҳтож оила аъзоларининг паспорти, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (болалар учун) ва никоҳни қайд этиш тўғрисида гувоҳнома (мавжуд бўлганда) нусхалари талаб этилади, холос. Ушбу ҳужжатлар маҳалла фуқаролар органларига тақдим этилади ва бунда ушбу ҳужжатларни қабул қилинмаслигига йўл қўйилмайди. Қабул қилинган ҳужжатлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларига тақдим этилгандан сўнг ариза ва унинг оила аъзолари шахсини тасдиқловчи ҳужжатлардаги маълумотлар Ягона реестрга киритилади.

Оиланинг муҳтожлигини аниқлаш учун зарур бўладиган бошқа маълумотлар (оила аъзолари даромадлари – иш ҳақи, пенсия, стипендия ва бошқалар, номида мавжуд кўчмас мол-мулки, автотранспорт воситалари, ишлаганлиги ёки ишсиз бўлганлиги, ишсиз бўлиб меҳнат органларига

[1] Доклад о социальной защите в мире в 2017–2019 годах. Обеспечение всеобщей социальной защиты для достижения Целей в области устойчивого развития / Группа технической поддержки по вопросам достойного труда и Бюро МОТ для стран Восточной Европы и Центральной Азии. – Москва: МОТ, 2018. – С. 32-33.

мурожаат қилганлиги тўғрисида) Ягона реестр орқали солиқ, кадастр, ички ишлар, меҳнат ва бошқа идоралардан автоматик равишда электрон тарзда олинади.

Қонунчиликда белгиланган мезон ва меъёрлардан келиб чиқиб, турли идоралардан олинган маълумотлар асосида Ягона реестр, ҳеч қандай инсон омилисиз, аризачилар оиласига ижтимоий нафақаларни тайинлайди ёки тайинлашни рад этади. Бу бўйича қабул қилинган қарор аризачи ёки унинг оила аъзоларига СМС-хабарлар орқали етказилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш тизими инновацион ёндашувлар асосида институционал ислоҳ қилинмоқда. Бунда нафақат ижтимоий ҳимоя объектини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари кучайтирилиб қолмасдан, унинг субъектлари фаолияти тузилмали-функционал тамойиллар асосида қайта кўриб чиқилмоқда. Туб ислоҳотларнинг бош мақсади ижтимоий ҳимоя тизимининг комплекс хусусият касб этиши ва эҳтиёжманд қатламларни истисносиз қамраб олишга йўналтирилмоқда. Ушбу ислоҳотлар давомида муҳтожликдан чиқаришнинг оқилона йўли сифатида эҳтиёжманд кишиларни доимий даромад манбаига эга бўлишида иш жойлари билан таъминлаш орқали муҳтожликдан чиқаришга қаратилмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг илмий тадқиқ этилиши қуйидаги йўналишларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ;

- Ўзбекистонда ижтимоий сиёсат динамикаси;
- ижтимоий ҳимоя тизимида ташкилий-функционал тўсиқлар ва муаммолар;
- ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштиришда “ижтимоий кўмак+ижтимоий ҳимоя бирлиги”;
- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш орқали камбағалликни қисқартириш;
- аҳолининг фаол ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, айниқса, имконияти чекланган кишиларни манзилли ижтимоий ҳимоялаш тартиб-таомилларини кучайтириш;
- шунингдек, эҳтиёжманд қатламларни ижтимоий ҳимоялашда тизими ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ ўзгаришларни социологик таҳлил қилишда кўмаклашадиган комплекс социологик тадқиқотларни янада такомиллаштириш.

РОЛЬ И МЕСТО СОЦИОЛОГИЧЕСКИХ ОПРОСОВ В ФОРМИРОВАНИИ МИРОВОЗЗРЕНИЯ ГРАЖДАН

Гаффарова М.К. *– АГУ при ПРУз, д.ф.с.н. (PhD)*

В настоящее время по глобальным масштабам социальных изменений и трансформаций важно обеспечить системный мониторинг общественного мнения, а также эффективное использование их результатов в социально-экономической и социально-политической жизни. В последние годы в стране

принят ряд нормативно-правовых документов, связанный с процессом изучения общественного мнения.

Социология имеет важное значение как направление, изучающее общество, жизнь людей, анализирующее изменения о нововведения. Отношение населения к новшествам и внедрению их в жизнь, их взгляды и мысли по осуществляемым широкомасштабным реформам в стране последовательно изучается через различные социологические опросы[1]. Эти процессы отражают социологию как важную науку, как широко отраслевое направление.

В Государственной программе по противодействию коррупции на 2017-2018 годы было предусмотрено: «Разработка и реализация плана проведения социологических, социальных, научных и других исследований в области и противодействия коррупции, предусматривающего проведение на национальном и отраслевом уровнях исследований состояния коррупции, её характера, масштабов, динамики и тенденций, а также эффективности реализации государственной политики в области противодействия коррупции».

Сфера социологии в стране, все более совершенствуясь, развивается, отдельное внимание следует уделять налаживанию деятельности квалифицированных специалистов, созданию возможностей и условий для исследователей. Поэтому, в ряде высших учебных заведений страны подготавливается специалисты в направлении социологии.[2] Так, социологи подготавливаются в Национальном университете Узбекистана, Наманганском, Ферганском, Самаркандском и Каракалпакском государственных университетах. Необходимо подчеркнуть, что в проведении социологических опросов специалисты-социологии вносят большой вклад. Важным объектом проведения социологических опросов являются основные направления формирования мировоззрения граждан. В этом смысле в последние годы в стране осуществляются различные мероприятия.

Проведение социологических исследований, направленных на обеспечение научно основанного мониторинга эффективности духовно-просветительской пропагандисткой деятельности возложено на Республиканский центр духовности и просветительства, изучение вопросов молодежи в разрезе регионов, исследование социально-психологического портрета современной молодежи – Институту изучения проблем молодежи Академии Государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, изучение общественного мнения призывников военной службы – Общественному совету при Министерстве Обороны, проведение социологических исследований с целью изучения потребностей населения в киноискусстве, подготовке по сфере статических и аналитических сведений – Творческому объединению деятелей кино при Национальном агентстве «Узбеккино», совершенствование системы повышения квалификации

[1] Общественное мнение молодёжи: изменения позитивных процессов // Гражданское общество – Civil Society. – 2008. – №1. – С. 17-19.

[2] Исследование обеспечение достоверности. 23.04.2018. веб-сайт Национального информационного агентство. www.uza.uz.

специалистов и подготовки кадров по демографии, социологии семьи, семейной психологии и социальной деятельности – Научно-практическому исследовательскому Центру «Оила (Семья)», изучение женщин в сфере здравоохранения, науки, образования, культуры и искусства, в сельском хозяйстве, промышленности, подготовка сведений и проведение социологических исследований, направленные на определение существующих проблем – Комитету женщин Узбекистана, всесторонний анализ и системный мониторинг общественного мнения по деятельности государственного органа по важным вопросам, правам и свободам граждан, проведение социологических опросов с использованием информационно-коммуникационных технологий – каждому государственному органу, в частности, правозащитным органам, общественным советам при хакимиятах г. Ташкента и областей, Совету Министров Каракалпакии, рассмотрение обращений учащихся и их родителей, проведение социальных опросов о деятельности руководителей и педагогов общеобразовательных учреждений – наблюдательному совету общеобразовательных учреждений, проведение социологических опросов и исследований, рекламные кампании и показ социальных роликов-возложено на организацию «Ватанпарвар (Патриот)» при Министерстве Обороны Республики Узбекистан.

В концепции активизации участия в виртуальном пространстве государственных и хозяйствующих органов управления определены меры по проведению социологических опросов в каждом регионе, городе, районе, махалле, улице, создание «социальной карты» мнений населения по результатом опроса, а также решение определённых проблем и разработка и осуществление "дорожных карт" по социально-экономическому развитию региона.

В рассматриваемой сфере отдельное внимание уделяется следующим вопросам:

– во-первых, дальнейшее широкое использование потенциала негосударственных организаций;

– во-вторых, качественное исполнение государственных заказов;

– в-третьих, активное привлечение населения к данному процессу;

– в-четвертых, определение состояния и содержания политической, социально-экономической, нравственной, правовой сознательности граждан. В этом направлении крайне важно создание методологических и учебно-технологических условий для развития сферқ политических наук: экономической политологии, политического маркетинга и менежмента, политической социологии и других инновационных направлений;

– в-пятых, изучение уровня политической и правовой культуры населения и определение основных направлений их развития. В этом смысле для изучения эффективности осуществления государственной политики в этой сфере, а также состояния повышения правовой культуры в обществе, определенных в концепции повышения правовой культуры в обществе, важное значение имеют проведение социальных опросов и социологических,

специальных научных исследований совместно с гражданами, органами самоуправления граждан, с ННО и другими организациями, средствами массовой информации.

Согласовательный совет по развитию гражданского общества совместно с республиканским центром изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр» осуществили деятельность по апробации новой методики проведения социальных исследований гражданского общества. В рамках этих исследований проведен социологический опрос на тему: «представления, мнения и надежды граждан по негосударственным некоммерческим организациям».[1]

В республике совместно с высшеми образовательными учреждениями, начиная с 2019-2020 учебного года, были рассмотрены меры по открытию кафедр социологии и социологических исследований. Была создана ассоциация социологов Узбекистана, основными задачами которой определены следующие:

- Участие в научных исследованиях, работе по совершенствованию методологии социальных измерений, повышении интеллектуального и научно-технического потенциала социологического сообщества страны. В том числе внесение предложений по проведению социальных экспериментов;
- Оказание содействия проведении изучения и анализа демографических процессов как в Узбекистане так и за рубежом;
- Повышение квалификации социологов и других работников;
- Взаимодействие с высшими образовательными учреждениями по внедрению в их учебных программы новейших достижений в социологии и инновационных подходов проведения социологических исследований;
- Сотрудничество с международными и зарубежными ассоциациями социологов, формирование консорциумов для проведения качественных социологических работ, в том числе за рубежом;
- Членство в Международной социологической ассоциации, участие во всемирных социологических конгрессах и форумах.

Таким образом видно, что в стране внедряется новая практика проведения социологических опросов в определении основных направлений формирования мировоззрения граждан.

СОЦИАЛ КАПИТАЛ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ АҲОЛИ ТУРМУШ СИФАТИНИ ОШИРИШДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИ БАҲОЛАНИШИ

Акрамов Х.Ф. *– ЎзМУ катта ўқитувчиси*

«2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий обрўсини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги

[1] Консультативный совет завершил итоги 2018 года. 29.01.2019. // www.uza.uz.

ўрнини холис ва ҳаққоний баҳолашни таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, кўрилаётган чораларга қарамасдан, мамлакатда тегишли йўналишлар бўйича миллий рейтингларни юритишга ёрдам берадиган, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқаро мезонлар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолашнинг яхлит тизими мавжуд эмас. Мазкур ҳолат халқаро ташкилотлар ва илмий муассасалар билан тизимли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, масъул вазирлик ва идораларда баҳоланаётган йўналишлар бўйича тавсиялар ва бошқа давлатларнинг ижобий тажрибасини ўз ичига олган тегишли маълумотлар базасини, ходимларда эса халқаро рейтинглар методологиясини қўллаш бўйича дунёқарашни шакллантириш имконини бермаяпти».[1]

Ушбу тадқиқот аҳолининг турмуш сифатини баҳолашга бевосита алоқаси бўлган экспертлар ва мустақил экспертлардан ўтказилганлиги учун биз энг аввало, жаҳон стандартларида белгилаб қўйилган турмуш сифатининг индикаторлари асосидаги эксперт саволномаси бўйича ўтказдик. Мазкур тадқиқотнинг асосий моҳияти аҳоли турмуш сифатини баҳолашда социал капитал имкониятларининг ўлчовини ўрганишдан иборат бўлиб, унда социал капиталнинг қуйидаги индикаторлар асосида ўрганилди:

1-жадвал

Мамлакатимиздаги социал капитал мезонларининг умумий баҳоланиши

Индикаторлар	Сони	Жами		
	Улуши	Паст даража	Ўрта даража	Юқори даража
Инсонларнинг жамоатчилик ишларидаги фаоллиги даражаси индикатори	Жавоб берганлар сони	125	549	499
	Улуши (%да)	10,7 %	46,7 %	42,5 %
Виждон эркинлиги ва диний эътиқодга бўлган муносабат даражаси индикатори	Жавоб берганлар сони	49	369	755
	Улуши (%да)	4,2 %	31,4 %	64,4 %
Инсонлар ҳаётида дўстларнинг мавжудлиги даражаси индикатори	Жавоб берганлар сони	86	467	620
	Улуши (%да)	7,3 %	39,9 %	52,8 %
Инсонлар ҳаётида ўзаро ёрдамнинг мавжудлиги даражаси индикатори	Жавоб берганлар сони	71	516	586
	Улуши (%да)	6 %	43,9 %	50,1 %
Жамоатчиликдаги ўзаро ишонч даражаси индикатори	Жавоб берганлар сони	127	555	491
	Улуши (%да)	10,8 %	47,3 %	41,8 %
Инсонни ўзига ва истиқболига ишончи индикатори	Жавоб берганлар сони	26	314	833
	Улуши (%да)	2,2%	26,8%	71%
Инсонлар билан ўзаро алоқага киришувчанлик даражаси индикатори	Жавоб берганлар сони	52	364	757
	Улуши (%да)	4,4 %	31 %	64,5 %
Инсонларни ҳурмат қилиши ва уларга нисбатан бағрикенглик даражаси индикатори	Жавоб берганлар сони	44	335	794
	Улуши (%да)	3,7	28,5	67,6

1-расм. Умумлаштирилган солиштирма таҳлил

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги ПҚ-4210-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.02.2019 й., 07/19/4210/2666-сон

1-жадвалдаги умумлаштирилган кўрсаткичлар мамлакатимиздаги социал капитал мезонларининг умумий баҳоланишига умумий тавсиф бериши мумкин. Агар барчасини умумлаштириб хулоса қиладиган бўлсак, социал капиталнинг мезонларини бир-бирига боғлиқлиги нуқтаи назаридан уларни бир-бирига қиёслаб кўрилганида инсонларнинг жамоатчилик ишларидаги фаоллиги даражаси ва жамоатчиликдаги ўзаро ишонч даражаси ўрта даражада баҳоланганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу индикаторлар аслида бир-бирига боғлиқлиги ва олинган натижага кўра аҳоли орасидан танлаб олинган респондентлар ва экспертлар фикри мазкур ҳолатни тасдиқлаши диаграммада кўриниб турибти. Ҳар қандай фуқаролик жамиятининг шаклланишида жамиятдаги ўзаро ишонч фуқароларнинг ўз позицияларини намоён қилишларига сабабчи бўлади. Фуқароларнинг ўз позицияларини намоён этишларида, айнан жамоатчилик ишлари инсонларни ўзларини намоён этишларига ёрдам берувчи омил эканлиги ҳаммамизга маълум. Жамиятимизда ўзаро ишончнинг ошиши инсонларни жамоатчилик ишларидаги фаоллигини ўсишига асос бўлади.

Мамлакатимизнинг буюк келажагини қуришимиз учун, энг аввало ҳар биримиз ватанимизга хизмат қилмоғимиз зарур. Чунки, эртанги кунимизнинг буюк бўлишига ишонч айнан аҳолининг реал даромадларини ўсишига уларнинг яшаб турган турмуш шароитининг сифатини ошишига асосий сабабчи бўлади. Унда албатта ҳар қандай инсон ишонч асосида ижтимоий алоқалар ўрнатиши орқали реал даромадларни ўстиради ва турмуш сифатини яхшилашни амалга оширади. Айниқса, жамиятимиз аъзолари бўлмиш эҳтиёжманд қатлам вакиллари, яъни кексалар ва имконияти чекланганлар ушбу ишонч ва ижтимоий алоқаларни қанчалик муҳимлигини яхши билишади.

Ҳар қандай ижтимоий адолатга асосланган жамият аҳолининг турли табақадаги ва турли ижтимоий структурадаги вакилларини турмуш сифати ва даражасини яхшилашга уринади. Ушбу жамиятларда ишонч жуда муҳим ва ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ишонч орқали баҳолашнинг яхлит ва мустақил тизимини шакллантириш, шунингдек, республиканинг ишончга оид халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашни таъминлаш мақсадида бошқарув сифати ва сиёсатнинг самарадорлигини ўлчаш, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар жараёнини баҳолаш, тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда ислоҳотларнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишга ёрдам берувчи устувор халқаро рейтингларнинг мезонлари ва индикаторлари миллий мониторинг тизимининг таркибий қисми этиб белгиланган.

Ўтказилган тадқиқот натижалари асосида социал капитал индикаторларининг миллий хусусиятлари ўзбек социумига мослаштирилиб шакллантирилди. Улар «инсонларнинг жамоатчилик ишларидаги фаоллиги» социал капитал индикатори сифатида белгилаб олинди. Ушбу индикаторлар мамлакатнинг ҳудудудий дифференциал фаолиятида аҳоли турмуш сифатини баҳолашдаги ички рейтингини аниқлашнинг ўлчаш мезони сифатида фойдаланиш учун ёрдам беради.

ДОМА КУЛЬТУРЫ – МЕСТО ТВОРЧЕСТВА И ДОСУГА НАСЕЛЕНИЯ ИЛИ НАСКОЛЬКО ОНИ ВОСТРЕБОВАНЫ В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ

Асамова У.А. *– ст. аналитик отдела «Стратегия и исследования» консалтинговой компании RB ASIA*

«Дом культуры» по своему названию относится к советской эпохе 1930-х годов, когда возникла потребность в месте, где смогло бы собраться общество, объединенное общими интересами, место, где можно было устроить обсуждения и дебаты, послушать лекцию или выступление, отдохнуть культурно, слушая выступление творческого коллектива, потанцевать со сверстниками, записаться на кружок и изучать новое, оттачивать свое мастерство и навыки, прийти и послушать советы старших и опытных товарищей. Вышеприведенное определение больше подходило к домам культуры расположенных в средних и малых городах, и в особенности в сельской местности. Дома культуры были так называемой частичкой того «большого, светского культурного образования» называемого театром, филармонией, профессиональных курсов и служила альтернативой в организации досуга для рабочих малых городов и сёл.

Проходя годы менялась идеология государства, менялось и общество. Появлялись новые взгляды, культура и искусство равно также как и наука не стояли на одном месте, соответственно услуги, которые предлагали дома культуры также менялись, некоторые расформировывались а некоторые возникали. К примеру, собрания и чтение лекций по государственный строй, повышение политического образования населения, которое было обязательным в 1950-х годах, постепенно освободило место обсуждению новшеств в науке и технике и танцам в стиле «Битлз» в 1970-х годах. Дома культуры были местом как проведения досуга, развития творчества так и местом познания знаний, так как в некоторых из них функционировала мини библиотека. На пороге XXI века дома культуры стали не актуальными, устарела материально-техническая база, распались кружки, интерес населения больше акцентировался на трудоустройстве и заработке, нежели уделять внимание на образовательно-культурное проведение досуга. Безработица и рыночные отношения внесли свои коррективы в уклад жизни населения, что повлияло на деятельность культурно-досуговых учреждений.

В Узбекистане дома культуры функционировали как в столице, так и в средних и малых городах. По одному дому культуры было в районных центрах большинства областей республики. В период становления независимости дома культуры были переданы под управление Министерства культуры, которое не особо уделяло внимания их функционированию. В период с 2000 по 2010 годы дома культуры в основном в больших городах республики служили «центром проведения репетиции» для творческих коллективов, деятелей искусства – эстрадных певцов, танцевальных коллек-тивов выступающих с номерами на концертных программах эстрады.

Наличие большого и малого зала позволяло домам культуры сдавать их в аренду и существовать. Кружки по интересам, кружки обучения, кружки профессионального мастерства, которые хорошо функционировали в большинстве домов культуры больших городов распались. С оглашением привилегий и развитием предпринимательской деятельности, с 2008 года у предпринимателей началась тенденция поиска места для организации курсов по разной тематике: курсы иностранных языков, курсы танцев, курсы рисования и т.д. Предприниматели организовали платную обучающую деятельность при домах культуры, арендуя и благоустраивая комнаты и помещения, отведенные для них. С организацией обучающих курсов местное население постепенно начало интересоваться и наблюдалось посещение различных курсов организованных частными предпринимателями при домах культуры. В 2013 году вышло постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан по кардинальной трансформации домов культуры. Согласно постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по формированию в 2013-2018 годах современных центров культуры и досуга населения» от 25 июня 2013 года были организованы 894 Центра культуры и досуга населения на базе 1777 домов культуры и клубных учреждений, в разрезе районов (городов) Республики Каракалпакстан, областей и г. Ташкента, с учетом обеспечения доступности предоставляемых ими культурно-массовых услуг широким слоям населения.[1]

Начиная примерно с 2010 года начали функционировать центры «Баркамол авлод», чуть позже, центры творчества молодежи «Ёшлар ижод саройи», которые предлагают похожие услуги по образованию и творчеству, в основном для молодежи. Различие центров молодёжи от домов культуры состоит в том, что центры молодежи больше направлены на организацию досуга молодёжи, среднее и старшее поколение остается не охваченным. Нынешние центры творчества молодежи в основном становятся местом проведения выставок и собраний. Однако то же самое трудно сказать о функционировании домов культуры в сельской местности, большинство из которых закрылись или помещение сдано под другие виды деятельности предпринимательства.

Стоит отдельно уделить внимание функционированию и деятельности центров «Баркамол авлод». Постановление президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному повышению эффективности внешкольного образования в системе народного образования» от 01 октября 2019 года призван уделять внимание на развитие и создание новых форм обучения в центрах «Баркамол авлод».[2] К примеру, начиная с 2020/2021 учебного года в детских школах «Баркамол авлод» внедряется программа «STEAM-образование» (Science – естественные науки, Technology – технологии, Engineering – инженерия, Art – искусство, Mathematics – математика); в каждом районе в одной из средних общеобразовательных

[1] https://lex.uz/ru/docs/2193248
[2] https://uza.uz/ru/posts/o-merakh-po-kardinalnomu-povysheniyu-effektivnosti-vneshkoln-01-10-2019

школ исходя из материально-технической базы учреждения и интересов учащихся в порядке эксперимента создаются сетевые кружки детских школ «Баркамол авлод». Названия центров может быть различным, меняясь исходя из пополнения словарного запаса зарубежными терминами, однако по смыслу и видам деятельности те же центры «Баркамол авлод» и центры творчества молодежи остаются теми же подзабытыми домами культуры, немного изменившими целевую аудиторию (*прим.* в современных центрах для детей и молодежи прорабатываются условия направленные для молодежи, среднее и старшее поколение не входит в целевую аудиторию).

Вопрос о регулировании деятельности домов культуры относится к управлению по делам культуры. Однако открытым остаётся вопрос, как регулирует деятельность управление культуры: организовывает собрания и выставки или предпринимает шаги по повышению интереса и привлечения молодежи в дома культуры, в которых они могут заложить базу будущей профессии, обучится азам профессии, развить своё творчество.

Вопрос не актуальности домов культуры может возникнуть у государственных учреждений, хотя дом культуры может выступать местом интереса и представления особенностей «малой Родины». Под «малой Родиной» подразумевается территория населения определенного региона. Так, в Узбекистане в каждом регионе своя культура, традиции, своё наречие, своё богатое культурное наследие. Особенно это прослеживается в малых городах и сельской местности. Целевое использование домов культуры для ознакомления культурой и творческими особенностями определенной местности может послужить хорошей инициативой в привлечении как местных туристов, так и туристов из зарубежных стран. Для этого конечно же стоит поработать над улучшением материально-технической базы домов культуры, приведение в порядок как фасада здания так и отделка внутренних помещений, привлечение к работе выпускников вузов культуры и искусств, реклама и просвещение населения и молодежи в близлежащих массивах, активная пропаганда среди туристических фирм.

Дома культуры подразделяются по типам, классификация которых различна: дома культуры под ведомством Министерства культуры, дома культуры профсоюзов и учреждений; само здание некоторых домов культуры с архитектурной точки зрения являются редкими и показывают стиль эпохи СССР являясь культурным памятником; общественно-культурные центры называемые домами культуры известны и функционируют в зарубежных странах, таких как Польша, Испания, Канада, Франция. Архитектура каждого из них уникальна, предлагаемые населению услуги различны, хотя несут в себе одну задачу – стать местом самовыражения личности, просветительского, культурного отдыха и времяпровождения, обучения и развития талантов. Изучение актуальности культурно-досуговых учреждений сможет внести ясность в надобности таковых, особенно в сельской местности, где молодежь и среднее поколение проводят свой досуг перед телевизором, слушая радио или изредка пролистывая сайты в интернете.

ГЛОБАЛ АХБОРОТ ШАРОИТИДА ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ДУНЁҚАРАШИГА ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Ахмедова М. *– ЎзМУ магистранти*

Бугунги кунга келиб, инсон ақлий салоҳияти нақадар бой эканлиги яратувчанлик қувватининг мавжудлигини назарда тутиб, ақлий имкониятларни янада такомиллаштиришнинг кўпгина янги технологик усулларини имкониятлари кенгаймоқда.

Миллионлаб ёшларимиз илм олиш, ижод қилиш, ақлий тафаккурни янада ривожлантириш, интелектуал салоҳиятини замон талабига мослаштириш, дунё ёшлари билан беллаша олиш руҳияти ила яшаётган бир даврда, имкониятларнинг янада самарали ечимли йўлларини яратмоғимиз, ёш мутахассис кадрларни ақлан етук, маънан бақувват қилиб тарбияламоғимиз керак эмасми? Хўш, биз бу борада қандай қилиб, ақлий ва ижодий мукаммалликка эришмоғимиз мумкин? Қандай қилиб мутахасссис кадрларимизнинг буюк аждодларимиз каби ақлий тараққиётини шакллантиришимиз мумкин?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 25 декабрь куни ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумидаги нутқида шундай деган эди: “Қанчалик қийин бўлмасин, биз ёшлар тарбияси бўйича ўзимизга хос ва таъсирчан, бугунги кунга ҳамоҳанг усулларни излаб топишимиз керак. ... фарзандларимизни бузғунчи ва зарарли ғоялар, жиноятчилик, гиёҳвандлик, лоқайдлик, маънавий қашшоқлик кайфиятидан асрашимиз зарур”[1].

Жаҳоннинг илғор мамлакатлари савиясига эришиш учун, миллат ўз интеллектуал потенциалини кўтариш йўлида яна нима ишлар қилмоғи кераклигини чуқур англагандагина тараққиётга асос яратган бўлади. Чунки халқ онгли равишда келажакка интилмаса, яъни интилиш, янгиликни ўрганиш, ўзлаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш ғоялари оммавий тус олмас (жуда кўпчиликнинг онгини қамраб олмас) экан, ижодий тафаккур, мустақил фикрлай олиш ғоялари “қуруқ шиор” бўлиб қолаверади. Яъни ижодий ва мустақил тафаккурга эришишнинг бирдан бир омили бу ижтимоий онг ва у яратган ижтимоий талаб ва эҳтиёжлардир.

Бугунги кунда аниқ мақсад ва йўналишларга эга бўлишни ахборотсиз ёки ОАВсиз тасаввур этиб бўлмайди. ОАВ орқали аввало инсонлар сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётда ҳамда дунё ҳамжамияти, давлатлараро муносабатларда содир бўлаётган ўзгаришлардан хабардор бўлади, уни идрок этади, муносабат билдиради, қабул қилиши ҳамда сиёсий жараёнларнинг иштирокчисига айланиши ёки аксинча, холисона туриши ҳам мумкин. Лекин нима бўлганда ҳам, бугунги ҳаёт тарзимизни ОАВсиз

[1]https://yuz.uz/news/shavkat-mirziyoev-yoshlar-kelajagi-bilan-bogliq-har-qanday-vazifa-birlamchi-ahamiyatga-ega

тасаввур этолмаймиз. ОАВнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли ошиб бормоқда.

Бугунги глобаллашаётган дунёда ахборот халқаро ва давлатлараро муносабатларда катта ўрин тутаётгани сир эмас. Шунинг учун, ҳозирги кунда ёш Ўзбекистонда ҳам очиқ ахборот-информацион технологиялар, компьютер ва Интернет тизимида кузатилаётган турли хил ахборот манбалари воситасида юртимизда камол топаётган ёшларда ўзига хос фикрлаш тарзи ва дунёқараши кенг ёйилмоқда. Бу тарқалаётган ахборотлар орасида мутахассис кадрлар таёрлаш сифатини оширишга хизмат қилиши мумкин бўлган, ўз таъсир доирасига кўра ижобий характерда бўлган манбалар ҳам талайгина. Бироқ айрим ахборотлар ёшлар онгига салбий таъсир ўтказмоқдаки, буларга шунчаки кўз юмиб кетиб бўлмайди. Масалан, турли хил ахлоқсиз, жангари фильмлар, турли хил оқимларнинг қарашларини ифода этадиган ҳабарлар, мамлакатимизда кечаётган ҳодисаларни нотўғри талқин қилишга қаратилган Интернет сайтлари бунга мисол бўла олади.

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилишда бугунги кунда мамлакатимиздаги замонавий ахборот комуникация технолгияларидан, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг улардан таълим олиш фаолияти давомида фойдаланишларида таълим-тарбия жараёнидаги ўрни борасида сўнгги йилларда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг самараси ўлароқ, аввало, мамлкатимиздаги мавжуд ўқув юртлари турли хил ахборот ресурсларидан фойдаланишг имкониятига эга бўлди. Таълим амалиётига замонавий компъютер, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан кириб келмоқдаки, машғулотлар бутунлай янгича шакл, усул, услубларда ташкил этила бошланди. Таълим муассаларида глобал ва локал тизимни масофадан ўқитиш, уни табақалаштириш индивидуаллаштириш имкониятлари вужудга келмоқда. Таълимни ахборот коммуникация технологиялари асосида йўлга қўйиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасида ҳал этиладиган вазифа сифатида қаралмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг барча таълим муаассаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб, унга мактаб ва ўқув юртларида ўрнатилган замонавий компьютер технологиялардан фақат “Ахборот тенологиялари” фанини ўқитишда эмас, балки барча фанларни ўқитишда, улардаги таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда унумли фойдаланиш ҳамда мультимедиа ўқув воситалари ва ресурсларини яратиш йўналишлари белгиланган.

Мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг барча босқичларида таълим амалиётида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш, мультимедиа таълим дастурларини яратиш, ривожлантириш, маҳаллийлаштириш ва оммалаштириш, элетрон таълим ресурсларини таълим жараёнига жорий

этиш муҳим педагогик янгиланиш ифодаси бўлиб келмоқда. Бу эса ҳар бир ўқитувчининг компьютер саводхонлиги масаласини тезкорлик билан ҳал этишни талаб этади.

Таълим муассаларида масофавий таълимни амалга оширишда “ZiyoNet” тармоғига тўлиқ улаш натижасида улар ягона ахборот таълим тармоғига эга бўлиб бормоқда. Бунда эса: педагогик жамоалар тез маълумот алмашиш имкониятига эга бўладилар; илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини, замонавий таълим технологияларини оммалаштириш жараёни тезлашади; яратилаётган электрон ўқув воситаларини таълим муассасаларига тезкорлик билан етказиш ва пировард натижада таълим олувчиларнинг ДТС талаблари асосида пухта ва чуқур билим олишларига реал шароит яратилмоқда.

Педагогик жараёндаги янгиланишлар – компьютер ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари асосида содир бўлмоқда, амалиётга татбиқ этишни тақозо этмоқда. Шунинг учун барча ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлиги ва ахборот-коммуникация технологияларига оид кўникмаларга эга бўлиш касбий эҳтиёжига ҳамда педагогик маҳоратнинг асосий элементига айланиб бормоқда.

Ёшларнинг интелектуал салоҳиятини оширишда замонавий ахборот-комуникация технологияларидан фойдаланиш методлари, шакллари фанларни ўқитиш жараёнида янги технологияларни яратишга ижодий шароит яратади. Зеро, ёшларнинг интелектуал салоҳиятини оширишда, ижодий дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги глобал ахборот шароитида ёшларнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашига турли ёт ғояларнинг таъсири жуда кучли. Чунки ядро полигонларидан мафкуравий полигонлар кучли бўлган бугунги кунда онгимизга биз истасак-истамасак миллионлаб ахборот оқиб киради. Уларни қабул қилиш асносида бизда турлича қараш ва фикрлар тизими шаклланади. Уларнинг бунёдкор ёки вайронкор характерга эга бўлиши бизнинг тарбияланганлик даражамизга ва турмуш тажрибамизга боғлиқ. Интернет тизимидан турли мақсадда – танишиш, маълумот олиш, ахборот алмашиш, тил ўрганиш, бекорчиликдан вақтни ўтказиш учун фойдаланилмоқда. Мақсадларнинг турфа хиллиги эса ахборотга қабул қилиш ва узатишнинг турлича бўлишига олиб келади. Натижада талабаларнинг билиб билмасдан турли хил носоғлом қарашларга эга бўлган сайтларга, ижтимоий тармоқларга кириб қолишини кўришимиз мумкин. Информацион технологияларнинг ривожланиши инсонлардан ахборот ва коммуникацион технологияларни чуқур билишларини талаб этади. Шу билан бирга ОАВ, жумладан радио ва телевидение ҳам ёшларнинг ахлоқий дунёқарашига таъсир этмай қолмайди. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда барча таълим муассасалари, шу билан бирга оила ва маҳалла ҳамкорлигида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда, видеоконференциялар ташкил қилинмоқда.

ОИЛА ВА ОИЛА-НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЖАМИЯТДАГИ АҲАМИЯТИ

Бозорова Ў.Ш. *– ЎзМУ магистранти*

Оила жамиятнинг кичик бўғини сифатида мамлакат равнақи ва ривожида муҳим аҳамиятга эгадир. Оила, оила-никоҳ муносабатларига бўлган қарашларимиз азал-азалдан ўзига хос таърифлар билан жилоланиб келинган. Биринчи Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “....оила ҳётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи”.

Кўпгина Шарқ мутафаккирлари: Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Дониш сингари алломаларимиз ижодларида оила ва оиладаги шахслараро муносабатлар ҳақида панд-насиҳатлар берилган. Хусусан, Абу Райҳон Берунийнинг оилавий муносабатлар ҳақидаги қарашлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

Беруний қарашларида, айниқса хотин-қизлар тарбиясига аълоҳида эътибор қаратади. У ўзининг “Минерология” асарида оила қураётган қизларга ота-онанинг насиҳатларини келтириб, оиладаги тинчлик-тотувлик бахтиёрлик кўпроқ аёллар зиммасига тушишини таъкидлайди ва шундай ёзади ”Эй қизим, сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга тушмоқдасан. Сен бўлажак куёвингнинг ҳамма хислатларини билмайсан. Сен ер бўл, у эса осмон бўлади. Демак сен у билан шундай йўл тутки, унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олийжаноб бўлади. Осмон шифобахш ёмғири билан ерни кўкартиргани каби у ҳам ўз меҳру шавқати билан сени хушнуд этади. Яна сен унга канизак бўлсанг, у сенга хизматчи бўлади. Эринг сендан фақат юмшоқ ва ширин сўзларнигина эшитсин, ярамайдиган эски либосда ёки юзларинга оро берилмаган ва сочларинг тартибга солинмаган ҳолда унинг олдида ўтирма. Абдуллоҳ ибн Жафар исимли ота ўз қизини турмушга чиқараётиб шундай дейди: “Сен рашк қилишдан сақлангин, чунки бу ажралиб кетишнинг калитидир. Эрингга ҳадеб гина қилаверма, нафратни уйғотади. Яхшиси, сен эринг билан хушмуомала бўлгин, бу ҳар қандай сеҳр-жодудан яхшидир ва сувдан фойдалангин, бу хушбўй нарсаларнинг ичида энг биринчисидир”. Шу тариқа Беруний қарашларида оила тинчлиги ва фаровонлиги мунис аёллар қўлида эканлигини кўришимиз мумкин.

Яна шуни айтиш мумкинки, ўзбек оилаларида бола тарбиясида бошқа миллат вакилларидан фарқли ўлароқ ўзига хос умуминсоний, миллий қадриятлар руҳида, уларни ёшлигиданоқ катталарга ҳурмат, одоб-ахлоқ қоидалари, меҳнатсеварлик ва билим олиш сингари хислатларга алоҳида эътибор берилади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб оила, оила-никоҳ муносабатлари, шахслараро муносабатларни мустаҳкамлаш, муҳофаза қилиш ва абадийлигини таъминлаш, азалий миллий урф-одат ва

маросимларини қайтадан тиклаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Ҳукуматимиз оилага доир масалаларни давлат сиёсати даражасида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифа сифатида қарайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг 63-моддасига кўра, оила жамиятнинг асосий бўғини бўлиб ҳисобланиши, у жамият ва давлат томонидан муҳофазада бўлиш ҳуқуқига эгалигини кўришимиз мумкин.

Оилани жамиятнинг равнақ топишидаги тутган ўрнини янада ошириш, оилаларнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий ва айниқса ҳуқуқий манфаатларини яхшилаш мақсадида 1998 йил “Оила йили” деб эълон қилиниши ва шу йили “Оила кодеси”нинг қабул қилинганлиги бунинг исботидир.

Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан оила, оила-никоҳ муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида, ёшларнинг турмуш қуришидан олдин оила ҳақида тушунча ва таассуротга эга бўлиши, қайнона-қайнота, қуда-андачилик муносабатларини тўғри йўлга қуйиш, ва айниқса оилавий ажримларнинг олдини олиш борасида “Оила” илмий-амалий маркази, бугунги кунга келиб эса, Президент Фармони билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, унинг таркибида илмий тадқиқот институтларининг ташкил этилганли оила масалаларига сиёсий тус берилганлигини билдиради.

Оила хусусида қабул қилинаётган барча қонунлар ҳалқ фаровонлиги йўлида олиб борилиб, аҳоли ижтимоий таъминланиши бўйича кўпгина имкониятлар яратилишида хизмат қилмоқда. Ёш оилалар ва тўлиқ бўлмаган оилаларнинг уй-жой билан таъминланиши, имтиёзли кредитларнинг ажратилиши барча-барчаси оила мустаҳкамлиги учун олиб борилаётгани бежиз эмасдир.

Бизга сир эмаски, танганинг икки тарафи бўлгани каби, оила масаласида салбий жиҳатларимиз ҳам талайгина. Булар, ўз навбатида боқимандаликни авж олгани ва ажримлар сонининг кўплиги натижада аёлларимизнинг болалари билан кўчада қолиши, эркакларимиз эса ичкиликка берилиши оқибатлари, айниқса не умидлар билан дунёга келган уйловсиз ота-оналарнинг касрига қолган ёш болаларнинг ота ёки она меҳрини ҳис этмасдан улғайиши қалбимизни ларзага солади. Ва яна мавзу бўйича ўрганишимиз, қилишимиз керак бўлган ишлар муаммолар анчагиналигини ҳис этамиз.

Ҳозирги даврда оила, оила-никоҳ муносабатлари, шахслараро муносабатлар, оиладаги маънавий-ахлоқий муҳит, таълим-тарбия ва уларнинг этномаданий ва умуминсоний хусусиятларини социологик тадқиқ этиш мухим муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТЛАРДА ЎРТА СИНФНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ УЛУШИ

Жалолов Ж. *– ЎзМУ магистранти*

Ўзбекистонда ҳам ижтимоий табақаланиш жараёни хусусий мулкчиликнинг устувор ривожланиши негизида содир бўлмоқда. Мулкдорлар синфини шакллантириш, ўрта, кичик тадбиркорлик, ишбилармонликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, унинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ҳозир юртимизда 250 мингдан ортиқ ўрта ва кичик корхона фаолият курсатмоқда. Иқтсоднинг бу бўғинида 4 млн аҳоли банд. Ўзбекистон келажакда ўрта синф шаклланиши даражаси соҳасида ҳам ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олиши мукаррардир. Бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг умуртқа поғонаси ва устуни бўлмиш ўрта синфнинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келиши табиийдир. Ижтимоий қатламлар назариясида ижтимоий ҳаракатчанлик муҳим ўрин эгаллайди. Ижтимоий қатламлар ўртасида доимо ўзгариш содир бўлиб туради, яъни мавқенинг юқорига кўтарилиши ёки пастга тушиши (мулкий жиҳатдан ҳам, нуфуз, имтиёз жиҳатдан ҳам) жараёни кечади. Ғарб социологиясида бу вертикал мобиллик ҳисобланади, горизонтал мобиллик эса бир хил мавқе, нуфуздагиларнинг турли хил жойда (шаҳардами, қишлоқдами, у ёки бу ўлка, вилоятдами) айни шу мавқеи, нуфузда фаолият кўрсатишини ёки айнан шу ижтимоий позицияни эгаллашини ифодалайди.

Ҳокимиятда у ёки бу мансаб, лавозим, амални эгаллаш бойлик ориттиришнинг манбаига айланиши мумкинлиги ҳам Ғарб социологиясида чуқур ўрганилган. Машгур футуролог Элвин Тоффлер фан, техника, технологиянинг ривожланиши, жумладан, компьютер ва интернет тизимининг ривожланиши жамият ижтимоий тузилишига ҳам таъсир этаётганлигини қайд этади. Унинг фикрича жамият ижтимоий тузилиши мулкчилик муносабат шаклларига эмас, балки интеллектуал малака, интеллектуал технологияга қанчалик яқин бўлишига асосланган структуравий табақа пайдо бўлмоқда. Бу табақани у “когнитариат” деб атади.

Ўрта синф замонавий жамиятнинг асоси, деб ҳисобланади. Экспертларнинг фикрича, аҳолининг айнан мана шу тоифаси вакиллари ўзгаришларга бўлган талабни шакллантиради ҳамда сиёсий зўрликни рад этган ҳолда барқарорликни кафолатлайди. 2018 йил октябрда Тошкентда «Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги моделини шакллантириш шароитида жамоатчилик иштирокининг ривожланиши» мавзуидаги тадқиқотнинг дастлабки натижалари тақдим этилди. Жумладан, экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2030 йилга келиб, Ўзбекистон аҳолисининг 60%ини ўрта синф вакиллари ташкил этади.

Яқинда Kun.uz сайти «Сизнинг фикрингиз» [1] Телеграм-каналида сўров

[1] https://t.me/your_opinion_important

ўтказди.

«Сиз ўзингизни ўрта синфга мансуб деб ҳисоблайсизми?», деган саволга 1 553 киши жавоб берди. Уларнинг 67 %и ўзларини ўрта синф, 19 %и эса бундай эмас, деб ҳисоблашларини маълум қилди. Шу билан бирга, сўровда қатнашганларнинг 14%и бу саволга жавоб беришга қийналган, чунки айримлар ўзларининг қайси синфга мансуб эканликларини билишмайди.

Умуман олганда, ўрта синф ҳақидаги аниқ тушунча ҳақида гапиришга хали эрта, чунки Ўзбекистонда хали минимал истеъмол савати ва яшаш минимуми миқдори аниқ белгиланмаган.

Сўровда жавоб берганларнинг 67 %и ўзини ўрта синфга мансуб, деб ҳисоблар экан, уларнинг ҳар бири ўз қараши, тушунчаси ва ўлчовига эга эканлигига эътибор қаратиш лозим. Кимдир ўз уйи, машинаси ва 3 млн сўм ойлик маоши бўлгани учун ўзини ўрта синф вакили, деб ҳисоблайди. Уйи, машинаси ва 5 млн сўм ойлиги бўлган бошқа бир киши эса зўрға яшаётганини айтиши мумкин. Бундан ташқари, 500 минг сўм пенсия оладиган ва Россиядан ўғиллари ҳар ойда жўнатадиган 1,5 минг АҚШ долларига яшаётган киши ҳам ўзини ўрта синф вакили, деб аташи мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистон аҳолиси ўзининг қайси синфга мансуб эканлигини ўзи белгиламоқда.

«Ўзбекистонликлар ойига ўртача қанча маош олишлари керак?», деган саволга 106 киши жавоб қайтарган. Уларнинг 38 %и ўзбекистонликлар ойига ўртача 5-6 млн сўм олиши керак, деб ҳисоблайди. 26 % киши ойига 3-4 млн сўм етарли, деб ҳисоблайди. Сўровда қатнашганларнинг 14 %и ўзбекистонликлар ўртача 7-8 млн, 10 %и – 9-10 млн, 10 %и – 10 млн сўмдан кўпроқ маош олиши керак, деб ҳисоблайди. Атиги 2 % одам ўзбекистонликлар ойига ўртача 1-2 млн сўм маош олиши керак, деб жавоб қайтарган.

Сўровда 111 киши «ойлик маоши бир ойга етиши» ҳақидаги саволга жавоб берган. Уларнинг 40 %и ижобий жавоб қайтарган. Бундан 14 %и ойлик маоши бир ойга тўлиқ етишини айтган бўлса, 26 %и тежамкорлик қилишини айтган. 58% киши маоши бир ойга етмаслигини билдирган. Жавоб қайтарганларнинг аксарияти қўшимча иш қилишини (11 %), ота-онасининг қўллаб-қувватлашига умид қилишини (11 %), иккита жойда ишлашини (3 %), оғир ҳолатда эканлигини (3 %) ва шунчаки «яшаётганлигини» (2 %) маълум қилган.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра, 2019 йил январь-март ойларида Ўзбекистон бўйича юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотларда ишловчиларнинг ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 049,7 минг сўмни (иш ҳақига устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 32,2 %га ўсишни таъминлади.

Иқтисодий тадқиқотлар марказининг маълумот беришича, Ўзбекистонда ўрта синфнинг улуши 28-30 %ни ташкил этади ва мамлакатни

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун 2030 йилга келиб бу улушни икки бараварга ошириш лозим. Бугунги кунда аҳолининг 45-48 %га яқини «ўрта синф захираси» ҳисобланиб, улар маълум бир шароитларда ўрта синфга ёки кам таъминланганлар тоифасига қўшилиши мумкин.

«Ҳар қандай ҳолатда ҳам нафақат йирик инвестициялар ва шаҳар ҳамда қишлоқларнинг ривожланиши учун шароитлар яратиш, балки мамлакат янги макони структурасини яратиш – транспорт коммуникациялари тармоғини барпо этиш (қўшни давлатлар иқтисодиёти билан интеграциялашув ва жаҳон бозорига чиқишни ҳам ўз ичига олган ҳолда), ишлаб чиқариш кучларини (нафақат йирик ишлаб чиқаришлар), маъмурий-бошқарув ва молиявий-иқтисодий марказларни жойлаштиришнинг истиқболли схемасини тузиш талаб қилинади», - деб ҳисоблайди таҳлилчилар.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Жиянмуратова Г.Ш. *– ЎзМУ доценти,*
Олимов Ш. *– ЎзМУ магистранти*

Оила инсоният учун азал-азалдан муқаддас қадрият саналиб келинган ва келинмоқда. Зеро, тарбиявий, маънавий-маърифий, руҳий-ахлоқий, иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларга асосланган ижтимоий бирлик сифатида оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик барқарор тараққий этишини аждодларимиз томонидан эътироф этиб келинган.

Барчамизга маълум-ки, ота-боболаримиз оилага жуда катта эътибор қаратганлар. Буюк алломаларимиз Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Югнакий, Кайковусдан тортиб Беруний, Ибн Сино, Форобий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек ва бошқаларгача ўз асарларида оилавий масалалар, хусусан, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бола тарбиясида ота-она, бобо-бувининг ўрни, комил ва ватанпарвар шахсни етиштиришда бу муҳим ижтимоий институтнинг ролига алоҳида ёндашиб, ибратли ҳикоятлар, ривоятлар, фарзандларга мактублар, ҳикматли сўзлар, шеърий сатрлар орқали панд-насиҳатлар, ҳаётий хулосалар ёзиб қолдирганлар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Мунавварқори Абдурашидхонов каби маърифатпарварларимиз ҳам одоб-ахлоқи гўзал, жисмонан ва маънан етук авлодни тарбиялашнинг ягона йўли – барқарор оила қуриш эканини, оилани мустаҳкамламасдан давлат ва жамият тараққиётига эришиб бўлмаслигини таъкидлаб ўтишган.

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврига келиб ҳам Ўзбекистон ўз истиқболи ва келажагини оилани ривожлантириш, уни эъзозлашда, деб билаётгани юқоридаги анъанавий қадриятларимизни янада бойитган ҳолда замонавий, намунали ва фаровон оилани барпо этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда бош қомусимиз – Конституциямиздаги “Оила жамият ва давлат ҳимоясида” принципига асосланган ҳамда умуминсоний ва миллий оилавий қадриятларни таҳлил қилиш асосида замонавий, намунали оила мезонларини белгилаш масалалари устувор аҳамият касб этиб келмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 2-февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон Фармони билан миллий ҳамда маънавий қадриятларимиз асосида ушбу соҳада йиллар давомида тўпланиб қолган, эътибордан четда қолиб келган муаммолар ечими юзасидан тегишли давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари олдига энг муҳим ва долзарб вазифалар қўйилди. Фармонга биноан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази оила институти соҳасида ягона давлат сиёсатини юритувчи тизим сифатида ташкил этилган эди.

Марказнинг асосий вазифаси давлат ва жамоат ташкилотлари, парламент, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини Ўзбекистон оилаларини мустаҳкамлаш ғояси атрофида бирлаштириш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш, мамлакатда фақат соғлом оила – соғлом жамият устуни бўла олишини аҳоли онгига сингдириш, илмий-инновацион тадқиқотларни амалга ошириш орқали оила институтини мустаҳкамлаш этиб белгиланган мамлакатимизда бу борада мутлақо янги босқичдаги саъй-ҳаракатлар бошланганидан далолат беради.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, олиб борилаёт тадқиқотларнинг кўрсатишича, кейинги пайтларда оилавий ажримлар, турли низоли вазиятлар, ишсизлик, оиладаги носоғлом муҳит, маънавий тушкунлик, эҳтиёжмандлик, жиноятга қўл уриш ҳолатлари каби омиллар нотинч, ноқобил, кемтик оилалар ва қатор ижтимоий-маънавий муаммоларни пайдо қилмоқда. Айниқса, ажрашишлар сонининг камаймаётгани кишида жиддий ташвиш уйғотади.

Оилаларнинг барбод бўлишига сабаб бўлаётган асосий омиллар сифатида қуйидагилар ажратиб олинган:

Психологик омил – оиладаги оғир психологик муҳит, ўзаро тушунишнинг йўқлиги, оиладаги доимий низолар, ота-оналарнинг ёш эр-хотин ҳаётига аралашишлари, ёш эр-хотинларни бегоналаштириб қўйиш, бир-бирига бефарқлик;

Ижтимоий омил – ичкиликбозлик, фарзандсизлик, эр ёки хотиннинг саломатлиги яхши эмаслиги;

Маънавий-ахлоқий омил – эр-хотиндан бирининг узоқ вақт давомидаги никоҳдан ташқари алоқалари;

Иқтисодий омил – тураржой шароитларининг қониқарли эмаслиги, моддий етишмовчилик, ишсизлик, эрнинг оилани таъминламаслиги, меҳнат мигранти сифатида чет элга кетган эр-хотиндан бирининг оиласи билан алоқаси узилгани, қарзларни узолмаслик.

“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази маълумотига кўра 2018 йил марказ томонидан 11800 дан ортиқ низоли оилаларнинг иши судга етиб бормасдан, ФҲДЁ органи ва судга ажрашиш учун ариза берган 3100 дан зиёд оилаларни эса ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда яраштиришга эришилган. Умуман, бузилиб кетиш арафасида турган 14645 та оила сақлаб қолинган. Марказ бўйича 10000 дан ортиқ нотинч оилалар аниқланиб, барча ҳудудий бўлинмаларида маълумотлар базаси шакллантирилган ҳамда улар билан индивидуал иш олиб борилган. Шу билан бирга, 4343 та ўта ночор оиланинг асосий муаммоларини ҳал этиш бўйича туманлардаги секторлар, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалий ёрдам бериш чоралари ишлаб чиқилган. Оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатлар, бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятларни сақлашда муаммолари бўлган 3819 та оила билан тўғридан-тўғри алоқа йўлга қўйилган. 1,5 миллиондан ортиқ намунали оилалар бўйича маълумотлар базаси шакллантирилган.

Шунингдек, ислоҳотлар янада чуқурлаштирилиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020-йил 18-февралдаги ПФ-5938-сон Фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2020-йил 18-февралдаги ПҚ-4602-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ва «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

Қуйидагилар ушбу институтнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

жамиятда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган тизимни тўлақонли ва самарали жорий этиш, маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлаш соҳасидаги устувор йўналишларни шакллантиришда иштирок этиш, фанлараро фундаментал, илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш;

маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий фаолликни оширишга қаратилган концепсияларни, комплекс, мақсадли, соҳавий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишнинг илмий-методологик асосларини шакллантириш;

маҳаллалар ва оилаларда соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлаш, умуминсоний ва миллий қадриятларни, шу жумладан оилавий қадриятларни мустаҳкамлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш;

маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий фаолликни ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш соҳасидаги долзарб илмий муаммоларга бағишланган илмий, илмий-амалий конференциялар, семинарлар, йиғилишлар ташкил этиш, шунингдек, ушбу соҳада юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш, илмий ходимларнинг касбий даражасини доимий ошириб бориш;

ўз фаолияти йўналишлари бўйича республикадаги таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш, хорижий мамлакатларнинг илғор илмий-тадқиқот муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш;

оммавий ахборот воситаларида, жумладан, телевидение ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида илмий тадқиқотлар натижаларини кенг ёритиш, шунингдек, аҳолининг маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлашдаги ижтимоий фаоллигини оширишда иштирок этиш.

Бугунги кунда «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи, фуқаролар йиғинларини аҳолининг чинакам маслакдошига айлантириш ва «Соғлом оила – соғлом жамият» ғоясини ҳаётга татбиқ этиш ишларини илмий-услубий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш фаолиятини амалга оширувчи ихтисослаштирилган давлат илмий-тадқиқот муассасаси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Жиянмуратова Г.Ш. *– ЎзМУ доценти,*
Валижонов Д. *– ЎзМУ магистранти*

Мамлакатимизда мустақилликнинг 30 йили мобайнида сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан буюк мамлакатнинг пойдеворини қўйилиб, демократик давлатни шакллантириш ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида тобора жадал қадам қўймоқда. Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш эса бугунги куннинг жиддий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида ушбу ўтган давр мобайнида кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1991 йил 20 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганлиги, кейинчалик эса 2016 йил 14 сентябр куни “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши фикримизнинг исботидир. Ушбу қонун билан ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари яна бир бор кафолатланди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2008 йилни “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши келажаги буюк Ўзбекистоннинг порлоқ истиқболли ёшларига бўлган эътиборнинг амалий исботи бўлиб хизмат қилди ва “Ёшлар йили” Давлат дастурининг қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг янада кўламини кенгайтиришда дастурамал вазифасини ўтади.

Ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, жараёнларга бўлган реал дунёқарашни шакллантириш, уларнинг онгли ижобий ёки салбий муносабатини шакллантира олиш ҳозирги кунда ҳар бир жаҳон мамлакатларининг диққат марказидан ўрин олган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Келажак ёшлар қўлида экан, уларнинг ҳар томонлама интеллектуал салоҳияти ошириш муҳим масала ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бунда маънавий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий соҳаларда ёшларнинг ижтимоий фаолигини оиширишда ўз-ўзидан аёнки, уларга бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий муҳитга назар солиш, эътибордан четда қолдирмаслик аҳамиятга молик жиҳатлардан биридир. Чунки инсоният туғилибдики, у ҳар дақиқа ва ҳар сония маълум ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади ва охир-оқибатда шу муҳитда мавжуд бўлган анъана, урф-одат ҳамда қадриятлар таъсирида фаолиятнинг қайсидир бир тури билан шуғулланади.

2017 йил 30 июнда мамлакат ёшлари ҳаётида янги саҳифа очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди, унинг асосий фаолияти ёшларнинг барча ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишга қаратилган.

Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон тарихида илк бор 30 июнь “Ёшлар куни” деб эълон қилинди ва 2017 йил 25 август куни “Ўзбекистон Республика-сида ёшлар кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Охирги йиллар давомида ёшлар масалаларига оид 70 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ёшлар масалалари бўйича комиссия ва “Ёшлар клуби” тузилди.

Буларнинг барчаси ўз келажаги ҳисобланган ёшлар масаласида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги кўрсаткичидир. Бугунги ижтимоий сиёсий жараёнларда ёшлар сиёсатиниинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда ҳам намоён бўлади:

Биринчидан, жаҳон миқёсида глобаллашув, оммавий маданиятнинг кириб келиши ва ахборот технологияларининг тобора кучайиб бораётган бугунги даврида дунёда юз бераётган туб ўзгаришларни холисона ва танқидий баҳолаган ҳолда ёшларимиз келажагини кўзлаб, ёшлар сиёсатини амалга оширишда қўшимча чора-тадбирларни белгилаб олиш заруриятининг туғилганлиги;

Иккинчидан, мамлакатимизда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ижтимоий онги даражасининг ўсиб бораётганлиги, жамиятни демократ-лаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, ёш авлоднинг илм-фан, спорт соҳасида эришаётган ютуқлари бу соҳадаги

ислоҳотларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз учун зарур шарт-шароитларни юзага келтираётгани;

Учинчидан, устувор йўналишларни ўз ичига олган ёшларга оид дастур ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат муваффақиятга эришиши шулар жумласидандир. “Маънавиятимизни яратаётганларни: ёзувчилар, шоирлар, маданият ва санъат ижодкорларини, халқ талантлари ва иқтидорли ёшларни доимо қўллаб-қувватламоғимиз лозим”.

Бугунги тезкор глобаллашув даврида жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданияти даражасига боғлиқ. Ёшлар бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад фарзандларимизни биздан кўра кучли, билимли доно ва албатта, бахтли бўлиши, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлиши, миллий ўзлигини, кимнинг, қандай буюк зотларнинг вориси эканини, Ватан туйғусини чуқур англайдиган, иродаси мустаҳкам, юксак маънавиятли бўлиб етишишидир.

Бугунги кунда мафкуравий хавф бу жамиятдаги кишиларнинг мафкурасини бузилиши, турли хил ғоялар асосида фаолият кўрсатишда намоён бўлмоқда. Мафкуравий хавф миллатлараро низоларнинг ҳам келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда оила, маҳалла, таълим масканларидаги кичик ижтимоий муҳитлар катта ижобий натижаларни бериш билан биргаликда, энг дастлабки, ижтимоий-ахлоқий тарбия даргоҳлари ҳисобланади. Айниқса, ўзбек миллати учун оила ва унда мавжуд ижобий муҳит энг олий қадрият сифатида баҳоланади. Айнан ижтимоий тарбия ёшлар фаоллигини янада кенгайишида ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Зероки, ижтимоий тарбия ёрдамида ёшларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати ягона мақсад томон йўналтирилади.

Мамлакатимизда янги жамият қурилаётган ҳозирги шароитда ижтимоий тарбиянинг асосий мақсади инсонпарвар демократик жамият, ҳуқуқий давлат, ягона умуммиллий ғоя атрофида фуқароларни бирлаштириш ва бу борада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишда ёшлар фаоллигини янада оширишдан иборат.

Ижтимоий тарбиянинг асосий вазифаси жисмоний бақувват, маданий-маънавий етук, руҳан тетик, мустақил фикрлаш, ишлаш ва яшаш қобилиятига эга бўлган, замонасининг фан, илмий-техника тараққиёти талабларига мос касб-кор маҳоратини ўзида мужассамлаштирган баркамол ёшларни шакллантиришдан иборатдир. ижтимоий тарбиянинг мақсади ва вазифалари ёшлар онгига фан, адабиёт, матбуот, радио, телевидение, кино, музей, тарғибот ва ташвиқот каби воситалар ёрдамида сингдирилади.

Умуман олганда, ёшлар фаоллигини оширишга қаратилган ижтимоий тарбия мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактабларида амалга оширилаётган тарбиявий ишлар жамиятнинг бошқа ижтимоий институтлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, турли жамоат ташкилотлари, маданий-маърифий муассасалар, уюшмалар амалга

ошираётган бир бутун, тарбиявий таъсир доирасида бўлиб, ўша мақсадли, онгли фаолиятнинг давомидир ва бир бутун давомий жараёндир. Жамиятнинг турли ижтимоий институтлари, аниқ дастур, режа асосида амалга ошираётган тарбиявий ишларининг ҳаммаси яхлит тизимни ташкил этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасмида олиб борилаётган кенг ислоҳотлар ҳамда Президентимиз томонидан ёшларга билдирилган ишонч бугун миллий ғурур ва ифтихор билан униб-ўсаётган ёшларга янада катта масъулият юклайди ва ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади.

ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Исропилов М. *– ЎзМУ ўқитувчиси*

Шарқ менталитетида азал-азалдан одоб-ахлоқ қоидаларига жиддий эътибор қаратилганлиги ҳамда унда оила ва оилавий муносабатларга берилган эътибор юксак даражада акс этган. Оилавий низоларнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда жамоавийлик, инсонларнинг бир-бирига меҳр-оқибати, ахлоқий-маънавий масалалар етакчи ўринда туради. Шунинг учун мазкур масала буюк аждодларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий асарлари асосида атрофлича ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Биз биламизки, оила энг мўътабар маскан бўлиб, авлодлар ворисийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларни авлоддан-авлодга етказадиган, ёш авлодни жамиятимиз ҳамда Ватанимизнинг муносиб фуқароси этиб тарбиялайдиган, унинг келажакда баркамол шахс сифатида шаклланишига пойдевор бўладиган ижтимоий институтдир. Мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритгач, оила ва никоҳ муносабатларини мустаҳкамлашнинг аҳамиятига алоҳида урғу берилди.

“Оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда кутилган натижани бермаётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда”[1].

Ҳозирги даврда комил инсоннинг шаклланиши ва жамиятда ўз ўрнини топиши ўзига хос хусусият ва имконият, қонуниятларга эгадир. Буларнинг

[1] Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

шаклланиши эса оиладан бошланади. Оила таълим-тарбиянинг бошланғич механизми бўлиб хизмат қилади: унда таълим-тарбия, шахслараро муносабатлар, миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатлар ҳамда социал муаммоларнинг келиб чиқиши ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳам оилада ўрганилади. Шунинг учун оила ва никоҳ муносабатларини ўрганишда оилавий муносабатларга алоҳида эътибор бериш зарурдир.

Фуқаролик ҳиссини бола онгида шакллантириш, уни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг бугунги асосий мезони бўлиб қолаётганлигини тўла ҳис этиш оилавий тарбияда муҳим аҳамиятга эгадир. Президентимиз фармони билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. ФҲДЁ органлари ДХА тасарруфига ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти 18 февраль куни «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини имзолади. Фармонга мувофиқ, ҳар бир маҳаллада «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган янги тизим жорий этилади. Фармон билан Ўзбекистон Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлинмалари ташкил этилди. Жамиятда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишида ҳар томонлама кўмаклашиш, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлигини ўрнатиш вазирликнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади. Фармонга кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда «Маҳалла» ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот маркази негизида «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти ташкил этилди ва вазирлик тузилмасига ўтказилди. Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур[1].

Илмий социологик адабиётларда социал институтлар бажараётган функцияларига қараб таснифланар экан, бунда аввало оила институтининг аҳамиятига асосий эътиборни қаратишимиз лозим бўлади. Чунки у бошқа социал институтлар ичида энг кўҳналаридан ҳисобланади. Белоруссиялик социолог С.Н.Бурованинг эътирофича, «оила ва никоҳ инсониятнинг энг кўҳна бирлиги, кишилар ижтимоий ҳаётининг энг қадимги шаклидир. Оила синфлар, миллатлар ва давлатдан олдин, инсоният ҳаётининг «бошланиш тонгида» вужудга келди. Айнан унда инсонлар турмушининг асрдан-асргача такрорланиб туриши, одамзод наслининг давом этиши, янги авлоднинг

[1] Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундали к қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

ижтимоийлашуви, биологик ва социал эҳтиёжларнинг қондирилиши каби ҳодисалар содир бўлади»[1].

Ғарб социологиясида оилага турли-туман таърифлар берилган бўлиб, буларнинг ичида таниқли америкалик социолог Н.Смелзер томонидан ишлаб чиқилган таъриф ўзининг оддий, конкрет ва тушунарлилиги даражаси билан ажралиб туради. «Оила – бу кишиларнинг қон-қариндошликка, никоҳ ёки фарзандларни вояга етказишга асосланадиган бирлашмаси бўлиб, улар турмушларининг умумийлиги ва фарзандлар тарбияси учун ўзаро масъулиятни ўз зиммаларига олган бўладилар. Одатда оила аъзолари ягона уйда истиқомат қиладилар»[2].

Таниқли ўзбек олими Султонмурод Олимнинг таъкидлашича, «инсон жуфт қилиб яратилган. Ҳозирги тушунчадаги оила маданиятига эришилгунига қадар эса башарият кўп-кўп даврларни босиб ўтган. Одам жамиятдан айри ҳолда яшаши ҳам мумкин эмас. Жамиятнинг энг кичик бўғини эса – оила. Ўзбек халқининг оила борасида юксак маданияти, минг-минг йиллик мероси бор. Биз ана шу қадимий ва муқаддас миллий анъаналарга, шунингдек, умуминсоний қадриятларга амал қилиб яшаймиз»[3].

Демак, оила муҳим ижтимоий институтлардан бири ҳисобланади. Унинг фаолияти ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий меъёрлар билан белгиланади. Инсондаги маънавият асослари, ахлоқ меъёрлари айнан оилада шаклланади, шахс ички дунёсининг индивидуал сифатлари очилади. Оила нафақат шахснинг шаклланишига, балки унинг ўзини намоён этишда ҳам ёрдам беради. Унинг ижтимоий, ижодий фаоллигини рағбатлантиради, ўзига хос томонларини очиб беради. Цивилизация ривожланиши билан оила ўз зиммасидаги ғам-ташвишларнинг бир қисмини бошқа ижтимоий институт ва ташкилотларга юклади. Бу билан ота-оналар кўпроқ бўш вақтга эга бўлдилар, болалар эса жамиятда ижтимоийлашув имконини олдилар.

Оила ва бошқа ижтимоий институтларнинг ўзаро алоқаси фарзанд туғилган пайтдан бошлаб намоён бўлади. Ушбу алоқа қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлса, боланинг тўлақонли шахсга айланиш босқичларини босиб ўтиши шунчалик осон бўлади. Ижтимоий муҳит жамиятдаги ижтимоий меъёрларни ва маданий қадриятларни ўзлаштиришга ёрдам беради. Бунда оила таянч асос ҳисобланади, шахсиятнинг пойдевори қўйилади. Кейинги «бунёдкорлик ишлари»ни эса мактаб, сўнгра навбатдаги ўқув юрти, кейин ишхонадаги жамоа амалга оширади.

Шахс ўзининг ижтимоийлашувини оилада бошлайди. Аммо, оила ўз навбатида шифохоналар, болалар муассасалари, мактаб, меҳнат жамоаси, спорт секциялари, маданият муассасалари, давлат идоралари, норасмий бирлашмалар, диний идоралар, дўстлар ва бошқа кўплаб ташкилот ва ижтимоий гуруҳлар билан мулоқот қилиш заруратига тўқнаш келади. Айнан

[1] Бурова С.Н. Социология брака и семьи: история, теоретические основы, персоналии. – Минск: Право и экономика, 2010. – С. 25.
[2] Смелзер Н. Социология. Перевод. с англ. – Москва: Феникс, 1994. – С. 424.
[3]Султонмурод Олим. Оила ва жамият ёхуд Микрожамият ва макрооила. – Тошкент: Республика маънавият тарғибот маркази, 2017. – Б. 3.

ушбу ташкилот ва муассасаларнинг ўзаро алоқаси жараёнида ёш шахс шаклланиб боради. Оиланинг ушбу ташкилотлар билан ўзаро муносабати қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлса, шунчалик ижтимоийлашган комил шахс балоғатга етади. Замонавий жамиятда оиланинг социал институт сифатида заифлашуви жараёни, унинг ижтимоий функциялари, ролга асосланмаган оилавий муносабатлари ўзгариши кузатилмоқда. Оила индивидларни ижтимоийлаштириш, бўш вақтни ташкил қилиш ва бошқа муҳим функциялар бўйича ўзининг етакчилик позициясини йўқотаётир. Анъанавий роллар, яъни аёл уй хўжалигини юритиб, бола туғадиган ва тарбиялайдиган, эр эса хўжайин бўлиб, кўп ҳолларда мол-мулкнинг ягона мулкдори бўлган роллар ўрнини, христиан ва буддизм маданиятлари ривожланган мамлакатларда кўпгина аёллар ишлаб чиқариш, сиёсий фаолият, оилани иқтисодий таъминлашда қатнашадиган ҳамда оилавий қарорларни қабул қилишда тенг, баъзида эса етакчиликни қўлга олган роллар эгалламоқда. Бу оила фаолиятининг характерини тубдан ўзгартирди ва жамият учун бир қатор ижобий ва салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Бир томондан, у аёлнинг ўзлигини англашига, эр-хотинлик муносабатларида тенгликка эришишига ёрдам берган бўлса, бошқа томондан, низоли вазиятни чуқурлаштирди, туғилишнинг камайишига ва ўлим даражасининг ошишига олиб келган ҳолда демографик вазиятга таъсир кўрсатди. Ахлоқийлик оилада бошланади, деб юқорида кўрсатиб ўтдик. Инсон дунёга келиши билан ўзини ўраб олаётган муҳитнинг таъсирига тушади, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга боғлиқ бўлади. Чақалоқ гапира олмайди – бу табиий ҳолат. Ота-оналаримиз боболаримиздан, биз эса ота-оналаримиздан, фарзандларимиз эса биздан ўрганадилар. Авлодлар ворисийлиги ҳам ана шундан келиб чиқади. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, аждодларимиз ахлоқий фазилатларни бир-бирларига ўргатиб, бир-бирларидан ўрганиб келган. Ўзбекона, миллий ахлоқда ота-боболаримизнинг тарихий тажрибалари, даврлар синовидан ўтган сабоқлар ва бизга доим мадад бўлиб турган руҳий қувватларни жамулжамдир. Уларнинг шарофати ила миллий-ахлоқий қадрятларимиз асрлар оша авлодан-авлодга ўтиб келмоқда, чунки бир томчи бўлса ҳам уларнинг қони томиримизда оқаётир.

Мамлакатимиздаги миллий хусусиятимизни ифодалаб берадиган ижтимоий-маданий муҳит бизда оила институти барқарорлигининг юксалиб боришига асосий таъсирини кўрсатмоқда. Давлатимизни оила институти барқарорлигига бераётган ҳар томонлама катта эътибори туфайли оила ўзининг барча функцияларини юқори савияда бажараётгани жамиятимиз тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Йўлдошев Ш.И. *– ЎзМУ магистранти*

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Сиёсий партияларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари, партиялар қошида ташкил этилган “Ёшлар қанотлари”нинг фаолиятини, афсуски, қониқарли, деб бўлмайди. ... сиёсий партиялар, аввало, истиқболли ёш раҳбарларни тайёрлаш мактаби бўлиши лозим. Партиялар фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондириши шарт. Агар партиялар бунга эришолмаса, бу бўшлиқни ғараз ниятли кучлар тўлдиришга ҳаракат қилиши шубҳасиз. Айрим ҳолларда тўлдиряпти ҳам – буни яширишнинг ҳожати йўқ”.

Шунингдек, Президентимиз депутатлар билан учрашувда “Партиялар фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондириши шарт. Агар партиялар бунга эришолмаса, бу бўшлиқни ғараз ниятли кучлар тўлдиришга ҳаракат қилиши шубҳасиз. Айрим ҳолларда тўлдиряпти ҳам – буни яширишнинг ҳожати йўқ,” - деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Бу фикрлар мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида сиёсий партиялар олдига ёшлар тарбияси, уларнинг ижтимоий мавқеини янада мустаҳкамлаш, истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш каби улкан вазифалар қўйилаётганидан далолат беради. Сиёсий партияларнинг ёшларга оид фаолияти ҳақида гап борганида давлатимиз раҳбарининг “Бугун замоннинг ўзи сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишни талаб этмоқда. Энди “мудраб ётган” сиёсий партиялар уйғониши лозим. Улар баландпарвоз гапларни четга суриб, аниқ амалий ишлар билан одамларимиз, сайловчилар ишончини қозониши, уларнинг қалбидан жой олиши керак”, деган фикрларини эсга олиш ўринлидир.

Чиндан ҳам айрим сиёсий партияларнинг ижтимоий муаммоларга, хусусан, ёшлар масаласига ғоят юзаки, таъбир жоиз бўлса, лоқайдларча муносабати ўзаро ишончга путур етказмоқда. Қолаверса, партиялар сафининг замонавий билим ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган йигит-қизлар ҳисобига янгиланмаётгани сиёсий соҳадаги ислоҳотлар жараёнида ёшлар фаоллигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Чиндан ҳам узоқ йиллар давомида ҳукм сурган ана шундай “мудроқ” вазият бирор-бир сиёсий партияни четлаб ўтмади: улар ўзларига берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан тўла фойдалана олмадилар.

Маҳаллаларда бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият кўрсатгани ҳолда аксарият сиёсий партияларимиз аҳолининг энг қайноқ ҳудудларида ўз таянч нуқталари – бошланғич ташкилотлар ишини тўлақонли юрита олмаяпти. Бу борадаги хорижий тажрибаларга менсимай қараш, турли тадбирларни хўжакўрсинга ўтказиш оқибатида эса айрим партиялар ўз

электоратидан узилиб қолди. Маълумки, партиялар ҳузуридаги ёшлар ташкилотлари асосан ҳали сайлаш ҳуқуқига эга бўлмаган қатлам вакилларидан шакллантирилади. Улар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлганидан кейин эса партиялар фаолиятида тўлақонли иштирок эта бошлайдилар. Бу бир томондан, партиявий кадрлар захирасини яратишга хизмат қилса, иккинчидан, партиялар фаолиятининг давомийлигини таъминлайди. Бундай узлуксизлик ва давомийлик ҳаётий мантиққа асосланади. Европадаги аксарият партиялар ана шундай узлуксизликка эришаётганлари учун ҳам ўз сиёсий мавқеини сақлаб, тобора юқори натижаларга эришмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда қурилажак ҳуқуқий давлат негизидаги кучли фуқаролик жамиятини ушбу келажакнинг қурувчилари ва эгалари бўлмиш ёшларнинг ҳуқуқий маданияти, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳамда кучли фуқаролик позициясини шакллантирмай ва ривожлантирмай туриб қуриш мумкин эмас.

ЁШ ОИЛАЛАРДАГИ АЖРИМЛАР СОЦИАЛ ЖАРАЁН СИФАТИДА

Каримова Н.Я. *– ЎзМУ таянч докторанти*

Оила барча ижтимоий институтларнинг пойдевори бўлиб, унинг тараққиёти ҳақида гапирганда, биз умуман жамият тараққиётини назарда тутамиз. Оилада инсон ижтимоий ролларни ўрганади, умуман тарбия ва хулқ-атвор кўникмаларининг асосларини олади. Оилада туғилгандан қабргача доимий ижтимоийлашув жараёни давом этади. Оиланинг барқарорлиги унинг ижтимоий институт сифатидаги барқарорлигининг ҳолатидир. Унга ҳам ташқи, ҳам ички омиллар таъсир кўрсатади.

Ташқи омилларга қуйидагилар киради: ижтимоий-иқтисодий муҳит, оиланинг ижтимоий мақоми.

Ички омилларга эса оиладаги ўзаро муносабатлар характери, ролларнинг тақсимланиши, эр-хотиннинг қадрият йўналишлари, эр-хотин орасидаги зиддият даражаси киради.

Оила барқарорлигининг акси ажралишдир, бу эр-хотин ўртасидаги ажрим ёки ажралиш деган маънони англатади. Бир неча ўн йиллар давомида ёш оила кўплаб олимларнинг ўрганиш объекти бўлишига қарамасдан, унинг умумий қабул қилинган таърифи йўқ. Замонавий социологияда тадқиқотчилар турли мезонлардан келиб чиқадилар – никоҳ муддати, турмуш қурганларнинг ёши чегараси ва ҳ.к. Социологлардан Е.М.Зуйкова ва Н.В.Кузнецоваларнинг фикрига кўра, ёш оилада ҳар иккаласи ҳам ўттиз ёшга тўлмаган бўлса, биринчи никоҳда бўлган уч йилгача бўлган оилаларни ўз ичига олиши кера[к1]

[1] Зуйкова Е.М. Молодожены: несбывшиеся мечты. – М: Инфра-М, 2004. – С. 49.

Айни пайтда, оила институти қийин даврларни бошдан кечирмоқда. Бошимиздан ўтказган пандемия ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Кўпчилик оилалар камбағалликка юз тутди. Ишсизлар сони янада кўпайди. Ёш оилалардаги ажралишлар ҳозирги замон муаммоси сифатида ўта долзарбдир, чунки оила, ҳар қандай нуқтаи назардан қаралмасин, кўп қатламли ижтимоий таълимдир, социологиянинг деярли барча бўлимларида бу ҳақда эслатиб турилиши бежиз эмасдир. Оила ижтимоий ташкилот, ижтимоий тузилма, институт ва кичик гуруҳнинг хусусиятларини бирлаштиради, ижтимоий назорат, ижтимоий ҳаракатланиш ва демографик ўзгаришлар жараёнларини яхшироқ тушунишга имкон беради. Мамлакатимизда ажралишларнинг кўпайиши жамият учун ва ижтимоий барқарорлик учун жиддий муаммо ҳисобланади.

Маълумки, XXI асрнинг ўнинчи йилларидан бошлаб, дунёнинг барча мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ёш оилалар ичида турли хил салбий оқибатлар туфайли ажримлар содир бўлмоқда. Масалан, республикамиз бўйича ажралишлар умумий ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Айниқса, Тошкент шаҳрида бошқа вилоятларга нисбатан ажримлар сони энг кўп кузатилмоқда.

Ўзбек оилаларида ўзаро тушуниш, ҳиссий интилиш ва ўзаро ҳурмат каби омиллар 1990 ва 2010 йилларга нисбатан бугунги кунда пастлаб бормоқда. «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказидан Kun.uz'га маълум қилишларича, марказнинг сўнгги тадқиқотларидан ана шундай хулоса келиб чиққан. Тадқиқот ўтказган олимларнинг изоҳ беришича, 1990, 2010 ва 2019 йилларда ўзбек оилаларида эр-хотин ўртасидаги «ўзаро ҳурмат», «ҳиссий интилиш» ва «ўзаро тушуниш» каби омилларнинг динамикаси ўрганилган бўлиб, натижалар йиллар кесимида таққосланганда фарқлар намоён бўлган (1-расм).



1-расм. Ўзбек оилаларида эр-хотин ўртасидаги «ўзаро ҳурмат», «ҳиссий интилиш» ва «ўзаро тушуниш» каби омилларнинг динамикаси

Ижтимоий тармоқда “Оилавий ажримларга асосий сабаб нима, деб ўйлайсиз?” саволи билан ўтказилган кичик сўровномада ҳам тармоқнинг аксарият фойдаланувчилари урф-одатлар, қайнонанинг келинга солиқ солиши, куёвнинг эса келин томондан мулк таъма қилиши, келинларнинг ота уйига “гап ташиши”, телефон ва ижтимоий тармоқлар, ёшларнинг на фикрлаш, на пул топиш борасида мустақил эмаслиги, йигитларнинг ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилиши, қизларнинг эса “хўп”дан йироқлиги, диний билимдан бехабарлик, ўзаро ҳурмат тушунчасининг йўқолиши, бесабрлик, айбини тан олмаслик кабиларни санаб ўтишди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ажрашиш арафасида турган, ажрим қайд этилган оилаларнинг муаммолари бир-бирига ўхшамайди. Аммо, ҳар бири ўз ечимига эга, ажримга қадар оилани сақлаб қолишнинг имконияти анча юқори бўлган[1].

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан 2019 йилнинг 6 ойида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда олиб борилган ўрганишлар натижасида ажрашиш учун ариза берган 878 та оиланинг ёзма мурожаатлари қайтариб олинишига эришилди.

Миллий матбуот марказида журналистлар учун ўтказилган анжуманда маълумот берилишича, 13 минг 493 та ажрим ёқасига келиб қолган оилалар яраштирилди ва 21 минг 293 нафар бола ярим етим бўлишдан сақлаб қолинди. Шунингдек, Республика бўйича 15 минг 102 та қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган оила муаммолари таҳлил этилди. 8 минг 458 та ночор оилага ёрдам кўрсатиш бўйича «йўл хариталари» ишлаб чиқилиб, шундан 2 минг 670 нафарининг муаммоси ўз ечимини топди.

Дунё олимларининг ўтказган тажрибасига кўра, турмушнинг 3 йили ажралиш учун энг кўп эҳтимоллик пайдо бўлар экан. Сабаби, бу вақтга келиб эр-хотин бир-бирини анчагина билиб, хато ва камчиликларини кўриб, бир-биридан тўйиш ҳисси пайдо бўлиши аниқланган. Агар, мана шу давргача яхши ҳолатда етиб келган оила бўлса, ундан кейин уларнинг турмуши яна мустаҳкамланар экан.

Ажримларнинг олдини олиш учун нималарга эътибор беришимиз керак:

– аввалambор, никоҳ ҳар доим иккала томоннинг розилиги асосида бўлиши таъминланиши лозим;

– янги турмуш қурган ёшлар бирга яшаб, бир-бирларини ўрганиб, тушуниб олишлари учун вақт лозим. Бу орада турли келишмовчиликлар бўлиши табиий. Шундай ҳолатда атрофдагилар майда-чуйда келишмовчиликларга ҳам аралашавермаслиги, ёшларнинг ўзлари ҳал қилишларига қўйиб беришлари керак. Чунки, кўпинча бировларнинг нотўғри аралашуви оиланинг бузилишига олиб келади;

– аёллар ўз бурчини бажариб, турмуш ўртоғига муносиб рафиқа бўла олишмас экан, турмуш ўртоқларидан ҳам яхши эр чиқишини кутмасликлари керак;

– эркаклар ҳам аёли ҳар қанча меҳр-муҳаббат кўрсатмасин, уларга яхши муомалада бўлишмаса, бир куни хотиннинг ҳам сабр косаси тўлиши мумкин.

[1] Абдураҳмонова С. https://kun.uz/49102468

Инсон маънавияти ва ижтимоий ҳаёти бўйича ҳам чуқур ўзгаришлар кузатилиши мумкин. Масалан, етим-есирлар, бевалар, турли хил бемаъниликларга учраб қолган эркаклар сони ва бошқа жуда кўпгина ижтимоий ва иқтисодий салбий офатлар ўз-ўзидан кўпайиб боради. Шунинг учун, ёшларда содир бўлаётган оила ажримлари жамият аъзоларини кучли хавф-хатарларга олиб келмоқда.

ЁШЛАРНИНГ ОНЛАЙН СОЦИОЛОГИЯСИ: «ТИК-ТОК»ЛАШУВ

Мирзахмедов Х.А. *– НамДУ таянч докторанти*

Глобаллашув шароитида техника ва технологияларнинг шиддат-корлиги инсониятнинг ҳаётида ахборот технологияларининг беқиёс тез тарқалишида намоён бўлмоқда. Пандемия шароитида эса ёшларнинг ижтимоий оилавий муҳитида таълим ва тарбиядан янги онлайн ҳолатига ўтиши билан маънавий-маърифий тарбия «туйнуклари» ҳосил бўлди. Шу билан бирга, оилавий изоляциялаш туфайли ёшларнинг бўш вақтини ташкиллаштириши ҳам тажрибасизликдан тарбияга эҳтиёжни жиддийлаштирди. Натижада ёшларнинг ижтимоий кайфияти, мўлжал, мақсад-муддаоларида интернетнинг янги “гибрид таҳдидлар”и қарор топишга улгурди. Шу маънода, Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев ёшларнинг маънавий тарбиясидаги масъулият “…ўта шиддат билан ўзгараётган турли таҳдидлар кўплиги билан олдимизга ҳал этишни кечиктириб бўлмайдиган ғоят мураккаб вазифалар” белгилашини алоҳида таъкидлаган эди[1].

Глобаллашган ахборот жамияти эҳтиёжларнинг шартли равишда икки иқтисодий ва маънавий-маърифий йўналишининг тизгинсиз ривожига бўлиш мумкин. Биринчи йўналиш давлатларнинг ўз иқтисодий манфаатларини қондиришда трансмиллий иқтисодий хатти-ҳаракатлари билан изоҳланади. Иккинчи йўналиш эса ёшларни ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий эҳтиёжларида трансформация муҳитини шакллантиришдир. Трансформация жараёнининг маънавий мақсади ёшларни ижтимоий ҳолатини тубдан қайта қуриш, онг ва тафаккурини янги ноанъанавий ғоя билан “қайта жиҳозлаш” ҳисобланади. Шу маънода, трансформация ижтимоий муносабатларнинг замонавийлашувида ёшларнинг миллий маънавий қиёфасини сақлаб қолишга давлатнинг барча маблағ, куч-ғайратини сарфлаш ўзини оқлайди.

Эътироф этиш лозимки, замонавий ижтимоий тараққиёт ва ундаги таҳдидларнинг тазйиқи ижтимоий фанларнинг илмий таҳлилларига ҳам бир қатор мураккабликни ҳосил қилмоқда. Чунки, интернет ахбороти маънавий-маърифий хавф-хатарининг янги майдонида: блогер*, влогер*, вайнер*,

[1] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б. 45.

* Блогер – Интернет тармоғига ахборот жойловчи шахс.

* Влогер – (видео блогер) Youtube видеохостинг тармоғига видео блог ёзиш ва жойлаш билан шуғулланувчи шахс.

* Вайнер – Интернет тармоғида 6 сониялик муайян бир мавзуда қисқа видео-роликларни тарқатувчи киши.

тиктокер*, фолловер*, хейтер*, кликер*, краш*, читер*, тролл* каби онлайн фаолият олиб борувчи шахсларнинг янги авлоди ишламоқда. Уларнинг асосий мақсади ахборот технологияларининг ривожи, электрон алоқаларининг имкониятларидан ўзининг шахсий моддий эҳтиёжини қондириш каби стихияли мақсадни кўзлаган. Ахборот технологияларининг дунё миқёсидаги молиялашуви, унинг назоратида мураккаблик сурат ва видеога олиш имкони бор шахсларнинг соҳага оммавий аралашуви билан ахборот майдонида тартибсизлик ёки бебошликни келтириб чиқармоқда. Ахборотнинг мақсади инсон меҳнатини енгил ва қулай шаклда дунёнинг онлайн (online) орқали узатиш ва қабул қилиш, ўқиш, эшитиш, кўриш имконияти билан эзгуликка мўлжалланган. Муаммонинг моҳияти телефон билан қуроллаган блогерлар республика телеканалларининг тажрибали операторларидан ҳам хавфли эканлигидадир.

Онлайн тушунчаси (инг. Online – «тўлқинда», «фаол», «алоқада», «тармоқда», «эфирда», «муносабатда») интернет тармоғига уланган «фаол тармоқ алоқа»си, оффлайн эса узилган ёки уланмаган ҳолатини ифодалайди. «Онлайн» одатда фаолиятнинг шакли маъносида шахснинг интернет фаоллигини ҳам кўрсаткичидир[1]. «Онлайн» атамасининг келиб чиқиши одамларнинг ўзаро алоқа ва муносабатини ифода этган “Субъект + онлайн + объект = онлайн муносабат” тизимини ҳосил қилиши, яъни томонларнинг бир-бири билан мулоқотга киришувининг масофали шаклидир. Демак, шахснинг Интернет тармоғида жамиятнинг ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий муҳитига онлайн боғланганлиги ҳолатидир. Унинг аньанавий боғланишидан бир қатор жиҳат ва хусусиятлари мавжудки, шахснинг ижтимоийлашувига салбий таъсири ортиб боради.

Онлайн социология – социологиянинг ривожланишида замонавий янги соҳа бўлиб, унинг тадқиқот объекти Интернет тармоғида фойдаланувчиларнинг фаоллик мақоминининг таҳлили, тадқиқот предмети эса масофали аудитория ва онлайн аҳоли ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий муносабатларда ўзгача хусусиятларни кашф этади.

Ёшлар ҳаётининг онлайнлашув ижтимоий жараёни жиддий динамикаси бир томондан ҳаётимизга дунё ахборот технология ютуқлари шаклида дунё ҳамжамияти билан ҳамқадамликни таъминласа, иккинчи томондан маънавий-маърифий ҳаётимизда миллий қадрият ва анъаналаримиздан янгича одат ва феъл-атвор “орнамент”ларига ўтишга ҳам олиб келмоқда. Жамият ёшларида ахборотга бўлган муносабатнинг шиддаткорлиги маънавий-маданий

---

* Тиктокер – Тик-ток ижтимоий тармоғида қисқа мобиль клипларни тарқатувчи киши.
* Фолловер – ижтимоий тармоқдаги кимнингдир микроблогидаги янгиланишларга обуна бўлган киши.
* Хейтер – Интернет тармоғига жойланган материални фаол қоралаб, ўз фикрини ягона тўғри деб ҳисобловчи, ёқтирмаган материал муаллифига нисбатан агрессив, танқид қилувчи шахс.
* Кликер – реклама ҳаволаларини босиш орқали пул топадиган шахс.
* Краш – яширин ёки жавобсиз муҳаббат олувчи шахс.
* Читер – (кибер фирибгар) компьютер дастур ва ўйинларида тақиқланган дастур ёки махфий рақамлар билан қоидаларни бузиб бошқа фойдаланувчи ва ўйинчилардан устун бўлувчи шахс.
* Тролл – онлайн мулоқот орқали бошқаларда агрессив хиссий руҳиятни келтириб чиқаришга харакат қилувчи шахс.

[1] Онлайн и офлайн. URL: https://ru.wikipedia.org/wiki/Онлайн_и_офлайн (кўрилган муддати: 15.03.2021)

қадриятларимизга садоқат, ўзлигимизни сақлаб қолишга эҳтиёжни икки баробар орттирмоқда.

Янги Ўзбекистонда янгича ҳаёт барпо этишда бир масалага алоҳида эътибор бериш муҳим, яъни стратегик ривожланиш тараққиёти ёшларнинг тарбияси ва келажак учун қайғуриш туйғусини ахлоқий норма сифатида шакллантиришдир. Чунки жамиятда пайдо бўлаётган ғоявий бўшлиқларни, бизга мутлақо ёт бўлган хорижнинг маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «Оммавий маданият»га қарши иммунологик муҳитни яратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим ҳисобланади [1]. Ўзбекистон Президенти ««Оммавий маданият» балоси кўплаб ёшларни ўз домига тортиб, миллат ва юрт учун бутунлай бегона бўлган анъаналар домига киришига сабаб бўлмоқда», - дея таъкидлаган эди [2].

«Оммавий маданият»нинг онлайн хавф-хатарининг минтақавий фаоллашуви ёшларнинг ижтимоий тармоғида давлат, жамият ва шахс шаъни, қадр-қиммати, дахлсизлигига тегишли ахборотларни тарқатиш ва томоша қилишда намоён бўлмоқда. Бу муаммо – Tik-Tok номли қисқа видео-роликка асосланган ижтимоий тармоқ билан боғлиқ жамият ёшларининг ҳаётида қисқа вақтда ижтимоий оммалашувига улгурган платформадир. Аслида, 2018 йил Пекин шаҳри «Byte Dance» компаниясига қарашли Тик-Ток – қисқа мобиль клипларни яратиш ва тарқатиш учун дунёвий Интернет ресурс платформаси ташкил этилган. Тик-Токнинг вазифаси инсон ҳаётининг энг яхши дақиқаларини олиш ва ижод маҳсулини дунёдаги бошқа ижодкорлар билан бўлишишдир. Тик-Токнинг Пекин, Берлин, Жакарта, Лондон, Лос-Анджелес, Москва, Мумбаи, Сан-Паул, Сеул, Шанхай, Сингапур ва Токио бўйича идоралари мавжуд. Унинг платформасида бугунги кунда 150 мамлакатда 1 млрд.дан ортиқ фойдаланувчиси бўлиб, АҚШ, Россия, Ҳиндистон, Япония мамлакатларида давлат суверенитети, мудофаа қобилияти, хавфсизлигига ва жамоат тартиби, ёшлар ҳаётига таҳдид уйғотиши эҳтимоли борлигидан Тик-Токдан фойдаланиш таъқиқланди. Тик-Ток платформасида фаолият олиб борувчи шахсни “Тиктокер” деб номланади [3]. Тик-токда “Челленж” ўтказиш асосий йўналишларидан бири бўлиб, “Хэштег” челленжга қулайлашган платформадир [4].

Дунё ёшларининг Тик-Ток платформасидаги фаолиятини социологик солиштирма таҳлилини қуйидагича намойиш этиш мумкин:

Ўзбек ёшлари мисолида:

- Тик-Токда 100 млн лайк учун онасини ўлдирмоқчи бўлган йигитнинг чиқиши;

- лайк учун сумалак атрофида Наврўз билан табриклаган ярим-яланғоч қизларнинг чиқиши;

---

[1] Mirzakhmedov Kh.A., New ideological dangers in the spiritual life of youth. Journal of Social Studies.2021, vol. 4, issue 1, p.68.

[2] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б. 46.

[3] TikTok. URL: https://ru.wikipedia.org/wiki/TikTok (кўрилган муддати: 15.03.2021)

[4] Богомолова Д. А. Социальная сеть Tik Tok как элемент интегрированных маркетинговых коммуникаций. // Скиф. Вопросы студенческой науки. Выпуск №4 (44). – С. 574.

- лайк учун ўзини бино томидан ташлаган йигитнинг чиқиши;
- лайк учун ҳаракатланаётган поезд тагида ётган йигитнинг чиқиши;
- лайк учун ҳаракатланаётган поездга осилиб чиққан йигитнинг намойиши;
- лайк учун вандализм билан шуғулланган ёшлар;
- лайк учун ахлоқсизликни тарғиб қилувчи ёшлар;
- лайк учун йигитларнинг аёллар қиёфасида чиқиши;
- лайк учун қизларнинг йигитлар қиёфасида чиқиши;
- лайк учун йигитнинг кўчада яланғоч югуриши;
- лайк учун ахлоқсиз ёки экстремал батллар уюштириш;
- лайк учун пранк усулида кўрқитиш;

Грузин ёшлари мисолида:

- Тик-Токда лайк учун миллий ва жаҳон мусиқаларини куйлаш;
- лайк учун миллий таомларни тайёрлаш;
- лайк учун миллий ва ностандарт рақсга тушиш;
- лайк учун пранк усулида кўрқитиш;
- лайк учун турли хил батллар уюштириш;

Рус ёшлари мисолида:

- Тик-Токда лайк учун компьютер ўйинларининг видео-ролигини чиқариш;
- лайк учун пранк усулида кўрқитиш;
- лайк учун турли хил батллар уюштириш;
- лайк учун рақс тушиш;
- лайк учун экстремал-паркур* ҳаракат содир этиш;
- лайк учун турли хил жанрларда мусиқа куйлаш;
- лайк учун жамиятдаги ижтимоий муаммоларни олиб чиқиш;
- лайк учун болалар мусиқали мультфильмини чиқариш;
- лайк учун ҳаракатланаётган поездга осилиб чиқиш;
- лайк учун ичкийимлар рекламасини чиқариш;

Ёшларнинг онлайн социологияси тадқиқотлари орқали мавжуд жамиятдан онлайн транформациянинг ижтимоий амалиётини қуйидагича таҳлил қилиш мумкин:

- ижтимоий тармоқларда лайк учун хамма нарсага тайёр ёшларнинг янги авлоди шаклланиши;
- ёшларни кундалик фаолиятидан онлайн фаолиятга ўтиши жараёни;
- ёшларнинг хоҳиш-истакларида енгил-елпи ва юмшоқлашув жараёни;
- ёшларнинг оилавий қадриятлардан совиши;
- ота-она тимсолининг қадрсизланиши;
- ёшлар омилининг тижоратлашуви;
- ёшларда пулга бўлган эҳтиёжнинг жиддий ўсиши;
- ёшларнинг тренд учун курашиши;
- ёшларнинг Интернет тармоғи орқали машҳурликка интилиши;
- наркотик ва алкоголдан ҳам хавфли ТИК-ТОКнинг ижтимоийлашуви.

* Паркур – юқори тезликда турли хил тўсиқ ва баландликларни ҳаракат ва сакраш ёрдамида ўтувчи шахс.

Биз Интернет тармоқларида пандемиянинг салбий натижаси сифатида ахборот тарқалиши муаммолари техника тараққиёт натижаларидан фойдаланиш маънавий маданиятига эҳтиёжининг ортиб боришини кузатдик. Айни вақтда Тик-Токнинг тарқалишида ота-оналарнинг болалар тарбиясидаги иштирокининг пасайиши билан изоҳланишини ёқлаймиз. Зеро, кун бўйи иш билан банд бўлган ота-оналарнинг фарзандларнинг ижтимоий назорати ва бандлиги билан боғлиқ масалага масъулиятсизлиги – бегоналашув ҳолатини ҳосил қилади. Боз устига ота-оналар фарзандларни оиладан холи бўлиш заруратини «Тик-Ток хаус»ларнинг ташкилида кузатиш мумкин[1]. Тик-Ток хаус ёшларнинг видео-ролик тайёрлаб, ижтимоий тармоқларга жойлашида маскан ролини ўйнамоқда.

Мазкур социологик тадқиқот натижасида ёшларда миллий маънавият ва қадриятлардан узоқлашиш, бегоналашиш, тик-токлашувнинг олдини олишда ижтимоий-амалий таклиф ва тавсиялар қуйидагича гуруҳлаштирилди:

- ёшларда китобхонлик ва мутолаа маданиятини ривожлантириш зарурати;
- ёшларнинг ижтимоий тармоқ фаолиятини “Оммавий маданият”га олиб келувчи хатти-ҳаракат, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, вандализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш керак;
- китобхонлик ва мутолаа учун фан-манбаа, аудио-театр, аудио-китоб каналларини ташкил этиш, оператив амалиётга қўллаш мақсадга мувофиқдир;
- Тик-Токда миллий мусиқа, миллий рақс, миллий урф-одат, миллий қадрият, миллий таом тайёрлаш, миллий ҳунармандчилик бўйича ёшларнинг фаолиятини молиялаштириш керак;
- ёшларда онлайн маърифат ва маданиятни шаклантириш зарур;
- смартфонларда боғча ёшидагиларга бола ақлан ва рухан ривожланиши учун смартфон дастури (мисол: 1-синф учун «Гапирувчи алфавит» дастури), мактаб ёшидаги бола-ўспиринларга мактаб программасини тез ва қулай ўзлаштириш учун мактаб фанларининг ўйин ва интерактив дастурларини яратиш зарур;
- Тик-Ток платформасига таълимни ролик-реклама шаклида киритиш керак;
- бола-она-ватанпарварлик программасини ривожлантириш зарур.

Биз тадқиқот натижаларига дахлдор жиҳатларни хулосалашга уриниб кўрамиз:

Тик-Токни бугунги ўзбек жамиятида хавфли жиҳати, ҳамма нарсага қизиқувчи, ўрганувчи, талабчан бўлган илк болалик (1-3 ёш), ёш болалик (4-7 ёш), болалик (8-12 ёш), ўспиринлик (13-16 ёш) даврларида қатламбай ёки ёш жиҳатини ҳисобга олинган ижтимоий тарбия ёндашуви заруриятдир.

[1] Что такое тикток-хаус? URL: https://aif.ru/society/web/chto_takoe_tiktok-haus#:~:text=%2B%20-%20Тикток-хаусы%20(англ.%20TikTok,коттедже)%20и%20создают%20контент%20совместно (кўрилган муддати: 15.03.2021)

Шу сабабли, ёшларнинг “ялтироқ қадрият”, енгил-елпи саньатдан иҳоталаш учун миллий-маънавий бой мерос, миллатнинг юксак нафосати дурдоналари билан таништиришга эҳтиёж ортиб бормоқда. Онлайн учрашувлар тажрибасини қўллаган ҳолда ёшларни қизиқтирган саволларга ўз вақтида жавоб бериш, уларни ижодий фикрлашга чорловчи кўрсатув ва миллий сайтлар, платформаларни ишга солиш вақти келди.

Глобаллашув шароитида ахборот технологияларининг ижтимоий маданият, яьни ёшларнинг медиамаданияти сифатида шаклланиши таълим ва тарбия соҳасида ахлоқий тарбияга эътиборни талаб этади. Ёшлар ўзаро бевосита муносабатида нафосат ва ахлоқ қанчалик муҳим бўлса, алоқаларнинг онлайн одоб, онлайн ахлоқ, онлайн фазилат шаклида ёшларнинг маънавиятида медиа тарбиясини талаб этмоқда. Бу масала онлайн қарамлик, онлайн қулликни (синдроми) олдини олиш учун онлайн феъл-атворда миллий анъана, онлайн тил каби саводхонлик маърифатини шакллантиришга чақиради.

КАМБАҒАЛЛИК ГЛОБАЛ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММО СИФАТИДА

Неъматова Д.Т. *– ЎзМУ ўқитувчиси*

Қашшоқлик – бу азалдан мавжуд бўлган энг муҳим ижтимоий муаммолардан бири. Бугунги кунда қашшоқлик Ер юзида глобал муаммога айланган у кўп ўлчамли ва мураккаб жараён ҳисобланади. Глобаллашув ва капитализм қашшоқликнинг турлари кўп бўлишига катта таъсир кўрсатади. Жаҳон иқтисодий бозорининг кенгайиши, товар ва хизматларнинг кенг тарқалиши, пулнинг тез айланиши ва ишлаб чиқаришн суратининг ортиб бориши каби омиллар, бойликни ва турмуш даражаси яхшиланувчилар кўпайиши билан бирга аҳолини қашшоқ қатламларни ҳам вужудга келтиради. Бунинг сабаби ресурсларнинг адолатсиз тақсимланишига бориб тақалади.

Дунёда бойлик даражалари ўсиб боришига қарамай, қашшоқлар ва камбағаллар сонининг ҳам кўпайиши кузатилмоқда. Ғарбий Европа ва АҚШ каби дунёнинг энг ривожланган давлатларида ҳам камбағал одамлар сонининг камаймаётганини кўришимиз нункин. Бироқ, айрим мамлакатларда қашшоқлик (очлик ва оммавий қашшоқлик деб ҳам аталади) жуда оғир оқибатларга олиб келмоқда. Лотин Америкаси, Африканинг саҳролари ва жанубий-шарқий Осиёдаги кўплаб мамлакатларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Сиёсий беқарорлик, ички қарама-қаршиликлар, мустамлакачилик таъсирида иқтисодий ва ижтимоий инқирозга учрайдилар. Бу ҳар бир мамлакатда ҳар хил бўлсада кучли қашшоқлик мавжуд болган мамлакатларда, саводхонлик даражасининг пастлиги ва ишсизлик каби омилларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги дунёда қашшоқликни ўрганиш жуда муҳимдир. Бунинг асосий сабаби саноат инқилоби билан содир бўлган воқеаларга бориб тақалади.

Саноат инқилоби бошланган Европада жамиятнинг озчилик қисми (буржуазия) тезда бойиб борар эди, қолган қисми эса (ишчи синфлар) оммавий қашшоқликка тортиларди. Хусусан, табиий қишлоқ муҳитидан механик шаҳар муҳитига кўчиб ўтган одамлар шаҳарларда янги камбағал синфни яратдилар. Шаҳарларда камбағаллар ва ишчилар яшайдиган шаҳар атрофи ва шаҳар уйлари пайдо бўла бошлади. Одамларнинг ҳаёти остин-устун бўлиб кетди.

Одамлар ҳаётидаги энг муҳим ўзгариш шундан иборатки, техника ҳаётнинг табиий ритмини алмаштирди. Ушбу механик шаҳарларда ўз меҳнатини иш ҳақига сотган ишчилар синфи (айниқса шаҳарлардаги ишчилар синфи) ўз меҳнатини ололмай, фабрикаларга эгалик қилган бойлар томонидан эксплуатация қилинди. Ҳозирги адабиётларда "камбағал ишлайдиганлар" деб номланган бўлим ўша пайтда пайдо бўла бошлади. Хусусан, узоқ иш вақти, бир хил иш, кам иш ҳақи ва болалар меҳнати каби салбий ҳолатлар оиланинг парчаланиши, алкоголга тобелик, ўз жонига қасд қилиш ва ижтимоий бегоналашув каби муаммоларни келтириб чиқарди. Бундан ташқари, ушбу даврда меҳнат ва бандликка берилган капитал қиймати, яъни "ишламаган тишламайди" тушунчаси қашшоқликка қарши курашда ўз аксини топди. Бу камбағалларни ишсизлар ва тиланчилар билан бир хил тоифага киритади. XIX асрда камбағалларни белгилаш учун ишлатилган "тил"да ҳам ўзгариш юз берди, шунинг учун камбағаллар четга сурилди ва улар учун "жирканч" ва "ахлоқсиз" каби иборалар ишлатилди.

Бугунги кунда глобал миқёсда кўрилган ва турли хил ўлчамларга эга бўлган қашшоқлик жуда мураккаб ҳодиса ва бир нечта фанларга тааллуқли масала бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, қашшоқликка таъсир этувчи омилларни тушунтиришда, глобаллашув билан чекланиб қолиш керак эмас. Глобаллашув қашшоқликка таъсир қилувчи макро даражадаги омил бўлса, қашшоқликка микро даражадаги таъсир кўрсатадиган ижтимоий омилларни ҳам эслатиб ўтиш зарур. Микро даражадаги асосий омилларга қисқача тўхталадиган бўлсак, уларнинг энг муҳими бу жамиятларнинг ўзига хос ижтимоий тузилмалари, қатъий анъанавий қоидалар, даромадларни тақсимлашдаги тартибсизликлар, ишсизликнинг юқори даражаси, маълумот этишмаслиги, жинсларнинг тенгсизлиги, бандликнинг пастлиги ва бошқалар. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, ушбу омиллар глобал миқёсда илдиз отган ва уларнинг эчими битта давлат доирасида ҳал этилиши мураккаб.

Қашшоқлик глобал ҳодиса бўлса-да, қашшоқликнинг оғирлиги ва интенсивлигини фақат маҳаллий даражада камайтириш мумкин. Масалан, аёллар ва болалар ўтасидаги қашшоқликни тўғри тушунтириш учун бирон бир мамлакат ёки маҳаллий ҳамжамият мисолида кўрсатиш мумкин. Шу сабабли аёлларнинг қашшоқлигини маҳаллий даражада пайдо бўлишини ҳисобга олиш керак. Акс ҳолда, қашшоқлик ҳақидаги таҳлиллар ва тушунтиришлар тўлиқсиз ва етарли бўлмайди.

1970-йилларда Ғарб мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий тузилмалари саъй-ҳаракатларидан сўнг турли хил тадқиқотлар юзага келган. Хусусан, қашшоқликнинг салбий ва хавфли оқибатлари, муҳим ижтимоий

масала болиб қолди. Натижада, ижтимоий сиёсат бирламчи масалага айланди. Қашшоқликка қарши курашнинг самарали усулини яратиш ва давлат институтларини барпо этиш бошланди. Ушбу ташаббусларга қарамай, Европада бўлгани каби бутун дунёда қашшоқлик халигача ечимини кутаётган социал муаммо сифатида қолмоқда.

Тарихий ҳодиса ва ижтимоий муаммо сифатида қашшоқлик одатда ҳар хил таърифлар доирасида кўриб чиқилади ва унинг сабаблари, турли ўлчовлари ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади. Масалан, биринчи дунё мамлакатларидаги қашшоқлик даражалари ва ўлчамлари иккинчи дунё мамлакатларидаги ижтимоий муаммоларни ўрганишда қўлланилмайди. Айни замонда учинчи дунё мамлакатларидаги қашшоқлик ва ижтимоий ҳолат ҳам ўз кўриниши ва характерига эга.

Умуман олганда, қашшоқлик инсоннинг кундалик эҳтиёжларни қондира олмаслик сифатида ифодаланиши мумкин. Озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой каби асосий эҳтиёжларини қондира олмайдиган шахслар ёки гуруҳлар қашшоқлар ҳисобланади. Кенг маънода қашшоқлик – бу таълим, соғлиқни сақлаш ва умр кўриш давомийлиги каби соҳаларини ўз ичига олган тушунча бўлиб жамият билан бирлаша олмаслик, жамиятдан четда қолиш, камситилиш бевосита қашшоқлик билан боғлиқ масалалардир. Шунинг учун қашшоқлик учун умумий қабул қилинган таърифни бериш қийин бўлади.

Камбағаллик тарихий ҳодиса эканлиги ва ўтмишдан ҳозирги кунгача турли хил жамиятларда ҳар хил кўринишда бўлганлиги сабабли, ҳамма қабул қилиши мумкин бўлган таъриф йўқлиги табиий равишда қабул қилиниши керак. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, бугунги кундаги қашшоқлик ва ўтмишдаги қашшоқлик ўртасида муҳим фарқлар мавжуд. Қашшоқликнинг "вазият" бўлишдан тўхтаб, "муаммо"га айланиб, оммавий кўринишга эга бўлиши ҳозирги замонга хос бўлган ҳолатдир. Шу маънода саноат инқилоби ва ундан кейинги ўзгаришларни ўтмиш (эски) қашшоқлик ва замонавий (янги) қашшоқлик чегараси сифатида кўриш мумкин. Яшашга яроқли ва чидаб бўлмайдиган вазият бўлган эски қашшоқлик замонавий қашшоқлик билан йўқ бўлиб кетди ва унинг ўрнини қашшоқлик ва очлик эгаллади. Бундан ташқари, ўтмишда кўринмаган ижтимоий сегментлар орасидаги ажратиш ва камситиш замонавий қашшоқлик билан янада равшанроқ намоён бўлди. XXI аср дунёсида қашшоқлик ижтимоий четлашув, маргиналлашув, субсинф, очлик ва етишмовчилик билан боғлиқ бўлиб қолди.

БЎШ ВАҚТ ҚИЙМАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Рустамов Ф.Р. *– ТИҚХММИ Бухоро филиали ўқитувчиси*

Мустақиллик шароитида мамлакатимизда бўш вақт ва ҳордиқ масалаларига нисбатан муносабат ўзгарди. Бугунги кунда бўш вақтдан самарали фойдаланишнинг ижтимоий-психологик асосларини тўғри баҳолаш, уни ташкил қилишнинг шакл, восита ва илмий-амалий услубини ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бу, бир томондан, инсон ва

унинг жамият ҳаётидаги роли ошиши билан боғлиқ жараёндир. Бўш вақт ижтимоий қадрият сифатида инсон ва унинг оиласи эҳтиёжи, қизиқишлари билан ҳар томонлама боғлиқликда ривожланиб борувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Дунёда тобора жадал тус олаётган урбанизация, интеграция ва глобаллашув жараёнлари маънавий қадриятлар ва халқ урф-одатларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатаётгани туфайли асрлар давомида сақланиб келаётган бўш вақт ва ҳордиқ билан боғлиқ ижтимоий-маданий, психологик тушунчаларга диний-ахлоқий, фалсафий ёндашув ва муносабатларнинг ҳар бир даврдаги таъсирини тизимли ўрганиш ҳозирги социология илмидаги долзарб масалалардан бири бўлиб, инсон тафаккурининг жамият тараққиёти билан боғлиқликда тадрижий такомилга эришаётганини асослаш имконини бериши билан муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, кейинги пайтларда фан-техника тараққиёти ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб, ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимининг нанотехнология, кибернетика, роботлаштириш ва автоматлаштиришга асосланган механизациялаштириш жараёни тобора кучайиб бораётгани натижасида қўл меҳнатининг сустлашиши инсонларнинг нафақат бўш вақти кўпайишига, балки шу сабабли юзага келаётган ишсизлик, бекорчилик оқибатида айрим салбий иллатлар ортишига ҳам замин яратаётгани аҳолининг ҳордиқ фаолиятини ва бўш вақтини самарали ташкил этиш масалаларига жиддий эътиборни талаб қилмоқда.

Бўш вақт – бу ижтимоий зарурат бўлиб, у махсус ижтимоий муассасада бўш вақт соҳасининг ўзига хос меъёрларининг шаклланишига олиб келади. Бўш вақтнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати унинг ҳаётий, иш вақтига боғлиқлигининг табиий натижасидир. Бу каби кўрсаткичлар иш кунининг давомийлиги, иш ҳафтаси, иш режимининг мослашувчанлиги, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида ижтимоий бандлик тузилмасининг мутаносиблиги ва бошқаларни кўрсатади. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида бўш вақтнинг мазмуни ишлаб чиқариш жараёнларига таққослаш орқали аниқланади ва уларнинг давоми сифатида ҳаракат қилади.

Бўш вақт шахс камолоти ва жамият тараққиёти учун бебаҳо неъматдир. Чунки бўш вақт ижтимоий бойлик ҳисобланиб, шахс маънавиятининг юксалиши учун хизмат қилади. Пировард натижада, бўш вақт меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Агар инсон қанчалик яхши ва унумли меҳнат қилса, шунчалик самарали ва мазмунли дам олишга эҳтиёж сезади.

Меҳнат фаолиятини олиб борувчи ҳар бир инсон олдидаги масала, бу қанча ишлаб, қанча дам олиш муаммосидир. Агар у ишламаса, унинг максимал дам олиши бир суткага, яъни, 24 соатга тенг бўлади ва унинг даромади нолга тенг. Маълумки, инсон ҳар доим суткасига 24 соат ишлайвермайди. Табиийки, инсоннинг иш вақти чегараланган бўлади, у маълум вақт дам олиб, ўзининг ишлаш қобилиятини тиклаши керак бўлади. Бундан ташқари, дам олиш уни маънавий ўсишини таъминлайди. Демак, инсон маълум вақт ишлаб, маълум миқдорда наф олса (даромад олса), у

маълум вақт дам олганда ҳам қандайдир наф олади (маънавий ўсиш, завқланиш). Демак, инсонни қанча вақт ишлаб, қанча вақт дам олиши кераклиги тўғрисидаги масалани қуйидагича қўйиш мумкин:

Инсоннинг ишлаш вақти ва дам олиш вақтидан боғлиқ нафлик функциясини қуйидагича ёзамиз:

$U = U(t,T)$,бу ерда U – нафлик функцияси; t – дам олиш вақти; T – иш вақти.

Демак, ишчи суткадаги 24 соатни иш вақтига ва дам олиш вақтига шундай тақсимлаши керакки, натижада у максимал наф олсин: $U = U(t,T) \to \max$.

Даромаднинг янада ошиб бориши барча инсонларни ҳам дам олиш вақтини қисқартириб, иш вақтини оширишга ундайвермайди. Дам олиш вақтининг қисқариб бориши, уни инсон учун бўлган қимматини оширади.

Иш ҳақи ўсишининг дам олиш вақти билан ишлаш вақти ўртасидаги нисбатга таъсир қилади. Иш ҳақи тариф ставкаси инсон учун дам олиш вақтининг қадр-қийматини ўлчайди, демак, иш ҳақи инсон дам олиб ҳузур қилиши учун сарфлайдиган пул миқдорини ўзида акс эттиради. Одатда иш ҳақи ошганда, кўпчилик кўпроқ ишлаб, кўпроқ даромад олишга ҳаракат қилади. Лекин, иш вақти ошган сари бўш вақтнинг ҳам қиммати ошиб боради. Инсон маънавий ўсишга ҳам интилади. Демак, иш вақтининг ўсиши ўз чегарасига эга. Нима учун деганда, инсонлар, ишлаб топган даромадини кўпроқ завқ олиш учун, дам олишга сарфлайдилар.

Иш вақти маълум вақтгача ўсгандан кейинги иш ҳақининг ўсиши, иш вақтини қисқаришига олиб келади. Иш ҳақи ошганда ўрнини босиш самараси ҳамда даромад самараси мавжуд бўлади. Ўрнини босиш самарасида юқорироқ иш ҳақи, шахснинг реал даромадини оширади. Шахс кўп даромад олганда, у кўпроқ неъматларни сотиб олади, ушбу неъматлардан бири, яхши дам олишдир.

“Агар шахс дам олишга кўпроқ маблағ сарфласа, даромадининг ошиши, уни камроқ ишлашга ундайди. Даромаднинг ошиши жуда ҳам катта бўлганда, инсоннинг иш вақтини қисқартиради ва меҳнат таклифи чизиғи пастга ётиқ бўлади.



Ушбу расмда иш вақти ва дам олиш вақти нисбатини танлаш бўйича бир қарорга келиш акс этган. Уфқий ўқ бир кундаги дам олиш соатларини, тик ўқ эса иш келтирадиган даромадни кўрсатади. Бошланишида иш ҳақининг миқдори соатига 10 долларни ташкил этади, бюджет чизиғи PQ тарзида берилади. P нуқта, масалан, кунига 24 соат ишлаган инсон, 240 доллар даромад олишини кўрсатади. Инсон A нуқтани танлаб кунига 16 соат дам олади ва кунига 8 соат ишлайди, иш ҳақи 80 долларни ташкил этади. Иш ҳақи соатига 20 доллар ўтарилганда, бюджет чизиғи тўғри чизиқ RQ айланади. Энди инсон даромад олишни B нуқтада максимумлаштиради, кунига 20 соат дам олишни танлайди ва 4 соат ишлайди ҳамда 80 долларни ишлаб топади. Даромад самараси ўрнини босиш самарасидан устун келади ва иш куни 8 соатдан 4 соатга қисқаради.

Кўриниб турибдики, даромаднинг ўсиши дам олишга бўлган талабни оширади. Ушбу ҳол иш вақтини қисқариши ва дам олиш вақтини ошишида ўз ифодасини топган. Иш ҳақининг ошиши билан бирга дам олишнинг нархи ҳам ошади”[1].

Одатда, ривожланган мамлакатларда аҳолининг ўртача даромади анча юқори бўлгани учун, улар кўпроқ дам олишга ҳаракат қилади. Ривожланаётган давлатларда иш ҳақи паст бўлгани учун, иш ҳақининг ўсиши, ишчиларни кўпроқ вақт ишлаб, кўпроқ даромад қилишга ундайди.

Шундай экан, бўш вақтдан самарали фойдаланиш кишиларнинг меҳнат жараёнида сарф бўлган куч-қувватини тиклаш, соғлиғини мустаҳкамлаш, руҳиятини тетиклаштириш учун муҳимдир.

ВЛИЯНИЕ ИНТЕРНЕТА НА СОЗНАНИЕ ЧЕЛОВЕКА

Саидахмадова М.К. *– магистрант НУУз*

В настоящее время Интернет оказывает большое влияние на сознание человека, позволяя личности формировать некий взгляд, исследование и осознание происходящих событий, делиться своими взглядами и идеями с обществом, также меняет взаимоотношение между людьми. Современное общество уже не может представлять свою жизнь без Интернета. Интернет позволяет человеку сэкономить время для пользования его ресурсами, но нельзя отрицать, что Интернет также негативно может повлиять на психику человека. Чрезмерное и неправильное пользование интернетом вызывает у нас Интернет-зависимость, следовательно выявляются положительное и негативное влияние на становление и развитие личности в социальной среде.

Мы можем пользоваться Интернетом в качестве огромной библиотеки, т.е. находясь дома, мы можем воспользоваться любой книгой, собирать, хранить, передавать и обрабатывать информацию, упрощать покупки,

[1]Роберт Пиндайк, Даниэль Рубинфелбд. Микроиқтисод. – Тошкент: "Шарқ" нашриёт-манба акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2002.

общаться без проблем с людьми из любой точки мира, можно использовать Интернет как форму развлечения или же как источник дохода.

Какое же негативное влияние может принести Интернет человеку?

Во всеобщей сети мы не всегда можем получить достоверную и точную информацию, некоторые люди пользуются интернетом в целях мошенничества, при этом роль социальных сетей велико (например, распространение рекламы в виде розыгрыша приза и т.д.). Скопление ненужной информации приводят человека к развитию стресса.

Безусловно, все перечисленные выше заболевания не могут не оказать отрицательного воздействия на психическое состояние человека. Но в данный момент стоит сказать о влияние Интернета, которое напрямую связано с человеческой психикой. Человек становиться Интернет-зависимым от современных компьютерных технологий и первыми с этой проблемой столкнулись врачи-психотерапевты в 1996 году. Интернет-зависимость сравнивают с наркоманией – физиологической зависимостью от наркотических веществ.

Людям, проживающим свою жизнь в Интернете зачастую необходима социальная поддержка, Таким людям трудно в общении с другими личностями, они испытывают неудовлетворенность, низкую самооценку, закомплексованность, застенчивость и целый ряд других всевозможных проблем подобного рода. Это происходит от того, что они наблюдают за жизнью других людей в социальных сетях. К сожалению, Интернет способен решить практически все такие проблемы, предоставляя жизнь виртуальную (где можно сделать себя абсолютно кем угодно, то есть, воплотить все свои мечты о собственной исключительности) взамен жизни реальной, к которой такой человек попросту оказывается неприспособленным. Практика показывает, что такие люди спешат уйти в безопасную для них среду, в жизнь, где у них нет никаких обязательств. Со временем такой образ жизни и мышления пропитывает все уровни их действительности, а результат – человек действует, живет и думает совершенно по-другому. Меняется подход к решению различных жизненных проблем. Можно привести несколько типов Интернет-зависимости: виртуальные знакомства, навязчивые игры онлайн, постоянный поиск информации по сети. Итак, эти качества приводят к появлению психологических симптомов у человека. Эти люди находятся в эйфории от присутствия за компьютером, не могут вовремя прервать работу, проводят слишком много времени за экраном.

Лечение Интернет-зависимости похоже на лечение любой другой зависимости (например, наркомании, алкоголизма, игромании). Оно заключается в том, чтобы переключить человека на радости реального, а не виртуального мира.

Чем же станет всемирная паутина для каждого конкретного человека и для вас лично, зависит от вас. Современная техника дает огромные возможности, и надо лишь использовать их себе во благо.

Учитывая, что воздействие Интернета на социализацию молодежи и людей других возрастов может быть как положительным, так и

отрицательным, необходимо управлять этой технологией в интересах человека. Особую озабоченность вызывает необходимость обеспечения надлежащей безопасности Интернета для предотвращения негативных последствий. Грамотное использование ресурсов сети предоставляет человеку преимущество перед теми, кто не использует или слабо использует его ресурсы, а Интернет-среда позволяет удовлетворить многие социальные потребности современного человека, уже сейчас трудно представить мир без различных гаджетов, которые уверенно вошли в жизнедеятельность общества. Таким образом, автор выяснил, что ни негативная, ни позитивная сторона Интернета не превалирует над другой, так как каждый человек, пользующийся Интернетом, сам определяет, в какой мере и как это будет влиять на него.

Существуют и другие факторы, которые также оказывают негативное влияние на социализацию молодежи, например, огромное количество легкодоступных порнографических материалов, незаконной и неподобающей информации, которые почти не имеют каких-либо ограничений, либо способ обхода этих ограничений находится простым Интернет-серфингом всего за несколько минут. Любой желающий, в том числе ребенок, может легко загрузить порнографический материал. Психика и умы детей могут быть травмированы из-за их воздействия различных сцен, на которых есть формальные ограничения «для взрослых», что может повредить механизмы их социализации. Все перечисленные негативные стороны могут замедлить социализацию ребенка или подростка, что в итоге способно привести к не самым лучшим последствиям.

В заключение можно сказать, что в настоящее время Интернет занимает важное место в жизни человека и общества в целом. Он стал основным источником информации, формирующей сознание человека. Поэтому влияние Интернета на человека оценивается двояко: и как положительное, и как отрицательное. Интернет оказывает огромное влияние на человеческий разум, во многом формируя его позицию и мировоззрение, влияет на способность людей социализироваться. Человек должен сам управлять техникой управления и пользования Интернетом в своих интересах.

ЭТНОСОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ЭТНИК ЎЗИНИ ЎЗИ АНГЛАШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ОМИЛЛАРИ

Содиржонов М.М. *– НамДУ докторанти*

Этник жамоаларнинг мавжудлиги ва уларнинг меҳнат фаолиятига ёрдам берадиган энг муҳим омил бу – миллий онгдир. Миллий онг нафақат уларни ташкил этишнинг зарурий шарти, шу билан бирга этник жамоаларнинг ажралмас хусусиятидир. Миллий онг туфайли жамоалар ягона организмга бирлашиб, уларга ижтимоий, сиёсий ва маданий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланишларига имкон беради.

Этник онг – мавжудотнинг акси, этник жамоалар мавжуд бўлишининг ўзига хос шартлари ва ўзаро таъсирини аниқлаш мумкин; у онгсиз ички, психологик жараёнларнинг онгли ҳаракатлари, амалиёти ва ҳаракати билан ривожланади ва мустаҳкамланади, этник гуруҳларнинг манфаатлари, эҳтиёжлари, ниятлари ва мақсадларида намоён бўладиган ғоялар, назариялар ва қарашлар орқали ифодаланади. Тузилмавий жиҳатдан этник онгнинг миллий ўзини ўзи англаш, маънавий маданият, миллий эҳтиёжлар ва манфаатлар, қарашлар, ғоялар, этник психология, характер ва туйғулар тизими каби таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Муайян функцияни бажарадиган этник онгнинг ҳар бир элементи ўзига хос элементлари билан кўп даражали қуйи тизим вазифасини бажаради.

Шуни таъкидлаш керакки, жамият ривожланишидаги барча муҳимлиги билан этник ўзини англаш етарли даражада ўрганилмаган ҳодиса бўлиб қолмоқда. Рус тадқиқотчилари адабиётларини ўрганишда, этник ўзига хослик муаммоси этнографлар томонидан кўпроқ даражада кўриб чиқилган бўлса, унда энди бу аста-секин файласуфлар, социологлар ва психологларнинг фаол ўрганиш мавзусига айланмоқда[1]. Тадқиқотчилар этник ўзини ўзи англашни алоҳида қайд этиб, унинг моҳияти, хусусиятлари ва таркибий элементларини турли йўллар билан белгилайдилар. Баъзиларнинг таъкидлашича, этник ўзини ўзи англаш “одамларнинг маълум бир миллатга мансублиги, хусусан уларнинг миллат учун ягона номдан фойдаланишида намоён бўладиган” хабардорликдир,[2] бошқалари буни “маълум бир маданий доиранинг қадриятлар жамиятини англаш”, деб таърифлайдилар[3].

Этносоциология алоҳида илмий йўналиш бўлиб, тарих, этник гуруҳлар, миллатлар маданияти ва тилларни ўрганадиган этнология ўртасидаги ўзаро боғлиқликдаги кенг кўламли муаммоларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоийлашув ва ихтисослашув жараёнида (“ўзини англаш”) этносоциологлар ўз эътиборларини турли этник муҳитда ва этник жараёнларда – ижтимоий ва ижтимоий-профессионал гуруҳларда ижтимоий жараёнларни ўрганишга қаратдилар. В.А. Тишков рус ижтимоий фанлари тизимида этносоциологиянинг фан сифатида ривожланишида муносиб хизмат қилди.

Этник ўзини ўзи англашнинг тузилишига келсак, уларнинг баъзилари маданий ютуқлар ва оғзаки фольклор санъати асарлари жамияти ҳақидаги ғоялар доираси каби элементларни таъкидлаш билан чекланади[4], бошқалари – ўзини ўзи аниқлаш, этник авто-стереотиплар, умумий тил, урф-одатлар, урф-одатлар, фантастика, яшаш ҳудуди ҳақидаги ғоялар. Этник ўзини ўзи англашнинг моҳияти ва унинг таркибий элементларини аниқлашда кузатилган фикрларнинг хилма-хиллиги, бу ҳодиса фақат илмий мактаблар томонидан муҳокама қилинаётганлигини ва ижтимоий олимлар томонидан

[1] Скворцов Н. Г. Испытания национального самосознания. – СПб: Петрополис, 1993. – С. 47.
[2] Козлов В. Н. О понятии этнической общности // СЭ. – 1967. – №2. – С. 111.
[3] Дьяков Н. М. Все мы люди // Знание – сила. – 1989. – №4. – С. 33.
[4] Қаранг: Иорданский Б. В. Этническое самосознание изнутри: его структура // Рабочий класс и современный мир. – 1990. – №4. – С. 154.

ушбу муаммога жиддий эътибор берилишини англатмайди. Аксинча, аксинча, мазкур жараён жамият тараққиёти ва унинг барқарорлигида катта аҳамият касб этадиган мураккаб ижтимоий ва психологик ҳодиса сифатида этник ўзини ўзи англашни кам ўрганиш билан боғлиқ.

Этник ўзини ўзи англаш – шахснинг ижтимоий ҳаётдаги жараёнларни ўзлаштириши ўзининг маълум бир жамоага мансублик туйғуси. Бу унга ижтимоий муносабатлар ва хусусан миллатлараро муносабатларнинг мураккаб дунёсида ўзининг ўрнини белгилашига ва ўзлигини англашига англашга ёрдам беради. Индувидуал онг замирида пайдо бўлиб, унинг ўзига хос ташувчиларида англаган ҳолда, этник ўзини ўзи англаш трансперсонал характерга эга бўлади ва этнос аъзолари ўзларининг ички дунёси сифатида қабул қилган мафкура, қадриятлар, эътиқод ва дунёқарашнинг умумлашган ғояларни акс эттиради. Этник ўзини ўзи англаш, миллий онг ва хусусиятларнинг асосий таркибий қисмларидан бири ва маънавий ишлаб чиқариш маҳсули ҳисобланиб, доимий равишда ўзгариб туриши мумкин. Ўзини ўзи англаш таркибининг ўзгарувчанлиги, ҳаракатчанлиги маданий алмашинув, ташқи ахборот алоқалари, мулоқот ва этноснинг ривожланишини кенгайтирди.

Этник ўзига хослик инсон билан бир вақтда пайдо бўлиб қолган эмас албатта, балки, давлатчилик жараёнларининг вужудга келиши пайтларидан шаклланган ва шу кунгача халқлар ҳаётида муҳим роль ўйнаб келмоқда. Узоқ тарихий жараёнлар давомида ҳар бир алоҳида этник гуруҳ мавжуд бўлишининг ўзига хос шарт-шароитлари туфайли этник ўзини англаш индивидуаллик ва ўзига хослик ҳусусиятларига эга бўлди. Турли даврларда этник гуруҳларнинг ривожланишига ўзига хос тарихий даврда пайдо бўладиган, ўзини ўзи англаш жараёнларининг кучайтириши, ёки ушбу жараёнларнинг маълум таркибий элементлари (қизиқиш, истак, майл ва ҳ.к.) катта роль ўйнади.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши, этник тарихий шаклланиш ва ривожланиш босқичлари юзасидан А.Ю. Якубовский, С.П. Толстов, К.Шониёзов, А.Асқаров, Т.Ходжаев, А.Хўжаев, А.Аширов, У.Абдуллаев каби олимлар ва тадқиқотчилар томонидан илмий-методологик ёндашувлар ишлаб чиқилган. Ушбу тадқиқотлар асосан бир-биридан ўзбек халқи шаклланиш жараёни, бошланиш вақти ҳамда жойи нуқтаи назаридан қисман фарқлансада, уларнинг тадқиқотларида атрофлича ёритилган.

Академик А. Асқаров тадқиқотларида этник ривожланиш муаммосини ўрганиш этник белгилар ва омилларнинг таркиб топиш жараёларини кузатиб бориш, этногенетик илмий тадқиқотларнинг тўғри йўналишда эканлигини таъминлайди. Этник омиллар таркибини ҳудудий бирлик, иқтисодий хўжалик бирлиги, этномаданий бирлик, антропологик тип бирлиги ва сиёсий уюшма бирлиги, яъни этноснинг маълум бир давлат доирасида уюшқоқлиги ташкил этади. Этник белгиларга эса тил бирлиги, этник ном ва ўзликни англаш бирлиги, яъни тарихий қисматнинг умумийлиги киради. Юқорида таъкидлаганимиздек, уларнинг таркиб топиши бир даврда юз бермайди, балки улар узоқ давом этган тарихий жараёнда бирин-кетин шаклланиб

боради. Қачонки, уларнинг асосий қисми таркиб топгач, элат халқ сифатида шаклланади, этногенетик жараён якун топиб, этник тарих, халқ тарихи бошланади, дея такидланган[1].

Социологияда этнос ва этник муносабатларга оид учта асосий нуқтаи назар мавжуд. Бир қарашга кўра, этниклик маълум бир афзаллик ва афзалликларга эришишга қаратилган органик шаклланишдир. Этниклик объектив ҳақиқат, инсониятнинг ўзига хос хусусияти сифатида қаралади. Антик давр сиёсий фалсафасида келиб чиқиши мумкин бўлган ушбу ёндашув Э. Дюркгеймнинг гуруҳлар бирдамлиги ҳақидаги асарларидан сўнг "қайта туғилиш" бўлди. Ушбу ёндашувнинг издошлари этник гуруҳларни ҳам ижтимоий, ҳам қариндошлар (биологик) жамоалар сифатида кўрадилар. Шу муносабат билан ушбу ёндашув тарафдорларини икки йўналишга бўлиш мумкин булар: социобиологик (масалан, Л. Гумилев) ва эволюцион-тарихий (Ю. Бромлей ва бошқалар).

Инструменталист сифатида танилган иккинчи ёндашув тарафдорлари (А. Коэн, Г.Г. Дилигенский ва бошқ.) этникликни ижтимоий восита, деб ҳисоблайдилар. Ушбу тенденция тадқиқотчилари этник гуруҳларнинг сақланишини одамларнинг бегоналашувни енгиб ўтиш эҳтиёжлари билан изоҳлайдилар, бу замонавий оммавий маданият, истеъмол қадриятлари ва прагматизм жамиятига хосдир. Ушбу ёндашув учун этниклик миллийлик билан гуруҳ манфаатларига эришиш воситасидир. Конструктивистлар деб номланган учинчи ёндашув вакиллари (Е. Геллнер, Б. Андерсон, В.А. Тишков ва бошқ.) нуқтаи назаридан этниклик ижтимоий қурилма бўлиб, объектив илдизларга эга эмас.

Этник ўзига хосликни шакллантиришнинг яна бир муҳим омили ўтмишдан яшаб келинаётган ҳудуд бирлигидир. Ҳудуд миллий онг билан деярли мўъжизалар яратиши мумкин, уни кўп йўналишларда ва баъзан жуда жиддий равишда ўзгартириши мумкин. Шунинг учун этник ўзига хосликни таҳлил қилишда ҳудудий омилни ҳисобга олиш муқаррар[2]. Узоқ тарихий даврда этник гуруҳлар нафақат уни яшаб, ўзлаштирибгина қолмай, балки афсоналар, эртаклар, достонлар (Урал-Ботир, Манас, Каловрат, Алпомиш, Тўмарис, Широқ) яратадиган, унга қўшиқлар, рақслар ва бошқаларни бағишлаган эрнинг ўша географик жойида. авлоддан-авлодга Ватан туйғуси ва этник жамоат бирлиги шаклланади.

Этник маданият этнос ҳаётининг деярли барча соҳаларида: уй-жой ва кийим-кечакни тартибга солишда, фольклор, болалар тарбияси ва бошқаларда намоён бўлади. Россиялик тадқиқотчи Скворцов, айнан уларнинг умумийлигида "маданий атрибутлар ва хулқ-атвор стереотиплари гуруҳ аъзоларининг субъектив даражасида коллектив идентификациянинг махсус шакли тўғрисида хабардорлигини шакллантиришни белгилайди"[3]. Этник

[1] Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари // Ўзбекистон тарихи. – 2002. – №4.

[2] Бусыгина Н. М. О состоянии немецкой нации (Территориальный фактор в национальном самосознании немцев) // Полис. – 1999. – №1. – С. 47.

[3] Скворцов Н. Г. Испытания национального самосознания. – СПб: Петрополис, 1993. – С. 59.

маданият таркибий қисмлари орасида тил этник функцияларни энг аниқ ифодалайди ва этник ўзини ўзи англашни ривожлантиришга ёрдам беради. Этник гуруҳ тили тарихий ривожланиш жараёнида вужудга келади ва шаклланади ва уларнинг ҳаётида энг қадимий ҳисобланади.

Шу билан бирга, этник келиб чиқиши, бизнингча, тобора устувор аҳамият касб этмоқда. Этник ўзини ўзи англаш бошқа этник гуруҳлар билан алоқада ўз индивидуаллигини кўрсатади. Ушбу контекстдан ташқарида этник ўзига хосликнинг намоён бўлиши мумкин эмас. Фақатгина унинг турмуш тарзи, маданияти, тили, дунёқарашини таққослаш, бошқа миллатлар орасида ўз ўрнини англаш, этнос ўзига хослигини ҳис қилади. Маълумки, ўзингизни англамасдан, атрофдаги дунё билан ажралиб турмасдан, ўзингизни бошқалар билан таққослаш мумкин эмас. Айнан ўзини билиш жараёнида инсон заҳматли, узоқ йиллик ижодий иш натижасида яратилган ўзига хослигини, ўзига хослигини ҳис қилади, англайди. “Биз-Улар” тизимидаги зиддиятлар бирлигини ифодаловчи ушбу жараён этник ўз-ўзини англашнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Шуни таъкидлаш керакки, ўзини ўзи англаш, бир кишининг бошқасини, бир жамоани бошқасидан ажратиб туришига имкон берадиган нафақат шахсларнинг, жамоаларнинг умуминсоний, ажралмас мулки; шунингдек, бу ҳодиса, унинг мазмуни ўзини, ўз ички моҳиятини билишга, ўз этносини, унинг тарихини билишга қаратилган. Этник ўзини ўзи англашнинг идеал даражасида жамоанинг ўзи (автостереотиплар), унинг аъзолари келиб чиқиши бирлиги, маданият ва тил бирлиги ва тарихий ўтмиш ҳақидаги ғоялари йўналтирилган. Унинг ишлашини таъминловчи манбалар, асосан, яшашнинг ягона ҳудуди, географик шароитлар, иқтисодий тузилишнинг бирлиги ва баъзан умумий давлатчиликдир. Яъни, жамоанинг этник ўзини ўзи англаши жамиятнинг ташқи омиллари, унинг иқтисодий, илмий ва ижодий салоҳияти билан шартланади. Унинг яхлитлиги ҳақидаги ғоя этноснинг ўз номи (этноними)да мустаҳкамланган.

Давлатлардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгариш оммавий этник ўзини ўзи англаш жараёнларида намоён бўлади. Бундай ҳолларда этник ўзига хосликнинг илгари унчалик муҳим бўлмаган (сиёсий, давлат, иқтисодий, ҳудудий ва б.) элементлари фаоллашади. Жамият ҳаётидаги муҳим воқеалар даврида этник ўзини ўзи англаш, баъзида этник гуруҳларнинг ўзаро тўқнашувлар ва можароларни ҳисоб-китоб қилиш билан боғлиқ оммавий тартибсизликларда ифодаланган жангари характерга эга бўлади. Сиёсий бўронлар ва иқтисодий инқирозлар даврида этник хуружлар, ўзаро ҳақорат ва диний тўқнашувлар кучаймоқда. Улар кўпинча уларнинг остида давлатнинг тарихий ривожланишидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий асосга эга.

Ижтимоий адолат тамойиллари, этник озчиликнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиши, кичик халқларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларининг эътиборсиз қолдирилиши ва ҳоказолар этник ксенофобия пайдо бўлишига олиб келади. XX аср 80-йиллари ўрталаридан собиқ совет давлатида миллатлараро муносабатлар кескинлаша бошлади. Жумладан, собиқ совет республикаларида этник омиллар асосида турли низолар юз

берди[1]. Шунингдек, мазкур даврда Фарғона водийсида иккинчи жаҳон уруши йилларида депортацияси қилинган халқларнинг ўз тарихий ватанларига қайтиш учун олиб борган миллий ҳаракатлари миллатлараро муносабатларининг мураккаблашишига сабаб бўлган омилларидан бири эди[2].

XX аср охири – XXI аср бошларида ривожланишнинг асосий тенденцияларидан бири этник жамоаларнинг ҳокимиятга сиёсий босими эди. Этник элита ўз жамоалари ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожланишнинг мустақил субъектларига айланиши мумкинлигини ҳис қилдилар. Ижтимоий дунё икки яримга бўлинганга ўхшайди: бир томондан, бирлашишга мойилликлар очилади, бошқа томондан этник фарқланиш жараёни кетмоқда. Ҳозирги вазиятда миллатлараро муносабатларнинг ўз йўналишини эгаллашига йўл қўйиб бўлмайди, чунки улар нотинч ҳолатда улар анча хавфли. Бу аллақачон аксиома бўлиб, СССРнинг қулаши билан тасдиқланган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, этник ўзини ўзи англаш ҳодиса сифатида ва этноснинг ҳақиқатан ҳам мавжуд атрибути сифатида, албатта, чуқур ва тизимли ўрганишга муҳтож. Замонавий жамиятда бу заруриятдан кўра кўпроқ: миллатлараро муаммоларни тўғри йўналтириш, этник асосда юзага келиши мумкин бўлган тўқнашувларнинг олдини олиш учун замонавий ижтимоий ривожланишнинг энг самарали омилларидан бири бўлган этник ўзига хосликни шакллантириш ва функционал фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини билиш, ўрганиш ва ҳисобга олиш зарур.

СУЩЕСТВЕННЫЕ ОТЛИЧИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КАНАЛОВ МАССОВОЙ КОММУНИКАЦИИ В УСЛОВИЯХ НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКОГО ПРОГРЕССА XXI ВЕКА

Султанова Ф.М. *– магистрант НУУз*

На рубеже XXI века начинается активное развитие информационных технологий, которое значительно упростило процесс производства и распространения социально значимой информации, а также привело к формированию глобального информационного пространства. В 70-е годы XX века появляется персональный компьютер. Это революционное изобретение положило начало так называемым информационно-коммуникационным технологиям, которые наимощнейшим образом воплотились в появлении глобальной сети Интернет. Интернет – это всемирная система объединённых компьютерных сетей для хранения и передачи информации. Часто упоминается как Всемирная сеть и Глобальная сеть, а также просто Сеть.

Сегодня Интернет – глобальная информационная сеть, которая основана на едином адресном пространстве. Согласно статистике, в январе 2021 года интернетом пользуются 4,66 млрд человек во всём мире, что на

[1] Голуенко Т. А., Дмитренко М. А. Межэтнические конфликты на постсоветском пространстве. https:sibac.info/conf/social/xi/27740.

[2] Юнусова Х. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва маънавий ҳаёт. Тарих фан.док....автореферати. – Тошкент, 2009. – Б. 31.

316 млн (7,3 %) больше, чем в прошлом году. Уровень проникновения интернета сейчас составляет 59,5 %. Однако COVID-19 значительно повлиял на сбор данных о количестве пользователей интернета, поэтому фактические цифры могут быть выше[1]. В среднем человек проводит в интернете почти 7 часов в день. Год назад этот показатель был равен 6 часов 43 минуты.[2]

А количество пользователей интернета в Узбекистане достигло 22,1 млн человек по данным Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций от 11 декабря 2020 года.[3]

Интернет состоит из множества взаимосвязанных компьютерных сетей, основывающих новое информационное пространство, называемое Cyberspace. Благодаря ему, пользователи получили возможность общаться и пользоваться информацией, несмотря на такие факторы, как время и расстояние.

Широковещательные медиа охватывают большие аудитории, но их возможности ограничиваются экономическими, политическими и технологическими обстоятельствами. Поэтому сегодня неоспоримым является тот факт, что электронные технологии в сочетании с Интернетом определяют будущее коммуникаций. Одним из самых важных аспектов использования современных коммуникаций является непосредственное обращение к массам и общественному мнению. Наряду с печатными и электронными СМИ, сеть Интернет является средством, которое обеспечивает открытость информации для широкой публики и информирует общественность о деятельности какой-либо организации и государства. Таким образом, развитие Интернета перемещает дискурс традиционных СМИ в киберпространство.

Рис. 3. Типы СМИ.[4]

Всю прессу в сети Интернет можно разделить всего на два вида: это электронные аналоги традиционных печатных СМИ и сетевые СМИ. Первые не представляют особого интереса, так как дублируют выпуски известных

[1] https://www.web-canape.ru/business/vsya-statistika-interneta-i-socsetej-na-2021-god-cifry-i-trendy-v-mire-i-v-rossii/
[2] https://belretail.by/article/digital-aktualnaya-statistika-i-auditoriya-sotsialnyih-setey-v-mire-i-belarusi#
[3] https://www.gazeta.uz/ru/2020/12/11/network/
[4] https://ola-vinogradova.livejournal.com/343232.html

изданий. По сути, они вынесены в сеть для увеличения аудитории и удобства использования. А вот сетевые СМИ интересны, так как это новое явление, существующее только в Интернете. Сетевое СМИ (Интернет-издание, интернет-СМИ) – веб-сайт, ставящий своей задачей выполнять функцию средства массовой информации (СМИ) в сети Интернет. Как и печатные издания, интернет-издания руководствуются принципами журналистики.

Рис. 4. Структура комплекса СМИ.[1]

Все сетевые СМИ, существующие на данный момент, можно разделить на группы. Так, например, А. Градюшко предлагает классификацию сетевых СМИ по следующим признакам: по степени профессиональности, доступности для читателей, характеру аудитории, характеру публикуемой информации, частоте обновления, методу распространения информации и форме организации, методам работы с информацией, характеру информации.

По степени профессиональности сетевые СМИ можно разделить на профессиональные и любительские. Профессиональные в данном случае те, где в роли создателей выступают профессиональные журналисты, редакторы и другие специалисты в сфере массовой информации, как, например, Газета.uz.

По доступности читателям, сетевые СМИ делятся на общедоступные издания, предназначенные для широкой аудитории, и небольшую часть изданий, где доступ к информации ограничен для тех, кто не входит в число зарегистрированных пользователей. Это обычно связано с особой ценностью размещенной информации или необходимостью защиты авторского права. К примеру, один из самых популярных новостных источников Kun.uz доступен любым читателям.

По характеру аудитории сетевые СМИ, по аналогии с печатными, могут быть общими, т.е. рассчитанными на широкую аудиторию и специализированными, понятными узкой, подготовленной аудитории.

[1] https://bstudy.net/606919/smi/sistema

Например, журнал «Лечащий Врач» – профессиональное медицинское интернет-издание[1].

По характеру публикуемой информации сетевые издания могут быть новостными, информационными, аналитическими и смешанными.

Информационные сайты преследуют похожую цель, но отличаются, прежде всего тем, что новостные сайты более оперативны. Если же необходимо получить не просто факты, а подробную информацию, то следует обратиться к аналитическим сайтам. Например, информационно-аналитические порталы «CABAR Asia» и «Компас».

По частоте обновления сетевые СМИ могут быть регулярно и нерегулярно обновляемыми, то есть по аналогии с печатными изданиями – у которых есть или нет четко указанного периода обновления, а также обновляемыми по мере поступления информации. Например, любимый многими информационно развлекательный ресурс ADME.ru обновляется по графику ежедневно.

По методу распространения информации и форме организации сетевые СМИ делятся на веб-ресурсы, рассылки и смешанные издания. Уникальность рассылки заключается в возможности, предоставляемой Интернетом и отличающей данный вид сетевых СМИ от традиционных возможностью доставки информации на электронный почтовый ящик получателя. Подписаться на новости сегодня не составляет труда практически на всех сервисах, таких как, например, крупнейший в рунете агрегатор новостных сообщений Яндекс. Новости. По методам работы с информацией сетевые СМИ могут быть контенто-создающие и контенто-потребляющие, то есть те, которые получают информацию от внешних источников и, перерабатывая ее, предоставляют читателям, и те, которые, не имея собственных источников, передают информацию со ссылкой на первоисточник. К примеру, лента такого известного информационного агентства, как ТАСС, являются не просто первоисточником контента, но и одним из источников информации для других СМИ. По характеру информации сетевые СМИ могут быть качественными, массовыми и смешанными.

Данная классификация аналогична такой же классификации печатных изданий, где качественная пресса рассчитана на высокообразованного читателя, в то время как массовая имеет более широкую аудиторию, так как понятна всем. Тем не менее, какого бы вида ни было сетевое СМИ, оно, несомненно, имеет ряд преимуществ по сравнению с традиционной прессой. Прежде всего, это оперативность подачи и, соответственно, актуальность информации. В то время как печатное издание предоставляет новостную сводку дня, сеть дает возможность следить за развитием какого-либо события «здесь и сейчас». Еще одно преимущество сетевых СМИ заключается в возможности архивировать информацию. Так как они имеют большой объем памяти, появляется возможность создания удобных баз

[1] Тулисова В. А. Трансформация средств массовой коммуникации: от традиционных средств массовой информации к New Media / В. А. Тулисова // Вопросы теории и практики журналистики. – 2017. – Т. 6, № 2. – С. 228-244. DOI: 10.17150/23086203.2017.6(2).228-244.

данных, не требующих традиционных ресурсов архива (помещение, персонал). К исключительным, а потому преимущественным свойствам, следует отнести гипертекстовость – возможность связывать материалы, которая, несомненно, облегчает читателю поиск ранее опубликованных данных по теме. Другая уникальная особенность сетевых СМИ – интерактивность. Люди любят участвовать в дискуссии, а в Сети это делать удобнее, быстрее и результативнее.

Появление Интернета способствовало формированию новой информационно-коммуникационной среды – New media. Термин New media (или как их еще называют «новые СМИ» или «новые медиа») впервые был употреблен профессором Мичиганского университета Расселом Нойманом для обозначения такого явления в СМИ, как активное участие пользователей в создании и распространении контента. Данное явление стало результатом компьютеризации общества конца XX века, когда появились интерактивные электронные издания и новые формы коммуникации производителей контента с потребителями.

Так, новые медиа можно рассматривать как синоним онлайн-журналистики. Чтобы доказать данное мнение стоит обратиться к функциям новые медиа. Традиционно СМИ занимаются сбором, хранением, обработкой и распространением информации. Здесь новые медиа не исключение. На каждом из этих этапов можно увидеть доказательства развития и видоизменения СМИ. Так, например, на этапе сбора данных бессменными спутниками журналиста станут не блокнот и карандаш, а планшет или ноутбук и цифровые камера и диктофон. Для обработки информации журналист также воспользуется компьютером. Здесь интересен тот факт, что компьютерная обработка с каждым годом становится быстрее и дешевле. Хранение информации становится процессом архивирования электронного контента.

Распространение информации благодаря Интернету больше не зависит от времени и расстояний. Для New media отличительной функцией становится доступность информации, ведь благодаря Интернету можно получить необходимые данные практически в любом месте, в любое время и с различных современных устройств, имеющих доступ к сети. Таким образом, мы видим, что при сохранении классического функционала СМИ, прогресс дает возможность выполнения всех этапов журналистской деятельности сразу с одного устройства. Это характерная черта Новых медиа и сетевых СМИ. Однако стоит отметить, что новые медиа понятие более глобальное – это радикально иная парадигма коммуникации.

Интеграция заключается в том, что на базе цифрового контента, традиционные медиа начинают приобретать черты друг друга. В сети нет телевидения, радио или газет как таковых, а на одной Интернет-странице, например, могут быть размещены и текст, и аудио-видеоролик. Интерактивность связана с тем, что пользователь, благодаря специализированным техническим средствам и методике проектирования Web 2.0, может активно вмешиваться в содержание контента и фактически

становиться его создателем. То есть, если в традиционных медиа содержание создавалось профессионалами и распространялось по каналам, которые принадлежали отдельным лицам или государствам, то на сегодняшний день все каналы общедоступны, и содержание может одинаково свободно распространяться от любого пользователя сети интернет.[1]

Таким образом, современные или новые медиа отличается наличием обратной связи и общедоступностью, так как никто не ограничен в пространстве и времени пользования, напротив каждый может принять участие в создание этой же медиа.

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЁШЛАР СОЦИАЛ МОБИЛИК КАНАЛЛАРИНИНГ ТАСНИФИ ВА ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Тешаев С.С. *– ЎзМУ магистранти*

Ҳар қандай жамиятда ҳам у ёки бу даражада вертикал мобиллик мавжуд бўлганлиги ҳамда қатламлар ўртасида ҳаракатланувчи кишилар бир қатламдан бошқасига тепага ёки пастга кўчиб ўтиши мумкин бўлган «фильтрлар», «туйнуклар», «пиллапоялар», «лифтлар» ёки «йўллар» мавжуд бўлганлиги сабабли, ижтимоий циркуляциянинг мазкур каналлари аслида қандай эканлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Социал мобиллик жараёни маълум шароитларсиз, яъни социал мобиллик каналлари орқали ташкилий, иқтисодий, сиёсий ёки маданий таъсирсиз амалга ошмайди.

Социал мобиллик каналлари бир жамиятнинг ривожланишидаги турли даврларида турлича намоён бўлади. Социал мобиллик каналлари ичида дастлаб армия, дин, мактаб, сиёсий, иқтисодий ва касбий ташкилотлар социал институт сифатида таснифланади.

Социал мобиллик назарияси бўйича социал мобиллик каналлари қуйидагича таснифланиши мумкин:

Армия – бу канал асосан уруш вақтида кўпроқ самарали фаолият кўрсатади. Уруш вақтида командирлар таркибидаги кўплаб йўқотишлар оқибатида бўш қолган ўринлар пастроқ унвонга эга бўлган ҳарбий хизматчилар ва аскарлар билан тўлдирилади. Юқори унвонлар ва бошқарув ваколатларига эга бўлган бундай ҳарбийлар жамиятдаги табақаланишда юқорига чиқиб оладилар ва бойлик тўплаб оқибатда ўз социал мақомларини ўзгартирадилар. Айрим вақтларда тинчлик вақтида ҳам мамлакатда ҳукумат ўзгарганда ёки давлат тўнтариши юз берганда ҳам армия социал мобиллик канали сифатида намоён бўлади.

Армия доим социал мобилликда юқорига кўтарилиш учун ижтимоий нарвон” сифатида муҳим роль ўйнаган. Армия сабабли жамиятдаги оддий одамлар ҳарбий унвонларнинг олийси ҳисобланган генерал, маршал ёки

[1] Тулисова В. А. Трансформация средств массовой коммуникации: от традиционных средств массовой информации к New Media / В. А. Тулисова // Вопросы теории и практики журналистики. – 2017. – Т. 6, № 2. – С. 228–244. DOI: 10.17150/23086203.2017.6(2).228-244.

адмирал унвонлари орқали ҳатто дунёга устунлик қилиши учун керакли шароитларни яратиб берган.

Бир вақтнинг ўзида армия сабабли олий насаб эгалари ҳисобланган аристократлар, шаҳзодалар, қироллар, графлар, хонлар, амирлар ва ҳукумдорлар ўз олий мақомларидан, унвонларидан, мулкларидан, жамиятда эгаллаган ўринлари, ҳатто ҳаётидан ҳам маҳрум бўлганлар.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳарбийлар учун яратилган шароитлар ижтимоий ҳимоялар ва имтиёзлар, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига давлат томонидан кўрсатилаётган эътибор ва берилаётган имтиёзлар мамлакат ёшлари учун социал мобиллик канали сифатида ўзига жалб этиб келмоқда.

Ҳарбий хизматни намунали ўтаган ёшларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда берилаётган имтиёзлар, юқори ҳақ тўланадиган корхоналарда доимий иш жойига эга бўлиши, уй-жой билан таъминланиши, уларга бепул юқори малакали тиббий хизмат кўрсатилиши, ҳарбий хизмат даврида олган билим ва кўникмаларнинг юқори сифатлилиги ва доимий ҳарбий тайёргарлик натижасида мустақил фикрнинг шаклланиши ҳар бир ёшни ўз ҳаётий мақсадига эришишдаги ишончли йўл эканлигини тасдиқлаб турибди. Албатта, бундай шароит Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир ёшларни фахр ва ифтихор билан Ватан ҳимоячиси бўлиш мақсадида армияни танлаши жамиятдаги мавжуд социал мобиллик каналларидан биринчи ўринда эканлигини тасдиқлаб турибди.

Таълим ва тарбия институтлари қандай кўринишда бўлмасинлар ҳар доим турли жамиятларда кучли социал мобиллик каналларидан бири бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Таълим социал мобиллик каналлари ичида ўзининг жадаллиги ва барча учун имконият борлиги сабабли дунё мамлакатларининг барчасида мактаблар, коллеж ва университетларда ўқиш истагини билдирган ёшлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Таълим жамиятнинг барча аъзолари учун стратификациянинг энг паст қатламидан энг юқори қатламига олиб чиқувчи социал лифт сифатида ҳам эътироф этилади. Баъзида таълим жараёнида олинган билимларнинг давлат сиёсатига ёки жамият тартибига мос келмаслиги ёки тараққиётни жаддалаштиришга қаратилган билимларни ҳукуматга ёқмаслиги билим орқали социал мақомини ўзгартирмоқчи бўлган жамият вакилларига нисбатан тўсиқлар ва фильтрлар қўлланилади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин урушда мағлуб бўлган Япония ва Германия айнан таълим тизимини ривожлантириш орқали ўзининг иқтисодий тараққиётига эришди ва бу икки мамлакат ўз жамиятининг обрўсини ҳам тиклади.

Таълим институтлари илмий тараққиёт ва аҳолининг таълим даражасини оширишга кўмаклашиш йўли билан ижтимоий ва маданий ўзгаришларни амалга ошириш, илмий-техник потенциални яратиш, жамиятнинг умумий тараққиётини амалга ошириш вазифаларини бажаради.

Замонавий жамиятларда таълим ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланади. Дунё динамикасининг прогнози таълим ва жамиятнинг илмий-

техник имконияти ролини оширишга таянади. Бугунги кунда юртимизда таълим тизимига берилаётган эътибор ёшларимизнинг юксак натижаларга эришишларига замин яратмоқда. Маълумки, ҳозирги кунда энг қулай ва самарали капиталлардан бири ота-оналар ўз фарзандларига билим олишлари, уларнинг юксак марраларга эришишлари учун зарур шароитларни яратиб беришлари билан баҳоланмоқда. Албатта, бунинг учун мамлакатда олиб борилаётган таълим ислоҳотларининг аҳамияти юқори. Таълим ҳам бир вақтнинг ўзида жамият вакиллари орасида ҳам вертикаль, ҳам горизонтал мобиллик канали бўлиши мумкин.

Мамлактимизда 2030 йилга бориб ёшларни олий таълим муассасаларига қамраб олиш даражасининг 60 фоизга кўтарилиши таълимни энг кучли социал мобиллик институти сифатидаги ўрни ошишини ифодалайди.

Вертикал ва горизонтал мобиллик каналлари орасида оила ва никоҳни ҳам келтириб ўтиш мумкин. Бошқа социал мақомга эга бўлган вакил билан никоҳ одатда никоҳга кирувчиларда бирининг кўтарилишига сабаб бўлади. Социал мобилликнинг ушбу канали орқали айрим шахслар ўз нуфузларини кўтариб оладилар ёки тушурадилар. Бундай ҳолат вертикал социал мобиллик каналига хосдир. Никоҳ ва оила қургандан кейин ҳам шахснинг социал мақоми ўзгармай қолса, демак бу горизонтал социал мобиллик кўринишига эга бўлади.

Нуфузли юқори даражада ривожланган давлатларнинг фуқаролигига эга бўлишнинг энг оддий усули – шу мамлакатнинг фуқароси билан никоҳдан ўтишдир. Моддий мукофот учун амалга ошириладиган сохта никоҳлар ҳам жамиятдаги ёшлар орасида учраб туради. Кўплаб мамлакатларнинг қонунчилиги никоҳдан фақатгина «социал лифт» сифатида фойдаланувчи оддий иммигрантларни назорат қилишнинг максимал даражадаги қатъий фильтрларни яратишга интилган ҳолда никоҳ орқали фуқароликни олиш тартибини батафсил қайта ишлаб чиқмоқда.

Давлат органлари ва сиёсий партиялар ҳам горизонтал ва вертикаль социал мобиллик канали баъзида эса социал лифт вазифасини ҳам бажаради. Кўплаб буюк давлат арбобларининг карьераси кичик даражадаги мансабдорлик лавозимидан бошланган. Ҳар қандай имкониятлардан фойдаланган ҳолда улар нисбатан юқори лавозимларни, айрим ҳолларда эса энг юқори лавозимларни эгаллашга қадар кўтарилишга эришганлар.

Замонавий сиёсий тизим ҳам, шунингдек сиёсий партиялардан вертикаль мобиллик канали сифатида фойдаланилади. Агар ушбу канал бўлмаганида, кўплаб сиёсий ва давлат арбоблари жамиятда бу қадар юқори лавозимларга эриша олмаган бўлар эдилар.

Замонавий жамиятлардаги касблар орасида «Public Relations» (PR) деб номланувчи янги касб амалиётда муваффақият билан фаолият юритмоқда. Инглиз тилидан олинган «Public Relations» атамаси – «жамоатчилик билан алоқалар», «жамоатчилик билан муносабатлар» деган маъноларни англатади.

«Public Relations» (бундан буён – PR, пиар) ибораси илк бор АҚШнинг учинчи Президенти Томас Жефферсон томонидан ишлатилган. У 1807 йили

«Конгрессга еттинчи мурожаати»да ушбу атамани биринчи марта қўллаган. Бундан мақсад, ўша даврда ҳукуматнинг жамоатчилик билан алоқаларини давлат даражасига кўтариш, илмий-ташкилий жиҳатдан йўлга қўйиш эди.

Ҳозирги замонавий жамиятда PR жамоатчиликка «тирик маҳсулот» етказиш билан банд бўлиб турибди. PR доимий фаолиятидан кўра айнан президентликка ёки вакиллик органларига сайловлар вақтида сайловчилар билан учрашувларда кўпроқ фаоллашади. PR сайловлар вақтида номзодларни сайловчиларга таништиришда рекламани санъат даражасигача олиб боради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, натижага эришиш мотивацияси, яъни ундовчи куч доим социал мобилликнинг манбаси ҳисобланади. Турли ҳил ижтимоий институтларга тегишли бўлган социал мобиллик каналларининг жамиятда мавжуд бўлиши ёшларга ўз гуруҳларида ёки бошқа социал гуруҳларда ўз ўринларини топишга имконият яратади.

Ёшларнинг турмуш шароитига таъсир этувчи ва уларнинг ҳаракатчанлигини таъминлашга қодир ижтимоий жараёнларнинг мавжудлиги социал мобиллик омилларига таъсир этади. Бундай ижтимоий жараёнлар социал мобилликнинг тезлиги, характери ва натижасини белгилаб беради.

Иқтидорли шахслар жамиятнинг барча қатламларида туғиладилар. Агар жамиятда юқори қатламларга кўтарилиш учун тўсиқлар ёки фильтрлар бўлмаса, социал мобилликнинг турли кўринишлари жамиятда доим содир бўлади. Лекин, жамият стратификациясида ҳар бир қатлам орасида индивидларнинг бир қатламдан бошқа қатламга ёки бошқа бир социал гуруҳга кўчиб ўтишларини тўхтатиб қолувчи тўсиқлар мавжуд. Бундай қийинчиликлар ва таъқиқлар ёшлар орасидаги социал муносабатларнинг сезиларли даражада бузилишига ёки ўзгаришига сабаб бўлади.

Ёшлар томонидан эришилган натижалар доим уларни қониқтиради ва янада ривожланиш учун ундовчи куч бўлади. Натижаларга эришиш қийинлашгани сари ёшларнинг ҳаётий режалари ўзгариб кетади ва уларни бошқа айланма йўлларни қидириб топишга ундайди. Оқибатда ёшларнинг баъзи қисмлари қонунга итоат қилмайди, турли ноқонуний ташкилотлар ва гуруҳларга аъзо бўлади, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир қилиб, жамиятда эгаллаган ўрни ва мақомини ҳам йўқотади. Бундай ҳолат жамиятнинг бир бутунлигига, таркибига ва сифатига катта зарар етказади.

Юқорида таъкидланганидек, социал мобиллик механизмлари давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан тартибга солиб турилиши керак ва бу уларнинг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи лозим.

КОРРУПЦИЯ ИЖТИМОИЙ ИЛЛАТ СИФАТИДА

Тинибеков О. *– ЎзМУ магистранти*

Ўтмишга бир назар ташлайдиган бўлсак, коррупциянинг тарихий илдизлари, эҳтимол, яхшиликка эришиш учун совғалар бериш одатларидан келиб чиққандир. Лекин, қиммат совға одамни бошқа мурожаатчилардан ажратиб турган ва унинг сўрови бажарилишини таъминлашга ёрдам берган.

Шунинг учун ибтидоий жамиятларда ҳам етакчига ҳақ тўлаш одатий ҳол бўлган.

Қадимги ҳиндларнинг ҳукумат санъати тўғрисидаги “Arthashastra” (милоддан аввалги IV аср) рисоласида қирол олдида турган энг муҳим вазифа – пулни ўғирлашга қарши курашиш эканлиги таъкидланган. Рисолада ҳукумат мулкини ўғирлашнинг 40 усули санаб ўтилган ва “айёр амалдорларнинг ҳийла-найрангларига қараганда осмондаги қушларнинг йўлини тахмин қилиш осонроқ,” - дея хулоса қилинган.

Давлат аппарати мураккаблашиб, марказий ҳукуматнинг кучи ошгани сайин, ҳукмдорларнинг режасига биноан, фақат белгиланган маош билан кифояланиши керак бўлган профессионал амалдорлар пайдо бўлди. Амалда амалдорлар ўз лавозимларидан фойдаланиб, яширин равишда даромадларини оширишга интилдилар. Коррупция учун шафқатсиз жазоларга қарамай, унга қарши кураш керакли натижаларга олиб келмади. Яхшиямки, энг хавфли жиноятларнинг олди олинди, аммо пора даражасида коррупция кенг тарқалди.

Қадимги Миср фиръавнлари ҳам шунга ўхшаш муаммоларга дуч келишган. Уларда амалдорларнинг улкан бюрократик аппарати мавжуд бўлиб, улар эркин деҳқонлар, ҳунармандлар ва ҳатто ҳарбий зодагонларга нисбатан ҳам қонунсизлик ва ўзбошимчаликни яратишга имкон беришган.

XVIII аср охиридан бошлаб Ғарбда жамиятнинг коррупцияга бўлган муносабатида бурилиш даври келди. Либерал ислоҳотлар давлат ҳокимияти унга бўйсунадиган одамлар манфаати учун мавжуд, шунинг учун субъектлар амалдорлар томонидан қонунларга қатъий риоя қилиш эвазига ҳукуматни қўллаб-қувватлайдилар деган шиор остида амалга оширилди.

Хусусан, 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясига биноан, пора олиш АҚШ Президентига нисбатан импичмент эълон қилиниши мумкин бўлган аниқ кўрсатилган жиноятлардан бири ҳисобланади. Бу даврга келиб жамият давлат аппарати ишининг сифатига тобора кўпроқ таъсир ўтказа бошлаган. Сиёсий партиялар ва ҳукумат томонидан тартибга солиш кучайиб борар экан, сиёсий элита ва йирик бизнеснинг тил бириктириши эпизодлари тобора кўпайиб борган. Шунга қарамай, XIX-XX асрларда ривожланган мамлакатларда коррупция даражаси бутун дунёга нисбатан пасайган.

Ривожланган мамлакатларда коррупция эволюциясининг янги босқичи XIX-XX асрларнинг бошлари эди. Бир жиҳатдан, давлат томонидан тартибга солинишни ва шунга мувофиқ амалдорларнинг ҳокимиятини яна бир кучайтириш бошланди. Бошқа томондан, рақобат курашида “давлатни сотиб олиш”га ўтишни бошлаган йирик хусусий бизнес пайдо бўлди. Ривожланган мамлакатларда (айниқса, иккинчи жаҳон урушидан кейин Ғарбий Европада) сиёсий партияларнинг аҳамияти ошгани сайин, йирик фирмалар ва трансмиллий корпорациялар сиёсатчиларга ўз манфаатларини лоббичилик қилгани учун эмас, балки партия ғазнасига шахсан пул тўлаганда партиялардаги коррупция ривожланди.

XX асрнинг иккинчи ярмида коррупция тобора халқаро муаммога айлана бошлади. Чет элда юқори лавозимли амалдорларнинг корпорациялари томонидан пора бериш кенг тарқалди. Бир мамлакатдаги коррупция кўплаб давлатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатишни бошлашига олиб келди. Ҳатто “ Financial Times ” журналининг 1995 йил 31 декабрдаги сонида 1995 йилни "коррупция йили" деб эълон қилди. Шундай ҳолатлардан келиб чиқиб, коррупциянинг ижтимоий иллат сифатида тарғиб қилиш учун БМТ “Халқаро коррупцияга қарши кураш куни”ни ташкил этди. БМТ Коррупцияга қарши Конвенциясининг муқаддимасида коррупция натижасида жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига таҳдид солувчи муаммолар демократик институтлар ва ахлоқий қадриятлар, одил судловга путур етказиши, барқарор ривожланиш ҳамда қонун устуворлигига тўсқинлик қилиши асосланган. Айтиш мумкинки, замонавий дунёда коррупция деярли барча давлатлар учун жиддий ва долзарб муаммо ҳисобланиб келган.

Эътиборлиси коррупция ўзига хос бир мураккабликка эгаки, ундаги муносабатлар кўринишини қуйидагича келтириб ўтиш мумкин:

– коррупция субъектига қараб давлат коррупцияси (давлат амалдорларининг коррупцияси), тижорат коррупцияси (фирмалар раҳбарларининг коррупцияси), сиёсий коррупция (сиёсатчиларнинг коррупцияси) га бўлиниши;

– коррупция муносабатларининг бошланиши мансабдор шахснинг ташаббуси билан пора талаб қилиш ёки ариза берувчи томонидан пора бериш орқали бўлиши;

– коррупция предметига қараб, пора берувчи индивидуал пора (фуқародан), бизнес учун пора (юридик фирмадан), жиноий пора (жиноий тадбиркорлар томонидан, масалан, наркомафия) кўринишида;

– пора олувчининг коррупциядан олган фойдаси шаклига қараб пул ва хизматлар алмашинуви (ҳомийлик, қариндошлик) кўринишида;

– коррупцияга оид муносабатларни марказлаштириш даражасига қараб марказлаштирилмаган коррупция (ҳар бир пора берувчи ўз ташаббуси билан ҳаракат қилади);

– марказлаштирилган коррупция “пастдан юқорига” (қуйи мансабдор шахслар томонидан мунтазам равишда олинадиган пора улар ва юқори мансабдор шахслар ўртасида тақсимланади), марказлаштирилган коррупция “юқоридан пастга” (юқори лавозимли мансабдор шахслар томонидан мунтазам равишда олинадиган пора, қисман бўйсунувчиларига ўтказилади) кўринишида;

– коррупция муносабатларининг тарқалиш даражасига қараб асосий коррупция (ҳокимиятнинг қуйи ва ўрта даражаларида), юқори даражадаги коррупция (юқори лавозимли амалдорлар ва сиёсатчилар орасида), халқаро коррупция (жаҳон иқтисодий алоқалари соҳасида) кўринишида;

– коррупция алоқаларининг мунтазамлиги даражасига қараб эса эпизодик, тизимли (институционал) ва клептократия (коррупция ҳокимият муносабатларининг ажралмас қисми сифатида) кўринишида бўлиши мумкин.

Бугунги кунда коррупциянинг намоён бўлишига асосан аҳолининг бағрикенглиги, бундай ишга қўл уриб келажакда олинган фойдани йўқотишдан қўрқмаслик, мансабдор шахс учун ўзига берилган саволни ижобий ва салбий ҳал қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар вариантини танлаш имкониятидан фойдаланиш, ҳуқуқ ва мажбурият борасидаги оқсоқлик, яъни, расмий, тижорат ёки бошқа ташкилотларда бошқарув функцияларини бажарувчи шахсларнинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билмаслиги, умуман олганда фуқароларнинг ҳуқуқий онгининг заифлиги, мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан раҳбарият томонидан тегишли назоратнинг йўқлиги каби сабабларни келтириб ўтиш мумкин. Коррупция муаммоси, унинг турли кўринишларини бартараф эиш ва унинг тарқалишига йўл қўймаслик, коррупцияга қарши курашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ўта долзарб масаладир.

ИМОМ АЛ БУХОРИЙ ҲАДИСЛАРИДА АЁЛЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ҲАДИСЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ГЕРМЕНЕВТИК ТАҲЛИЛИ

Улфатиллаева С.С. *– ЎзМУ магистранти*

Динимизда ҳар бир инсоннинг у хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин жамиятда ўзига яраша ўрни ва ҳурмати бор. Аллоҳ таоло ҳар бир жинс вакилига унинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий ҳолатига мос, адолатли мартаба ато этган. Ўрни келганда шариатимиз манбаларида аёлга бўлган муносабат қандай эканлигини ўрганиб чиқиш фойдадан холи эмас. Чунки мусулмонлар ичида аёлларни қадрлайдиган, ҳурматини жойига қўядиганлар кўп бўлгани каби, гоҳида уларнинг заифалигини суистеъмол қиладиган ва ҳақларини поймол қиладиганлар ҳам учраб туради.

Ушбу мавзуни ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан бири бўлиб у оилавий муносабатлар ва оила, унинг мустаҳкамлиги, бахтиёрлиги, соғломлигини таьминлашда зарур аҳамият касб этади. Ижтимоий воқеликни оила тимсолида, унинг шаффофлиги ва мустахкамлигини асосий элементларидан бири, оилада аёлнинг тутган ўрни, оила маьнавиятини, фарзандлар камолини, эр-хотинлик муносабатларининг асоси аёл зиммасида эканлиги, аёлнинг бугунги савияси, мақоми, дунёқараш даражаси, эртанги кунга дахлдор эканлиги шубҳасиз. Бу ўринда аёлнинг жамиятдаги ўз ўрни, диний дунёқараш, суннат ва ҳадисларни жамият қоидалари кишилик муносабатларидаги тартиб-қоидалар билан биргаликда билиши, амал қилиши, ҳурмат қилиши, унга тарихий, диний қадрият сифатида қараши асос, манба бўлади.

Шу нуқтаи назарда ишимизда оддийгина ахлоқ-одоб, тенг хуқуқлилик ва ҳ.к. тушунчаларга эмас, балки шариат, диний қадриятлар, суннат, ҳадислар таҳлили, уларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш, ҳаётий мисоллар кўмагида жонли таассуротларга бой фикрлар беришга ва уларни таҳлилий, далилий асослашга ва ўрганиш методологияси, усул ва услубиятларини илмий ўрганишга ҳаракат қилдик. Шу билан бирга, ишимизнинг бошланиш

жараёнида биз дуч келадиган асосий олимлар, уламолар, ва шунингдек тушунчаларга алоҳида эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ, деб билдик.

Жамиятда юз бераётган салбий жараёнларнинг; аёл ҳуқуқларининг поймол бўлаётганини, жамият ва шаърий, диний, ҳуқуқий билимларнинг пастлиги, баркамол, комил инсонни тарбиялашдаги методология ва услубиятни такомиллаштириш, кучли демократик жамиятга мос ва хос бўлган билимли жамият қонунлари, табиатшунослик қонуниятлари, ҳадислар, қадимий мутафаккир, донишмандларнинг бой тажрибаси, қарашлари, дин арконлари, диний ва миллий қадриятларни мукаммал эгаллаган, ҳар томонлама етук, кучли, баркамол инсон тарбиясига бир зиёли сифатида ўз ҳиссамизни қўшиш, бир сўз билан айтганда жаҳолатга қарши маьрифат билан курашиш – энг олий мақсадимиз.

Ислом тарихига назар солсак, жоҳилиятда аёлларнинг деярли ҳуқуқлари бўлмаган. Улар нафақат меросдан маҳрум қилинган, балки ўзлари бир буюм сифатида меросхўрлар ўртасида тақсимланган. Ҳатто келажакда қўлига қурол олиб жанг қила олмайди, асирга тушиб бизни номусимизни ерга уради, камбағалликка сабаб бўлади, деб қиз чақалоқларни тириклай кўмиш тез-тез учраб турар эди.[1] Инсониятни залолатдан ҳидоятга олиб чиққан динимиз, бу масалани ҳам адолатли ҳал қилди.

Муқаддас динимиз Исломда барчага бирдек хитоб қилиниб, эркак ва аёлларга тенглик ила муомала қилинган. Ҳақ-ҳуқуқларда бирини бошқасидан устун қўйилмаган. Шунингек, Ислом шариати умумий шаклда аниқ мақсадга эришишни кўзлаган бўлиб, у “ҳимоя” деб аталади. Ҳимоя эса турли жабҳаларда, турли шаклларда намоён бўлади. Хусусан, аёлларнинг шаъни, уларга тааллуқли бўлган барча нарса Ислом дини асосида ҳимоя этилади. Шу сабабдан ҳам Қуръони карим ва Суннати набавийда аёлларга оид ҳақ-ҳуқуқлар, нозик ва дақиқ таърифлар алоҳида эътибор билан келтирилади, адолат, латофат ва меҳр ила баён қилинади. Шуларни эътиборга олган ҳолда, аёлнинг қиз, рафиқа ва она сифатида умр кечириши ва унинг умр босқичларида эҳтироми ва ҳимоясини кўзда тутган оят ва ҳадисларни этиборингизга ҳавола этамиз.

Ислом дини аёлларнинг шаънини кўтариб, уларнинг турмуш тарзини гўзаллаштирган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларга ўз эрларига итоат қилишни, эркакларга эса жуфти ҳалолларига меҳрибонлик қилишни буюрганлар. Қизларни мажбурлаб эрга бериш, уларнинг молларини ейишни ман қилганлар. Чунки жоҳилият даврида аёллар мерос ололмас, агар бирор кишига қиз фарзанд кўрганининг хабари берилса, ғазабланганидан юзлари қорайиб, бўзариб кетар эди.[2] Аллоҳ таоло Қуръони каримда уларнинг бу ҳолатини бундай баён қилади:

بُشِّرَ بِهِ أَيُمْسِكُهُ وَإِذَا بُشِّرَ أَحَدُهُمْ بِالأُنْثَى ظَلَّ وَجْهُهُ مُسْوَدًّا وَهُوَ كَظِيمٌ * يَتَوَارَى مِنَ الْقَوْمِ مِنْ سُوءِ مَا
سُّهُ فِي التُّرَابِ أَلا سَاءَ مَا يَحْكُمُونَعَلى هُونٍ أَمْ يَدُ

[1] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2004.
[2] Уватов У. Буюк муҳаддислар. – Т.: «Ўзбекистан Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 1998.

“Қайси бирларига қиз (кўргани ҳақида) хушхабар берилса, ғазаби келиб, юзлари қорайиб кетади. У (қиз)ни камситган ҳолда, олиб қолиш ёки (тириклай) тупроққа қориш (тўғрисида ўй суриб), ўзига хушхабар берилган нарсанинг «ёмон»лигидан (орият қилиб) одамлардан яшириниб олади. Огоҳ бўлингизки, уларнинг бу ҳукмлари жуда ёмондир (“Наҳл” сураси, 58-59 оятлар).

Қуръони каримда “Нисо” (Аёллар) номи билан алоҳида сура нозил қилинган бўлиб, унда мерос ва аёлларга муомала қилиш ҳукмлари баён этилгани динимизда уларнинг эҳтиром қилинганини кўрсатиб беради[1].

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада солиҳа аёлнинг сифатларини баён қилиб, ортидан итоатсизлик содир этган аёлга раҳм-шафқат билан, босқичма-босқич қилиниши керак бўлган муомала услуби ҳақида таълим бермоқда. Бу услуб – аввал чиройли панд-насиҳат, сўнгра шунда ҳам итоат қилмаса, ўринларини алоҳида қилиш, бу ҳам кор қилмаса, қаттиқроқ чора – озор бермайдиган даражада таъзир беришга изн берилишидир.

Исломдан олдин аёл киши нафақат ҳуқуқлари поймол қилинишига, балки инсонлик даражасидан маҳрум қилинишга маҳкум қилинган эди.

Мисол учун, Ислом дастлаб пайдо бўлган юрт ва замонда қиз бола туғилган оила мотам тутар ва кейинчалик ор-номус ва иқтисодий қийинчиликка сабаб бўлмасин, деб қизни тириклайин кўмиб юборилар эди.

Қуръони карим бу одатларни қаттиқ қоралади ва ман қилди. Мусулмон оилаларда қиз бола туғилса ўғил бола туғилгандан кўра кўпроқ хурсанд бўлиш жорий қилинди. Қизларни яхшилаб тарбия қилганларга ўғил болаларни тарбия қилганларга берилгандан кўра кўп ваъдалар берилди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимнинг учта қизи бўлса-ю, у уларнинг хархашаларига, оғирликларига сабр қилса, Аллоҳ уни уларга кўрсатган раҳми туфайли жаннатга киритур», дедилар.

Бир киши:

«Иккита қизи бўлса-чи, эй Аллоҳнинг Расули?» деб сўради.

«Иккита қизи бўлса ҳам», дедилар.

Бир киши:

«Биттта бўлса-чи, эй Аллоҳнинг Расули?» деб сўради.

«Битта бўлса ҳам», дедилар».[2]

Яна бир ривоятда: «ёки уч синглиси бўлса-ю», деб келган.

Қизларнинг тарбияси, таълими ва маданияти ҳамда, яшаб, ўсиши учун зарур бўлган ҳар бир нарса отанинг зиммасидаги фарздир. Ота бу фарздан фақат қиз турмушга чиққанидан кейингина озод бўлади, чунки энди бу фарз эрнинг зиммасига ўтган бўлади. Отаси ёки эри йўқ аёлнинг нафақаси акаси ёки унинг ўрнини босувчи бошқа шахсларга вожиб бўлади. Умуман, Исломда

[1] Йўлдошхўжаев Д., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузa матни. – Т.: ФТД КДИ ТАФ босмахонаси, 2000.

[2] Вагапов М.В. Ислам и семъя. – М.: Наука, 1980.

аёл киши нафақасиз қолиши мумкин эмас. Қизнинг нафақаси отага, хотинники эрга, сингилники ака-укага, онаники ўғилга вожиб бўлади.

Ислом аёл кишига таълим олиш ва маданий савиясини ошириш ҳаққини берди ва эркакларни бу ишга масъул қилди. Илм талаби эркак-аёлга баробар фарзлигини, қизларига ва сингилларига таълим-тарбия берган киши жаннатга ҳақли бўлишини яхши биламиз. Аммо ушбу иш чўри аёлларга ҳам тегишли эканини ҳаммамиз ҳам билмасак керак.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қай бир кишининг ҳузурида жория бўлса-ю, у унга яхшилаб таълим берса, яхшилаб одоб берса ва сўнгра озод қилиб, унга ўзи уйланса, унга икки ҳисса ажр бўлур», деганлар.[1]

Демак, чўри қизга яхшилаб илм ва маданият ўргатишнинг ажри уни чўриликдан озод қилиш ажрига тенг экан.

Аввалги авлод мусулмон аёллари эрларидан, бошқа устозларидан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оммавий дарс ва хутбаларидан олаётган илм-маърифатга қаноат ҳосил қилмай, Пайғамбар алайҳиссаломдан аёллар учун алоҳида илм-маърифат мажлислари қилишни талаб этганлар. Уларнинг бу талаблари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан дарҳол қондирилган.

Аёл киши фақат таълим олиш, дарс, хутба ва ваъз эшитишгагина ҳақли эмас, балки таълим бериш, дарс айтиш ва бошқа илмий ишлар билан машғул бўлиш мажбуриятида ҳамдир.

Муслима аёллар илм-фан ва маданият соҳасида улкан ютуқларга эришганликлари ҳаммага маълум. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун мисол ҳам келтирайлик.

Шифо бинт Абдуллоҳ розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Ҳафсанинг олдида ўтирган эдим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кириб қолиб, менга: «Бунга ёзишни ўргатганингдек, намила руқйасини ҳам ўргатмайсанми?» дедилар».

Ушбу таълим меҳрибон ва раҳмли бўлган Аллоҳ таоло томонидан аёлларга бўлган иззат-икром намунаси десак, адашмаган бўламиз.

Кўриб турганимиздек, аёлларга илм масаласида хам катта эътибор берилган, хурмат кўрсатилган. Бу борада шароит яратилишига чақирилган, сабаби аёлдан янги авлод яралади. Фарзандларимизни илмли билимли бўлиб камол топишида аёлларнинг ўрни беқиёс.

[1] Муҳаммад Али Собуний. Исломий никоҳ ва унинг одоблари. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005.

ОИЛА – МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Умарова И.А. *– Республика Маънавият ва маърифат Маркази Жиззах вилояти бўлими раҳбари*

Оила ҳақида қанча гапирсакда озлик қилади. Оила – эр-хотинлик иттифоқига, қариндошлик алоқаларига, умумий хўжалик юритадиган эр ва хотин, ота-она ва болалар, ака-ука ва опа-сингиллар, бобо-бувилар ва бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабатларга асосланадиган кичик давлат. Оиланинг ҳаёти моддий ва маънавий жараёнлар билан характерланади, унинг фарзанд камолотида тутган ўрни беқиёс. Шу маънода, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, чиройли тарбия, ор-номус, шарм-ҳаё, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади. Айни вақтда, оила жамият ҳаётига кучли таъсир этиб, қатор вазифаларни: фарзандни дунёга келтириш, уй-рўзғорда меҳнат қилиш, хўжалик юритиш, оила аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш, ёш авлодни тарбиялаш, маънавий ва ахлоқий камолотига таъсир кўрсатишни бажаради.

Оила муқаддас Ватан ҳисобланади. Оилада наслнинг поклигига алоҳида эътибор берилади. Оила уч жиҳат – никоҳни, оилавий мулк ҳақидаги ғамхўрликни ва фарзандлар тарбиясини ўз ичига олади. Оила поклик ва софлик, икки томонлама муҳаббат, садоқат ва вафодорликка асосланади. Оила мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади. Унинг мустаҳкамлиги оиладаги тинчлик-хотиржамлик, бир-бирига бўлган самимий муносабат, оила аъзоларининг ахлоқий тарбиясига боғлиқ. Маълумки, оила хулқ-одоб қадриятлари, тарбияни шакллантиришда асосий мезон ҳисобланади. Бу жараёнда оила, мактаб, маҳалла ва жамоатчилик ташкилотлари фаолиятларининг уйғунликда иш олиб боришлари мақсадга мувофиқ.

Оила инсоният узлуксизлиги ҳамда урф-одат ва анъаналарни, қолаверса, бутун бир халқ маданий, маънавий меросини авлоддан авлодга ўтишини таъминловчи омилдир. Айнан оилада инсонларга хос маънавий, ахлоқий қадриятлар: ўзаро ҳурмат, таълим-тарбия, иззат, ишонч, мулозамат, муҳаббат, ҳамкорлик, ҳамдардлик туйғулари яққол намоён бўлади.

Оиладаги энг асосий мезон – икки томоннинг бир-бирини тушуниб, қўллаб-қувватлаши, оғир ва қувончли дамларда бир-бирига ҳамдард-ҳамнафас бўлишини таъминловчи ҳаракат уйғунлиги.

Оиланинг муқаддас бурчи ва вазифаси нафақат фарзандни дунёга келтириш, балки уларни маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялаш, жамиятда ўз ўрнини мустақил топишига шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Фарзанд тарбиясида оиладаги муҳитнинг тўғри йўлга қўйилиши, ота-онанинг ибрати ва масъулияти ҳар доим муҳим аҳамият касб этади. Оила муносабатлари, асосан, ота-она ва фарзандлар ўртасида кечгани боис ота оиланинг сарбони ҳисобланади. Турли оилавий муаммоларни ҳал қилишда отанинг фикри ҳамда маслаҳати муҳим аҳамиятга эга бўлади. Маълумки,

фарзанд тарбиясида матонатли, фидойи, сабр-тоқатли, баъзан қаттиққўл, тежамкор отанинг ҳам, меҳридарё, бағрикенг, юмшоққўнгил онанинг ҳам ўз ўрни бор. Оиладаги соғлом муҳит, ота-она тарбияси орқали нафақат жамиятнинг бугунги куни, балки унинг истиқболи, авлодлар ворисийлиги ҳам белгиланади.

Оилавий муносабатларга асос бўлган одоб-ахлоқ меъёрлари диний меъёрлардан аввал шаклланган. Оила ҳозир мавжуд бўлган ахлоқ меъёрларининг энг қадимийси ва энг муҳими. Оила фақат эр ва хотин ўртасидаги муносабатни ифодалаб қолмай, балки фарзандларнинг етук инсон сифатида шаклланишининг дастлабки ва асосий мезонидир.

Оила – ўтмиш, бугун ва келажагимиз. Оила – ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи қадриятлари бешиги, келажак авлод учун тарбия бешиги ва маънавият масканидир.

Кишининг жамиятда тутган мавқеига боғлиқ бўлмаган бир касб борки, у оналик ва оталик касбидар. Ота-оналар ўз болаларининг тарбияси учун жамият олдида жавобгардирлар.

Оила мустаҳкамлиги, маънавий ва жисмоний баркамол фарзанд жамият мустаҳкамлиги ва маънавий етукликнинг гаровидир.

Болаларнинг ҳулқ атворидаги ҳатолар ота-оналарнинг ҳатоларидир. Оила аъзоларининг, айниқса ота-онанинг ахлоқий-маънавий етуклиги ва маърифий қарашлари фарзанд тарбияси ва камолида энг зарур ва муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Оила болаларни келажакдаги эр-хотинлик, шунингдек оилавий ҳаётига тайёрловчи мактабдир.

Одобли билимдон, аклли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир.

“Фарзанд тарбиясини қачондан бошламоқ керак?”, деган савол кўпчиликни ўйлантиради. Кўпчилик олимлар унга турлича жавоб бериб келганлар. Хусусан, Ибн Сино: “Бола тарбияси билан унинг туғилишидан аввалроқ, она қорнидан бошлабоқ шуғулланиш лозим”, деб жавоб берган. Оила, одоб-ахлоқ ва таълим-тарбияга эътибор қон-қонимизга сингиб кетган бурчларимиздандир. “Бир болага етти қўшни ота-она” деган ибратли мақол ҳам айнан халқимизга хос.

Президент Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сонли Қарорига асосан “Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили асосида Жиззах вилоятидаги 295 та маҳаллага олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, ёзувчи, шоир, таниқли санъаткор ва зиёлилар бириктирилди, “Ҳар бир нуроний – 5 нафар ёшга мураббий” тамойили асосида ҳар бир маҳалладан 5 нафар тарбияси оғир, маънавий кўмакга мухтож, уюшмаган ва ишсиз ёшларни бир нафар нуронийга бириктириш режа жадвали тасдиқланди ва ижроси олиб борилмоқда.

“Қуш уясида кўрганини қилади”, деб бежиз айтмаган халқимиз. Фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш туриши, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатида олийжаноб фазилатларни намоён эта билиши керак. Чунки бола табиатан ниҳоятда тақлидчан ва кузатувчан

бўлади. Шунинг учун унинг атрофдагилари ўз одатлари билан баъзан ўзлари сезмаган ҳолда уларга таъсир қиладилар. Оиладаги қўпол муносабатлар, кўп ёлғон гапириш, ёқимсиз хатти-ҳаракат бола тарбиясига салбий таъсир қиладиган носоғлом муҳитни келтириб чиқаради.

Оила – деворсиз қўрғон, шундай қўрғонки, унинг илоҳий ҳимояси бор. Шу сабабли ҳам унда “меники” деган тушунча бор: “менинг оилам”, “менинг турмуш ўртоғим”, “менинг фарзандим”, “менинг ота-онам”, “менинг синглим ёки опам”... Оила ичидаги “пасту-баландлар” қўрғон ташқарисига олиб чиқилмайди, акс ҳолда қўрғон деворларига дарз кетади, уни заиф нуқтага айлантириб қўяди.

Юқорида қўрғон ва ҳимоя – ташқи девор ҳақида сўз юритдик. Шу ўринда, ички девор ҳақида ҳам тўхталсак. Ички девор нима? У – парда. Ҳовли ичидаги, оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни қайсидир маънода чегаралаб туради. Хўш, бу чегара нима учун керак, оила аъзолари ўртасидаги бу парданинг қандай ҳусусиятлари ёки яхши томонлари бор? Доно халқимизнинг бир мақоли бор: “Эркакнинг зардаси кетса, аёлнинг юз пардаси кетади” деган. Эркак – оиланинг устуни, ғурури, шаъни. Қадим-қадимдан эркаклар халқимиз томонидан улуғланиб келинган. “Арслон изидан, йигит сўзидан”, “Етмиш яшар кампирдан, етти яшар йигитнинг дуоси улуғ” каби нақллар бежиз эмас. Аёл – оила маънавиятчисидир. “Оилада эр – подшоҳ бўлса, хотин – вазир”, дейишган. Агар оила бекаси фарзандларини: “Отангни юзига тик қарама”, “Отангни гапини бўлма”, “Отангга гап қайтарма”, “Отангни гапидан чиқма”, “Отангни юзини ерга қаратадиган иш қилма”, “Отангни ёнида овозингни баландлатиб гапирма”, “Отангдан берухсат кўчага чиқма”, “Отанг билиб қолмасин”, “Ундай қилма, отанг хафа бўлади”, “Отанг билиб қолса, кунингни кўрсатади” каби огоҳлантирувчи танбеҳлардан фойдаланиб, отанинг шаксиз улуғ обрўсидан усталик билан фойдаланиб, болаларида эзгу маънавий сифатларни қарор топтиришга хизмат қилади. Шу ўринда эркак ҳам “Онангни ҳурмат қил”, “Онангдан бошқа энг яқин дўстинг бўлмайди”, “Онангнинг гапидан чиқма” деган панду-насиҳатлар билан ўстирса, эру-хотин бир-бирларига нисбатан ўзаро ҳурматда бўлса, бундай оилада тарбияланган фарзандлар албатта комилликка етишишади.

Юқоридаги айтилган фикрлар, танганинг бир томони, иккинчи томонини ағдарсак, мулоҳаза қилишга ва чуқур ўйланишга мажбур қиладиган муаммолар талайгина эканлигига гувоҳ бўламиз. Эркак қачон зардали бўлади? Зардали бўлиш дегани бу – зинҳор куч ишлатиш, зўравонлик қилиш дегани эмас. Оилада эркакнинг ўз ўрни бўлиши учун, яъни мазкур оиланинг том маънодаги устуни, ҳокими бўлиши, оила аъзолари унга ҳеч қандай зўравонликсиз эргашиши, ҳурматда ва эъзозда бўлиши учун нима қилиши керак?

Франциялик файласуф Шарль де Монтескьё ўзининг машҳур «Қонунлар руҳи ҳақида» номли илмий-тадқиқий асарида: “Ҳар қандай ҳокимият – манфаатларга хизмат қилсагина бардавомдир ва ҳар қандай ҳокимият ихтиёрий равишда тан олингандагина қудратлидир” деб ёзади.

Жамият ҳокимият орқали бошқарилар экан ва оила жамиятнинг энг кичик бўғини экан, ўз-ўзидан, бу оилани ҳам кимдир бошқариши керак, оиланинг ўз ҳокими бўлиши керак бўлади. Оилани ким бошқаради, бошлиғи – ҳокими ким? Эрми ёки хотин? Миллий минталитетимиз ва қадриятларимиздан келиб чиқиб, бир овоздан: “Эркак”, деб жавоб берамиз аксар холларда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ихтиёрий равишда тан олиниши учун, оила аъзолари эркакни ҳақиқий оила бошлиғи, устуни деб тан олишлари учун у қандай мезонларга жавоб бериши керак? Жавоб жуда оддий: эркак оила аъзоларининг моддий ва маънавий манфаатларига хизмат қилиши керак. Ана шундагина у, ихтиёрий равишда тан олинади, аёли ва фарзандалари олдида ҳурматга сазовор бўлади. Бундай оилаларда тинчлик, хотиржамлик, қут-барака бўлиб, вояга етаётган фарзандлар баркамол бўлиб ўсади.

Ислом шариатида эркак ва аёл Аллоҳнинг олдида баробардир**.** Оила мустаҳкам бўлиши учун эр-хотин орасида муҳаббат, севги ва меҳр-шафқат алоқалари бўлиши лозим. Бу эса, ўз-ўзидан тенгликни талаб қилади.

Шундай нотинч-ноқобил оилалар борки, бу оилада эр-хотин гўёки ҳокимият талашишади. Агар оилада эркакнинг ўрни йўқ экан, хотини ёки фарзандлари томонидан беписанд қаралар экан, унга биринчи навбатда эркакнинг ўзи айбдор, деб ўйлайман. Одатда бундай эркаклар муттасил алкоголь истеъмол қиладиган, бир ишнинг бошини тутмаган, қўлида ҳунари йўқ, доимий даромад манбаига эга бўлмаган, гиёҳвандликка мубтало эркаклардир. Бундай эркакларни ортиқча бармоққа – “олтинчи бармоқ”қа ўхшатиш мумкин. “Олтинчи бармоқ” – жамиятнинг, миллатнинг нуқсонидир. Кесиб ташласанг жонинг оғрийди, кесмай десанг ҳалақит беради, хунук кўринади, ҳамманинг олдида уятга қўяди. Бу типдаги эрлар билан яшашлик хотин учун азоб, бахтсизликдир. Ўзбек аёли – меҳнаткаш, сабрли, қаноатли, чидам ва бардошли, фарзандлари бахти ва камоли учун ўзини қурбон қилишга доим тайёр. Нокас ва нотавон, “ортиқча бармоқ” билан яшаш, умрини ўтказиш, болаларига қўшиб униям боқиш пешонасига ёзилганлигига, “ўгай тақдирига” тан бериб яшаб келаверади. Ажралишни ор деб билади, болаларини тирик етим қилмасам дейди.

Аммо эркакчи? Йиллар давомида йўқотилган обрўсини қайта тиклаш мақсадида, оила бошлиғи бўлиб тан олинишини истаган эркак, зўравонлик ишлатади. Бу ҳатти-ҳаракатлари билан у ўзининг аёли ва фарзандлари олдида нақадар ожизлигини кўрсатади. Зўравонлик ишлатиб, оила аъзоларини қўрқитиб, ўзига бўйсундирмоқчи бўлади. Бундай ҳоллар аксарият маст ҳолатларда содир этилади, ичкиликдан сармаст эркак ўзини шер билиб, бутунлай ақлий бошқарувни йўқотади. Натижада эса, фарзандлари ва аёлининг чексиз нафратига сазовор бўлади, обрўсизланади. Бориб-бориб эса жамиятга ва ўз яқинларига керак бўлмаган кераксиз матоҳдай, нотавон, ҳудбин “манқурт”га айланиб қолади.

Эр хотинига беписанд қараб, уни фарзандлари, ўз ота-онаси ва қариндошлари ўртасида беҳурмат қилиб, спиртли ичимлик ичиб куч ва зўравонлик ишлатиб келаёган, уят ва шарм-ҳаёни унутган, оилавий муаммоларини маҳаллага, ундан ўтиб ҳокимиятга, борингки Халқ

қабулхоналарига олиб чиқаётган, кенг жамоатчилик олдида муҳокама қилиниб, шарманда бўлаётган нотинч ва ноқобил оилалар афсуски талайгина. Бундай муҳокамалардаги эр-хотиннинг бир-бирларига нисбатан айтилаётган бўҳтон ва лаънат тошлари, ҳақоратларини эшитиб, илон пўст ташлайди. Эркак ўз жуфти ҳалолининг энг нозик ишларигача ошкор сўзлаши, келин қайнотасига таънаю туҳмат тошларини отиши, қайнона келинини фоҳишаликда айблаши – юқорида айтилган ички қўрғоннинг, парданинг кўтарилиши эмасми? Шундай оилаларда “тарбия”ланиб келаётган болаларнинг руҳий кечинмалари, ички ҳиссиётлари мени ўйлантиради, мулоҳазага чорлайди. Бу каби оила болалари руҳан мажруҳдирлар. Улар ҳаётга “ўнг кўз” билан қарай олмайдилар. Тенгқурларидан ўзгача қарашлари билан ажралиб туришади. Нафрат, ҳасад, кўролмаслик, бахиллик уруғлари экилиб, суғорилиб етилиб бораётган ниҳоллар улар.

Одам Ато ва Момо Ҳаводан мерос бўлиб келаётган оила масъулияти дунёнинг бошқа томонларига нисбатан бизда, Шарқда чуқур англаниб, никоҳга муқаддас тушунча сифатида қаралади.

“Никоҳ (турмуш қуриш) – менинг суннатимдир. Ким суннатимдан юз ўгирса, мендан эмасдир”, деб марҳамат қилган пайғамбаримз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассаллам. Шунингдек, “Уйланинглар, талоқ қилманглар, чунки талоқ сўзидан Раҳмоннинг Арши ҳам ларзага келади”, “Ҳалол нарсалар исида Аллоҳга хуш келмайдигани бу – талоқдир”, деганлар.

Олимларнинг фикрича, одамлар ҳаётининг бирдан-бир тўғри йўли – оилавий ҳаётдир. Оила қўрғонининг пойдевори, унинг мустаҳкам қалъаси, эр-хотинни маҳкам боғловчи риштаси никоҳдир. Никоҳ инсонлар жамиятида энг муқаддас битим ҳисобланади ва шунинг учун ҳам манбаларда “саодат қўрғони” деб аталади. Бу қўрғонга дарз кетганда, оила бузилганида Арши аъло ларзага келишини юқоридаги ҳадисда келтириб ўтдик. Аршни ларзага солишга, титратишга ҳисса қўшиб келаётган йигитлар сонининг тобора кўпайиб бораётганлиги, орият, ҳамият, ор-номус, йигитлик шаъни ва ғурури деган қадриятларимизга оёқ босиб, молпараст, латтапараст “куёвчак”ларнинг орамизда юриши, биз билан бир ҳавода нафас олиб, тап тортмай, уялмай-нетмай ўзини эркак санаб, бирини қўйиб, бирига уйланиб, бир нечта қизларнинг бахтига чанг солиб, болаларининг тақдирига бефарқ қараб, ҳатто алимент тўлашдан бош тортиб келаётган “эркак”лар – миллат ичидаги иллатлардир, қадриятларимизни кемириб бораётган қуртлардир.

Ажрим муаммоси ҳозирги замон кишилик жамиятининг энг муҳим ижтимоий муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун чет элларда ҳам, мамлакатимизда ҳам ажрим муаммосини ўрганишга кенг жамоатчилик эътибори қаратилиб келинмоқда. Чунки оилаларнинг бузилиши туфайли нафақат эр-хотин ва уларнинг фарзандлари, балки жамият ҳам катта зарар кўради. Ажримлар кўплаб нохуш ҳодисалар: нотўлиқ оилалар сонининг ортиши, болалар ва ўсмирлар ўртасида қонунбузарликларнинг кўпайиши, ота ёки она назоратисиз қолган болалар сонининг ортиши, зинонинг ёйилиши, ёлғизлик, ўзаро мол-мулк талашиш оқибатида қотилликларга сабаб бўлмоқда.

Дунёда ажримлар бўйича АҚШ биринчи ўринда турар экан. АҚШнинг собиқ Президентларидан бири Билл Клинтон ўз нутқларидан бирида: “Бизлар қисқа фурсатда катта моддий бойликка эришдик, аммо энди жамлаган барча бойликларимизни сарф қилсак ҳам, маънавий йўқотишларимизни қайта тиклашнинг имкони йўқ”, деган эди. Чунки бу қудратли давлатнинг “эркин” фуқаролари орасида қурилган оилаларнинг 100 тасидан 70-75 тасида ажралиш ҳолатлари учрамоқда. Бунинг сабабларини таҳлил этган америкалик олимларнинг айтишича, биринчидан, аёлларнинг ҳаддан ташқари беибо кийинишлари, иккинчидан, никоҳсиз жинсий алоқага, яъни зинога берилганликдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустаҳкам маънавий иммунитетли, ўзининг фикрларини равон айта оладиган, юқори марраларга эришувчан авлодни тарбиялаш учун ота-она, оила муҳити жуда катта аҳамият касб этади.

Юксак маънавият, ахлоқ, уят – миллатнинг ориятидир. Ўзбек халқи учун орият ўлимдан кучли. Унинг топталишига ҳеч қачон йўл қўймайлигимиз, бунинг учун бир куч бўлиб курашмоғимиз, фарзандларимизга муносиб ота-она бўлмоғимиз керак. Фарзандларимизга шундай тарбия берайликки, шундай муносиб ота-оналар бўлайликки, улар ўз ота-боболарига, ўз тарихи, Ватани, она тилига, миллати, динига ва анъаналарига содиқ бўлиб камол топишсин.

ОИЛА ЖАМИЯТНИНГ БИРЛАМЧИ АСОСИ СИФАТИДА

Умарова Р.Ш. *– ТДТУ доценти,*
Мирзаев И. *– ТДТУ катта ўқитувчиси*

Ҳар бир халқнинг давомийлигини таъминлайдиган ҳам, ёш авлодни дунёга келтириб, баркамол авлод қилиб тарбиялайдиган ҳам, жамият тараққиётида, асосий пойдевор вазифасини ўтайдиган ҳам оиладир.

Оила муаммоси азалдан инсониятнинг диққат марказида бўлиб келган, чунки оила мустаҳкамлиги жамият фаравонлигининг асосий негизларидан биридир. Шу сабабли, Республикамиз раҳбарияти ҳар бир хонадоннинг тинч-тотувлигини, оилаларда фарзандларнинг бахтли, баркамол ўсишини таъминлашга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида таъкидланганидек “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.[1]

Оиланинг шаклланиши жамият тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ жараён бўлиб, у икки томонлама таъсирнинг қанчалик тўғри ташкил этилганлигига боғлиқ, яъни бир томондан жамият тараққиётига боғлиқ равишда мавжуд ижтимоий институтлар орқали оилаларга кўрсатиладиган таъсир катта аҳамият касб этса, иккинчи томондан, оиланинг

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.

ривожланганлик даражаси жамият тараққиётига ўз таъсирини кўрсатади. Жамият ҳар доим ўз ривожини пировард натижа сифатида қарар экан, жамият аъзоси бўлмиш ҳар бир оиланинг ҳам жамият талабларига мос равишда ривожланиши, ҳам оиланинг илғор бўғин сифатида жамиятга таъсир кўрсатиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзи туғилиб ўсган оилаларнинг вакили сифатида янги оила тизимини шакллантира борар эканлар, эр ва хотин оилавий турмуш жараёнида муносабатларнинг турли хил босқичларини бошларидан кечирадилар. Бу босқичлар давомида мустаҳкам оилавий турмуш тарзини шакллантирадилар, ҳамда унга мослаша борадилар. Бу жараённинг нисбатан осойишта кечиши ёш эр ва хотиннинг оилавий турмуш кечирилиши хусусиятлари тўғрисида билимларга қанчалик эга бўлишларига боғлиқ. Юқоридаги фикрлар оилада эр ва хотин ўртасидаги муносабатларнинг йиллар давомида ўзгариб, ривожланиб бориши хусусиятларини, оилалар мустаҳкамлигининг ижтимоий асосларини ўрганиш шу кунда энг долзарб муаммолардан бири эканлигини кўрсатади.

Оила муносабатлари қадимги даврдан бошлаб илмий тадқиқотлар манбаининг бир йўналишини акс эттириб, социал тизимни ташкил этувчи социал институтларнинг алоҳида функциясига эга бўлган бир бўлаги ҳисобланади.

Бу масалаларни биз А.Миллернинг концепцияларида ҳам кўришимиз мумкин (1914-1973). Ўз даврида М.Вебер ҳам оила ва уларнинг функциялари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган. О.Конт ўз социологик назарияларида оилани жамиятнинг бирламчи асоси сифатида қараб чиқади ва унинг келиб чиқишини инсоний муносабатлардаги табиий ҳолат, деб изохлайди.

Ёш оила ўз навбатида ёрдамга, қўллаб-қувватлашга муҳтож қатламга киради. Ёшлар оила қурган вақт мобайнида ота-она қарамоғида яшаб, ва қанчадир вақтдан сўнг мустақил ажралиб чиққандан кейин ҳам янги оилага айланади. Ёш оилада турли конфликтлар бўлмаслиги учун бирга яшаш мобайнидаги вақтда уларга кўпроқ моддий ва маънавий кўмак зарур бўлади.

П.Сорокин ўзининг социологик тадқиқотларида оилавий келишмовчиликлар, уларнинг сабаблари ва окибатлари ҳақида кенг тўхталиб ўтган[1].

Л.Призберг “Социал конфликтлар” (1982 й.) асарида оилаларни мустаҳкамлаш борасида, оилавий келишмовчиликлар ва уларнинг оқибати, жамият тараққиётига таъсири ҳақида маълумотлар келтириб, уларнинг олдини олиш ва оқибатларига қарши курашиш жамият олдига қўйиладиган муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлаган.

Оилаларнинг вужудга келиши ва ривожланишида қуйидаги турлари мажуд бўлган:

1. Гуруҳий оила тури: ибтидоий жамоа тузумида эр-хотин умумий бўлган.

[1] Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. – М., 1992. – С. 272-273.

2. Патриархал оила: жуфт оила билан моногам оила ўртасидаги оралиқ шаклда бўлган.

3. Моногом оила: бир никоҳли (ҳозирги) оила вужудга келган.

Оила жамиятнинг кичик ячейкаси сифатида махсус социологик тадқиқотга муҳтож. Шунинг учун ҳам ёш оиланинг мустаҳкамлиги махсус социологик назария сифатида ҳозирги давр жамият ижтимоий ҳаётини илмий жиҳатдан ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да ҳам оила ҳақида фикр юритилган. Хусусан, оила муқаддас даргоҳ эканлиги, фарзанд тарбияси тўғрисидаги фикрлар баён этилган. Демак, оилага эътибор, унинг жамиятда тутган ўрни ҳақида азалдан замин яратилган. Ислом динининг муқаддас манбаларидан бўлмиш Қуръон ва Ҳадисларда ҳам оила юритиш, эр ва хотиннинг турмушдаги ўрни ва вазифалари каби масалаларига кенг ўрин берилган.

Оиланинг мустаҳкамлиги ва фаровонлигини таъминлаш биз ўзбеклар учун муқаддас бурч ҳисобланмоғи лозим. Жамиятимизнинг ҳар бир аьзоси биринчи навбатда ўз оиласи, қариндош-уруғлари, ёру биродарлари ҳақида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўядилар. Шу боис ҳам, мамлакатимизда оила ва унинг мустаҳкамлигини таьминлаш билан боғлиқ масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади.

Оила асосини никоҳ муносабатлари ташкил қилади. Никоҳ – тарихан вужудга келган эр ва хотин ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий-ахлоқий шаклидир. Никоҳ орқали жамият эр-хотиннинг ўзаро жинсий ҳаётини тартибга солади ва уларнинг оиладаги ҳуқуқ-бурчларини қонунлаштиради.

Юртбошимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Оила мен учун муқаддас. Муқаддаслиги шундаки, аввалambор қаерда ишлашидан қатъий назар, ким бўлишидан қатъий назар, агар оилада тарбия, оилада муҳит, оилада ҳалоллик, муносабат, тарбияга алоҳида эътибор берилмаса, ҳеч қачон натижа бўлмайди. Шунинг учун мен фарзандларимнинг тарбиясига жуда катта эътибор бераман. Ҳар бир фарзандимга ҳам, неварамга ҳам алоҳида ўзимнинг муносабатим бор. Ҳар бир неварамнинг алоҳида характерини биламан, орзусини, истагини биламан»[1]. Шундай экан, оила мустаҳкамлигига эътибор қаратиш, ва оила мустаҳкамлигини таъминлайдиган ижтимоий асосларни ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

Давлат улкан бир оила бўлса, унинг ривожланишида, обрў-эътиборига эга бўлишида ҳар бир ёш оиланинг ўрни жуда катта ва у давлат ҳимоясидадир. Ўзбекистонда оила мустаҳкамлиги қурилажак фаровон жамиятнинг муҳим талаби ва асосий мақсадидир.

[1] Мирзиёев Ш.М. Оила ва бахт ҳақида. https://www.gazeta.uz/uz/2018/07/25/prezident/.

ЎЗБЕКСИСТОН ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ОДИЛ ҚАДАМЛАР

Хидиров М.Ф. *– ЎзМУ магистранти*

Бугунги кунда туризмни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Мамлакат ўзининг салоҳияти, географияси, тарихи ва бугунги кунидан келиб чиқиб, туризмнинг турли йўналишларини ривожлантиришга уринади. Саломатлик туризми, тиббиёт туризми, экотуризм, экскурсия туризми, спорт туризми, экстримал туризм, зиёрат туризми сингари йўналишларни ривожлантириш имконияти юзага келади. Халқаро туризм ривожланиши тенденцияларини ва замонавий маркетинг воситалари қўлланишини ҳисобга олган ҳолда, рақобатбардош туризм маҳсулотлари ва хизматлари стратегияларини ишлаб чиқиш, уларни ички ва халқаро туризм бозорларида тарғибот қилиш билан туризм соҳасида мамлакатимизнинг ижобий қиёфасини шакллантиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони[1]да кўрсатилганидек, мамлакатимизда туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтиришга олиб келадиган ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясига асосан, шунингдек 2017-2021 йилларда концепцияни амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш режаштирилган. Мазкур вазифани амалга оширилиши туризм соҳасининг тезкор ривожланиши, унинг иқтисодиётдаги улушининг ортиши, туристик хизматлар сифатининг ошишига олиб келади. Шу билан бирга «Туризм тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш натижасида туристик соҳани ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари аниқлаб берилади, мазкур соҳада тадбиркорликнинг кенг ривожланишига замин яратилади[2].

Ҳар йил Ўзбекистонга жаҳоннинг 70 га яқин мамлакатидан икки миллионга яқин сайёҳлар ташриф буюради. Ушбу миқдорни 5 миллионга етказиш салоҳиятимизни қанчалик тарғиб қилишимизга боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш соҳанинг асосий вазифасига айланди.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” (Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)

[2] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. – Тошкент: Маънавият, 2017. – 268 б.

2018 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатда туризмни ривожлантиришга йўналтирилган 11та ҳужжат, Вазирлар Маҳкамаси томонидан эса 25 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат имзоланди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг якуний ҳисоботига кўра, 2018 йилда Ўзбекистонга 5,3 млн нафар сайёҳ ташриф буюрган. 2017 йилда уларнинг сони 2,69 млн нафарни қайд этган, яъни сайёҳлар сони бир йилда 97 фоизлик ўсишни кўрсатиб, икки бараварга ошган. 2016 йилда эса уларнинг сони 2,07 миллион нафарни қайд этган[1] .

Туроператор фаолиятини ташкил этишда ҳамкорлик ва шартномалар тузиш. Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида жойлашув воситалари билан боғлиқ енгилликлар яратилди. Масалан, хостелларга бўлган талаблар соддалаштирилди, жумладан, уларга нисбатан қўйилган 22 талаб бекор қилинди. Бундан ташқари оилавий меҳмон уйларини ташкил қилиш тартиби соддалаштирилди. 2017 йилда Ўзбекистондаги хостеллар сони 23 тани ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб, бу кўрсаткич 34 тага етди. 2018 йилда Ўзбекистонда сертификацияга эга бўлган гидлар сони 660 нафарга етди. 2017 йилда уларнинг сони 369 нафарни ташкил этган.

Президентнинг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5326-сонли Фармонида Интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудларини ташкил қилувчи хўжалик юритувчи субъектларга имтиёз берилди. Унга кўра, хўжалик юритувчи субъектлар ўз ҳудудида бепул Wi-Fi зонасини яратган тақдирда, бу ҳудудни кенгайтириш (бир нечта Wi-Fi нуқталарини яратиш, уларнинг сигнал майдонини кенгайтириш) учун харид қилинган асбоб-ускуналар (интернет тармоғига уланиш ва тарқатиш учун зарурий ускуналар, хусусан, роутермодемлар, алоқа кабеллари) ва интернет-трафикни сотиб олиш учун йўналтирилган ҳаражатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ солинадиган базаси, шу жумладан, ягона солиқ тўлови бўйича базасидан айириб ташланади, ундан қолган маблағ белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Яратилган имтиёзларга мувофиқ Ўзбекистондаги бепул Wi-Fi зоналари сони бир йил ичида 38 тадан (2017 й.) 230 тага (2018 й.) ошди.

Туризм ривожланишини таҳлил қилиш мамлакатимизнинг туризм ривожланаётган минтақаларида умумий муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда, жумладан, туризмни ривожлантиришда мамлакатимиз аҳолиси учун туризм ресурсларимиз тўғрисида маълумотлар етарли даражада эмаслиги кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида туризмга қизиқиш пастлигига олиб келади. Бугунги кунда ахборот - коммуникация технологияларидан кенг

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Туризм индустриясини ривожлантиришга бағишланган нутқи. 2018 йил. / www.kun.uz.

фойдаланилган ҳолда халқаро ва ички туризмни ривожлантириш имкониятларини янада ошириш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам Интернет тармоғи орқали туризмни ривожлантириш мумкин. Деярли барча туризм ташкилотларининг ўз веб-саҳифалари мавжуд. Интернет веб-саҳифалари туризм ташкилотларига кенг аудиторияга эга бўлиш имконини беради. Веб-саҳифанинг кўркамлиги, маълумот билан бойитилганлиги туризм ташкилотининг юзи хисобланади.

Туризм соҳасида ахборот технологияларининг ролини кўриб чиқар эканмиз, шуни ёдда тутиш керакки, туризмни ривожлантиришнинг назарда тутилаётган ишланмалари ва режалари қуйидаги саволларга жавоб бериши керак:

– туризм бозорининг ҳолатини ва бу тармоқ равнақининг асосий муаммоларини қандай баҳолаш керак;

– туризм бозорининг қайси асосий йўналишлари минтақа манфаатларига тўлиқроқ жавоб беради, маблағларни қаерга ва нимага самаралироқ сарфлаш керак;

– қандай қилиб минтақанинг имижини яхшилаш ва сайёҳлар учун вилоятларнинг жозибасини ошириш мумкин;

– туризмни ривожлантириш эвазига минтақанинг ижтимоий-иқтисодий равнақини қай тахлитда рағбатлантириш мумкин[1] .

2019 йил Ўзбекистонда туризм соҳасида жуда кўп янгиликлар кузатилди: туризмни ривожлантиришга йўналтирилган янги фармон ва қарорлар, халқаро ва маҳаллий тадбирлар, янги таълим муассасалари фаолиятининг йўлгақўйилиши, сайёҳлар оқимининг ошиши, янги туризм маҳсулотлари, янгича йўналишларни ривожлантириш, инфратузилмани такомиллаштиришга оид саъй-ҳаракатлар, хорижий инвесторларни жалб қилиш, ОАВ вакилларининг ташрифи ҳамда Ўзбекистоннинг кўплаб халқаро рейтингларда юқорилаши ва ҳ.к.

Шунингдек «Ўзбектуризм» ни ривожлантириш мақсадида 2021 йил 26 январда Социал туризм ассоциацияси ташкил этилиб ва бу Ўз навбатида Ассоциация Адлия вазирлиги томонидан №312-реестр тартиб рақами билан 2021 йил 18 январь куни давлат рўйхатидан ўтказилди. “Туризмни ривожлантириш” Ассоциацияси раислигига Одилов Дилшоджон Тўлқинович тайинланди. Ушбу ассоциацияси сайёҳларнинг барча тоифаларини қамраб олиш ва улар учун муносиб шароитлар яратиш мақсад қилган бўлиб, унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– имконияти чекланган юртдошларимиз ва эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун хайрия акцияларини ўтказиш;

– имконияти чекланган шахслар саёҳат қилишлари учун шароитлар яратишга кўмаклашиш;

– социал туризм соҳасида давлат дастурлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳамда жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

[1] www.iqtisodiyot.uz. № 4, 2017.

– инклюзив туризмни ривожлантириш доирасида болалар, ёшлар, учинчи ёш тоифа вакиллари, шунингдек ногиронлиги бўлган кишилар учун туризм ҳамда экскурсияларни ташкил этишга кўмаклашиш ва б. Ўзбекистон социал туризм ассоциацияси мамлакатимизда инклюзив туризмни ривожлантиришга ҳамда бу борада хорижий турдош уюшмалар билан ҳамкорлик алоқаларни ўрнатиш йўлида хизмат қилши мақсад қилган.

Ҳулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонга кўпроқ сайёҳлар ташриф буюришига эришишимиз, бизда мавжуд маданий, тарихий обидалар ўзига хос табиатга эга манзилгоҳларни оммалаштириш бўйича кўп ишларни амалга оширишимиз билан бирга, жаҳон стандартларига жавоб берадиган юқори даражадаги хизматларни кўрсатишни ташкил этишга ва кўрсатишга қодир бўлган малакали, рақобатбардош кадрларни уйғунликда тайёрлаб келина-ётганлиги туризм соҳасида хизмат кўрсатишда олға қадамлар ташлана-ётганидан дарак бериб турибди.

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА МАДАНИЙ МУНОСАБАТЛАР ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Шермухамедова О. У. *– ТИҚХМИ ўқитувчиси*

Жамиятида социал тармоқлар тўлиқ шаклланиб тезда оммавийлашиб кетишига қатор сабаблар туртки берди. Бунда, биринчи навбатда, дунёнинг ахборотлар дунёсига глобаллашганлигини келтирсак, кейинги омиллар сифатида турли хил рекламалар, ёшларнинг таълим соҳаларида фаоллашуви, замонавий ахборот технологияларининг ривожланиши каби жараёнларда институтларининг интегратив фаолиятини такомиллаштириш ва мониторинг қилишни тақозо этади. Маданий муносабатлар интеграциялашуви ва ижтимоий тармоқларда маданий муносабатлар шаклланишининг функционал корреляцион таъсири, боғлиқлиги, турмуш шароити ривожлантирувчи қонуниятдир. Шунингдек, ижтимоий тармоқларнинг ривожланиш қонунияти ва динамикасини социологик жиҳатдан ўрганиш муҳим назарий-методологик аҳамият касб этади.

биринчидан, жамиятда ижтимоий тармоқлар ёшларнинг турмуш ва тафаккур тарзини социомиаданий муҳитга мослашиб бориши зарурияти, уларнинг “маданий хусусиятлари”га институционал бошқарув тизимини тақозо этади.

иккинчидан, ижтимоий тармоқларда ёшларнинг маданий муносабатлари ва ривожланиш босқичлари, ҳудудий хусусиятлари ҳамда объектив омиллари глобал жараёнга трансформациялашувига замин яратади;

учинчидан, жаҳон ҳамжамиятида ижтимоий тармоқлар трансформациясида маданий муносабатлар интеграциясининг шаклланиши, аҳоли турмуш шароити ва маънавий дунёқараш ўзгаришларини белгиловчи омилларга боғлиқ бўлади;

тўртинчидан, ижтимоий тармоқлар тизимининг маданий омиллар ва маиший хизмат фаолияти йўналишларига таъсирини белгилашда унинг реал

универсал самарали маданий механизмларининг коррелаяцион алоқадорлик таъсирини аниқлаш;

бешинчидан, ҳозирги глобал муаммолар кучайган вазиятда, ижтимоий тармоқларни рационал бошқариш ва ташкиллаштириш орқали социомаданий интеграция жараёнлари кескинлашувининг олдини олиш ва турли сабабларини бартараф қилиш мумкин.

Ижтимоий тармоқ муносабатлари унинг иштирокчилари орасида ўзига хос “қариндошчилик” алоқаларини сақлаш ва мустаҳкамлаш омилини яратиб бермоқда. Улар айнан тармоқларда бир-бирларини моддий ва маънавий ёрдам бериш, оғир ҳаётий вазиятларда қўллаб-қувватлаш (социал суғурталаш) кайфиятини шакллантирдилар. Социал тармоқларда инсонларнинг муайян социал гуруҳга – дўстлар, оила, ҳамкасабалар, ҳамфикрлар ва бошқа социал кайфиятга боғланган мансублик эҳтиёжларини яратиб бормоқдалар. Аввал жамиятдан нажот кутган одамлар, энди шу жамиятнинг фаол аъзосига айланиб бормоқдалар. Ундаги ҳар бир ҳодиса, яратилган қонун ва қарорлар виртуал мунозара майдонига айланди. Социал фанлар, хусусан социал тармоқларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзидаги “оддий инсон” мақомини шахс сифатида тасдиқлатиш учун социал тармоқларда бир-бирларини тушунадиган инсонларни излай бошладилар. Тармоқ аудиторияси анъанавийликдаги “мумтоз шахс”га бўлган интилишдан кўра, ҳайриҳоҳларга ишонч муҳитини яратди. Бу эса замонавий тармоқлар фанида жараёнларни ёритишда энди социал ва руҳий туйғуларга алоҳида эътибор қаратишни таклиф қилади Ижтимоий тармоқларда миллий қадриятларимиз шахсларни бир-бирига яқинлаштириб, улар орасидаги инсоний муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Зеро, инсонлар орасидаги масофалар қисқариб, эътибор ва мулоқот, баҳс ва мунозара имкониятлари кўпаймоқда.

Албатта, ижтимоий тармоқлар феноменининг деструктив ва хавфли жиҳатлари ҳам мутахассислар томонидан ўрганилган, уларнинг фикр-мулоҳазалари мазкур диссертацияда таҳлил қилинган. Хусусан, улардан террористик фаолиятни амалга оширишда фойдаланиш жуда хавотирга соладиган омил ҳисобланади. Террорчи ва экстремистлар веб-сайтлардан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориши, ўз сафларига иғвогар аъзоларни ёллаш, радикаллашув, зўравонлик ва шафқатсизликка даъват қилиш, террористларни тайёрлаш, террористик ҳужумларни режалаштириш ва ижро этиш, бу жараёнларда махфий алоқа ўрнатиш, турли киберҳужумларни амалга ошириш каби вайронкор ғоя, мақсад ва режаларда фойдаланишмоқда. Натижада, ижтимоий тармоқларда мулоқот олиб бораётган ёшлар ўртасида халқаро миқёсда таъқиқланган турли секта ва диний ташкилотларга аъзо бўлиб, фашизм, миллатчилик, ирқчилик, диний оқимлар, порнофаолият, ўз жонига қасд қилиш, қулликка тушиш каби деструктив ҳолатлардан жабр кўрганлар сони кўпаймоқда.

Сўнгги йилларда ахборотлашган жамият назариётчилари, маданиятшунос, психолог ва педагоглар ўртасида Интернет ҳамда компьютер тамаддуни ўзи билан ёшлар фаолияти ва уларнинг турмуш

тарзига сингдирилаётган янгидан-янги хавф-хатарлар борасидаги баҳслар авж олмоқда. Албатта, замонавий ахборот технологиялари инсоният учун янги имконларни очиб, Интернет ёрдамида турли минтақа, ҳудудларга «реал вақт»да мулоқот қилиш, зарур ахборотни олиш, алмашиш, кўплаб одамлар билан бевосита танишиш, диплом билан тасдиқланган таълим олиш ҳолатлари эътиборга моликдир.

Ижтимоий медиа нафақат унинг таркибий қисмлари (тармоқдаги веб-сайтлар, блоглар, подкастлар, викилар ва бошқалар) билан эмас, балки уларнинг умумий таъсири, ахборотни қайта ишлаш динамикаси ва одамлар ўртасидаги муносабатлар (Ижтимоий Медиа Клуб, 2007) билан ҳам белгиланади. Бугун ҳам, келажакда ҳам ижтимоий медиа алоқаларининг юқори даражадаги таъсири кўп қиррали, кўп тармоқли алоқаларни тегишли ва ижод ғоялари чуқур ва доимий равишда ўзгариши мумкин бўлган ижтимоий қурилишни яратмоқда. Ижтимоий тармоқлардан метеорик кўтарилишлар, шахсий компьютерлар ва Интернет пайдо бўлгандан кейин "тўртинчи инқилоб" деб таърифланган. "Ижтимоий онлайн графика" шахслараро алоқалар ва ўзаро алоқалардаги бу прогрессив инқилоб инсонни қайта белгилайди ва дунё бўйлаб тушуниш, тажриба ва навигация, деб таърифлаган.

Замонавий ижтимоий тармоқларнинг келиб чиқиши 1995 йилда бошланган бўлиб, дастлабки ижтимоий тармоқ веб-сайтлари (*SixDegrees, Classmates, Friendster* ва бошқалар) профиль саҳифасининг концепциясини киритган ва кейин "дўстлар" орқали боғланган. Ши *Shih* маълумотларига кўра, ушбу сайтлар бугунги кунда *Facebook, MySpace, LinkedIn, Orkut, Hi5, Cyworld* ва бошқа машҳур сайтларга йўл очди. Бошқа ижтимоий медиа сайтлари орасида *YouTube, Twitter, Skype*, бир нечта блог сайтлари ва онлайн видео ўйинлар ва электрон почта мавжуд. Ушбу рўйхат тўлиқ эмас, чунки ижтимоий тармоқларнинг динамикаси доимий равишда кенгайиб боради. Ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш бир авлод билан чекланмайди. Ўсмирлар ва ёш катталарнинг демографик жиҳатдан юқори қисми ижтимоий тармоқлардан кўнгил очиш ва мулоқот қилиш учун фойдаланади.

АҚШда 4 йиллик коллеж ўқувчиларининг 85 %дан кўпроғи Facebookдан фойдаланади, аммо фойдаланувчиларнинг 50 %дан кўпроғи коллежга бормайди ва Facebook фойдаланувчиларининг энг тез ўсиб бораётган демографик кўрсаткичлари 25 ёш ва ундан катта ёшдагилар ҳам ҳисобланади. Бугунги кунда бир неча авлодларни ижтимоий тармоқларда иштирок этиши технологик ўзгаришларга ҳамда маданий муносабатларнинг қ ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Ижтимоий тармоқларнинг маданий машҳурлиги бадиий ифода, шунингдек, санъатнинг қандай ва ким томонидан яратилганлиги ва тарқатилаётганига таъсир қилади. Албатта, иқтисодий ва ижтимоий омиллар ижтимоий тармоқларга кириш имкониятини чеклайди; аммо, рақамли технологияларнинг технологик ютуқлари юқори даражадаги санъат ва паст санъат, ижодкор ва томошабин, мутахассис ва янги бошловчилар ўртасидаги чегаралар бузилган ижтимоий ҳақиқатга олиб келади. Онлайн жамоалар ўсиб

бориши билан истеъмолчи ва ижодкорнинг роллари тобора бир-бирига боғланиб бормоқда. Женкинс, ижтимоий медиа "конвергенция маданияти"ни яратади, у "бир нечта медиа платформаларидаги контент оқими, кўплаб медиа соҳалари ўртасидаги ҳамкорлик ва медиа аудиторияларининг миграцион ҳаракати" деб таърифлаган. Конвергенция шунчаки маълум бир ижтимоий тармоқ таркибий қисмларида эмас, балки ҳақиқий индивидуал ва жамоавий когнитив тузилишда намоён бўлади.

Шундай қилиб, ижтимоий тармоқлар кўп жиҳатдан эски қарашлар ва қадриятларни қайта тиклаш имкониятини тақдим этади. Санъат-терапевт учун муҳим бўлган нарса – иштирокчилар ва ушбу истиқболли маданий тузилма ўртасида кутилаётган даражадаги ўсиш нуқтасини аниқлаш ҳамда корреляцион алоқадорлик таъсирини парадигмал ўзгаришларга олиб келди.

ЛИБЕРАЛИЗМ ҒОЯЛАРИ МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Шодмонкулова М.М. *– ГулДУ катта ўқитувчиси*

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожлантириш йўли бозор иқтисодиёти ривожланган етук мамлакатларнинг бой тажрибаси ҳамда Ўзбекистон халқининг тарихий мероси, миллий турмуш тарзи, анъаналари ва руҳияти билан бевосита боғлиқ. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш, мамлакат иқтисодиётини модернизация ва ислоҳ этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Буларнинг натижаси ўлароқ бозор муносабатларига асосланган кўп укладли иқтисодиёт, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, кичик бизнес, моддий ва интеллектуал мулк эгаларидан иборат ўрта синф шаклланиб, мамлакат барқарор ривожланмоқда, халқнинг реал даромадлари, турмуш фаровонлиги ўсиб бормоқда. Бу жараён билан либерал-демократик ғояларни ҳаётга татбиқи уйғун холда кечмоқда.

Мустақилликдан кейинги йилларда амалга оширилаётган либерал-демократик ўзгаришлар мамлакатимизда шу соҳадаги янги ўзгаришлар даврини бошлаб берди.

Либерализм ғояларининг миллий хусусиятларини намоён этиш ва унинг ривожланиши ҳар доим ҳам силлиқ тарзда, бир текисда кечавермайди. Чунки, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, турли муаммолар юзага келиши табиийдир. Шу нуқтаи назардан, мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида аниқ амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, мамлакатимизда жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида либерализм ғояларини амал қилиш хусусиятларини социологик нуқтаи-назаридан тадқиқ этиш бугунги кунда, ниҳоятда, муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда демократик руҳдаги либерал ғояларнинг шаклланиши борасидаги ёндашувларни қиёслаш асосида бугунги кунда амалга оширилаётган демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнининг устувор

йўналишларини белгилаб олиш долзарб аҳамият касб этаётганлигини кўрсатади. Ўзбекистонда эркин демократик ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши либерализм ғояларининг янги тамойиллар билан бойиганини яққол кўрсатиб турибди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли (2017), "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5185-сонли (2017), "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5278-сонли (2017), "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5308-сонли (2018) Фармонлари шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши бу борада муҳим даврни бошлаб берди.

Масалан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттиришда хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган тамойилни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Либерал дунёқараш ва сиёсий амалиётнинг ривожланиш жараёни конституционализмнинг келиб чиқиши билан бевосита боғлиқ. Айнан либерал демократия шароитида конституция жамият томонидан тўла-тўкис талаб этилади ва шахснинг сиёсий-ҳуқуқий ҳамда иқтисодий имкониятларини намоён қилиш кафолатларидан бири сифатида майдонга чиқади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигига бағишланган тантаналарда Президент Ш.Мирзиёев Конституциямизнинг жамиятдаги роли ва аҳамиятига тўхталиб, қуйидагича таъкидлайди: «Айни пайтда биз Асосий қонунимиз талабларини тўлиқ амалга ошириш борасида ҳали олдимизда улкан вазифалар турганини яхши тушунамиз. Яъни, халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак. Энг аввало, одамларимиз ислоҳотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур. Айнан шу мақсадда биз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўяр эканмиз, салоҳият ва имкониятларимизни холис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрофлича танқидий

таҳлил қилдик. Шу асосда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик. Мазкур ҳужжат моҳиятига кўра, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги тизимли ислоҳотларнинг "йўл харитаси"га айланди» [1]

Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида қайд этилгани Тадбиркорлар ва ишбиланмонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик парятиси O'zLiDeP дастуридаги мақсад ва вазифаларга ҳамоҳангдир. Хусусан, солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш йўлини давом этиш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва рағбатлантиришнинг тегишли чораларини кенгайтириш, қолаверса, банк тизимини ислоҳ қилиш, банклар депозит базасининг капитализациясини чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончлигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестицион лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш шулар жумласидандир.

Муҳими, яқин беш йилга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, барча турдаги тўсқинликлар ва чекланишларни бартараф этиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида тўлиқ эркинлик беришга алоҳида урғу берилаётир. Яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувини қатъий олди олинади. O'zLiDeP ҳам давлатнинг аграр соҳадаги муносабатларини такомиллаштириш, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ривожлантирилишини қўллаб-қувватлайди ва бу ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этади. Зеро, партия қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни ҳал этмасдан туриб, иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттириб бўлмайди. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида либерал-демократик ғоялар уйғунлиги мамлакат конституцияси ўз аксини топган ва мустаҳкамлаб қўйилган. Одатда, конституция, янги давлат билан биргаликда туғилади. Унда халқнинг энг юксак орзу-умидлари ифодаланади. У миллатни ўз умрини ўтаб бўлган, самарасиз ижтимоий муносабатлар шаклига қайтишдан сақлашга йўналтирилади.

Айни пайтда, унда илғор ғоялар ва тараққиёт вазифалари аниқланади. Буни Америка давлатчилигининг шаклланиш даврида Александр Гамильтон (Ж.Вашингтон ва Ж.Мэдисон издоши) қуйидагича изоҳлаган эди: "Ўзгаларни бошқарадиган бошқарув тизимини яратишдаги энг катта қийинчилик қуйидагилардан иборат: дастлаб ҳукумат бошқарувчиларни назорат қилиш

[1] Мирзиёев Ш.М. Конституция - эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза) // "Халқ сўзи", 2017 йил 8 декабрь, № 247.

қобилиятига эга бўлиши зарур, кейин эса уни ўзини-ўзи назорат қилишига мажбур этиш лозим"[1].

Ўзбекистон конституционализми ривожланишининг ўзига хос хусусияти шундаки, юртимизда мустақилликка, демократик модернизациялашга ва миллий тотувликка интилиш ва ҳ.к.лар асосий ҳаракатлантирувчи куч ва омил. бўлиб майдонга чиққан. Шу билан бирга, тоталитар тузумдан мерос бўлиб қолган, яъни, конституцияга расмиятчилик нуқтаи назаридан муносабатда бўлишдек эски меросни таъкидламасликнинг иложи йўқ бўлиб, бунда конституция намойиш «стенд»и ёки «вывеска» ролини ўйнар ва ижтимоий муносабатлар жараёнига амалда қўшилмас эди. Бу ҳол, бугунги кунда ҳам ўзбек конституционализмига нормал ривожланиш имконини бермай келмоқда. Конституциямизнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий имкониятларини ҳали тўла ишга тушуриш имкониятига муваффақ бўлинмаётганлиги ҳақидаги сўзларини яна бир бор эслаш жоиз.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси айнан шу муаммоларни бартараф этиш мақсадига қаратилган. Қуйидаги ҳол ана шу мақсадни амалга оширишга ёрдам берувчи асосий омил бўлиб хизмат қилади. Яъни, янги Конституция ҳокимият маҳсули сифатида эмас, балки халқ ва тарих иродасининг маҳсули бўлиб майдонга чиққан ҳолдагина жамият ривожига интилишни ифодалаши мумкин.

Конституциянинг келиб чиқиши миллий давлатчилик ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, бугунги кунда у давлат ва жамиятни босқичма-босқич либераллаштириш, таъбир жоиз бўлса эркинлаштириш йўлидан бормоқда. Либерал ғоялар ва тамойиллар Асосий Қонунимизнинг биринчи учта қисмини ташкил этади. Либерал тамойиллар асосида давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг алоҳида қоидалари бешинчи қисмда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат, инсон ва жамият ривожланишининг либерал кўрсаткичлари қандай ифодаланган? Аввало, давлат суверенитети тўғрисидаги қоидаларда, яъни, 2-моддада, ижтимоий муносабатлар тизимида давлат механизмининг роли аниқ ифодаланган бўлиб, у халқ иродаси ва манфаатларининг акс этиши сифатида юзага чиқади, яъни, жамият давлатга нисбатан – бирламчидир. Давлат органлари ва мансабдор шахслар, – дейилади нутқда, – жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ушбу жумлада «фуқаролар»нинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини назорат этиш субъекти сифатида илгари сурилиши тасодиф эмас.

Халқ ҳокимиятчилигининг бу тамойиллари фақатгина либерал талабларга жавоб берибгина қолмай, балки уларни амалга оширишнинг ишончли кафолати сифатида ҳам юзага чиқади. Энг асосийси, бу тамойилларнинг барчаси, ҳақиқатда давлат ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги жавобгарлигини таъминлаш механизми

[1] Скидмор М.Д., Трипп М.К. Американская система государственного управления. – М.: Квадрат, 1993. – С. 45.

асосида ётади. Айнан шу муносабат билан конституция ва қонун устуворлиги тўғрисидаги III бобда ҳуқуқий қонунчилик кафолатларининг белгиланиши, ушбу қоидаларнинг мантиқий ривожланиши сифатида кўзга ташланади. Конституциянинг сўзсиз устуворлигини тан олиш лозимлиги императивини, бизнинг Асосий Қонунимизни инсонпарварлик моҳиятига жавоб берадиган қонунлар ва меъёрларнигина қабул қилиш мажбурияти сифатида тушуниш мумкин. «Ушбу Конституциянинг ҳеч бир Қоидаси, – дейилади 16-моддада, – Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар келтирадиган ҳолда талқин этилиши мумкин эмас. ҳеч бир қонун ёки бошқа меъёрий ҳужжат Конституциянинг меъёрлари ва тамойилларига зид бўла олмайди». Бу талаблар фуқаролик жамиятининг ажралмас атрибути сифатида республика ҳуқуқий тизимини замонавий, инсонпарвар ҳуқуқ меъёрларига яқинлаштиради.

Конституция устуворлиги ўз-ўзидан давлат ҳокимиятини чегараловчи сифатида юзага чиқади, ҳукуматга ўз вазифалари ҳамда белгиланган тартиблар доирасида ҳаракат қилиш мажбуриятларини юклайди. Агар ҳукумат ўз ҳатти- ҳаракатларини либерал конституция меъёрлари билан мувофиқлаштирадиган, унга мос келадиган қарорлар қабул қиладиган бўлса, бундай ҳукуматни табиий равишда либерал ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ҳамда либерал ғояларнинг уйғунликда ривожланиш тақдири кўп жиҳатдан миллий конституционализм ғояларига, Конституция тамойилларига ҳамда умумэътироф этилган либерализм талабларига қатъий риоя этишга боғлиқ. Аввало, ҳар бир кишига шуни етказиш зарурки, либерализм – ҳокимиятни ўзини ўзи чеклашга ён босувчи ёки чекловчи сиёсий-ҳуқуқий тамойилдир. Бу нафақат сиёсий нуқтаи назар, балки уни онги равишда эътироф этилишидир. Бундан ташқари, миллий конституционализм ривожланиши орқали шунга эришиш лозимки, фундаментал инсоний ҳуқуқлар миллий меросимиз, сиёсий тизим моҳиятига мос келиши билан бирга, ҳуқуқий либерализм ғояларига мос бўлиши лозим.

ИЛК РЕНЕССАНС ДАВРИ ЎРТА ОСИЁ ОЛИМЛАРИНИНГ ОИЛАВИЙ АЖРИМЛАР ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Эрйигитова Л. *– ТДТУ Термиз филиали катта ўқитувчиси*

Оилавий ажримларнинг олдини олиш борасида халқимиз катта ҳаётий ва ўзига хос миллий тажрибага эга. Мазкур тажриба ибтидоси халқимизнинг илк давлатчилик тамойиллари шакллана бошлаган даврларга бориб тақалади. Бундай тажрибани ўрганиш ва бугунги ҳаётимизга тадбиқ этиш оилавий ажримлар профилактикасида қўлланадиган энг муҳим жиҳат бўлиши даркор.

Илк уйғониш даврининг мутафаккирлари ҳисобланган Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқа алломаларнинг асарларида Марказий Осиёда яшаб келаётган халқлар, хусусан, ўзбек халқининг оилавий ҳаёти, ундаги ўзаро муносабатларнинг

миллий ҳамда ижтимоий-психологик хусусиятлари, эр-хотиннинг бурч ва вазифалари, оиланинг турмуш тарзи ва тарбиявий муҳити, низоли ва ажрим ҳолатидаги мақбул ечимлари ҳақида қимматли фикрлар мавжуд.

Оилавий турмуш ва ундаги шахслараро муносабатлар маданияти, зиддиятли ҳолатлар ва оилавий ажримлар масаласи буюк муҳаддис алломалар Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, илмий-назарий қарашларида ҳамда тасаввуф фалсафасининг йирик намоёндалари Аҳмад Яссавий, Абу Мансур Мотрудийнинг илмий-назарий қарашларида кенг ёритилгандир. Мутафаккирларимизнинг илмий меросини ўрганар эканмиз, уларда баён қилинган оилавий турмуш қоидалари, ундаги муносабатлар маданияти, фарзанд камолоти, эркак ва аёл муносабатлари, оилада мунозарали ҳолатлар пайдо бўлиши сабаблари ва уларни олдини олишдаги тўғри ечимлар топиш фазилатларининг шаклланиши ҳақидаги қимматли фикрлар ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий тараққиёти давомида тўпланган бебаҳо тажриба эканлигига, мазкур илмий мерос авлодлар узвийлиги асосида таркиб топган илмий-маданий меросига яна бир карра амин бўламиз.

Маълумки, муқаддас динимиз Исломда, унинг асосий манбалари ҳисобланган “Қуръони Карим” ва ҳадисларда ҳам оилавий турмушнинг ва эр-хотин муносабатларининг барча томонлари ҳақида қимматли маълумотлар ва шаърий қонунлар ёритилган. Аммо масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам борки, бу кўнгилни бироз ҳиралаштиради, яъни асрлар қаъридан, турли қийин вазиятлардан маърифатпарвар аждодларимиз саъй- ҳаракати ва фидойилиги туфайли эсон- омон сақлаб келинган бу миллий тажрибани бугунги авлод қай тарзда ва қанчалик идрок эта олади?[1] Тан олишимиз керак: кейинги истибдод йилларида миллатимиз ўз тарихий илдизидан зўрлик билан узоқлаштирилди, қадриятлари ва миллий менталитетини деярли йўқотиш даражасига тушиб қолди.

Мустақиллик туфайли ўзлигимизга қайтдик, демак оила қадриятлари борасидаги миллий тажрибани оилалар мустаҳкамлигига хавф солаётган оила ажримлари борасидаги муаммолар ечимида қўллашга имконимиз бор. Зардўштийликда никоҳ ва оила, уни низо ва ажримлардан холи бўлишлиги ва оилавий бурч масалалари муҳим ўринда турган, кўпхотинлилик ман этилган, балоғатга етганларнинг турмуш қурмаслиги қораланган. Шунингдек, унда никоҳ ва ажримларнинг ўзига хос мезонлари келтирилиб ўтилганки, ушбу мезонлар оилани ажримлар гирдобидан олиб чиқиб сақлаб қолишга йўналтирилган.

Исломда ҳам никоҳда икки томон тенг ва муносиб бўлиши маъқул топилган, ёшларни оилавий турмушга тайёрлашга жиддий ёндашганлар, ёшларни оила ҳаётига тайёрлашда уларнинг тенгини топиб уйлантиришга ҳаракат қилганлар, айниқса қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларга биринчи навбатда инсоний фазилатлар шаклланганлигига, оиланинг муқаддас эканлиги, уни асраб-авайлаш айнан уй бекаларига боғлиқлиги ҳақидаги аждодларимиздан ўтиб келаётган жиҳатлар сингдирилган. Бунга

[1] Рўзиқулов Ф.Р. Оила бузилишининг салбий асратлари / Халқ таълими. – 2001. – Б. 105.

бизгача етиб келган насиҳатнома, пандномалар, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қимматли ҳикоялар далил бўла олади.

Жумладан, Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” ва “Бахт-саодатга эришув ҳақида” асарларида инсон камолоти, билим ва тарбияси, аҳлоқи борасида тўхталиб, улар ичида оила муносабатларига алоҳида эътибор қаратади[1]. Оила муносабатларининг дарз кетишига, оқибатда оила ажримлари келиб чиқишида кераксиз урф-одатлар ҳам сабаб бўлишлиги ҳақида тўхталиб ўтади: “раҳбарлар ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда ўтмиш талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса турмушда хеч қандай енгиллик, ўзгариш ва ўсиш ҳам бўлмайди”.

Берунийнинг бу борадаги қарашлари “Минералогия“ номли асарида ўз ифодасини топган. Асарда шундай таъкидлар бор: “сен рашк қилишдан сақлангин, чунки бу ажралиб кетишнинг калитидар. Эрингга қараб ҳадеб гина қилаверсанг нафратни уйғотади”.[2]

Яна бири мутафаккиримиз Абу Али ибн Синонинг “Тадбири манзили“ асаридаги “Афсонавий беҳтарин занҳо” бўлимида аёлларнинг яхши ҳулқли бўлиши ҳақида сўз боради ва мазкур асарда аёллар оиласини мустаҳкамлашлари учун қандай ҳислатлар соҳибаси бўлишлари зарурлиги уқтирилади. Ибн Синонинг “Китоб уш-шифо“ асарида оила инқирози ва ажримига сабаб бўладиган омиллар ҳам кўрсатиб ўтилган. Буларга: агарда эр-хотинликдан фарзанд дунёга келмаган бўлса, хотин эрига ҳиёнат қилиб унинг эътиборини пасайтирса, хотин киши тарбиясиз бўлсаю, тарбия олишни истамаса, эр ва хотин бир-бирига ёқмайдиган характерли бўлса. Алломанинг “Донишнома”, “Рисолаи ишқ”, “Уй хўжалиги“ асарларида ҳам оила муносабатларига эътибор қаратилганлиги таҳсинга лойиқ.

Буюк мутафаккир Юсуф Хос Ҳожибнинг машҳур “Қутадғу билик” асарида ҳам турмуш ўртоғи танлашда унинг қайси сифат ва фазилатларига эътибор бериш зарурлиги, инсон шахсига хос фазилатларнинг оилавий ҳаётни бошқаришдаги ўрни ва аҳамиятини, эр-хотин муносабатларининг меъёрлари фаровон ва оилавий жанжалларсиз турмуш кечиришнинг муҳим шартлари ҳақида фикрлар келтиради.

Мотирудийнинг илмий меросида ҳам оила ва унинг барқарорлиги масаласида бугунга қадар кўпчилик томонидан ўрганилган жиҳатлар кўпдир. Хусусан, аллома “..инсон у дунё ва бу дунёдаги тақдирини ўзи яратиши, инсон эркинлиги ва ҳурлигини таъминловчи куч – ҳар бир ҳаётий вазиятда оқилона меъёр, муросавий мувозанатни таъминлай билиш тамойилларига риоя қила олишдан иборатдир деган концепциясига кўра айни мувофиқлигини ҳамда инсоннинг ҳар ишга қодирлиги ва масъуллиги ғоясининг мамлакатимиз тарихида маънавий пойдевори мавжудлигини кўрсатади. Исломдаги калом илми, ақоид таълимотлари қаторида аллома инсонни бошқалар билан муносабатларида оила муҳитидаги конфликтли

[1] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Мерос, 1993. – Б. 224.
[2] Беруний. Минералогия. – М., 1963. – С. 25.

ҳолатлар пайдо бўлган ҳолатларда ҳам “экзистенциалистик ёндашув кишини комформизмдан, яъни лоқайдлик ва бефарқликка берилишдан халос бўлишга даъват этади”.[1] Бунда гап ҳаётий вазиятда оқилона меъёр ва муросавий мувозанатни таъминлай билиш тамойилларига риоя қила олиш инсон эркинлиги ва ҳурлигини таъминловчи куч эканлиги ҳақида бормоқда.

Илк Ренесанс даври мутаффакирларининг оила ва тарбия ҳақидаги тадқиқотларини ўрганиш жараёнида қуйидаги хулосага келишимиз мумкин: оила жамиятнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, унинг шаклланиши ва ривожланиши жамият ҳаётидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий муносабатлар билан бевосита боғлиқ равишда амалга ошган.

Тадқиқотларни ўрганар эканмиз, унда оилавий муносабатлар ва оила мустаҳкамлигининг асоси ҳуқуқий, ахлоқий асослари ота-оналарнинг жамият ва фарзандлар олдидаги бурчи масаласи доим алломаларимизнинг диққат марказида бўлганига амин бўламиз, ёшлар оиланинг буюк маънавият, қадрият, бурч ва маъсулият эканини англаб етмоқлари зарурлиги, мустаҳкам оилани шакллантириш борасидаги миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз ҳақида ёшлигиданоқ тўлиқ ва тўғри тасаввурга эга бўлишлари лозимлигини таъкидланганлигига амин бўламиз.

[1] Бекмуродов М. Ўзбек менталитети – Т.: Info Capital Grup; 2011. – Б. 192.

III ШЎЪБА. АМАЛИЙ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА “ШАХС ВА ЖАМИЯТ” МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

МЕҲР ҲОДИСАСИНИ БИР ЎЛЧАМЛИ ШКАЛА АСОСИДА БАҲОЛАШ

Каримов Б.Ш. *– ЎзРП ҳузуридаги ДБА докторанти*

Меҳр ва меҳрлилик ижтимоий муносабатлар тизимида мураккаблиги ва кўп қирралилиги билан характерланади. У дастлабки ижтимоий муносабат шакли сифатида она меҳрида намоён бўлади. Меҳр бир вақтнинг ўзида индивидларнинг ўзаро таъсири, ахборот алмашинуви, бир шахснинг бошқа шахсга муносабати, бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиши, инсонларнинг бир-бирига ҳамдардлик билдириш имконияти, шахсларнинг бир-бирини тушуниши жараёнлари билан боғлиқ.

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнларининг узвий қисми сифатида намоён бўлаётган ғарбона демократлашув шарқ халқлари ҳаётига қийинчиликлар билан томир отмоқда. Баъзан эса кутилган натижаларнинг мутлақо тескари ҳолатларига ҳам дуч келиб қоламиз. Буни шахслараро муносабатлар тизимида ҳам кузатишимиз мумкин. Айни вақтда инсоният ялпи глобаллашув жараёнларига тобора фаолроқ интеграциялашмоқда. Шу билан бир вақтда халқларнинг ўзини ўзи англаш даражалари ҳам юксалиб, миллий мерос, ўз халқининг тарихий-маданий тажрибаларига мойиллик туйғуларининг кучайиши тенденциялари ҳам кузатилмоқда.

Жамиятда меҳрлилик муносабатларининг кенгайиши инсонлар ўртасида умумийлик, ўхшашлик ва уйғунлик каби сифатларнинг ривожланиб боришига олиб келади. Оила муҳити ва ундаги муносабатлар ана шундай фаол муносабатларга киради.

Инсонда меҳр етишмовчилиги жамиятда бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Бола характерида тажоввузкорликнинг пайдо бўлиши сабабларидан бири она меҳрига зорлик, ота-оналар тарбиясига бўлган эҳтиёжнинг қондирилмаслигидандир.

Бугунги кунда жамиятда вужудга келаётган бир қатор ижтимоий муаммоларни меҳр тушунчаси билан боғлиқ ҳолда ўрганиш мумкин. Шахслараро муносабатлар, фарзанд тарбияси, эр-хотин, устоз-шогирд, қайнона-келин, ака-ука, опа-сингил, фарзандларнинг ота-онасига бўлган муносабатларида буни кўриш мумкин.

Инсон меҳрни намоён бўлишининг энг юксак ва самимий чўққиси, кўплаб олимлар ва мутафаккирларнинг фикрларига кўра, бу онанинг фарзандига бўлган меҳри ҳисобланар экан.

Жамиятда меҳрилилик муҳитини янада мустаҳкамлаш, шахслараро муносабатларда, айниқса бугунги кунда ота-оналарнинг фарзандига, фарзандларнинг ота-оналарига, бобо-бувиларнинг невараларига, қайнонани келинига, ака-укалар, қариндошлар, умуман жамият аъзоларининг бир-

бирларига нисбатан меҳрини ошириш жамиятда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлайди.

Жамиятда инсонда меҳрга доимий эҳтиёж мавжуд. Ижтимоий муносабатларда меҳрлилик даражасини баҳолаб бориш орқали жамиятда меҳрибонлик муҳити ҳолатини аниқлаш ижтимоий барқарорликни таъминлаш имкониятларини кенгайтиради.

Ижтимоий тадқиқотлар ва Етарли асос қонунига таяниб юзга яқин тушунчалар меҳрни ифодаловчи котегориялар сифатида асосланди. Мазкур категориялар асосида меҳр билан боғлик муносабатларни баҳолаш бўйича шкалаларни шакллантириш мумкин.

Қуйида "Меҳрлилик даражасини баҳолаш индикатори (онанинг болага бўлган меҳри)" намунасини ҳавола қиламиз. Мазкур индикатор баҳоловчи шкала асосида шакллантирилган бўлиб, ҳаракатнинг рақамларда ифодаланиши тадқиқотчи томонидан эмас, балки объектнинг ўзи томонидан ёзилиши ёки баҳоланиши билан аҳамиятлидир. Буни тадқиқотчи муайян муносабатлар тизими ҳақидаги респондентларнинг фикрларини жамлаш асосида ишлаб чиқади. Тавсия қилинаётган шкала асосида шахслараро муносабатларда меҳрилилик даражасини баҳолаш мумкин. Албатта буни янада такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Индикаторда ўзида меҳрилиликни ифодалайдиган тушунчалар шкала бирликлари сифатида келтирилган. Индикатор асосида бир шахс (анкета тўлдирувчи)нинг иккинчи шахсга нисбатан муносабатларидаги меҳрлилик даражаси баҳоланади. Шкалада онанинг болага меҳрини ифодаловчи 53 та категория танлаб олинган. Мазкур тушунчалар кичик гуруҳларда гуруҳ аъзоларининг билдирган фикрлари асосида шакллантирилди. Бу тушунчаларнинг меҳрни ифодалаши бўйича экспертлар фикри олинди. Ушбу котегорияларда онанинг болага бўлган меҳрини ифодаловчи тушунчаларни илмий асослаш мақсадида мантиқий етарли асос қонунига кўра таҳлил қилинди.

МЕҲРЛИЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРИ:

(Онанинг болага бўлган меҳри)

ТЎЛДИРУВЧИ ШАХС:	КИМ УЧУН ТЎЛДИРИЛАДИ:
Ф.И.Ш.:_____. Ёши:_____. Жинси:_____. Ижтимоий келиб чиқиши:_____. Касби:_____. Манзили:_____.	Ф.И.Ш.:_____. Ёши:_____. Жинси:_____. Манзили:_____. . Сана:_____йил

Т/р	Тушунчалар	Бир кунлик амаллар сони (тахминан белгилаш мумкин)	Ўз муносабатингизни 5 баҳода баҳоланг
1. Меҳрнинг контактли шакллари:			
1.	Қучоқлаб бағрига босиш		
2.	Қўл бериб саломлашиш		
3.	Юзидан ўпиш		
4.	Юзини силаш		
5.	Бошини силаш		
6.	Овқатлантириш		
7.	Вақтида эмизиш		
8.	Елкасига қоқиб қўйиш		
9.	Елкасини силаш		
10.	Пешонасидан ўпиш		
11.	Пешонасини силаш		
12.	Кўтариб юриш		
13.	Опичлаш		
14.	Қўлтиқ остидан юқорига кўтариб эркалаш		
15.	Бирга ролли ўйнаш		
16.	Кийинтириш		
17.	Ҳадялар бериб туриш		
18.	Уқалаб қўйиш		
19.	Ухлаганида кўтариб жойига ётқизиб қўйиш		
20.	Ухлаганда ўпиб қўйиш		
21.	Эрталаб эркалаб уйғотиш		
22.	Кутиб олиш, кузатиш		
2. Меҳрнинг контактсиз шакллари:			
23.	Самимий табассум қилиш		
24.	Қўлни кўксига қўйиб самимий ҳурмат кўрсатиш		
25.	Маъқуллаб бош силкиб қўйиш		
26.	Қўл силкиб хайрлашиш		
27.	Суҳбатлашиш (самимий, ҳазиломўз сўзлар билан)		
28.	Номини эркалаб айтиш		
29.	Биргаликда сайр қилиш		
30.	Ибратли иш ва ҳаракатини рағбатлантириш		
31.	Самимий суҳбат		
32.	Эртак айтиб бериш		
33.	Болани тинглаш		
34.	“Сени яхши кўраман”, “Паҳлавоним”, “Онажоним”, “Меҳрибоним” каби эркаловчи сўзларни айтиш		
35.	Истакларини инобатга олиш		
36.	Мақташ		
37.	Ҳимоя қилиш		
38.	Рақсга тушиш		
40.	Алла айтиш		
41.	Шеър ёдлатиш		
42.	Хайрли дуо қилиш		
43.	Муаммоларини эшитиш		
44.	Қўшиқ айтиб бериш		
45.	Бирга мультфильм ва фильмлар томоша қилиш		

46.	Фойдали маслаҳатлар бериш		
47.	Соғлиги ҳақида қайғуриш		
48.	СМС юбориш		
49.	Телеграм орқали гаплашиб туриш		
50.	Смайлик ҳазиллар юбориш		
51.	Интернет орқали хабарлашиб туриш		
52.	Бирга сайр қилиш		
53.	Бирга таом тайёрлаш		

Анкетани тўлдирувчи шахс бир кунлик ўртача ёки умумий ўртача муносабатларини шкалага сон тартибида (яъни неча маротаба) қўйиб чиқади.

Қўйилган рақамлар интервьюер ёки электрон дастур томонидан умумлаштирилади ва 17 га бўлинади. Чиққан натижа анкета тўлдирувчи томонидан кўсартилган меҳрибонликнинг индекси ҳисобланади:

Мс / t = М; бунда: *Мс* – меҳрибонликлар сони, *t* – вақт, *М* – меҳрлилик индекси. Мисол: 53/17=3.

Бизнинг мисолимизда анкета тўлдирувчи томонидан амаллар сони 53 ни ташкил этган. Чиққан сонни 17 га ***[1]*** бўлсак ҳосила 3,1 чиқади. Демак, меҳрибонлик индекси 3,1 га тенг.

Шкалада ўртача индекс кўрсаткичи 0-5 ёш учун 7 балл, 6-15 ёш учун 3 балл, 15 ёшдан юқари 2 балл қилиб белгиланган ***[2]***. Мижозга шкаладаги бирликлар асосида ёшига кўра ўртача кўрсаткичдан келиб чиққан ҳолда мутахассис томонидан ёки электрон дастур асосида тавсиялар ишлаб чиқариб берилади.

Мисол учун, меҳрлилик индекси юқорида айтганимиздек, 3,1 балл чиққан бўлса ва объект 4 ёшда бўлса бу паст кўрсаткич ҳисобланади. Чунки бу ёшда индекс ўртача 7 балл бўлганда меъёр ҳисобланади. Бундай ҳолатда мутахассис томонидан шкала параметрларидаги 0 ҳамда паст кўрсаткичларга эътибор қаратилади. Шу кўрсаткичларни неча маротабага ошириш кераклиги бўйича шкала бирликлари кесимида рақамларни қўйиб, анкета тўлдирган шахсга объектга нисбатан етишмаётган контактли ва контактсиз меҳрибонлик йўналишлари асосида тавсиялар ишлаб чиқади.

“Меҳрлилик даражасини баҳолаш индикатори”ни (юқорида фақат онанинг боласига нисбатан меҳри) исталган шахслар ўзларининг меҳрлилик даражасини баҳолаб, бу борадаги муносабатларини яхшилаш бўйича зарур маълумотга эга бўлишлари мумкин. Оила ва меҳнат жамоаларида қўллаш орқали шахслараро муносабатларда меҳр ҳамда меҳрлиликни ошириш билан жамиятда фаоллик ва барқарорликни таъминлаш мумкин. Хусусан, оилавий муносабатларда:

- онанинг фарзандига — фарзанднинг онасига
- отанинг фарзандига — фарзанднинг отасига
- опанинг сингилга — сингилнинг опасига
- аканинг укага — уканинг акасига
- бобонинг неварасига — невараниг бобосига
- бувининг неварасига — невараниг бувисига
- қайнонанинг келинига — келиннинг қайнонасига

бўлган меҳрлилик даражасини баҳолаб, оилавий муносабатларда барқарорликка эришишга кўмаклашиш мумкин.

Субъект томонидан берилган меҳрни объект қанчалар англайди, буни билиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун берилган меҳр билан олинган меҳр ўртадаги фарқни қиёсий таҳлил асосида аниқлаш ва тушунмовчиликлар динамикасини белгилаб олиш муҳимдир. Мазкур индикатор билан муносабатларни ҳам миқдорий, ҳам сифатий таҳлил қилиш мумкин. Айни пайтда индикаторлар тизимини ишлаб чиқиш:

- меҳр тушунчаси таркибини аниқлашни;
- респондентнинг бошқа субъектга нисбатан муносабатини баҳолаши билан бирга ўз фаолиятидан қониқиш даражасини ўзи томонидан баҳолашини;
- сифат кўрсаткичларини рақамлаштириш орқали миқдорий баҳолашга эришишни;
- жамиятда меҳрлиликни ошириш орқали субъектларни ижтимоий муносабатларга киришувчанлик салоҳиятини ривожлантиришни;
- меҳрлилик асосидаги муносабатларни такомиллаштириш орқали шахсни ҳар томонлама фаоллаштириш ва ижтимоий жараёнларни барқарорлаштириш имконини беради.

Изоҳлар:

[1] *Бир кеча-кундуз 24 соат, шундан ўртача уйқу вақти 7 соат деб белгилаб ундан айрисак, 17 сони келиб чиқади. Бу кунлик меҳрибонликни ифодалаш даври, деб белгиланди.*

[2] *Бунда 7, 5, 2 каби ўртача индекслар олинди. Ёш катталашгани сари шахслараро ижтимоий дистанция оралиғи ошиб боради. Бу, ўз навбатида, меҳрибонликни ифодалаш индексининг тушиб боришига олиб келади. Шунингдек, респондентлардан олинган натижаларнинг ўртача нисбати ўртача меъёрий кўрсаткич сифатида олинди ва ёшига кўра фарқланиши нисбати белгиланди. Шкала бирликларини умумлаштиришда субъект томонидан ташқи оламдан келаётган маълумотларни идрок қилишнинг аудиалист, визуалист, кнестетик, дискрет шахс типлари инобатга олинди.*

МАДАНИЙ ТАЛВАСА

Каланова С.М. *– ЎзМУ доцент в.б.*

Сўнгги вақтларда илмий адабиёт ва ОАВ да “маданий талваса (шок)” атамасини ишлатилаётганлигини тез-тез учратиш мумкин бўлиб қолди. Ушбу атамани илк бор 1960 йили америкалик тадқиқотчи Калерво Оберг (Kalervo Oberg) илмий муомалага киритган.

Ўқувчида “маданий талваса” хусусида тушунча ҳосил қилишдан олдин “маданият” сўзининг ўзи нимани англатишига эътиборни қаратсак. Ўзбек тилидаги кўплаб энциклопедик луғатларда “Маданият” арабча – мадина (шаҳар, кент) сўзидан келиб чиққан бўлиб, у табиат ва ўзаро муносабатларда

акс этадиган инсон фаолиятининг ўзига хос усулидир, деган маънода талқин қилинади. “Маданият алоҳида шахс (индивид), социал гуруҳ ёки жамиятнинг ҳаёт фаолияти усулини акс эттирадиган тушунчадир.

Дастлаб, маданият тушунчаси инсоннинг табиатга нисбатан мақсадга мувофиқ таъсири (ерга ишлов бериш, яъни культивация қилиш, лотинча culture сўзидан олинган), ҳамда инсоннинг ўзини тарбиялаш, ўзига ишлов бериш маъноларида ифодалаган. Кейинчалик маданият тушунчаси воситасида “цивилизация” (тараққиёт) билан боғлиқ мазмун тушунила бошланди. Маданият инсон фаолиятининг махсули ва сифат кўрсаткичи саналади. Инсоннинг ўзи ҳам пировард натижада маданият маҳсулидир. Жамиятдаги маданий муҳит қандай бўлса, инсон ҳам шундай шаклланади”.[1]

Инсонда маданий талваса ҳолатига тушиш, унинг ўзга муҳитга тушган ҳолатда бошқа бир маданият билан тўқнаш келиши ва шунинг натижасида ўзида дискомфорт, яъни ноқулайчиликларни ҳис этган пайтда вужудга келади.

Ўқувчимизга муаммони янада тушунарли бўлиши учун бир қатор мисолларни келтириш мумкин. Табиатан ҳисоб-китобли ва ўзига хос тартибга амал қилиб яшайдиган ғарблик киши учун ўзбеклар турмуш тарзида алоҳида аҳамият касб этадиган наҳорги ош маросими уни маданий талваса ҳолатига солиши аниқ. Чунки эрта тонг саҳардан мусиқа садолари остида тўкин дастурхон устида иссиқ сомса ва ёғли паловни 200 тадан 500 тагача одамга текинга тарқатилаётганини кўриб, у ўзида дискомфорт сезади. Шунингдек, унинг эрталабки нонушта вақтида бир чашка кофе ёки апельсин шарбатини ичиб, кейин ишхонасига кетишини ҳисобга олинса, ушбу маросим жараёни билан илк тўқнаш келган ҳар қандай одам ўзида ноқулайликни ҳис этади. Ўз навбатида, бошқа ҳар қандай жамият кишисининг ўзга маданий дунёга тушиб қолганда шу каби маросим ёки одатлар олдида дезориентация, яъни ажралиб қолиш ҳолатини кузатиши мумкин.

Ф.Бок фикрича, маданий талваса инсонда ўзга дунё билан ўзаро фаолиятга киришиш натижасида ўзи учун нотаниш бўлган белги ва рамзлар билан тўқнаш келиш оқибатида вужудга келадиган ташвишли ҳолат, ҳадиклар асосида пайдо бўлади.[2]

Маданий талвасанинг пайдо бўлиши оддийдан мураккабга қараб боради ва инсонда пессимистик, яъни нохушлик кайфияти даражаси қанчалик юқори бўлса, у шунчалик кўп маданий талвасага тушади. Бунда эски билан янги ўртасидаги тўқнашув, кечаги кун билан бугуннинг бир-бирига мос тушмаслиги, авлодлар ўртасидаги зиддиятлар, географик ҳудуднинг ўзгариши асосида ҳам психологик ва социал кайфиятдаги талваса ҳолатларини кузатишимиз мумкин.

Маданий талваса фақат бир шакл билан узоқ муддатли давом этмайди. Бунинг учун индивид ўзида мавжуд бўлган стереотип (онгда қотиб қолган

[1] Фалсафа: қомусий луғат. (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 230.
[2] Ph.K.Bock. Culture Shock. A reader in modern cultural anthropology. – New York, 1970. – P. 23.

одатлар)ларни қайсидир тартибда сингдириб боради. Жумладан, XX аср таълим тизимида эркак ва аёл жинсига мансуб бўлган кишиларнинг бир синфда билим олиши маданий талваса сифатида пайдо бўлган. Бугун бу жараён оддий ҳолатга айланиб улгурди. Ёки аёл кишининг автомобил рулини бошқаришини бундан 20-30 йил олдин кўриб, ўзида ноқулайчиликларни ҳис этган қанчадан-қанча одамларни учратиш мумкин эди.

Умуман олганда, маданий талваса шахснинг индивидуал, яъни алоҳида шаклланиб бораётган онгида икки хил маданиятнинг ўзаро тўқнашуви маҳсули, дейиш мумкин. Айниқса, дунёнинг глобаллашуви ва ахборотлар кўлами тарқалиши авж олиб бораётган бугунги даврда ҳар қандай одам бир неча бор у ёки бу даражадаги маданий талваса ҳолатини ўз танасида ҳис этиши мумкин. Бунга миллий ёки диний фарқлар, кийиниш, овқатланиш, мусиқа, оилавий муҳит тарбияси каби омиллар таъсир ўтказади. Шу сабабли, таъкидлаш мумкинки, танганинг икки томони бўлганидек, бир жиҳатдан маданий талваса ҳолатидан кимдир тезда ўзини ўнглаб олса, иккинчи бир ҳолатда инсонлар оғир ноқулайликлар ичида қолиб кетиши мумкин. Бу эса ўз навбатида, жамиятшунослик фанлари мутахассисларини қайта-қайта муаммога доир илмий тадқиқот изланишларини олиб боришга даъват этади.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ШАХС БАРКАМОЛЛИК ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Ахмедова Ф.М. *– ЎзМУ катта ўқитувчиси*

Ўрта асрларда яшаб ўтган буюк мутафаккирларимизнинг асарлари баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг шахсий фазилатларини шакллантириш ва мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Аждодларимиз ўз асарларида маънавий жиҳатдан комил инсон тарбияси бўйича гуманистик фикрлар илгари сурилган бўлиб, унга фақат юқори савиядаги, илм-фан, одоб-ахлоқ, яъни таълим ва тарбиянинг ва ҳамоҳанг амалиётини шакллантириш асосида эришиш мумкинлигини уқтиришган.

Имом Бухорийнинг “Ал жомеь-ас саҳиҳ” асарида ўқиш, меҳнат ва унинг касбдаги афзалликлари ҳақидаги кўп ҳадисларни ўз ичига олади ва бу ёшлар келажаги учун жуда муҳимдир. Шуниси эътиборлики, унда касбий ахлоқ-одоб қоидалари билан боғлиқ масалалар мавжуд. Улар юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодни барча касбларга йўналтиришда муҳим манба бўлмоқда.

Шарқ мутафаккирларидан энг буюкларидан бири Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийдир. У асосан математик олим сифатида шуҳрат қозонган ва ўз билимларини амалда қўллашда талаба-ўқувчи, яъни илми толибнинг шахсий кузатувларига катта эътибор қаратган. Мутафаккир идрокни сезги билан мантиқий тасаввур орқали қандай ажратиш ҳақида қуйидаги доно фикри диққатга сазовор: “сезги томонидан идрок – агар бу қисман билиш бўлса,

унда мантиқий билиш ҳақиқий идрокнинг муҳим томонининг намоёнидир”[1]. Шундай қилиб, Хоразмий ўз ғоялари билан билиш назариясига муҳим ҳисса қўшди биринчилардан бўлиб, текшириш-кузатиш ва синов усулларига таяниб, самовий жисмларнинг ҳаракатларини акс эттирувчи жадвал асосида алгоритм ёрдамида математик муаммолар ечимини яратди. Буюк қомусий аждодимиз шахс интеллектуал камолотини билиш ва уйғун ривожлантириш масалаларида ўз ўрнига эга.

Ўрта асрлардаги ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиши мутафаккир Абу Наср Форобий номи билан боғлиқ бўлиб, унинг шахсни комилликка етказишга оид таълимоти катта аҳамиятга эга. Ўзининг чуқур илми, фикр доираси кенглиги боис машҳур юнон файласуфи Аристотелдан кейин Форобийни “Муаллим ас-Соний”, яъни иккинчи муаллим деб аташади. Унинг баркамол шахсга бўлган қарашлари “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахтга эришиш тўғрисида”, “Ихсо ал-улун”, “Илмларнинг келиб чиқиши”, “Ақлнинг маъноси тўғрисида” каби асарларида ифодаланган. Форобий асарларининг асосий мезони – жамият ва давр талабларига жавоб бера оладиган ва хизмат қила оладиган мукаммал шахснинг асосий фазилатларини шакллантириш ва уни комиллик сари ундашдир.

Форобий Ер юзида фақат инсон билиш қобилиятига эга эканлиги, ҳақиқатни билиш шахс ривожланишининг табиий шартларидан бири деб хисоблайди. Мутафаккирнинг фикрига кўра, иккита хусусият инсонга тегишлидир: бири табиат томонидан унга берилган хусусиятлар бўлса, иккинчиси эса таълим ва тарбия орқали ўз хоҳиши-иродаси билан олинадиган хусусиятлардир. Унинг фикрича, маърифат – тарбияловчи керакли йўналишда истакларни бошқариш санъатидир. Аллома, инсонга тегишли бўлган энг юқори чўққи – бу унинг бахтга эришишидаги саъйи-ҳаракатидир. Ва бахтга фақат фойдали билимлар тўплангандан кейингина эришиш мумкин, деб ҳисоблаган. Чунки, инсон руҳиятида завқланишнинг энг олийси бу билим олиш жараёни.

Форобий юқори даражадаги бахтга эришишни истаганларнинг барчасига доимо билимга эга бўлиш зарурлигини тавсия қилган. Чунки “жуда катта маълумотга эга бўлган киши мақсадини тўғри танлай олади”, дейди қомусий олим. Унинг фикрича, киши назарий билимлардан ташқари ахлоқни ҳам ўрганиши керак, чунки ҳақиқат ва яхшилик ўзаро уйғундир. Илм олиш орқали инсон ҳақиқатни англайди ва одоб ахлоқи юқори бўлган одам яхшилик қилиши мумкин[2].

Комиллика олиб борадиган йўл – бу барча камчиликларни бартараф этиш, эзгу фикрлар ва хайрли ишларга ишониш, ҳақиқатни излашда билим олишга интилишдан иборат. Барча фазилатларнинг манбаи ўқиш, ўқитиш, зиё ва маърифатдир. Тарихдан маълумки, буюк аждодларимиз фалсафий асарларида инсон камолотининг мезонлари хусусида чуқур фикр юритишган. Хусусан, Абу Наср Форобий баркамол шахс ва адолатли жамият ғоясини

[1] Ал-Хоразмий Мухаммад ибн Мусо. Танланган асарлар. Алжобр ва ал мукобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб. – Тошкент, 2010. – Б. 77.

[2] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент.:Мерос, 1993. –Б.161

инсон комиллиги пойдевори сифатида тарғиб қилган. Ахлоқий фазилатлар асосида инсонни комилликка етаклайдиган фазилатлар шакллантирилиб шахсий фазилатлар жамиятнинг маънавий оламидаги ижтимойилашув билан чамбарчас боғлиқдир, деб ҳисоблайди аллома.

Дарҳақиқат, инсоният бирдамлик ва осойишталикда тараққиётга эришади. Барча маънавий фаолиятнинг асосий мақсади тараққиётга эришиш эканлигини ҳисобга олиб, буюк аждодларимизнинг ахлоқий қадриятларини инсонпарварлик, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини шакллантириш учун асос деб биламиз.

Қомусий олим Абу Райҳон Муҳаммад ибн ал-Беруний X аср охири – XI аср бошларида ўта оғир тарихий даврда яшаб ижод қилган. Мутафаккир олимларнинг қалбларини ёмон иллатлар, инсон ўзлигини яхши ҳис қила олмайдиган ҳолатлар, хусусан, нохуш одатлар, шуҳратпарастлик, беҳуда рақобат, очкўзлик ва шон-шарафдан сақланиш кераклиги уқтирган. Унинг фикрича, барча ёмонликларнинг асосий сабаби жаҳолатдир. Мутафаккир ҳар қандай инсон билимни эгаллашда ижтимоий муҳитнинг роли, илм олишга бўлган қизиқишнинг аҳамияти ҳақида қайд этар экан, у толибни тушунишга, ўрганишга ва ахлоқий покликка риоя қилишга жиддий эътибор қаратди. Берунийнинг фикрича, ахлоқ инсоннинг энг асосий фазилати бўлиши керак. Ахлоқ маълум бир ижтимоий муҳитда, одамларнинг ўзаро таъсири даврида шаклланади[1].

Бу борада алломанинг куйдаги фикри диққатга сазовор: “Бизнинг мақсадимиз ўқувчини эзмаликдан сақлашдир. Охир-оқибат, битта саволни узоқ ўрганиш зерикиш ва сабрсизликни келтириб чиқаради, аммо агар (ўқувчи) саволдан яна саволга ўтадиган бўлса, у турли хил боғларни айланиб чиқаётгандай бўлади – у битта боғдан ўтишга улгурмай, бошқа боғ бошланиб қолади. Ҳар бир одам бу “боғларни” кўришни ва томоша қилишни истайди”[2].

Улуғ олимларимиздан яна бири – Абу Али ибн Сино, фалсафий рисолаларида баркамол шахс ҳақида ўз фикрларини билдирар экан, мукаммалликка эришишнинг илк мезони илм эканлигини таъкидлайди, ҳар қандай вазиятда ҳам фақат илм олишга чорлайди. Чунки фан табиат ва жамият қонуниятларини очиб беради ва уларни авлодларга етказади. “Эй биродарлар! Одамларнинг ботири машғулотдан қўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг қўрқоғидир”. Ҳақиқий билимли одам жасур бўлади, ўлимдан қўрқмайди, фақат ҳақиқатни билишга интилади, у дунёни англашда ва ўрганишда давом этади, деб ҳисоблайди ибн Сино[3].

Ибн Сино инсоннинг шаклланишида уни ўраб турган ижтимоий муҳит ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлиги, бу муҳит одамни нафақат дунё ҳақида хабардор қилибгина қолмай, балки унинг хулқ-атворида яхши ёки ёмон томонларини таркиб топишига ҳам таъсир этишини, шунинг учун болаларни

[1] Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 3-жилд – Тошкент, 1966. – Б. 80.
[2] Бируни Абу Райхан. Избранные произведения. Т. I. Памятники минувших поколений. // Пер. и прим. М.А. Салье. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1957. – С. 15.
[3] Абу Али Ибн Сина. Философский трактаты. – М.: Наука, 1980. – С. 43.

тарбиялашда салбий ижтимоий муҳитдан узоқлаштириш ва эҳтиёт бўлиш кераклигини қайд этади. Аллома назарий ва амалий билимлар билан биргаликда жисмоний тарбиянинг муҳимлигига урғу беради. Таҳлил натижасига кўра, Ибн Синодан олдин жисмоний тарбия шахснинг камолотга эришишига имкон бериши тўғрисида яхлит ва мукаммал таълимот яратилмаган эди. Баркамол шахс хусусиятларини шакллантиришда у интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбияни уйғун ривожлантиришга катта эътибор беради. Тиббиёт фанининг инсон танаси ва руҳий тарбияси билан узвий боғлиқлиги таҳлили Ибн Сино фалсафасининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Ибн Синонинг инсонпарварлик, шахсият ва маънавият ҳақидаги қарашлари унинг ахлоқий ғояларида акс этган. Ахлоқ ҳақидаги рисоласида олим шахсни такомиллаштириш ҳақида сўз юритар экан, ҳалоллик, сахийлик, сабр-тоқат, шараф, меҳнатсеварлик, очиқлик, виждонлилик, садоқат, дўстлик, ростгўйлик тушунчаларини кенг изоҳлайди.

Дарҳақиқат, ўрта асрлар Шарқ алломалари асарларида жамиятнинг ривожлантириш ғояси алоҳида ажралиб туради. Бунда соғлом ижтимоий муҳит ғоясига эътибор қаратилиб, саломатлик инсон камолати ва унинг моддий ва маънавий ҳаётини яхшилашда ва амалий асос бўлишини белгилайди. Барқарор ижтимоий муҳитни жаҳлдорлик, ховлиқмаслик, хиссиётга берилиш холатлари издан чиқаради.

Умуман олганда, Ўрта асрларда яшаган аждодларимиз шахснинг баркамоллик қиёфасини яратишга катта хисса қўшишди. Улар орасида Абдураззоқ Самарқандий, Абдураҳмон Жомий, Жалолиддин Давоний, Ҳусайн Воиз Кошифий каби буюк мутафаккирлар ҳам ўрин олган[1]. XX асрда ёш авлоднинг шахсий фазилатларини шакллантириш тўғрисидаги фалсафий қарашларни илгари сурган Абдулла Қодирий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат каби маърифатпарварлар алоҳида ўрин тутишади. Ҳусусан, Абдулла Авлонийнинг “Илм, ахлоқ ва хатти-ҳаракатлар ёшлар учун зийнатдир” ва Абдурауф Фитратнинг оиладаги маънавий ва ахлоқий ҳаёт ҳақидаги ҳикматли гаплари бунга мисолдир.

Шундай қилиб, буюк мутафаккирларимиз ўзларининг буюк асарларида баркамол авлодни тарбиялашда илм-фан, маърифат, ахлоқ-одоб масалаларини уйғун тарзда олиб бориш заруратини тадқиқ этишган.

СОЦИАЛ МОБИЛЛИК – ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТНИНГ МУҲИМ ОБЪЕКТИ

Ахмедов Н.Х. *– ЎзМУ катта ўқитувчиси*

Ижтимоий ҳаракатчанликнинг муҳим қисми бўлган, индивиднинг бир қатлам, синф ёки гуруҳдан бошқасига ўтишини ифодалайдиган социал мобиллик ҳодисалари, мана деярли бир асрга яқин давр ичида жаҳон социология фанида атрофлича ўрганилди ва ўрганилмоқда. Айни пайтда,

[1] Зиямухамедов Б., Баркамол авлодни вояга етказиш сирлари. – Тошкент: Сино стандарт, 2011. – Б. 121.

Ўзбекистоннинг салкам 30 йиллик мустақил тараққиёти мобайнида тамомила янги стратификацион тизим шаклланган, миллионлаб одамлар социал мобилликнинг турли каналлари орқали жамиятда ўз ўрнини топган бўлса-да, аммо бу жараёнлар шу пайтгача илмий тадқиқ этилмади. Мазкур мақола шу жараёнларни ўрганишнинг методологик негизлари таҳлилига бағишланган.

Фанга "социал мобиллик" тушунчасини биринчи бўлиб Россиядан АҚШга 1922 йили кўчиб ўтган социолог Питирим Сорокин киритган. Бу олим фикрича, социал мобиллик кишиларнинг ижтимоий ҳаётда икки йўналиш бўйича ҳаракат қилишидир. Биринчиси – вертикал йўналишда бўлиб, унда юқори ёхуд паст қатламларга қараб, иккинчиси эса, горизонтал йўналишда бўлиб, унда бир ижтимоий даражадаги ўзгаришлар англашилади.

П.Сорокин ижтимоий тенгсизликни жамиятнинг пиллапоя каби иерархик тарзда тузилишидан келиб чиқиб тушунтиради, одамлар сонининг кўпайиши, фаолият турларининг функционал тақсимланиши, одамларнинг турфа хиллиги каби сабаблар вертикал бўйича тенгсизликни келтириб чиқаради, деб таъкидлайди.[1]

Социал мобиллик дегани, бу – алоҳида шахс ёки гуруҳнинг жамият ижтимоий таркибидаги ўз ўрнини, мавқеини ўзгартиришга қаратилган ҳаракати демакдир. Социал мобиллик ижтимоий ривожланиш қонунларининг амал қилиш билан боғлиқ бўлиб, у айрим шахс ва гуруҳлар ижтимоий мавқеининг қуйи ва юқори томонга қараб ўзгариб боришини ифодалайди. Социал мобилликда асосий ва асосий бўлмаган, биринчи ва иккинчи даражали, зарурий ва тасодифий, оммавий ва хусусий каби кўринишлар, йўналишлар мавжуд.

Бир авлод бўйича икки (ота ва болалар), учинчи (бобо, ота ва болалар) авлоддаги ижтимоий позициянинг ўзгаришини ифодалайдиган социал мобиллик ҳам амал қилади. Тўлақонли демократия шароитидагина социал мобиллик учун имконият яратилади. Сиёсий истибдодга асосланган давлатларда эса мобиллик учун шароит бўлмайди. Ҳақиқий демократик тузумга асосланган мамлакатларда жамиятнинг табақалаштирилган тўсиқлари олиб ташланиб, ижтимоий эркинлик учун кенг имкониятлар яратиб берилади. Бу жойларда ижтимоий гуруҳ ва айрим шахсларнинг социал мобиллик даражаси ҳам анча юқоридир.

Социал мобилликда маълумотнинг, ўз касбини пухта эгаллаш ва тадбиркорликнинг аҳамияти каттадир. Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш жараёнида, эски маъмурий-буйруқбозликка асосланган тузумнинг емирилиб, янги ижтимоий муносабатларининг шаклланиб келаётганлиги бизнинг мамлакатимизда жамиятимиз аъзоларининг ижтимоий фаоллигини ошириш ва ижтимоий муносабатларни барқарорлаштиришда социал мобиллик катта аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, у шаҳар билан қишлоқ, ақлий билан жисмоний меҳнат ўртасидаги алоқадорликни кучайтиришга ҳам туртки беради.

[1] Қаранг: Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. – М., 1994. – С. 288.

Социал мобиллик концепциясига кўра, демократик тузум шароитида кишилар ўзларининг жамият ижтимоий таркибидаги мавқеиларини янада яхшилаб бориш имкониятларига эга бўладилар. Жамият ижтимоий таркибий тузилишининг яна бир йўналиши халқ хўжалигида банд бўлган ижтимоий гуруҳлар таркибини ўрганишдан иборат. Аҳолининг уй-жой билан таъминланганлик даражаси, маиший хизмат турлари ва уларнинг хизмат кўрсатиш даражаси, иш ҳақи даражаси кабилар ижтимоий бандлик таркибига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланади.

Стратификацион жараёнлар ҳозирги даврда ижтимоий тенгсизлик, бир гуруҳнинг бошқасидан юқори ёки қуйи жойлашиши, бир гуруҳдан бошқасига ўтиш (социал мобиллик)да намоён бўлмоқда. Демократик, ҳуқуқий давлатларда барча фуқаролар, ижтимоий статуси ва келиб чиқишидан қатъи назар, юридик жиҳатдан тенг деб эълон қилинади. Бироқ реал ҳаётда, том маънода барча социал гуруҳлар тенг бўла олмайди. Кўпчилик социологлар фикрича, айнан тенгсизлик ривожланиш учун стимул, ҳаракатга келиш учун рағбат бўлиб ҳисобланади.

Мумтоз социология вакиллари О.Конт, Г.Спенсер, “модерн” йўналиш вакиллари М.Вебер, П.Сорокин, Т.Парсонс ҳамда постмодерн йўналиши тарафдорлари (мас., П.Бурдъе) ижтимоий тенгсизлик тамойилининг фундаментал ва барқарор экани, жамиятларни ташкиллаштиришда у юксак функционал аҳамиятга эга экани ҳақида тўғридан-тўғри фикр юритадилар.

Социологик тадқиқотлар аҳоли социал таркиби ўзгариши билан боғлиқ жараёнлар динамик характерга эга эканини, бир қатламдан бошқасига ўтиш (социал мобиллик)нинг янги йўналиш ва шакллари юзага чиқаётганини кўрсатмоқда.[1] Ўзбекистондан фарқли ўлароқ, Россия шароитида жамият синфий-табақавий структурасидаги ўзгаришлар турмуш даражаси ва сифатида кескин қутблашув содир бўлмоқдаки, социал мавқенинг бундай қутблашуви социал структурани беқарор қилиб, низолар келиб чиқиши ва ҳатто антагонизмлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.[2]

Бизнинг фикримизча, постсовет жамиятлари социал структурасида қуйидаги 3 майл (тенденция) муҳим бўлиб ҳисобланади:

- мулкчилик шаклларининг кўп шакллилиги асосида янги ижтимоий қатламлар пайдо бўлмоқда; хусусий секторга ёлланган ишчилар ва инженер-техник ходимлар қатлами, қўшма ва хорижий корхоналар ишчи-ходимлари қатлами шулар жумласидандир;

- давлат мулкининг трансформацияси натижасида анъанавий синфий-табақавий бирликлар мавқеи, чегараларининг ўзгариши, «чегаравий» ва маргинал қатламларнинг юзага келиши;

- мулк турли шаклларининг ўзаро таъсири натижасида янги страталарнинг пайдо бўлиши. Менежерлар, янги элита қатламлар, ишсизлар шулар жумласидандир.

Ўрта қатламларнинг шаклланиши ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

---

[1] См.: Социальная структура и стратификация в условиях формирования гражданскиш общества в России. – М., 1995. Кн.МХ

[2] Черныш М.Ф. Социальная мобильность в 1986-1993 гг. // Ж. Социологический журнал. – 1995. – № 2.

Янгидан шаклланаётган социал структурада иерархия даражаси ҳозирча чигал ва муаммоли бўлиб турибди. Бу ҳолат аҳолининг назарида турли касб ва машғулот турлари нуфузининг ўзгариши, эски анъанавий қарашларнинг таҳрир қилинишини юзага келтиради. Бу ҳақида биринчи Президент Ислом Каримов шундай деган эди: «Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг жорий этилиши туфайли юртдошларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқараши қанчалик ўзгариб кетгани ҳам шундан далолат беради. Кўпчиликка яхши аёнки, 90-йилларнинг бошларида аксарият одамлар бизда ҳам кимнингдир хусусий заводи ёки фермаси у ёқда турсин, кичкинагина дўкони бўлиши мумкинлигини ҳам тасаввур эта олмас, тасаввур этган тақдирда ҳам ўзига қабул қила олмас эди. Чунки ҳамма нарса давлат мулки бўлган эски тузумда хусусий мулкка эга бўлиш, тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланиш бизга бегона бўлган тушунчалар сифатида баҳоланар эди. Бугунги кунда эса хусусий мулк тушунчасига нисбатан муносабат қандай ўзгариб, у ҳаётимиздан қанчалар чуқур жой олиб бораётганига барчамиз гувоҳмиз ва бу ҳолат ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайди».[1]

Сорокин ўз тадқиқотларини социал структуранинг баландлиги ва аҳолининг ундан кўтарилиб-тушиши мавзусига бағишлаган бўлиб, унинг фикрича, “социал фазо Ер куррасининг аҳолисидан иборат гўёки бир Коинот бўлиб, инсоннинг бу фазодаги ўрнини аниқлаш – демак унинг бошқа одамларга, гуруҳларга муносабатини аниқлашдир”.[2] Бундай ёндошув субстанционал деб аталади ва у Дюркгеймнинг структурали ёндошувидан фарқ қилади. Ижтимоий тенгсизлик мавжуд, уни “юқори”, “қуйи” синф каби тушунчалар билан изоҳлаш мумкин.

П.А.Сорокин, ижтимоий табақаланиш тўғрисидаги катта таълимот ичида социал мобиллик концепциясига асос солди, социал стратификациянинг таърифи ва моҳиятли белгиларини, мезонлари ва шаклларини илмий жиҳатдан асослади. Социал стратификацияга Сорокин берган таъриф ҳозиргача мумтоз таъриф бўлиб қолмоқда. Юқорида келтирилган бу таъриф барча дарсликлардан ўрин олган.

Социал стратификация жараёнларини таҳлил қилган ҳар бир социолог муқаррар равишда ижтимоий табақаланишдан сўнг ижтимоий тенгсизлик муаммосини ҳам ҳал қилишга уринади. Дюркгейм анъаналарига хос бўлган функционализм ижтимоий тенгсизликни меҳнат тақсимотидан келтириб чиқарди; унинг фикрича, механик ва органик меҳнат тақсимоти мавжуд бўлиб, биринчисига одамлар орасидаги жисмоний, жинсий, ёшга оид фарқлар ва иккинчисига маълумот олиш, касб эгаллаш жараёнида вужудга келадиган тафовутлар замин бўлади. Функционалистлар (Т.Парсонс, Р.Мертон, У.Денис ва К.Мур) фикрига кўра, ижтимоий тенгсизлик жамиятда

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 69-70.
[2] Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. – М., 1994. – С. 296.

бажариладиган функциянинг аҳамияти, салмоғи ва нуфузи билан белгиланади.[1]

Тан олиш керакки, ҳозирги жамиятларда касб-кор, профессионал мансублик ижтимоий табақаланишнинг муҳим мезонига айланиб бўлган. Айнан профессионал мақом орқали социал стратификациянинг асослари бўлмиш даромадлар, ҳокимиятга яқинлик, бошқарув тизимидаги ўрин, нуфуз кабилар белгиланади. Маълумот, олий таълим олиш ҳам шахснинг социал капиталини кўпайтириш, юқорироқ турмуш даражасига эришиш, янги мақомга, юксакликка кўтарилиш имкониятини беради.

Немис социологи Ральф Дарендорфнинг конфликтология назариясида ижтимоий муносабатларнинг қайта тикланиши жараёнида ҳокимият ва мулкка устуворлик берилган. Бу ҳолат, айрим рус мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозирги Россия воқелигига мосдир, чунки ислоҳотларни амалга ошириб, трансформация ҳолатида бўлган бу жамиятда социал структуранинг ўзгариши ҳокимият фаолияти билан ҳамда мулкчилик институтларининг таъсири остида рўй бермоқда.[2]

XX асрнинг 60-80-йилларида Г.Беккер ва А.Босков, Ж.Тернер асарлари русчага таржима қилинди ва чоп этилдики,[3] буларда ҳозирги замон Ғарб олимларининг ижтимоий тенгсизлик ва социал стратификация бўйича энг янги ишланмалари баён этилган эди.

Россиялик олимлардан В.В.Радаев иқтисодий социология доирасида стратификацияга оид асосий тушунчаларни ўрта синф хусусиятлари орқали баён этди. О.И.Шкаратан билан ҳаммуаллифликда стратификациянинг 9 та тизимини санаб ўтди: табиий-ирсий (физик-генетик), каста, мулкий-корпоратив, этакратик, социал-профессионал, синфий, маданий-рамзий, маданий-меъёрий ҳамда социал-ҳудудий.

И.В.Мостовая ижтимоий табақаланишнинг моҳиятини маданий коммуникация орқали тушунтириш ғоясини илгари сурди ва “социал позиция (мавқе)”, “ижтимоий статус”, “престиж” каби тушунчаларга ўз таърифини берди.

Социал стратификация концепциясининг асосчилари сифатида М.Вебер ва П.А.Сорокин эътироф этилади. М.Вебер синфий ва бозор муносабатлари нуқтаи назаридан стратификациянинг асосларини характерлади, “синф”, “страта”, “статус (мақом)” тушунчаларига таъриф ва тавсиф берди.[4] Вебер жамиятни структуралашнинг синф, статус ва партия каби уч қатламини кўрсатиб ўтган эди.

---

[1] Парсонс Т. Система координат действий и общая теория систем действия: культура, личность и место социальных систем // Американская социологическая мысль. – М., 1994. – С. 448-464.; Мертон Р. Явные и латентные функции // Там же, – С. 379-445.; Денис К., Мур У. Некоторые принципы стратификации. – Екатеринбург, 1998.

[2] Қаранг: Радаев В., Шкаратан О. Социальная стратификация. – С. 98.

[3] Беккер Г., Босков А. Современная социологическая теория в ее преемственности и изменении. – М, 1964.; Тернер Дж. Структура социологической теории. – М., 1985.

[4] Вебер М. Избранное. Образ общества. – М., 1994.; Основные понятия стратификации // Социол. исслед. – 1994. – №5, – С. 147-156.; Сословия и классы. // Ж. Вестник МГУ, Серия 13. Социология и политология. – 2003. – №4. – С. 141-146.; Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. – М., 1992.

Макс Вебер стратификациянинг “статус гуруҳларга бўлиниш” шакли Америка демократиясига хос, деб ҳисоблаган. “Социал статус” тушунчасини социологияга киритган Вебер, бу тушунча мазмунига турмуш тарзини, маълумот, престиж (нуфуз), туғма қобилият ва касбу ҳунарни киритган. Унинг фикрича, муайян стратага мансублик социал статус туфайли мумкин бўлади. Страталарнинг ривожланиш манбалари уч турли: биринчиси – турмуш тарзи, машғулот тури, касб-ҳунар, иккинчиси – мерос қилиб олинадиган “харизма”, яъни туғилганда олинган неъматларни кўпайтиришдаги ютуқлар ва, учинчиси – сиёсий ҳокимиятни ўзлаштириш[1]. Бу ғоялар кейинчалик кўплаб социологлар томонидан ривожлантирилган.

Россияда 90-йиллар бошида янгиланаётган жамиятнинг трансформацияси мобайнида ижтимоий табақаланиш қай даражада ўзгаришини аниқлаш учун Е.Д.Игитханян, З.Т.Голенкова, Т.И.Заславская, А.С.Балабанов, КМ.Римашевская, Т.Ю.Богомолова, В.С.Тапилина, Н.Е.Тихонова, И.Г.Шопова, Е.Стариков раҳбарлигида эмпирик тадқиқотлар ўтказилди. Олинган натижалар таҳлили, энг аввало, социология фанидаги ёндошувлар ўзгараётгани, ижтимоий-иқтисодий, социал-профессионал соҳадаги тенгсизликлар муаммосини объектив ўрганиш имконияти ва зарурияти мавжудлигини кўрсатди. Социал стратификация бўйича россиялик олимлар олиб борган тадқиқотларда меҳнат бозори ва бандлик масалалари, кўчмас мулкнинг табақаланиши, истеъмол ориентациялари ҳамда турмуш тарзидаги тафовутлар, этник ва гендер табақаланиш, давлат ижтимоий сиёсатининг страталаштирувчи роли каби муаммолар таҳлил этилди.

Ўзбекистонда социал мобиллик жараёнлари собиқ совет даврида ўша вақтдаги ҳукмрон мафкура тазйиқи остида, синфий ёндошув ва ижтимоий бир хилликка асосланган жамият қуриш ғояси атрофида ўрганилган эди. “Ривожланган социализм” даврида социал структуранинг ўзгариши бир қатор илмий тадқиқотларга мавзу қилиб олинди.

Истиқлол йилларида коммунистик мафкуранинг тазйиқидан қутулиб, стратификация, умуман социологиянинг турли йўналишларини ривожлантиришга А.Умаров, М.Бекмуродов, И.Эргашев, А.Холбеков, Р.Убайдуллаева, Н.Латипова, К.Каланов, А.Сеитов, Н.Каримова, А.Шайманова ва бошқа етакчи социологлар, тарихчилар, файласуфлар салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, социал мобиллик жараёнларини ўрганиш борасида ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Юртимизда фермер хўжаликлари, ўрта ва кичик бизнесдаги тадбиркорлар, бозор инфраструктурасидаги биржа, банк каби хизмат соҳалари контингентининг шаклланиши масалалари ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди.

[1] Вебер М. Указ. соч., – М., – С. 152.

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Абдурахимов А.А. *– ЎзМУ магистранти*

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нуронийлар ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва мавқеини янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ўрнатилган механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоатчилик тузилмаларининг куч ва воситаларини мувофиқлаштирган ҳолда сафарбар қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори қабул қилинган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ-4075-сон қарорига илова сифатида 2019 йилда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, қуйидагиларни назарда тутувчи жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат органлари, ташкилотлар ва жамоат тузилмалари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш тартибини белгилаш назарда тутилди: жамоат хавфсизлигини таъминлашни мувофиқлаштириш учун республика ҳудудларига бириктирилган раҳбарларнинг фаолияти натижаларини тизимли мониторинг қилиш ва баҳолаш механизми; ҳар ой халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг мажлисларида тегишли ҳудудда содир этилган оғир ва ўта оғир жиноий ҳолатларни танқидий муҳокама қилиш бўйича чоралар кўриш.

Республиканинг ҳар бир маҳалласида “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патруль гуруҳларини ташкил этиш чораларини кўриш ва унда қуйидаги тартибни белгилаш ҳам назарда тутилди: ҳарбий хизматга чақирилувчилар, олий ҳарбий билим юртлари ва ички ишлар органларига номзодлар орасидан шакллантириш; гуруҳларга туман мудофаа ишлари бўйича бўлимлари ёки ички ишлар органлари томонидан бериладиган йўлланмалар асосида қабул қилиш; гуруҳлар фаолиятини самарали ташкил этишни туман ички ишлар органлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари ва профилактика инспекторлари зиммасига юклаш; гуруҳ аъзоларини кечки ва тунги вақтларда белгиланган патруллик йўналишларига умумий ҳисобда 100 соатдан кам бўлмаган муддатга жалб қилиб, буни хизматга (ўқишга) ҳужжатларни якуний қабул қилишнинг асоси сифатида белгилаш.

Ўтган давр мобайнида мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлашнинг мутлақо янги механизмларини

жорий этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида тизимли ва самарали чора-тадбирлар амалга оширилди, шунингдек, мазкур фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” олижаноб ғояси асосида тубдан қайта кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва ушбу йўналишда ўзаро мақсадли ҳамкорликни ташкил этишда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоатчилик тузилмалари иштирокининг самараси пастлигида, ҳуқуқбузарликларнинг, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш, содир этилганларини фош этишда фуқаролик позициясининг сустлигида намоён бўлаётган қатор камчиликлар мавжуд.

Ўтган қисқа даврда аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича «маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла» тамойили асосида самарали ҳамкорлик тизимини жорий этиш, маҳалланинг халқ билан давлат ўртасидаги ишончли «кўприк» бўлишини амалда таъминлаш, оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бирга, фуқаролар йиғинларига хос бўлмаган функциялар юклатилаётганлиги, уларнинг бошқа қуйи идоралар билан ҳамкорлиги тизимли йўлга қўйилмаганлиги, оила, хотин-қизлар ва кексаларга ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими мавжуд эмаслиги, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар самарали натижа бермаётганлиги жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва қонун устуворлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нуронийлар ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва мавқеини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Президенти 18 февралда имзолаган фармонга биноан, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими органларига юклатилган 46 турдаги ҳамда профилактика инспекторларига юклатилган 13 турдаги вазифа ва функциялар қисқартирилди. Шунингдек, қуйидаги жамоатчилик тузилмалари тугатилди: яраштириш комиссияси; маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия; ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия; вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия; тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари

бўйича комиссия; жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия; “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси. Бундан ташқари қуйидаги комиссиялар ташкил қилинди: оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси; ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия. Фармонга мувофиқ, ҳар бир маҳаллада “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган янги тизим жорий этилади. Мазкур тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишида ҳар томонлама кўмаклашиш, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлигини ўрнатиш вазирликнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигига бўлган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, шунингдек, замон талабларидан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Қуролли Кучларнинг кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори имзоланди. Унга кўра, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети этиб қайта ташкил этилиши ҳамда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, Университетда профессионал кадрларни тайёрлаш жараёнига бакалавриат ва магистратурани ўз ичига олувчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этиш кўзда тутилган.

Демак, мамлакатимизда ўзини ўзи бошқарув тизимида ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ – ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ЎРТАСИДАГИ НОЁБ ИЖТИМОИЙ КОММУНИКАЦИЯ ИНСТИТУТИ

Абдусаттаров М. *– ЎзМУ мустақил изланувчиси*

«Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир», «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», «Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак». Президент Шавкат Мирзиёевнинг эл-юртимиз қалби ва онгидан чуқур жой олган бу сўзлари бугун мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислоҳотларни ҳаракатлантирувчи қудратли кучга, таъбир жоиз бўлса, уларнинг ғоявий ўзагига айланди.

2016 йил 28 декабрь давлатимиз раҳбарининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида

халқ билан мулоқотнинг мутлақо янги ва ноёб тизими – Президент Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Буюк Алишер Навоий “Эл поясин англай десанг асрорини бил, кўнглидаги муддаосин изҳорини бил” деб айтганидек, давлатимиз раҳбари ҳам ислоҳотларни халқ қалбига йўл топишдан – одамлар билан доимий ва самарали мулоқот тизимини йўлга қўйишдан бошлади.

Халқ билан мулоқотнинг ноёб тизими фуқароларнинг давлат органлари билан тўғридан-тўғри муносабат ўрнатиш имконини берди. Синовдан ўтиб, тобора такомиллаштирилиб борилаётган ушбу механизм чинакам демократия йўлидаги муваффақиятларимиздан бири сифатида намоён бўлди. Давлатимиз раҳбари халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашни приворад мақсад сифатида белгилаб берди.

Халқ ҳокимиятчилиги тўғридан-тўғри мулоқот, яъни “фуқаро – давлат” ғоясида мужассам бўлган энг муҳим тамойиллардан бири ҳисобланади. Бу сўнгги пайтларда мамлакатимиздаги барча соҳаларда кечаётган ислоҳотларни ўзаро узвий боғлаб турадиган асосий негиз сифатида кўзга ташланмоқда.

Ўтган давр шуни кўрсатдики, юртдошларимизни кўп ўйлантирган, кўнглини бир қадар безовта қилган қатор тизимли муаммолар уларнинг Президент Виртуал ҳамда Халқ қабулхоналарига жўнатган мурожаатлари таҳлили асосида ўз ечимини топди. Келиб тушаётган электрон, ёзма ва оғзаки мурожаатлар, таклиф ҳамда шикоятларга фақатгина жавоб қайтарилмасдан, уларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш таҳлил жараёнида умумлаштирилмоқда ҳамда тизимли таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Дейлик, бир хил масалада минглаб одамлар мурожаат қилаётган бўлса, улар атрофлича ўрганилиб, тегишли таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Пировардида давлат даражасида қарорлар қабул қилишга асос яратилмоқда.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, кўп сонли мурожаатлар асосида ўрганилиб, давлат хизматларини кўрсатиш, фуқаролик бериш, қўшни давлатларга чиқиб-кириш, валюта-молия, уй-жой билан таъминлаш, миллий автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, ҳаж ва умра зиёрати, банклардан кредит олиш, нақд пул, моддий ёрдам, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги ер майдонларини мақбуллаштириш, бузилган турар жой ва бинолар учун компенсация пуллари тўлаш, ичимлик суви таъминоти каби кўплаб долзарб соҳаларда муаммолар ҳал этилди.

Мисол учун, 2017 йилнинг бошида келиб тушган минглаб мурожаатларда фуқароларимиз пенсия ва бошқа ижтимоий нафақалар уларнинг розилигисиз пластик карточкага тўлиқ ўтказиб юборилаётганига эътироз билдиришган. Ушбу муаммонинг тизимли ечими сифатида давлатимиз раҳбарининг “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Февраль ойидан барча турдаги пенсиялар нақд пулда берила бошланди, талабалар стипендияларининг камида 50 фоизи нақд шаклга ўтказилди. 58 та тоғли ҳамда олис туманда, яъни тўлов терминаллари

ва банк аппаратлари тизими яхши ривожланмаган туманлар аҳолисига ижтимоий тўловлар ҳам нақд шаклда берилиши йўлга қўйилди.

Яна бир мисол: Фуқароларимиз кўчмас мулк бўйича битимларни тузишда маълумотнома олиш учун қимматли вақтларини йўқотиб идорама-идора юришарди. Фуқаролардан келиб тушган кўп сонли мурожаатлар таҳлил этилиб, ҳукумат қарори ишлаб чиқилди ҳамда қабул қилинди. Унга кўра, кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни нотариуслар томонидан маълумотномаларни қоғоз шаклида сўрамасдан расмийлаштириш талаби қўйилди. Зарур маълумотларни олиш учун идоралараро ахборот тизими ишга туширилди. Бу минглаб юртдошларимизнинг турли муассасалар, архив идоралари бўсағасидаги сарсон-саргардонлигига барҳам берди.

Бу халқ хоҳиш-иродаси мамлакатдаги ислоҳотлар йўналишларини белгилаб бераётганининг яна бир яққол исботи. Давлатимиз раҳбарининг эзгу ташаббусларида инсон манфаатлари юртимизда кечаётган янгиланишларнинг асосий мақсади сифатида акс этади.

Кўплаб амалдорларни айланиб ўтиб, фуқароларнинг шикоятларини тўғридан-тўғри қабул қиладиган ва Президент Администрациясига етказадиган қабулхоналарнинг ташкил этилиши ўзбек сиёсий моделини ижобий маънода ларзага келтирди. Натижада марказ ва жойлардаги масъуллар қарор қабул қилишда оддий инсонларнинг муаммоларини, таклиф-истакларини инобатга олишга мажбур қилинди. Ушбу тизимнинг давлат органлари мансабдор шахслари масъулиятини оширишдаги роли борган сари кўпроқ сезилмоқда. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойилини ҳаётга татбиқ этишга, ишни соат механизмидек ташкил қилишга қодирларгина қолди. Мазкур тамойил одамларнинг ҳокимият билан тўсиқсиз мулоқот ўрнатишига кенг майдон ҳамда имкон беради. Бу эса давлат ва фуқаро ўртасидаги мулоқотни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди, жамиятда адолат илдизларини янада чуқурроқ мустаҳкамлашга, турли бўғиндаги раҳбарлар, амалдорларни аҳоли билан яқинлаштиришга, мурожаатларнинг имкон қадар тезроқ ҳал қилинишига замин яратди.

Ўтган давр мобайнида Президент Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари ёрдамида миллионлаб киши ўзини қийнаб келаётган муаммоларига ечим, ўйлантираётган саволларига жавоб топганлиги уларнинг халқимиз мушкулини осон, оғирини енгил қилиш, жамиятимизда адолат тамойилларини мустаҳкам қарор топтиришда амалий аҳамияти нақадар юқори бўлаётганини яққол кўрсатади.

2016-2021 йиллар давомида Президентнинг Виртуал ҳамда Халқ қабулхоналарига жами 5,2 миллиондан зиёд мурожаатлар келиб тушди. Жумладан, 2016 йили – 330 минг, 2017 й. – 1 млн 180 минг, 2018 й. – 1 млн 44 минг, 2019 й. – 1 млн 72 минг, 2020 й. эса – 1 млн 196 минг. Мазкур мурожаатлар тегишли вазирлик ва идораларга кўриб чиқиш учун юборилди, ижроси қатъий назоратга олинди.

Энг кўп мурожаатлар моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар (19%), иш билан таъминлаш (12%), банк кредитлари (7%), уй-жой билан таъминлаш

(7%), электр энергияси таъминотидаги узилишлар (6%), газ таъминоти (6%), алимент ундириш (5%), фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари бўйича (3%), таълим масалалари (3%), ер майдони олиб қўйилганлигидан норозилик (3%), турар жойларни сақлаш ва таъмирлаш (3%), йўл хўжалиги (3%), суриштирув ва дастлабки тергов фаолияти (3%), соғлиқни сақлаш (3%), ичимлик суви таъминоти (2%), ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш (2%), порахўрлик, товламачилик, фирибгарлик, талон-тарож ва қалбакилаштириш (2%) каби қатор масалалар бўйича келиб тушган.

Келиб тушган мурожаатларнинг ҳудудий кесими қуйидагича кўринишга эга: Тошкент ш. – 730314 (14%), Қашқадарё – 593615 (11%), Сурхондарё – 537887 (10%), Тошкент вил. – 519636 (10%), Фарғона – 467191 (9%), Самарқанд – 412463 (8%), Андижон – 401623 (8%), Наманган – 293910 (6%), Бухоро – 262447 (5%), Жиззах – 242271 (5%), Навоий – 207974 (4%), Хоразм – 202394 (4%), Сирдарё – 181088 (3%), Қорақалпоғистон – 180782 (3%).

2020 йилнинг таҳлил натижаларига кўра, энг кўп мурожаатлар Молия вазирлиги (27%), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (20%), Ички ишлар вазирлиги (16%), Мажбурий ижро бюроси (13%), Марказий банк (11%), Энергетика вазирлиги (11%) га келиб тушмоқда.

Ҳозирги кунда Виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналарига бир ойда ўртача 100 минг, кунига ўртача 3,3 минг мурожаат келиб тушди. Ҳар 1000 кишига тўғри келган мурожаатлар сони республика миқёсида 34 тани ташкил этди. Шу билан бирга жорий йилнинг биринчи чораги давомида виртуал қабулхона орқали келиб тушган 419 минг 300 та мурожаатдан 374 минг 500 таси кўриб чиқилган бўлиб, уларнинг 93 минг 996 таси ижобий ҳал қилинди, 239 минг 473 таси бўйича ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилган бўлса, қолган мурожаатлар кўриб чиқиш жараёнида.

Ўз навбатида, мурожаатларни тўлиқ, ўз вақтида ва холис ўрганиб чиқилиши натижасида уларни қаноатлантириш даражаси ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Хусусан, ушбу кўрсаткич 2018 йилда – 56,1%, 2019 йилда – 67,7% бўлса, 2020 йилда – 73,2% ни ташкил этди.

Халқ билан мулоқот тизимининг бугунги давр талабларига тўла жавоб бераётган яна бир ҳаётий механизми – “оммавий қабуллар”. Мазкур амалиёт билан Ўзбекистон тарихида илк бор аҳоли ва мутасаддилар биргаликда муаммолар юзасидан очиқ-ошкора муҳокама қилиш учун самарали мулоқот майдони яратилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 январдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимида янги сифат босқичи бошланди. Яъни Халқ қабулхоналари, секторлар ва мутасадди идоралар раҳбарларининг аҳоли муаммолари билан ишлаш жараёнини, жумладан, “оммавий қабулларни” янги форматда – маҳаллама-маҳалла, объектма-объект, уйма-уй юриш асосида ташкил қилаётгани муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш натижадорлигини оширишга хизмат қилди.

Уйма-уй юриб ўрганишлар ҳамда бевосита жойларга чиқиб ўрганишлар айни пайтда бутун бошли соҳаларда ҳақиқий аҳволни кўрсатадиган индикатор, жамият кайфиятини ўрганиш барометри, таҳлил, асосий дастуриламал ҳужжатлар учун ноёб материал ҳамдир.

Бу билан раҳбарларнинг оммавий қабулларини бутун туман ё шаҳар даражасидан ташқари, муайян қишлоқ, овул ёки маҳалла миқёсида ўтказиш йўлга қўйилди. Секторлар ва мутасадди идоралар раҳбарлари бевосита ҳудуднинг ўзига чиқиб, аҳоли билан гаплашиб, мавжуд муаммоларга янада самарали ечим топишга киришди. Бу тизимнинг афзаллиги – раҳбарлар муаммоларни нафақат тингламоқда, балки ўз кўзи билан кўриб, шу масалалар ичига кириб, ҳал қилиш чораларини кўрмоқда.

2017-2020 йиллар ҳамда 2021 йилнинг 4 ойи давомида вазирлик ва идоралар ҳамда ҳудудий секторлар раҳбарлари томонидан Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда жойларда 111987 та сайёр оммавий қабуллар ўтказилди, унда 1155432 та масалалари тингланди. Шундан 576439 та (49,9%) масалалар қаноатлантирилди.

Муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишнинг янги тизимига асосан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар вакилларидан иборат 4,4 мингдан ортиқ кичик ишчи гуруҳлар томонидан 2019-2020 йиллар мобайнида республика бўйича жами 6,4 млндан ортиқ хонадон ва ижтимоий соҳа объектлари ўрганилиб, муаммоси мавжуд бўлган 946,2 мингдан зиёд хонадонда яшовчи фуқаролар билан ўтказилган суҳбатлар натижасида 1 млн 65 мингта масала аниқланди ва уларнинг 75% жойида бартараф этилиши таъминланди.

Уйма-уй юриш жараёнида аниқланган муаммоларнинг ҳам энг кўпи суюлтирилган газ (газ баллон) етказиб бериш (18,2%), бандлик (11,3%), соғлиқни сақлаш (8,3%), электр энергия таъминоти (7,6%), банк кредити (6,9%), моддий ёрдам (5,7%), ичимлик суви (5,4%), кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш (4,9%), уй-жой (4,4%), табиий газ (3,4%) ва кўмир таъминоти (2,2%) билан боғлиқ масалаларга тўғри келмоқда.

Бундай учрашув ва жонли мулоқотлар натижаси ўлароқ муаммоларни тизимли ва манзилли ҳал қилиш механизми амалиётга янада чуқур татбиқ этилмоқда. Муайян ҳудуд, муайян бир соҳага доир муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан “йўл хариталари” ишлаб чиқилаётгани одамларни қийнаб келаётган масалаларни ечиш баробарида, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳитини яратиш орқали ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда кучли туртки бўлмоқда.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича яхлит тизим, аниқ механизм йўлга қўйилиши, асосийси, мурожаатлар таҳлили асосида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли Виртуал қабулхонага қатор масалалар бўйича мурожаатлар деярли барҳам топди, ўнлаб соҳалар бўйича мурожаатлар кескин камайди. Масалан, биргина валюта конвертацияси бўйича 2017 йилда 22 мингдан зиёд мурожаат келиб тушган бўлса, бу рақам 2018 йилда 124 тани, 2019 йили 156 тани, 2020 йилда эса 101 тани ташкил қилди.

Доимий ва вақтинчалик рўйхатга қўйиш (прописка) бўйича амалга оширилган ислоҳотлар натижасида бу йўналишдаги мурожаатлар сони 2017 йилдаги 6 минг 860 тадан 2020 йилга келиб 1 минг 501 тага камайди. Миллий автомобилларни сотиб олиш ва шартнома тузиш масаласида 2017 йилда 5 минг 605 та, 2018 йилда 1 минг 429 та, 2019 йилда 283 та, 2020 йилда эса 179 та мурожаат келиб тушгани, яъни, бу йўналишлардаги ариза-шикоятлар кескин камайгани ҳам мазкур соҳадаги мурожаатлар таҳлили асосида ўз вақтида амалга оширилган ислоҳотлар туфайлидир.

Халқ қабулхоналарига давлат органларининг фаолиятини ўрганиш, уларга тақдимномалар киритиш, қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларни лавозимидан озод этишгача интизомий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритиш ваколати берилган.

Президент Халқ қабулхоналари томонидан киритилган ахборот ва эшитилган ҳисоботлар натижасида 2018-2020 йиллар давомида мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини бузган, мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида қабул қилинган қарорлар ижроси бўйича йўл қўйилган камчиликлар учун вазирлик ва идораларнинг 6545 нафар масъул шахслари интизомий, 393 нафари маъмурий, 8 нафари жиноий жавобгарликка тортилди, 517 нафар ходим эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Барча фикр-мисолларнинг ўқилдизи бўлган ҳаёт ҳақиқати шуки, халқ билан мулоқот тизими бугун фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, адолатни амалда қарор топтириш, халқимизнинг ҳаётга, давлатга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ҳал бўлаётган ҳар бир мурожаат ортида ўнлаб-юзлаб инсонлар ҳаётидаги ўзгаришлар, уларнинг ҳаётдан розилиги мужассам экани халқ билан мулоқот тизими халқ қалбидан бошланган буюк тараққиёт йўли эканига яна бир ҳаётий исботдир.

ИШОНЧ-ЭЪТИҚОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Адамбаев У.Х. *– ЎзМУ магистранти*

Ҳаётда кимнидир нимагадир ишонтириш учун аввало у билан мулоқот қилинади, унинг дунёқараши, ҳаёт тарзи, қизиқиши ҳақида бошланғич маълумотга эга бўлинади, сўнгра ўз фикрларимизни ишонарли бўлиши учун эга бўлинган бошланғич маълумотларга таянган ҳолда аргумент-лаштирилади.

Аргументлаш одатда ҳамма учун маълум ва аввал ўз исботини топган далилларни келтириш асосида амалга оширилади.

Ишонтиришнинг тўғридан-тўғри тажрибага ёки кенг танқидий фикрлашга таянмайдиган усуллари ҳам мавжуд. Табиатан субъектив ҳаракатга эга бўлган бундай кантекстли (унверсал бўлмаган) усулларга урф-одат, соғлом фикр, дид, сезги, ишонч, нуфуз ва бошқаларни мисол қилиб

келтиришимиз мумкун. Ҳаммамизга маълумки, деярли ҳар қандай ишонтириш жараёни контекстли далиллардан фойдаланмасдан тугамайди. Ҳатто энг қатъий математик мулоҳазалар ҳам бундан мустасно эмас, гуманитар ва ижтимоий фанларга хос бўлган аргументлаш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Контекстуал аргументлаш техникаси барча аудиторияларда қўлланилмайди, улар изчил ва маълум маънода бошқаларни муқаррар равишда ишонтиришга қодир эмас. Контекстуал ишонтириш техникаси, бир хил эътиқодга эга бўлган, бир хил нуфуз ёки анъаналарни тан оладиганлар учун одатда ишонарли туюлиши, аммо турли хил эътиқодга эга бўлган, турли хил нуфуз ёки анъаналарни тан оладиганлар (бошқа сезги, таъм, ақл-идрок ва хоказоларга эга бўлганлар) учун ишонарсиз туюлиши мумкун.

Масалан, Хоразм вилоятида никох тўйи маросимининг “келин тушди” (яъни куёв келинни чимилдиққа олиб кирган) қисмида келиннинг янгаси томонидан “белбоғ ечиш”[1] удуми бўлиб ўтади. Маълумки, белбоғ эрлик рамзи бўлиб, бойлик, давлат тушунчаларини ҳам англатади. Никоҳ тўйида куёв бўлаётган йигит оила бошлиғи – эр бўлганлиги ва бел бақувватлигининг тимсоли сифатида куёв жўралар унинг белига қаттиқ, чигал тугилган белбоғ боғлайдилар ва буни келиннинг янгаси ечиши шарт ҳисобланади. Тугунларни ечиш эса висолга етиш, мушкул аҳволдан халос бўлиш воситаси деб қаралиб, келин билан куёв ҳаётлари давомида ҳеч қандай чигалликка, қийинчиликка ва тўсиқларга учрамасин, ҳар қандай қийинчиликларни тезда енгсин, деган мақсадда келиннинг янгаси томонидан ечилади. Белбоғни ечган янгага куёвнинг жўралари совға-салом ва пул беришади. Ушбу мисол орқали ёш оиланинг бахти ва келажаги қайсидир маънода белбоғнинг ечилишига боғлиқлиги ҳамда шу ҳудудда яшовчи аҳоли бунга ишонади. Қолган ҳудудларда бундай удум учрамаслиги орқали бу удумга ишонмасликни ва амал қилинмаслигини кўришимиз мумкун.

Контекстуал аргументлаш аввалambор, "ўхшаш фикрли" ("диндорлар", бир хил урф-одат ва анъанага итоат этувчилар) инсонлар аудиториясида ва одатий кундалик мулоқотда кенг қўлланилиб, асосан гуманитар ва ижтимоий фанларнинг қиёфасини белгилайди.

Инсон ҳар доим маълум бир конкрет вазиятда мавжуд бўлади. У маълум бир вақт ичида, маълум бир мамлакатда яшайди, ўз жамиятининг эътиқоди ва хурофотларига шерик бўлади, кўплаб бошқа одамлар ишонадиган нарсаларга ишонади ва ҳоказо.

Инсон борлиғининг тарихий табиати шуни кўрсатадики, инсон асосий ҳаётий муаммоларини хал этишда умумбашарий эмас, балки контекстуал, вақт ва атроф-муҳитга боғлиқ далилларга таянади. Пировардида ахлоқ, дин ва бошқа муҳим ижтимоий институтлар контекстуал аргументлашга таянади.

Барча контекстуал аргументлар орасида энг кўп ишлатиладигани ва энг муҳими анъаналар ва урф-одатларга асосланган аргументлашдир. Моҳиятан,

[1] Жўраев М., Худайқулова Л. “Маросимнома” (Ўзбек халқининг урф-одат ва маросимлари ҳақида қисқача маълумотнома). А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. – Тошкент, 2008. – Б. 17.

барча контекстуал аргументлар имплицит (яширин) ҳолда, анъаналарга таянади. Нуфуз, эътиқод, соғлом фикр, дид ва хоказолар тарихий урф-одатлар билан шаклланади ва ундан мустақил равишда мавжуд бўлмайди.

Тингловчиларнинг келтирилган аргументларга нисбатан сезгирлиги, асосан, у амал қиладиган аънаналар, урф-одатлар билан белгиланади. Бу фикр нафақат руҳ хақидаги фанларда далилаш учун, балки табиий фанларда ҳам кўп жихатдан далилаш учун тўғри келади. Анъаналар аргумент ишончли бўлиши учун ишониш керак бўлган энг умумий тахминларни тузади, дастлабки ҳолатни яратади ва бусиз у ўз кучини йўқотади. "…Айнан бир аргумент, тушунчалар орасидаги бир хил муносабатларга ва маълум асосларга таяниб – бир вақтнинг ўзида тан олиниши ва ҳатто улуғланиши мумкин, ҳамда худди шу вақтнинг ўзида ҳеч қандай таассурот қолдирмаслиги ҳам мумкин," – деб таъкидлайди П.Фейерабенд.[1] Мисол тариқасида ишонтирувчи шахс ўз тезисини оламнинг асоси ҳақидаги қарашлар орқали аргументлаб ишонтиришга ҳаракат қилса ва ушбу баҳс юритилаётган аудиторияда фақат битта таълимот тарофдорлари иштирок этаётган бўлса ишонтирувчи ўз тезисларини шу асосга таянган ҳолда аргументлайди ва ишонтира олади, аксинча бўлса, яъни аудиторияда турли таълимот вакиллари иштирок этаётган бўлса ишонтирувчи ўз фикрларини аргументлаш орқали илгари сураётган тезисга аудиторияни ишонтира олмайди ва баҳс вужудга келади, яъни монизм тарафдорлари ўз фикрларини Фалес, Анаксимандр, Анаксимен, Анаксигор, Демокрит, Эпикур, Аристотель томонида илгари сурилган ғоялар орқали аргументласа, дуализм тарафдорлари ўз фикрларини Платон, Гегель, Р.Декарт ва И.Кант ғоялари орқали аргументлайдилар, плюрализм вакиллари эса ўз таълимотининг етук олимларининг ғоялари билан асосланади. Бу ҳолатда ишонтиришга ҳаракат қилинаётган тезис ўз кучини йўқотади. Бунда ишонтирувчи шахс тезисни ёки уни аргументлаш учун қўллаётган тезисни алмаштириши лозим бўлади.

Тарихда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг "Биз ким Мулки Турон, Амири Туркистонмиз, Биз ким миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи Туркнинг бош бўғинимиз. Агар бизнинг қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурган иморатларга боқ" деган сўзлари бугун кунда ҳам ўз исботини топиб келмоқда. Зеро, қаерда тинчлик бўлса, ўша ерда илм-фан ва ҳунармандчилик гуллаб-яшнайди, урф-одат ва анъаналар қадр топади.

Қадрланиш инсоннинг ишонч ва эътиқодини мустаҳкалайди, мақсадлари, интилишлари, орзу-умидларига эришишда иродасини бақувват қилади. Бунинг учун ёш авлодга таълим ва тарбия бериш жараёнида миллий ўзлигимизни англатишимиз, мустақил қарор қабул қилишларида урф-одат ва анъаналарни унутмаслигини ўргатишимиз лозим. Шундагина ўз кўзлаган мақсадимизга эришган бўламиз.

[1] Фейерабенд П. Избранные труды по методологии науки. – М., 1986. – С. 469.

ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМАНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Аҳмедова Ш.Д. *–ЎзМУ магистранти*

Оммавий ахборот воситалари демократиянинг асосий устунларидан бири ҳисобланади. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти билан бир қаторда ОАВ ҳам демократик жамиятнинг кўринмас устунидир. У нафақат, тиргак вазифасини бажаради, балки, қолган уч мустақил фаолият органлари устидан ҳам назорат ўрната олади. Жамиятда ОАВнинг аҳамияти шундаки, у орқали инсонлар атрофдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ўзгаришлардан хабардор бўлади. Ахборот тарқатиш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришда унинг ўрни сезиларли даражада юқори. Бу демократияда муҳим аҳамиятга эга, чунки ҳар қандай мавзу бўйича ижобий ёки салбий фикр жамоатчилик томонидан тасдиқланиши керак.

Жамоатчилик фикри – жамиятнинг аҳамиятли қисми томонидан билдирилган, маълум бир мавзуда бўлиши мумкин бўлган фикрлар, қарашлар, эътиқод ва муносабатларнинг бирлашувидир.

Жамоатчилик фикри муҳим, чунки унинг ёрдамида ҳукумат томонидан бир нечта сиёсий қарорлар қабул қилиниши мумкин. Демократик давлатда ҳукумат сиёсати ва дастурлари одамларга йўналтирилган бўлиб, ҳукумат ўз ҳаракатлари орқали керакли таъсирни яратадими ёки ёқлигини билиш учун жамоатчилик фикри зарур. ОАВ ҳукумат ва жамоатчилик ўртасида восита сифатида ишлайди. Унинг вазифаси одамларга маълумотларга асосланиб фикрлар шаклланиши учун маълумот етказишдир.

Инсонга хослик шундаки, у ўз атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни билишни истайди, бунинг натижасида у маълумотларни ҳақиқий ёки қалбаки эканлиги ҳақида фикр юритиб, керак нокеракка ажратиб фильтрламай туриб ҳам ишонишига ва таъсирланишига олиб келади. Бундан кўриниб турибдики, баъзида ахборот етказиб берувчилар нафақат ишончсиз маълумотларни тақдим этадилр, балки ўз маълумотлари орқали омма онггини манипуляция қилишга ҳам эришадилар. Бу эса одамлардаги ишонч ва таъсирчанликдан фойдаланиб ўз мақсадига етишишни кўрсатади.

ОАВ, жумладан, телевидение, радио, интернет, матбуот ўзи тарқатаётган материаллар орқали инсонлар тафаккурини ўзгартиришга қодир. Бу каби ҳолатларнинг барчаси жамоатчилик фикри шаклланишига ёрдам беради. Жамоатчилик фикрининг қандай шаклланиши эса бу янгиликларнинг тўғрилигига ва одамлар уни қандай талқин қилишига боғлиқ.

Ҳозирги кунда бутун дунёда ОАВдан давлат ва жамиятдаги муаммоларни очиб берувчи, балки уларни ечишга кўмаклашувчи соҳа сифатида қаралмоқда. Бунда эса ижтимоий рекламаларнинг ҳам ўрни катта. Ижтимоий рекламанинг ўзига хослиги шундаки, у одамларнинг жамиятдаги хулқ-атворини ўзгартириши ёки ижтимоий ҳодисалар ва муаммоларга эътиборини жалб қила олиши мумкин. Бу жамиятдаги инсонпарварлик

даражасини оширишга ва ижтимоий фаровонлик нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ аниқ натижаларга эришишга ёрдам берадиган ғоялар ва амалиётларни тарғиб қилишнинг махсус шаклидир.

Дунёда муаммолар етарлича кўп, улар олимлар ва мутахассислар томонидан фаол муҳокама қилинади ва сабаб-оқибатлари ўрганилади. Ижтимоий рекламаларда эса улар содда ва аниқ баён этилади. Манбаларда рекламаларнинг илк кўринишлари XV асрда пайдо бўлган дейилади. XVII асрга келиб Германияда, кейинчалик эса Голландия, Франция ва Англия газеталарида рекламалар чоп этила бошланган. XX асрда эса реклама саноати кескин ривожланди. 1906-йилда илк ижтимоий реклама АҚШда пайдо бўлди. Унда "Америка фуқаролар ассоциацияси" Ниагара шаршарасини энергия компаниялари томонидан етказилган зарарлардан ҳимоя қилишга чақирган. Лекин тижорий рекламалардан фарқли ўлароқ ижтимоий рекламалар ўтган асрнинг иккинчи ярмида омма эътиборига тушди. Ижтимоий рекламалар муайян бир инсонга эмас, бутун бошли оммага ёки мамлакат фуқароларига тақдим этилади. Бундан давлат ҳам, иқтисод ҳам манфаатга эришади. Ижтимоий рекламалар буюртма объектига кўра нотижорат, жамоат, давлат ва ижтимоий турларга бўлиниши мумкин:

Нотижорат рекламалари – жамиятдаги муаммоларга инсонлар эътиборини қаратади, уларни хайр-эҳсонга, одамийликка ундайди.

Жамоат рекламалари – асосан жамият ҳаётидаги ижобий ҳодисаларга эътибор қаратиш учун мўлжалланади.

Давлат рекламалари – давлат муассасалари, солиқ қўмитаси, армия ва шу кабилар имижини яхшилаш учун хизмат қилади.

Ижтимоий рекламалар – барча учун тааллуқли бўлган муаммоларни назарда тутувчи тур ҳисобланади.

Ижтимоий рекламалар қуйидаги принципларга эга:

- жамоатчилик фикрини шакллантириш;
- долзарб муаммоларга жамоатчилик эътиборини тортиш;
- бу муаммоларни ҳал этишни рағбатлантириш;
- давлат тузилмаларига ижобий муносабатни шакллантириш;
- фуқаролик жамияти институтлари аҳамиятини кўрсатиш;
- жамиятдаги хулқ-атвор моделини ўзгартириш, баъзи ҳолларда янги қадриятларни яратиш:

Ижтимоий рекламаларда асосан қуйидаги мавзулар ёритилади:

- табиатни асраб-авайлаш;
- зўравонлик;
- аёллар ва болалар ҳуқуқи;
- болаларни асраш;
- гиёҳвандлик, кашандалик ва ичкиликбозлик;
- хавфсизлик;
- аутизм;
- ОИТС;
- жониворларни асраш.

Ижтимоий рекламалар қуйидаги функцияларни бажаради:

– ахборий;
– таълимий;
– тарбиявий;
– тарғиб қилувчи.

Жаҳон тажрибасидан бизга маълумки, бу турдаги рекламаларга жуда катта маблағ ва куч сарфаланади, чунки бу давлатга узоқ йиллик фойда келтириши мумкин. Мисол учун, табиатни асраш, солиқларни вақтида тўлаш, зўравонликни камайтириш, кашандалик ва ичкиликбозликни камайтириш – буларнинг бари давлат фаровонлигига олиб келади. Буни англаган давлатлар ижтимоий рекламаларга жиддий эътибор қаратади. Масалан, Америкада урушдан кейинги йилларда реклама ишлари билан шуғулланувчи "Реклама кенгаши" аввалига мавзу танлашда консерватив ёндашганлиги учун тайёрланган ижтимоий рекламалар жамоатчиликда қизиқиш уйғотмаган. Бундан хулоса чиқарган ҳолда йўналишни ўзгартирган. Жамиятда автомобилнинг камарини боғлаш ёки ўрмонни асрашдан ҳам кўра долзарброқ мавзулар ёритила бошланган. Реклама Кенгаши биринчи бўлиб одамларнинг эътиборини саводсизлик, болаларга нисбатан зўравонлик ва ОИТС муаммоларига қаратган. 1993-2000 йилларда АҚШ ҳукумати гиёҳвандликни бартараф этиш учунгина 1,8 млрд доллар маблағни ижтимоий рекламани молиялаштириш учун ажратган.

Буюк Британияда ҳам ижтимоий реклама қонуний тартибга солинмаган. Реклама ҳукумат томонидан буюртма қилинади ва бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, қолганлари реклама соҳасини ўзини ўзи бошқариш орқали ҳал этилади.

Буюк Британияда 1946-йилдан бери мавжуд бўлган ҳукуматнинг "Оммавий ахборот идораси" ҳукуматнинг ижтимоий рекламаларини мувофиқлаштириш учун жавобгардир. У Иккинчи жаҳон уруши даврида мавжуд бўлган "Тарғибот вазирлиги" асосида яратилган. Ходимлар сони – 450 киши. У барча давлат идораларидан буюртмалар йиғади ва уларни турли реклама агентликлари орасида тарқатади. Умумий йиллик бюджет 300 млн еврони ташкил этади. Ушбу идора сиёсий реклама ва сайлов кампаниялари билан умуман шуғулланмайди.

Ҳозирги кунда дунёда болалар, оила, аёллар ҳуқуқи, соғлом турмуш тарзи ижтимоий рекламаларда энг кўп акс этаётган мавзулардир. Ўзбекистонда эса асосан сиёсий контекстга эга, давлат буюртмаси асосида тайёрланадиган рекламалар кўп. Телевидениеда тижорий рекламаларга нисбатан ижтимоий рекламаларнинг сони кескин фарқ қилади. Ижтимоий рекламалардаги мавзулар ҳам одатда бир хил – солиқларни вақтида тўлаш, ҳайрия қилиш ёки қарияларни эъзозлаш. Бундан ташқаридаги мавзулар деярли ёритилмайди. ННТ лар фаолияти ҳам бу йўналишда анча суст.

Ўзбекистон Республикаси "Реклама тўғрисида"ги Қонунининг 16-моддасида ижтимоий рекламалар ва уларни тарқатиш учун давлат томонидан имтиёзлар мавжуд эканлиги кўрсатиб ўтилган. Лекин шунга қарамай, бу соҳа вакиллари жамоатчилик эътиборини торта оладиган ва

ўзгартирадиган материаллар тайёрлаётгани кўзга ташланмаяпти. Арзимасдек туюлаган ушбу расмлар ёки видеороликлар шаклидаги ижтимоий рекламалар орқали жамиятдаги муаммолар, камчиликлар ва иллатларни йўқотишда арзирли натижаларга эришиш мумкин. Чунки инсон психологияси шундай, у айтилган нарсага эмас, балки кўрган нарсасига ишонади ва хулоса чиқаради.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОЦИАЛ СИНФЛАРГА МУНОСАБАТ ВА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИ

Дусов Қ.О. *– ЎзМУ магистранти*

Жамиятнинг ижтимоий тузилишида ўрта қатламни ўрганиш турли даврларда жамиятшунос олимларни қизиқтириб келган. Бу қизиқиш тасодифий эмас, чунки ҳар қандай ижтимоий тизим умумий барқарорлигининг асосини айнан ўрта қатлам ташкил этади.

Ўрта қатлам бу – ижтимоий-моддий жиҳатдан ўз ҳаётини фаровонлик даражасида таъминлай оладиган инсонлар тоифасидир.

Ўрта қатлам (синф) бошқа ижтимоий (социал) қатламлардан маълум ижтимоий ва касбий мавқеи билан ажралиб туради, унинг таркибига юқори пул даромадларига эга, шунингдек, ижтимоий ҳаракатчанликни таъминлашга имкон берадиган шахслар гуруҳи киради.

Жамият тараққиётининг тарихий таҳлили шуни кўрсатадики, ўрта синф жамиятнинг нисбатан барқарор, ўзгармас қисмидир. Бугунги кунда социология фани олдида турган муҳим вазифалардан бири – замонавий жамиятда ўрта қатламнинг улуши қанчалиги, қандай муҳим жиҳатларга эгалиги, шунингдек унинг социум ҳаётидаги социал функциялари нималардан иборатлигини тадбиқ этиш орқали янги хулосалар олишдир.

Ўз ўрнида таъкидлаш зарурки, ўрта синф муҳим функцияларни бажаради. “Синф” сўзи қадимги Римда кенг қўлланилиб, солиққа тортиш мақсадида аҳолини маълум гуруҳларга бўлиб бошқариш учун қўлланилган. Бунда юқори поғонада “ассидий”лар, яъни бой римликлар ва энг қуйи поғонада “пролетарий”лар туришган. Платон қадимги Юнонистондаги иккита синфни ажратиб кўрсатади: 1) бойлар ва 2) камбағаллар. Аристотель эса жамиятни учта тоифа – катта бойликка эга юқори табақа, қуйи табақа ҳамда умумхалқ тақдирини ишониб топширса бўладиган ишончли ўрта табақага ажратади. Унинг фикрича, айнан ўрта табақа фазилат ва қусурларни ижтимоий ҳаётда меъёр даражасида қўллай олади.[1]

Биринчидан, фаол ишбилармон, ташаббускор инсонларни ўз ичига қамраб олувчи социал тоифа бўлганлиги боис, ҳар қандай жамият ҳаёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган омил – иқтисодий тўкинликни яратади. Бу синф мавжуд иш жойларини сақлаб қолади, фуқароларнинг тўлов қобилиятини таъминлайди, чунки иқтисодий маънода айнан ўрта синфга мансуб одамлар асосий солиқ тўловчилар ҳисобланадилар. Бундан ташқари,

[1] Платон. Государство. – М.: Эксмо, 2018. – С. 37.

давлатнинг иқтисодий мавқеи асосан, ўрта қатламнинг инвестиция фаоллигига боғлиқ. Давлат бюджетининг ҳолати, давлат талабларининг бажарилиши, ижтимоий дастурлар ва бошқа муҳим ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ўз мақсадига эришиши айнан ижтимоий-иқтисодий фаол ўрта синфнинг фаолиятига боғлиқдир.

Иккинчидан, ўрта синф жамият социал тузилмасининг катта миқдордаги қисмини ташкил этиши боис, сиёсий барқарорликни кафолатлайдиган мавжуд куч тизими бўлиб хизмат қилади. Гап шундаки, унинг иштирокисиз бирор бир муҳим сиёсий жараёнлар юз бермайди. Бунга мисол тариқасида ўрта синфнинг сайловлардаги иштирокини келтириш мумкин.

Учинчидан, ижтимоий функция бажариб, ижтимоий хилма-хиллик, тенгсизликлар, жамият тараққиётининг эволюцион хусусиятини таъминлайди.

Кўриш мумкинки, ўрта синф мавқеи давлат ва жамиятни нафақат иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларини, балки сиёсий жиҳатдан ҳам мавқеини белгилаб беради.

Социал стратификация концепцияси ривожига хорижлик олимлардан М.Вебер, П.Сорокин, Т.Парсонс, Д.Белл, Р.Бендикс, С.Липсет, Р.Мертон, Г.Зиммель, А.Гидденс ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. МДҲ давлатлари олимларидан М.Руткевич, З.Голенкова, Т.Заславская, О.Радаев, О.Шкаратан, В.Ядов ва бошқа жамиятшунос олимлар асарларида социал структуранинг кўплаб масалалари таҳлил қилинди.

Стратификацион ёндашувнинг классик намунасини Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида кўрамиз. Абу Райҳон Беруний дунё халқларининг беш минг йиллик тарихини сулолавий ёндашув асосида таснифлайди. Ижтимоий жамоалар таснифи Алишер Навоийнинг «Маҳбуб-ул Қулуб», «Мажолисун Нафоис» ва бошқа асарларида келтирилади. Хусусан, улуғ шоир ва мутафаккирнинг «Насойимул – муҳаббат» асарида 770 нафар авлиё шахсларнинг хислатлари тавсифлари келтирилади. Бу каби бебаҳо асарларда таърифланган ижтимоий жараёнларнинг мазмун-моҳияти Шарқ стратификацион ёндашуви наъмунаси ҳисобланади. Шунингдек, жамоалар, шахслар, соҳалар таснифини Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшохий” ва бошқа кўплаб ижтимоий ва тарихий мазмундаги манбаларда кўрамиз.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда жамият ҳаётининг ижтимоий соҳаси тубдан ўзгармоқда, хусусан аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, камбағалликни ижтимоий воқелик сифатида бартараф этиш, янги иш ўринларини кўплаб яратиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу маънода М.Бекмуродов, А.Қаҳҳаров, Н.Алиқориев, А.Холбеков, Р.Убайдуллаева, Ф.Пармонов, К.Каланов, А.Шайманова каби олимларларнинг стратификацион жараёнларга оид тадқиқотлари билан бир қаторда ушбу ўзгаришларни ўзида комплекс акс эттирувчи бир қатор адабиётлар нашр қилинди.

Ўзбекистонда ўрта синфлар ҳақида гапирганда, социолог Б.Р.Бердиевнинг фикрлари эътиборга молик. Мамлакатимиздаги стратификацион жараёнларнинг ўзига хослиги, янги қонуният ва тенденциялари, турли страталар ўртасидаги муносабатларни оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда». Янгиланаётган Ўзбекистоннинг социал ривожланиши йўналишларидаги стратификация жараёнларининг социал ҳолатини аниқлаш, шунингдек, ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг маънавий-руҳий дунёси, ижтимоий кайфияти, стратификацион жараёнларнинг таркиби, трансформацион тенденцияларини ҳисобга олиб, зарур имкониятларни яратишга кўмаклашадиган комплекс ижтимоий-социологик тизимни янада такомиллаштириш борасида илмий изланишларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Социологларнинг ушбу фикрларига таянган ҳолда, баъзи бир жиҳатларини қайд этиб ўтиш лозим.

Марказий Осиёнинг марказида жойлаган давлатимизнинг географик жойлашуви, халқимиз менталитети, иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, камбағалликни қисқартириш мақсадида, иқтисодий социал даражасини социал моделларини ишлаб чиқишимиз ва синфларни тизимга солишимиз – камбағалликни қисқартириш сиёсатининг фундаментал босқичи, деб ҳисоблаймиз. Шу ўринда кутилаётган социал хавфлардан бири бўлмиш камбағаллик ва ишсизликни қисқартиришда аввало синфларни аниқлаш, иқтисодчи, демограф, социолог, этнограф каби экспертлар ишлаб чиққан ҳаққоний янги мезонлар билан юқоридаги муаммоларга илмий ёндошиб ечим топишимиз мумкин. Бунинг учун олдимизда бир қатор муаммолар ва саволлар турибди:

биринчидан, социологик тадқиқотларга асосланган аниқ статистик маълумотлар йўқлиги;

иккинчидан, синфларнинг статистик салмоғини аниқлаш учун синфларни, ҳусусан, ўрта синфнинг аниқ мукаммал мезони йўқлиги ва уни аниқлашда жамиятимизга мос метод ҳозиргача ишлаб чиқилмаганлиги;

учинчидан, фуқаролар учун молу-мулк декларацияси тизими илмий асосланган ҳолда йўлга қўйилиши муҳим. бу ўз навбатида аҳоли даромадини белгилаш, унинг қайси синфга оид эканлигини аниқлашда мавжуд муаммоларнинг таҳлили, статистика ва солиқ ислоҳотлари, шунингдек, аҳолини даромадини кўтаришда ҳудудлар кесимида айнан қандай ижтимоий инъекция турлари мавжудлиги;

тўртинчидан, ижтимоий тенгсизликнинг асосий сабабларидан бўлган коррупция, монополия, соҳалардаги обскурантизм сиёсати, аҳолининг юқори, ўрта ва қуйи синфига тенгсиз имтиёз, нопрогрессив солиқ ва бошқа тўловлар саналади.

Юқоридаги масалалар сабаб Ўзбекистондаги ижтимой барқарорлик қайси даражада эканлигини аниқлаш соҳа мутахассислари учун мушкуллигича қолмоқда.

Ўзбекистонда стратификация жараёнларининг мавжуд ҳолати, унга таъсир этувчи социомаданий омилларнинг (тафаккур тарзи, турмуш даражаси, урбанизация жараёнларининг кучайиши, шаҳар ҳаётига мослашиш ва б.) таъсир этиш йўналишларини таҳлил этиш ва истиқболларини илмий жиҳатдан белгилаш лозим.

Ижтимоий табақаланишга таъсир кўрсатувчи омиллар: аҳоли реал даромадлари, сифатли таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидан фойдаланиш, бандлик ва иш ўринлари, касб нуфузи, шунингдек, ҳокимият структуралари аҳолининг ижтимоий муаммоларини ижобий ҳал этиши орқали аҳолининг ижтимоий табақалашуви жараёнларини оптималлаштириш, таъсирини аниқлашга қаратилган сўровноманинг модификациялаштирилган шаклини ишлаб чиқиш лозим.

Шунингдек, мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонлар ўрта қатламини шакллантиришда фаол ижтимоий сиёсий йўналишлари ва омиллари: ҳуқуқий-иқтисодий (мулкнинг хилма-хиллиги, хусусий мулк дахлсизлиги), иқтисодий (бизнес инкубаторлар, коворкинг марказлар ташкил этиш), молиявий (имтиёзли солиқлар), социал (ҳудудларда кўплаб янги иш ўринларини яратиш) омиллари қиёсланиб, уларнинг кичик бизнес ва социал ташаббусларни жонлантиришдаги ролига оид тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳисоботларини тайёрлашга кўмаклашиш мақсадга мувофиқ.

Шу каби соҳаларда кенг қамровли тадқиқотлар ўтказиш билан параллель равишда давлат органларини бошқарувини ягон миллий электрон тизимини яратишга асос бўлар эди.

БЛОГОСФЕРА КОММУНИКАЦИОН МАКОННИНГ БИР ҚИСМИ СИФАТИДА

Кахарова Н.Р. *– ЎзМУ магистранти*

Шахсий блог ҳозирги кунда тармоқ кундалиги эмас, балки шахслараро мулоқот воситасига айланди. Унинг шакли ва мақсади билан классик блог ўртасидаги янгича бир интернет тармоғининг кўринишига айланади. Бу ўн йил олдин кутилганидан кўра тезроқ суръатларда ривожланаётган глобализация билан боғлиқ. Мобиль қурилмалар ёки компьютер орқали мулоқот қилишнинг янги гибрид шакли, морфологиянинг ўзига хос хусусиятлари ва шахсий ибораларнинг синтаксиси ва онлайн мулоқотда ишлатиладиган сўзлар бизнинг тадқиқотимизнинг долзарблигини аниқлайди. Ушбу мақолада қўйилган мақсад блогерлар жамиятнинг вакиллари орасида глобал тармоқдаги энг янги алоқа тенденцияларини аниқлашдир. Вазифалар эса мақоланинг мақсади билан белгиланади ва қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) энг кўп частотали мулоқот стратегиясидан ажралиб чиқиш, уларни

тавсифлаш; 2) ажратилган коммуникатив стратегияларни амалга ошириш воситаларини очиб бериш; 3) муайян оғзаки ва оғзаки бўлмаган мулоқот воситаларининг блогерлари томонидан танлашга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш; 4) муаммони янада ўрганиш учун олинган маълумотларни умумлаштириш. Мақоланинг илмий янгилиги муайян мулоқот шароитларида блогерларнинг ижтимоий гуруҳига хос бўлган лексик-грамматик ва семантик маркерларни ажратиш. Ишимиз давомида олинган натижалар асосида блогернинг умумий нутқ портрети тузилади.

Коммуникация – турли хил нутқлар (шахсий ва институционал) орқали ўзаро ва оммавий мулоқотда ахборотни узатиш ва қабул қилишнинг ижтимоий жиҳатдан шартли жараёни. Турли оғзаки ва оғзаки бўлмаган тил воситалари ёрдамида турли каналлар орқали амалга оширилади.

Ёш блогер блогосферанинг коммуникатив жараёнларига қўшилиш жараёнида ўзи билан ўзи мулоқот қилиш воситаларига мурожаат қилади. Кейинчалик блогер зарур коммуникатив стратегияларни ва маълум бир ҳиссий-услубли мулоқот форматини аниқлаш орқали ўз коммуникатив ваколатларини намойиш этади.[1]

Коммуникация муҳити сифатида блогосфера умумий ижтимоий эҳтиёжлар ва қадриятларга эга бўлган, яъни битта ижтимоий гуруҳ блогерлари учун "дўстлар уйи" бўлган одамларнинг маконига бўлинган мулоқот жойига айланди, чунки уларнинг нутқ ҳаракатларини нутқни "нормализация", яъни ҳар қандай ўқувчи учун тушунарли бўлган лексик-семантик тузилмалардан фойдаланиш ва фақатгина референт ижтимоий гуруҳ аъзолари билан чекланиб қолган эмас. Улар блогосферада қулай мулоқот қилиш учун жой топиш учун ҳаракат қилмасдан уларни тушунадиганлар билан мулоқот қилишни истайдилар. Блогер тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг виртуал ифодасида блогернинг исталган қиёфасини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратадиган оғзаки мужассамликка эга бўлган техник тизим доирасида ишлашидир. Бу ҳақиқий шахсни умумий ёки коммуникатив режага қараб ҳар қандай виртуал тасвир сифатида яшириш имконини беради.[2]

"Алоқа майдони" тушунчаси бугунги кунда мунозарали ҳисобланади. У билан бир қаторда, рус илмий анъаналарида "ахборот макони" ва "коммуникатив макон" каби тушунчалар қўлланилади. Муайян муаллифнинг позициясига қараб, ушбу тоифаларнинг мазмунли хусусиятлари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилиши ва бир хил деб ҳисобланиши мумкин. Юқорида келтирилган тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлигини батафсил таҳлил қилиш мустақил тадқиқот вазифаси бўлиб мақоланинг предмети ҳисобланмаганлиги учун биз А.В. Родинанинг мулоқот майдонини турли алоқа агентлари ўртасида пайдо бўладиган турли алоқалар тизими

[1] Лутовинова О. В. Языковая личность в интернет-коммуникации // Интернет-коммуникация как новая речевая формация: колл. монография / науч. ред. Т. Н. Колокольцева, О. В. Лутовинова. Изд-е 3-е, стер. – М.: Флинта: Наука, 2016. – С. 124-138.

[2] Рябова М. Э. Замонавий коммуникацияда блоггернинг мулоқот индивидуаллиги // Ташкилий психолингвистика. – 2018. – № 1 (1). – С. 39-53.

сифатидаги таҳлилини мисол қиламиз. У бундай маконнинг учта даражасини келтиради: глобал, минтақавий ва маҳаллий. Уларни ажратиш ижтимоий назоратнинг тегишли даражалари – марказий, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг мавжудлигини назарда тутади.[1]

Шу билан бирга, блогосферани минтақа алоқа маконининг бир қисми сифатида ҳисобга олиб, "мулоқот" ва "коммуникатив" терминлари ўртасидаги фарқларни тушуниш муҳимдир. Ушбу фарқларнинг чуқур ва сифатли таҳлили Б.П. Яковлева ва Л.С. Чистовойларнинг илмий мақолаларида ёритилган.[2] Муаллифлар "мулоқот"ни ижтимоий ўзаро таъсирнинг ахборот канали, алоқа воситаси орқали юз берадиган ҳолатга, "коммуникатив" эса кўпроқ бевосита мулоқот билан боғлиқ бўлиши кераклигини таъкидлайдилар.

Блогосфера, коммуникация агентлари сифатида ҳаракатланувчи блогерлар ўртасидаги турли ҳил алоқаларни ўз ичига олади. Шу билан бирга, блогосфера, ҳар қандай ижтимоий тармоқ каби, жамоалардан иборатдир. Бундай жамоалар жуда барқарор ва уларнинг ичида алоқалар зичлиги ортади.[3]

Блогосфера тадқиқотчилар томонидан қуйидагилар орқали талқин қилинган:

1. Ўз маданиятига эга “блог уюшмаси”;[4]
2. “Блог иштирокчиларининг жамоа ёки ижтимоий тармоғи бўлган барча блогларнинг жамланмаси”;[5]
3. Мақолаларни ўқиш, шарҳлаш ва тармоқ орқали боғланиш шаклланган “ижтимоий муҳит”.[6]

Блогосферани ўрганишнинг коммуникатив тадқиқотлари ва сиёсатшунослик каби илмий билим соҳалари учун бирламчи аҳамиятга эга. Унинг оммавий ахборот воситалари ривожланиши орқали намоён бўладиган оммавий ахборот воситаларига таъсири минтақалардаги оммавий коммуникацияларнинг бутун муҳитини сезиларли даражада ўзгартиради. Блогосфера – тармоқнинг барча блогларининг глобал маълумотлар базаси бўлиб, улар мулоқот қилиш, қидириш ва ахборот алмашиш, шакллантириш ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш учун мўлжалланган. Бундан ташқари, жамоатчилик фикри ва маданий мемларни ўрганиш учун муҳим восита бўлиб, блогосфера кўпинча илмий ва илмий бўлмаган ишларда ҳисобга олинади. Бир қарашда блогосфера хаоснинг бир тури бўлиб туюлиши

---

[1] Родин А.В. Коммуникационное пространство как социальная реальность: Автореф. дис. ... канд. филос. наук. – Саранск, 2009. – С. 15, 18-19.

[2] Яковлев Б.П., Чистова Л.С. Теоретический анализ коммуникационной и коммуникативной компетентностей // Успехи современного естествознания. – 2009. – № 6. – С. 80-83.

[3] Babutsidze Z, Lomitashvili T., Turmanidze K. The Structure of Georgian Blo-gosphere and Implications for Information Diffusion // International Journal of Social Network Mining. – 2013. – No. 1 (3/4). – P. 280-297.

[4] Загоруйко И.Н. Языковые клише в блогосфере интернет-дискурса: функционально-прагматический аспект: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ижевск, 2013. – С. 11.

[5] Лазуткина Е.В. Проблемно-объектный комплекс регулирования новостной информации в блогосфере Рунета: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2010. – С. 15.

[6] Кульминская А.В. Социальная общность блогеров: становление и развитие в российском обществе: Автореф. дис. ... канд. социол. наук. – Екатеринбург, 2013. – С. 11.

мумкин, лекин аслида у ўзининг иерархиясига эга бўлиб, унда энг нуфузли танланган блоглар ажралиб туради.

ШАХС ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИ: ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ МЕХАНИЗМЛАРИ

Кузиев Р.Б. *– ЎзМУ магистранти*

Бугунги кунда, инсоният цивилизациясининг янги даври сифатида баҳоланаётган ахборот жамиятини бунёд этишда ахборот технологияларини ривожлантиришдан ҳам кўра аҳолига ахборот олиш имкониятини бериш муҳимроқдир. Бир қарашда бу фикр анча мунозарали бўлиб туюлади. Чунки ахборот жамияти ғоясининг "ота"лари бўлмиш Д.Белл, Й.Хаяши, Э.Тоффлер каби олимлар инсониятнинг янги даврга ўтишида ахборот технологиялари бирламчи ўрин эгаллашини эътироф этган.

Сирасини айтганда, "ахборот жамияти" истилоҳини ҳозир ОАВ сўз бойлигида жуда кўп учратиш мумкин. Қолаверса, мазкур атама дунёнинг юксак минбарларида нуфузли давлат арбоблари томонидан ҳам бот-бот тилга олинмоқда. Чунки инсоният ўз истиқболини айни шу янги давр – ахборот жамияти тимсолида тасаввур қиляпти. Бинобарин, ривожланган Ғарб давлатлари аллақачон ахборот жамиятига ўтиш борасида стратегик дастурлар ишлаб чиққан. Масалан, АҚШда 1993 йили миллий ахборот инфраструктурасини ташкил этиш бойича махсус гуруҳ тузилган (у ерда "ахборот жамияти" атамаси ўрнига "миллий ахборот инфраструктураси" истилоҳи қўлланади). Кўҳна қитъанинг 27 мамлакатини бирлаштирган Европа Иттифоқида ҳам 1994 йилдаёқ бу борада махсус ҳаракат режаси ишлаб чиқилган (Europe and the european Council. May 1994). Канадада эса "ахборот жамияти" ўрнига "ахборот магистрали" атамаси қабул қилинган. Ушбу ривожланган мамлакатда ахборот магистралига ўтиш борасида маълум дастур амалга оширилмоқда. Ана шу мақсадда ҳукумат таркибида ахборот жамияти муаммоларини ўрганувчи маслаҳат кенгаши ҳам ташкил этилган. "Ахборот магистрали", "ахборот инфраструктураси" ёҳуд "ахборот жамияти" – қандай аталишидан қатъий назар, бундай концепцияларда бир муштараклик кўзга якқол ташланади: улар "жамиятдаги жамики неъмат инсон манфаатларига хизмат қилиши керак, фуқаро давлат учун эмас, давлат фуқаро учун зарур" деган тамойилга таянади.

Кунчиқар мамлакат олимлари устувор тамойил ўлароқ эътироф этган жиҳат – ихтилофсизлик. Инсониятнинг бизга маълум бўлган тарихини таҳлил қилсак, унинг қанча даври урушлар, қонли тўқнашувлар ва ихтилофларга тўғри келади? Чорак қисмими ёки ярми? Нисбатда бир оз тафовут бўлиши мумкин, бироқ хулоса тайин: ихтилоф, жангу жадал дегани аллақачон инсониятни бездириб бўлди. Эндиликда зиддият ва урушлардан мувозанатини йўқотиб, кўздаги ёшдай қалқиб турган дунё тинчлик, осойишталик истаб қолди. Янги жамият эса инсоният кўнглидаги ана шу эзгу

истакларнинг ижобатини ваъда қилмоқда. Бизнингча, ахборот жамияти ғоясининг кучи ҳам, оҳанрабосию сеҳри ҳам ана шунда!

Агар бундан юз йиллар муқаддам ахборотга шу қадар ҳаётий зарурат сезилганини ҳисобга олсак, ҳозирда у беқиёс бойлик манбаи саналиши баробарида бутун бошли цивилизация яратилишига асос бўлаётгани унчалик ҳам ҳайратланарли ҳодиса эмас. Боз устига, бу ҳам ахборотнинг умумий қадр-қимматини тасаввур этиш учун етарли эмасдек туюлади. Жамиятнинг ривожланиш суръати ва йўналиши биринчи галда кишиларнинг тафаккур тарзи ва фикрлаш савиясига боғлиқлиги шундай хулосага келишга асосдир. Чунки инсон қандай фикрласа, дунёни қандай англаса, борликни не сурат-шамойилда тасаввур этса, жамиятнинг тараққиёт йўли ҳам ана ўшандай бўлади.

Биз юқорида бугунги кунда шахсни ҳар томонлама ўраб турган ахборот психологик хавфсизлигининг ўзига хос характерли жихатларини кўриб ўтдик. Бунда турли маданиятлар ва турли даврларда инсонга ахборот-психологик босим ўтказишнинг кўп қиррали ижтимоий характерли жихатларини таҳлил этдик. Юқоридаги фикрларга кўра, бугунги замонавий жамиятларда шахсга яширин тарзда психологик босим ўтказиш янгича шакл ва воситалар орқали амалга оширилмоқда. Турли ОАВ, жумладан телевидение, радио, газета ва журналларда шахсга яширин тарзда ахборот-психологик босим ўтказишнинг янгича йўллари, усул ва воситалари ишлаб чиқилмоқда. Шахс шу тарзда замонавий дунёга кириб борар экан, унда фаолият олиб бораётган бозор чайқовчиларию лўттибоз манипуляторлардан тортиб то инсон руҳиятига кучли таъсир ўтказувчи коммуникатив аппаратлар ва энг замонавий билимлар билан қуролланган катта-катта ташкилотларнинг иқтисодий ҳамда турли сиёсий манфатларни кўзлаб қилаётган ёлғон ўйинларининг ҳам таъсирига тушиб қолмоқда. Ҳозирги замонда шахс бу каби ахборот хуружи ва босимларига қарши ўзининг эркин танлов ҳуқуқини, тафаккурини, ахлоқини, эътиқодини соғлом ҳолда сақлаб қола оладими? деган савол туғилади. Яна шуни такидлаш лозимки, бундай ахборот хуружларига нафақат ишлаб чиқариш сохалари, фан, маданият ва манавият балки инсон борлиғини ташкил этувчи руҳиятимиз ҳам таъсир остида қолмоқда. Бу ҳолни ҳар бир киши озми-кўпми англамоқда, ҳис қилмоқда. Чунки жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳар биримиз бундай масъулият олдида турибмиз.

Қадимги юнонларнинг “хавфдан огохлик – энг яхши қуролланганлик” деган ҳикматли сўзлари бежиз эмас. Чунки агар кимда-ким унга таҳдид этаётган хавфдан вақтида огоҳ бўлса, у бу хавфнниг чорасини албатта топади. Ҳозирги кунда ҳар бир шахс бевосита оладиган ахборотларда ёки ОАВда узатилаётган хабарлар, турли чиқишларда англанган ёҳуд англанмаган тарзда манипулияция характеридаги ахборот нафақат бизнинг фойдамизга, аксинча зараримизга қаратилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бунда ахборот олувчининг оммага қаратилган зарурий эҳтиёжларини қондириш ва уни қай мақсадларда йўналтирилаётганини таҳлил қилиш ахборот хавфидан ҳимояланишнинг энг содда, лекин самарали

механизмларидан биридир. Буни оддийгина реклама мисолида кўрадиган бўлсак, узатилаётган чет эл реклама оқимига эътибор қаратиш ва мақсадини таҳлил қилиш фойдадан холи эмас.

Ахборот ҳуружи таъсирига тушиш турли шахсда турлича тарзда намоён бўлади. Баъзилар бошқаларнинг хатти-ҳаракатидаги ғаразли ёлғонни, алдовни ҳақиқатдан ажратиб олишда ўта зийрак бўлади, баъзилар эса бундай қобилиятга эга бўлмайди. Бу ҳол психологияда турли диагностик тестлар билан тасдиқланган. Масалан, юқоридаги фикр Кителнинг "Шахс ривожланишининг икки қутбли назарияси"да[1] етарлича ёритиб берилган. Бунда шахснинг вазиятларни нечоғлик англаши ва улардан қай даражада фойдаланиши кўрсатиб берилган бўлиб, ушбу назария фанда Макиавелли ва Руссо омили ёҳуд зийраклик ва гўллик омили дея ҳам номланади[2]. Ушбу назарияга асосланган амалий тестларда юқори натижа кўрсатган шахслар вазиятларни совуққонлик билан баҳоловчи, мантиқан иш кўрувчи, ўз ҳиссиётларини ва эҳтиросларини бошқара олувчи кишилардир. Улар ҳар бир ишга соғлом ақл билан мулоҳазакор ёндашадилар. Бирор қарорга келишларидан аввал ўз имкониятларини чамалаб, хулқ-атворларини шу вазиятга мослаштирадилар. Уларда шубҳаланиш ва таҳлил кучли бўлиб турли шиорлар, рекламаларнинг ёлғончи нағмаларига ишончсизлик билан қарайдилар.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, шахснинг ахборот-психологик ҳуружларидан ҳимоя қилиш механизмларининг шакилланишига узоқ вақт сарф этилмайди. Тўпланган материаллар шундан гувоҳлик берадики, шахсдаги ҳимояланишнинг дастлабки босқичи нисбий характерга эга бўлиб, бунда махсус ишлаб чиқилган методикалар орқали ахборот соҳаларини таҳлил қилиш кўникмаси шакллантирилади.

Шахс психологиясига таъсир этувчи ташқи омиллар қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, англанган ёки англанмаган психологик ҳимоя. Англанган ҳимояда шахс ташқи таъсир ким томонидан амалга оширилаётганлигини яхши билади ва уни қай мақсадларда содир этаётганлигини ҳам англайди.

Иккинчидан, индивидуал ва жамоавий психологик ҳимоя, бунда дастлаб алоҳида шахслар кейинчалик эса жамоалар ташқи таъсирлардан ҳимояланади.

Учинчидан, умумий ва хусусий психологик ҳимоя, бу ҳимоя тури кенг қамровли бўлишига қарамасдан, таъсири бир мунча кучсизроқдир. Чунки жамиятдаги шахснинг иммунитет ҳолати турлича бўлиб уларнинг даражаси ҳам турличадир.

Анъанавий психологиянинг руҳий таҳлил мактаби тавсия этган бу ҳимоя усули бирёқламалиликни намоён этади, чунки бугунги замонавий очиқ жамиятларда бу тарздаги механизм шахсни изоляцияга тушириб қўяди ва бу ҳол бугунги кунда мутлоқ имконсиздир. Шахсни тарқатилаётган ахборотдан

[1] Доценко Е.Л. Психология манипуляции: феномены, механизмы и защита. – М., 1997. – С. 104.

[2] Мельников В.М., Ямпольский Л. Т. Введение в экспериментальную психологию личности. – М.: Просвещение, 1985. – С. 49.

узиб қўйиш эмас, аксинча унда бу каби ахборотга танқидий тафаккурни ривожлантириш даркор.

Психологик химоя асосан шахснинг руҳиятига кучли таъсир ўтказувчи, уни зидиятларга ёҳуд ахлоқсизлик, агрессия, зўравонлика чорловчи ахборотлардан ихота этишда ва унинг руҳий барқарорлигини таъминлашда ўз аксини топади. Юқоридаги фикрларга мувофиқ, бундай ҳимоянинг асосий вазифаларидан бири шахснинг руҳиятини жунбушга келтирувчи ёки уни маънавий мажруҳ қилувчи шароитлардан холи қилишдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МУАММОЛАРИГА ОИД

Мусурмонқулов О.У. *– Республика Маънавият ва маърифат маркази мустақил изланувчиси*

Мавжуд маълумотлар таҳлилига кўра, бугунги кунда ННТлар республикада турли соҳалар бўйича фаолият олиб бормоқдалар. Таҳлил натижаси шуни кўрсатмоқдаки, айрим соҳаларда ННТлар фаолияти қониқарли эмас, деб топишга асос бўлмоқда. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар нисбатида олиб қаралганда, бу аниқ кўзга ташланади.

Шунингдек, асосий кўмак тадбирлари ҳам асосан миллий маданий марказлар ва спорт тўгаракларига қаратилган. Бундан ташқари, ННТлар раҳбарларининг фикрларини ўрганиш натижаларига кўра, айрим ҳолларда маҳаллий ҳокимият органлари ёрдам ўрнига ННТлар фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳоллари мавжуд.

Шу билан бирга, сўров натижаларига кўра ННТларнинг асосий қисми ўз фаолиятини вилоят марказларида олиб бораётган бўлса, шу ўринда чекка ҳудудларда ННТлар етарли даражада ташкил этилмагани кузатилган.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида 236 та ННТлар фаолият юритаётган бўлиб, шундан 153 таси Нукус шаҳрига тўғри келмоқда. Қолган ҳудудларда эса, уларнинг сони 3-5 донадан ошмайди. Худди шундай ҳолат Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳам кузатилган бўлиб, марказий маъмурий бирликларда 80-89% ННТлар жойлашган.

Айни пайтда мутахассислар томонидан бугунги кунга қадар давлат бошқаруви органлари ва ННТлар ўртасидаги муносабатларнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги қайд этилмоқда.

Бундан ташқари, ННТларнинг самарали фаолият олиб бораолмаётганига уларнинг давлат томонидан бирламчи молиявий қўллаб-қувватлаш натижасида ташкил этилган жамоат бирлашмаларида ёшлари ўтиб қолган ва янгилик учун курашиш истаги бўлмаган шахслар томонидан раҳбарлик амалга оширилаётганлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Жамоат бирлашмалари ва улар фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бу соҳада ҳам айрим муаммолар мавжуд.

Жумладан, бу турдаги муаммо “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги ва “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунлар таққосланганда кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасига мувофиқ, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонун шу тизимга кирувчи қонунлар учун умумий асос саналади. Лекин “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 10,11-моддаларида эса, жамоат бирлашмаси нодавлат нотижорат ташкилотларининг бир тури эканлиги кўрсатилган.

Шунингдек, фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ҳаракатларда ННТлар фаолиятида юзага келаётган бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги уларнинг самарали фаолият кўрсатишларига таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, оммавий ижтимоий ташаббусларни рўёбга чиқарилишини қийинлаштириб қўяётган молиявий маблағлар етишмовчилигидир. Бунда гап, аввало, ННТлар мавжуд бўлиши ва фаолият кўрсатиши мумкинлигининг ўзи ҳақида бормоқда. Ижтимоий буюртмалар тариқасида давлат ёрдамини олмаслик, ўзлари ишлаб маблағ топиш имкониятига эга бўлмаслик шунингдек, халқаро ташкилотлардан грантлар олишдаги мураккабликлар туфайли кўпгина ННТлар қоғозда мавжуд.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг аксариятида бўлгани каби, давлат кўмагида ташкил этилган айрим ННТлар давлат ҳокимияти томонидан ажратилган ресурсларга боғлиқлиги туфайли ҳам улар белгилаган тартиб-қоидаларга риоя этиш билан чекланиб қолмоқдалар. Давлат назоратидан четда қолган ННТларнинг аксарияти эса, молиявий жиҳатдан заиф, шу сабабдан ҳам, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллиги сустлиги кузатилган.

Шу билан бир қаторда, Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш институтининг таҳлил натижаларига таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, ННТларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигининг сустлиги ҳам уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Бунда иккала томон, ҳокимият ва ННТлар ҳамкорликка қаратилган икки тарафлама ташаббус кўрсатмаяптилар, шу туфайли кўплаб ННТлар самарали фаолият юрита олмаяптилар. Ўз навбатида мазкур омиллар ҳам қаролик жамиятининг бундай институтлари ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, давлат ҳамда ҳомийлар томонидан молиявий маблағ билан таъминланган ижтимоий лойиҳани амалга ошириб бориш, самарали натижалар берган тақдирдагина уларнинг келгусидаги фаолиятини молиялаштириш янада муҳим аҳамият касб этади. Унинг муҳимлиги шундаки, бундай ижтимоий лойиҳаларнинг амалга оширилиши, ўз навбатида янги турдаги кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда республикада мавжуд ННТларнинг асосий қисми шаҳар ва вилоят марказларида ўз фаолиятларини олиб бораётганлиги ҳамда улар фаолиятининг айрим соҳаларда қониқарли даражада эмаслиги қайд қилинмоқда.

Бундан ташқари, ННТлар маҳаллий ҳамда давлат ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро муносабатлар яхши йўлга қўйилмаганлиги шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотлари тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатларда айрим муаммолар мавжудлиги кузатилмоқда. Шунингдек, ННТларнинг ўз фаолиятларини юзага чиқаришини қийинлаштириб қўяётган молиявий маблағларнинг етишмаслик ҳолатлари ҳам мавжуд.

“ҒОЯ”, “МАФКУРА” ТУШУНЧАЛАРИ ВА ҒОЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Набиева Н.М. *– ЎзМУ таянч докторанти*

Сўнгги йилларда мамлакатда давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларини демократлаштиришга, инновацион технологияларни жорий этишга, инсон салоҳиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратишга, аҳолининг фаровонлик даражасини оширишга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шундай бир шароитда муайян соҳадаги вазиятни сифат жиҳатидан ўзгартириш ҳамда илғор хорижий ва маҳаллий назарий-методологик воситалардан фойдаланиш асосида уни ривожлантириш вазифаларини давом эттириш хусусида социологик сўровлар ўтказишнинг сифат жиҳатидан янги ва замонавий тадқиқот амалиётини шакллантириш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Халқаро амалиёт ва мамлакатимиз тажрибаси социологик тадқиқотларни ижтимоий шериклик принциплари асосида ўтказиш жараёнида ноҳукумат ташкилотларнинг салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланиш ва шу мақсадларда давлат буюртмасини сифатли бажариш, аҳолини мазкур жараёнга фаолроқ жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда XX асрнинг 80-йиллари охиридан бошлаб юз берган туб ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-маданий ўзгаришлар маънавий ҳаёт соҳасига кучли таъсир кўрсатиб, “қадриятлар зиддияти” ва шу каби кенг кўламли ва дисфункционал ҳодисалар кузатилди. Ушбу ҳодисалар, ўз навбатида, мамлакатимизнинг оддий фуқаролари орасида ҳам, сиёсий ва иқтисодий элита орасида ҳам ўзига хослик инқирозини келтириб чиқарди ва бу эса қадриятлар тўқнашуви билан бирлашганда, жамият парчаланиб кетиши мумкин бўлган турли хил ижтимоий-маданий маконлар ўртасида чуқурлашиб бораётган зиддиятга олиб келиши мумкин эди. Бундай шароитда янги Ўзбекистон учун “миллий ғоя” – бирлаштирувчи мафкурани яратишга чақириқлар бўлди.

Тўғри, янги тенденциялар руҳида ушбу формуланинг таркибий элементлари ватанпарварлик, конклюзивлик ва давлатчиликдан тортиб эркинлик, демократия ва инсон ҳуқуқлари билан ажралиб турарди. Учлик вариантларнинг ҳеч бири оммавий иштиёқни қўзғатмади. Ва шунга қарамай,

оммавий ахборот воситаларида ушбу масалани кенг миқёсда мамлакат миқёсида муҳокама қилиш бошланди ва "мафкура" тушунчаси кенг муҳокама ва оммавий қизғин мунозалар тусини олди. Аммо илм-фанимиздаги, айниқса миллий ғояни назарий асослашга қаратилган ижтимоий-гуманитар фанларда янги "миллий ғоя"ни излаш вазифасига мос келадиган мафкуравий муаммоларни назарий жиҳатдан ўрганиш ҳали бошланмаган, бу жараённи амалий фаолиятга айлантиришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди.

Жаҳон социология фанида, қолаверса миллий социологик йўналишда ҳам сўнгги йилларда мафкура бўйича жуда кўп асарлар пайдо бўлди, улар ўзбек социологиясида нисбатан кам ўрганилган ва таҳлил қилинган. Бу, айниқса, жамиятдаги социологик назариялар томонидан ишлаб чиқарилган мафкуравий эффектларни ва мафкурани ўрганиш учун ижтимоий-семантик асосларни ўрганиш учун жуда муҳимдир.

Инсоният тараққиётининг муқобил қарашлари Уйғониш даврида содир бўлган кўламига (лекин мазмуни жиҳатидан) ўхшаш бўлган янги маънавий инқилобнинг зарурияти ва муқаррарлиги ғоясига асосланади. Бу эса жаҳонда яна қайта бошланган мафкуралашув жараёнлари ва уни асослашга интилаётган, аслида, бу XX1 аср учун янги мафкурани ишлаб чиқиш зарурлигини англатадиган илмий мунозараларни кун тартибига олиб чиқмоқда.

Бугунги кунда вужудга келган виртуал оламни қуриш ва ахборот урушлари салтанати замонавий жамиятдаги мафкуравий таъсир механизмларини аниқлаштиришни истисно қилмайди, аксинча. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституциясида ҳеч қандай мафкура давлатники сифатида ўрнатилмаслиги ёки ҳеч бир мафкура ва қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги қайд қилиниб, қўйилган бўлса-да, бу масаланинг долзарблигини инкор этмайди. Бизнинг фикримизча, ушбу моддани киритиш "Совет тоталитаризми билан хайрлашиш" даври билан боғлиқ эди, чунки коммунистик мафкура ва партия-давлат мафкуравий институтлари билан боғлиқ барча нарсалар фақат салбий контекстда тушунилган.

Бугунги кунда, вақт ўтиши билан, айрим ҳолларда мафкура масаласини рад этиш"нинг моҳияти асосан ушбу тезиснинг тор, "партиявий" маъносида талқин қилиниши кераклиги аниқ бўлиб, ватанпарварлик, асосий қадриятларнинг келишуви, плюрализм, бағрикенглик ва Ўзбекистон – ягона ватан каби мафкуранинг намоён бўлишини истисно этмайди. Юқорида айтилганларнинг барчаси, бизнинг фикримизча, мавжуд вазиятни долзарб масала муаммоси сифатида изоҳлашга имкон беради.

Мафкурани маънавий ҳаёт ва сиёсий амалиётнинг ҳодисаси сифатида ўрганишнинг долзарблиги XX-XX1 асрлар бошларида содир бўлган жамиятимизнинг чуқур ўзгаришлари билан боғлиқ. Янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши, жамиятнинг ижтимоий тузилмасининг ўзгариши, янги сиёсий тизим ва ўзбек давлатчилигининг янги босқичининг шаклланиши ушбу жараён иштирокчилари – шахслар, ижтимоий гуруҳлар, синфлар – уларнинг ҳаётий манфаатларига мувофиқ ижтимоий хатти-

ҳаракатлари учун тегишли қадрият йўналишларини ҳам янгилашни талаб қилади.

Шунинг учун ижтимоий субъектларнинг идеаллари, мақсадлари ва қадриятлари жамланган мафкура ҳодисасини социологик таҳлил қилиш замонавий ўзбек жамиятининг ижтимоий манзарасини ойдинлаштиришга, пайдо бўлаётган ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий тузилиши, иқтисодий, сиёсий ва маънавий устуворликлари, уларнинг ҳаёти тўғрисида тасаввурга эга бўлишга имкон беради. Гап бир вақтлар К.Маркс, М.Вебер ва К.Мангейм асарларида илгари сурилган жамият ва мафкура муаммолари ҳақида кетмоқда.

Биринчи муаммо мафкуранинг шакллари ва мазмунини жамиятдаги ижтимоий кучлар тузилиши билан шартлаш билан боғлиқ. Бу ерда биз мафкура ҳодисасини социологик таҳлил қилиш учун катта аҳамиятга эга бўлган гипотезани кўриб чиқамиз, унга кўра "ҳар қандай сиёсий мафкура у ёки бу тарзда унинг ташувчиси бўлиб хизмат қилаётган гуруҳнинг мавқеи ва тажрибасига мос келади".

Иккинчи постулат мафкура воситасида амалга оширилган маълум бир бузилиш ва ниқобни, тажриба мураккаблиги ва рамзий схемалашнинг амалий фарқини кўрсатади.

Ва ниҳоят, М.Вебер томонидан тасвирланган учинчи позиция мафкуравий диффузия, мафкуравий ишонтириш орқали позициялар ва хатти-ҳаракатларнинг ўзгариши оқибатларига тааллуқлидир.

Замонавий Ўзбекистонда турли хил давлат, вакиллик органаларига бўладиган тез-тез сайловлар мафкуравий муаммоларни сезиларли даражада долзарблаштирмоқда. Мамлакат аксарият аҳолисининг ижтимоий-психологик ва руҳий хусусиятлари, ҳозирги инқироз шароитида тарихий йўналишни тўлиқ йўқотиш бу кўпчиликнинг мафкурага бўлган "метафизик интизорлик" ностальгиясини келтириб чиқаради. Бундай ҳолда, коммунистик мафкура бўйича эмас, балки кўпроқ – мафкуранинг ижтимоий онг учун бирлаштирувчи ва йўналтирувчи ижтимоий функциясига мувофиқ.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг айрим қатламлари маънавий бўшлиқни аниқ ҳис қилмоқда, бу маълум даражада турли хил конфессиялар фаолияти билан тўлдирилган. Бундай шароитда Ўзбекистон аҳолисининг турли қатламларининг ижтимоий ва сиёсий хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатишнинг самарали воситаларидан бири бу – сиёсий мафкура. Шунинг учун биз Ўзбекистон учун янги мафкура бошланиши ҳақида гапиришимиз мақсадга мувофиқдир.

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ИЗУЧЕНИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА

Олимов Ф. *– преподаватель НУУз*

Развитие ведущих стран мира привело к формированию постиндустриальной, а затем и новой экономики – экономики знаний, инноваций,

глобальных информационных систем, экономики интеллек-туального труда, науки, новейших технологий и технологического венчурного бизнеса. Основу этой экономики составляет накопленный человеческий капитал, являющийся главной доминантой социально-экономического развития современного общества[1].

Всем известно, что с началом XXI века информационные технологии начали брать верховенство во всех отраслях жизнедеятельности общества. Какое бы место не занимало ИТ, оно во все времена человек останется главным действующем лицом, другими словами объектом и одновременно субъектом социальных взаимоотношений общества. Потому что все это делается во блага человека и его благосостояния.

Одной из основных задач для дальнейшего устойчивого развития экономики Узбекистана является формирование и обеспечение высокого уровня ее конкурентоспособности путем формирования и подготовки конкурентоспособного человеческого капитала.

Человеческий капитал является сложной социально-экономической категорией и характеризуется количественной и качественной определен-ностью. В разные периоды времени экономистами разрабатывались методы оценки человеческого капитала и вводились соответствующие понятия.

Рассматривая воздействие человеческого капитала на экономику в целом, можно вычленить два его основных свойства. Первое свойство связано с новыми условиями развития производительных сил, с особым значением субъективных (невещных) факторов экономического роста в условиях инновационного, конкурентоспособного производства. Второе свойство состоит в признании человеческого капитала как важнейшего элемента национального богатства. В основе такого подхода лежит расширительная трактовка национального богатства и национального дохо-да, инвестиций и накоплений. На наш взгляд, подобные методологические посылки в наибольшей степени соответствуют современному подходу к формированию и использованию созидательных способностей человека в существующих условиях развития современной экономики.

Основными характеристиками человеческого капитала являются:

1) определенный запас знаний, навыков и других качеств и способностей индивида, являющийся результатом инвестиций в человека;

2) запас знаний человека существует потенциально и реализуется в конкретной сфере общественного воспроизводства путем его включения в процесс общественного труда;

3) повышение доходов работника и общества должно стимулировать их к дальнейшему накоплению новых запасов знаний, навыков и опыта, что происходит путем инвестирования в человеческий капитал;

4) работник, целесообразно используя накопленный запас знаний, получает соответствующий доход в виде заработной платы, а общество – в виде национального дохода.

[1] Исабеков Б.Н., Мухамбетова Л. К. Человеческий капитал. Часть 1. Учебное пособие. – Астана, 2016. – 208 с.

В современной неоклассической теории в человеческом факторе выделяются три основных элемента:

- человеческий капитал, которому соответствует доход на этот капитал;
- природные способности, которым соответствует рента на эти способности;
- чистый труд.

Перечисленные элементы в целом характеризуют труд в общепринятом смысле, а первые два элементы - человеческий капитал.

Главное отличие человеческого капитала от вещественного капитала заключается в том, что человеческий капитал воплощен в человеке. Поэтому он не может продаваться, передаваться, оставляться в наследство по завещанию, как деньги и материальные ценности. Но он может использоваться во внутрисемейном производстве человеческого капитала следующих поколений.

По мнению радикальных экономистов, в трактовке труда как произведенного средства производства неоклассическая теория вернулась к традиции Д. Рикардо и К. Маркса. Сторонниками неоклассической теории было отвергнуто упрощенное предположение об однородности труда и все внимание сконцентрировано на причинах разного качества рабочей силы. Это привело к экономическому анализу основных социальных институтов (образование, семья), которые изначально относились к чисто культурной сфере[1].

Труды Г. Беккера, Т. Шульца и их последователей произвели переворот в экономике труда. Они позволили перейти от изучения одномоментных показателей к показателям, охватывающим весь жизненный цикл человека; к выделению «капитальных» инвестиционных аспектов в поведении агентов на рынке труда, к признанию человеческого времени в качестве основного экономического ресурса. Вместе с тем, теория человеческого капитала дает возможность объяснить структуру распределения личных доходов, неравенство в оплате мужского и женского труда, причины миграции и многое другое. Теперь образовательные инвестиции стали рассматриваться как источник экономического роста и их роль стала представляться не менее важной, чем обычные инвестиции[2].

Человеческий капитал в большинстве стран превышает половину накопленного национального богатства (исключение – страны ОПЕК). Это отражает высокий уровень развития данных стран. На процентную долю ЧК существенно влияет стоимость природных ресурсов. В частности, для России доля стоимости природных ресурсов велика.

Следует отметить, что изложенная выше методика оценки человеческого капитала по затратам, достаточно корректная для развитых

---

[1] См.: Рикардо Д. Начала политической экономии. В кн.: Классика экономической мысли: Сочинения. – М.: ЭКСМО-Пресс, 2000. – 895 с.; Маркс К., Энгельс Ф. Сочинения: перевод. Т. 26., Ч. 3 – М.: Прогресс, 1990. – 768 с.

[2] Schultz T.W. The Economic Value of Education. New York: Colambia University Press. 1963.; Беккер Г. Человеческий капитал (главы из книги). Воздействие на заработки инвестиций в человеческий капитал // США: экономика, политика, идеология. – 1993. – №11.

стран с эффективными государственными системами и эффективными экономиками дает значительную погрешность для развивающихся стран и стран с переходными экономиками. Существуют определенные трудности при сравнительной оценке стоимости ЧК разных стран. Человеческий капитал слаборазвитой страны и развитой страны имеет весьма разную производительность на единицу капитала, весьма разный уровень и качество.

Аналитики Всемирного банка предложили и иной, дисконтный метод оценки стоимости ЧК. При заданной норме доходности совокупного национального богатства вычисляется его стоимость. Затем из полученной величины вычитается стоимость земли, полезных ископаемых, лесных и морских ресурсов, производственный капитал и другие активы. В результате остается стоимость человеческого капитала. Рассчитанная по этой методике стоимость ЧК составляет даже в бедных странах около половины национального богатства, а в развитых странах – около ¾. Причем на национальном уровне возникают сильные синергетические эффекты. В технологическом венчурном бизнесе, чем выше концентрация высококвалифицированных специалистов, тем выше отдача каждого из них. Ещё более значительны синергетические эффекты в области научных исследований.

Оценки величины российского человеческого капитала завышены. В частности, использован некорректный метод замены реальных затрат в РФ на подготовку одного специалиста их величиной в западных странах. В последние десятилетия наблюдается в развитых странах опережающий рост инвестиций в ЧК. Человеческий капитал рос более быстрыми темпами, чем физический. В 1990 г. суммарные расходы на образование, здравоохранение и социальное обеспечение в США превышали производственные капиталовложения более чем в 3 раза.

Подталкивает к этому нарастающий разрыв доходов людей с высшим образованием мирового уровня и без него. По данным за 1990 г., у американцев с начальным образованием совокупный полученный в течение всей жизни доход составлял 756 тыс. долл., с высшим образованием – 1720 тыс. долл. То есть американцы с высшим образованием имели средний доход на 1 млн долл. больше. Высокая оплата квалифицированного и интеллектуального труда является одним из главных стимулов получения знаний в развитых странах и главным фактором их развития.

В свою очередь, высокий имидж интеллектуального труда, его огромное значение для экономики знаний, порождает мощные синергетические эффекты усиления совокупного интеллекта страны, отраслей промышленности, корпораций, в конечном итоге, совокупного человеческого капитала страны. Отсюда – огромные преимущества развитых стран мира и проблемы для стран с догоняющими экономиками, пытающихся встать в их ряды.

Анализ современных методов измерения человеческого капитала показывает, что наиболее точны методы его измерения по его доле в национальном богатстве или в ВВП, как интенсивного производительного фактора.

МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ТАЪСИРИ

Тошкулов Х. *– ЎзМУ магистранти*

Жамият ривожланган сари инсониятнинг атроф-муҳитга бўлган муносабати тобора ўсиб, ҳар қандай нарсанинг яралишига қизиқиш, унсурларнинг пайдо бўлиш сирларини билишга ҳаракат қила бошлайди. Дунё аҳлига зимдан назар солар эканмиз, инсонлар доимий ҳаракатда бўладилар. Кимдир бир жойда муаллақ ҳаракат қилса, яна кимдир эса уни акси, ҳаракатланишда бўлади. Социологияда бу миграция сифатида эътироф этилади. Тирик мавжудот ҳаракатланишдан тўхтамайди, чунки жамият доимий ҳаракатда бўлади. Инсоният мисолида оладиган бўлсак, одамлар ҳам ҳар доим ҳаракатдалар. Масалан уйдан кўчага, кўчадан шаҳарга, шаҳардан иш жойига ёки истироҳат боғларига ва бошқа жойларга.

Германиянинг Интернет нашрида шундай ёзилди: “Кўплаб инсонлар доим бошқа жойда яшаш ва ишлаш учун ўз Ватанини ташлаб кетади, баьзан курашиш ва очлик уларни ҳароб қилади. Баьзилар эса ўз оиласини хоҳлаб чет эл мамлакатларига кўчиб кетади. Кўплар имконият излаб ўз истеъдодларини тўла-тўкис очиб бериш ва яхшироқ яшаш учун интиладилар”.[1]

Германиялик социолог Ҳайслер Барбара Шмиттер таькидлашича, социологлар учун муҳим савол бу: (Нима учун...?), (Миграция доимий бўлганда нима бўлади?). Социологлар айнан антропологлар каби бир назарияга асосланадилар. Маркс, Дюркгейм ва Веберларнинг классик социал қарашлари ижтимоий назарияга таянадилар миграция жараёнини тушуниш ва муҳожирларнинг шароитларини ҳисобга олиш учун ижтимоий муносабатлар муҳимлиги таькидланади. Лекин социологлар кўпинча қабул қилувчи жамиятни ўрганадилар, антропологлар эса асосан жўнатувчи ёки қабул қилувчи жамиятни, баьзан эса иккисини ҳам тадқиқ этадилар. Бу иккита фаннинг фарқи шундаки, у тарихий келиб чиқишга боғлиқдир: Социология дастлаб Ғарб институтлари ва жамиятларини, антропология умуман бошқа жамиятларни ўрганиш билан шуғулланган. Антропология миграция ва иммиграцияни бироз кечроқ ўргана бошлаган. Ушбу воқеа социологларнинг узоқ вақтдан бери эътиборини тортмоқда. Одатда бу ҳақда савол ёки сўров натижалари социологлар томонидан берилади[2]. Юқорида келтирилгандек, миграция ҳақида кўплаб социолог ва антропологлар илмий изланиш олиб боришган бўлиб, бу ҳар икки фаннинг миграция жараёнларини ўзига хос тарзда ёндашади. Социологияда миграция жараёни актив, яъни ҳар томонлама такомиллаштирилган ҳолатда, бошқа фанларга нисбат ёритилади.

[1] https://www.zukunftsinstitut.de/artikel/migrationen-als-zukunftschance/

[2] Кэролайн Б. Бреттел и Джейс Ф. Холлифилд Теория миграций // Междисциплинарное учебное пособие Методология и методы изучения миграционных процессов. – М., 2007. – С. 38.

Миграция – (лот. migratio – кўчиш) сўзидан олинган бўлиб, аҳолининг мамлакат ичидаги ёки бир мамлакатдан иккинчисига кўчишини билдиради.[1] Миграция умумий олганда одамларнинг ихтиёрий ва беихтиёр кўчишини билдиради. Миграция жараёни ички ва ташқи миграцияга бўлинади[2]. Ички миграция мамлакат ичкарисида аҳолининг ҳудудлар бўйлаб, яъни шаҳар билан қишлоқ ўртасида қайта тақсимланишига олиб келади. Ташқи миграцияда муайян мамлакат аҳолиси давлатлараро қайта тақсимланади ва мамлакатда аҳоли сонининг камайиши ёки кўпайишига сабаб бўлади (1-расм). Шу жараёнда қатнашадиган кишилар мигрантлар, деб аталади.



Марказий Осиёда миграцияни келтириб чиқарувчи омиллар қуйидагиар: аҳоли сонининг ўсиши, ишчи кучи экспортининг кўпайиши ва асосий сабаблардан бири сифатида иқтисодий инқирозни олиш мумкин. Шунингдек, аҳолининг ўртача ёши 26 ёшни ташкил этган Осиё давлатларида ўртача ёш 40 ёшдан иборат бўлган Европа мамлакатларига нисбатан шуни кўриш мумкинки, меҳнатга лаёқатли инсонлар 60-65 фоизни ташкил қилади. Шунинг учун улар кўпинча бўш иш ўрин топиш учун ўз мамлакатларидан бошқасига кўчиб кетадилар[3]. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда миграция жараёнларини горизонтал ва вертикал йўналишларда ижтимоий ва социологик тадқиқ қилиниб, уларни туркумлаштиришда муайян илмий изланишлар натижалари эълон қилинмоқда[4]. Катта шаҳарларда миграция жараёнларининг бузилиши, иқтисодий бўҳронларни титратади, оилалар эса ўзлари хуш кўрмайдиган қариндошлардан озод бўладилар, қисқариб кетади, ҳаракатчан ва барчаси зарурий техносферага мослашади[5]. Агар биз мамлакатда бўлаётган миграция жараёнларини бир мисол қилиб олсак, миграция аввалдан керак бўлган ва айни дамда ҳам зарурият бор, чунки бир жойдан бошқа жойга кўчиш бу бир жойдан бошқа жойга ўзининг маданияти, маърифати ёки одоб-ахлоқини кўчиш баробарида кенг ёяди ёки бошқа маданиятнинг ўзгача турмуш тарзини ўзига қабул қилади. Бу жараён алмашиниши натижасида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий онг, тафаккур, маърифат параллель равишда ривожланади.

Қисқа қилиб айтганда, миграция жараёнлари ҳар доим ўз кераклилик даражасини йуқотмайди. Инсоният тирик экан ҳаракатланади ва миграция жараёнини ҳам биргаликда ўтиб боради.

---

[1] Дэнисэнко М.Б., Ионцев В.А, Хорев Б.С. Миграционология. – М.: Издательство МГУ, 1989.
[2] https://www.demokratiezentrum.org/arbeitswissen-zum-lernmodul/migration2008
[3] Курылев К.П., Курбонов Р.М., Макенова А.Б., Хотивришвили А.А. Миграционные потоки из Центральной Азии в страны Европейского Союза // Мир и Безопасность. – М., – 2018. – № 2. – С. 315-327.
[4] Каланов К. Особенности миграционных процессов в Узбекистане.// Материалы второго конгресса социологов тюркоязычных стран на тему «Гражданское общество и социальный прогресс в XXI веке». –Алматы, 2008. – С. 438-441
[5] Тоффлер Э.Третья Волна. – М.: Издатетьство АСТ, 2004. – С. 28.

ЖАМИЯТ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ МУАММОЛАРИ

Файзуллаев А. *– ЎзМУ магистранти*

Жамиятнинг трансформациялашуви жараёнларида ҳеч қайси фаолият соҳаси ахборотнинг тўплаш, қайта ишлаш ва сақлашнинг компьютер технологияларисиз иш кўра олмайди. Шундай экан, бугунги кунда ахборот ўзига хос қадриятга ва муҳим ресурсга айланади ҳамда уни ҳимоя қилишнинг ишончли методларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Рақамли иқтисодиёт шароитларида турли хатар ва таҳдидларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши, ахборот технологиялари соҳасининг хавфсизлигини таъминлаш ҳам инсон, ҳам тадбиркорлар ва ҳам давлатнинг рақобатбардошлигининг асосига айланиб улгурди.

Ахборот хавфсизлигининг бугунги кунимизнинг энг муҳим таркибий қисми эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Турли инфраструктураларга, транспорт тизимига ва банкларга уюштирилувчи кибертаҳдидлар якуний ҳисобда барчамизга зарар келтиради. Бу билан боғлиқ равишда бир қатор саволлар туғилаид. Биз қандай маълумотларни тармоққа жойлашимиз мумкин? Қандай маълумотлар билан иш юритишимиз керак? Мазкур маълумотларни қандай ҳимоялашимиз керак? Уларга кира олиш ҳуқуқини кимга бериш керак? Бу ва бу билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш давлат корхоналари, бизнес инфраструктураси ва умуман олганда барча фуқаролар ва давлатнинг хавфсизлигини ошириш имконини беради.

Кўпчилик ахборотлашув жараёнини турли компьютер ва ахборот воситалар билан биргаликда таъминланиши сифатида нотўғри тушунади. Бироқ, масала нисбатан чуқурроқ илдизларга эга: ахборот хавфсизлиги деганда давлат сиёсати ва ҳуқуқий ва маъмурий муносабатлар ҳам тушунилади. Агар биз бу борадаги эски парадигма тарафдорларининг фикрларига эътибор қаратадиган бўлсак, унга кўра махфий, ёки оммага эълон қилиниши мумкин бўлмаган ахборотлар ва маълумотлар қоғозда сақланиши ва узатилиши керак, ва бу юқори хавфсизликни таъминлайди лекин бунда ахборотнинг узатилиш тезлиги ниҳоятда пасайиб кетсади. Шундай экан, рақамли иқтисодиёт ахборотнинг хавфсизлиги ва узатилиш тезлиги орасида мувозанатга эришиши керак, ва бу ўз навбатида мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ва ундаги турли иқтисодий ва бошқа турдаги жиноятлар даражасининг пасайишига, шунингдек ҳар бир фуқаронинг ҳаёт сифатининг ошишига олиб келади.

Биз мураккаб замонда яшамоқдамиз ва унда иқтисодиётнинг эски укладлари доимий тарзда янги технологиялар ва воситаларнинг жорий қилиниши билан ўзгариб ва иқтисодиётдаги ўз етакчилигини қўлдан бой бермоқда. Бу жараёнлар шунингдек, фуқаролар шахсий ҳаётининг ўзгаришига, иш ўринлари сиёсатининг ўзгаришига ва янги турдаг касбларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлмоқда. Янги ахборот технологияларидан фойдаланишнинг яна бир натижаси сифатида барча

соҳаларда интенсив самарадорликнинг ошишини кўрсатиш мумкин ва бунда деярли барча операцияларнинг компютер технологиялари ёрдамида ҳам сифат ҳам миқдорий жиҳатдан тезроқ ва самарадорроқ амалга оширилиш имкониятини, жумладан турли товар ва хизматларнинг етказилиш тезлигининг ошганлигини келтириш мумкин. Бироқ, бу афзалликлар билан бир қаторда рақамли трансформация муайян камчиликларга ва хатарли жиҳатларга ҳам эгадир. Бу хавфлар асосан, юқорида айтилгандек, ахборот технологиялари соҳасида ахборот хавфсизлигининг таъминланиши масаласи билан боғлиқдир.

Тадбиркорлар, фуқаролар ва давлатнинг ахборот алмашинуви соҳасидаги манфаатлари хавфсизликнинг асосан икки жиҳатини таъминлашда ўз аксини топади: бир томондан, ёпиқ маълумотлар қонуний фойдаланувчилар учун доимо очиқ бўлиши ва уларнинг мазкур манбаларга кириш имконияти осон ва енгил бўлиши керак, иккинчи томондан эса – мазкур манбалар белгиланмаган фойдаланувчилардан ишончли тарзда ҳимояланган бўлиши керак. Барча даражалардаги ахборот хавфсизлигининг якуний мақсади – ҳар қандай (хоҳ у давлатга бўлсин, ёки тадбиркорлар ва фуқароларга) зарар кўринишларини олдини олишдир.

Жиноятчиликнинг янги тури сифатидаги жамоавий кибержиноятчилик ахборот ва иқтисодий хавфсизлик бўйича мутахассислар олдига кибертаҳдидлардан сақланиш бўйича бир неча устувор вазифаларни қўяди, жумладан:

- фуқароларнинг шахсий маълумотлари муҳофазаси;
- тижорий ахборот тизимлари муҳофазаси;
- давлат тузилмаларининг ахборот тизимлари муҳофазаси;
- иш муҳити ва технологиялар муҳофазаси.

Кибертаҳдидлар ва улардан келувчи зарарлар дунё бўйича келтирувчи зарар ҳажми бўйича дунёда техноген фалокатлардан кейинг иккинчи ўринга чиқиб олди.

Бизнес тузилмаларининг хавфсизлиги муаммоларининг чуқурлашувига яна бир сабаб бу бугунги кунда ахборотни ҳимоя қилишнинг бирлашган методларининг мавжуд эмаслиги билан ҳам белгиланади. Бир ташкилот доирасида муваффақиятли амал қилувчи ҳимоя механизмлари иккинчи ташкилот учун фалокатли натижаларга олиб келиши мумкин.

Қуйида турли мамлакатлардаги яширин ахборотларинг тарқалиб кетишининг миқдорий ифодаси келтирилган (*Қаранг: 1-расм*).

2018 йил март ойида жаҳон оммавий ахборот воситаларида энг йирик АҚШ компанияларидан бири бўлмиш Facebookнинг яширин ахборот-ларининг оммага тарқалиб кетиши катта шов-шувларга сабаб бо'лди. Фойдаланувчилар Facebookнинг уларнинг рухсатисиз, фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотларни Британиянинг Cambridge Analitica фирмасига қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун тижорий мақсадда етказиб берганлиги аён бўлди. Бу ҳодиса турли соҳа мутахассисларининг фуқаролар ва фирмалар яширин ахборотларини турли таҳдидлардан ҳимоялаш масаласига эътиборларини қаратишларига сабаб бўлди.

1-расм. Турли мамлакатларда яширин ахборотлар тарқалиб кетишининг миқдорий ифодаси

Ахборот хавфсизлиги соҳаси мутахассислари янги технологиялардан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва мазкур технологиялардан фойдаланишда хавфсизликка эришиш методологиясини ўзгаритириш заруриятига эътиборимизни қаратишмоқда. Улар мисол сифатида ҳимоя объектларига индивидуал ёндашувни таклиф қилишмоқда,

Анъанавий иқтисодий жараёнларнинг оммавий тарзда рақамлаштирилиши бундай ўзгариб бораётган шароитларда улардан ҳар бирининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳар бири учун алоҳида ҳимоя жиҳатларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Ҳимоянинг “индивидуаллаштирилиши” ва дастлабки қайта ишлаш ахборот тизимлари хавфсизлигини тўлақонли таъминлаш гарови сифатида хизмат қилиши мумкин.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

Хакимов О. *– ЎзМУ магистранти*

Жамоатчилик фикри – муайян гуруҳ ва қатламларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим воқеалар, долзарб ижтимоий муаммолар юзасидан чиқарган ҳукм ва баҳолари мажмуи. Айнан жамоатчилик фикрида сиёсий ва қонунчилик жараёнларида бевосита иштирок этмаётган аҳолининг ижтимоий фаоллиги ўзини намоён этиши мумкин. Жамоатчилик фикри муайян ҳаракат ва уринишларни оммавий тасдиқлаш ёки қоралашда ифодаланади. Ўз қарашлари, фаол ҳаётий позицияси ва фуқаролигига эга бўлган жамиятда

аҳолининг улуши қанчалик катта бўлса, жамоатчилик фикри шунчалик кучли ва самарали бўлади.

Давлатнинг ўзгарувчан тенденцияларга мослашиш даражасини кўрсатувчи муҳим кўрсаткичлардан бири фуқароларнинг жамоатчилик фикридир. Жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳар иккала тараф учун аҳамиятли ва фойдали. Чунки муайян жараён ёки муҳим бир масала юзасидан жамоатчиликнинг реакцияси, хоҳиш-истаклари, талаблари, таклифларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки айнан бу жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳам ўша жамият вакиллари бўлиши мумкин.

Жамоатчилик фикри фуқаролик жамияти ҳолатида муайян функционал вазифаларни бажаради. Бу вазифалар жамият ва давлат ўртасидаги мувозанатни ушлаб туриб, мулоқот ўрнатишида, фикр алмашинувида ўзига хос “провайдер” вазифасини бажаради.

Консультатив функция. Жамоатчилик фикри муайян сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни қандай ҳал қилиш ҳақида маслаҳат беради. Истак шаклида ифодаланса-да, одатда унинг оқибатлари жуда самарали бўлади. Бу ерда бўлаётган мавзу юзасидан нафақат жамоатчилик фикри олинади, балки бошқа томондан, уларнинг фикрлари тингланади, олинган жавоблардан амалий фаолиятда фойдаланиш учун жамоатчилик саволларини ҳам сўрайди (www.meningfikrim.uz сайти мисолида кўришингиз мумкин).

Директив функция. Функциянинг маъноси шундаки, жамоатчилик мавжуд муаммолар бўйича қатъий қарор қабул қилади. Функциянинг амалга ошишини сайловларда, умумхалқ референдумларида ёки ҳар қандай жамоатчилик назароти амалиёти мисолида кўришимиз мумкин. Сиёсий жараёнлар ва ҳар хил тадбирлар ўтказишда нормалардан четга чиқиш (овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, натижаларни сохталаштириш) жамоатчилик фикрига нисбатан ноҳолисликка, уни алмаштириб талқин қилинишига олиб келиши мумкин. Бундай вазиятда жамоатчилик "диктатор" позициясига чиқади ва ҳал қилувчи вазифани бажаради. Шунингдек, жамиятчилик фикри ҳеч қандай кучга эга бўлмаган, қатъийлик ёки кескин позиция билдиришдан узоқ турган ҳолатларда ҳам, жамоатчилик фикри жамият ҳаётидаги ва хусусан давлат миқёсидаги воқеалар ва ҳодисаларга нисбатан доимо муайян мавқени, статусни эгаллайди. Бу асосий қонунимиз – Конституцияда ҳам кўрсатилган: “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”, “Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади”.

Жамоатчиликнинг билдирилган фикрининг мазмунига қараб қуйидаги функцияларга ажратиш мумкин: баҳоловчи, таҳлилий, конструктив ва тартибга солувчи.

Баҳолаш функцияси. Муаммолар ёки воқелик фактларига муносабат билдириш функцияси. Бу функция аслида қайсидир маънода жамоатчилик тарафидан қабул қилинганлик маъносини билдиради. Аммо, кўпинча бу баҳолаш тўлиқ ўз натижасини бермайди. Бунга бир қанча сабабларни кўришимиз мумкин: вазият тўлиқ ва аниқ тушунтирилмаслиги, берилган муддат, жамоатчиликнинг воқеаликга бефарқлиги, тадқиқот аудиторияси,

қўлланиладиган воситалар тўғри танланмаслиги ва шу сингари бошқа омиллар холис ва тўғри ечимни топишда қийинчилик туғдиради.

Таҳлилий ва конструктив функция. Биринчидан, у жараённинг бориши ва воқелик муносабатлари, ҳақиқатларини таҳлил қилувчи субъект ролини ўйнайди (ҳар хил илмий ва жамоат давраларида, дебатларда фикр билдириш, сўровномаларда изоҳ қолдириш ва б.). Иккинчидан, ижтимоий жараён ва муносабатларни дастурлашда субъект ролини ўйнайди. Бу икки функция бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Аввало, қарорнинг қабул қилиниши масалани дастлабки ўрганишни талаб қилади. Бундан ташқари, таҳлилни амалга ошириш ва қарор қабул қилиш муайян даражада фундаментал назарий элементларнинг мавжудлигини ўз ичига олади.

Бундан ташқари, жамоатчилик фикрининг функциялари орасида тартибга солувчи функцияни ажратиш керак. Унинг маъноси шундаки, жамоатчилик фикри ташқаридан, масалан, фан, дин соҳасидаги билимлардан келиб чиқиб, ижтимоий муносабатларнинг муайян нормаларини юклайди. Бу функция давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари фаолиятига таъсир қилиши мумкин, лекин унинг асосий мақсади айрим шахсларнинг хатти-ҳаракатларини, шунингдек, жамоа ва шахслараро муносабатларни тартибга солишдан иборат. Тор маънода функция тарбиявий роль ўйнайди.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, жамиятнинг доимий ўзгариб туриши ва жамоатчилик билан алоқаларнинг ўзгариб бориши ҳар қандай вақтда хам давлат учун аҳамиятли. Аҳолининг сиёсий маданияти эса асосий белгиловчи омил ҳисобланади. Жамоатчилик фикри ўз функцияларини тўлиқ ва аниқ бажара олиши учун давлат қонуний асослар билан шароит яратиши лозим.

ВОЗДЕЙСТВИЕ СМИ НА ОБЩЕСТВЕННОЕ МНЕНИЕ И ЛИЧНОСТНОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ

Эргашев Т. *– магистрант НУУз*

Живя в современной жизни, мы непрерывно сталкиваемся со СМИ. Они так крепко обосновались в нашей обыденности, что без них собственного существования мы не можем себе даже представить. Для кого-то стало, достаточно, повседневным изучать по любимому телевизионному каналу последние новости, интересоваться на спортивном веб-сайте счётом футбольного матча через Интернет, узнавать дневной прогноз погоды, бегая по волнам приглянувшейся FM-радиостанции и т.д.

Средства массовой информации (СМИ), или масс-медиа, очень быстро превращаются в реальную власть в политической, социальной и духовной сферах. Обладая специфическими возможностями влияния, СМИ воздействуют на общественное мнение и личностное мировоззрение, а в силу своей всеобщности и всеохватности способны формировать облик каждого нового поколения. Расширение влияния и рост возможностей СМИ усугубляют и так уже осложненный кризисным состоянием современного общества.

Одной из значимых характеристик современного общества является расширение технологических возможностей и сферы влияния средств массовой информации (коммуникации). Внедрение информационных технологий в современном постиндустриальном обществе вызвало широкий интерес к месту и роли СМИ в формировании общественного мнения как на уровне общности, группы, так и на уровне личности.

Некоторые ученые говорят о современности как об эпохе «медиакратии», власти средств массовой информации. Информационная революция превратила средства массовой информации в виртуальную «четвертую» ветвь власти, влияние которой на общество и личность часто оказывается несравненно большим, чем влияние других социальных институтов. Власть СМИ распространяется практически на все сферы общества в большей или меньшей степени. Наиболее ярко это проявляется в политической и социальной сферах, а также в сфере духовной жизни, и даже личная жизнь человека не остается без внимания СМИ. Революция в области коммуникаций и информации предопределила смену мировоззрения. СМИ не только отражают действительность, но и интерпретируют, и конструируют ее согласно своим интересам или интересам группы лиц, ее контролирующих «медиакратов».

В соответствии с техникой и технологией передачи информации выделяют ее главные средства: прессу, радио, телевидение. Особо можно выделить Интернет открытую информационную среду социальных коммуникаций. Хотя СМИ не являются единственным источником наших знаний об окружающем мире, но на наши представления о мире масс-медиа влияют намного больше, чем мы можем себе представить.

Само слово *media* («посредник») навевает мысли, что СМИ являются связующим звеном между публикой и некоей объективной реальностью, на самом деле существующей где-то в этом мире. СМИ отражают или создают новую реальность? Конечно, в значительной мере они отражают то, что происходит вокруг. Однако СМИ проявляют изобретательность и избирательность в отношении того, что и как рассказать нам о происходящих в мире событиях (навязывание повестки дня), а мы затем принимаем эти интерпретации, которые становятся частью наших представлений и нашего опыта. СМИ «создают» мир, который затем становится реальностью. Благодаря своему продолжительному воздействию на сознание людей, СМИ становятся источником наших знаний о мире и нашей роли в нем.

В обыденном сознании средства массовой коммуникации часто ассоциируются исключительно с развлечением и как таковые рассматриваются как нечто второстепенное в жизни большинства людей. Это явная недооценка степени их влияния на нашу жизнь. Массовые коммуникации также связаны со многими другими (кроме развлечения) аспектами нашей социальной деятельности. Такие средства массовой коммуникации, как газеты, телевидение, Интернет оказывают широкое влияние на нашу жизнь и общественное мнение. Это происходит не только потому, что они определенным образом влияют на наши воззрения, но и потому, что они

являются средством доступа к знанию, от которого зависят многие аспекты нашей социальной и духовной жизни.

Таким образом, СМИ должны решать следующие задачи: создание и поддержание общей картины мира и картины мира отдельной общности и/или группы, передача от поколения к поколению ценностей культуры данного общества, а также дать возможность отвлечься от трудностей социального бытия путем введения развлекательной информации.

Современные средства массовой коммуникации и в политической, и в социальной, и в духовной сферах становятся действенным и гибким инструментом манипулирования как общественным сознанием, так и сознанием отдельного индивида. Информационные технологии позволяют одну и ту же информацию оформлять и представлять таким образом, что она может вызвать как позитивную, так и негативную эмоциональную реакцию, следствием чего могут быть нарушения нормального психологического состояния человека, группы, общества. Невозможно требовать защиты от «направленных» информационных воздействий СМИ, но следует понимать, что существует реальная угроза «психологического инфицирования» не только отдельного человека, но и всего человечества. Особенно актуально это в отношении молодого поколения. Оно еще не обладает достаточным уровнем образования и жизненным опытом, чтобы «фильтровать» информацию, которую им предоставляют СМИ. СМИ становятся одним из авторитетных агентов социализации молодого поколения.

Таким образом, роль СМИ очень неоднозначна. С одной стороны, они открывают перед человеком широкие возможности приобщения к мировой информационной картине, опыт человека расширяется в глобальном масштабе. Никогда еще человеку не была доступна информация такого широкого уровня. С другой стороны, налицо способность СМИ конструировать новую фрагментарную реальность, подчас очень далекую от истинной, создавая иллюзию участия и сопричастности к событиям и явлениям в мире и обществе. Это приводит к тому, что человек начинает мифологически (по Г. Маклюэну) воспринимать мир. Но миф способен и обогатить духовный мир человека, и разрушить его. Мифология массового потребительства, эгоизма, космополитизма и развлечений, агрессивно насаждаемая СМИ, разрушает духовный мир личности.

Через средства массовой коммуникации индивид проникается иллюзией собственной просвещенности и исключительности. Фрагментарность предлагаемой реальности порождает «лоскутную» и неустойчивую идентичность. Если до середины XX века еще можно было говорить о некой «моноидентичности» (хотя и достаточно условно), то сегодня – о «полиидентичности», но «полиидентичности» весьма неустойчивой, «лоскутной». Потеря стабильности, устойчивости бытия – диагноз нашего времени. Сегодня уже нельзя оставаться таким, каким ты был вчера, а завтра принесет тебе новые изменения, к которым ты, возможно, еще не готов. И прежде восторженное восхищение техническими возможностями СМИ сменяется пессимистическими прогнозами на будущее человека как свободно мыслящего существа.

ЎРТА ШАҲАР АҲОЛИСИНИНГ ДЕМОГРАФИК ВА СОЦИО-МАДАНИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Қурбоналиева Ҳ. *– ТДИУ катта ўқитувчиси*

Шаҳар – аҳолиси, асосан, саноат, савдо, шунингдек, хизмат кўрсатиш, бошқарув, фан ва маданият соҳаларида банд бўлган йирик аҳоли манзилгоҳи. Шаҳар – бевосита қишлоқ хўжалиги билан банд бўлмаган аҳоли тўпланган марказ. У атрофидаги туманлар учун маъмурий ва маданий марказ бўлибгина қолмай, балки уларнинг жойлашиши ва ўсишига ҳам катта таъсир кўрсатувчи омил ҳамдир[1].

Аҳоли пунктларига шаҳар мақоми берилиши учун аҳоли сони ва бажарадиган вазифаси: саноат ишлаб чиқариш, ташкилий-хўжалик, маданий-сиёсий, маъмурий ва ҳ.к.лар бош мезон ҳисобланади. Аҳоли манзилгоҳларини шаҳар тоифасига ўтказиш маълум қонуний тартибда амалга оширилади ҳамда чегараси белгиланади. Турли мамлакатларда шаҳар мақомини олиш мезони турлича. Масалан, Дания ва Испанияда аҳоли сони 250 киши, Грузия ва Туркманистонда 5 минг, Тожикистон ва Қирғизистонда 10 минг, Россияда 5-12 минг, Японияда 25 минг киши бўлиши керак[2].

ХХРда 1955 йилдан бери шаҳар (ши) сифатида аҳоли сони 100 мингдан ошган ҳудудлар тан олинган[3]. 1978 йилги административ ислоҳот натижасида мазкур кўрсаткич 3 минггача туширилди. Бунда аҳолининг 85 фоизи қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳаларда банд бўлиши лозимлиги белгиланган. Мазкур ислоҳот туфайли мамлакатнинг урбанизация кўрсаткичи кескин кўтарилган[4]. Ўзбекистонда эса аҳоли сони 7 мингдан юқори бўлиши талаб этилади.

Бугунги кунда дунё аҳолисининг бешдан бири дунё ялпи ички маҳсулотининг 50 фоизини ташкил этадиган 600 та энг йирик шаҳарда истиқомат қилади. 2025 йилга келиб, дунё аҳолисининг чорак қисми ушбу шаҳарларда истиқомат қилади ва улар глобал ЯИМнинг 60 фоизидан кўпроғини ишлаб чиқарадилар[5]. Бундан ташқари, фақат ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда 2000 йилдан 2030 йилгача шаҳарларнинг аҳолиси 2 дан 4 миллиард кишига кўпаяди ва уларнинг майдони уч баравар кўпаяди (200 дан 600 минг кв. км.гача)[6].

---

[1] Шаҳар аҳолиси бутун дунё аҳолисининг 47,5% дан ортиғини ташкил этади.

[2] https://uz.wikipedia.org/wiki/Shahar

[3] Россия и Китай: история и перспективқ сотрудничества. материалы V международной научно-практической конференции. Отв. ред. Д.В. Буяров, Д.В. Кузнецов, Н.В. Киреева. – 2015. – Вып. 5. – С.270

[4] Погудина Ю.Ю. Особенности процесса урбанизации в КНР (1978-2012 гг.): пример формирования Чжэньчжоуской агломерации в провинции Хэнань. Диссертация на соиск. уч степ. канд. ист. наук. – СПб., 2016. – С. 55. Режим доступа: http://www.spbiiran.nw.ru/wp-content/uploads/2016/01/диссертация-Погудина-2016.pdf

[5] Urban world: Mapping the economic power of cities. McKinsey Global Institute Report. March 2011.

[6] Planning, Connecting, and Financing Cities—Now: Priorities for City Leaders. 2013. Washington, DC: World Bank.

Шаҳарларнинг жадал ўсиши ва шаҳар аҳолисининг кўпайиши ҳам имкониятларга, ҳам қийинчиликларга олиб келади. Бир томондан, шаҳарлар, айниқса йириклар, иқтисодий ўсиш ва ривожланиш марказларига, бизнес ва одамлар учун имкониятларни жамлаш марказига айланмоқда. Бошқа томондан, шаҳар инфратузилмаси ҳар доим ҳам корхоналар ва шаҳар аҳолисининг тез ўсиб бораётган эҳтиёжлари билан доимо ҳамқадам бўлиб, бу шаҳарларда яшаш шароитининг ёмонлашишига ва атроф-муҳитнинг ёмонлашиши, коммунал хизматлар ва улар сифатининг етишмаслиги, касалликларнинг кучайиши ва одамларнинг соғлиғига таҳдид каби кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Буни Осиё минтақасидаги йирик мегаполислар мисолида яққол кўриш мумкин.

Урбанизация иқтисодий ва демографик жиҳатдан жадал ривожланиб бораётган минтақа – Марказий Осиё учун ҳам жиддий муаммога айланиб бормоқда.

Бугунги кунда минтақа аҳолиси 65,6 млн кишидан ошади, уларнинг 43,8% шаҳарларда истиқомат қилади. БМТ прогнозларига кўра 2050 йилга келиб минтақа аҳолиси 1,3 баравар кўпайиб, 82 млн кишига етади, шу жумладан 55,2% шаҳарларда истиқомат қилади. Бироқ, таркибий ўзгаришлар ва бошқа маъмурий, ижтимоий ва иқтисодий омиллар натижасида шаҳар аҳолисининг ўсиши юқори бўлиши мумкин.

Марказий Осиё мамлакатлари аксарият замонавий шаҳарларининг яратилиши ва ривожланиши собиқ иттифоқ даврида содир бўлган ва ягона иттифоқ иқтисодий мажмуаси доирасида ишлаб чиқариш кучларини тақсимлаш сиёсати манфаатларига бўйсунган эди. 1991 йилдаги парчаланишдан сўнг Марказий Осиё мамлакатлари (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон) асосан қишлоқ аҳолиси бўлган агросаноат иқтисодиётига эга эди.

Мустақиллик Марказий Осиё мамлакатларида урбанизация жараёнларининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди, ҳар бир давлатда ўзига хос сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу жараёнларнинг динамикаси ва асосий сабаблари ҳар бир мамлакатда турлича бўлиб, минтақа ҳукуматлари қўйган шаҳар муаммоларига жавоблар ҳам турлича. Шу билан бирга, қуйидаги қийинчиликлар бугунги кунда минтақадаги барча давлатлар учун хосдир.

Ўзбекистон асосан агросаноат иқтисодиёти талабларини қондиришга йўналтирилган ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ривожлантириш ва тақсимлаш схемасини мерос қилиб олди. Собиқ иттифоқ ҳудудий ривожланишининг асосий тамойили ягона миллий иқтисодий комплексни яратиш эди. Ушбу сиёсат доирасида, биринчи навбатда, мамлакатда саноат объектларини жойлаштириш углеводород ва минерал ресурслар, пахта толаси ва бошқа турдаги хом ашё экспортини таъминлаш мақсадида амалга оширилди (1976 йилдан 1990 йилгача). Ўзбекистондан 35 млрд доллардан ортиқ қийматга тенг пахта толаси ва олтин экспорт қилинди. Бир қатор саноат товарлари (самолётлар, экскаватор ва бошқа маҳсулотлар бундан

мустасно) мамлакат саноат маҳсулотларининг номенклатураси қурилиш материаллари, пахта толаси ва енгил саноат товарлари чекланган эди.

1980-1990 йилларда енгил саноат, пахта тозалаш, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг Ўзбекистон саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмидаги улуши қарийб 57,3% ни ташкил этди. Тез суръатлар билан ўсаётган Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро вилоятлари ва Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистоннинг саноат объектларининг жуда кам сонли қисми саноат ишлаб чиқаришининг паст улуши узоқ муддатли номутаносибликнинг асосий шартларини яратди.

Маълумки, бугунги кунда аҳоли сонига кўра, шаҳарлар кичик (50 минггача), ўрта (50-100 минг), катта (100-250 минг) ва ўта йирик шаҳарлар (250 мингдан-1млрдгача) бўлади. Мамлакатимизда аҳоли миқдори 50 мингача бўлган кичик шаҳарлар кўпчиликни ташкил этади. Уларда аҳолимизнинг қарийб чорак қисми, яъни 8 млнга яқин аҳоли яшайди. 2025 йилга Ўзбекистондаги кичик ва ўрта шаҳар аҳолисининг сони уч баробарга ортиши кутилмоқда. Мазкур ҳолат кичик шаҳарларнинг ривожланишини мониторингли социологик тадқиқотлар асосида ўрганиш заруратини асослайди.

Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистонда 120 шаҳар, 113 шаҳарча бор. Шундан 17 таси катта шаҳарлар (Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Бухоро, Қўқон, Фарғона, Нукус, Қарши, Урганч, Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Навоий, Марғилон, Термиз, Жиззах), 16 таси ўрта ва қолганлари кичик шаҳарлар.

Шаҳарлар бажарадиган вазифаларига кўра – пойтахт, саноат, транспорт, туризм, рекреация, дин, фан ва илмий текшириш марказларига бўлинади. Шунингдек, республикага бўйсунувчи, мухтор республика, вилоят, туманларга бўйсунувчи шаҳарларга ажратилади.

Қишлоқ ҳудудларда яшовчи аҳолининг шаҳарлар интилиши табиий ҳолат. Бу жараённи доимий назорат қилиб бориш лозим. Акс ҳолда айрим давлатлардаги каби мамлакат ҳудудларида аҳолининг нотекис жойлашуви бир ҳудудда аҳолининг хаддан ташқари ортиб кетиши, айрим ҳудудларнинг эса одамсиз қолишига, бу эса ўз навбатида, иқтисодий муаммоларни, жамиятдаги норозилик ва бегоналашувни, турли девиантлик ва суицидал ҳолатларни, жамият аҳолиси ўртасида бой ва камбағал қатлам ўртасидаги фарқнинг ортиб кетиши каби нохушликларни келтириб чиқаради.

Мисол тариқасида ХХР ни кўриб чиқсак. Гарчи сўнгги йилларда Хитой ўз иқтисодий ўсишлари билан дунё ҳамжамиятини лол қолдираётган бўлсада, жамият ичида кўплаб муаммоларга эга. Мазкур мамлакат учун юқори урбанизация даражаси хос. 1979 йилдан 2014 йилга қадар шаҳарлардаги аҳоли улуши 19,0 % дан 54,8 %гача ошди[1]. Ҳудудлар орасидаги иқтисодий фарқлар аҳолининг мамлакат бўйлаб нотекис

[1] Россия и Китай: история и перспективқ сотрудничества. материалы V международной научно-практической конференции. Отв. ред. Д.В. Буяров, Д.В. Кузнецов, Н.В. Киреева. – 2015. – Вып. 5. – С. 270.

жойлашганига сабаб бўлмоқда, натижада бойлар ва камбағаллар орасидаги фарқ жуда катта. Ўрта қатламни шакллантиришда қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Мамлакатда аҳолининг патриотик руҳи ва миллий ўзликни англаш даражаси юқори бўлсада ижтимоий-психологик ҳолат ва ўз ҳаётидан қониқиш масаласида муамммолар мавжуд.

Аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, 1926 йилдан 1989 йилгача Ўрта Осиё республикалари аҳолиси 3,6 баравар кўпайган (13,7 млндан 49,4 млнгача). Ушбу даврда шаҳар аҳолисининг улуши ҳам уч баравар кўпайди – 13,4 %дан 45,6 %гача. 1950 йилдан 1990 йилгача бўлган даврда ушбу минтақа мамлакатлари аҳолисининг ўртача умр кўриш давомийлиги 12 йилга ошди, ўлим даражаси деярли ярмига камайди ва туғилишнинг ўртача даражаси йилига 34,8 ни ташкил қилди[1].

1926-1989 йилларда Ўзбекистон аҳолиси 4,3 бараварга – 4,6 млн.дан 19,9 млн.гача кўпайди, шаҳар аҳолисининг улуши деярли икки баравар кўпайди (22 %дан 41 %гача). Шу билан бирга, мутлақ маънода республика шаҳарлари аҳолиси йиллар давомида янада ўсди (8 баравар – 1 млндан 8,2 млн кишига). Урушдан олдинги даврда (1924-1941) 1959-1970 йилларда аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,5% ни ташкил этди. – 4,1% га этди ва 1970-1990 йилларда. 3.15% га тушиб кетди. Ўсишнинг асосий улуши қишлоқ аҳолисида бўлиб, 1990 йилга нисбатан 1959 йилга нисбатан 2,2 марта кўпайди.

Урбанизация жараёнлари уруш даврида ва урушдан кейинги йилларда ҳам собиқ иттифоқнинг бошқа ҳудудларидан одамларнинг оммавий кўчиб келиши эвазига рағбатлантирилди. 1966-1970 йилларда. шаҳарларда (асосан Тошкент шаҳрида) РСФСР, Украина ва бошқа иттифоқ республикаларидан аҳолининг кўчиши ҳисобига кўпайиш кузатилди. Бироқ, 70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ташқи миграция нафақат маҳаллий, балки қишлоқ жойларидан ҳам маҳаллий бўлмаган (асосан рус) аҳолининг республикадан чиқиб кетиши туфайли пасайди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда шаҳарлар ривожланиши бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Шаҳар аҳолисининг салмоғи 1991 йилдаги 40,3 % ўрнига 2018 йилга келиб 50,6 %га ўсди. 2012-2018-йилларда шаҳар аҳолиси сони 1,4 млн кишига ёки 9,2 фоизга ортди (шу даврда қишлоқ аҳолиси мос равишда 1,7 млн киши ва 11,9 %га кўпайди). Аҳолининг табиий ҳаракати (102,0%), миграция (-13,4%) ва маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар (11,4%) шаҳар аҳолиси сони ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилган. Бундай ўсиш суръатларига асосан маъмурий ўзгаришлар, яъни 2009 йилда мингга яқин қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳар посёлкаларига айлантирилиши ҳисобига эришилди.

Шу билан бирга, урбанизация жараёнларида қатор номутаносибликлар кузатилмоқда:

- урбанизация даражаси бўйича мамлакатимизнинг жаҳонда тутган ўрни паст. БМТ халқаро рейтинг кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон

[1] World Population Prospects: The 2010 Revision. UNDESA Population Division. New York. 2011

2018 йилда ушбу йўналишда 233 мамлакат орасида 155-ўринни эгаллади. Ваҳоланки, бу соҳада дунёдаги ўртача кўрсаткич 55,3 % бўлиб, у Россияда 74,4 %ни, Туркияда 75,1 %ни, Қозоғистонда 57,4 %ни, Туркманистонда 51,6 %ни ташкил этади;

- охирги 10 йил мобайнида (2009-2018-йй.) мамлакатимизда урбанизация даражаси 51,7 %дан 50,6 %га камайди. Хоразм (33,3%), Сурхондарё (35,5%), Бухоро (37,4%) ва Самарқанд (37,4%) вилоятларида урбанизация даражаси айниқса паст;

- 2012 йилдан ҳозирга қадар шаҳарлар сони ўзгармади (119 та) ва уларда 10,1 млн киши истиқомат қилади. Мамлакат шаҳарлар тармоғининг асосини кичик шаҳарлар (жами шаҳарлар таркибидаги улуши 68,4 %) ташкил қилади ва уларнинг жами шаҳар аҳолисидаги улуши 20,5 фоизга тенг. Шаҳарлар ривожланишининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, шаҳар аҳолисининг деярли ¼ қисми (24,2%) пойтахт – Тошкент шаҳрида истиқомат қилади. Ўтган давр ичида 6,4 млн киши (38,7%) истиқомат қиладиган шаҳар посёлкалари сони 1065 тадан 1071 тага кўпайди. Шаҳар посёлкалари сонининг жуда кўплиги ҳам Ўзбекистонда шаҳарлар тармоғининг ўзига хос жиҳати сифатида талқин қилиниши мумкин;

Барқарор ривожланишни таъминлашнинг янги омили сифатида мавжуд номутаносибликлар ва тизимли муаммоларни бартараф этиш, урбанизация жараёнларини фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида мамлакатимизда урбанизация даражасини 2030 йилгача 60 фоизга етказиш вазифасини стратегик мақсад сифатида белгилаб бердилар. Ушбу вазифани бажариш учун мамлакатда давлат томонидан урбанизацияни мақсадли тартибга солиш ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш бўйича асосий йўналишлар ва комплекс чора-тадбирларни кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди (2019 йил 10 январь)[1].

Табиийки, урбанизация сиёсатини самарали қўллаш учун унинг аниқ механизмлари ва амалга ошириш йўллари ишлаб чиқилиши зарур. Бунда энг аввало, ушбу йўналишда янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни (“Ноқишлоқ хўжалик аҳамиятидаги ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси) ишлаб чиқиш ҳамда Ер, Шаҳарсозлик, Уй-жой Кодекслари ва бошқа мавжуд қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали амалга оширилади.

Умуман олганда, Ўзбекистонда кечаётган жадал ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар, ҳудудлардаги миграцион вазият, аҳолининг демографик ўсиш суръатлари, диний ва миллий хилма-хиллигимиз, ер-сув имкониятлари, ахборот оқимининг жадаллашуви, саноатлашиш эҳтиёжи

[1] https://lex.uz/docs/4154818

каби критерийлар қатори кичик ва ўрта шаҳарлар аҳолисининг социо-маданий ривожланишига доимий равишда таъсир кўрсатади. Кичик ва ўрта ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ва социо-маданий ривожланиш мамлакат ривожининг асосини ташкил этади. Демак, ушбу жараённи тизимли равишда ва мониторингли социологик тадқиқотлар асосида ўрганиш лозим.

IV ШЎЪБА. ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА БАНДЛИК МАСАЛАЛАРИ СОЦИОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Аликариева А.Н. *– ЎзМУ доценти*

Таълимни замон талаби даражасида ислоҳ қилиш унинг сифатини юксак талаб даражасига кўтаришни тақозо этади. Бунинг учун олий таълим сифатини оширишда ижтимоий бошқарув механизмларини такомиллаштириш ва ҳаётга жорий этишнинг илмий асосларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш тавсия этилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармонни имзолади[1]. Концепция доирасида 2030 йилгача эришилиши режалаштирилаётган 70 дан зиёд мақсадли кўрсаткичлар тасдиқланди. Хусусан битирувчиларни олий таълимга қамраб олишни ҳозирги 20 фоиздан 50 фоизга ошириш, нодавлат ОТМлар сонини, жумладан давлат-хусусий шерикчилик (ДХШ) ҳисобига 5 тадан 35 тага етказиш, кредит-модул тизими қамровини 2 фоиздан 85 фоизга чиқариш режалаштирилмоқда. Бу нафақат тижорат ташкилотларига, балки илмий-тадқиқот марказлари, ўқув юртларига ҳам тегишлидир. Шундай экан, замонавий таълим сифати тўғрисидаги масала биринчи навбатда ҳал қилиниши керак бўлган муаммо ҳисобланади. Айнан, олий таълим келгуси мутахассисларнинг аниқ касбий соҳасида билимларини шакллантиради. Олий таълим соҳасида ДХШ ни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 %дан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш концепциянинг асосий мақсадларидандир. Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакат ОТМлар флагманига айлантириш мўлжалланган.

Республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш мақсад қилинган.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёни босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилади. Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий

[1] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тўғрисида”ги Фармони. – Тошкент, 2019.

таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтилади.

Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепцияси босқичма-босқич жорий этилади[1].

Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқиш мақсад қилинган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 114 та, жумладан 93 та миллий ва 21 та хорижий ОТМ ҳамда уларнинг филиаллари фаолият кўрсатмоқда.Инсон ва жамиятнинг тараққиёти ягона жараёндир. Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш, фан ва техниканинг, маданият ва санъатнинг тараққиёти инсоннинг янада яхши яшаши, маънавий дунёсининг камолга эришиши учундир. Бу жараёнларнинг калити таълим тизими ва инсонга бериладиган таълимнинг сифати ва ҳажмидир. Шу сабабли, давлатлар ва жамиятлар ҳар бир инсон учун таълим олиш имкониятини яратиб беришга интилиши лозим.

Бугун таълим тизимини бир бутун ҳолда ўрганиш, таҳлил қилиш ва оптимал даражада бошқариш лозим. Мана шундай илмий ёндашув таълим тизимидаги мураккаб масалаларни ечишда ёрдам беради. Қисқа қилиб айтганда, келажакда таълим бошқарувида социал механизмлар ва технологияларни яратиб, улар орқали оптимал бошқарувга эришиш лозим.

Ушбу лойиҳа таълим муассасалари ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий ва оптимал масалалари ечимини топиш, барча мутахассисларни ўқитиш ҳамда таълим тизимида бизнеснинг иштирокида уларнинг билимини оширишга имкон туғдиради. Ахир бугунги кунда ҳар бир таълим муассасаси бизнесни оптималлаштириш асосида бюджетдан ташқари маблағларни оширишда катта салоҳиятга эга.

Олий ўқув юртларида сифат менежменти тизимини яратиш ёки такомиллаштиришдан олдин, ушбу концепция айнан нималардан иборат эканлигини аниқлаш лозим. Олийгоҳдаги сифат менежменти тизими унга юкланган вазифалар, шунингдек, унинг ушбу тизим билан ишлашга тайёрлиги асосида яратилади[2].

Олий ўқув юртларида сифат менежменти тизими – таълим сифатини доимий бошқариш, режалаштириш, таъминлаш орқали амалга ошириш учун

[1] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тўғрисида”ги Фармони. – Тошкент, 2019.

[2] Марухина О. Системный подход к оценке качества образования / О. Марухина, О. Берестнева // Стандарты и качество. – 2002. – № 4. – С. 35.

зарур бўлган ташкилий тузилма, методологиялар, жараёнлар ва манбалар мажмуидир. Сифат тизимнинг асосий ҳужжати ҳисобланади. У сифат менежменти тизимини яратиш ва унинг мақсади, шунингдек, юқори раҳбарият томонидан ушбу мақсадларга эришиш мажбуриятини белгилайди.

Сифат менежменти тизими олий ўқув юртлари фаолиятининг педагогик, илмий, маъмурий ва иқтисодий соҳаларини қамраб олади. Ушбу соҳалар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, кўп ҳолатларда ўзаро кесишади. Сифат менежменти тизимининг фаолияти бутун олийгоҳ ходимларининг ушбу жараёнга жалб этилиши билан амалга оширилади, бунда албатта, раҳбарият сифат соҳасидаги мақсадларга эришиш учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олиши лозим[1].

Таълим сифати концепциясини ишлаб чиқишда қуйидаги саволларга жавоб беришимиз керак бўлади:

1) таълим сифати нимани англатади;

2) таълим сифатини оширишнинг умумий вазифаларини ҳал қилишда олий ўқув юртларининг сифат тизими қандай роль ўйнаши керак;

3) бундай тизимни қандай яратиш керак?

Таълим сифатини тушунишда маҳсулот сифатининг белгиланган концепциясига асосланиш керак: “сифат – бу маълум ёки қабул қилинган эҳтиёжларни қондириш имкониятини берадиган маҳсулот ёки хизматларнинг хосасалари ва хусусиятларининг йиғиндисидир” (ИСО 8402 халқаро стандарти). Таълимнинг ўзига хос хусусияти маҳсулотларга қараганда истеъмолнинг мураккаб тузилмасидир.

Таълим жараёнининг натижаларининг истеъмолчилари сифатида талабалар, ҳамда уларнинг оилалари, улар келгусида фаолият юритадиган ташкилотлар, ниҳоят, уларнинг салоҳиятидан фойдаланадиган давлат ва жамият иштирок этишади. Шу нуқтаи назардан, таълим сифатини алоҳида фуқаролар, корхоналар, жамият ва давлатнинг билим ва кўникмаларига боғлиқ ёки талаб қилинадиган эҳтиёжларни қондириш қобилиятини берадиган таълим жараёнининг хоссалари ва хусусиятлари тўплами сифатида аниқлаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бугун япон мўъжизасининг таълим ва илмга асосланганлигини ўрганиш, глобал тараққиёт шароитида рақобатлашувга мос келадиган касбий маҳорати ва маънавий қудрати юқори бўлган кадрларни тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш, айниқса, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг бошқарув тизимини кибернетик ёндашув йўли билан такомиллаштириш, аниқроғи Ўзбекистонда таълим тизимининг бир бутун автоматлаштирилган тизимини яратиш ва жорий этиш давр талабидир.

[1] Лившина В. В. Развитие методологии создания систем менеджмента качества / В.В.Лившина // Университетское образование: практика и анализ. – 2003. – №2 (25). – С. 60 – 63.

СПЕЦИФИКА ПРЕПОДАВАНИЯ СОЦИОЛОГИИ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА

Сеитов А.П., Собирова У.Ф.*– доценты НУУз*

В Узбекистане за последние четыре года в рамках масштабных реформ, направленные на демократизацию всех сфер государственного и общественного строительства, особое значение придается развитию социологии, повышению эффективности преподавания социологических дисциплин, формированию качественно новой и современной исследовательской практики проведения социологических опросов, в том числе, на основе использования передового зарубежного и отечественного теоретико-методологического инструментария.

Международная практика указывает на необходимость более широкого использования потенциала социологических дисциплин при подготовке специалистов гуманитарного профиля, привлечения всех заинтересованных сторон на принципах социального партнерства и создания в этих целях условий для качественного роста профессионализма выпускников ВУЗов. Сама социология как наука стала учебным предметом в ВУЗах в период обретения независимости, но методика ее преподавания все еще совершенствуется. При этом, преподавание социологии как науки в ВУЗах нашей страны имеет свою специфику при выборе методических подходов.

Во-первых, социология как наука носит мульти парадигмальный характер. Теория социологии в состоянии предложить несколько исходных концептуальных схем, объяснительных моделей, такие как теория обмена, марксизм, интеракционизм, феноменология, концепция конфликта, структурный функционализм и т.д.

В то же время, формирование нового порядка социума - перехода от традиционного восточного к ориентированному на информационное общество, создание на фоне исламизации молодежи различных уровней самой социальной реальности, выдвигает в условиях Узбекистана возможность использования различных методов исследований. Это создает определённые трудности в преподавании, поскольку требует иного преподнесения материала, отличного от традиционных методов. Так, классические постулаты преподавания требует от лектора и семинариста достаточно ясно определять термины «верное – неверное», «правильное – неправильное», «эффективное – неэффективное» и т.д.

Следовательно, преподаватель социологии должен иметь активную гражданскую позицию, чтобы иметь возможность трактовать те или иные факты, которые учащийся черпает из социальных сетей. Особенность преподавания социологии как науки состоит и в том, что, предлагая обучающемуся многообразие подходов, социология не должна диктовать «единственно верный путь», открывая большие возможности для сравнения, сопоставления и формирования собственного мнения. В силу этого, вместе с

традиционными в действие должны вступить такие методики обучения, как деловые игры, диалог как способ нахождения ответа.

Во-вторых, преподавание социологии, в классическом понимании, требует системного подхода. Однако, простое копирование и введение западного понятия «системы», так как классики социологии изучали западные модели общества, в применении к обществу Узбекистана, которые находятся под сильным влиянием консервативных ориентальных традиций, также вызывает ряд трудностей. Учащиеся воспитанные в восточных морально-нравственных устоях достаточно противоречиво воспринимают классические положения социологии, например, как феминизм.

В-третьих, общество Узбекистана очень сложная система, не поддающаяся полному описанию. Социум Узбекистана невозможно измерить и охарактеризовать простыми переменными, так как имеют место латентные факторы, которые скрываются от наблюдателя социолога. Тем самым, прикладнику достаточно трудно установить взаимосвязи между переменными системы узбекского общества.

В этих условиях, ряд выводов социологических Центров Узбекистана при анализе на семинарских занятиях учащимся, непосредственно проживающих в социуме, кажутся оторванными от действительности. В этой связи, у студентов складывается стереотип «социологии» как науки приукрашивающей действительность и обслуживающей интересы правящих элит. Преподавателю важно сформировать у студента понимание того, что полученные рекомендации в результате проведенных социологических исследований действует на общество, в котором он сам проживает. Необходимо сформировать осознание того, какие последствия могут возникнуть в результате реализации выработанных социологом рекомендаций, почему кроме предполагаемых результатов получаются и непредвиденные, зачастую, негативные.

С другой стороны, Узбекистан привлекает к себе внимание со стороны геополитических сил мира. Данное обстоятельство приводит попыткам проникновения исследователей, ставящих перед собой информационно-аналитическое обеспечение задач «гибридных войн» в Центральной Азии. Так, на аналитическом рынке появляются отдельные социологические данные, цель которых состоит в расшатывании социальной стабильности общественного мнения в Узбекистане, особенно, среди молодежи.

Все это требует от преподавателя социологии в ВУЗах Узбекистана здорового критического отношения как к позитивным, так и негативным эмпирическим данным, умение разобрать программы и инструментарий такого рода исследований.

В-четвертых, общество по сути является вероятностной системой, в которой протекают случайные и субъективные процессы, требующие анализа с применением теории вероятности. Все это обстоятельство сближает социологию с точными науками, делает более обширными межпредметные связи. Однако, с одной стороны, у выпускников школ, которые целенаправленно готовятся к поступлению в гуманитарные ВУЗы, точные

науки уходят на второй план. С другой, у выпускников школ, которые целенаправленно готовятся к поступлению в технические ВУЗы, гуманитарные науки уходят на второй план.

Поэтому, преподавание дисциплин, связанных с теорией вероятности и статистическим анализом, студентам дается тяжелее. Это требует от преподавателей таких дисциплин выделять больше времени разъяснению примеров на семинарских занятиях. Преподавание социологии призвана формировать социологическое мышление как особое знание, опирающееся на эмпирические данные, которые могут быть проверены с помощью определённого математического аппарата, а иногда и подтверждённые на уровне математической абстракции.

В-пятых, социология по сути своей не может базироваться на авторитарных педагогических методах, несмотря на соблазн их использования со стороны преподавателя, а должна использовать методы централизованного демократизма, развивающего партнёрства, выявления способностей учащегося, деятельностного подхода. При этом любые проявления взятничества со стороны преподавателя именно по социологии «убивает» веру учащегося в справедливость общественной системы в стране.

В завершение отметим, что одной из основных сложностей при преподавании социологических дисциплин в Узбекистане остается опасность формирования у студента разрозненных знаний и умений, поэтому необходимо продолжать поиск эффективных способов преодоления этой проблемы. Сама социология, объектом которое является общество и проблемы ее развития, вызывает необходимость постоянного внедрения современных методов преподавания гуманитарных дисциплин, поэтому, социологи нуждаются в постоянных повышениях квалификации в ведущих зарубежных ВУЗах мира. Основная задачи при этом должно совершенствование навыков социолога в доведении до учащегося понимания непротиворечивости, гармоничности и взаимосвязанности общества и функционирующих в нем личностей, а не простое указание на «истинное» и «лживое».

Следовательно, в Узбекистане методики преподавания социологии и формирование социологического мышления у учащегося должна быть ориентирована на:

- формирование у студента навыков принимать объект исследования такой, какая она есть, а не «какой должна быть»;

- умение понимать мировоззрение и мироощущение других людей, считаться с этим, находить конкретные, а не абстрактные, способы решения реальных проблем местного сообщества, в котором он проживает.

ПЕДАГОГИК ҲАМКОРЛИК АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Абдуллаева Г.А. *– ЎзМУ докторанти*

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг асосий машғулотлари, қизиқиш ва эҳтиёжларини узлуксиз маънавий тарбияга мувофиқ равишда шакллантириш, эртанги кунимиз учун мустақил феноменик хусусиятга эга бўлган, жамият ривожи учун ишончли ва фаол ёшларни етказиб беришдек ижтимоий талабни қондиришга хизмат қилади. Бугунги кунда жахон миқёсида ёшлар билан боғлиқ тарбиявий муҳитни кузатиб туриб, кундан кунга хавотиримиз ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларни ривожлантиришдаги масъулликни янада мустаҳкамлаш, тарбия ишимизда янгича кучайтирилган тартибда, қатъий асосда иш олиб боришилишини тақозо этади. Маънавий тарбия – энг катта куч, шу боисдан инсоннинг қиймати ушбу кучга эга бўлишида, яъни маънавий тарбия таъсирида улғайиши, олий инсоний мақсад билан яшаши, ўз имкониятларини ривожлантириб бориши билан белгиланади.

Юксак маънавиятга оиланинг намунали тарбиясисиз эришиш қийин. Чунки, инсон биринчи навбатда туғилиб ўсган оиласи кўзи билан дунёни танийди, ҳаётни англайди ва ушбу маскандан олган хулосаси билан умумий муносабатлар тизимига киришади. Шунинг учун ҳам, ҳар бир ота-она ўз вазифасини тўлиқ англаши, тарбия ишида имкон даражасида бошқаларга иш қолдирмаслиги, фарзанд тарбиясини тасодифий шахсларга ишониб топширмаслиги ва таълим муассасасида ўқувчиларни ривожлантириш дастурига тенг шериклик қилиши билан ижтимоий ҳаёт мақсадларига муносиб бўла олиши керак. Ушбу нуқтаи назар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Оила” кодексининг тегишли моддаларида ҳам ҳуқуқий асосда келтириб ўтилган. Демак, фақат фарзанд тарбиясига эътиборли оилаларгина жамият тараққиётини белгилашда, унинг маънавий муҳитини юксалишини, фаровонлиги ва барқарор муҳитини таъминлашда муносиб ўрин тута олади. Давлатимиз тамонидан ёш авлод тарбиясини фақатгина оилаларнинг бир ўзига юкламасдан, уларнинг тарбия ишини тўлдириш ва такомиллаштиришга катта кўмак сифатида таълим муассасалари ва маҳалла жамоатчилигини тарбиядаги биргаликдаги фаолиятини оила билан бирга ҳамкор тизим сифатида белгилаб қўйилган.

Мазкур ҳамкорлик ишларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 24 сентябрдаги 06-02/5-2723-сонли хати асосида “Умумий ўрта таълим муассасаларида тарбия ишларини ташкил этилиши бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш, “Оила-маҳалла-мактаб” ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш орқали ота-оналарнинг ўз фарзандлари тарбиясида устозлар билан яқин ҳамкорликда фаолият юритишларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар дастури” ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди.

“Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги концепциясини мустаҳкамлаш ҳамда назорат ва ҳисобдорликни йўлга қўйиш мақсадида 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 173-сонли қарори билан Жамоатчилик кенгаши ташкил этилган эди. Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари қуйидагича:

1. Баркамол авлодни тарбиялашда ота-она, маҳалла ва таълим муассасаларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, шу орқали ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, ўзаро муносабати ва масъулиятини кучайтириш;

2. Жамоат кенгашлари фаолиятини методик таъминлаш, таълим муассасаларидаги таълим-тарбия сифатини ўрганиш ва уларни янада такомиллаштиришга оид тадбирларни амалга ошириш;

3. Вояга етмаганларнинг қаровсизлиги ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни олдини олиш, ёшларни турли ёт ғоялар таҳдидидан ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш;

4. 9-синф битирувчиларини қизиқишлари бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қамраб олиш, ўқувчиларни дарс жараёнига тўлиқ жалб этиш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш;

5. Маънавий-маърифий тадбирлар орқали юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, айниқса, таълим тизимидаги ислоҳотлар ҳақида ўқувчилар, ота-оналар ва кенг жамоатчиликни узвий хабардорлигини таъминлаш;

6. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

7. Ҳудудий Жамоат кенгашлари фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириб бориш ҳамда фаолият самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш, белгиланган тартибда тегишли давлат органларига киритиш[1].

Ўқувчилар тарбияси муҳим устувор вазифа сифатида оилада – ота-оналар ва уларни ўрнини босувчи шахслар, маҳаллада – қўни-қўшнию, кенг жамоатчилик асосида, узлуксиз таълим тизимида – ўқитувчи ва мураббийларнинг дахлдорлиги ва масъуллигида хал этиладиган мураккаб жараёндир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган охирги статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, мактаб ўқувчилари ўртасида содир этилаётган жиноятчиликнинг коэффициенти ҳар 10 минг нафар ўқувчига нисбатан таҳлил қилинганда 2016 йилда ҳар 10 минг нафар ўқувчидан 0,9 нафари жиноят содир этган, 2017 йилда ушбу кўрсаткич 0,8 ўқувчи, 2018 йилга келиб 0,7 ўқувчини ташкил этган бўлса, 2019 йилнинг 10 ойи ҳолатига 0,5 ўқувчини ташкил қилмоқда. Кўрсатаётган натижа бўйича жиноятларнинг аксарияти дарсдан кейин ёки кечки пайтда

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 637-сон. 2020 йил 23 август. (32 модда) Lex.UZ шарҳи.

асосан нотинч оилалар фарзандлари томонидан содир этилиши аниқланган. 2019 йилнинг биргина октябрь-ноябрь ойларида шундай ота-оналарнинг 215 тасига нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ҳудудий вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиясига юборилган. Юқорида келтирилган маълумотлардаги барча рақамлар тарбия ишидаги камчилик ва бўшлиқлар эвазига ҳосил бўлган ва эртанги тинч ҳаётимизга соя солиб турган хавотирларимиздир.

Ёшлар ўртасида содир этилаётган кўплаб хуқуқбузарлик ва жиноятларчиликнинг шаклланишига асосан нотинч оилалардаги вазиятлар таъсир қилаётгани фарзанд камолотида мустаҳкам оиланинг ўрни нақадар муҳим эканлигини кўрсатади. Жамиятда турли шароитдаги оилалар бор. Ҳеч ким қайси оилада туғилиш ва вояга етишни ўзи белгиламайди. Қандай оилада дунёга келган бўлса, шу оиланинг бору йўғига, ошиғу камига, тинчу нотинчига кўникиб, муайян таъсир остида шаклланиб бораверади. Хоҳлаймизми йўқми, ҳар хил ота-она кўрган фарзанддан турли хулқ-атвор ва қарашларга эга ёшлар етишиб бораверади. Шунинг учун ҳам, яхлит ва аниқ бўлган мақсад асосида фарзанд тарбиялашга давлат даъвогар бўлиб, “оила-ўқитувчи”, “оила-маҳалла кенгаши”, “таълим муассасаси-маҳалла кенгаши” ҳамда уларни устидан назоратни ушлаб, истиқболли вазифаларни белгилаб турувчи “оила-маҳалла-таълим муассасаси Жамоатчилик Кенгаши” фарзанд тарбиясидаги бош кафил тизимлар сифатида ҳамкорлиги белгилаб қўйилган. Хўш, оиладаги бўшлиқни тўлдириб турувчи ёрдамчи тизимлар бор экан, лекин, ушбу умумий ҳамкорликчи, уларнинг маҳсулидан кўнглимиз тўлмасачи, биз яна кимга даъво қиламиз? Мазкур ҳамкорлик ишини яна қайси тизим ёрдамида тўлдирамиз? Давлатимиз томонидан тарбия тизими билан боғлиқ барча ташкилий ишлар аллақачон белгилаб қўйилган, унга яна қўшимча киритиш шарт эмас. Барчаси ўз вазифасини кучли масъулият билан вақтида сидқидилдан бажариб борса бўлгани. Демак, асосий муаммомиз жавобгарлигимизга масъулият билан ёндашмаётганлигимизда, бурчларимизни англамаётганлигимизда.

СОЦИОЛОГИЯ СПОРТА: МЕТОДОЛОГИЯ, ПРОБЛЕМАТИКА, ИСТОРИЯ СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ

Акрамов Х.Ф. *– докторант НУУз*

Физическая культура и спорт, заняв прочное положение в системе явлений общей культуры человечества, стали полноправными объектами изучения социологии – науки о движущих силах и закономерностях развития и функционирования общества.

Исторически сложилось так, что раньше всех сформировалось научное знание о теории физической культуры, психологии, педагогике, цикле медико-биологических дисциплин и лишь впоследствии – социологическое знание о физической культуре и спорте. Разработка социологической теории в

области физической культуры и спорта в западных странах началась в 1950 – 60-х годах.

Как любая научная дисциплина, социология спорта решает свои специфические проблемы и имеет свой предмет, отличный от других социальных наук. Ее объект – физическая культура и спорт как общественные явления. Она исследует их социальную природу, законы их возникновения, развития и функционирования, систему и закономерности, которые сложились и существуют в современном обществе. Решение данных проблем и составляет сущность ее как науки. В ее функции входит также изучение взаимосвязей физической культуры, спорта с другими общественными явлениями и сторонами культурной жизни общества: с производством, социальной, политической и духовной сферами социума, с его природными основами. Значительное место отводится социологии спорта в решении проблем воспитания и образования подрастающего поколения. В ней рассматриваются проблемы ценностно-потребительского отношения людей к сфере физической культуры и спорта.

Исходя из предмета, определяющего специфические черты социологии спорта, можно заключить, что эта наука – одно из прикладных направлений социологии. Как научная и учебная дисциплина, она выясняет механизмы и характер общественных отношений в сфере физической культуры и спорта, рассматривает роль и место физической культуры и спорта в образе жизни людей, а также специальные взаимодействия в связи с их участием в физкультурно-спортивной деятельности[1]. Кроме того, по определению В.И.Столярова, социология спорта является научной дисциплиной, изучающей место физической культуры и спорта в обществе, их социальные функции и связь с другими общественными явлениями, а также потребности, интересы, ценностные ориентации и общественное мнение различных социально-демографических групп населения[2].

Целью научной дисциплины «Социология спорта» является исследование физической культуры и спорта как общественных явлений, использование его результатов для построения закономерностей и тенденций их развития, прогнозирование и принятие управленческих решений по совершенствованию работы в данной отрасли, а также интеграции физкультурно-спортивной деятельности в образ жизни населения страны.

В качестве учебной дисциплины социология имеет своей целью формирование мировоззренческих взглядов на физическую культуру и спорта и является составной частью физкультурного образования. Она вырабатывает научные взгляды на развитие физической культуры и спорта, на общественную потребность в ней и исследует пути, способы удовлетворения этой потребности.

Социология спорта призвана вооружить специалистов по физической культуре и спорта знаниями социальных аспектов их профессиональной

[1] Жолдак В. И., Коротаева Н.В. Социология физической культуры и спорта: Учебное пособие. – Малаховка, 1994.

[2] Харчева В. Основы социологии: Учебник для средних специальных учебных заведений. – М., 1997.

деятельности, способствовать умению проводить конкретные социологические исследования с целью разрешения социальных противоречий, которые неизменно встают перед современными специалистами.

Задачи социологии спорта можно свести к двум социально значимым проблемам: проблеме достижения массовости физкультурно-спортивного движения и разрешению социальных проблем спорта, спортивной деятельности.

Приоритетной задачей социологии спорта считается выявление факторов, позволяющих в полной мере достигнуть массовости физкультурно-спортивного движения. Эти факторы носят объективный и субъективный характер и подразделяются на две группы.

I группа: Объективные факторы, определяющие массовость физкультурно-спортивных занятий. К ним относятся:

- уровень развития материальной базы физической культуры и спорта;
- подготовка профессиональных кадров, их численность и качество подготовки.

II группа: Субъективные факторы, влияющие на разрешение проблемы массовости физкультурно-спортивной деятельности. К ним относятся:

- формирование общественного мнения и индивидуального сознания в отношении освоения ценностей физической культуры и спорта;
- формирование устойчивых мотивов, ценностных ориентации населения на физкультурно-спортивную деятельность;
- воспитание у населения потребности в физкультурно-спортивной деятельности, актуализация значимости здоровья, уровня физической подготовленности, физической культуры личности в общей иерархии ценностей человека и общества.

Не менее значимой для социологии спорта является задача разрешения социальных проблем спорта, заключающаяся в решении следующих вопросов:

Что такое спорт и спортивная деятельность?

Как соотносится спорт с другими социальными явлениями?

Как осуществляется спортивная деятельность в структуре образа жизни и свободного времени?

Какие факторы стимулируют занятия спортом или, наоборот, препятствуют развитию спортивной деятельности?

Каким образом развивается спорт как самостоятельный социально-культурный феномен?

Ответы на эти вопросы можно получить с помощью конкретных социологических исследований (КСИ).

Определив цели и приоритетные задачи социологии спорта, можно представить структуру построения этой науки. Первая часть исследует развитие физической культуры как общественного явления (изучение проблем физической культуры и массового спорта, выявление динамики

отношения людей к занятиям физическими упражнениями, анализ и прогноз развития физической культуры). Вторая часть социологии физической культуры и спорта построена на изучении спорта как социокультурного феномена, его противоречий, основных закономерностей и тенденций развития в современном обществе.

Социология спорта, являясь по своей сути прикладной наукой по отношению к общей социологии, выполняет ее главные функции – теоретико-познавательные, мировоззренческие и организационно-управленческие.

Теоретико-познавательные функции состоят в изучении социальных аспектов физической культуры и спорта, их места и роли в общественной жизни, социальных процессов, происходящих внутри физической культуры, в физкультурно-спортивных коллективах, добровольных спортивных обществах и других организациях. Результаты исследований дают прирост ново сознания о социальных процессах, происходящих в сфере физической культуры и спорта.

Социология спорта выполняет присущие всякой науке описательную, объяснительную и эвристическую функции. Она описывает, накапливает и систематизирует факты, относящиеся к социальной природе и роли физической культуры и спорта. Раскрывая глубинную сущность происходящих в них процессов, прослеживая все характерные для них причинно-следственные связи, она дает объяснение явлениям и событиям, относящимся к физической культуре и спорту. Используя все присущие современной науке средства и методы, она прогнозирует развитие событий в будущем, раскрывает намечающиеся тенденции, открывает новые факты и явления. В этом состоит ее эвристическая функция[1].

Мировоззренческая функция социологии физической культуры и спорта состоит в формировании общественного сознания по отношению к ценностному содержанию физической культуры и спорта, в распространении знаний о данном социальном феномене. Она исследует и раскрывает социальные функции физической культуры и спорта, формулирует мотивацию и интерес к занятиям физическими упражнениями и спортом.

Исследуя пути, средства и формы вовлечения населения в регулярные физкультурно-спортивные занятия, социология спорта призвана давать практические рекомендации по организации и управлению в сфере физической культуры и спорта. Разрабатывая прогнозы развития социально-экономической сферы отрасли, социология спорта выполняет свою организационно-управленческую функцию.

[1] Пономарев Н.А. Основы социологии физической культуры. – Л., 1976.

УЧЕБНЫЕ ЦЕНТРЫ В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ УЗБЕКИСТАНА

Асамова У.А. *– ст. аналитик отдела «Стратегия и исследования» консалтинговой компании RB ASIA*

Образование играет значимую роль в формировании мышления человека, оказывает влияние на развитие навыков и профессионализма, помогает найти свое место в обществе, показать окружающим значимость и весомость профессионализма. Образование получают с детства, познавая окружающий мир, знакомясь со средой и людьми. Формы образования различны: знакомство с окружающим миром, получаемое с детства и продолжающееся на этапах взросления, приобретаемые навыки, обучение в социальных институтах, называемыми школой, техникумом, институтом, ремесленническим кружком, центром обучения. Статья ставит целью рассмотреть один из социальных институтов в области образования и обучения, а именно учебные центры.

С 2017 года в Узбекистане начался новый этап в реформах. Окрепли гражданские инициативы, уменьшились бюрократические препоны, началась поэтапная цифровизация услуг. Реформы также коснулись сферы образования и обучения. Масштабные реформы по открытию филиалов зарубежных вузов в стране, укрепление материально-технической и лабораторной базы институтов, повышение квалификации преподавателей и сотрудников университетов является одним из многих таких реформ.

С 2019 года по постановлению правительства начал оказываться упор на развитие высшего образования, укрепления статусов вузов, что повлекло поочередное расформирование большинства средне-специальных учебных заведений (колледжей) в стране. Преимуществом обучения в средне-специальных учебных заведениях было получение среднего образования и специальности, по окончании которого можно было трудоустроиться и иметь возможность работать. Этот вариант наиболее всего подходил молодежи которая не планировала поступать и учиться в вузах, не претендовала на получение высшего образования.

В расформировании колледжей и изменении формы и структуры обучения в них, передачи некоторых колледжей под патронат Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан, предшествовало ряд факторов, таких как отдаленное расположение профессиональных колледжей от населенных пунктов (в основном в сельской местности), низкий уровень оснащенности материально-технической базы, нехватка многих учебников и учебных пособий, необходимых для системы профессионального образования, несоответствие системы подготовки кадров в регионах реальным потребностям отраслей экономики и другие факторы. Для совершенствования системы образования и подготовки кадров был принят Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5313 "О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего

специального и профессионального образования" от 25 января 2018 года, который подготовил базу перехода с 2017/2018 учебного года на систему 11-летнего обязательного общего среднего образования получил широкую поддержку со стороны общественности, родителей и выпускников 9-х классов.

С 2020/2021 учебного года в Республике Узбекистан делаются первые шаги создания новой системы профессионального образования – учреждения начального (профессиональные школы), среднего (колледжи) и среднего специального образования (техникумы), соответствующая международным образовательным классификаторам, и сеть образовательных учреждений, в которых будут внедрены дифференцированные образовательные программы.

По закрытии и расформировании большинства средне-специальных учебных заведений (колледжей) в стране, молодежь поставлена перед фактом получения знаний и профессиональных навыков в других учебных заведениях. Реформа системы образования коснулась колледжей, вопрос же реформирования не только программы обучения и учебные планы, но методы преподавания, организацию практических занятий на технической базе учебных заведений, и оценка знаний и навыков преподавателей которых перенаправили преподавать профессиональные знания преимущественно по рабочим специальностям остается пока не совсем ясным. В данном контексте появляется обсудить роль негосударственных образовательных учреждений (учебных центров) в формировании профессиональных навыков молодежи. Учебные центры направленные на преподавание профессиональных навыков становятся основным местом для обращения молодежи, которая находится в поисках специальности, улучшении знаний полученных в государственных образовательных учреждениях и дальнейшего трудоустройства.

По форме организации негосударственные образовательные учреждения можно разделить на 3 категории:

– образовательные учреждения, организованные при высших учебных заведениях государственного типа и профессиональных союзах; как правило, в большинстве они именуются Институты усовершенствования кадров, Институт повышения квалификации и усовершенствования кадров или Центры при учреждениях (Ташкентский городской институт переподготовки и повышения квалификации педагогов, Институт повышения квалификации и переподготовки кадров автомобильного транспорта, Бухарский институт усовершенствования учителей, Центр повышения квалификации кадров в сфере внешней экономической деятельности при МВЭСИТ и т.д.).

– образовательные учреждения организованные при Министерстве занятости и трудовых отношений Республик Узбекистан и при органах местной власти. (ООО «Моноцентр по оказанию услуг незанятому населению «Ишга мархамат», Центр профессионального обучения безработных граждан в городе Ташкенте, Центра профессионального обучения с участием Корейского международного агентства по сотрудничеству (KOICA), Учебный центр по подготовке, переподготовке,

повышению квалификации и профориентации незанятого населения при хокимияте г.Ташкента)

– негосударственные образовательные учреждения (НОУ), их также называют частные учебные центры по общему среднему образованию и переподготовке кадров.

Как правило, деятельность образовательных центров организованных при высших учебных заведениях и профессиональных союзах направлена на подготовку и переподготовку кадров с высшим профильным образованием. Центры подготовки и переподготовки кадров при Министерстве занятости и трудовых отношений обучают и содействуют в трудоустройстве безработных граждан. Негосударственные образовательные учреждения, являясь примером развития частного предпринимательства, обучают как специальностям и профессии, так и школьным предметам.

По статистике государственной инспекции по надзору за качеством образования[1] при Кабинете Министров Республики Узбекистан, по состоянию на март 2021 года, выдано 2477 лицензий юридическим лицам (НОУ) с правом осуществления образовательной деятельности. По направлению обучения НОУ разделены на несколько групп:

– Негосударственные образовательные учреждения (НОУ) по дошкольному образованию, их количество по республике составляет 1207 единиц. По виду образования являются дошкольное обучение.

– Негосударственные образовательные учреждения (НОУ) по общему среднему образованию, их количество по республике составляет 484 единиц. По виду образования являются внешкольное обучение.

– Негосударственные образовательные учреждения (НОУ) по повышению квалификации кадров и переподготовке кадров, их количество по республике составляет 673 единиц. По виду образования являются повышение квалификации кадров и переподготовка кадров.

Негосударственные образовательные учреждения по дошкольному образованию направлены на воспитание детей различных возрастных групп: малая, средняя и старшая возрастная группа.

Негосударственные образовательные учреждения по общему среднему образованию предлагают широкий спектр услуг по школьным предметам: биология, химия, физика, иностранные языки, математика, история, студии рисования, студии танцев и хореографии, робототехника, компьютерная грамотность, кружки игры в шахматы.

Негосударственные образовательные учреждения по повышению квалификации кадров и переподготовке кадров направлены на обучение граждан, преимущественно молодежи специальностям, которые они могут применить на производстве или оказывать услуги населению. В основном обучают специальностям по бухгалтерскому учету, менеджменту, делопроизводству и кадровому делопроизводству, среднему медицинскому курсу (массаж), разработке программного обеспечения, электромонтерному,

[1] http://ntm.tdi.uz/?mod=ntmidx

слесарному, сантехническому делу, починке машин и автомобилей, кройке и шитью, кондитерскому и поварскому делу, основам черчения и проектирования, дизайну, и т.д.

Образовавшись в качестве самостоятельного образовательного учреждения, имея форму юридического лица, данные центры предлагают специальности исходя из потребности населения к данной специальности и учитывая спрос и предложение рынка труда к специалистам тех или иных профессий. Хорошо разработанный учебный план и программа, квалифицированные преподаватели, имеющие как теоретические, так и практические знания, гибкий график обучения, содействие в трудоустройстве лучших учеников (некоторые НОУ содействуют в трудоустройстве) и получение сертификата с правом осуществления деятельности открывают молодежи хоть малые возможности конкурировать на рынке труда с выпускниками высших учебных заведений, особенно в сельской местности.

Неполадки в системе школьного образования, снятие льгот у преподавателей школ, устаревшая материально-техническая база, не квалифицированность некоторых учителей и безразличное отношение к работе, понижение мотивации учеников в школьном образовании по причине осмысления малых шансов поступить в институты из-за коррупции в высших учебных заведениях примерно 5-10 лет назад повлияло не положительно на устрой всей системы школьного образования в стране. Данный факт в свою очередь повлиял на появление и развитие частных учебных центров предлагающих услуги по общему среднему образованию.

Возникновение частных учебных центров стало своевременным шагом в укреплении предпринимательства, так как создало свободные рабочие места, у большинства учителей, не работающих в государственных образовательных учреждениях появилась возможность трудоустроиться и работать по гибкому графику, нетрудоустроенные выпускники вузов по специальности смогли найти работу и участвовать в общественной жизни, отточить свои умения и навыки. Повысился интерес у школьников и студентов к учебным центрам, в свободное от учёбы в школах и университетах время, молодежь начала заниматься в учебных центрах, узнавая новое, совершенствуя свои знания, полученные в государственных образовательных учреждениях и знакомясь со сверстниками из различных школ и университетов. Учебные центры стали как местом получения знаний, так и развития творческих способностей.

Однако, в функционировании учебных центров имеется также ряд проблем, особенно это заметно в учебных заведениях предлагающих общее среднее образование, преимущественно по обучению иностранным языкам. В учебные центры привлекаются в основном студенты средних и старших курсов зарубежных университетов аккредитованных в стране. Наличие сертификата IELTS или TOEFL служит основной мотивацией для работодателя в найме сотрудника – преподавателя иностранного языка. Качество преподавания полностью зависит от знаний и умения объяснить смысл урока студента-преподавателя. Гибкий график работы в учебных

центрах полностью подходит для работы студента-преподавателя, обеспечивая ему повтор практики языка.

Проблема не найма преподавателей со стажем в частные учебные центры по общему образованию стоит наиболее остро. Нежелание преподавателей со стажем работы идти преподавать в частные учебные центры объясняется не стабильной заработной платой и зависимостью от количества сбора учеников в центр. Выражение «Чем больше учеников, тем выше зарплата» определенно может быть применима к деятельности учителей в учебных центрах. Скорее всего, для большинства учителей работа в учебных центрах является подработкой, нежели стабильной работой с официальным оформлением и социальной защищенностью.

Требующий внимания факт в деятельности учебных центров является вопрос предоставления сертификата слушателю по окончании курса. Сертификаты выдаются большинством лицензированных негосударственных образовательных учреждений обучающих по общему среднему образованию (иностранные языки, ряд школьных предметов) и негосударственных образовательных учреждений обучающих по повышению квалификации и подготовке кадров. Факт признания сертификата выданного учебным центром слушателю по окончании курса не признаётся в большинстве организаций, а лишь является как дополнительный документ к основному средне-специальному (диплом колледжа) или высшему (диплом университета) образованию, свидетельствующим о навыках слушателя курса. Также, отсутствие единого утвержденного образца сертификата по номенклатуре профессий обучения затрудняет признание сертификатов учебных центров, различное оформление сертификата приводит к возникновению конфуза у работодателей.

Учебные центры по направлению повышение квалификации кадров и переподготовка кадров более строго подходят к найму преподавателей, так как занятия ведутся как теоретически, так и практически. Преподаватели со стажем работы могут более качественно объяснить предмет слушателям курсов, которые намерены обучиться профессиональным навыкам. Поэтапно учебные центры обучающие профессиям и рабочим специальностям будут приобретать значимость, и пользоваться спросом в трудоустройстве молодежи, особенно это может быть актуальным в малых городах и сельской местности. Усовершенствование программы обучения, добавления новых специальностей по обучению в учебных центрах может подготовить кадры для таких сфер как ветеринария, агрономия, ремонт тракторов и машин, ремонт теле и радиотехники, особенно востребованных в сельской местности. Объединение негосударственных образовательных учреждений, направленных на повышение квалификации и подготовку кадров в Ассоциацию (Прим. Ассоциация негосударственных образовательных учреждений существует в Республике Узбекистан и преимущественно объединяет дошкольные образовательные учреждения), открытие филиалов учебных центров в малых городах и сельской местности по обучению рабочим специальностям, налаживание сотрудничества с представитель-

ствами торгово-промышленной палаты, центрами содействия занятости населения и бизнес-кругами на местах, поможет стать базой в подготовке кадров и их дальнейшем трудоустройстве, решить вопрос дальности расположения колледжей от населенных пунктов, упростив молодежи посещение таких центров и предлагая гибкий график обучения.

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАР ЕТИШИБ ЧИҚИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Баходиров Б.Б. *– ЎзМУ магистранти*

Маълумки, 2019 йил 8 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси тўғрисида”ги Фармон имзоланиб, унда асосий эътибор малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш масалаларига қаратилди. Аҳамиятли томони, мазкур Фармонга асосан олий таълим тизимига илғор стандартларни жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтказиш белгиланган. «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармонда 2020 йил учун аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш юзасидан ҳам вазифалар белгиланган.[1]

Жумладан, “ҳудуд ва тармоқларни комплекс ривожлантириш инвестиция дастури, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишдаги янги йирик ва кичик лойиҳаларни ташкил этиш ҳамда мавжудларини кенгайтириш ҳисобига камида 500 мингта доимий иш ўринларини яратиш” кўзда тутилмоқда.

Бу борада олиб борилаётган кенг кўламли ишларга қарамасдан, ёшларни хусусан, олий таълим муассасаси (ОТМ) битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг ўз мутахассислиги бўйича банд қилиш масалаларида айрим камчиликлар мавжудлигини инобатга олган ҳолда Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан республиканинг 14 ҳудудидаги етакчи ОТМлари битирувчи босқич талабалари (бакалавр – 4 курс, магистратура – 2 курс) ўртасида сўровнома ўтказилди ва унда 1200 нафарга ёшлар иштирок этишди.

Тадқиқотда иштирок этган талабаларнинг 60,9% эркаклар ва 39,1% аёллар ташкил этган. Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакатнинг аксарият ҳудудларидаги ОТМларга талабалар бошқа ҳудудлардан ташриф буюриб ўқишмоқда ва бу кўрсаткич ўртача олганда 70% ташкил этади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

Шунингдек, мазкур тадқиқотда юзага келиши мумкин бўлган турли зиддиятли ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида иш берувчилар, меҳнат бозори талабларига ҳам эътибор қаратилиб, мамлакат ҳудудларидаги йирик давлат идора ва корхоналарининг кадрлар бўйича мутахассислари ҳамда раҳбарларининг (300 нафарга яқин) иш берувчи (эксперт) сифатидаги фикри ҳам ўрганилди. Сўровда иштирок этган талабаларнинг катта қисмини Тошкент шаҳрида таҳсил олаётган ёшлар ташкил этиб, бунинг асосий сабаби республикадаги аксарият нуфузли ОТМларнинг пойтахтда жойлашгани билан изоҳланади.

Ўрганишлар давомида иш берувчилар томонидан асосан олий ўқув юртларининг таълим тизимига нисбатан эътирозлар билдирилиб, бунда асосан ОТМ битирувчиларининг касбий тайёргарлик даражаси, амалий кўникмалари талабга жавоб бермаслигига эътибор қаратилган.

Жумладан, 62,3% иш берувчиларнинг фикрига кўра, охирги икки йилда битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги қисман яхшиланган, лекин бу ҳали етарли эмаслиги таъкидланган бўлса, 14,8% кескин яхшиланганини, 12,6% ўзгаришларни умуман сезмаганини муълум қилган. Бундан ташқари, ОТМлардаги визуал ўрганишлар ва профессор-ўқитувчилар билан бўлган ишончли суҳбатлар натижасида бугунги кунда айрим мутахассисликлар бўйича тайёрланаётган ёш кадрларга тақдим этилаётган илмий-назарий билимлар амалиётда қўллашнинг имкони мавжуд эмаслиги, яъни технологик жараёнларнинг ривожланганлиги омилининг ўқув дастурларида инобатга олинмаганлиги талабаларнинг амалиёт давридаги жараёнида яққол намоён бўлаётганлиги аниқланди. Бугунги кунда олий ўқув юртларидаги таълим сифатини замонавий талаблар, илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириш тизимини тубдан яхшилаш долзарб вазифалар қаторида ўрин олган. Сўровномада иштирок этган битирувчи курс талабаларининг 53,1% ўқув юртларида билим беришни янада кучайтириш кераклигини таъкидлаган. Фақатгина 26,2% иштирокчилар ОТМнинг таълим сифатидан қониқишини ва кейинчалик ўз мутахассислиги бўйича ишлаб кетишига тўлиқ ишонишини билдирган бўлса, 10,7% талабалар таълим сифатидан умуман қониқмаслигини қайд этган. 5% талабалар эса таълим сифати сабаб ўз мутахассислиги бўйича ишлаб кетишига умуман ишонмаслигини маълум қилган.

Олий ўқув юртларидаги таълим сифатидан қониқмаслик кўрсаткичи ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, Фарғона (29,3%), Андижон (21,3%), Наманган (20,2%), Жиззах (17,3%) вилоятларида нисбатан кўпроқ эканлиги кузатилди.

Бугунги кунда сифатли таълим олмаслик, меҳнат бозоридаги кучли рақобат, бўш иш ўринларининг камлиги умуман олганда, ишга жойлашиш масаласи битирувчи босқич талабаларини ташвишлантираётган энг асосий жиҳатдир.

Респондентларнинг 39,6% яхши, муносиб иш топиш уларни ташвишлантирадиган энг асосий масала эканлигини таъкидлаб, шунингдек,

26,1% ўқишни давом эттириш, 10,4% карьера, 7,5% хорижга кетиш, 7,2% оила қуриш ва бошқа муаммолар кўпроқ ташвишлантираётганини билдирган. Бугун олий таълим тизимида турли салбий омилларнинг мавжудлиги нафақат таълим сифатига таъсир кўрсатмоқда, балки талабаларнинг ўқув муассасасига нисбатан норозилигини кучайишига сабаб бўлмоқда.

Сўровда иштирок этган битирувчи босқич талабаларнинг ҳар учдан бири (29,2%) ОТМда мутахассисликдан ташқари ортиқча фанларнинг кўплиги сабабли ўқув жараёнидан қониқмаслигини маълум қилган.

Бундан ташқари, уларнинг 13,9% таълим бериш даражаси ва сифати талабга жавоб бермаслигини, 13,3% кутубхоналарда керакли дарслик ва адабиётларни топиш қийинлигини, 13,1% талабалар билимини баҳолашдаги адолатсизликлар ОТМдаги ўқув жараёнидан норозилик сабаблари сифатида таъкидлаган. Ҳудудлар кесимидаги таҳлил шуни кўрсатдики, ОТМларидаги салбий ҳолатлар турлича характерга эга. Хусусан, Тошкент вилоятидаги талабаларнинг 81,8% таълим бериш даражаси ва сифати талабга жавоб бермаслигидан, Наманган вилоятидаги талабаларнинг 51,4% таълим муассасасида ижтимоий-маънавий муҳит қониқарсизлигини, Қорақалпоғистон Республикасидаги ёшларнинг 58,1% талабалар билимини баҳолашда адолатсизликни, Андижон вилоятидаги ёшларнинг 72,2% таъмагирлик ва коррупция ҳолатларини нисбатан кўпроқ таъкидлашган.

Бугунги кунда талаба ёшларнинг аксарияти давлат идора ва ташкилотларида ишлашни афзал кўришини таъкидлаб, давлат идора ва ташкилотларида ойлик маошнинг барқарорлиги, жамиятда нуфузи баландлиги ҳамда юқори лавозимларга кўтарилиш имконияти мавжудлиги бунинг асосий сабаби сифатида эътироф этилган. Респондентларнинг 54,2% ОТМни битиргандан кейин давлат идора ва ташкилотларида ишга жойлашишни режалаштирмоқда Битирувчиларнинг 23,2% илмий соҳада фаолият юритувчи ташкилот ва таълим муассасаларида, 19% кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида фаолиятини давом эттирмоқчи бўлса, яна 3,5% жавоб беришга қийналишини маълум қилган. Қайд этиш лозимки, ОТМ битирувчиларини илмий фаолият билан шуғулланишларини рағбатлантириш, уларни илмий соҳага қизиқишини ортирриш борасидаги ишларни ҳам талаб даражасида деб бўлмайди.

Кундан кунга ахборотлашаётган жамиятда оммавий ахборот воситалари инсонлар турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланмоқда. ОАВлари эса ўз навбатида ёшларнинг муайян касб-ҳунар, мутахассисликни эгаллаш борасидаги қарорларига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Талаба ёшларни ўзига жалб қиладиган касб ёки ҳунар тўғрисидаги маълумотларни респондентларнинг 41,7% ОАВ орқали олишини таъкидлаган бўлса, 36,4% бу борада таълим муассасининг (ўқитувчилар, маъруза ва суҳбатлардан) ўрнини эътироф этган.

Кўриниб турибдики, аксарият талабалар мутахассислик ёки касб-ҳунар танлашида ташқи таъсирлар устувор аҳамият касб этмоқда. Бу ерда

ОТМларида талабаларни бўлғуси мутахассисликлари, бу борадаги янгиликлар ҳақида етарлича маълумот берилмаслиги яққол кўзга ташланмоқда. Фақатгина 8,2% респондентлар бошқа манбалар орқали эмас, балки ўзи ишлаб, синаб кўриб, кузатган касб-ҳунарни афзал билишини эътироф этган. Шунингдек, 6% иштирокчилар корхоналарга экскурсия ва ташрифлар, 4,3% ота-она ва қариндошлар бу борада муҳим ўрин тутишини билдирган. Юқоридаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб, қуйида келтирилган таклиф асосида мавжуд камчиликлар бартараф этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

– ўқитишнинг кредит-модуль тизимига ўтилиши муносабати билан ҳар бир соҳа бўйича тайёрланган ДТС ва ўқув режаларини қайта кўриб чиқиш, уларни ўша соҳа тараққий этган ДТС ва ўқув режалари асосида ҳамда меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб шакллантириш;

– барча соҳалар учун намуна сифатида қабул қилинган ДТС ва малака талаблари шаблонидан (қолипи) воз кечиш;

– ҳар бир ОТМга академик мустақиллик берилиши, малака талаб ва ўқув режани ишлаб чиқишни айнан шу ОТМ ихтиёрига қолдириш;

– кўпгина хорижий ОТМлар қошида ташкил этилган технопарклар ва бизнес инкубаторлар фаолияти билан танишиш. Бу талабаларнинг ўз мутахассислиги бўйича амалий тажрибага эга бўлишида ҳамда меҳнат бозори талаблари асосида ўз малакасини шакллантириб боришга хизмат қилади;

– ОТМ талабалар билимини баҳолашда янги замонавий электрон тизимни жорий этиш, баҳолашнинг кредит-модуль тизимига ўтиш;

– ОТМларда соҳа ва йўналиш бўйича ўқитилаётган фанларни ҳамда уларни ўқитиш методикасида муайян шахсий, гуруҳий манфаатдорлик асосида эмас, балки хориж тажрибасида қўлланилаётган, талабаларни мантиқий фикрлашга, муаммоларни тез ва асосланган шаклда ечишга, иш берувчилар томонидан таклиф этиладиган меҳнат тури ва шароитларига тез кўникма ҳосил қиладиган йўналишда шакллантириш;

– ОТМларда талабларга ўтилаётган дарс жараёнларига амалиётчи соҳа мутахассисларини ёшларда амалий кўникмаларни ошириш мақсадида жалб қилиш (бунинг учун ОТМ ва иш берувчилар ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш зарур);

– ОТМлар регионал хусусиятларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқарувчилар талабларини инобатга олиб ўқув дастурларни шакллантиришни йўлга қўйиш (ОТМ томонидан ушбу масалада мониторинг ва ўрганиш ишларини кучайтириши лозим). [1]

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқаруви Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан тайёрланган таҳлилий ҳужжат.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ

Бобоев Ш. *– ЎзМУ магистранти*

Замонавий жамиятларда содир бўлаётган шиддатли ўзгаришлар кишиларни аксарият моддий манфаатдорлик мақсадида бир ҳудуддан иккинчисига кўчиб ўтиш ҳолатларини кучайтирмоқда. Бугунги кунда бирмунча оммалашган ушбу жараён фанда «аҳоли миграцияси» (лот. *Migratio* – кўчиш) номи билан мустаҳкам ўрин олди. Миграция бугунги кунда геометрик прогрессияда ўсиб бораётган гипердинамик жараёнга айланди. Халқаро миграция ташкилоти ҳисоботларига мувофиқ ушбу жараён худди шундай интенсивликда давом этса 2050 йилда мигрантлар дунё аҳолисининг 405 млнни ташкил этиш эҳтимоли баланд[1].

Бугунги кунда аҳоли кўчиши ижтимоий ҳодиса ва жараён сифатида илм-фанда кенг ўрганилмоқда. Айниқса, аҳоли популяцияси, ижтимоий-демографик таркиби, жинс ва ёшга доир тузилмасидаги ўзгаришлар мониторинги, авлодлар давомийлигини таъминлаш муаммолари миграцион жараёнлар билан чамбарчас боғлиқликда ўрганилади. Зеро, XXI асрда миграция глобал ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ҳамда демографик мувозанатни издан чиқаришга қодир йирик омилга айланди.

Ташқи ёки халқаро миграциянинг асосий сабаби ойлик маош миқдоридаги кескин фарқ бўлиб, бир хил квалификация талаб қилинадиган иш фаолияти учун бошқа давлатда юқори маош олиш имконияти яратилади. Айрим соҳаларда мутахассислар танқислиги эса, малакали кадрларни четдан жалб қилиш мақсадида ойлик маош миқдорининг ўсишига олиб келади. Натижада, ташқи миграцияда малакали мутахассислар оқими кўпаяди. Худди шундай шартлар асосида бугунги кунда ривожланаётган давлатларда интеллектуал салоҳиятли мутахассисларнинг ривожланган давлатлар (АҚШ, Канада, Ғарбий Европа) га кўчиб кетиш тенденцияси кучаймоқда.

Халқаро миграция омилларидан бири ҳарбий низолар ва тўқнашувлар бўлиб, сўнгги пайтларда Яқин Шарқ ва Африка даватларидан АҚШ ва Европанинг ривожланган давлатларига оммавий кўчиб ўтувчилар сони ошиб бормоқда. Ҳарбий низолар билан бир қаторда, табиий офатлар ҳам миграцияни шакллантирувчи омиллар қаторида туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миграциянинг ҳар қандай тури етарлича мураккаб ва зиддиятли жараён саналади. Кўчаётган кишилар ушбу жараённинг қарор қабул қилиш, ҳудудий кўчиш ва мослашиш босқичини бошидан кечирсалар, тегишли давлатлар ваколатли органлари олига нги вазифаларни қўяди. Хусусан, миграцион жараённи бошқарувчи икки томон (жўнатувчи ва қабул қилувчи давлатлар) нинг иқтисодиётида фойда ва зарар, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозантнинг мустаҳкамланиши ёки бузилиши

[1] Житин Д.В., Краснов А.И., Шендрик А.В. Географические особенности миграционных связей Европы. // Балтийский регион. – 2016. – №3. – С. 75-92.

кузатилади. Алоҳида олинган оилаларда миграция молиявий аҳволни яхшиласа-да, оиланинг катта ёшли аъзолари доимий иш билан бандлиги туфайли болалар тарбияси билан етарлича шуғулланилмайди[1]. Давлат миқёсида эса унинг сиёсий, демографик ва иқтисодий оқибатлари қаторида оммавий ва тартибсиз миграциялар боис санитар-эпидемиологик вазият ёмонлашади.

Бугунги кунда халқаро миграция ички миграциядан кучли оқимларни ҳосил қилиб, бир томондан норасмий меҳнат миграцияси улуши ошиб борса, иккинчи томондан, мажбурий ташқи миграция сальдоси ўсмоқда. Натижада, қабул қилувчи мамлакатлар, мигрантларнинг нисбатан ожиз қатламлари саналган аёллар ва болаларни жойлаштириш ва улар учун зарурий ижтимоий шарт-шароитларни яратиб беришда молиявий муаммоларга дуч келмоқда.

Халқаро даражада мигрантларни қабул қилувчи давлатлар АҚШ, Европа давлатлари, Лотин Америкаси, жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари, ЖАР, Исроил каби давлатлар бўлиб, ушбу давлатларда ишчи кучига бўлан эҳтиёжнинг 70%и мигрантлар ҳисобидан тўлдирилади. Жаҳон меҳнат бозорида ишчи кучини етказиб берувчи давлатлар рўйхатида эса Ҳиндистон, Покистон, Жазоир, Мексика, Ирландия, Туркия ва МДҲ давлатларининг улуши катта[2].

БМТнинг статистик маълумотларига мувофиқ дунё миқёсида аҳоли кўчиш интенсивлиги назорат қилиб бўлмас даражада кучайган. Инсоният тарихининг турли даврларга нисбатан бугунги дунёда аҳолининг катта қисми ўзи туғилган давлатда эмас, кўчиб борган давлатларда муқим ўрнашмоқдалар. Сўнгги маълумотларга мувофиқ, халқаро миқёсда 2019 йилда мигрантлар сони 272 млн га етди. Қисқа 20 йил ичида ушбу кўрсаткич 100 млнга ошганлиги халқаро экспертларни ташвишлантирмоқда. Зеро, 2000 йилда бу кўрсаткич 173 млнни ташил этган эди[3]. Эътиборлиси, мигрантлар ялпи улушининг 48% ини аёллар ташкил этса, 38 млн болалар ушбу жараённинг фаол иштирокчиси бўлмоқда[4]. Мигрантларнинг атига 4,4 млн халқаро талабалар бўлса, 164 млн меҳнат мигрантларидир. Мигрантларнинг 75% айни меҳнатга лаётқатли ёш (20-64 ёш)даги кишлардан иборат бўлиб, ўзининг жисмоний ва ақлий қувватини кўчиб ўтган давлат иқтисодиётига сарфламоқда. Қитъалар кесимида доимий аҳоли таркиби бўйича мигрантлар улуши Осиёда – 31%, Европада – 30% Шимолий ва жанубий Америкада – 26% Африкада – 10%. Океанияда – 3% ни ташкил қилмоқда[5].

Марказий Осиё давлатларида меҳнат миграция постсовет маконда юзага келган иқтисодий кризис боис ўтган асрнинг 90-йилларидан бошланди.

---

[1] Илимбетова А.А. Глобальный процесс феминизации миграции. // Ж. Век глобализации. – 2013. – №1. – С. 79-91.

[2] Migration data portal. The total number of international migrants at mid-year 2019. Source: UN DESA, 2019.

[3] Общее будущее общими силами. Цели в области устойчивого развития. Глобальные вопросы: миграция.

[4] Migration data portal. The total number of international migrants at mid-year 2019. Gender and migration. Source: UN DESA, 2019.

[5] Total number of international migrants at mid-year 2019. Migration data portal. UN DESA, 2019. http://www.migrationdataportal.org

Айни пайтда, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда ишчи кучининг хорижга чиқиб кетиш тенденцияси шаклланди. 1991-1996 йилларда Марказий Осиё давлатларида дастлаб ички миграция кучайган бўлса-да, қисқа фурсатларда ташқи миграция (МДҲ доирасида) кўлами ўсиб кетди. Жумладан, кўрсатилган йилларда Ўзбекистондан чқиб кетган аҳоли сони таҳминан 700 минг киши атрофида бўлди. Уларнинг деярли 580 мингдан ортиғини Россиядаги меҳнат мигрантлари ташкил қилди[1].

ЕХҲТ ташкилотининг Марказий Осиё давлатларида меҳнат миграцияси борасидаги тадқиқотларига кўра, 2000 йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий фаол аҳолисининг деярли 20% қўшни давлатлар Қозоғистон ва Россияда меҳнат миграциясида бўлди[2]. Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистонда миграция жараёнига тортилган аҳолининг ижтимоий кайфияти борасида ўтказилган халқаро тадқиқотларга мувофиқ 2005-2017 йиллар давомида 150 давлатдан чиққан мигрантларнинг 36 минг нафари билан ўтказилган интервьюлардан олинган хулосларга кўра, мигрантлар ўз мақсадига етгач (яъни, бошқа давлатга кўчиб ўтгач) бахт туйғусини ҳис қилиш даражаси 9% ошади. Мазкур тадқиқот эксперти доктор Мартин Хендрикснинг аниқлашича, Марказий Осиё давлатлари (шу жумладан, Ўзбекистон)дан, Ғарбий Европа давлатларига кўчиб ўтган мигрантлар ижтимоий кайфиятида кўтаринкилик бошқаларга нисбатан баланд бўлади[3].

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миграция глобал жараён сифатида тобора дунё мамлакатларини ўз қамровига олмоқда. Бундай жараённинг шиддатли тус олишида замонавий ахборот технологиялари ва ижтимоий тармоқларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Сабаби, анан ижтимоий тармоқлар орқали меҳнат миграциясининг асосий оқимлари ва йўналишларига ойдинлик киритилмоқда. Кишилар ижтимоий тармоқлардаги мулоқотлар орқали борадиган давлат ва шуғулланадиган касб-кор турини олдиндан аниқлаб олишга ҳаракат қилмоқда.

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА СОЦИАЛ БОШҚАРУВНИНГ АҲАМИЯТИ

Махамадиев М. *– ЎзМУ 2-босқич магистранти*

Низо – ўзаро курашувчи субъектлар ёки мухолифларнинг бир-бирига қарши мақсадлари, позициялари, фикрлари ва қарашларининг тўқнашуви. Низолар бошқа ижтимоий ҳодисалардан шуниси билан фарқ қиладики, уларнинг юзага келишига жамиятда турли манфаатларни кўзловчи ижтимоий

[1] Исламов Б. Социально-экономические аспекты миграционных процессов в независимых государствах Центральной Азии. // ACTA SLAVICA JAPONICA. Volume 16 (1998).
[2] Трудовая миграция в Центральной Азии // Ж. Сообщество безопасности. ОБСЕ. – 2016. – №1.
[3] Счастье в миграции: какова ситуация в Центральной Азии? 26 март 2018. CAA, NETWORK. https://caa-network.org

гуруҳларнинг мавжуд бўлиши сабаб бўлади. Бугунги кунда низоли ҳолатга дуч келмаган инсоннинг ўзи бўлмаса керак. К.Маркснинг фикрига кўра, синфлар мавжуд бўлар экан, низолар ҳам бўлиб туради[1]. Айнан шунинг учун ижтимоий низолар – йўқотиб бўлмайдиган ҳодиса. М.Вебер ёзганидек, низони ижтимоий ҳаётдан чиқариб ташлашнинг иложи йўқ.

Замонавий конфликтология низонинг барча иштирокчиларини асосий (тўғридан-тўғри) ва билвосита иштирокчиларга ажратади. Низонинг асосий иштирокчилари – ҳамма вақт қаршилик кўрсатишда тўғридан-тўғри, бевосита иштирок этувчи тарафлар. Улар низонинг пайдо бўлиши ва ривожланишида ҳал қилувчи ва энг фаол рол ўйнайди. Низонинг асосий иштирокчилари унинг асосий таъсир этувчи (ҳаракат қилувчи) шахслари ҳисобланиб, айнан улар манфаатларининг қарама-қаршилиги қаршилик кўрсатишнинг асосида ётади. Шунинг учун асосий иштирокчилар низонинг субъектлари ёки мухолифлари (лот. Oppontus – эътироз билдирувчи), деб аталади. Низо иштирокчиларининг даражаси бевосита уларнинг иқтисодий мақоми – низо иштирокчисининг касби, ёши, оилавий аҳволи ва ижтимоий ролига мувофиқ жамиятда тутган ўрни билан боғлиқ. Турли низоли вазиятларда низо иштирокчиларининг турлича салоҳияти талаб этилади. Низонинг асосий бўлмаган иштирокчилари жумласига қолган барча иштирокчилар киради. Улар кўпинча билвосита иштирокчилар ёки учинчи тараф, деб номланади.

Низоли вазиятларни келтириб чиқарувчи сабабларни ички ва ташқи омиллар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мумкин.

Ички омиллар қуйидагилардан иборат: 1) корхона раҳбарияти томонидан мажбуриятлар ва ваъдаларнинг бажарилмаслиги, инсонларга ишларнинг ҳақиқий аҳволини тушунтиришни истамаслик; 2) ишлаб чиқариш, меҳнатни ташкил қилиш режимининг бузилиши, меҳнатни ижтимоий аҳамиятли мукофотлашнинг имконсизлиги; 3) ходимлар меҳнати, турмуши ва дам олиши шароитларини яхшилаш ҳақида қайғуриш натижаларининг йўқлиги; 4) моддий ва бошқа неъматлар ва хизматларнинг адолатсиз тақсимланиши туфайли бошқарув аппарати ва ишчиларнинг қарама-қаршилиги; 5) ходимлар манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда инновациялар ва туб ўзгаришларнинг жорий этилиши; 6) норасмий етакчиларнинг ғаламис фаолияти.

Ташқи омиллар жумласига қуйидагилар киради: 1) жамиятдаги вазиятнинг беқарорлашуви, турли сиёсий гуруҳлар манфаатларининг тўқнашуви, етакчиларнинг алмашинуви; 2) ҳаёт учун энг зарур товарлар кескин тақчиллигининг юзага келиши; 3) янги қонун ҳужжатларида ижтимоий имтиёзларнинг чекланиши; 4) ишлаб чиқариш ходимларининг манфаатларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялашнинг бузилиши.

Низонинг роли асосан унинг қанчалик оқилона бошқарилишига боғлиқ. Низони бошқариш учун низоли вазиятнинг пайдо бўлиши сабабларини

[1] Marks, K.P.V. Annenkov, 1846 yil 28 dekabr // Marks, K., Engels F. Soch. Ed 2-chi. T. 27.S. 406. Read more at: https://motherhouse.ru/uz/uclugi-zhkh/socialnye-instituty-i-ih-funkcii-chto-takoe-socialnyi-institut/

тушуниш зарур. Кўпинча низоларнинг сабаби, деб шахсларнинг тўқнашуви ҳисобланади, бироқ бошқа «айбдор омиллар» ҳам мавжуд: тақсимланиши лозим бўлган ресурсларнинг чекланганлиги, топшириқларнинг ўзаро боғлиқлиги, мақсадлардаги, турмуш тарзидаги, маълумот даражасидаги фарқлар ва ҳ.к. Шундай қилиб, низони бошқариш унинг бартараф этилишини, ҳал қилинишини ва ҳатто корхонанинг манфаатлари йўлида бостирилишини ҳам назарда тутади. Оқилона бошқариш низога муқаррар иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва аҳлоқий йўқотишларнинг камайтирилишини таъминлашга қодир бўлган шаклларни ато этади. Низони бошқаришнинг моҳияти ана шунда.

Низонинг манбаларини, субъектларини аниқлашни низони бошқариш юзасидан дастлабки ҳаракат деб ҳисоблаш лозим, чунки низонинг қандай ривожланиши ва уни ҳал этиш имкониятлари уларнинг иштирокига боғлиқ. Агар субъект номаълум, ноаниқ бўлса, бу бошқарувни ноаниқлик ҳолатига қўяди ва номақбул чораларнинг кўрилмаслигини кафолатламайди. Гап низонинг ташаббускорлари ва ташкилотчилари ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини қай тарзда намоён этиши ҳақида бораяпти. Бунга низо иштирокчилари томонидан низолашувчи тараф қўяётган талабларнинг ўрганиб чиқилиши ҳамда социологик тадқиқотлар (сўровлар) орқали эришилади (улар низонинг нафақат очиқча, балки яширинча сабабларини ҳам аниқлаб беради). Айниқса асосий муаммоларни ажратиш лозим, уларнинг баҳамжиҳат ҳал этилиши иккинчи даражали муаммоларнинг четга сурилишига ёки умуман бекор қилинишига олиб келиши мумкин. Мазкур стратегияда низолашувчи тарафларнинг мақсадларини бир-бирига мослаштиришнинг турли йўллари бўлиши мумкин.

Манфаатларни мувофиқлаштириш жараёни объектив тарзда ён беришлар ҳақидаги келишувга олиб келиши мумкин. Айниқса низолашувчи тарафларнинг мавқеига даҳлдор бўлмаган нуқтаи назарлардан воз кечилиши мумкин. Мазкур босқич кейинги, муросага эришиш босқичига ўтиши мумкин. Бунда у ёки бу тараф (ёки ҳар иккала тараф) келишувга эришилган асосий ҳолатларга йўл бериш учун бир қатор муҳим келишилмовчиликлардан воз кечилади. Манфаатларнинг бундай қисман қониқтирилишига иккинчи даражали масалалар ҳисобидан эмас, балки тарафларнинг мавқеига муҳим ўзгаришларни киритувчи етакчи масалалар ҳисобидан эришилади.

Низони бартараф этишдаги муҳим жиҳат бу – қабул қилинган келишувнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли оқибатларини ҳис этиш. Унга кўпинча юзага келган муаммоларни ҳал этиш чоралари биргаликда ишлаб чиқиладиган, биргаликдаги ҳаракатлар бир ёки иккита ҳаракат билан чегараланмайдиган, балки доимий асосда қуриладиган ҳамкорлик стратегияси асосида эришилади.

Низоли вазиятни эътиборга олмасликнинг яна бир тактикаси – етилиб келган муаммоларни ҳал этишдан ўзини олиб қочиш сиёсати. Агар низо ташкилот фаолиятининг принтсипиал томонларига даҳлдор бўлмаса ва унга раҳбарнинг жалб этилмаслиги воқеаларнинг ривожланишига таъсир кўрсатмаса, ушбу тактика оқилона бўлиши мумкин. Агар яхши

муносабатларни ҳар қандай йўл билан сақлаб қолиш муҳим бўлиб, арзимас сабабга кўра юзага келган қарама-қаршилик ўзаро муносабатлардаги стресс вазиятига олиб келиши мумкин бўлса, мазкур тактика тўғри бўлиши мумкин. Низолар, айниқса «горизонтал бўйича» ривожланаётган низолар, баъзан фақат дўстона муносабатларни сақлаб қолинганлиги туфайли ўзўзидан ҳал этилади. Лекин шуни ёдда тутиш лозимки, низони бартараф этишнинг универсал усуллари мавжуд эмас. Вазиятга тўлиқ кириб бориш низони ҳал этишнинг ягона йўли ҳисобланади. Фақатгина юзага келган вазиятнинг "ичига кириб", низони ташҳис қилиш, унинг табиатини ўрганиш, оқилона хатти-ҳаракат стратегияси ва низони бартараф этиш усуллари борасида тавсиялар бериш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, низони бошқариш, унинг натижалари мазкур усулларнинг қандай (нормал ёки экстремал) шароитда қабул қилинганлигига боғлиқ. Уларнинг ўзгариши ҳам ушбу бошқариш қанақа муайян ташкилотларда амалга оширилаётганлигига боғлиқ, бу, ўз навбатида тармоқнинг ўзига хослигига, жойлашган жойига ёки ҳудудига, шунингдек, мамлакатдаги умумий иқтисодий ва сиёсий вазиятга боғлиқ. Низонинг фаол қисмини тугатиш ва унинг якуни бўйича келишувларни қабул қилиш низони сўнгги босқичга олиб келади.

Низо ҳақида гап борар экан, унинг оқибатлари қандай? деган савол пайдо бўлиши бу табиий ҳол! Ижобий оқибатлар – бу меҳнат гуруҳлари ижтимоий-иқтисодий манфаатларининг мувозанатига эришилиш; янада чуқурроқ ўзаро тушуниш; ходимларда ўзига ишониш ҳиссининг ривожланиши, энг мураккаб муаммолар юзасидан келиша олиш; демократиянинг ривожланиши, етакчининг аниқланиши ва ҳ.к. Л.Козернинг фикрига кўра, низоларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар ижтимоий тизимнинг ривожланишдан тўхтаб қолишининг олдини олади, янги индивидларга йўл очиб беради. Бошқа бир америкалик социолог К.Боулдингнинг фикрича, низонинг мавжуд бўлиши англанган ва пишиб етилган зиддиятлар ва манфаатлар тўқнашувидан далолат беради. Низо раҳбарга ташкилотда юзага келган зиддиятларга ўз вақтида эътибор қаратиш имконини беради.

Салбий оқибатлар жумласига қуйидагилар киради: низолар келишмовчиликка – ташкилот ичида ҳосил бўлган бошланғич гуруҳнинг хатти-ҳаракатнинг белгиланган андазаларидан, нормаларидан, ўз мажбуриятларини бажаришдан воз кечишига олиб келади. Чуқурлашиб борувчи келишмовчилик ташкилотда кескинликни келтириб чиқаради – юзага келган низонинг янада юқори босқичи намоён бўлишининг шаклини белгилаб беради. Кескинлик ушбу ташкилотнинг асосида ётувчи нормалар ва қадриятларнинг девальвациясида, дезинтеграцияда ва дисфункционал, инқирозий ҳолатнинг шаклланишида намоён бўлади. Ташкилотларда ҳар қандай низолар кўпинча бутун бошқарув тизими самарадорлиги даражасининг пасайишига олиб келади. Ташкилотда низоли босқич ниҳоясига етганидан кейин кўпинча жамоанинг қисмлари ўртасида ҳамкорлик даражасининг пасайиши кузатилади. Низо инсон томонидан бирга

фаолият юритувчи ўз шерикларига салбий баҳо берилишига олиб келиши мумкин, бу ишдаги муносабатларнинг тикланишини мураккаблаштиради.

Ташкилотнинг фаолият кўрсатишига узоқ вақт давом этадиган низолар алоҳида хавф туғдиради. Узоқ давом этадиган низолар ташкилотнинг ресурс салоҳиятини тугатиб битказади, кўпинча ходимларнинг ишдан бўшаб кетишига, меҳнат интизомининг пасайишига ва ижтимоий-руҳий муҳитнинг умумий ёмонлашувига олиб келади. Узоқ давом этадиган низолар, одатда катта ҳажмдаги эмоционал зўриқиш ва моддий ҳаражатларни келтириб чиқаради. Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай низо бошқа, янада барбод этувчи низоларни келтириб чиқариши мумкин. Меҳнат низоларининг салбий оқибатлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, улар қониқмаганлик, кадрлар қўнимсизлигининг ортиши, ҳамкорлик даражасининг пасайиши, душманликнинг ортиши, иккинчи тараф тўғрисида душман сифатидаги тасаввурлар бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳар бир меҳнат низоси ишлаб чиқариш соҳасидаги бузилган ўзаро ҳамкорлик доирасида ижтимоий низонинг алоҳида намоён бўлишини ўзида ифодалайди. Низо бошқарувдаги раҳбар учун ташҳислаш функциясини бажарган ҳолда, ишлаб чиқариш ташкилотининг ижтимоий организмидаги норозликларни аниқлаш усули сифатида иштирок этади. Шунингдек, у кўпинча янги тузилмалар, нормалар ва қадриятлар ишлаб чиқувчиси ролини ҳам бажаради. Ва ниҳоят, у атроф-муҳит ҳақида ахборот олишга ёрдам беради, бу прогностик функцияни бажарган ҳолда, тўпланган муаммоларни ҳал этиш усулини танлаш учун шароитлардан бири сифатида иштирок этади.

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИНГ КУЗАТИШ МЕТОДИГА АСОСЛАНГАН СОЦИОЛОГИК МУАММОЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Рахматов Н.Н. *– БухДТИ ўқитувчиси*

Мамлакатимизда олий таълим тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар ва таълим жараёнида тадбиқ этилаётган янгиланишлар профессор-ўқитувчилар, раҳбарият ва талабаларга қандай таъсир этаётгани, ўзининг натижаларини қай даражада кўрсатаётгани бугунги кунда ўрганиши лозим бўлган социологик муаммолардан бири ҳисобланади. Ўзгаришлар даврида ҳар бир профессор-ўқитувчи ва олий таълим муассасаси раҳбари олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини англагани, янгиланишларнинг меҳнат ва педагогик фаолиятида қанчалик даражада ўз ифодаси топаётгани, шаклланаётган муносабати ва амалий фаолиятида тадбиқ этаётганини биз қанчалик ижобий деб баҳоламайлик, аммо бу ўзгаришлар ҳамма олий таълим муассасаларда бир хил ўзининг ифодасини топмаяпти.

Олий таълим тизимини ислоҳ қилиш ва модернизация қилиш асосида замонавий олий таълим тизимига ўтиш қанчалар машаққатли меҳнатни талаб

қилаётганлиги, бунинг учун давлат тизими томонидан иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни бирдек ҳал этиб бориш ва олий таълим тизимида комплекс ислоҳотларни амалга ошириш кераклиги, қолаверса, раҳбар ва профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатга ва педагогик фаолиятга бўлган муносабатини ўзгартириш зарурлиги, аксарият талабаларнинг ўқишга бўлган дунёқарашларини ижобий томонга ўзгартириш кераклигини талаб этади. Ушбу жараёнларни ўрганишда кўплаб социологик ва илмий тадқиқотларни қўллаш, мониторинг ўтказиш ва келажакдаги ҳолатини илмий прогнози катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак,”[1] - деб айтган фикрлари замирида мамлакатимизда таълим ва тарбия тизимига берилаётган эътибор ва янгиланишлар қанчалар муҳим ва замон талаби эканлигидан далолат беради. Таълим ва тарбия, илм ва инновацияларни ривожлантириш, янги Ўзбекистонни барпо этишда таълимда тизимлилик асосида боғча, мактаб, ўрта махсус, профессионал таълим тизими (касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар), олий таълим, магистратура, докторантура, олий таълимдан кейинги таълим ва касб малакасини ошириш каби тизимларни ривожлантиришни назарда тутувчи тизимли олиб борилаётган ислоҳотларнинг замири ва маъно мазмунида барпо этиладиган “Учинчи Ренессанс” нинг пойдеворларини ривожлантириш ва жаҳон стандартларига олиб чиқиш каби машаққатли меҳнат ётади.

2020 йилда талабаларни олий таълимга қабул қилиш кўрсаткичлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсгани, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга кўтарилгани олий таълим даражасини олишга бўлган талабанинг нақадар ошиб бораётгани, балки ёшларимизда келажакда ўқимишли, билимли, замонага хос бўлган кучли мутахассислар бўлиб етишишга бўлган иштиёқнинг ошаётганлини билдиради.[2] Айни дамда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида фаолият кўрсатаётган раҳбар ва ходимлар ҳамда кафедра профессор-ўқитувчиларнинг иштирокини оширишда етарли шарт шароитларнинг яратилмаганлиги, мотивациянинг камлиги, замонавий давр талабларида меҳнат қилиш ва педагогик самарадорликни таъминлаш учун ички тизимда илмий тадқиқотларнинг кам олиб борилганлиги, ижтимоий муаммоларнинг тизимли равишда ўз ечимининг топмаганлиги, профессор-ўқитувчилар дунёқарашининг секин ўзгараётганлиги ёки ўзгарувчан талабларга мослаша олмаслиги, уларнинг меҳнат фаолиятида ортиқча талабларнинг қўйилиши

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, https://president.uz/uz/lists/view/4057

[2] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, https://president.uz/uz/lists/view/4057

меҳнатга бўлган муносабатнинг ижобий томонга секин ўзгариши ва самарадорликнинг етарли даражада таъминламаётганига олиб келмоқда. Замон талаблари асосида олий таълим муассасаларини ривожлантирар эканмиз, ислоҳотлар ва янгиланишларнинг меҳнат фаолиятида тўла даражада акс этишида бир қатор сиёсий, иқтисодий муаммолар ечимини топиш билан бирга ижтимоий ва маънавий муаммоларга ҳам катта эътибор беришимиз керак бўлади. Чунки меҳнат фаолиятини амалга оширувчи ходим ва профессор-ўқитувчи авваламбор, инсон ҳисобланади ва улар ижтимоий жараёнларнинг иштирокчиси сифатида турли ролларни бажаришади. Қандайдир ижтимоий таъсирлар асосида фаоллашади ёки сусаяди, қандайдир стимул ва мотивациянинг таъсирида жуда катта меҳнат самарадорлигини намоён этади.

Олий таълим тизимида янгиланишларнинг кириб келиши, олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига кўра олий таълим муассасаларининг босқичма-босқич мустақил хўжалик юритишга ўтказилиши[1], таълимда хизмат кўрсатишда пуллик тизим ва тижоратлаштиришнинг кириб келиши, улар ўртасида рақобат муҳитининг вужудга келиши, олий таълимнинг барча учун очиқлиги ва кенг қамровлиги, ўқишга кириш имтиҳон балларининг туширилиши, унинг изчиллиги ва узлуксизлиги ва янги таълим технологияларнинг кириб келиши сезиларли даражада профессор-ўқитувчилар ва раҳбар ҳамда ходимларнинг янги замон талабларига тезроқ мослашиб олишга ва кўникма ҳосил қилишга ундамоқда.

Олий таълим тизими, олий таълим муассасалари, уларда фаолият олиб борувчи ходимлар ва профессор-ўқитувчилар ўзларида салоҳиятни мужассамлаштирган зиёлилардир. Уларнинг меҳнат фаолияти ва шарт-шароитларига кўрсатиладиган эътибор ва ғамхўрлик, бу келажакда фарзандларимизнинг таълим ва тарбиясига сарфланган сармоядир. Албатта, мазкур сармоя кўп харажатлар ва оқилона бошқарувни талаб қилиши мумкин, аммо катта кўламдаги натижани ҳам кўрсатиши мумкин. Қадимги Хитой файласуфи Конфуцийнинг айтишича, давлатни бир йил боқиш учун буғдой экиш, ўн йил боқиш керак бўлса, дарахт экиш, агар асрлар давомида боқиш керак бўлса, билим бериш,[2] билимга сармоя киритиш керак экан. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган олий таълимни сифат жиҳатдан кўтариш, тизимни тубдан ислоҳ қилиш, бозор муносабатлари шароитида сифатли таълим хизматларини кўрсатиш асосий мақсад қилинган. Ана шу мақсаднинг бугунги кунда реал ҳолатини ўрганиш ва кузатишлардан хулоса чиқарган ҳолда қуйидаги таклифларни илгари сурамиз ва уларнинг профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат самарадорлигини таъминлашда ва ижтимоий муаммоларнинг ечимини топишда зарур, деб ҳисоблаймиз.

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2029 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони, https://lex.uz/docs/4545884

[2] Қаранг: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-услубий рисола. – Тошкент, 2017. – Б. 201.

Мамлакатимиздаги олий таълим тизими жаҳон стандартлари асосидаги таълимга ўтар экан, аввалambор, ҳукумат, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва олий таълим муассасалари ўртасида оқилона ва замонавий бошқарув ва ижро механизмларини ишлаб чиқиш керак, бунда эса хорижнинг илғор тажрибаларини ўрганиш талаб этилади.

Меҳнат самарадорлиги ва натижадорликнинг пасайишини олдини олиш учун "раҳбарият ва профессор-ўқитувчи ҳамкорлиги – олий таълим массасасининг равнақининг асоси" тамойили асосида ишлаш тизимини ва механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида демократик принциплар асосида ректорлар, проректорлар, декан ва кафедра мудирларининг сайлов тизими асосида лавозимга ўтказиш, уларнинг илмий даражалари билан бир қаторда, ташкилотчилиги, бошқарув маҳорати, маънавий фазилатларига ҳам катта эътибор бериш тизимини жорий этиш зарур.

Бозор муносабатлари шароитида олий таълим муассасаларининг кучли рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида уларнинг ички ва ташқи фаолиятини ўрганиб бориш, баҳолаш ва прогноз қилиш, раҳбарият ва профессор-ўқитувчилар меҳнат самарадорлигини илмий ўрганиб борадиган менежер ва социолог штатларини жорий этиш, мутахассислар томонидан олий таълим муассасаси фаолияти ва меҳнат муносабатлари самарадорлигини ўрганиш натижаларини кўпчилик томонидан ҳар чоракда муҳокама қилиш ва натижаларни жориш этиш тизимини йўлга қўйиш керак.

Олий таълимда янги билимларнинг кириб келиши ва ўзлаштирилишини тезлаштириш учун ҳар бир профессор-ўқитувчилар учун моддий-техник ва социал шарт-шароит яратиш, унинг меҳнатини қадрлаш, моддий ва маънавий раҳбатлантириш, уларга бўш вақтларидан унумли фойдаланишлари учун илмий ва кейинги ўқув дарсларига тайёрланишлари учун шароит яратиб бериш керак.

Мамлакатимиздаги олий таълим муасссасалари ўртасида ўзаро алоқа ва ҳамкорлик шартномаларини тузиш, тажриба алмашиш, ҳар бир профессор-ўқитувчининг меҳнатга бўлган муносабатини яхшилаш орқали меҳнат самарадорлигини оширишда маҳаллий ва хорижий олий ўқув юртлари тажрибаларини илмий ўрганиш, ижтимоий муаммоларнинг социологик ечимларини топиш бугунги шароитда жуда муҳим ва энг асосий талаблардан биридир. Зеро, жаҳоннинг ривожланган давлатларида, хусусан АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония, Жанубий Кореянинг ривожланиш гарови бўлиб инсон омилини кучайтиришга қаратилган инвестициялаш жараёни, инсон салоҳияти тараққиёти, аҳоли таълим даражасининг ошиши ва ёш кадрларнинг профессионал тайёргарлиги билан белгиланган[1] фикримизнинг далилидир.

[1] Қаранг: Тешабоев Т.З. Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ахборот технологиялари асосида такомиллаштириш йўллари // Ж. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2018. – № 3. – Б. 1.

Европа олий таълим тизимида Болонья декларацияси[1] мақсадида назарда тутилган ягона таълим, меҳнат билан бандлик ва фуқаролар саъй-ҳаракатлари мобиллиги таълим тизими томонидан тақдим этилаётган хизматларнинг ва кадрларга бўлган талабнинг ўзаро рақобатбардошлик тизимини шакллантиришига олиб келади. Бу жараённи олий таълимни берувчи профессор-ўқитувчиларсиз амалга ошириб бўлмайди. Шунингдек, замонавий иқтисодиётда профессор-ўқитувчилар ва талабалар ижтимоий фаолиятини бошқаришда математик моделларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш меҳнат самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиш зарур[2].

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА РАҲБАР КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ

Раҳимжонов Ж. *– ЎзРП ҳузуридаги ДБА тингловчиси*

Республикамизда сўнгги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишларини таъминлаш бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони[3] билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро стандартларга мувофиқ комплекс билимларга эга малакали кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, спортда илм-фанни жадал ривожлантириш, юқори малакали рақобатбардош тренер-ўқитувчилар, мутахассислар ҳамда илмий ходимларни тайёрлаш жараёнларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 ноябрдаги ПҚ-4877-сонли “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғриси”даги қарори тасдиқланди.

Ушбу қарорга асосан олий таълим сифатига қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқ жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни юқори даражада бажаришга қодир малакали кадрлар тайёрлаш, қайта таёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, спорт соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш масаласига ҳам катта

---

[1] Қаранг: Болонский процесс – структурное реформирование высшего образования на европейском уровне (электронный ресурс), режим доступа: https://kpi.ua/ru/bologna

[2] Аликориева А.Н. Олий таълимни рақамлаштиришда математик моделлаштириш усулларидан фойдаланиш // Ж. Ижтимоий тадқиқотлар журнали. – 2020. – №7. – Б. 33.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони https://lex.uz/docs/4751561

эътибор қаратилмоқда. Зеро, мамлакатда юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом шахсни шакллантириш мақсадида, аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларини орттиришга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш, иқтидорли спорт-чиларни танлаб олиш, спортни ривожлантиришга инновацион шакллар ва усулларни жарий этишда бошқарув кадрларининг роли катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард натижаси кўп жиҳатдан раҳбарларга, уларнинг бошқарув соҳасидаги профессионал маҳоратига боғлиқ. Бундай қобилият ва малакани эса махсус таълим тадбирлари орқалигина ривожлантириш мумкин. Шу муносабат билан, бугунги кунда бошқарув соҳаси, раҳбар кадарларни тайёрлаш соҳасидаги илмий изланишларни ривожлантириш ўта муҳим масала сифатида ўз натижасини кутмоқда.

Ҳар қандай турдаги меҳнат фаолияти инсондан ихтисослашган билим ва малакани талаб қилади. Махсус тайёргарликсиз бажариб бўлмайдиган фаолият соҳалари эса тобора кенгайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, раҳбар кадрларимиздан етарли даражада билим, малака ва кўникмани талаб этади. Буни фанда компетенциявий ёндошув деб аталади.

Компетенция – касбий фаолият талабларини ўзида акс эттирган шахс сифатлари, билим, малака, кўникма, фаолият услубларининг ўзаро алоқадор мажмуидир[1]. Компетентлик – профессионал ва ижтимоий соҳада самарали фаолият юритиш мақсадида шахснинг потенциалини амалга ошириш истаги ва қобилияти бўлиб, бунда инсон фаолият натижасининг юксак ижтимоий аҳамиятини шахсий масъулият сифатида ҳис этади ҳамда натижани мукаммаллаштириб бориш ҳақида қайғуради[2].Ушбу икки таърифни ўзаро қиёслаганда улар ўртасидаги қуйидаги узвийликни кўришимиз мумкин. Аввалига, касб талаблари асосида компетенциялар шаклланади, кейинчалик эса инсон бу компетенцияларни амалда қўллашга, компетентликка қодир бўлади.

Компетенциялар концепциясининг асосчиларидан бири Ричард Бояцис, компетенцияни шахсга ўз вазифасини юксак даражада бажариш имконини берувчи асосий характеристика, деб таърифлайди[3]. Компетентли бўлиш ўзбек тилидаги «мутасадди», «мутасаддилик» каби тушунчалар билан хамоҳангдир. Т.Ю. Базаров фикрига кўра, ходим компетенцияси ва компетентлиги ҳақида сўз юритганда, маълум бир ишни талаб даражасида бажариш қобилияти назарда тутилади (масалан, музоқаралар олиб бориш ёки молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш).

Компетентлик – шахснинг хислати, қобилияти, малакаси ва мотивация хусусиятларининг йиғиндиси бўлиб, уларга эга бўлган инсон конкрет лавозим ёки компания томонидан белгиланган вазифаларни муваффақиятли

---

[1] Хуторской А.В. Ключевые компетенции и образовательные стандарты // Интернет-журнал "Эйдос". 23 апреля 2002г. http://www.eidos.ru/journal/2002/

[2] Татур Ю.Г. Компетентность в структуре модели качества подготовки специалистов // Высшее образование сегодня. – 2004. – № 3.

[3] Boyatzis, Richard E. The competent manager: a model for effective performance, John Wiley & Sons. 1982.

тарзда бажариши мумкин. Шундай таърифга асосланган ҳолда персонал компетентлиги ташкилот компетенцияларини амалга ошириш воситаси сифатида талқин қилинади. Айрим муаллифлар психодиагностик методикалар орқали олинган маълумотларни анъанавий психологик категориялаш асосида уч блок компетенцияларни келтириб чиқарадилар[1].

Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги раҳбар кадрлар эгаллаши лозим бўлган компетенцияларни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин:

Эмоционал компетенциялар: раҳбарнинг лидерликка, ютуққа интилиш мотивацияси, унинг стрессга чидамлилиги, турли босим шароитида самарали фаолият юритиш қобилияти ва ўзини бошқариш малакасига эгалиги.

Хулқ компетенциялари: раҳбарнинг шахслараро муносабатларга йўналганлиги, коммуникативлиги, ишчан жамоани ташкил эта олиши ва келиштира олиш малакалари, раҳбар хулқининг тартиблашганлиги, ташкилотга ва ўз жамоасига садоқати.

Когнитив компетенциялар: инсон тафаккурининг эгилувчанлиги, бошқарув қарорларига комплекс тарзда ёндашиш, ақлий қобилиятларни ривожлантиришга йўналганлик, интеллектуал салоҳиятга урғу бериш.

Бундай классификацияга биноан ҳар қандай бошқарув соҳасига оид энг оддий ва жўн кўринишдаги компетенциялар кўламини яратиш имкони туғилади ҳамда амалдаги раҳбарларнинг бошқарув малакаларини қисқа фурсатда баҳолаш технологиялари яратилиши мумкин.

Бошқарувни амалга ошириш учун юқори бўғин раҳбарлари махсус билимларга эга бўлиши ва уларни кундалик фаолиятда қўллай олишлари лозим. Раҳбарнинг кенг қамровли ижтимоий фаоллиги, коммуникация доирасининг кенглиги ва кундалик ҳаётда социал алоқаларни шакллантириш зарурати унинг фаолиятида ижтимоий соҳанинг нақадар муҳим ўрин эгаллашини билдиради.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШНИНГ ЎРНИ (СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ)

Туратошева С.Р. *– ЎзМУ таянч докторанти*

Ҳар қандай мамлакатнинг куч-қудрати унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади. Бу эса, бевосита таълим сифатига боғлиқ. Кўпгина тахминлар сифат феноменида акс этади. Жамият ва таълим яхлит бир тизимни ташкил этади. Жамиятда кечаётган ҳар қандай глобал жараёнлар, таълим ҳолатида ўз аксини топади. Таълим доимий ҳаракатдаги динамик ижтимоий тизим сифатида бошқарув объекти ҳисобланади ва у ижтимоий оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар, иқтисодиётнинг инновацион йўналишда шакллантирилиши, жаҳон иқтисодиётига

[1] Алтухов В.В. Тесты и карьера: тестирование при приеме на работу и в профессиональной жизни. Справочник карьериста, 2006-2007. – Вып.4.

интеграллашуви таълим тизими олдига долзарб масалалардан бири бўлган сифатли мутахассисларни тайёрлаш, тизимларга хос бўлган барча хусусиятларни ўзида жамлайди. Тизим сифатида таълим ҳам фаолият кўрсатиш, ривожланиш, инқироз ва тараққиёт босқичларида бўлиши мумкин.

Сўнгги йилларда педагогик изланишларда ўқув жараёни сифатини назорат қилишни ташкил қилишда математик моделлаштиришга тобора кўпроқ эътибор берилмоқда. Бундай мураккаб ҳодисани расмийлаштиришга уриниш кўплаб қийинчиликларга дуч келади, бу қисман субъектив инсон омилининг таълим муассасаси фаолиятига кучли таъсири билан изоҳланади. В.А.Садовничийнинг фикрича, гуманитар фанларда "Инсон омили"нинг мавжудлиги ижтимоий жараёнларни алоҳида инсон сифатида, шунингдек, бир бутун ижтимоий жамият сифатида англашда иштирок этиш учун, ушбу соҳа доирасида реал математик моделнинг яратилишида бир қанча фундаментал муаммолар келиб чиқади:

Биринчидан, ўрганилаётган манба бўйича ўрнатилган универсал ҳолда кўрсаткичларини аниқ кўрсата оладиган маълум бир фундаментал қонуннинг йўқлиги; иккинчидан ижтимоий кўрсаткичларнинг саёз "ўлчови", ҳатто қандай ўлчов олиш зарурлиги аниқ бўлсада, ҳақиқатга яқинлаштирувчи саёз бўлмаган интеллектуал аниқликни талаб этиши; учинчидан турли масштабдорлик, яъни кичик социал гуруҳлардан тортиб этнос ва катта этносларда турли туман ва тизимли бўлмаган ижтимоий объектларнинг мавжудлиги; тўртинчидан ижтимоий объектларнинг доимо мураккаблашиб бориши, уларнинг рефлектив хусусиятини белгиловчи билимлар эртами ёки кечми объектнинг таркибий қисми бўлиб қолиши санаб ўтади[1].

Ушбу омилнинг қисман ёки тўлиқ эътиборсизлиги, натижада олинган модель ва тақлид қилинган ҳодиса ўртасида номувофиқликка олиб келади, бу эса аслида бундай тадқиқотларнинг амалий аҳамиятини пасайтиради. Мутахассислар тайёрлаш сифатига қўйилаётган талаблар таълим муасссасаларини бошқариш тизимини қайта кўриб чиқиш, сифатли таълим хизматини кўрсатишга рағбатлантиришни кучайтириш ва натижада, таълим хизматлари сифатини бошқариш тизимини жорий этишни қўллаб-қувватлаш, бошқаришнинг стратегик режалаштиришга, сифат менежменти тизимига асосланган янги тамойилларини шакллантиришни кўзда тутади.

Турли мамлакатларда амалда бўлган сифатни баҳолаш миллий тизимлари нафақат мақсадлари,вазифалари, баҳолаш мезонлари ва тадбирлари бўйича, балки мазкур жараёнга давлат, жамоат, махсус органлар ва муассасаларнинг жалб этилганлик даражаси каби кўплаб параметрлар бўйича бири-биридан фарқ қилади. Ахборот технологияларига асосланган замонавий инновацион ишлаб чиқариш юқори интеллектуал салоҳият ва касбий малакага эга бўлган тегишли ишчи кучини талаб қилади. Олий

[1] Садовничий В.А. Гуманитарное образование в России: мысли вслух. Выступление на всероссийском совещании конференции «Традиции и инновации в образовании: гуманитарное измерение» 12 февраля 2007 г. – Москва: МГУ. – С. 215-218.

таълимнинг сифати ва рақобатбардошлиги бугунги кунда республиканинг барқарор ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Таълим сифати педагогик мониторингининг моделини яратиш, мониторингини ишлаб чиқиш, мониторингни назарий таҳлил қилиш ва асослашнинг мантиқий якуни ҳисобланади. Воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни билиш жараёнида инсон уларни бевосита ҳис этиши, уларнинг ташқи томонини ташкил қиладиган, юзида намоён бўлиб турган томонларини пайқайди. Аммо, нарса ва ҳодисалар ортида яшириниб ётувчи ва бевосита билиш мумкин булмаган ички, нисбатан барқарор, ҳал этувчи томони ҳисобланган моҳиятни билиш мумкин эмас. Лекин, нарса ва ҳодисалар, уларнинг моҳияти маълум бир қонуниятлар билан боғланган, шунинг учун моҳиятни ҳам билиш мумкин. Билишнинг охирги мақсади ҳам ушбу моҳиятни очиш ва ҳақиқатга эришишдир. Моҳият оддий ҳиссиёт билан эмас, балки абстраст мантиқий (рационал) билиш йўли (билвосита билиш) билан амалга оширилади. Моделлаштириш методи воқеликни билвосита ўрганишга мосланган илмий усулдир.

Адабиётларда ўқув жараёни сифатининг математик моделларини яратиш муаммоларига катта эътибор берилган. Хусусан, А.А.Аветисов, Т.В.Камишникова[1], В.П.Сухинин ва М.В.Горшенинанинг мақолаларида[2] олий таълим муассасаларида талабаларни тайёрлаш сифатини баҳолаш ва бошқариш учун оптималлаштириш модели тасвирланган. Моделлаштириш деганда моддий ва маънавий реал мавжуд тизимларни билишда, мазкур тизимларнинг ташкилланиши ва функциялашуви тамойилларини қайта ишлаб чиқиш орқали яратилган, муайян конструкцияланган аналоги (модели) тушунилади. Унда ўрганилаётган объект – оригинал ёки прототип дейилади, қайта ишлаб чиқилган объект – модель ҳисобланади. Яъни, хосса ва хусусиятларини тадқиқ этиш жараёни билан боғлиқдир.

Бундан ташқари, моделлаштириш – воқеликни акс эттириш шакли ва реал объектларнинг у ёки бу хоссаларини тушунтириш ёки қайта ҳосил қилишни ўз ичига оладиган, предмет ва ҳодисаларни бошқа объект, жараён, ҳодисалар ёрдамида абстракт баён қилиш ёрдамида режа, тенгламалар мажмуаси, алгоритм ва дастурлар турида тасвирлайдиган билишнинг асосий методларидан бири ҳисобланади[3]. Ҳозирги замон илмий билишда моделларга турлича таъриф бериш тенденциялари кучайиши, замонавий билимнинг тараққиёти билан боғлиқ бўлган табиий ва қонуний жараёндир. Модель ҳақида ягона фикрнинг бўлмаганлиги, шунингдек, фан ва техникада ушбу тушунчанинг турлича ишлатилиши билан боғлиқ. В.Г.Афанасьев фикрича, “моделлаштириш тушунчаси кенг билиш маъносида ҳам, шунунгдек, тор

[1] Аветисов А.А., Камышникова Т.В. Оптимизационная модель оценки и управления качеством подготовки студентов в ВУЗе. Проблемы качества его формирования и стандартов в образовании. – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов. Проблемы качества, 1998. – С.105-109.

[2] Сухинин В.Р. Горшенина М.В. Проектирование дополнительных образовательных услуг на основе методов Г.Тагути // Управление качеством высшего образования: теория, методология, организация, практика. – СПб-Кострома: Смольный институт РАО, Изд- во КГУ, 2005. – Т. 3. – С. 80-85.

[3] Социальные системы. Формализация и компьютерное моделирование. – Омск: Омск. гос. ун-т, 2000. – С. 14.

махсус билиш усули сифатида ҳам қўлланилади[1]. Бунда бир тизим (тадқиқот объекти) иккинчи тизимни тўлдириб боради.

Модель тажриба, кузатиш, тажриба, экспериментал маълумотлар билан бир қаторда мавжуд назарияларнинг ривожланиши ва янги назариялар яратишнинг асосини ташкил қилади. Ҳар бир илмий назария янги модель яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Яъни, моделлаштириш усулининг билиш жараёнида янги назариянинг негизи, импульси ҳисобланади. Айрим ҳолларда назария дастлаб модель кўринишида вужудга келиб, илк ишчи гипотеза ролини ўйнайди. Бунда назария воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ташқи кўринишидан мавҳумлашиб, уларнинг моҳиятини тобора чуқурроқ ва кенгроқ қамраб олишга интилади.

А.А.Братко моделлаштиришни табиий ва сунъий тизимлар ёрдамида бевосита билиш методи, деб талқин этади. У ўрганилаётган объектга нисбатан маълум муносабатда бўлиб, бу ҳақда янги тушунчалар бериш имкониятига эга. Моделлаштириш аниқ объект, шунингдек, мавҳум объектлар, ўрганилган ва ўрганилмаган ҳодисалар ҳам бўлиши мумкин[2].

Таълим жараёни сифатини бошқариш учун ишлатиладиган энг оддий математик модель бу баллар моделидир. Унинг моҳияти қуйидагича: бирон бир объектни тузатайлик. X_1, X_2 ,. ... ... , X_n танланган объектнинг берилган t вақтдаги ҳолатини ва унинг олдинги назорат даври учун фаолияти натижаларини тавсифловчи миқдорий кўрсаткичлар тўпламидир. Бундай ҳолда танланган объектнинг умумий рейтингини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$R = _1X_1 + _2X_2 + _ _ _ + _nX_n;$$

Скоринг моделининг афзалликлари унинг соддалиги ва пастлигидир, аммо унинг бир қатор камчиликлари ҳам бор:

1) оғирлик коэффициентларини эксперт усулида танлаш зарурати;
2) миқдорий кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликларни ҳисобга олмаслик.

Олдингиси билан таққослаганда рейтингни ҳисоблашнинг меъёрий-таснифлаш модели[3] нисбатан мукаммал бўлиб, унинг моҳияти қуйидагиларга боғлиқ. Берилган объект фаолияти ҳолати ва фаолиятининг бошланғич кўрсаткичларининг барча тўплами икки кўрсаткичга бўлинади:

1) ҳар хил ҳолат ва потенциал кўрсаткичларни тавсифловчи потенциал кўрсаткичлар;
2) ушбу объектнинг олдинги фаолият натижаларини тавсифловчи фаолият ёки ишлаш кўрсаткичлари.

Биринчи тўплам кўрсаткичлари маълум бир қатор синфларга бўлинади, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга ва иккинчи тўплам кўрсаткичлари баъзи қисмларга бўлинади. Кейинчалик, потенциал имкониятлар

[1] Афанасьева М.П. Моделирование как метод исследования социальных систем // Ежегодник. – М.: Наука,1982. – С. 26-46.
[2] Қаранг: Братко А.А. Моделирование психической деятельности. – М: Мысль,1969. – 384 с.
[3] Васильев В.Н. и др. О математических моделях оптимального управления системой подготовки специалистов. – Петрозаводск: изд-во Петр.ГУ, 1997.

ва фаолият турларининг кўрсаткичлари гуруҳларнинг ҳар бирининг ставкалари иқтисодий маънога эга бўлган баъзи қадриятларга нисбатан нормал-лаштирилган. Ҳар бир потенциал имкониятлар ва фаолият тури бўйича эксперт услуби оғирлик коэффициентларини аниқлайди ва ҳар хил турдаги потенциал имкониятлар учун потенциаллар рейтингини ва ҳар хил фаолият турлари учун фаолият (ишлаш) рейтингларини ҳисоблаб чиқади. Йўналтирувчи модель катта бошқарув тизимларини бошқариш профессор В.И.Чернецкий томонидан мураккаб кўп даврли техник объектларни ўз-ўзини созлаш (адаптив) автоматик бошқариш тизимларини синтези учун таклиф қилинган[1]. Йўналтирувчи моделларнинг моҳияти параметр қийматлари у ёки бу маънода мақбул бўлган баъзи бир идеал (гипотетик, мос ёзувлар) бошқарув объектини танлаш мумкин, деган тахминда ётади (бу тахмин ҳар доим ҳам амалга оширилмайди). Сўнгра у билан боғлиқ бўлган бошқа барча бошқариш объектларининг назорат қилинадиган параметрларининг қийматлари мос ёзувлар объекти билан бир хил турдаги мос ёзувлар объекти параметрлари қийматларидан четланишлар (ёки нисбатлар) билан баҳоланади. Мониторинг қилинганларнинг ҳақиқий ва мос ёзувлар қийматларини таққослаш натижаларига асосланиб параметрлари, қўшимча бошқариш цикли (мослаштириш ва ўзини ўзи созлаш цикли) синтез қилинади, унинг асосий мақсади объект ҳаракатининг динамикасини керакли йўналишда аниқлайдиган баъзи технологик параметрларни изчил ўзгартиришдир.

Йўналтирувчи моделлар принципининг асосий ғоясидан фойдаланганда, катта бошқарув тизимлари учун рейтингни бошқариш моделлари, моҳиятан, уларнинг ишлашининг етарлича юқори самарадорлигини таъминлайдиган катта бошқарув тизимининг қўшимча мослашувчан кўчаларини синтез қилиш учун математик моделлардир. Мураккаб динамик ўзгарувчан ёки олдиндан айтиб бўлмайдиган (ноаниқ) шароитлар, хусусан, кўплаб назоратсиз таъсирлар билан белгиланадиган субъектив (инсон) омиллар мавжудлигидадир. Сўнгги йиллар адабиётларида олий таълим тизими объектларини рейтинглаш модели оммалашган.

Математик модель ва методларни педагогикага йўналтиришда таълим тизими хусусиятини ҳисобга олган ҳолда гуманистик ва технологик принципларга асосланиши керак. Хориж олимларининг олиб борган илмий тадқиқотлари шуни кўрсатадики, математик метод ва моделлаштириш таълим сифатини такомиллаштиришнинг асосий шарти ҳисобланади. Педагогик фаолиятда ташхислаш, прогнозлаш, коррекциялаш, бошқариш, назорат қилиш ва бошқа шу каби функцияларни бажариш имконини беради. Таълим амалиёти учун математик методларни жорий қилишда илмий ёндашган ҳолда аниқ асос ва самарага эга бўлган усуллардан фойдаланишни талаб қилади.

[1] Чернецкий В.И. Математическое моделирование динамических систем. – Петрозаводск: изд-во Петр.ГУ, 1996.

ШАҲАР ЭКОТИЗИМИДА БАНДЛИК МАСАЛАСИ ВА ИШСИЗЛИК МУАММОЛАРИ (САМАРҚАНД ШАҲРИ МИСОЛИДА)

Хайдарова Х.Х. *– ЎзМУ таянч докторанти*

Шаҳар экотизими – шаҳар ҳудудида биргаликда яшайдиган организмлар ва уларнинг яшаш шароити мажмуи бўлиб, шаҳардаги ҳар қандай муаммо экотизимнинг барқарорлигига ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Шаҳар экотизимиг асосий элементларидан бўлган шаҳар аҳолисининг бандлигини таъминлаш ва ишсизлик муаммоси ҳам шулар жумласидандир. Шаҳарлардаги ишсизлик муаммосини бартараф этиш давлат ва вилоят миқёсидаги сиёсатида комплекс ислоҳотларни амалга оширишни талаб этади[1].

Аҳолининг банлигини таъминлаш ва ишсизлик масаласи шаҳар экотизимидаги азалий муаммолардан бири бўлиб келган. Ушбу муаммога турлича ечим қўлланган бўлсада, бироқ мана неча йилдирки бу муаммога тўла-тўкис ечим топилган йўқ. Биламизки, шаҳар аҳолисининг бандлигини таъминламаслик ортидан ишсизлик муаммоси келиб чиқади.

Шаҳар аҳолисининг бандлигини таъминлашда ва ишсизлик муаммоси билан курашишда социологик тадқиқотларнинг аҳамияти катта бўлиб, ҳудуд аҳолисини турли тоифаларга бўлиб тадқиқ этганимизда муаммога ечим топиш янада оссонроқ кечади. Хусусан, Россия Фанлар Академияси академиги А.Г. Аганбегян ўзининг тадқиқотларида ишсизлик муаммосини оилавий ҳолатдан келиб чиқиб ўрганганида, оилалилар ўртасида ишсизлар сони 4 %ни, ажрашганлар орасида 6 %ни, бевалар орасида 5 %ни, бўйдоқлар орасида 11,2 %ни ташкил қилишини аниқлаган[2]. Бу тадқиқот шаҳарлар кесимида ўтказилганида бошқача натижани кўрсатиши ҳам мумкин. Шу аснода шаҳардаги ишсизлик муаммосининг ижтимоий қиёфасини акс эттириш мумкин. Бироқ бунда оилавий шароитдан ташқари маълумотлилик ва демографик омилларни ҳам унутмаслигимиз лозим.

Бугун дунё аҳолисининг ҳар бешинчи кишисининг ёши 15-25 ёш атрофида. Бу эса бандликни таъминлашда жуда муҳимдир. Зеро, бу ёш самарали иш кучи мавжуд давр бўлиб, ундан самарали фойдаланиш, шаҳарнинг маълум соҳаларини ривожлантиришга қаратиш зарур. Бугунги кун ёшлари иш турини, хизмат лавозимларини танлаш, ҳаттоки маълум вақтдан сўнг ишлаш ёки ишламаслик фикрини очиқдан-очиқ бериш хусусиятига эга.

Шаҳар экотизимидаги айрим ишлар гендер жиҳатлама ҳам аҳамият касб этиши мумкин. Хусусан, баъзи ҳолларда гендер камситилиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Хусусан, Ўзбекистоннинг меҳнат органларида ходимларни қисқартириш муносабати билан ишини йўқотган ходимлар рўйхатга олинган

[1] Андреев О.Е. Проблема занятости населения в малых городах и пути ее решения (на примере городского округа города Арзамас) // Приволжский научный вестник. – 2015. – № 12-2 (52). – С. 11.

[2] Қаранг: Аганбегян А.Г. Проблемы занятости в современной России: пять неотложных дел // НАУКА. – 2017. – №3 (102). – С. 11.

ва бу рақамларнинг далолат беришича, ишдан бўшатилган хотин-қизлар сони ишдан бўшатилган эркаклар сонидан кўпдир[1]. Бандликни таъминлашда иш соати ҳам аҳамиятга эга. Шаҳар экотизимидаги мавжуд иш ўринларидаги вазифаларни амалга ошириш ҳужжатга кўра кунига 8 соатга мўлжалланган бўлсада, амалда кечгача қолиб кетиш ҳолатларини юзага келтираётгани кузатилмоқда. Бу эса аёллар рўзғорини биринчи ўринга қўйганлиги боис ўз-ўзидан эркакларга бўлган талабни оширмоқда.

Аксарият (26%) ишсизлар хеч қандай иш тажрибасига эга эмаслар, ҳаттоки у ёки бу таълим олганларнинг асосий қисми ҳам ўзларига иш топа олмасликларини маълум қилишади, бу эса нормал ҳолат эмас[2]. Афсуски, мамлакатимизда ишсизлар орасида қўштирноқ ичидаги “олий тоифали ишсизлар” ҳам мавжуд. 2020 йилги кўрсаткичларга кўра мамлакатимизда ишсизлик даражаси 10,5 %ни ташкил этган бўлиб, 2019 йилга нисбатан 1,5 % ўсганлигини кўрсатмоқда. Самарқанд вилоятида эса бу кўрсаткич 2020 йилда 11 %ни, 2019 йилга нисбатан 1,7 % ўсгани ҳудуд экотизимидаги жиддий муаммодир[3]. Албатта, бу ўсиш кўрсаткичи айрим чет эл ҳудудлари билан таққосланганида анча яхши бўлиб кўриниши мумкин. Хусусан, Россиядаги аҳоли сонига кўра (120 минг. инсон) кичик шаҳарлар турига кирадиган Камишин шаҳарида ишсизлик 2007 йилда 1,86 %га, 2008 йилда йилда 2,71 %га ўсган[4]. Кичик шаҳар учун бу кўрсаткич юқоридир.

Ҳудудий олиб қаралганда мамлакатимизда бандлик масаласига ва ишсизлик муаммосига катта эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, Самарқанд вилоятида 2021 йилнинг биринчи чорагида қиймати 832,1 млрд сўмлик 248 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, 1800 дан ортиқ иш ўринлари яратилган[5]. Бундан ташқари, юқоридаги маълумотлилик омилидан келиб чиқиб стратегик режаларида 13200 нафар ёшни тадбиркорликка ўргатиш ва уста-ҳунармандларга бириктириш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, 14400 нафар ёш доимий ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилиши кўзда тутилмоқда[6].

Академик А.Г. Аганбегян меҳнатга банд бўлган аҳоли қатламига нисбатан “меҳнатсеварлар” деган тушунчасини қўллаган ҳолда йиллар ўтгани сари “меҳнатсеварлар”нинг сони камайиб бораверади, деб ҳисоблайди. Олимнинг бу хулосага келишининг асосий сабаби 2010 йилда меҳнатсевар аҳолининг сони 88%ни ташкил этган бўлса, 2015 йилда эса 85,4%га тушиб кетганида эди[7]. Самарқанд миқёсида ўрганилганида

---

[1] Алимжонова Д. Бандликнинг гендер хусусиятлари / Гендер муносабатлар назарияси ва амалиётига кириш. Тўплам. – Т.: 2007. – Б. 152.

[2] Қаранг: Аганбегян А.Г. Проблемы занятости в современной России: пять неотложных дел // НАУКА. – 2017. – №3 (102). – С. 11.

[3] Қаранг: https://stat.uz

[4] Скосырева Н.П. Исследование аспектов занятости в малых городах. Электронный научный журнал Современные проблемы науки и образования. Выпуск журнала № 5, 2009 год. [Электронный ресурс] Точка доступа: https://www.science-education.ru/ru/issue/view?id=33

[5] Халқ сўзи. 2021 йил 16 апрель, № 77 (7857).

[6] Халқ сўзи. 2021 йил 17 апрель, № 78-79 (7858-7859).

[7] Қаранг: Аганбегян А.Г. Проблемы занятости в современной России: пять неотложных дел // НАУКА. – 2017. – №3 (102). – С. 11.

меҳнатсевар аҳоли 2017 йилда 69,7 %ни, 2018 йилда 66,3%ни, 2019 йилда 65,4%ни ташкил этаётганини ва йиллар сайин тушиб бораётганини кузатдик[1]. Шу сабабли Самарқанд шаҳри бош режасида янги иш ўринларини яратиш масаласига катта эътибор қаратилган.

Юртдошларимиз орасида бирор корхона, идора ёки ташкилотда ўзига қулай иш тополмаслиги натижасида меҳнат шартномаси, доимий иш ҳақига эга бўлмаган, бироқ турли мавсумий меҳнат билан банд бўлган ёки оиласида кичик корхона очиб иш билан шуғулланиб, даромад топадиганлар кўпчиликни ташкил этади. Хусусан, ўзини ўзи банд қилаётган ушбу шахслар нафақат ўзларини, балки кам сонли ҳамшаҳарларини ҳам иш билан таъминлаб келишмоқда. Бу шаҳар экотизимида бандлик масаласида занжирни ҳосил қилиб, унинг иқтисодий ривожланишига хизмат қилади. Зеро, олдин ҳам шаҳар аҳолиси шундай фаолият турлари билан шуғулланиб келган (ҳунармандчилик, устачилик, заргарлик, новвойлик, дурадгорлик, сартарошлик ва б.) ва шаҳарнинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшган. Бугун эса ушбу касблар ҳуқуқий асосга эга бўлди.

Кичик шаҳарларда аҳолининг бандлик даражаси ва уларнинг ҳолати асосан шаҳарнинг ижтимоий иқтисодий ва демографик ривожланишига катта таъсир қилади[2]. Бироқ шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланиши билан чекланиш, бу масалага худудий олиб қаралмаслик бошқарув тизимида бир ёқлама қарашни шакллантиради. Сабаби – шаҳарлар тарихий аҳамиятлигига кўра маданий ривожланмоғи, сиёсий томонлама ўсмоғи ва шаҳар аҳолисининг эҳтиёжлари қондирилмоғи ҳам лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, шаҳар экотизимидаги бандлик масаласи ва ишсизлик муаммосини ўрганганимизда биргина статистик маълумотларга таяниб қолишимиз юқоридаги масалага бир томонлама қараш билан тенг бўлиб қолади. Муаммо юзасидан социологик тадқиқотлар ўтказилиб, уларни статистик маълумотлар билан бойитганимизда муаммонинг аниқ нуқтасига зарба берган бўламиз. Юқоридаги муаммо ечимида шаҳар аҳолисининг ижтимоий кайфиятини ўрганиш жуда муҳимдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАРНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Халикова У.М. *– ЎзМУ магистранти*

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, замон талабларига жавоб берадиган меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар ва

[1] Қаранг: https://stat.uz

[2] Кузюкова Н.И. Проблемы занятости населения в условиях малого города / Вологдинские чтения. – 2008. – С. 20. [Электронный ресурс] Точка доступа: https://cyberleninka.ru/journal/n/vologdinskie-chteniya

имкониятларни яратиш бўйича мақсадли йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Жамият тараққиётини илм-фан ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, илм-фан ишлаб чиқариш, унинг моддий асосини яратиш, технологик ривожлантириш ва энг асосийси – кадрлар билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади.

"Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс - садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан",[1] дея таъкидлади Президент Шавкат Мирзиёев.

Мустақиллик йилларида интеллектуал салоҳиятли ёшлар қўнимсизлиги алоҳида илмий тадқиқот сифатида социологик-илмий жиҳатдан ўрганилмаганлигини таъкидлаш лозим. Шунингдек, мавзунинг долзарблигини яна қуйидаги омиллар билан асослаш ўринли,

Биринчидан, ҳозирги кунда барча фаолият соҳалари учун долзарб бўлган, аммо интеллектуал салоҳиятли ёшларга нисбатан ушбу муаммо, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлган кадрлар қўнимсизлиги каби муаммолар мавжуд, чунки кадрлар қўнимсизлиги ташкилотнинг табиий ривожланиши, унинг ходимларини мамлакат иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий-психологик шароитларига мослаштириш механизми бўлиб хизмат қилиши, бу борада изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

Иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий омилларнинг юқори даражада беқарорлиги, ташкилотдаги ишларнинг нотўғри ташкил этилиши ва кадрларнинг нотўғри бошқарилиши, кадрлар назоратсизлигининг тез-тез рўй бериши кадрларнинг камайиши, ҳам тўлиқ кетиб қолишида намоён бўлади, бу муаммонинг ечимини тадқиқот қилиш ўта муҳимдир.

Учинчидан, интеллектуал салоҳият, замонавий билимларга эга авлодгина халқимиз эришган мустақилликни асрай олади, илм-фан, маънавий ва иқтисодий тараққиётга муносиб ҳисса қўша олади. Шу боис, жамият тараққиётида интелектуал салоҳиятли ёшлар қўнимсизлигини тадқиқ қилиш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги баҳс талаб қилмайди.

Биз анкетали сўровнома усулини қўллаш ёрдамида 2021 йил март ойида социлогик тадқиқотларимини ўтказдик[2]. Мазкур тадқиқотимизда

[1]Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий веб-сайти: //uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyeev-yeshlar-tarbiyasi-eng-mu-im-masalalardan-16-06-2017

[2] "Ёшларнинг иш билан бандлиги ва интеллектуал салоҳиятли кадрлар қўнимсизлиги" мавзусида социологик тадқиқот 2021 йил март ойида Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани "Хумоюн" МФЙда ўтказилди. Тадқиқотда тизимлаштирилган танланма йиғинди усули қўлланилиб, 3576 нафар маҳалла аҳолисидан 200 нафар ёшлар танлаб олинди. Респондентларнинг ёш кесимда тақсимоти – 23-26 ёшлилар – 43%, 27-30 ёшлилар – 57%; жинсий кесимда тақсимоти – йигитлар – 59%, қизлар – 41% ни ташкил этди. Танланма йиғиндида иштирок этган ёшларнинг 37%- тугалланмаган олий маълумотли(талаба) бўлса, 53%-

иштирок этган ёшларга “Сизнингча, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда қуйидаги омиллардан қайси бири кўпроқ таъсир кўрсатади?” саволи билан мурожаат этдик ва қуйидаги дигараммада кўрсатилган натижаларга эга бўлинди (1-расмга қаранг).

Ушбу саволга берилган жавобларнинг таҳлилига мувофиқ 47% қизлар ва мос равишда 39% йигитларнинг фикрига кўра ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда оила институтининг роли катта. 35% қизлар ва йигитларнинг 42% эса таълим тизимининг бундаги асосий аҳамиятини алоҳида кўрсатади. Демак, ушбу савол натижаларига мувофиқ сўралганларнинг деятли ҳар иккинчиси аввалambор таълим тизимини ёшларнинг интеллектуал билимни оширишдаги асосий механизм эканлигида яқдил фикрларни билдириб ўтади.



1-расм. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга таъсир кўрсатувчи омиллар жинс кесимида

Айни мақсадларга ҳамоҳанг равишда биз социологик тадқиқотларимизда “Умуман олганда Сизнингча, инсон ҳаётда ўз ўрнини эгаллаши учун нималарга эътибор қаратиши керак, деб уйлайсиз?” саволи билан мурожаат этдик. Ушбу саволга берилган жавобларнинг таҳлили қуйидаги ўз аксини топган (2-расмга қаранг).



2-расм. Ёшлар ҳаётда ўз ўрнини эгаллашлари учун асосий эътибор қаратадиган жиҳатлар

тугалланган олий маълумотли. Иш стажига кўра, 1 йилдан-3 йилгача ишлаётганлар – 24%, 4 йилдан – 5 йилгача ишлаётганлар – 33%, 5 йилдан ортиқ ишлаётганлар – 42%ни ташкил этди.

Мазкур саволга берилган жавобларнинг таҳлилидан маълум бўлишича 48% ёшлар инсон ҳаётда ўз ўрнини эгаллаши учун яхши билим олиши керак деб билади. 32% сўралганлар эса бунда асосий мезонлардан бири маълум бир касб-ҳунарни эгаллаш эканлиги, 14% ёшларнинг фикрига кўра ота-онаси ёки қариндошларининг кўмаги муҳим роль ўйнашини билдирган.

Таълим тизимининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ўрни беқиёсдир. Зеро, ушбу жараёнлар тақдири тайёрланаётган кадрлар малакасига бевосита боғлиқ. Масалан, ривожланган давлатларнинг барчаси ўз ютуқларига таълим соҳасини юксалтириш орқали эришиб келган. Айнан таълим жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ва ҳар бир давлатнинг асоси бўлган инсон капиталини шакллантиришга муайян таъсир қилади. Таълим ва давлатнинг бундай муштараклиги ушбу соҳанинг сиёсатдаги ижтимоий муносабатлар ва давлатни бошқариш тизимида тутган ўрнини белгилайди.

Зеро, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда коммуникатив, ахборот билан ишлаш, ўзини ўзи ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш каби таянч компетенцияларни таркиб топтириш муҳим аҳамиятга эга.

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА СОЦИОЛОГИК СЎРОВЛАР ЎТКАЗИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Хамрокулова Ш.Э. *– ЎзМУ докторанти*

Ҳозирги вақтда социологик сўровномалар ўтказиш аҳолининг ижтимоий фикрини ўрганишда муҳим дастурлардан бўлиб хизмат қилмоқда. “Ижимоий фикр ва социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 2019 йил 22 февраль ПФ-5667-сонли Фармонга мувофиқ аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, саломатлиги, инфраструктура омилларининг ривожланиши ва бошқа масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Биз кундалик ҳаётимизда жуда кўп фикрлар билан тўқнаш келамиз. Ўз фикрларимизни айтишда кўпинча жамоатчилик, олимлар фикрига ёки статистик маълумотлар кўрсаткичларига таянамиз. Демак, биз жуда кўп ҳолларда жамоатчилик фикрига ёки ижтимоий сўровлар натижасига мурожаат қиламиз. Ва бу мулоҳазалардан келиб чиқиб, социологик сўровларнинг ҳаётимиздаги ўрни муҳим эканини тасаввур қилишимиз мумкин. Ҳаётнинг турли жабҳаларида, ижтимоий фикрларни ўрганишда социологик сўровлар ўтказиш ва натижаларини умумлаштириш мумкин. Дунё миқёсида глобал муаммолар ва аҳоли саломатлиги масалалари жиддийлашувига кўра, кейинги вақтларда экологик сўровномалар, экологик маданият ва экологик тарбия масалалари олдинги ўринларга чиқмоқда. Экологик сўровномалар ўтказиш атроф-муҳитга инсоннинг муносабатини бахолашда жуда муҳим омил бўлиб ҳизмат қилади.

Социо-экологик сўровномалар ўтказиш қуйидаги масалалар ечимида ёрдам беради:

- маълум бир ҳудуд табиатининг тарихда ва ҳозирги даврдаги ўзгаришларини ўрганишда;
- ҳудудларнинг экологик ҳолатини баҳолашда;
- инсонларнинг ўзи истиқомат қилаётган ҳудудга нисбатан муносабатини таҳлил этишда;
- инсон ва табиат муносабатларини ўрганишда аҳолининг экологик тарбияси ва экологик маданиятини таҳлил этишда;
- муаммолар ечимига ўзига хос ёндашишга ва келажакда муаммони ҳал этишда ва шу каби бошқа масалаларни ўрганишда ёрдам беради.

Экологик сўровномаларни ўтказишда қамраб олинадиган аҳолининг ёшига, ҳудудий яшаш манзилига, касбига, жинсига ёки сўровномадан кўзда тутилган мақсадга қараб саволлар танланиши мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) хабарларига кўра охирги вақтларда дунё миқёсида атмосферага зарарли газлар чиқиши, ичимлик сувининг яроқсизлиги, дарахтлар кесилиши, ўрмон ёнғинлари, саноат корхоналарининг атроф-муҳитни ифлослаши, чиқиндиларни қайта ишлаш билан боғлиқ муаммолар[1] аҳоли олдидаги энг мураккаб масалалардан бўлиб турибди. Албатта, бу муаммолар ҳозирги кунда жуда кўп мамлакатларда кузатилмоқда. Экологик муҳитни нафақат қатор чора-тадбирларни қўллаш билан биргаликда, балки аҳолининг экологик тарбияси ва маданиятини ошириш орқали яхшилашга эришиш мумкин.

Экологик сўровномалар ўтказишда эмпирик, индуктив, дедуктив, қиёслаш, маълумотлар таҳлили, статистик, моделлаштириш, кузатиш каби методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Анкета, сўров, тест усули ижтимоий фикрларни ўрганишда кенг тарқалган. Анкета ёки сўровномани тузиш фаолиятнинг энг асосий босқичидир. Саволлар тушунарли бўлиши, қатнашувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, белгилаш учун қулайлиги, вариантлар берилиши сўров ўтказишда жуда аҳамиятлидир. Экологик сўровномалар ва анкеталар тузишда қандай саволлардан фойдаланишимиз мумкин?

- Сиз ўз яшаб турган жойингиздаги экологик вазиятни қандай баҳолайсиз?
- Сиз яшаб турган жойда қандай долзарб экологик муаммо бор, деб ўйлайсиз?
- Табиатни муҳофаза қилиш учун қандай таклифлар берасиз?
- Ўз яшаб турган жойингизда табиатни муҳофаза қилиш учун нималар қила оласиз?

Янада аниқлаштирилган саволлар орқали айнан бирор табиий ресурсга ёки табиат муҳофазасига доир саволлар тузиш, анкета сўнгида қатнашувчиларнинг ёши, касби, манзилини сўраш мумкин. Мавзули анкеталар, аралаш турдаги саволлар, очиқ саволлар, “ҳа – йўқ” кўрини-

[1] https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/ambient-(outdoor)-air-quality-and-health

шидаги савол жавобларни сўровнома мақсадига қараб танланади. “Инсон ва табиат”, “Сув – ҳаёт манбаи”, “Жониворларни асранг”, “Хаммаси ўз қўлимизда” каби мавзуларда сўровлар ўтказиш мумкин. Мавзуларни эса айрим кунларга қараб танлаш хам сўровномалар жозибадорлигини, муҳимлигини оширади. Масалан “20 март – Ер куни”, “21 март – Ўрмонларни асраш куни”, “22 март – Халқаро сув ресурслари куни”, “15 апрель – Экологик билимлар куни”, “16 сентябр – Озон қатламни ҳимоя қилиш куни”, шунингдек ўлкамиздаги байрамлар – Наврўз, гул байрами кунларига бағишланган сўровномалар, мавзули тадбирларни амалга ошириш мумкин.

Ҳозирги техника ва технология даврида социологик сўровномаларни онлайн усулда ўтказиш кенг тарқалмоқда. Интернет тармоғида сўровнома, тестлар ўтказишнинг қулайлиги шундаки, энергия ва ресурслар тежалиб, катта аудитория қамраб олинади. Саволлар очиқ тарзда берилганда маълумотлар хилма-хиллиги ортади. Интернет тармоғи орқали социологик сўровномалар ўтказишда маълумотларни тайёрлаш, уларни платформага жойлаштириш, сўровномаларни ўтказиш (маълум муддат оралиғида) ва уларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, хулосаларга келишни босқичма-босқич ўтказиш керак. Агар бевосита ўтказсак, бунда маълумотларни тайёрлаш, тўплаш, сўровномани ўтказиш ва умумлаштириш каби жараёнларни амалга ошириш лозим. Бевосита социологик сўровларни ўтказиш кўп вақт ва ресурс талаб этгани боис ҳозирги кунда кўп сўровномалар онлайн шаклда ўтказилмоқда.

Интернет тармоғида сўровлар ўтказишнинг шу билан бир қаторда ноқулайлик томонлари ҳам бор. Сўровномада иштирок этганларни кузатиш имкони йўқлиги, коммуникация ва индивидуал хусусиятларини бевосита кузата олмаслик каби ноқулайлик томонларини ҳам айтиш жоиз. Аммо экологик сўровномаларни қанчалик катта аудиторияда ўтказсак, шунчалик жавоблардаги хилма-хиллик ортади ва бу бизга келажакдаги хулосаларимизга, қўлланиши керак бўлган чора-тадбирларга ёрдам беради. Айниқса ўқувчи ёшлар орасида экологик сўровлар ўтказиш, уларнинг фикрини билиш тарбияланиб келаётган ёш авлодга экологик билимларни сингдиришга, табиат билан инсонлар ўртасидаги муносабат занжирини узвийлигини таъминлашга ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга ижобий таъсир кўрсатади.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРНЕТ МУЛОҚОТИ ОДОБИ

Худойқулов Х.Ж. *– ЎзМУ проф.в.б.*

«Интернет» сўзи ажнабий тилдаги қисқартирилган жумла бўлиб, тилимизда «халқаро маълумотлар тури» деган маънони англатади. Аммо бу ном ихтиёр қилинганидан кейин интернет тизимининг жадал тинмай ривожлаиши оқибатида у фақат маълумотлар тақдим этиш ва қабул қилиш

билан чекланиб қолмай, бундан ҳам катта ҳажмдаги ишларни олиб боришга хизмат қиладиган бўлди. Ҳаётнинг барча соҳаларида интернет ёрдамида осонлик, арзонлик ва тезлик фойдалари кўзланадиган бўлди.

Бу борада таълимда ҳам интернетдан кенг фойдаланилмоқда. Тасаввур қилиш учун биргина мисол келтиришнинг ўзи кифоя. Масалан, керакли фандан берилган мавзу бўйича тайёрланиш учун албатта кутубхонага бориш ва керакли адабиётни кутубхоначи орқали топтириш, бўлмаса бошқа манбаларни қидириш зарурияти пайдо бўлади. Бунинг учун қанча вақт йўқотамиз. Агар интернетдан фойдалансак, ўзимиз истаган вақтда, уйда ўтирган ҳолда керакли маълумотларни ўзлаштириш имкони пайдо бўлади. Бунга ўхшаш фойдалар жуда кўп бўлиб, биз келтирганимиз оддий бир мисол эди. Шунинг учун ҳозирда хамма халқлар интернетни ривожлантириш борасида қўлидан келган барча чораларни кўрмоқда. Бу ишга тўғаноқ бўлувчи омиллардан халос бўлиш йўлларини ахтармоқда. Натижада интернетдан фойдаланувчилар кун сайин кўпайиб бормоқда. Ҳамма ушбу осонлик ва қулайликдан баҳраманд бўлишга ошиқмоқда. Аммо шу билан бирга, интернетга боғлиқ муаммолар ҳам кўпайиб ва жиддийлашиб, унинг фойдали ва зарарли томонлари ҳам аниқ кўриниб қолмоқда.

Айтиб ўтилган ушбу гаплардан кўриниб турибдики, интернет ҳам икки тарафлама – ҳам яхшиликка, ҳам ёмонликка хизмат қилиши мумкин бўлган нарсага айланди. Бизнинг вазифамиз уни яхшиликка хизмат қилдириб, зарарларидан четланишга ҳаракат қилишдир. Бунинг учун эса таълим жараёнида маънавий ва миллий маданиятимиз асосида Интернетдан фойдаланиш одобларини йўлга қўйишимиз керак бўлади.

Бу масалалар қанчалик тез ҳал қилинса, шунчалик яхши бўлиши ойдин бўлиб турибди. Қуйида интернетдан фойдаланишнинг баъзи умумий одобларини келтирамиз:

Интернетдан фойдаланмоқчи бўлган одам аввало ниятни яхши қилиши, ҳар бир ишдаги каби, интернетдан фойдаланишда ҳам яхшилаб тузилган режа асосида иш юритиши лозим.

Интернетда кўриладиган, ўқиладиган ва эшитиладиган нарсаларнинг барчаси инсон одобига мос ва хос бўлган нарсалар бўлиши шарт. Зотан, инсоннинг ҳамма ерда, барча замонларда ва барча вазиятларда қиладиган гап-сўзларию, иш фаолияти замон одобига мувофиқ бўлиши талаб этилади.

Ишхона ёки бошқа бирор шахснинг интернетидан рухсатсиз фойдаланиш мумкин эмас. Бунда бир тарафдан ишхонанинг интернетга тўлайдиган маблағи шахсий манфаат учун сарфланади. Иккинчидан ишхонанинг ишини бажариш ўрнига иш вақтида ўз манфаатини кўзлаб, масъулиятдан қочиш юз беради.

Болаларнинг интернет ва компьютердан фойдаланишини оқилона ва эътибор билан йўлга қўйиш керак. Бунда бола аввало, ота-онаси ва катталарнинг рухсатисиз интернет ва компьютердан фойдаланмасин. Улар фойдаланадиган жиҳозлар ҳамманинг кўз ўнгида бўлсин ва у таълим жараёнига қаратилсин.

Ҳозирги вақтда интернетда мессенжерлар орқали кишилар бир-бирлари билан ёзишма, сўзлашма, бевосита видео мулоқот олиб бориш имкониятига эга бўлган. Улар ушбу имкониятларни ишга солиб, кўпгина ҳожатларини рўёбга чиқариш, маълумот алмашиш, билмаганини сўраб ўрганиш, янги дўст ва шериклар орттириш каби кўпгина манфаатларга эга бўлишмокда. Бу яхши.

Буларнинг ҳаммасини тартибга солиш, кишиларни тўғри йўлга бошлаб, нотўғрисидан қайтариш лозим. Бу борада ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва бошқалар етарли ишлар олиб боришмоқда. Биз, шунингдек қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз:

1. Интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишда рухсат берилган нарсаларга амал қилиб, ман қилинган нарсалардан четда бўлиш асосий қоида бўлиши зарур. Шунда ҳам яхшилик ва ҳамкорлик қилиш, ёмонлик ва душманликдан қочишни шиор қилиб олиш, фойдали мақсадни кўзлаш ва бефойда ишлардан четда бўлиш лозим.

2. Интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишда ёлғон ишлатмаслик, сохтакорлик ила уйдирма хабарлар, суратлар ва видеолавҳалар тарқатмаслик, нима бўлганда ҳам, худди кўз-кўзга тушиб тургандек, ўзини одоб ва ахлоқ ила тутиш лозим. Бунда бизга нотаниш кишиларни «сиз»лаб, уларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш, баҳс-мунозара ҳар қанча қизиса ҳам, бировга озор беришгача бормаслик, беҳуда тортишувларга, беодобликларга йўл қўймаслик керак.

Ҳозирги даврда интернетда йўлга қўйилган хизматлардан бири электрон почтадир. Бу хизмат орқали кишилар асосан бир-бирларига мактублар ва турли маълумотлар юборади. Илгаридан бу маънода хизмат қилиб келаётган оддий почта билан электрон почта орасида жуда катта фирқ борлиги ҳаммага маълум. Оддий почта орқали бирор мактуб ёки китобни юборсангиз, ҳаво йўли орқали энг тез тарзда етказишга катта микдорда пул тўласангиз ҳам кўзлаган одамингизга бир неча кунда етиб боради. Электрон почтада эса уйингиздан чиқмай исталган ҳажмдаги манбани дунёнииг энг олис бурчагига ҳам бир зумда етказиш мумкин. Бу борада биз кўпроқ таълим жараёнида эътибор қаратилаётган Telegram ёки бошқа мессенжерларга эътибор берамиз.

Албатта, мессенжер ва электрон почта жуда катта қулайлик, бу ҳақда фикр юритган киши учун улкан неъматдир. Қўйида бу борадаги айрим мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз:

3. Мессенжер, электрон почта ва улар орқали муомала қилишни худди жонли мулоқот каби ҳис этиш керак. мессенжер ва элекгрон почта орқали қилинадиган муомаланинг осонлиги, унда ўзининг кимлигини яшириш қулайлиги кишини алдаб қўймаслиги керак. Унинг бундай номаъкул ишини одамлар кўрмагани билан сирлар қачондир барибир ошкор бўлишини унутмаслик керак.

4. Мессенжер ва электрон почта орқали нотаниш одамларга турли хабарларни тарқатиш ҳам одобдан эмас. Ҳозирда мессенжер ёки электрон почтани очсангиз, турли нотаниш шахсларнинг кераксиз мактублари бирин-

кетин чиқиб келишини кўрасиз. Булар почта эгасининг дилини хира, ўзини овора қилади. Уларни ўчиришга вақт кетади. Мазкур сурбетлардан қутулиш учун турли техник мосламалар излашга тушади. Улар ҳам истаганидек ёрдам бера олмайди. Ҳатто баъзи одамлар маҳкамаларга (судга) мурожаат килишгача борадилар.

5. Энг муҳими, мессенжер ва электрон почта орқали муомалани юксак даражадаги одоб асосида олиб бориш талаб этилади. Одобли инсон ҳамма жойда, ҳамма вақтда барча билан фақат гўзал муомала қилишга одатланиши керак. Ўзи билан муомалада бўлган ҳар қандай шахсда фақат ўта гўзал таассурот қолдириши лозим. Бу нарса унинг мессенжер ва электрон почтадаги муомаласида ҳам барқ уриб туриши керак. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, хар бир фуқаро интернетдан фойдаланишнинг умумий одобларини ўзида шакллантирган бўлиши лозим, айниқса педагоглар бу маданият ва ахлоқ кўникмаларида ибрат, намуна бўлишлари лозим.

ПЕРСПЕКТИВЫ КОММУНИКАТИВНОЙ СРЕДЫ СОВРЕМЕННОГО ВУЗА (СОЦИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ)

Шамионова К.Р. *– магистрант НУУз*

Образование играет ключевую роль в подготовке кадров для всех сфер человеческой деятельности, в обеспечении научно-технического прогресса, сохранении и развитии культуры. Изменение информационно-коммуникационных технологий, появление различных способов коммуникации оказывает ощутимое влияние на общество. Общество трансформируется и развивается; год за годом появляются новые профессии, которые требуют новых знаний, умений и навыков. Высшее образование, которое нацелено на подготовку квалифицированных кадров в различных сферах общества, не успевает адаптироваться к новым требованиям времени, что порождает кризис**.**

Кроме того, многие учебные заведения стран СНГ, в частности Узбекистана, не успевают за быстрыми изменениями рынка труда, и зачастую, выпускают специалистов высокого уровня, но тех, кто не владеет компетенциями, которые требуются на рынке «в данное время» или будут востребованы в ближайшие 10-20 лет. Ввиду всего этого встает проблема коммуникации вузов и работодателей, а также стратегического управления подбором, наймом и адаптацией молодых специалистов.

Переход к рыночным отношениям Республики Узбекистан потребовал существенных изменений в подготовке и переподготовке кадров. С начала 90-х годов уже разработано и апробировано несколько поколений государственных стандартов высшего образования, отработана система лицензирования и аккредитации вузов, в высших учебных заведениях накоплен определенный опыт внедрения двухступенчатой системы образования – бакалавриата и магистратуры; развиваются направления меж-

дународного сотрудничества в области подготовки специалистов высших учебных заведений.

Более того, 8 октября 2019 года, Президент Республики Узбекистан Мирзиёев Ш.М. утвердил Концепцию развития высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года. В рамках данной концепции, планируется вывести вузы Узбекистана на новый уровень, который будет соответствовать международным стандартам[1].

Согласно докладу Всемирного банка по анализу сектора образования от 27 декабря 2018 года средства, расходуемые Узбекистаном на высшее образование – 5% от бюджета образования – являются одними из самых низких в мире. Только две другие страны – Восточный Тимор (4,1%) и Кыргызская Республика (4,6%) – выделяют на высшее образование меньше своего образовательного бюджета, согласно данным, проанализированным при подготовке упомянутого доклада ВБ. Большинство стран тратят на высшее образование около 20% своего образовательного бюджета, а некоторые страны тратят значительно больше, как например, Австрия (35,5%). Узбекистан тратит на высшее образование 0,3 процента ВВП, а показатель охвата высшим образованием в Узбекистане очень низок – 9%. В других странах с относительно низким уровнем расходов на высшее образование, таких как Казахстан (0,35% от ВВП), а также Беларусь и Россия (0,8% от ВВП), охват высшим образованием составляет 50 процентов, 87% и 82%, соответственно. Эти цифры позволяют предположить, что Узбекистан не только расходует ограниченные ресурсы на высшее образование, но и его расходы соответствуют более низким показателям приема в вузы по сравнению с другими странами с низкими уровнями затрат[2].

Образовательная среда ВУЗа – один из важнейших столпов любого современного государства, стремящегося сохранить свою независимость, идентичность, конкурентоспособную экономику, культуру, социальный генофонд. Предназначение, миссия любого современного вуза заключается в том, чтобы за счет фундаментальной образовательной и воспитательной подготовки молодежи осуществлять последовательные и эффективные инновации в окружающем мире.

Коммуникативная среда ВУЗа – это пространство, где может осуществляться подготовка активного, творческого, свободного человека, который ориентирован в своей жизни на высокие достижения, на общий успех окружающих его людей, организаций, сообществ. Таким образом, все виды учебной и внеучебной деятельности должны быть направлены на развитие коммуникативной составляющей[3].

В настоящей работе под коммуникацией будет пониматься взаимодействие вузов и работодателей, которые в свою очередь выстраивают

[1] Указ Президента Республики Узбекистан об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года. – Узбекистан, Ташкент, 8 октября 2019 г., № УП-5847.
[2] Всемирный банк. Анализ сектора образования Узбекистана. 2018 – 11 с.
[3] Артюхова Т.Ю., Автушко Л.И., Ахтамова С.С. Монография «Профессиональное образование: теория и практика. НГТУ, Новосибирск, 2011. – 325 с.

сети взаимодействия на основе согласия и взаимного учета интересов друг друга в целях повышения эффективности и качества образования и удовлетворения спроса на профессиональные компетенции кадров на рынке труда. Процессы взаимодействия выстраиваются на основе обеспечения должной коммуникативной среды и наличия двусторонних связей.

Особенностью использования коммуникации в образовании является то, что она означает не только процесс передачи информации, но и обмен информацией.

во-первых, установлено, что коммуникация является основой взаимодействия, поэтому, когда речь заходит о взаимодействии, оно сразу же понимается как взаимодействие.

во-вторых, коммуникация основывается на взаимном обмене информацией, что предполагает взаимодействие между партнерами и наличие обратной связи.

в-третьих, коммуникация – это процесс, для которого характерно изменение во времени.

Инновации в области коммуникации являются мощным ресурсом для развития образовательных и культурных учреждений в современном обществе. Формирование интегрированной системы коммуникаций позволяет повысить эффективность взаимодействия государственных учреждений в рамках совместной реализации значимых социально-культурных и финансово обоснованных проектов. Развитие единого информационно-коммуникационного пространства способствует эффективной реализации как целевых программ развития конкретных образовательных учреждений, так и национальных инициатив в области модернизации образования.

Интеграция университета в социальную, культурную и экономическую жизнь города, региона и страны является основной целью его коммуникационной политики. Высокая практическая направленность образования и его связь с реалиями экономической ситуации должна стать уникальной характеристикой современного университета. Высшее образование должно отвечать потребностям страны, общества и личности. Сотрудничество университета с предприятиями различного масштаба обеспечивает основу для формирования общественного спроса на человеческие ресурсы, от которого университету следует отталкиваться при формировании учебной программы, комплекса учебных дисциплин и практик для подготовки студентов. В процессе обучения в университете студент должен развивать навыки и профессиональную компетентность, которые будут востребованы в современном обществе[1].

Таким образом, актуальной является задача выработки эффективных моделей взаимодействия организаций и высших учебных заведений в процессе подбора, найма и адаптации молодых специалистов предприятия.

[1] Ильин А., Леонтьева Л. Актуальные инструменты формирования предпринимательских компетенций в сфере высшего образования // Человеческий капитал и профессионально образование. – 2015. – № 4.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ НУТҚИДА БУЗИЛИШИ БОР БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДИАГНОСТИКАСИ

Шермаматова М.С. *– ЎзМУ магистранти*

Мактабгача таълим муассасасида мактабгача ёшдаги боланинг нутқини ривожлантириш диагностикаси мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим бўлади:

- боланинг нутқининг ривожланиш даражасини аниқлаш;
- боланинг нутқини ривожлантиришга индивидуал равишда дифференциаллаштирилган ёндашувни амалга ошириш;
- маълумотларни ёзиб олишни, маълумотларни тўплашни ташкил этиш.

Мактабгача таълим муассасасида мактабгача ёшдаги боланинг нутқини ривожлантириш диагностикасини амалга оширишнинг долзарблиги қуйидагилар билан асосланади:

Диагностика – бу боланинг жамиятда муваффақиятли ижтимоий-лашувини амалга оширишни таъминлайдиган чора-тадбирлар тизимидаги муҳим босқич. Айнан нутқни ривожлантириш диагностикаси муайян оғишларни аниқлашга, унинг психофизик хусусиятларига мос келадиган болани индивидуал психологик ва педагогик қўллаб-қувватлашга имкон беради.

Болалар нутқини ривожлантиришдаги оғишларни ўз вақтида аниқлаш ва ўз вақтида тузатиш болаларни мактабга сифатли тайёрлаш учун зарур шартлардир.

Нутқни ривожлантириш диагностикаси қуйидаги шартларни таъминлайди:

- сўров натижаларини сифатли таҳлил қилиш (йўл қўйилган хатолар, мустақиллик даражаси, вазифаларни бажариш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда);
- олинган маълумотларни миқдорий шаклда талқин қилиш (баллар билан белгилаш);
- ёш меъёрига мувофиқ вазифаларни танлаш (4-5 ёш, 5-6 ёш, 6-7 ёш болалар учун нутқ тестлари ҳар хил бўлиши керак);
- нутқни ривожлантириш динамикасини ва тузатувчи ҳаракатлар самарадорлигини кузатиш;
- тўлдиришнинг ихчамлиги;
- болалар нутқининг жуда кўп сонли мисоллари;
- бошқа мутахассисга ҳужжатни таҳлил қилиш ва режалаштирилган ишни давом эттириш имконияти.

Нутқни ривожлантириш диагностикаси қуйидагиларга имкон беради:

- болалар нутқининг ривожланиш даражаси ва нутқга тайёрлиги тўғрисида объектив баҳо олиш;

– болалар билан ўқув-тарбиявий ва тузатиш ишларини режалаштириш;

– дастурий умумий таълим ва тузатиш вазифаларини танлаш;

– ривожлантирувчи таълимнинг замонавий усуллари ва технологияларидан фойдаланиш;

– мавзуни ривожлантирувчи муҳитни яратиш;

– болалар билан кичик гуруҳ ва индивидуал ишларни ташкил этиш;

– кичик гуруҳларни ёллаш;

– ҳар бир бола учун вақтинчалик иш юкини аниқлаш.

Нутқ ривожлантиришидаги бузилишлар диагностикасининг турлари мавжуд:

– скрининг;

– дифференциал;

– чуқур.

Скрининг диагностикаси (нутқида нуқсони бўлган болаларни олдиндан, тахминий аниқлаш) логопедлар томонидан ўтказиладиган болаларни мунтазам профилактик текширувлари орқали амалга оширилади. Дастлабки диагностика асосида дифференциал диагностика олиб борилади, бу ушбу нутқ бузилишининг бошқаларга ўхшашлигини намоёнларга ўхшашлигини белгилайди. Мутахассис фақат ушбу болага хос бўлган индивидуал хусусиятларни аниқлашга қаратилган чуқур диагностика ўтказади. Чуқур диагностика бутун ўқув йили давомида логопедиянинг турли усулларидан фойдаланган ҳолда, биринчи навбатда, болалар ва уларнинг нутқини дарсда ва бошқа режим пайтларида кузатиб бориш орқали амалга оширилади.

Нутқнинг бузилишини диагностика қилиш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

– кенг қамровлилик тамойили;

– мураккаблик тамойили;

– онтогенетик тамойил;

– изчиллик тамойили;

– олинган маълумотларни миқдорий ва сифатли таҳлил қилиш тамойили.

Уларнинг сўзларига кўра, нутқида нуқсони бўлган болаларни текшириш нафақат нутқнинг турли жиҳатларини, балки нутқдан ташқари жараёнларни ҳам ўрганишни ўз ичига олади. Нутқни бузиш шаклини аниқлаш учун нутқ терапевти нутқ нуқсонларининг иккита таснифига асосланади: клиник-педагогик ва психологик-педагогик.

Экспертизанинг онтогенетик принципи онтогенезда нутқни ривожлантириш қонуниятлари тўғрисида билимни назарда тутади. Логопедик текширув муттасиллик принтсипига асосланади, уни амалга ошириш нутқ ва тилни алоқа воситаси сифатида тизимли ташкил қилишни ҳисобга олишни ўз ичига олади. Боланинг нутқини тизимли таҳлил қилиш тузатиш ва ривожланиш таълимида дифференциал ва индивидуал ёндошиш

учун асосдир. Логопедик текширувнинг яна бир муҳим принципи – олинган маълумотларни миқдорий ва сифатли таҳлил қилиш принтсипи. Миқдорий баҳолаш нутқ ҳолатини етарлича акс эттириш, таққосланадиган натижаларни олиш, нутқ бузилиши бўлган болалар ривожланишидаги умумий ва индивидуалликни аниқлаш, динамикада тузатиш ишлари натижаларини объектив баҳолаш имконини беради.

Ҳозирги вақтда бир қатор нутқ терапиясини текшириш, шу жумладан миқдорий ва сифатий баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган ва адабиётларда келтирилган:

– мактабгача ёшдаги болаларда изчил нутқни текшириш методикаси (В.П. Глухов);

– мактабгача ёшдаги болалар ўртасида сўз ясалишини ўрганиш усуллари (Т.В. Туманова);

– 5-7 ёшли болаларда дислекцияга мойилликни эрта аниқлаш учун скрининг техникаси (А.Н. Корнев) ва бошқалар.

Диагностика босқичлари қуйидаглардан иборат:

I босқич. Ташхисий ва ташкилий:

– ўқув йили бошида диагностика, логопед ва тарбиячи-психолог иштирокида болаларни ҳар томонлама комплекс текширувдан ўтказиш;

– диагностика маълумотларини алмашиш, логопедия хулосасини аниқлаштириш;

– ўқитувчилар, мутахассислар ва ота-оналарнинг болалар билан коррекцион-ривожлантирувчи ишларни олиб боришга ахборот тайёрлигини шакллантириш.

Текширув натижалари нутқ картасида қайд этилади, диагностика жадваллари шаклида тузилади ва ҳар бир бола учун индивидуал иш режаси тузилади.

Диагностик текширув маълумотлари коррекцион-таълимий ишларнинг вазифалари ва мазмунини аниқлашга имкон беради. Коррекцион-ривожлантирувчи таълим ва тарбиянинг бутун жараёни диагностик асосда қурилган бўлиб, унда индивидуал равишда дифференциаллаштирилган ва шахсга йўналтирилган ёндашувлар амалга оширилади.

II босқич. Асосий (оператив ва башоратли):

– амалга оширилаётган дастурларга хос бўлган муаммоларни ҳал қилиш;

– товушларни кўпайтириш динамикасини кузатиш.

Овозли талаффуз бўйича сўровнома ўтказилади. Мониторинг маълумотлари нутқ терапиясининг болаларга таъсирини, айрим мутахассислар ва ота-оналарнинг тузатиш ишларига жалб қилиш даражасини ўз вақтида тузатишга имкон беради.

Таҳлил асосида тузатувчи ҳаракатнинг ўлчови ва моҳияти аниқланади, йилнинг иккинчи ярмида тузатиш ва ривожлантириш ишларининг мақсад ва вазифалари аниқланади.

III босқич. Якуний (назорат ва диагностика):

– дастурни ассимиляция қилишнинг сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш, шахсий, ақлий ва нутқ ривожланишида юз берган ўзгаришларни ўрганиш;

– тузатиш ва ривожлантириш ишлари натижалари сифати ва барқарорлигини, нутқ тизимининг асосий таркибий қисмларини шакллантириш даражасини баҳолаш (болаларнинг динамикаси ва ютуқлари хусусияти қайд этилган).

Якуний диагностика – нутқни ривожлантиришдаги ютуқларни бирламчи текширув маълумотлари билан таққослаш (яъни коррекцион-таълимий жараён натижаларининг нисбий муваффақияти мезонига таяниш) болаларнинг нутқ қобилиятлари кенгайишида озми-кўпи аниқ ижобий динамикани ўрнатишга имкон беради. Шу билан бирга, мутлақ муваффақият мезонидан фойдаланиш керак, бу боланинг нутқининг ривожланиш даражасини ҳал қилувчи бўлган шартли ёш стандарти билан таққослашни назарда тутади.

Диагностиканинг якуний босқичи нафақат нутқ терапияси ишининг бола билан ишлашини баҳолашни, балки ҳар бир иштирокчининг коррекцион-тарбиявий жараёндаги иштироки даражаси ва моҳияти тўғрисида маълум бир қарорни ишлаб чиқишни англатади. Иш сифатини баҳолаш, иш натижаларини умумлаштириш келгуси ўқув йили учун келгуси таълим истиқболлари ва логопедик ишларни оптималлаштириш йўлларини белгилашга имкон беради.

Диагностика блокининг вазифаларини ваколатли ҳал қилиш ва ишлаш керак бўлган муаммоларни белгилаш кўп жиҳатдан нутқ терапевтининг кейинги фаолиятининг муваффақиятини олдиндан белгилаб беради, тузатиш ҳаракатлари шакллари, усуллари ва мазмунини аниқлашга ёрдам беради. Бошқа томондан, коррекцион-нутқ иши давомида фикр-мулоҳазаларни ўрнатиш ва унинг натижаларини кузатиш учун асос яратилади.

Учинчи, якуний босқичнинг натижаси – бу нутқ терапияси ишини тугатиш (битирув) ёки тузатувчи нутқ ишини давом эттириш (боланинг нутқ терапияси гуруҳида бўлиш муддатини узайтириш).

Болаларда нутқни ривожлантиришнинг тақдим этилган диагностикаси:

– аниқ ёшга йўналтирилган ва мураккаб характерга эга;

– нутқ ҳолатини ўрганиш ва натижаларини аниқлашнинг тизимли характерини, ўқувчилар нутқининг ривожланиш хусусиятларини кузатиш динамикасини акс эттиради;

– нутқни долзарб ва долзарб ривожлантириш йўналишларини аниқлашга ёрдам беради;

– нутқнинг ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда болаларга табақалаштирилган таълим ва тарбия бериш учун асос яратади.

Болаларнинг нутқини ривожлантириш диагностикаси баҳолаш мезонларига асосланади, унга асосан баллар қўйилади, нутқнинг ривожланиш даражаси баллар йиғиндиси билан белгиланади.

Шу билан бирга, нутқ жараёнлари ҳолатининг миқдорий хусусиятларини акс эттирадиган индивидуал нутқ профили нутқ терапияси текшируви натижаларини сифатли таҳлил қилишга қаратилган нутқ харитасини алмаштирмайди. Миқдорий ва сифатий ёндашувларнинг комбинатсияси нутқ ҳолатини баҳолашнинг объектив кўринишини, аниқроқ нутқ терапияси хулосасини беради.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АКАДЕМИК МОБИЛЛИК МАСАЛАСИ

Юсупов Ф. *– ЎзМУ магистранти*

Глобаллашув инсонлар одатий турмуш тарзининг деярли ҳамма соҳаларининг ўзгаришига олиб келди. Шу жумладан, бу ўзгаришлар илм-фан ва таълим соҳасида ҳам ўз аксини намоён этиб, таълим тизимида янгича восита, технологиялар қўллаш билан бирга, классик таълим тизимининг кескин ривожланиши, янги босқичга, масштабга кўтарилиши жараёнига олиб келмоқда.

Ҳозирги кунда халқаро академик мобиллик олий таълим сифатини белгиловчи асосий мезонлардан биридир. “Академик мобиллик – олий таълим муассаси талабаларининг муайян вақт мобайнида республика ёки чет элдаги бошқа бир олий таълим муассасига ўқиш мақсадида бориши”[1]. Академик мобиллик фақатгина ўзида талабаларни эмас, балки умумий таълим соҳасига боғли ҳаммани, талабалар, ўқитувчилар ва тадқиқотчиларни ҳам ташкил қилиб, маълум бир ўқув йили (ёки муайян муддат) сўнггига қадар бошқа ўқув муассасида таълим олиши, ўқув даври тугагандан сўнг асосий ўқув жойига қайтишини билдиради. Тушунчанинг маъноси чет элга доимий ўқиш ва ишлашга алоқадор эмас.

Бу жараён юқорида кўрсатилганлардан бошқа университет раҳбарияти билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Асосан, бу алмашинув ҳар икки таълим муассасининг таълим жараёнини, дарсларни ташкил этиш, уларнинг олиб борилиши, яратилаётган шароитлар, ўзига хосликлар, умуман айтганда, ютуқ ва камчиликлар бўйича реал, амалий маълумотларга эга бўлиши, фикр алмашиши ва янгиликларни ўз таълим муассасида тадбиқ этиш имкониятга олиб келади. Бу эса, кадрлар профессионалигининг ва таълим жараёни сифатининг яхшиланишига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Турли даврлардаги академиялар ва университетлар, мадрасалар доирасида шаклланган таълим ва илмий муҳит халқаро академик мобиллик тизимининг ишлаб чиқилишига ва унинг тамойиллари ва механизмлари шаклланишига ёрдам берди, шу сабабли академик мобилликни таълим тизими учун таниш ҳодиса, десак тўғри бўлади. “... Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Ҳирот шаҳарларининг маданият ва илм марказига айланиши, бу ерларда бошқа жойлардан кўра ижод учун шароитнинг яхшилиги ўз-ўзидан

[1] (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020-у., 09/20/824/1689-son)

хорижий олимлар, шоирлар, санъаткорларнинг бу ёқларга «оқиб келиши»га сабаб бўлган. Бунинг исботи сифатида Улуғбек Академиясида фаолият кўрсатган эронлик, румлик олимларни эслайлик. Масалан, Улуғбек расадхонаси, унинг илмий мактабида изчил фаолият кўрсатган эронлик машҳур олим Ғиёсиддин Коший ана шундай олимлардан бири эди. Унинг ўзи, Эронда юлдузлар илмига эътибор сусайиб, аксинча, Самарқандда бу борада барча шароит борлиги сабаб ҳам Мовароуннахрга юзландим, деб ёзганди”[1].

2020 йил 31 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарорда академик мобиллик, мобиллик дастури, кредит-модуль тизими масалалари кўриб чиқилиб, айнан академик мобиллик доирасида талабалар, ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий муассасаларида ўқитилиши, стажировка ўташи масалаларига тўхталган. Жумладан, олий таълим муассаси кенгаши қарори асосида: олий таълим муассасида 3 йил ишлаб беришни назарда тутувчи шартномани расмийлаштирган ҳолда, профессор-ўқитувчиларнинг нуфузли хорижий таълим ташкилотлари ва илмий муассасаларида стажировка ўташи ва малака ошириши; олий таълим муассасасида 5 йил ишлаб беришни назарда тутувчи шартномани расмийлаштирган ҳолда, ўқитувчиларни нуфузли хорижий таълим ташкилотлари ва илмий муассасаларининг докторантура дастурлари асосида ўқитиш билан боғлиқ ҳаражатларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда академик мобиллик доирасида қатор ҳамкорлик дастурлари фаолият олиб бормоқда. Улардан “TEMPUS” 1994 йилдан, “ERASMUS MUNDUS” 2004 йилдан, “Alfa”, “Edulink”, шу билан бирга 2003 йили ёш педагог ва илмий ходимларини малакасини ошириш мақсадида ташкил қилинган “ISTE’DOD”ни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Чет элда номзодлик ишларини тугатганларга, Ўзбекистонда педагогик фаолиятини олиб бориш учун шароитлар яратишда сезиларли ютуқларга эришилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 246-сонли Қарорига мувофиқ университетлардаги ўқув лавозимларига қабул қилишда ишга жойлашишнинг барча масалалари ҳал этилди.

Академик мобиллик таълимнинг миллийдан халқарога ва халқародан миллийга “алмашинув”и натижасида ҳар икки тараф манфаатдор. Буни ҳар қандай давлатнинг академик мобиллик жараёнидаги таълим тизимидаги ривожланиш динамикасидан кўриш мумкин.

Жаҳон илмининг бириктирувчи ва коммуникативлик вазифалари ортиб бормоқда, бу эса дунёвий таълимнинг шаклланишига ёрдам бермоқда. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, академик мобиллик замонавий

[1] Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент.: Шарқ, 2001. – Б. 200.

таълим тизимининг асосий белгиларидан бўлиб улгурди. Бу алмашинув – таълим хизматларини экспорт ва импорт қилиш жараёнидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш учун, энг аввало ҳудудлар кесимида соҳа мутахассисларига бўлган эҳтиёж, ички ва ташқи дунёдаги мобиллик ҳолати ҳақидаги тадқиқотларни янада ривожлантириш лозим, деб ўйлаймиз.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҚОБАТ МАСАЛАЛАРИ СОЦИОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

Ҳамзаев Б.И. *– ЎзМУ таянч докторанти*

Таълим соҳасида рақобат аҳолининг таълим эҳтиёжларини қондириш учун таълим ташкилотлари ўртасидаги рақобатни англатади. Кенг маънода рақобат ҳар қандай соҳада, ҳар қандай фойда олиш мақсадидаги кураш маънисини англатади. Иқтисодиётда биз хўжалик юритувчи субъектлар (биринчи навбатда, фирмалар) рақобати ҳақида гапирамиз ва бундай рақобат бозор шароитининг алоҳида бозор иштирокчилари хулқ-атворига боғлиқлиги даражаси билан белгиланади. Шунинг учун иқтисодиёт назариясида бозор тузилмаларининг тўрт тури мавжуд: мукаммал рақобат, монополистик рақобат, олигополия ва монополия, уларнинг биринчиси ва охиргиси юқори даражадаги абстракциялардир, иккинчиси ва учинчиси – номукаммал рақобат вариантлари сифатида – замонавий бозорларни жуда яхши таърифлайди.[1]

Таълим тизими, ундаги масалалар, ўқитувчи-мураббий ҳалқига бўлган муносабатни ҳурматли Президентимиз қуйидагича таъкидлаб шундай деди, – “Ҳаммамиз азиз фарзандларимиз ҳаёти ва тақдирини ўқитувчи ва мураббийларга ишониб топширамиз. Мана шундай беқиёс бойлик посбонлари, келажак бунёдкорлари бўлган бу мўътабар зотларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз керак”.[2]

Таълим ташкилотларининг, айниқса, олий таълим соҳасида фаолият юритиш амалиёти шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда рақобатни шакллантиришнинг асосий омиллари қуйидагилардан иборат:

– таълим эҳтиёжларини қондириш учун турли таълим дастурларини, турлича режим ва даражадаги нодавлат таълим ташкилотлари сонининг ортиши;

– давлат топшириқлари бўйича танловда нафақат давлат таълим ташкилотлари, балки нодавлат таълим хизматлари потенциал сотувчилари сонини оширувчи иштирок этиш имконияти ортиши;

– оғир бюджет чекловлари қаршисида давлат вазифасининг кўламини камайтириш ва тузилишини ўзгартириш;

---

[1] Макконнелл К.Р., Брю С.Л., Флинн Ш.М. Экономикс: принципы, проблемы. – Москва: INFRA-M, 2013. – С. 19.

[2] Мирзиёев Ш. “Таълим-тарбия тизими: тараққиётнинг янги босқичи муҳокамаси” // Халқ сўзи. Сиёсат саҳифаси //online //30.10.2020

– бир глобал таълим маконини шакллантириш ва потенциал стажёрларнинг ҳаракатчанлигини ошириш, бир томондан, рақобатчилар сонининг ошиши билан бирга, бошқа томондан-ўқитувчиларнинг юқори сифатли ходимларини жалб қилиш таълим ташкилотлари ўртасида рақобатнинг мавжудлиги улар фаолиятининг барча соҳаларига сезиларли таъсир кўрсатади.

"Рақобат муҳити", "рақобат устунликлари", "рақобат позицияси", "рақобатдошлик" тушунчалари таълим ташкилотларининг бозор иштирокчилари сифатидаги касбий ишининг мазмуни ва шаклларини белгиловчи омиллар таркибига тобора кўпроқ киритилади. Рақобатбардош муваффақиятларга эришиш, уларнинг даражасидан қатъий назар, таълим ташкилотларининг касбий манфаатлари тизимининг ажралмас қисмига айланади. Унинг энг умумий шаклида рақобат афзалликларини аниқлаш, нисбатан яхшироқ рақобат позицияларини аниқлаш ва сақлаб қолиш ва рақобат муҳитини бутун ва алоҳида рақобатчилар, унинг иштирокчилари сифатида доимий ўрганиш асосида рақобатбардошликни мустаҳкамлаш демакдир.

Таълим ташкилотлари ўртасидаги рақобат, рақобат устунликларига эришишга қаратилган ҳаракатлар мажмуасидан бошқа нарса эмас. Рақобат афзалликлари билан, одатда, биз корхонанинг (ташкилотнинг) ҳар қандай соҳада (йўналишда) рақобатчиларга нисбатан афзалликларга эга бўлган ресурслари ёки бошқа хусусиятларини назарда тутамиз. Ҳар қандай таълим соҳасини очиш, янги таълим хизматини тарғиб қилиш ва маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш таълим ташкилотининг рақобат афзалликларини аниқлаш ва баҳолаш учун рақобат муҳитини чуқур таҳлил қилиш билан бирга олиб борилиши керак.

Таълим ташкилоти ўз фаолияти давомида нафақат бошқа таълим ташкилотларидан, балки бошқа ташкилот ва муассасалардан ҳам шу каби маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқарувчи турли ташкилий-ҳуқуқий шакл ва фаолият профиллари бўйича рақобатни бошдан кечиради. Бундан ташқари, берилган таълим ташкилоти амалга ошириши мумкин бўлган ўқув дастурлари қанчалик кенг бўлса, унинг рақобатчилари ҳам шунчалик катта бўлади. Ҳозирги кунда бу тушунча педагогик нуқтаи назардан алоҳида аҳамиятга эга. "Рақобатбардошлик", "университет талабаларининг рақобат-бардошлиги" ва "касбий рақобатбардошлик" тушунчаларини ўрганувчи аксарият муаллифлар уларнинг мазмунини илмий асослаб берадилар.

Истеъмолчиларнинг турига ва сотилган таълим хизматларига қараб таълим соҳасидаги рақобатчиларнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

– тўғридан-тўғри, бир хил истеъмол гуруҳларига ўхшаш таълим маҳсулотлари ва хизматларини таклиф қилиш (масалан, турли таълим ташкилотлари потенциал талабаларга бир хил даражаларда, йўналишларда ва профилларда таълим дастурларини таклиф қилади);

– бир хил истеъмолчиларга бошқа таълим маҳсулотлари ва хизматларини таклиф қилувчи билвосита (масалан, улар бир хил таълим

соҳасидаги таълим дастурларини таклиф қиладилар, аммо турли хил профиллар (даражалар) ёки тегишли соҳаларда таълим дастурлари);

– бир хил истеъмолчиларга бир хил йўналиш ва профил учун таълим маҳсулотларини таклиф қилувчи маҳсулотлар (масалан, турли ёндашувларга эга бўлган турли муаллифларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари бир хил йўналиш ва тренинглар учун мавжуд);

– шубҳасиз, бир хил истеъмолчиларга хизмат ёки қўшимча табиатнинг турли хил таълим хизматларини таклиф қилиш (масалан, қўшимча малака ошириш ва бошқалар).

Рақобатлашган бозор шароитида таълим ташкилотини муваффақиятли фаолият кўрсата олиш қобилияти "рақобатдошлик" тушунчасида белгиланади. Умумий маънода корхона (ташкилот) нинг рақобатбардошлиги унинг бозорда ўхшаш корхоналарга нисбатан рақобатга бардош бера олиш қобилиятини белгилайди. Рақобатбардошлик қанча юқори бўлса, рақобатчилардан турли позицияларда устун туриш имконияти шунча юқори бўлади.

Таълим соҳасидаги рақобатнинг кескинлашуви таълим ташкилотларининг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам берувчи омилларни аниқлаш зарурлигига олиб келади. Илмий адабиётларда бундай омилларнинг уч гуруҳи мавжуд:

1) таълим ташкилотининг макро ва микро муҳитдаги ўзгаришларга тез жавоб бера олиш қобилияти деб тушуниладиган динамик имкониятлар;

2) таълим ташкилоти ресурсларининг мавжудлиги ва самарали боғланиши (кадрлар малакаси, моддий-техника базасининг ҳолати, инфратузилманинг ривожланиши, шу жумладан инновациялар ва бошқалар туфайли ҳосил бўладиган ички афзалликлар.);

3) потенциал истеъмолчилар учун қийматни шакллантирадиган таълим хизматлари ва маҳсулотларининг ўзига хос сифатларига асосланган ташқи афзалликлар, шу жумладан:

- бошқа таълим ва илмий ташкилотлар, реал сектор корхоналари ва бошқалар билан тармоқлараро алоқалар;
- давлат бошқаруви органлари билан самарали ҳамкорлик механизмлари.

Турли муаллифлар олий таълим муассасалари рақобатбардошлигининг турли омиллари тўпламларини шакллантирадилар. Замонавий шароитларда олий ўқув юртлари рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омиллари:

- барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш;
- молиявий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлиги;
- мослашувчан нарх сиёсатини ишлаб чиқиш;
- юқори даражадаги моддий-техника жиҳозларини яратиш;
- инновацион таълим дастурларининг мавжудлиги ва улуши;
- педагог-ходимларнинг иш сифати;
- битирувчилар бандлигини таъминлашни ташкил этиш;
- халқаро алоқаларни ривожлантириш;

- тадқиқот ва инновация фаолияти самарадорлиги;
- ривожланган ижтимоий-маданий базанинг мавжудлиги;
- реклама фаолиятини фаоллаштириш;
- университетнинг ижобий имижини шакллантириш.

Уларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим йўли таълимнинг мақсади – тадқиқот ва инновация фаолияти самарадорлигини ошириш, чунки бу, бир томондан, университет ҳақида қулай жамоатчилик фикрини яратишга сезиларли ҳисса қўшади, иккинчи томондан, унинг рейтингини аниқлашда ҳисобга олинади.

Таълим муассасалари рақобатбардошлигини оширишнинг яна бир муҳим йўналиши йўналтирилган инновацион таълим дастурлари улушини оширишдан иборат:

- битирувчиларнинг ижодкорлик ва креативлилик қобилиятларини шакллантириш учун;
- ахборот-коммуникация ва интерфаол таълим технологияларидан фойдаланиш;
- ўқувчиларнинг касбий ва ижтимоий масъулиятини ривожлантириш;
- мутахассисларнинг умумий ва касбий маданиятини такомиллаштириш.

Таълим ташкилотининг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан меҳнат бозорида шаклланган ва (ёки) ривожланган касбий компетенцияларнинг ташувчиси бўлган битирувчиларининг рақобатбардошлиги билан боғлиқ. Битирувчиларнинг рақобатбардошлиги, ўз навбатида, уларнинг меҳнат бозоридаги талабига боғлиқ бўлиб, ўқув дастурини ўзлаштириш натижасида олинган билим даражаси ҳамда битирувчининг қобилияти ва шахсий сифатлари билан белгиланади.

Иш берувчиларнинг фикрига кўра, битирувчиларнинг рақобатбардошлиги қуйидаги омиллар билан тавсифланади:

- касбий фаолиятнинг замонавий технологияларини, шу жумладан ахборот ва компьютер компетентлигини билиш;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олиш;
- янги ғояларни ишлаб чиқариш қобилияти;
- музокаралар ва ишчи учрашувларни ўтказиш қобилияти;
- мансаб ўсишига интилиш, ҳаёт оптимизми ва бошқалар.

SOME ASPECTS OF EDUCATIONAL SYSTEM IN POLAND

Gulyamova S.T. *– Bukhara State University*

It was winter in 2017, India. At that time, I was studying at the English and Foreign Languages University in Hyderabad under ITEC Scholarship Program. Since I was so interested in gaining wide experience and knowledge in the fields of Contemporary Sociology and Sociological Research Methods, one of my classmates from Kyrgyzstan informed me about Lane Kirkland Scholarship

Program. He said that the Program would give me opportunities to learn foreign experience in the sphere of Sociology, to participate in the different scientific conferences and events, to complete my project work with necessary information and data; to learn Polish language and culture. I said: "Wow, great!!!" and at once I began looking for any useful information about the Program. When I checked internet, I was upset since the citizens of Uzbekistan couldn`t apply. At that time Uzbekistan and Tajikistan were not joined the Program in spite of the fact that other Central Asia countries were in the list of the participation countries. I said myself: "Why, it is discrimination"……but at that moment I could not imagine that I would be in Poland under Lane Kirkland Scholarship Program in 2.5 years.

It was winter in 2019, Bukhara, Uzbekistan. I was coming back home from my work. On the way home, I met my good colleague – Associate of Professor in Psychology, the former student of Erasmus Mundus Scholarship Program who studied in Poland – Jumayev Ulugbek Sattorovich. He congratulated me with my personal achievements since several days ago I came back to the home country from Israel (MASHAV Program) with new pedagogical intelligence and skills. At the end of our conversation, he said: "Do you remember you complained that Uzbekistan was not joined Lane Kirkland Scholarship Program. I have good news for you. Uzbekistan joins this academic year and you should submit your application form. I wish you much success from bottom of my heart. And I am sure you will be selected. Good luck".

It was at the end of July, 2019. I received the message from the coordinator of the Program. It was unforgettable day and even, I can say, historical day in my personal and professional life. Ulugbek Jumayev and my classmate in India from Kyrgyzstan were the first persons among my close friends with whom I shared my happiness and emotions…….

In 2019-2020 academic years, I studied at one of the famous universities in Poland – University of Wroclaw - under the Lane Kirkland Scholarship Program. According to my own experience, I would like to share with some aspects of educational system in Poland.

Let`s begin discussion about Lane Kirkland Scholarship Program. What kind of Program is it? Which opportunities give us this Program if we are accepted? Can we achieve professional goals and increase our abilities in taking part in this program? Why do we need to join the Kirkland team?

Lane Kirkland Scholarship Program is one of the popular fully funded programs in Europe. This program is for young professionals in the spheres of Sociology, Psychology, Economy, Marketing, Management, Business Administration, Biology, Law and Photography under the age of 35 from former Soviet Union countries except Latvia, Lithuania and Estonia. If a candidate is under the age of 40 with high professional accomplishments and progresses, he/she will be selected as well. Participating in this Program gives us the following possibilities: to study at one of the top universities in Warsaw, Wroclaw, Lublin, Poznan or Krakow; to work on your project work with skilled university professors; to learn Polish language, Polish history and culture; to visit to historical and modern cities and places in Poland; to attend in the local scientific conferences

and any scientific events related to your project topic and specialization abroad. Since Uzbekistan joined the program last 2019-2020 academic years, I was the first Uzbek woman who was accepted for this great program. So I am so grateful to Polish government that it considered me a worthy candidate and professional for being the part of the Kirkland team and for my unforgettable life in Wroclaw.

Now I prefer to share with some aspects of educational system in Poland. Attending in the lectures and seminal classes, working on the project work with the professor, preparing for exams and passing them successfully gave me a chance to gain wide experience and knowledge as pedagogue and professional-sociologist. First of all, I can say with confidence that I could improve my critical thinking. How could I achieve it? Writing critical reviews was obligation to pass exams for some subjects/disciplines. So I had to write critical reviews on scientific articles which were published in popular journals and International conference materials. Professors shared with us about 20-30 interesting articles in which were raised local and global problems and issues associated to the main idea, object and subject of a discipline/course. We chose one of them which was readable for us and wrote a critical review (about 7-8 pages) on it. As we know, plagiarism is not supported in any scientific paper; all opinions and points of view in a paper should be personal based on our own professional skills, abilities and knowledge. At that time, I understood deeply how it was difficult to criticize the ideas of somebody who had more experience and information in that scope than you. I had to read an article 4-5 times, sometimes 6 times to find any scientific and ideological mistakes. In addition, I had to leaf through dictionaries to understand each word in a text and to realize the whole meaning of an article. I tried to understand what an author wanted to say; why the title of an article was named like that; which questions an author preferred to raise; whether there were discussions and/or solutions of the raised problems; what kind of empirical sociological methods were used in solving those problems; by whom or by which organization were conducted a sociological research; why a researcher chose that method; whether a sociologist and/or an organization had a permission from government to conduct that research; who respondents were; on what basis those respondents were selected; whether their consents to be respondents in that research; whether we can trust the results of a conducted research; why we can trust and/or why we cannot trust gained results; whether a sociologist followed all ethical norms and aspects in conducting a sociological research; what was conclusion of an article. It was not enough to read one article to criticize it. You need to read more books and articles and plus you must have your own professional experience to criticize any points of view and opinions of authors. No doubt, criticism should be based on reliable facts and data since it is not scientific ethic to criticize somebody`s paper without any scientific arguments.

Secondly, attending in classes helped improving my creative thinking as well. As we know, creative thinking is also important factor to raise pedagogical and professional skills. How could I achieve it? During the classes we tried to explain texts with different ways: for instance, by using tables, graphs, bar charts, diagrams; by using games and psychological activities; by using colored papers

and colored pencils and so on. The practice shows that it is usually more understandable, clearer and easier for readers to understand the basis concept of papers. Explaining the fundamental idea and main meaning of a paper by using tables, graphs, bar charts, diagrams, games and psychological activities; colored papers and colored pencils helps to increase creative thinking in a person. Because a presenter will think different ways about that how to demonstrate and explain to audience his/her points of view and opinions clearer and easier.

So critical thinking and creative thinking are the most significant factors in pedagogical and professional activity of a person. And studying at University of Wroclaw, I could go up both of them. At the end of my speech, I would like to say I am really so happy and proud that I was the important part of the Kirkland team.

МУНДАРИЖА:

Кириш сўзи	3
I ШЎЪБА. СОЦИОЛОГИЯ ЗАМОН ВА МАКОНДА: СОЦИАЛ ХОТИРА, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТ ВА ИНСОН ОМИЛИ	
Бекмуродов М.Б. Янги Ўзбекистонда маърифий жамият барпо этилмоқда	4
Ташмухамедова Д.Г. Роль гуманитарного образования школьников в условиях развития социальных сетей	8
Рахимова Н.Х. Жамоатчилик фикри социологиясини ўрганишнинг замонавий тенденциялари ва тадқиқий стратегиялари	11
Инаков К.К. "Социал давлат" назарияси ва унда инсон омили масалалари	20
Алиқориев Н.С. Ўзбекистонда социологиянинг кечаги куни, бугуни ва келажаги ҳақида	22
Холбеков А.Ж. К вопросу формирования культуры социологического мышления	25
Умаров А.А. Мамлакатимизда инсон омилини ривожлантиришда беш ташаббуснинг ўрни ва аҳамияти	27
Убайдуллаева Р.Т., Холбеков А.Ж. Насущные задачи социологии на свете новых вызовов времени	31
Каланов К.К. Дунёнинг ижтимоий манзарасини социологик тасаввур қилишда танқидий мушоҳаданинг ўрни	36
Отамуродов С.С. Ижтимоий-инновацион тараққиётда фаол ёшлар гуруҳининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар	39
Машарипов Б.Р. Фуқаролик жамияти контекстида ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти	45
Камалова Х.С. Качество жизни старшего поколения как одно из приоритетных направлений социальной политики государства	47
Жиянмуратова Г.Ш. XX аср АҚШ ва Европа электорал социологияси тарихи	51
Мингбаева Н.И. Социология тараққиётида Шарқ мутафаккирлари ижтимоий қарашларининг ўрни	56
Музрабов С. Информационные технологии для прикладной деятельности социолога	58
Нишанбаева Э.З. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий шерикликнинг ўрни	61
Ойбеков О.О. Бошқарув кадрларининг салоҳиятини ошириш масалаларига доир	66
Расулова Н.С. Ижтимоий фикр – сиёсий партиялар фаолияти самарадорлигининг бош мезони	70
Рашидова Ш. Давлат инвестицион сиёсати – мамлакат ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шарти	73
Сатторова А.К. Бошқарув фаолияти профессионаллашув хусусиятларининг ретроспективлиги	75
Файзиева Ф.Б. Амалий социологиянинг ривожланиш тарихи	78
Хайдаров У. "Келажак билан тўқнашув" – футурологик қарашлар	80
Ҳожиев З.Ф. Давлат хизматчиси фаолиятини социологик баҳолашнинг айрим масалалари хусусида	82
Шодмонкулова М.М. Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий жараёнларида либерализм ғоялари	86
Эрназаров Б.О. Глобаллашув даврида Ўзбекистонда ахборот сиёсати ва унинг асосий хусусиятлари	88

II ШЎЪБА. ОИЛА, ЁШЛАР, ТУРМУШ ТАРЗИ ВА КУНДАЛИК ҲАЁТ СОЦИОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА	
Алиқориев Н.С., Каримова Н.Я. Ёш оилалардаги ажримларнинг социал омиллари	92
Аликариева А.Н., Каримова Н.Я. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш муаммолари	96
Хусанова Х.Т. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштиришда илмий тадқиқотларнинг аҳамияти	100
Гаффарова М.К. Роль и место социологических опросов в формировании мировоззрения граждан	101
Акрамов Х.Ф. Социал капитал индикаторларининг аҳоли турмуш сифатини оширишдаги имкониятлари баҳоланиши	104
Асамова У.А. Дома культуры – место творчества и досуга населения или насколько они востребованы в современном обществе	107
Ахмедова М. Глобал ахборот шароитида ёшлар маънавий-ахлоқий дунёқарашига ижтимоий омилларнинг таъсири	110
Бозорова Ў.Ш. Оила ва оила-никоҳ муносабатларининг жамиятдаги аҳамияти	113
Жалолов Ж. Замонавий жамиятларда ўрта синфнинг тутган ўрни ва Ўзбекистондаги улуши	115
Жиянмуратова Г.Ш., Олимов Ш. Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳотлар	117
Жиянмуратова Г.Ш., Валижонов Д. Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалалари	120
Исропилов М.Б. Жамият ижтимоий тараққиётида оила институтининг тутган ўрни	123
Йўлдошев Ш.И. Ҳуқуқий маданият ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш омили сифатида	127
Каримова Н.Я. Ёш оилалардаги ажримлар социал жараён сифатида	128
Мирзахмедов Х.А. Ёшларнинг онлайн социологияси: «тик-ток»лашув	131
Неъматова Д.Т. Камбағаллик глобал ижтимоий-иқтисодий муаммо сифатида	136
Рустамов Ф.Р. Бўш вақт қийматининг аҳамияти	138
Саидахмадова М.К. Влияние Интернета на сознание человека	141
Содиржонов М.М. Этносоциологик тадқиқотларда этник ўзини ўзи англашнинг моҳияти ва шаклланиши омиллари	143
Султанова Ф.М. Существенные отличия использования каналов массовой коммуникации в условиях научно-технического прогресса XXI века	148
Тешаев С.С. Ахборотлашган жамиятда ёшлар социал мобилик каналларининг таснифи ва психологик хусусиятлари	153
Тинибеков О. Коррупция ижтимоий иллат сифатида	156
Улфатиллаева С.С. Имом ал Бухорий ҳадисларида аёллар билан боғлиқ ҳадисларнинг фалсафий герменевтик таҳлили	159
Умарова И.А. Оила – муқаддас даргоҳ	163
Умарова Р.Ш., Мирзаев И. Оила жамиятнинг бирламчи асоси сифатида	168
Хидиров М.Ф. Ўзбекистон туризмини ривожлантиришдаги одил қадамлар	171
Шермухамедова О.У. Ижтимоий тармоқларда маданий муносабатлар интеграциялашуви хусусиятлари	174
Шодмонкулова М.М. Либерализм ғоялари миллий хусусиятларининг социологик таҳлили	177
Эрйигитова Л. Илк Ренессанс даври ўрта осиё олимларининг оилавий ажримлар ҳақидаги қарашлари	181

III ШЎЪБА. АМАЛИЙ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА “ШАХС ВА ЖАМИЯТ” МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ	
Каримов Б.Ш. Меҳр ҳодисасини бир ўлчамли шкала асосида баҳолаш	185
Каланова С.М. Маданий талваса	189
Ахмедова Ф.М. Шарқ мутафаккирларининг шахс баркамоллик қиёфасини яратишга қўшган ҳиссаси	191
Ахмедов Н.Х. Социал мобиллик – илмий тадқиқотнинг муҳим объекти	194
Абдурахимов А.А. Ўзини ўзи бошқарув тизимида ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш	200
Абдусаттаров М. Президент халқ қабулхоналари – давлат ва жамият ўртасидаги ноёб ижтимоий коммуникация институти	202
Адамбаев У.Х. Ишонч-эътиқодни шакллантиришда урф-одат ва анъаналарнинг таъсири	207
Аҳмедова Ш.Д. Ижтимоий рекламанинг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги аҳамияти	210
Дусов Қ.О. Ўзбекистонда социал синфларга муносабат ва уларнинг жамиятда тутган ўрни	213
Кахарова Н.Р. Блогосфера коммуникацион маконнинг бир қисми сифатида	216
Кузиев Р.Б. Шахс ижтимоий-психологик хавфсизлиги: ижтимоий-психологик ҳимоя механизмлари	219
Мусурмонқулов О.У. Ўзбекистон республикасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг муаммоларига оид	222
Набиева Н.М. “Ғоя”, “мафкура” тушунчалари ва ғоявий жараёнларнинг социологик таҳлили	224
Олимов Ф. Современное состояние изучения человеческого капитала	226
Тошқулов Х. Миграция жараёнларининг ижтимоий тараққиётга таъсири	230
Файзуллаев А. Жамият трансформациялашуви жараёнида ахборот хавфсизлиги муаммолари	232
Хакимов О. Жамоатчилик фикрининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни	234
Эргашев Т. Воздействие СМИ на общественное мнение и личностное мировоззрение	236
Қурбоналиева Ҳ. Ўрта шаҳар аҳолисининг демографик ва социо-маданий жиҳатлари	239
IV ШЎЪБА. ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА БАНДЛИК МАСАЛАЛАРИ СОЦИОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА	
Аликариева А.Н. Таълим сифатини бошқаришни такомиллаштириш муаммолари	245
Сеитов А.П., Собирова У.Ф. Специфика преподавания социологии в системе образования узбекистана	248
Абдуллаева Г.А. Педагогик ҳамкорлик асосида ўқувчиларни тарбиялашнинг самарадорлиги	251
Акрамов Х.Ф. Социология спорта: методология, проблематика, история становления и развития	253
Асамова У.А. Учебные центры в современном обществе Узбекистана	257
Баходиров Б.Б. Сифатли таълим истиқболли кадрлар етишиб чиқишининг муҳим омили сифатида	262
Бобоев Ш. Хорижий давлатларда меҳнат миграциясининг асосий йўналишлари ва қонунчилик асослари	266
Махамадиев М. Меҳнат низоларини бартараф этишда социал бошқарувнинг аҳамияти	268

Рахматов Н.Н. Профессор-ўқитувчилар меҳнат фаолиятининг кузатиш методига асосланган социологик муаммолари таҳлили	272
Раҳимжонов Ж. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини самарали бошқаришда раҳбар компетенциялари	276
Туратошева С.Р. Ўқув жараёнида таълим сифатини оширишда математик моделлаштиришнинг ўрни (социологик таҳлил)	278
Хайдарова Х.Х. Шаҳар экотизимида бандлик масаласи ва ишсизлик муаммолари (Самарқанд шаҳри мисолида)	283
Халикова У.М. Ўзбекистонда интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг касбий тайёргарлигида таълим тизимини такомиллаштириш	285
Хамрокулова Ш.Э. Экологик таълим-тарбия механизмларини такомиллаштириш-да социологик сўровлар ўтказишнинг аҳамияти	288
Худойқулов Х.Ж. Масофавий таълим жараёнида интернет мулоқоти одоби	290
Шамионова К.Р. Перспективы коммуникативной среды современного ВУЗа (социологический анализ)	293
Шермаматова М.С. Мактабгача ёшдаги нутқида бузилиши бор болалар нутқини ривожлантириш диагностикаси	296
Юсупов Ф. Олий таълим тизимида академик мобиллик масаласи	300
Ҳамзаев Б.И. Таълим тизимида рақобат масалалари социологик муаммо сифатида	302
Gulyatova S.T. Some aspects of educational system in Poland	305